


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



Ҳакимова М.Ф., Мусаханова Г.М.

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА

фанидан

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА



ТОШКЕНТ

371(07)

Х20

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎRTA MAHSUS
TALIM VAZIRLIGI

TOHKENT DAVLAT IKTISODIYET UNIVERSITETI

Handwritten signature

Handwritten number: 1-16

Хакимова М.Ф, Мусаханова Г.М.

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА
фанидан

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

836603

TDIU
kutubxonasi

Handwritten number: 2/3

TOHKENT – 2012

Ҳакимова М.Ф., Мусаханова Г.М. Касбий педагогика. Ўқув қўлланма. – Т. ТДИУ, 2012 й.- 306 б.

Бугунги кунда олий таълимнинг асосий вазифаларидан бири замонавий таълимий-касбий дастур асосида юқори самарали таълим жараёнини ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш ҳисобланади. Ушбу ўқув қўлланмада касбий педагогика курсининг фанлар тизимида тутган ўрни, мазмуни, мақсад ва вазифалари, касбий таълим педагогикаси қонуниятлари, касб таълими тамойиллари, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти, ўқув жараёнида ўқитиш воситалари, замонавий педагогик технологиялар, талаба ёшларни маънавий-ахлоқий кадриятлар руҳида тарбиялаш вазифалари ва унинг имкониятлари қабилар ўрин олган.

Мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

Ҳакимова М.Ф., Мусаханова Г.М. Профессиональная педагогика. Учебное пособие. – Т. ТГЭУ, 2012 г.-306 с.

Одна из основных задач современного высшего образования считается подготовка профессиональных кадров и высокого эффективного процесса обучения на основе современных образовательно-профессиональных программ. В данном учебном пособии курса «Профессиональной педагогики» нашли свое отражение цель, задачи, содержание, место данного курса в системе наук, закономерности профессиональной педагогики, принципы профессионально образовательной педагогики, государственные образовательные стандарты профессионального обучения, приёмы обучения в процессе образования, современные педагогические технологии, задачи воспитания у студентов духовно-нравственных традиций и их возможности.

Данное учебное пособие предназначено для студентов высших учебных заведений.

ТДИУ Ўқув –услугий кенгаши тамонидан 2012 йил 08 июлидаги мажлис баёни асосида бакалавриятнинг “Касб таълими (Информатика ва ахборот технологиялари)” йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	4
I БОБ	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА.....	6
1-мавзу:	Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогика.....	7
II БОБ	ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ.....	19
2-мавзу:	Педагогика фанининг методологик асоси.....	20
3-мавзу:	Ўзбек халқ педагогикаси. Унинг таълим-тарбияда тутган ўрни.....	30
4-мавзу:	VII – IX асрларда Мовароуннаҳрда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар.....	37
5-мавзу:	Шарқ уйғониш даври ва бу даврда педагогик фикр тараккиёти.....	45
6-мавзу:	XIV – XV – асрларда Темур ва темурийлар даврида ижтимоий ҳаёт, маданият, таълим – тарбия.....	62
7-мавзу:	Марказий Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий ҳаёт, таълим – тарбия ва педагогик фикр тараккиёти.....	68
8-мавзу:	Жаҳон педагогика фани ривожланиш тарихи.....	78
9-мавзу:	Европа мутафаккирлари таълим – тарбия ҳақида.....	85
III БОБ	КАСБИЙ ПЕДАГОГИКАДА ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ.....	91
10-мавзу:	Касб таълимида тарбия назарияси.....	92
11-мавзу:	Оилада тарбия асослари. Ҳозирги замон ўзбек оилаларидаги тарбиянинг хусусиятлари.....	120
12-мавзу:	Ўсмирлик даврида характерни индивидуал хусусиятлари ва унда тарбиянинг роли.....	128
13-мавзу:	Олий ўқув юртларида тарбиявий ишлар назарияси ва амалиёти.....	135
IV БОБ	КАСБИЙ ПЕДАГОГИКАДА ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ.....	153
14-мавзу:	Касбий педагогикада таълим жараёни.....	154
15-мавзу:	Касбий педагогикада таълим мазмуни.....	168
16-мавзу:	Касбий педагогикада таълим методлари.....	176
17-мавзу:	Таълим жараёнида ўқитиш воситаларининг ўрни.....	192
V БОБ	КАСБИЙ ПЕДАГОГИКАДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....	209
18-мавзу:	Касбий педагогикада инновацион технологиялар.....	210
19-мавзу:	Касбий фанларни ўқитиш жараёнида муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш.....	232
VI БОБ	ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ШАРТ – ШАРОИТЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ.....	259
20-мавзу:	Ўрта махсус таълим тизими бошқаруви фаолиятини ташкил қилиш шарт – шароитлари, тамойиллари ва усуллари.....	260
21-мавзу:	Ўзбекистон Республикасининг глобаллашув шароитида касб таълими муассасасини бошқариш.....	285
	ГЛОССАРИЙ.....	302
	Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар.....	304

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгилигини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти қурмоқда.

Мустақиллик йилларида таълим соҳаси, хусусан, ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантиришга берилган эътибор ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш мақсадини кўзлайди. Бугунги кунда ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологиялар кенг жорий этилмоқда, таълим ва тарбияда мукамал воситалардан самарали фойдаланилмоқда.

Президентимиз ўз маърузаларида: “Ҳисобот йилида таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирар эканмиз, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб – хунар ва олий таълимгача бўлган бўғимларда чуқур билим ва пухта касб – хунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилганлигини таъкидламоқчиман”¹, дея эътироф этдилар.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов бу борада фикр – мулоҳаза юритиб: “Биз учун энг муҳими — доимо халқ манфаатларига хизмат қилиш, диёримизда яшаётган барча одамларга яхши турмуш шароитларини яратишдир. Юртимиз — бой, имкониятларимиз — катта. Халқимиз меҳнат қилишни яхши билади, қадимий анъаналар ва бой маданиятга эга. Бу ўлкада буюк мутафаккирлар вояга етган.

Мана шундай заминдаги халқ, ҳар бир оила, ҳар бир киши, миллатидан қатъи назар, бахтли яшашга ҳақлидир. Бу мақсадни амалга ошириш учун биз ҳамма нарсага тайёрмиз.”² деб алоҳида таъкидладилар.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» юксак умумий маданиятга ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолиққа, ижтимоий-

¹Каримов И.А. 2012 – йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган ЎзР ВМнинг мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи., № 14 (5414). 20.01.2012. – 2 бет.

² Ислом Каримов, "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". Т.: "Ўзбекистон", 2011 йил, 32-бет.

сиёсий ҳаётда тўғри йўл топа билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш, шунингдек ҳар томонлама камол топган, ҳаётга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини пухта ўзлаштирган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутган педагогик ғояни илгари суради.

Касбий педагогика жаҳон миқёсида тан олинган энг илғор методлар ва йўналишлар билан бойиб бормоқда. Бугунги кунда ўзининг кенг тадбиқини кутиб ётган, фаннинг бошқа соҳалари билан боғлиқ равишда ишлаб чиқилган янги концепциялар ва назариялар ривожлантирилмоқда.

“Касбий педагогика” фани нисбатан ёш ва кўп соҳаларда ривожланиб бораётган умумий педагогиканинг бир бўғини сифатида касбий-техник таълимнинг ривожланиши билан ўзаро уйғунликда тараккий қилиб бормоқда.

Республикамизда таълимни ривожлантиришнинг бугунги босқичида “Касбий педагогика” фанининг асосий мақсади - жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иқтисодий-иқтисодий буюк давлат даражасига кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эмас, балки ижодий ёндашувни шакллантириш, мустақил фикрлаш ва тадбиқ қилиш сифатларини тарбиялаш каби улуғвор вазифаларга қаратилиши зарур.

Касбий педагогиканинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- турли хил (ташкilotларда) корхоналарда самарали меҳнат фаолиятини амалга ошириш;

- аниқ бир ишлаб чиқаришнинг нафақат техник-технологик, балки ижтимоий-иқтисодий истиқболларини белгилаш;

- зарурият туғилганда, бошқарув ва ижро функцияларини биргаликда олиб бориш, иш кидириш давомида меҳнат бозорида тўғри йўл танлаш ва хусусий ишлаб чиқаришни йўлга қўя билиш.

Шунингдек, бўлажак иқтисодчи-педагоглар «Касбий педагогика» курсида мутахассислик бўйича билимларини кенгайтирадиган ҳамда янги тушунча ва қарашлар билан қуролланиладиган.

“Касбий педагогика” ўқув қўлланмасини тайёрлашда Р.Мавлонова, О.Тўраева, К.Холикбердиевларнинг “Педагогика” дарслиги, Ў.Қ.Толипов, М.Баракаев, Ш.С.Шариповларнинг “Касбий педагогика” маърузалар матни, А.Қ.Мунавваровнинг “Педагогика” ўқув қўлланмаси, И.Й.Турсунов, У.Н.Нишоналиевларнинг “Педагогика курси” дарслиги, Н.Н.Азизхўжаеванинг “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” ўқув қўлланмасидан кенг фойдаланилди.

Ушбу ўқув қўлланмада педагогиканинг ривожланиш босқичлари, касбий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳозирги пайтда кенг қўлланилиб келинаётган методлар, “Касб педагогикаси” фанини ўқитишдаги хорижий мамлакатларда тўпланган илғор тажрибалар ҳам ҳисобга олинган.

Г БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА

Бобнинг қисқача мазмуни

Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогика. “Обод турмуш йили” Давлат дастури асосида ўрин олган таълимий масалалар тахлили ва уларнинг ижроси. Ўзбекистонда касб таълими ислоҳати. И.А.Каримовнинг “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш” мавзусида 2013 йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида етук кадрларни тайёрлаш ва ишга жойлаштириш масалаларини қайд этилишида кўзланган вазифалар.

Касбий педагогиканинг ривожланиш босқичлари. Ўзбекистонда касб таълими ислоҳати. Кадрлар тайёрлаш жараёнидаги касбий-малакавий ўзгаришлар; касбларни тахлил қилиш методлари. Касб таълимининг вазифалари. Кадрлар тайёрлашдаги касбий-малакавий ўзгаришлар.

Глобаллашув шароитида ҳар томонлама етук ва юқори малакали ходимларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Глобаллашув шароитида касбий таълим шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари. Касб таълими тизимини ривожлантиришдаги асосий йўналишлар.

Олий касбий таълим ва унинг ривожланиш даражаси. Олий ўқув юртларда касб таълимини ташкил қилиш, алоҳида бўлим ва факультетларнинг ташкил этилиши. Янги концепция ва назарияларнинг юзага келиши.

I БОБ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА

1 - мавзу. Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогика

Режа:

1.1. Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогика.

1.2. Касбий педагогиканинг ривожланиш босқичлари. Ўзбекистонда касб таълими ислоҳати.

1.3. Кадрлар тайёрлаш жараёнидаги касбий-малакавий ўзгаришлар; касбларни таҳлил қилиш методлари.

1.4. Глобаллашув шароитида ҳар томонлама етук ва юқори малакали ходимларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар.

1.5. Олий касбий таълим ва унинг ривожланиш даражаси.

1.1. Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогика

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Бугунги кунда улғайиб келаётган авлодни баркамол этиб тарбиялаш, истеъдодли, изланувчан, ташаббускор ёшларни излаб топиш ва уларга ўз салоҳиятини тўла намоён этишида кўмаклашиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, янги таълим масканларини барпо этилиши, уларни замонавий мебел, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланиши, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналарни ташкил этилганлиги, ўқувчи ва талабаларнинг замонавий билим олишини таъминлаш билан бирга, уларнинг маиший шароитини янада яхшилаш, спорт билан мунтазам шуғулланиши бўйича аниқ режалар ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани бунга аниқ мисол бўла олади.

Ўзбекистон тараккиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний, миллий кадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти,

иктисодиёти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов, бу борада фикр – мулохаза юритиб: “Ҳукумат қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг моддий – техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011 – 2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган”.¹ деб таъкидлаб ўтдилар.

Туб ислохотларни амалга ошириш, бозор муносабатларини шакллантириш кўп жиҳатдан иқтисодий таълимга боғлиқдир. Кишиларда иқтисодий тафаккурни шакллантирмасдан туриб, чуқур ўзгаришларни амалга ошириб бўлмайди.

Мустақил тараққиётимизнинг босиб ўтган йўлига назар ташлар эканмиз миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, инкироз ҳолатидан чиқарилганлиги, кўпгина соҳаларда барқарор ўсишга эришилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бозор механизмнинг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилди, ҳозирги кунда эса иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни ҳар тарафлама эркинлаштириш амалга оширилмоқда. Энг муҳими шу давр ичида миллий истиклол ғояси ва мафқураси шаклланиб, кишиларимиз онгига сингиб бормоқда.

Бугунги кунда халқнинг бой замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида мутахассислар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «... бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилаши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истикболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз»².

Республикамизнинг энг нуфузли университетлари қаторида бўлган ва жаҳоннинг кўпгина нуфузли олий ўқув юртлари билан дипломатик алоқада бўлиб келаётган Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида иқтисодий таълимга бағишланган халқаро илмий-назарий анжуманларнинг мунтазам равишда ўтказилиб келаётганлиги фикримизнинг далилидир.

¹ Каримов И.А. 2012 – йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎЗР ВМнинг мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи., № 14 (5414). 20.01.2012.

² Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори - Т.: «Шарқ» нашриёт-маъбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997.

Касбий таълим фани бизга, Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи йилларидан кириб келди. Чунки, кўлланаётган тажрибалар касбий таълимнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Талабаларимизга касбий таълим, касбий тарбия бериш муаммолари кўзга ташланиб қолди. Шу нуқтаи назардан Президентимиз И.А.Каримов: «Бозор муносабатларига ўтиш даврида касбий билимларни беришимиз мақсадга мувофиқдир»¹, - деб таъкидлаган эди.

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти асосини иқтисодий фаолият ташкил этар экан, у албатта ҳар бир одамдан иқтисодий фикрлашга ўрганишни талаб қилади. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида бу талаб янада кучаяди. Шунинг учун ҳам иқтисодчиларга ёшлиқдан бошлаб иқтисодий фикрлашни ўрганишлари учун, мамлакатимизда ўрта умумтаълим мактабидан бошлаб, иқтисодий билим асосларини ўрганишга киришилди².

Олий ўқув юртини талабалари, айниқса иқтисодий йўналишдаги ўқув юртини талабалари эса иқтисодий фикрлашни ўрганибгина қолмай, кенг доирадаги иқтисодий муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш, иқтисодий ривожланиш тенденцияларига баҳо бериш, бу ўзгаришлар келажакда қандай натижаларга олиб келишини кўз ўнгида келтира билишни ўрганиши зарур.

Шундай қилиб, бугунги кунда жамият ҳаётида юзага келаётган иқтисодий муаммоларни ўз вақтида англаб етган ҳолда уларни оқилона ҳал қилиш учун зарурий чора-тадбирлар белгилаш соҳа мутахассисларидан жуда катта билим ва малакани талаб этади. Бўлғуси иқтисодчилар бугунги давр талабларига жавоб бериш учун ўз билим ва малакасини тинимсиз ошириб бориши, замонавий тажрибаларни қунт билан ўрганиши, изланиши лозим. Бу нафақат бугунги кун кишилари, балки келажак авлод олдида ҳам жуда катта масъулиятни бўйнига олиш демакдир.

1.2. Касбий педагогиканинг ривожланиш босқичлари. Ўзбекистонда касб таълими ислоҳати

Касб таълими узок даврлар мобайнида ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга йўналтирилиб борилди, бироқ ушбу тадбир битирувчиларнинг касбий маҳоратини шаклланиш даражасининг пасайиши ҳисобига амалга оширилди. Бу ҳолат касбий маҳоратни ва лаёқатни ошириш, инсоннинг бутун умри давомида ўз билимини такомиллаштириб бориш ва ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжини оширишга хизмат қилмас эди. Шу сабабали касбий маҳорати етишмайдиган, ижодий изланишлардан йироқ, таълим-тарбия, касб-ҳунар ишида нўноқ кишилар ҳам шу соҳага аралашиб қолдилар. Олий таълим тизимида йўл қўйилган бундай хато ва камчиликлар ижтимоий ҳаётимизда ўзининг салбий

⁶Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.

⁷Иномов И. Иқтисодий тарбия назарияси. - Т.: ТДИУ, 2005

оқибатларини намоён қилди. Республикамизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида касбий таълим ишчи касбларига махсус тайёрлаш масаласига, таълим олувчи шахсида касбий маҳорат ва лаёқат сифатларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Маълумки, **касб маҳорати дейилганда**, битирувчининг юкори даражадаги касбий кўникма ва малакаларни эгаллаганлиги тушунилади, у шахсининг меҳнат бозорида эгаллаётган касби бўйича рақобатбардошлик даражасида ўз аксини топади. Касбий маҳорат ишчи кучларининг юкори даражада мослашувчанлигини ва янгиликларни тез ўзлаштириши, янги ишлаб чиқариш шароитларига оз вақт ичида ўта олиши, фаолият соҳасини мустақил танлай олиши каби сифатлар билан белгиланади.

Республикамизда таълимни ривожлантиришнинг бугунги босқичида “Касб педагогикаси” фанининг асосий вазифаси сифатида жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иктисодиётимизни буюк давлат даражасига кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эмас, балки ижодий ёндошувни шакллантириш, мустақил фикрлаш ва тадбиқ қилиш сифатларини тарбиялашга эътибор қаратиш лозим. Касбий таълимга бўлган эътиборнинг ортиб бораётганлигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

1. Таълим ислохотлари натижасида гимназия, лицей, коллеж ва бошқа турдаги янги ўқув муассасаларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши;

2. Олий ўқув юртларида касб таълимини ташкил қилиш, алоҳида бўлим ва факультетларнинг ташкил этилиши;

3. Касбий педагогиканинг бошқа фанлар билан янада жипсрок боғланиб бориши, истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган, билим соҳалари туташувида янги концепция ва назарияларнинг юзага келиши;

4. Касбий таълим муассасаларининг аҳолига таълим хизматларини кўрсатиш турларининг ортиб бориши, ўз базасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва унга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиши, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шакллари жорий этилиши ва бошқалар.¹

Касбий педагогика талабаларни таълими, тарбияси, ўқиши ҳамда ривожланиш қонуниятларини ўрганеди, таълим-тарбия, педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мезонларини ишлаб чиқади, касб таълими муассасалари турларини ва уларни бошқариш тизимини асослайди. Ушбу фан инсонни касбий фаолиятга тайёрлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, малакали ишчи кучини янги талаблар даражасига мослаб боришни кўзда тутеди.

¹Ў.Қ.Толипов, М.Баракаев, Ш.Шарипов. Касбий педагогика. (Маърузалар матни). –ТДИУ, 2001.

1. 3. Кадрлар тайёрлаш жараёнидаги касбий-малакавий ўзгаришлар, касбларни таҳлил қилиш методлари

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий мақсади – юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини барпо этиш стратегияси ҳамда асосий йўналишларини унинг компонентлари: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишдан иборатдир. Бу масалани илмий-педагогик жиҳатдан тўғри ҳал этиш, ҳозирги кундаги тадқиқот ишларининг мавзуси ва тадқиқотчиларнинг машаққатли меҳнати туфайли амалга ошириладиган муаммодир.

Шунинг учун иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ҳамда таълим тизимини ўрганиш асосида мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган ютуқларни атрофлича таҳлил этиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни батамом бартараф этиш ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш усулларини илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш орқали амалга ошириш, таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари илгари сурилади. Бунда, асосий эътибор Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнини жадал суръатларда ривожлантиришга қаратилади. Бу эса мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Иқтисодиёт – бу шундай хўжалик тизимики, у зарур ҳаётий неъматларни яратиш йўли билан одамлар ва жамият эҳтиёжини қондиради, хўжалик юритиш фаолиятини яхшилади, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлайди. Демак, инсон биринчи навбатда, моддий талаб-эҳтиёжини қондиришга иқтисодий фаолият орқали эришади, ўз ризқ-рўзини яратади. Бунга эришиш учун иқтисодчи мутахассисларнинг иқтисодий тафаккурини ривожлантириш орқали уларни:

- жамият иқтисодий қонунларини ўргатувчи билимлар билан қуроллантириш;

- жамиятнинг иқтисодий сиёсатини тўғри англаб етадиган мутахассис-шахсни шакллантириш;

- ишлаб чиқаришдаги фаол иқтисодий фаолиятда иштирок этиш, меҳнат қилишнинг илғор шакл ва методларини ўрганиб олишга йўллайдиган дастлабки малакаларни эгаллаб олиш.

«Бозор иқтисодиёти ислохотларини амалга оширишда қандай чора-тадбирлар кўрилишидан қатъий назар, малакали мутахассислар етишмас экан, қўйилган мақсадга эриша олмаслигимиз мумкин. Малакали мутахассисларни тайёрлашда олий таълим муассасалари янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш вақти келди»¹ – деган эди Президентимиз И.А.Каримов. Бу жараённи амалга оширишда хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.

дастлабки босқичларини амалга ошириш, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида кадрлар тайёрлаш муаммоларини ўрганиш ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Бу каби муаммоларнинг оқилона ҳал этилиши эса ҳар томонлама бозор муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашга боғлиқдир. Чунки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мустақил республикамиз олдидаги янгидан-янги мақсад ва вазифаларни чуқур англаб етган, ҳар томонлама етук, замон талабларига мос келувчи билим ва тажрибага эга бўлган иқтисодчи мутахассисларгина мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин. Бироқ, янги шароитда самарали фаолият юрита оладиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш борасидаги муаммо ва камчиликларнинг мавжудлиги туфайли, юқорида айтиб ўтилган хусусиятларни ўзида мужассам этган мутахассисларни тайёрлашда бир қатор тўсиқлар юзага келган бўлиб, уларнинг оқилона ечимини топиш бевосита мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини белгилаб берувчи ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

«Касбий педагогика» фанининг асосий тушунчалари, мазмун-моҳияти касбий таълимнинг турли тизимларида қуйидаги вазифаларни бажариши мумкин:

- ўқитувчиларнинг янги ва янада мураккаб тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўз касбий маҳоратини ошириши;

- касбий-техник таълимнинг янги концепцияларини амалга ошириш восита ва йўлларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш, фаол-ижодкор шахсни тарбиялаш;

- педагогик билимларни эгаллашга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш;

- таълим-тарбиянинг самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиш;

- ривожланиб боровчи янги педагогик жараёнларни лойиҳалаш, таълим олувчиларнинг барча имкониятлари ва қобилиятларини ишга солиши учун шароит яратиш, касбий маҳоратни эгаллаши учун сарфланадиган вақтни қисқартиришга эришишдан иборат.

1.4. Глобаллашув шароитида ҳар томонлама етук ва юқори малакали ходимларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлаётган ислохотлар, ижтимоий ўзгаришлар, маънавий-маърифий йўналишларда ҳам ўз аксини топмоқда. Ўзбекистонда одоб-ахлоқ илмига, маънавият масалаларига катта эътибор берилмоқда, айниқса ёшларнинг маънавий қиёфасини мустақиллик мафкураси, унинг инсоний тамойиллари асосида шакллантиришга бош вазифа сифатида қаралаётгани бежис эмас. Энг қувонарлиси шундаки, Президентимиз И.Каримов ёшларнинг маънавий тарбиясига, уларнинг билим ва касб маҳоратини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Чунки мустақиллигимизнинг уч таянчи-мустақил сиёсат,

иктисодий кудрат ва халқ маънавияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг уйғун ривож таъминлансагина Ўзбекистон буюк юрт сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини топа олади.¹

Ўзбекистоннинг буюк келажagini бунёд этиш асосан бугунги ёш авлоднинг зиммасида экан, уларни билимли, маданиятли, меҳнатсевар, ташаббускор, изланувчан этиб шакллантириш ҳаёт тажрибасига эга, қийинчиликларда тобланган ёши улуғларимиз, фахрийларимизнинг, шу билан бирга мазкур ишга даъват этилган тарбиячилар, муаллимлар, олимларнинг ва умуман барчанинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Бу борада ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ёшлар муаммолари институти, истеъдодларни танлаш марказларининг ташкил этилиши ёшларни маънавий ва жисмоний шакллантириш, иқтидорли ёшларни танлаш, рағбатлантириш борасида давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг намунасидир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Ҳар бир инсоннинг, айниқса эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир”.²

Шу боисдан ҳам келажак борасида амалга ошириладиган чоратadbирлар дастурида ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият, эътибор бериш, уларни жамиятимизнинг ижтимоий, иктисодий ва маънавий тараққиётида фаол иштирок этишларини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурч ва вазифалари ҳисобланади. Мазкур ҳолатда энг аввало, ёшларимиз онгида маънавият ва ахлоқийлик каби юксак фазилатларни тарбиялашимиз зарур бўлади, яъни ёшлар тарбияси соҳасидаги сиёсатни кенг жаbҳада олиб борилиши жумладан, оиладаги тарбия пойдеворини таълим масканларида ҳам уйғун равишда мустаҳкам қўйилишига эътибор қаратилиш керакдир.

Ёшлар жамиятда содир бўладиган ҳар қандай воқеликларга ўзгача, рухий хис-кечинмалар доирасида муносабат билдирадилар, қийинчиликлар вужудга келганда эса эҳтиросларга бериладилар. Шунинг учун бизнинг олдимизда турган муҳим масала – ёшларни тўғри йўлга бошлаш, бунда

¹Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, №14 (5434) 20 январь 2012 йил.

² Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи газетаси. – 8.12.2010.

оиладаги тарбия билан биргаликда жамоатчиликнинг узвий ҳамкорлигини таъминлаш тақозо этилади. Ўсиб келаётган ёшларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни Ватанимизнинг муносиб фарзандлари этиб тарбиялаш масаласи борасида маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиб уларни амалга ошириш зарур.

Бугунги кунда биз мустақиллик туфайли жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий асосларини мустаҳкамлаш борасида кўпгина ишларни амалга оширдик. Уларни давом эттириш эса ёшларимиз кўлидадир. Шу сабабдан ҳам мавжуд имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланиб, Баркамол авлод йилида ёшларимизга бўладиган эътиборни янада кучайтиришимиз даркор. Зеро, ёшлар тарбиясига бурч ва маъсулият нуқтаи назаридан ёндашиш келажагимизни шакллантириш гарови бўлиб қолади.

Шунинг учун иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ҳамда таълим тизимини ўрганиш асосида мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган ютуқларни атрофлича таҳлил этиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни батамом бартараф этиш ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш усулларини илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш орқали таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари илгари сурилади. Бунда, асосий эътибор Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнини жадал суръатларда ривожлантириш, бунинг учун мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилади.


Глобаллашув шароитида мамлакатимиз олий таълим тизимида иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида қайта ташкил этиш мақсадида иқтисодий таълимнинг халқаро андозаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, дунёнинг ривожланган ва бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларнинг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар қандай шароитда рақобатлаша оладиган иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш борасида замонавий иқтисодий таълим тизимига эгадирлар¹.

Олий таълимнинг республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ривожини таъминлашда ўзи танлаган мутахассис бўйича бозор иқтисоди шароитида ишлашга лаёқатли, юқори малакали, иқтидорли, рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатдир. Бўлажак кадрларда чуқур ва мустаҳкам билимларни шакллантириш, миллий истиклол ғояларига садоқатини, Ватанга муҳаббатини, бу йўлдаги фидойиликни тарбиялашни давом эттириш ҳам олий таълим тизимининг асосий вазифаларидандир.

Иқтисодиёт билан шуғулланишнинг биринчи вазифаси талабаларнинг иқтисодий билим савиясини ошириш бўлса, кейингиси ана

¹Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2002.

шу билим асосида малака ва кўникмалар ҳосил қилишдир. Иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантириш жараёни қуйидагича кечади: билим-кўникма-малака. Бу жараён механизми қуйидагича амалга оширилиши мумкин:



Ҳозирги пайтда тайёр билимларни ўзлаштириш асосий мақсад бўлмай, энг асосийси талаба-ёшларларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, мустақил танлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилиш объектив заруриятга айланди.

Маълумки иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ўз навбатида мутахассислар малакаси ва маҳоратини юқори бўлишини, мутахассисларга бўлган талабнинг ўзгаришига мослашувчан, ўз малакасини оширишга интилувчан бўлишни талаб этади. Бунинг учун иқтисодчи мутахассисларни мустақил изланиш, фикрлаш, турли қарашларни таққослаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришга ўргатиш лозим.

1.5. Олий касбий таълим ва унинг ривожланиш даражаси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ривожланишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлаб олди ҳамда ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини қуришни амалга ошира бошлади. Бундай давлатда жамиятнинг маънавий янгиланиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантириш жаҳон ҳамжамиятига уйғунлаштириш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлади.

Умуминсоний қадриятлар ўзбек халқининг кўп асрлик илмий ва маданий анъаналарини, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ҳамда жамиятнинг ривожланиш истикболини эътиборга олган ҳолда таълим соҳасида олиб борилаётган аниқ мақсадларга эришишнинг муҳим шартлари бўлиб ҳисобланади.

Моҳияти жиҳатидан мутлақо янги бўлган Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш

миллий дастури”дан иборат қонунларнинг қабул қилиниши ва жорий этилиши ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантириш ҳамда юқори малакали, рақобатбардош кадрларни олдиндан қайта тайёрлашдан иборат стратегик мақсадга эришиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг буюк келажagini яратишда аввало Президентимиз И.Каримовнинг қуйидаги сўзлари – ҳақиқат билан чамбарчас боғлиқдир: “...Бугун республикамизда ислохотлар фақат иқтисодиёт соҳасидагина олиб борилмаяпти, бу аввало, институционал ислохотлар бўлиб, улар эски марказлаштирилган иқтисодий тизимни янги, эркин бошқарув тизимига ўтказишни, уни рағбатлантирувчи, ҳаётий фаолиятга айлантиришни таъминлайди”.

Бу ўзгаришларни махсус дастурлар асосида амалга ошириш, хўжалик юритишнинг замонавий усуллари жорий этиш, компьютерлаштириш, ҳам хорижда, ҳам ўз юртимизда олий таълим муассасаларидаги ёш мутахассисларни жадал тайёрлашни ташкил этиш, булар барчаси, Президентимиз, давлатимизнинг диққат марказида турибди. Республикамиз ҳукумати томонидан умуман молиялаш тизимини, хусусан, таълим тизимидаги молиялашни такомиллаштиришни талаб этилмоқда.

Мамлакатимизда 1997 йилдан бошланган мавжуд таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни, таълим муассасаларига иқтидорли, билимга чанқоқ ёшларни жалб этмасдан, олий мактаб фаолиятини тубдан ўзгартирмасдан туриб эзгу ишларимизни мантиқий якунига етказиб бўлмайди. Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишда юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида самарага эришишда таълим тизимини такомиллаштиришда, таълим муассасалари фаолиятига шарт-шароит, имконият яратишда етарли маблағга эга бўлмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат томонидан олий таълимни моддий қўллаб-қувватлаш ўқув юртларининг ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий хизмат кўрсатиш ва уставга мувофиқ амалга ошириладиган бошқа фаолиятлар ҳисобига ўқув юртлари даромадини ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим. Булар таълим муассасаларида замонавий техника воситалари, жиҳозлар, янги технологияларга хусусан, ахборот технологияларига бўлган эҳтиёжни таъминлайди, улар мустақиллигини оширади, фаннинг таълим билан уйғунлашувининг таъсирчан воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини беради ва оқибат натижада олий таълим тизимига янги куч бахш этади. Бу саъй-ҳаракатлар ўзларида илмий билим билан гармоник жиҳатдан мукамал инсон бўлишини мужассамлаштирган, оила, жамият, давлат олдида ўз масъулиятини чуқур ҳис этадиган фидойи мутахассисларни тайёрлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

Бизнинг мамлакатимиз учун кадрлар тайёрлаш ва янги таълим устуворликларига алоҳида эътибор қаратиб келган Президентимиз И.Каримов шундай деган эди: “Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатида инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш билан

жипс боғлик узлуксиз таълим тизими орқали фуқаро шахсни ҳар томонлама ривожланган бўлиши кўзда тутилади”, шу билан бирга давлат бошлиғи томонидан халқаро тажрибани албатта ҳисобга олган ҳолда ўзида анаъаналарни мужассам этган ва такомиллашган жамият барпо этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Айни пайтда, “Таълим тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилганидек, таълим соҳасидаги давлат сиёсати таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик ва дунёвий характерини, унинг узлуксизлиги ва изчиллиги, таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги, жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар, билим олишда тенг ҳуқуқларни кафолатлаш ва таъминлашдек принципларга асосланган ҳолда ривож топиб бориши унинг ғоявий, тарбия жараёнидаги ўрни, мавқеи ва имкониятлари доираси кенглигини белгилаб беради”.¹

Таълимнинг энг муҳим вазифаси бўлиб, жамиятни замонавийлаштириш, мамлакатни ривожланишининг олдинги ўринларига олиб чиқишга кодир мутахассис ходимлар билан мустаҳкамлаш, соғломлаштириш, янгилаш ва тўлдириш ҳисобланади. Бунда замонавий бозор иқтисодиёти мутахассислар тайёрлашга янги талаблар қўймоқда. Ҳар бир иш ўрнида ишлаб чиқаришни ривожлантиришда иштирок этиш, ўз тавсифи ва технологиявий жиҳатига кўра анча мураккаб маҳсулотнинг тез ўзгарадиган юқори сифатлилигини таъминлаш, ашёлар таннархи ошиб боришини ишлаб чиқариш усуллари такомиллаштириши ва сарфларни камайтириш йўли билан тизгинлашдан иборатдир.

Асосий масала шундаки, бозор иқтисодиёти шароити ҳар бир иштирокчига фаол иқтисодий фикрлашга эришиш талабини қўймоқда. Инновация стратегиясида бу айниқса юқори аҳамият касб этади. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти гарчи янгиликка қулайлик берса-да, лекин ўзи бунга шарт-шароит ярата олмайди. Шунинг учун бозор муносабатларига жалб этилган барча мутахассис ходимларда стратегик фикрлаш, иқтисодий ривожланиш қонунларини тушуниш, янгиликни баҳолай билиш, мустақил қарор қабул қилиш, юзага келган қийинчиликни енга билиш, зарур бўлганда ўз қарорини асослаб тушунтириб бериш ва исботи билан ифодалаш муҳим сифат бўлиб ҳисобланади.

Қисқа хулоса

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда касб таълими ислохотларини амалга оширишдан асосий мақсад таълим-тарбия жараёнини юқори чўққиларга олиб чиқишдир. Ислохотларни амалга ошириш зарурияти касб педагогикаси фани олдига кўпроқ ижодий характердаги илмий тадқиқот ишларини яратиш вазифасини қўймоқда. Ҳозирги замон ҳар томонлама етук мутахассис кадрларни ўқитиш, уларни замонавий технологиялар билан қуроллантиришни талаб этади.

¹ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 20-21 бетлар.

Кўзланган мақсадга эришиш учун таълимнинг эски усулларидадан воз кечиш, фақат муайян билимлар мажмуигагина эга бўлган ёш кадрларни тайёрлашдан ўзининг бутун билим ва имкониятини намоён этишга қодир, юксак ахлоқли, ҳар томонлама етук инсонни тайёрлашга ўтиш керак. Касбий педагогиканинг жаҳон миқёсида эришган ютуқлари даражасини, ахлоқий-эстетик меъёрлар ривожини устуворлиги ҳисобга олувчи миллий мактабга таянувчи, миллий маданият ўчоғи ҳисобланувчи, шу билан бирга маданиятларнинг оқилона диалогини олиб боришга қодир узлуксиз таълимни ривожлантириш стратегияси ҳақидаги масала долзарб бўлиб қолди. Бундай таълим умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларида ривожлантирилиши ва мустаҳкамланиши лозим.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ўзбекистонда касб таълими ислоҳоти қачондан бошланган?
2. Кадрлар тайёрлашдаги касбий-малакавий ўзгаришлар ҳақида фикр билдириш?
3. Кенг қамровли ва юқори малакали ходимларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
4. Касб таълими вазифаларига нималар киради?
5. Касбий маҳорат деганда нимани тушунасиз?
6. Касбий таълимнинг шаклланиш жараёни ҳақида Сизнинг фикрингиз?
7. Касб таълими тизимини ривожлантиришдаги асосий йўналишлар нималардан иборат?
8. Мамлакатимиз иқтисодиётида қандай ўзгаришлар амалга ошириляпти?
9. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимидаги устуворликлар нималардан иборат?
10. Олий касбий таълим ва унинг ривожланиш босқичлари ҳақида сўзлаб беринг?

II БОБ.

ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ

Бобнинг қисқача мазмуни

Педагогика фанининг методологик асоси. Умумий педагогика фанининг предмети, ҳозирги замон педагогикасининг мақсад ва вазифалари, педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси, асосий педагогик категориялар каби мавзулар ёритилган ва шу билан бирга педагогика фанининг методлари ва уларни қўлланилиши ҳақидаги фикрлар ҳам келтириб ўтилган.

Ўзбек халқ педагогикаси. Унинг таълим-тарбияда тутган ўрни. Халқ педагогикаси ҳақида маълумот, ўзбек халқ педагогикаси, унинг таълим-тарбиядаги ўрни, миллий кадриятлар ва унинг баркамол инсонни тарбиялашдаги роли.

VII – IX асрларда Мовароуннаҳрда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар. Ислом дини ҳақида. Ислом дини маърифатга асосланганлиги. Хадислар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти.

Шарқ уйғониш даври ва бу даврда педагогик фикр тараққиёти. Шарқ уйғониш даври ҳақида маълумот. Илм — фан ривожига, маънавий ҳаётни яхшиланишига олиб келиш учун хизмат қилган олимлар ижодиёти ҳақида.

XIV – XV – асрларда Темур ва темурийлар даврида ижтимоий ҳаёт, маданият, таълим –тарбия. Ўзбек халқининг ўзига хос бўлган маънавий бойликлари, Темур ва темурийлар даврида яшаб, ижод этган мутафаккирлар Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийларнинг педагогикага, таълим – тарбияга қўшган улкан хиссалари.

Марказий Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий ҳаёт, таълим – тарбия ва педагогик фикр тараққиёти. Жадидчилик ҳаракатини Марказий Осиёга кириб келиши, уларнинг таълим – тарбия борасидаги беқиёс хизматлари, янги усул мактабларнинг ташкил топиши, синф – дарс тизимидаги дарс жараёнларини жорий этилишидаги жадидчиларнинг беқиёс хизматлари.

Жаҳон педагогика фани ривожланиш тарихи. Жаҳон педагогика фани тараққиёти ҳақида. Қадимда юнонистонда илк мактабларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, Спарта ва Афина мактабларидаги ўзига хос таълим –тарбия.

Европа мутафаккирлари таълим – тарбия ҳақида. Жаҳон педагогика фани тараққиёти ҳақида. Педагогикани ривожига улкан ҳисса қўшган Я.А.Коменский, Песталоцци, Ж.Ж.Руссоларнинг ижоди ва илмий фаолияти.

2 - мавзу. Педагогика фанининг методологик асослари

Режа.

- 2.1. Педагогика фанини предмети, максоди ва вазифалари.
- 2.2. Умумий педагогика фанининг асосий тармоклари.
- 2.3. Асосий педагогик категориялар.
- 2.4. Педагогика фанини бошқа фанлар билан алоқаси.
- 2.5. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.

2.1. Педагогика фанини предмети, максоди ва вазифалари

Келажаги буюк давлатни кураётган кишиларнинг тафаккури, янги иқтисодий муносабатларни тиклашга, моддий неъматлар ишлаб чиқаришга астойдил киришиб доимо ёниб яшаш ҳисси билан суғорилган бўлиши лозим. Мана шундай ижобий хислатларга бой инсонни тарбиялаш педагогика ўқув юртларининг, ўқув муассасаси, лицей, гимназия, коллеж, институт ва университетларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Буюк аллома А.Авлоний таъкидлаганларидек: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир». Ҳақиқатан ҳам инсон ҳаётини саодатга, соф инсоний фаолиятга эришишда тарбиянинг роли ниҳоятда муҳим.

Ёшларни тарбиялашда биз учун кадрли бўлган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ўчмас меросимизга меҳр-муҳаббат уларга содиқлик руҳини шакллантира олсак ҳар биримиз учун ижобий натижа бажараётган ишларимизнинг маҳсули эканлиги билинади.

Бунинг учун аввало миллий ғурур, миллий онг, миллий ғоя, маънавият, юксак маданият эгаси каби тушунчаларни ёшларнинг онгига сингдиришимиз лозим. Чунки тарихни билмасдан, ўрганмасдан ундан руҳий, маънавий озуқа олмасдан туриб, келажакни, келажакдаги орзу умидларга эришиб бўлмайди.

Демак, умумий педагогика фанининг предмети, ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун ҳам унинг методологик асослари мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожига шахс камолоти уйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.

Тарбия жамиятнинг вазифаси бўлиб, у фақат ишлаб чиқариш муносабатлари таъсирида эмас, балки турли тарихий даврларда илгари суриладиган у ёки бу тарбия назариясининг ғоялари таъсирида аниқ шаклга эга бўлади, шунинг учун ҳам кўп жихатдан маърифатчи ва педагоглар фаолиятининг натижасини ифодалайди. Агар тарбия алоҳида мустақил вазифа сифатида кишилик жамияти пайдо бўлиши билан бирга таркиб топган бўлса, таълим назарияси фан сифатида бир мунча кейинроқ шаклланган.

Тарбия жамият ҳаётида сезиларли рол ўйнайди. Жамиятда тарбия жараёнида тўпланган тажрибани умумлаштириш эҳтиёжи туғилиб, ўсиб

келаётган ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш имконини берадиган махсус ўқув юртларини очиш зарурияти пайдо бўлиши билан бирга, таълим назарияси ҳам фан сифатида ривожлана бошлади.

Ибтидоий жамоа даврида ҳам ижобий тарбия тажрибасини оммалаштиришга уриниш куртаклари бўлган. Масалан, катталар ва ёшлар ўртасидаги муносабатлар билан, кейинроқ турли одат ва маросимлар билан боғлиқ ўзини тутишнинг баъзи бир кўринишлари шакллана бошлаган.

Қадимий ва Ўрта Шарқ адабиёти намоёндалари орасида назарий-педагогик тусга эга қатор илмий қарашлар мавжуд бўлган. Улар орасида Ал-Фаробий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларини мисол келтириш мумкин.

Феодализм даврида тарбия асосан дин таъсирида бўлган. Шунинг учун ҳам таълим назариясининг асосий ғоялари диний илм орқали ифодаланган.

Тарбия назариясининг ғоялари анча олдиндан илгари сурилган бўлишига қарамай педагогик илмий билим-фан сифатида бир оз кейин шаклланган.



Я.А.Коменский (1592 -1670)

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши буюк чех педагоги Ян-Амос Коменский номи билан боғлиқдир. Коменский томонидан таклиф этилган тамойиллар, таълим жараёнининг шакл ва услублари «Педагогика»нинг олтин фондида кирган. Унинг машҳур «Буюк дидактика» асари педагогика назарияси ва амалиёти соҳасида биринчи муҳим илмий асар ҳисобланади.

Ҳар қандай фан ўргатилиши мобайнида педагог тарбияланувчилар дунёқарашини шакллантиради, маданий хулқ-атворини тарбиялайди.

«Педагогика» атамаси қадимий Юнонистондан келиб чиққан. Бу ерда кулдорлар фарзандларини ўқув муассасасига кузатиб кўядиган, олиб борадиган одамларни «пайдагогос» деб аташган. (яъни «ПАЙДОС» - бола, «АГО» – етакловчи маъноларини англатган) деб аташган. Кейинчалик бу атаманинг маъноси бирмунча ўзгарди. Махсус тайёргарлик кўрган ва тарбия билан шуғулланган шахслар «**ПЕДАГОГ**» деб атала бошлаган. Кўп вақтлар педагогика илмий фан сифатида фақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўргангани, деб қаралган. Аммо ҳаёт амалиёти тарбиясига эмас, балки катталар тарбиясига ҳам тааллуқли эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда педагогикани ёш авлодни ва катта ёшдаги одамларни тарбиялаш ва ўқитиш, уларга маълумот бериш қонуниятларини ўрганувчи фан, деб белгилаш одатга айланди.


Олдинга тарбия жараёни катталар томонидан бевосита меҳнат фаолиятида амалга оширилган бўлса, жамият ривожлана борган сари бундай йўл талабга жавоб бермай кўйди. Энди тарбия билан билимдон, тажрибаси етарли одамлар шуғуллана бошлади. Машғулотлар тобора ташкилий шаклларга, кўринишларга эга бўлиб борди ва секин-аста ўқув муассасалари пайдо бўлди.

Умумий педагогика шахс таълими хақидаги фан бўлиб, педагогик жараённинг қонуният, тамойил, мазмуни, усул ва шаклларини тушунтириб беради. Хозирги замон педагогикаси икки асосий элементдан ташкил топган. Биринчи элемент педагогик назария бўлиб, педагогик жараён қонуниятларини тадқиқ этиш йўли билан ғоялар, таърифлар, қоидалар, шарт-шароитлар тарзида ифодаланади. Яратилган илмий ғоя, қарашлар умумий педагогикани фан сифатида шаклланиши ва тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Иккинчи элемент эса, педагогик тажриба бўлиб, иқтидорли ўқитувчилар, тарбиячилар педагогик фаолиятида шаклланган кўникма, малакалар йигиндисидир.

Педагогиканинг структурасини қуйидаги 2 – чизма орқали ифода этамиз:

2 – чизма



2 – чизмани изоҳлаб шуни айтиш мумкинки, педагогиканинг инсонни тарбияланувчи ва тарбиячи сифатида ўрганувчи қисми *педагогик антропология* деб аталади. Педагогик антропология инсон табиати ва кишилар ҳамжамияти ҳамда инсон ва кишилар гуруҳини тарбиялаш ва ўқитиш хвқидаги саволларга жавоб беради. Шунинг учун у иморат пойдеворига қиёсланади.

Ҳар бир мустақил фан ўзининг предмети ва методик асосига эга бўлгани каби Педагогика фани ҳам фан сифатида шаклланиб, ўз предметига эга бўлди. Барча ижтимоий фанлар каби жамиятдаги ўзгаришлар, инкироз, юксалишлар Педагогика фанининг методологияси,

ўқитиш жараёни, ғоялар ривожига ҳам ўз навбатида таъсирини кўрсатади. Лекин инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамма даврларда педагогик фаолият, тарбиявий жараён мавжуд бўлган. Шу сабабли ҳам тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми деб қараш, ҳамда олдин тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб, инсоният ҳаётидаги буюк ўзгаришларни, жамиятни ривожланишини, фаровон турмуш тарзини тасаввур қилиш қийин.

Педагогика фанининг илмий-тадқиқот ишлар, педагогик ғоялар, илмийликка асосланган натижалар жамланмалари, илмий ишланмалар, тажрибалар, тавсиялар асосида бир қатор илмий педагогик қўлланмалар, дарсликлар чоп этилган.

Хозирги замон педагогика фани жаҳон педагогикасининг етакчи бир қисми бўлиб, педагогика фани тарихи билан мустаҳкам боғлиқдир. Педагогика фанининг тарихи эса, педагогиканинг қисмларидан бири, унинг махсус тармоғи ҳисобланади.

Педагогиканинг бош масаласи тарбиядир. Тарбиядаги кенг маъно таълим, ривожланиш, маълумот билан боғланган ҳолда баркамол инсонни вояга етказишдир.

Педагогика фанининг мақсади:

- Республикамизда комил инсонни вояга етказишнинг бир бутун ҳолатдаги муаммоларини ҳал қилиш;
- Таълим-тарбия самарадорлигини тинмай ошириш ва Дунё талаблари даражасига олиб чиқиш масалаларига ижодий ёндашиш;
- Умуминсоний кадрият ва миллий маданиятнинг асосларини эътиборга олиб, таълим-тарбия мазмунини, миллий мафқурани шакллантириб бориш имконини яратиш;
- Педагогика-тарбияшунослик коида, қонунларни илгор тажрибалар асосида бойитиб бориш ва янги иш шаклларини излашга тадбирлар белгилаш;
- Узлуксиз таълим тизимини янада ривожлаштириш муаммоларини ҳал қилиш;
- “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ни амалга ошириш.

Педагогика фанининг вазифалари:

- Шарқ ва Ғарбда ҳалқ яратган ҳалқ оғзаки ижодиёти, педагогикаси, мутафаккир, маърифатпарвар, педагог ва олимларнинг тарбияшуносликка доир илгор ғояларини урганиб, таҳлил қилиб, комил инсонни тарбиялаш жараёнини урганиш;
- Комил инсонни таркиб топтиришнинг қонуният, коида ва зарурий сифатларини аниқлаш;
- Педагогикадаги таълим-тарбия назариясини ҳозирги дарв хусусий методикаси билан узвийлик муаммоларини ишлаб чиқиш ва янги педагогик технология қонунларига амал қилиш;

- Таълим-тарбия назариясидаги коида, конун, тамойил, метод ва усуллари мақтаб амалий ҳаёти билан боғлаб, булажак уқитувчиларга ургатиш;
- Халқ таълимини бошқариш ва раҳбарлик масалаларини чуқур урганиб булажак уқитувчиларни кандай тайёрлаш муаммоларини хал қилиш.

Педагогика фанининг мазмуни, максоди, вазифалари, тамойил, усул ва воситалари умуман, ҳар бир инсон учун зарур бўлган тарбиявий таъсирлар янги асосга эга бўлиши керак.

Педагогика тарихи педагогик таълимотнинг тарихи ва тарбиянинг ривожланиш масалаларини ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ этувчи педагогик ғояларнинг салбий педагогик ғояларга қарши кураши тарихини, ҳукмрон табақаларнинг демократияга қарши сиёсатини очиқ ташлайди, илғор педагогик ғоялар, ҳур фикрлар, таълим қонуниятларининг айрим олинган тарихий даврдаги ривожланиш тамойилларини таҳлил қилади, муҳим умумий хулосалар чиқаради ва бугунги кун учун долзарб муаммоларни ўртага ташлайди.

2.2. Педагогика фанининг асосий тармоқлари

Тарихийлик тамойили ҳар кандай фан ривожланишининг зарур тамойили ҳисобланади. Зеро ўтмишни ҳозирги давр билан қиёслаш фақат ҳозирги ҳодисаларнинг асосий ривожланиш босқичларини яхши кузатиб боришга ёки ўтмишнинг бебаҳо тажрибаси ҳамда эришилган ютуқлардан фойдаланишга ёрдам бериб қолмай, шу билан бирга, бу соҳада хатоларга йўл қўйишдан сақлайди ва келажакка йўналтирилган амалий таклифлар, мақсадли изланишларни амалга оширишга кўп даражада асос бўлади. Жамият ҳаётини қайта қуриш, ўсиб келаётган ёш авлодни шунингдек, ҳамма меҳнатқашлар табақаларини тарбиялашни кучайтиришни талаб этади. Бундай шароитда педагогиканинг тадқиқот соҳалари доираси кенгайди. Ҳозирги кунда педагогикани асосий тармоқлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтамиз.

Ёш давлари педагогикаси мазкур гуруҳлар билан олиб бориладиган тарбиявий-ташкилий ишларнинг қонунийлигини тадқиқ этади ҳамда энг аввало уларни тарбияланувчиларнинг уқув муассасалари шарт-шароитларида амалга ошириш дастурини ишлаб чиқади.

Қатта ёшдагилар педагогикасида олий ўқув юрти шарт-шароитларида ёшларни тарбиялашнинг назарий масалалари ва методикасини ишлаб чиқадиган педагогика тармоғи сифатида олий ўқув юрти педагогикасининг шаклланаётганлиги, унинг аниқлашиб бораётганлиги кўзга ташланади.

Миллий армиямиз учун мутахассислар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртиларида ёшларга таълим бериш ҳамда тарбиялаш муаммолари билан *ҳарбий педагогика* соҳаси шуғулланади.


Булардан ташқари *оила педагогикаси* бугунги кундаги долзарб вазифалардан бирини ташкил этиб, оилаларда, оила марказларида, маҳаллаларда, жамоат ташкилотларида, оила-никоҳ муассасаларида амалга оширилаётган тадбирларда намоён бўлади.

Умумий педагогикада тарбияланувчилар орасида мафкуравий тарғибот ва маданий маърифий ишлар ҳам ўзига хос тармоқларига эгадир. Бу меҳнаткашларни тарбиялаш ишларига муносиб хисса қўшади ва белгиланган педагогик ҳояларга суянади. Педагогика фанининг ҳамма тармоқлари ўзининг турли ривожланиш, тараққиёт босқичларига эгадир: уларнинг айримлари аниқ шаклланиб бўлган ва етарли даражада кенг ишлаб чиқилган бошқалари ўзининг шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда (масалан, олий укув юрти муассасаси педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси) баъзи бир тармоқлар педагогикасининг ажралиб чиқиши эндигина бошланмоқда. Умумтаълим укув юртларида эмас, балки ёрдамчи укув юртларида шуғулланишлари мумкин бўлган шахслар яъни, кўриш, эшитиш, сўзлаш аъзоларида камчиликлари бўлган шахсларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш, тарбиялаш ва таълим беришнинг ўзига хос томонларини тадқиқ этувчи фанлар педагогика фанининг махсус гуруҳини ташкил этади. Педагогиканинг бу махсус тармоқлари дефектология ёки махсус гуруҳга бирлаштирилган.

Дефектология фанлари ўз навбатида алоҳида мустақил бўлган тармоқларга бўлинади:



Сурдопедагогика - қар ва гунг тарбияланувчилар таълим-тарбияси масалалари билан шуғулланади.



Тифлопедагогика - кўзи ожиз тарбияланувчилар таълим-тарбияси билан шуғулланади.

Олигофренопедагогика - акли ожизлар таълим- тарбияси билан шуғулланади.

Логопедия – тилида нуқсонли болалар билан шуғулланади.

Бундай илмий ишлар билан шуғулланадиган институтлар Республикамизда турли тавсиялар бериш, методикани ишлаб чиқиш билан бир қаторда илмий изланишлар, тажриба алмашилиш билан ҳам самарали тадбирларни олиб боришади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида махсус ташкил этилган Дефектология факультетида муносиб мутахассислар тайёрланаётганлиги фикримизнинг далилидир.

2.3. Асосий педагогик категориялар

Бизга юқоридаги фикрлардан маълум бўлдики, педагогика Фани таълим-тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгаришини ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмларини ва улар ўртасидаги бохланишларни очиб беради. Шу аснода таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини, йўлларини кўрсатиб беради. Педагогиканинг асосий категорияларига тарбия, таълим, маълумот киради. Лекин, ҳозирги педагогикани тараққий этиб боришида, асосий педагогик категориялар қаторига ривожланиш ва шаклланишни ҳам киритса бўлади.

Тарбия-Ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот – дунёқарашни, инсоний эътиқод, бурч ва маъсулиятни, жамиятимиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди. Тарбия бола туғилгандан бошлаб умрининг охиригача оилада, мактабда ва жамоатчилик таъсирида шаклланиб борадиган жараён дир.

Педагогикада «тарбия» тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланиши мумкин.

Кенг маънода қўлланиши деганда – катта авлод вакиллари ўзлари тўплаган ҳаётий тажрибаларини ёш авлодга қолдиришларини тушуниш мумкин.

Тор маънода қўлланиши деганда – махсус таълим муассасалари орқали шахсда аниқ билим, дунёқараш, ички хиссиётларини, умуман ҳаётга тайёргарлигини ривожлантириш тушунилади. Шу ерда савол туғилади: қайси таълим муассасаси бошқасига нисбатан тарбия тақдирига кўпроқ таъсир кўрсатади? Бола тарбиясини бузилишига фақат тарбия муассасалари ва педагоглар кўпроқ сабабчими? Деган саволлар инсониятни доимо қизиқтириб келади.¹

Таълим – махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, билим, қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараён дир. Таълим жараёни ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, икки тамонлама характерга

¹ 1. И. П. Подласий. Педагогика. Владос. 2007. 25-стр.

эгадир. Ўқитувчининг фаолияти туфайли таълим пухта ўйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида олиб бориладиган жараёнга айланиб, кутилган натижани беради. Таълим жараёнини мазмунини билим, кўникма ва малака ташкил қилади.

Билим – бу ўқувчилар ўқиш орқали билим билан қуролланидилар. Билимни ҳаётда кўп унум берадиган қилиб қўллаш олиш учун билим билан бирга кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.

Кўникма – машқ қилиш натижасида бериладиган ҳаракатлар йиғиндиси дир.

Иқтидор ва кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали **малакага** айланади.

Билим асосида кўникма ва малака пайдо бўлади. Билим баҳсида керак бўлса, кўникма меҳнатда, дунёни ўзлаштиришда зарур.

Маълумот – таълим – тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда шаклланиган дунёқарашлар мажмуидир.

2.4. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси

Педагогика инсонлар орасидаги муносабатларни ва ижтимоий муҳитнинг инсонга таъсирини тадқиқ этувчи фан сифатида иқтисодиёт, маданият ривожланишининг ўзига хослиги ҳамда уларнинг инсон шахси шаклланишига таъсирини ўрганади. Шу билан бирга, педагогика ўқув муассасаси тизимининг ташкилий жиҳатларидаги кўпгина масалаларни ҳал этишга, шахсларни тарбиялашда ўқув муассасаси, оила ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришига ёрдам беради.

«Педагогика» тарбия жараёнини ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганар экан, табиий равишда жамиятдаги барча фанлар билан боғлиқ дир. «Фалсафа» фан сифатида инсоният жамияти, табиат ривожланишининг умумий қонуниятларини ташкил этадиган, яъни педагогиканинг таракқий этиб боришига имкон берадиган илмий манбаидир. Шу билан бирга, фалсафуфлар ва педагогика фанлари вакиллари томонидан ишлаб чиқилган бир қатор умумий масалалар фалсафада ҳам, педагогикада ҳам баробар мавжуд дир.

Булар жумласига тарбия билан бошқа ижтимоий ҳодисалар орасидаги ўзаро алоқалар; дунёқарашни, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбияни шакллантириш масалалари; шахс ва жамоа муносабатлари; таълим жараёни моҳиятини тушуниш ҳамда билишнинг диалектик назариясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган гнесеологик масалалар ва бошқа муаммолар киради.

Педагогиканинг аниқ масалаларини ишлаб чиқишда фалсафанинг социология, этика, эстетика каби тармоқлари катта аҳамиятга эга дир.

Этика фалсафанинг ахлоқий ва тарбия масалалари билан бевосита боғлиқ дир. Уларни ҳал этишда педагогика ахлоқнинг умуминсоний қадриятларига суянади.

Эстетика (нафосат тарбияси) инсоннинг эстетик идеалларини шакллантириш, маданиятга ва воқеликка эстетик муносабатлари умумий қонуниятларини ўрганади ва эстетик тарбияни илмий жиҳатдан асослаш учун хизмат қилади. Бу асосларни педагогика фани қшлаб чиқади, ёшларни гўзалликни хис қила олиш, тушунишга ўрганиш воситалари ва йўллари белгилаб беради.

Педагогиканинг фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлигини, ҳал этадиган илмий масалаларнинг умумийлигини педагогиканинг ижтимоий хусусияти, унинг мафкуравий йўналишга эга эканлигини таъкидлаб туради. Тарбиянинг ҳамма муаммоларини бошқа сиёсий, ижтимоий масалалар билан бир каторда ҳал этиш заруриятини кўрсатиб беради.

Жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида педагогиканинг иқтисодиёт фанлари билан алоқаси мустаҳкамланиб бормоқда. Ижтимоий фанлардаги маълумотларга суяниб, педагогика жамиятнинг тарбияга бўлган объектив эҳтиёжини ва уларни амалга ошириш шарт-шароитларини ўрганади.

Инсоннинг аклий ривожланиши қирраларини, жиҳатларини ўрганадиган бошқа фанлардан фарқли ўларок, педагогика инсон шахси, унинг таракқиёт босқичлари билан шуғулланади.

Педагогика психология ва физиология билан ҳам бевосита ва билвосита боғлиқдир. Физиология педагогика ҳамда психологиянинг табиий илмий базаси ҳисобланади. Педагогика физиологиянинг олий асаб (нерв) фаолиятининг ривожланиши, асаб системасининг ўзига хослиги, биринчи ва иккинчи сигнал системалар ҳақидаги, шунингдек сезги органларининг, таянч ҳаракат аппаратларининг, юрак. қон-томир ҳамда нафас олиш системаларининг фаолияти, ривожланиши ҳақидаги маълумотларга суянади.

Психологик ҳодисаларнинг физиологик асосларини билиш педагогика учун тарбия ва таълимнинг баъзи бир омилларини яққол, аниқ билиб олиш, тушуниш имкониятини яратади ҳамда таълим-тарбия жараёнини самарадорлигини оширишнинг кўпгина муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

Психология педагогиканинг бошқа фанлар томонидан аниқланган билимлар, ўсиб келаётган инсоннинг шахсини шакллантириш, ички жараёнларини юз бериш омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги билимлар билан қуроллантиради.

Кейинги вақтларда педагогика бошқа янги ривожланаётган фанлар билан, жумладан, мураккаб динамик тизимларни режали бошқариш ҳақидаги фан бўлган кибернетика билан мустаҳкам алоқада ривожланмоқда. Буларнинг барчаси педагогика ўзининг предмети ва тадқиқот соҳасига эга бўлиб, бошқа бир катор фанлар билан жуда мустаҳкам боғлиқликда эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги мустақиллик шароитида ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида умуминсоний қадриятларни, умуминсоний ижобий хислатларни

ривожлантириш Ўзбекистон ҳукуматининг қарорларида мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов асарларида, нутқларида ўз аксини, тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўз йўли, тамойиллари тарбия жараёнида ҳали аввалги кекса авлод олдида турмаган янги масала ва муаммоларни ечиш учун зарур бўладиган хислат ва сифатлар шакллантирилишини тақозо этади.

Ўзбекистонда миллий истиқлол мафқураси аста-секин шаклланиб борапти. Педагогика илмидаги тушунчалар таърифлар миллий истиқлол мафқурасига мос умуминсонийлик руҳида тушунтирилмоғи мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Албатта таълим ва тарбияда умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий ўзига хослик нисбати, мувозанати алоҳида аҳамиятга эга. Яна бир томондан таълим назариясини, таълим - тарбия мазмунини, шаклини ва услубларининг асосий жиҳатлари Шарқда ишлаб чиқилиб, Оврупо орқали ўзгариб, ривожланиб яна Шарққа қайтиб келганини ва дунё педагогик жараёнини бир бутунлигини ҳисобга олинса, қуйида келтириладиган тушунчаларда хусусий миллийликдан кўра, умуминсонийлик жиҳатларининг кўплиги кўзга ташланиб туради.

2.5. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари

Педагогика фани ўз мазмунини бойитишда янгилашда мавжуд бўлган педагогик ходиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Педагогика фанининг илмий тадқиқот усуллари қанчалик тўғри қўлланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади. Лекин илмий тадқиқот методларининг аниқ чегараланган тизими ҳозиргача фанда яратилган эмас. Педагог педагогик жараёнда ўз аудиторияси тарбияланувчилари характер-хусусиятларидан келиб чиққан, уларни психологиясини чуқур ўрганиб бир қатор методларни қўллаш мумкин. Чунки педагогнинг асосий мақсади дарс жараёнини тарбиявий таъсирини ошириш ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги педагогик илмий текшириш методларни келтириб ўтиш лозим бўлади.

- 1. Педагогик кузатиш методи.**
- 2. Суҳбат усули (якка тартибда, гуруҳ билан)**
- 3. Болалар ижодини ўрганиш усули.**
- 4. Тест усули**
- 5. Маълумотларни таҳлил қилиш усули.**
- 6. Эксперимент-тажриба-синов усули.**
- 7. Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули.**
- 8. Математика ва кибернетика усули.**

Таълим усуллари танлаш билан бир қаторда уқитувчи дарсдаги талабаларни ёш ва индивидуал характер хусусиятларини ўрганиши ҳамда таҳлил қилиши шарт.

Бу каби методлардан фойдаланиб таълим ва тарбия ишларини олиб бориш фақатгина педагог учун эмас, иқтисодиёт жабхаларида фаолият юритаётган бошқарувчи ходимлар, оилада фарзанд тарбияси билан шуғилланувчи ота-оналар учун ҳам, жамоа билан ишлайдиган маъсулиятли шахс учун ҳам зарурий шарт бўлган усуллардан биридир. Зеро, инсон тарбиясидек мураккаб жараёнга ҳеч қачон эътиборсиз бўлмаслик зарур.

Қисқа хулоса

Ушбу маърузада педагогика фанининг предмети, ҳозирги замон педагогикасининг мақсад ва вазифалари, педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси, асосий педагогик категориялар каби мавзулар ёритилган ва шу билан бирга педагогика фанининг методлари ва уларни кулланилиши ҳақидаги фикрлар ҳам келтириб утилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Педагогика фани нимани ўрганadi?
2. Педагогика фанининг вазифалари нималардан иборат?
3. Шарқ педагогикаси намоёндаларидан кимларни биласиз?
4. Тарбия нима?
5. Таълим нима?
6. Маълумот нима?
7. Таълим ва тарбия жараёнида муҳим методларни куллашнинг аҳамияти нимада деб уйлайсиз?
8. Таълим ва тарбиянинг бирлиги деганда нимани тушунасиз?

3 - мавзу: Ўзбек халқ педагогикаси. Унинг таълим-тарбияда тутган ўрни

Режа:

- 3.1. Халқ педагогикаси ҳақида маълумот
- 3.2. Ўзбек халқ педагогикаси. Унинг таълим-тарбиядаги ўрни.
- 3.3. Миллий кадриятлар ва унинг баркамол инсонни тарбиялашдаги роли
- 3.4. Ўзбек халқ педагогикасининг асосий манбаси
- 3.5. Халқ оғзаки ижодининг жанрлари


3.1. Халқ педагогикаси ҳақида маълумот

Халқ педагогикаси мазкур халқ пайдо бўлган кундан бошланиб, бу ниҳоятда кенг қамровли ва сержило, серқирра бўлади. Маълумки, халқнинг педагогик қарашлари узок асрлар давомида шаклланган ва улар бизга асосан халқ оғзаки ижодига кирувчи турли жанрлардаги асарларда ва Қуръони Карим ҳамда пайғамбаримизнинг ҳадисларида ўз ифодасини топган. Демак, Халқ педагогикаси ҳозиргача яшовчанлиги асосан оғзаки тарзда бўлиб, у ҳар бир авлод унга ўз тажрибасини, қарашларини, фазилатларини қўшган ҳолда бизгача етиб келган.

Халқ педагогикасида тарбиянинг бирламчи-иккиламчиси бўлмайди: Хамма нарса ҳисобга олиниши, ҳеч бир соҳа чеккада қолмаслиги, айтишга олинган ҳолда, етти ўлчаб бир кесишга амал қилинади, шунингдек Халқ тарбиясида кеча, бугун ва эртани ўйлаб иш тутади, яъни тарбияни ўтмишни унутмаслик, бугуннинг кадрига етишлик, келажакка умид асосида олиб борилади. Унда ҳаёт, табиат ва жамиятдаги ҳар бир воқеа-ҳодиса, предмет, кўриниш қисқаси жонли жонсиз неки бор, ундан мукамал фойдаланади. Ўзбек халқ педагогикасининг таълим тарбиядаги ўрнини биз 3 - чизма орқали ифода этамиз.

3 - чизма

Ўзбек халқ педагогикасининг таълим-тарбиядаги ўрни



Халқ педагогикасини ишонтириш, исботлаш, таъсир, ибрат намунаси, тажриба натижалари, тасдиқлаш қабилар тарбияда муҳим ўрин тутади. Масалан, дов-дарахт, тоғ-тош, парранда-даррандаларга бағишланган фольклор намуналари буларнинг заминидекологик тарбия ётади.

Шунингдек халқ бисотидаги энг яхши табаррук сўзлар дуо олқишлар ҳам тарбияга қаратилган бўлиб, улардан асосан дуо-олқишларнинг таъсир кучи, тарбиявий аҳамияти, инсон маънавий устиворлиги, имон-этикод бутунлиги, қабил инсонни ҳар томонлама барқамол қилиб тарбиялашнинг роли ва ўрнига эътибор қаратилган.

Халқимизнинг халқ педагогикаси ғояларига таяниб, уни ўрганиб, тўла амал қилган барча фарзандлари доим эл-юрт назарига тушган ва олқишига сазовор бўлган.

Халқ педагогикасининг бунчалик даражада таъсир кучи унинг яшовчанлиги, бойиб бориши, ватан тақдирида халқ қилувчи рол ўйнашига асосий сабаблар қуйидагилардан иборат:

1. Халқ педагогикасининг беқиёслиги, таъсирчанлиги серқирра,

сермаънолигидир.

2. Халқ педагогикасининг бевосита халқ томонидан мавжуд ҳаёт давомида жонли анъаналарида яратилиши, яшаши, ҳаёт, инсон муаммолари ўз ичига камраб олишидир.
3. Халқ педагогикаси умуминсоний, йўналишича ва умумбашарий ғоя-мақсадларга қаратилганлиги.

Шу боис Халқ педагогикаси тарих туюфлари-ю, ур-йикитларига, тўс-тўполонларига бардош бериб, тажриба синовларидан муваффақиятли ўтиб, товланиб, сийқаллашиб, ҳеч бир пайт, ҳеч бир даврда-у қанчалик оғир, мураккаб кийин бўлмасин барибир фаол хизмат қилиб, авлодлар камолати борасида ҳал қилувчи рол ўйнаб келмоқда.

3.2. Ўзбек халқ педагогикаси. Унинг таълим-тарбиядаги ўрни

Халқ педагогикасининг ажралмас қисми бўлган “Ўзбек Халқ педагогикаси” Ўзбек халқи пайдо бўлган ва яшаб келаётган бутун даврни из ичига олади. Жумладан ижтимоий ва маиший-ахлоқий ҳаётнинг барча томонларини, Халқ оғзаки ижоди, кадршунослик, удумшунослик ва маросимшуносликнинг етакчи йўналишларини, диний ахлоқий таълимотни ўз ичига олади. Демак, Ўзбек Халқ педагогикаси - бу доно халқимизнинг таълим тарбия, ахлоқ, одоб, инсоний қадриятлар ва унинг маънавий устиворлиги, имон эътиқоди, бутунлиги соҳасидаги дунёқараши, оммавий фаолияти, усул-методлари, анъаналари, тажриба хулосаларининг лўнда, бағоят теран, донишманднома тарзда ифодаланишидир.

Умуман ўзбек халқ педагогикаси халқимизнинг асрлар оша ўз ҳаётий тажрибалари, фарзандлар камолати борасида тутган удумлари, саъй-ҳаракатлари, йўл-йўриқлари, ақл заковатлари натижасида яратилган мерослар мажмуасидир.

Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири таълим тизимида “Ўзбек Халқ педагогикаси” анъаналарини киритишдир. Чунки бу миллий истиқлол мафкурасини яратишда асос бўлиб хизмат қилади. Бунга эришиш учун:

1. Ёш авлодни миллий одоб-ахлоқ тарбиясида фольклор, шунингдек, қадимий қадриятларимизда ифодаланган миллий ва умумбашарий ҳислат фазилатлар асосида тарбиялашга эришиш;

2. Таълим тизимини мукамаллаштириш;

3. Халқ оғзаки ижодининг барча шаклларида таълим тизимининг барча бўғинларидан унумли фойдаланиш;

4. Ўзбек Халқ педагогикасининг халқ анъанавий спорти, жисмоний тарбия ва фольклор ўйинларининг, жумладан байрам-сайлларининг, ёшлар жисмоний, ақлий, ахлоқий тарбияси, бақувватлиги, чакконлиги, эпчиллигини таъминлаш учун хизмат қиладиган анъаналардан тўғри ва оқилона фойдалана билишдир.

Ҳозирги кунда таълим тизимида “Ўзбек Халқ педагогикаси”


намуналаридан кенг фойдаланиш инсонни ҳар томонлама камол топтириш, маънавиятимизнинг устиворлиги, иймон-этикодларимизнинг бутун булиши кадрли кадриятларимизнинг гаровидир.

3.3. Миллий кадриятлар ва унинг баркамол инсонни тарбиялашдаги роли

Ўзбек халқ педагогикаси анъаналарида фарзандларни эстетик идроки, хиссиёти ва тасаввурларини ривожлантириш ҳамда мукаммаллаштириш; тарбияланувчиларнинг бадий-ижодий қобилиятларини шакллантириш ва камол топтириш, эстетик дид асосларини шакллантириш ва такомиллаштириш; эстетик тарбияда тарбияланувчилар ўйин фольклорининг ўрни ва аҳамияти, тарбияланувчилар фольклор-этнографик дасталари-эстетик тарбия маркази эканлиги, ворислик, устоз-шогирдлик анъаналарининг педагогик, ахлоқий-эстетик аҳамияти, ёшларни шахс сифатида шакллантириш ҳамда бадий-эстетик тарбиялашда халқ оммавий томоша санъати-цирк, дорбозлик, аския, бахши-шоирчилик, дostonчилик, эртақчилик, қизикчилик, таклидгўйлик, маддоҳлик, кираотхонлик, қиссахонлик, отунлик, воизлик, бўзахўрлик алёрлари каби санъатларининг тутган ўрни ва педагогик-тарбиявий аҳамияти, халқ анъанавий спорти, физкультураси-фарзандлар жисмоний бақувватлиги ва етуклигининг гарови эканлиги, чакқонлик, эпчиллик ва ҳар томонлама гармоник ривожланишнинг синалган воситаси эканлиги, тарбияланувчилар ўйин фольклорининг педагогик тарбиявий аҳамияти, халқ педагогик тарбиясида туризм ва саёҳатнинг, савдо-сотик ва тижоратнинг ўрни, жисмоний тарбия ва спорт кўникмаларида халқ қизикарли томоша санъати, ахлоқ-одоб ва таълимнинг уйғунлиги ва ўзига хослиги халқ спорт ва жисмоний тарбиясида жинсий тафовутларга аҳамият беришнинг ахлоқий-ақлий аҳамияти; халқ аъанавий педагогикасида табиат ва инсон уйғунлашуви муаммолари, табиат ва тарихни эъзозлаш, сақлаш ва кадрлашнинг аҳамияти, ҳайвонлар дунёси, қушлар олами ҳамда дов-дарахтлар, ўсимликлар ва гиёҳларга; рухсат, сув, борлик-атрофга инсоний муносабат-халқ педагогикасининг экологик тарбияси асосларининг асоси эканлиги, одатлар, удумлар, расм-русумлар, маросимлар, ирим-сиримлар, қарғиш ва олқиш-дуолар, табиат, диний байрамларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти, халқ оммавий байрам-сайллари “Наврўз”, “Меҳржон”, “Ҳайит-рўза”, “Ҳайит байрами” ва бошқаларнинг, тарбияланувчининг дунёга келиши, қулоғига азон айтиш, тиш чиқиши, илк қадами, бешикка солиш, биринчи кийим-бош кийдириш, беш, етти кун, ўн бир кунлиги, бир йиллиги, уч, тўрт, беш йиллигининг алоҳида байрам қилиниши, ўқув муассасасига бориши, суннат қилиниши, кокил қўйиш, кокил олдириш, мўйлов оши, уйланиш-никоҳ тўйи, биринчи фарзанд кўриш, қирк, эллик, олтмиш ёшлар тантаналари, пайғамбар ёши, етмиш, саксон, туқсон йиллик юбилейлари, қумуш тўй, олтин тўй, марварид тўй ва бошқа байрам-сайллар, тўй-томошалар, одатлар, удумлар, маросимлар ва анъаналарнинг таълим-тарбиявий, педагогик йўналиши, аҳамияти ва шу қабилар.

Миллий қадриятларни ташкил этувчи омилларни биз 4 - чизма орқали акс этиб ўтамиз.

4 - чизма



4.4. Ўзбек халқ педагогикасининг асосий манбаси

Ўзбек халқ педагогикасининг манбаларини асосан уч турга бўлиб ўрганиш мумкин. Булар қуйидагилар:

1. Халқимизнинг буюк мутафаккирлари томонидан мерос қилиб қолдирилган насрий ва назмий асарлар, одобнома ва пандномалар;

2. Халқимиз томонидан яратилган халқ оғзаки ижоди ва фольклори намуналари, халқимизнинг қадриятлари, урф-одатлари ва турли хил маросимлари;

3. Ислom динининг муқаддас китоби “Қуръони карим”, Пайғамбаримиздан мерос қилиб қолдирилган ҳадис намуналари ва буюк исломий таълимотларнинг намуналари.

Энди биз шулар хусусида ўзимизнинг фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз. Халқимизнинг буюк мутафаккирлари бўлмиш Имои- ал-Бухорий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Наср

Форобий, Бахоуддин Накшбандий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Боту, Махмудхужа Бехбудий ва бошқа шу каби кўплаб буюк аждодларимиз томонидан яратилган маънавий сарчашмалари ўзининг тарбиявий аҳамиятга, маърифатни тарғиб этиш хусусиятларига ва ибратлилик хусусиятларига эга эканлиги туфайли хозирги кунга қадар ўз кадр-кимматини йўқотмай келмоқда. Булар жумласига Навоийнинг машҳур “Хамса” сини, Бехбудийнинг “Туркий Гулстон ёхуд ахлоқ”, Имом - ал Бухорийнинг “Ас сахих” ҳадислар тўплами каби кўплаб юксак кадр-кимматга эга асарларни киритишимиз мумкин. Халқимиз томонидан яратилган кадриятлар ва урф-одатлар ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари бевосита халқимиз руҳияти асосида шаклланган бўлиб, улар маънавий баркамол инсонни тарбиялашда энг муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу кадриятлар ўз навбатида юқорида санаб ўтилган буюк мутафаккирларимизни ҳам тарбиялаб вояга етказгандир. Шундай экан биз буюк халқимиз томонидан яратилган миллий кадриятларимиз ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бизнинг бурчимиз бундай кадриятларни асраб-авайлаш ва уларни изчил равишда такомиллаштириб боришдир.

Маълумки, халқимизнинг салкам минг йиллик тарихи Ислом дини билан чамбарчас боғлангандир. Шунинг учун халқимиз томонидан яратилган миллий кадриятларнинг аксарияти ҳам ва мутафаккирларимиз томонидан яратилган маънавий сарчашмалари ҳам айнан ана шу дин асосида шаклланиб, ривож топиб келган. Шундай экан, биз бу диннинг урф-одатларига оқилона ёндашиб, уларни туғри англаб олишга ҳаракат қилишимиз керак. Чунки, ислом дини юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, доимо миллатлар ўртасидаги тинчлик-тотувликни ва исониятга нисбатан қилинадиган ҳар қандай зуравонликка қарши ҳарқатларни ҳамда беҳуда қон тўкилишига қарши ғояларни тарғиб этиб келган.

5.5. Халқ оғзаки ижодининг жанрлари

Халқ оғзаки ижоди - бу ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва тарбия усуллари, инсоний кадриятлар ва юртсеварлик тарбияси бўлиб, дўст-биродарлик, ахиллик, меҳнатсеварлик, касб-ҳунарга муҳаббат; яхшилик ва ёмонликнинг оқибати; ҳалоллик, туғрилик, олийжаноблик тарбияси; адолат инсоф ва инсофсизлик, дўст-биродарлик, оға-иничилик ва қонқардошчиликнинг аҳамияти; ботирлик ва кўрқоклик, одоб ва одобсизлик, меҳмон ва меҳмондўстлик, сахийлик, бахиллик ва камтарлик, сабр-қаноат ва сабрсизликнинг оқибати; кадр ва кадрсизлик, муҳаббат, вафо ва бевафолик, тажрибакорлик, қалтабинлик ва ишончсизлик, ор-номус ва номуссизлик, самимийлик ва носамимийлик, андиша ва андишасизлик, фаросат ва фаросатсизлик, тежамкорлик ва исрофгарчилик, режа ва режасизлик, меъёр ва меъёрсизлик, маъсулият ва маъсулятсизлик, факт ва фурсат, фойда ва зарар, табиатни эъзозлаш, деҳқончилик ва

чорвачилик қадриятлари: каттага ҳурмат, ёшга меҳр шафқат, йўл ва йўлдош, севинч ва ғам, тўй ва мотам, фарзанд ва фарзандсизлик, кийиниш, сўзлаш, юриш-туриш, саломлашиш, куча одоби, овқатланиш маданияти каби удумлар, расм-русмлар, одатлар, маросимлар, анъаналардан иборатдир.

Халқ педагогикасининг асосини ташкил этадиган Халқ оғзаки ижоди бир қанча жанрларни ўз ичига олинади.

1. **Эпик ижод намунаси** -Бу қаҳрамонлик, ишқий-романтик, тарихий дostonлар бўлиб, улар ишқ-муҳаббат вафо қандай бўлишлиги, ўзлигини таниш, ор-номус, бурчни англаш, иймон-эътиқодли бўлиш, инсон ва ҳайвонот дунёси, кийинчиликлар ва мушкул аҳволларни мардона енга олиш, қатъиятлик, ирода, матонат каби хислатлардан иборатдир.
2. **Кўшиқлар**- Лирик, маросим, мавсум кўшиқлари; “Ёр-ёрлар”; “Аллалар”, йиғи-йўқловлар; соғим, улим, янчик, байрам-сайллар кўшиқлари; тарбияланувчилар фольклорлари намуналари ва бошқалардан иборат бўлиб, улар гўзаллик, самимият, меҳр-шавқат, орзу-умид, қувонч-шодлик, ғам-ғусса каби туйғуларини тараннум этиш орқали кишиларда чуқур инсоний туйғуларини ўстиради. Инсонларда ҳаётга, табиатга, инсонга чексиз муҳаббатни камол топтиради.
3. **Эртак**-Бу орқали кишилар сирли-сехрли олам билан танишади, ҳамда унга оид билими, тушунчалари бойийди, яхши одамлардаги яхши хислатлар, ёмонлардаги бадхулқлар билан хабардор бўлиб, яхшиликка меҳри тобланади, ёмонликка нафрат ортади.
4. **Мақоллар, маталлар, хикматлар, қайроқи сўзлар, афористик иборалар**- Булар Халқ донишмадчилигининг юксак бадиий тимсоли бўлиб, улар қисқа, содда аммо ҳар бирининг маънолари жуда кенг бўлади.
5. **Асотирлар, афсона ва ривоятлар**- Булар донолар донолиги, ибратли, табиатни асраб-авайлаш, қадрига етиш, сақлаш, чиройига чирой кўшишга бўлган иштиёқни устириш, экологик тарбияни йўлга қўйиш ва камол топтиришда муҳим рол уйнайди.

Қисқа хулоса

Ушбу мавзуда халқ педагогикаси ҳақида маълумот, ўзбек халқ педагогикаси, унинг таълим-тарбиядаги ўрни, миллий қадриятлар ва унинг баркамол инсонни тарбиялашдаги роли, ўзбек халқ педагогикасининг асосий манбаси ҳамда халқ оғзаки ижодининг жанрлари хусусида атрофлича фикр юритилган ва энг асосан талабаларга тушанарли тарзда баён этилган.

Ўз – ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Ўзбек халқ педагогикаси. Унинг пайдо бўлиши.
2. Ўзбек халқ педагогикасининг миллий тарбияда тутган ўрни.
3. Ўзбек халқ педагогикасидан манбалар.
4. Ўзбек халқ педагогикасидан намуналар.
5. “Алпомиш” достони. Унда “Ватанпарварлик” ғоясининг қўлланиши.
6. Ўзбек халқ эртакларида яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик каби

тушунчалар.

7. Миллий қарахонларимиздан фахрланиш хисси сизда қай даражада?

8. Мақолларнинг инсон тарбиясига таъсири қандай?

4 - мавзу. VII – IX асрларда Мовароуннахрда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар

Режа.

4.1. Ислом дини ғояларини таълим – тарбияга таъсири.

4.2. Хадис илмини пайдо бўлиши.

4.3. Ал-Бухорийнинг хадис илмини ривождаги хизматлари.

4.4. Ат - Термизийнинг хадис илмига қўшган хиссаси.

4.1. Ислом дини ғояларини таълим – тарбияга таъсири


VII асрда Арабистонда шаклланган ислом дини VIII асрга келиб Марказий Осиёда кенг ёйилди. Марказий Осиё Араблар томонидан босиб олинди. Марказий Осиёда араб давлати – халифалиги ўрнатилиб, “Қуръон” конун – қоидалари амалга оширила бошланди.

Ислом дунёвий дин сифатида вужудга келиши ва бошқа динлар ўрнини олиши тарихан ижобий рол ўйнади. Чунки унда аввалги динларнинг ижобий хусусиятлари ўз ифодасини топди. Чунончи, ислом ва унинг асосий китоби бўлмиш “Қуръон”да ахлоқ – одоб, иймон, инсонни улуглаш, жамиятга хизмат қилиш, оилани мустаҳкамлаш, ота – онага ҳурмат каби масалалар равшан акс этди. Исмоил ал – Бухорий, Имом Муслим ибн ал – Хажжож, Абу Исо Муҳаммад ибн ат – Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий тўплаган хадислар ҳам таълим – тарбияда муҳим аҳамият касб этди.

VIII аср охири, IX аср бошида араб халифалигининг маркази Бағдодда илм – фан ривожланди, юнон олимларидан Платон, Арестотель, Сократ, Гиппократ, Гален, Евклид, кабиларнинг асарлари араб тилига тарджима этилди. Халифа Хорун ар – Рашид ўлиmidан сўнг унинг ўғли ал – Маъмун халифа этиб тайинланди. У Бағдодда илмий Марказ – академия ташкил этиб, унга барча мусулмон улкаларининг фозилларини тўплади. Бу Марказда Мовараннахр, Хуросондан келган Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Марвозий, Марваруддий, Жавҳарий каби олимлар Бағдод академиясининг жаҳонга машғур қилишда жуда катта фаолият кўрсатдилар.

Ислом ва унинг ҳуқуқшунослик, хадисшунослик сохалари ривожланди. Бу даврда Марказий Осиё жаҳон илм – фанининг, кишилиқ жамиятининг ривожига, шунингдек, ислом динининг ахлоқий – ҳуқуқий тарбиядаги мавқиеига катта ҳисса қўшади. IX – XII асрлар давомида Марказий Осиё жаҳонга Хоразмий, Фарғоний, Исмоил Бухорий, Ат – Термизий, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Исмоил Журжоний, Марғилоний, Замахшарий, Маҳмуд Қошқарий каби улкан олимларни тақдим этди. Бу олимлар ўз ижодлари, асарлари билан ўз

халқларининг, умуман, Марказий Осиёнинг шухратини оламга ёйдилар.



Қуръони Карим

Ислом жаҳонга кенг ёйилган диндир. Унинг таълимотлари Аллоҳ томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо салаллоху алайҳи вассаламга нозил этилган – Қуръони Каримда баён этилган.

Қуръони Карим мусулмон аҳлининг дунёкараши фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, хулқининг асоси бўлиб, унда илоҳиёт, диний эътиқод масалалари билан бирга, инсонпарварлик, инсонлар ўртасида юзага келадиган зиддият – низоларнинг олдини олиш, улар орасида адолат ўрнатиш каби ахлоқий муаммолар ҳам ифодаланган.

Ислом Қуръони Каримдан кейин муътабар саналган пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг “Ҳадиси” Шарифларида мусулмонларнинг моддий ва маънавий жихатдан баркамол бўлишларини орзу қилиб ота – онага ҳурмат, меҳнатсеварлик, ўзаро аҳил бўлиш, меҳр – оқибат, эҳсон, сабр – тоқат, камтарлик, вафо – садоқат, поклик каби инсоний сифатлар ҳақидаги насиҳатлари ва яхши фазилатли бўлиш йўллари баён этилган.

Қуръони Каримда таъкидланишича, ота – она билан мулоқатда бўладиган фарзанд беш нарсани билиши керак. Мулоқат чоғида у:

- Ота – оналари каттик – курум гапириб юборганларида ҳам уларга малол келиб “уфф” демасликлари;
- Ота – онани хафа қиладиган сўз сўзламасликлари;
- Ота – оналарига доимо эҳтиром билан яхши сўзларни сўзлашлари;
- Ота – оналарига доимо раҳм – шафқат кўрсатиб, ўзларини уларнинг олдида камтар тутишлари;
- Аллоҳдан ота – оналарига раҳмат тилаб дуо қилишлари лозим эканлиги уқтирилади.

Ота – оналар болани дунёга келтиришга сабаб бўлганлиги учун эмас, балки уни одобли, ҳаёли, ахлоқли қилиб вояга етказганликлари учун олқишга сазовардирлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.: “Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди” - дейдилар.¹

Ислом динида оналар муътабар зот сифатида улуғланади ва шарафланади.

Ислом динида меҳнат қилиш ибодат қилиш билан баробарлиги, меҳнат қилишдан уялмаслик кераклиги айтилади. Зеро, меҳнат – инсон ҳаётнинг кўрки, безаги. Меҳнат инсонни уч балодан сақлайди: юрак

¹ М.Ҳакимова. Касбий педагогика. Т., ТДИУ.2012. 19 – бет.

сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтожликдан.

Ислом дини илм талаб қилинишини ибодат даражасига кўтаради, илм талабини ихтиёрий ибодатдан юқори қўяди. Ислом таълимотига кўра, илм олишда эркак ҳам, аёл ҳам тенг ҳуқуқлидир.

Илм – улуғ ҳикмат, илм – иймон, эътиқод. Дин асосини, қуръоннинг мазмуни ва моҳиятини билиш, англаш учун ҳам илмли бўлиш, уни мукамал эгаллаш керак. Пайғамбаримиз с.а.в. айтадиларки: “Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир”, Қуръонда “эхсон” сўзи “яхшилик” маъносида келган. Яъни Аллоҳ сени инсон қилиб, ҳамма аъзоларингни ўз вазифасини бажарадиган қилиб яратди, энди сен ҳам шу эҳсонлар эвазига унга имон келтиришинг, унгагина ибодат қилишинг лозим.

Маълумки саҳийлик кўли очик, олий ҳимматлик демакдир. Саҳийлик гўзал хулқларнинг энг аълосидир. Кўли очик саҳий одам ҳар кимнинг қошида хурматли ва кадрлидир. Саҳий бўлиш учун бой бўлиш шарт эмас, оз нарса билан ҳам саҳийлик қилиш мумкин. Муҳаммад с.а.в. умматларини огоҳлантириб: “енглар, ичинглар, кийининглар, садақа қилинглар, аммо исроф қилманглар, мағрурланманглар” дейдилар ва чанқаган кишига сув бериш ҳам садақа бўлишини айтадилар.

Ислом таълимотида сабр ахлоқий фазилат, мусилмон кишининг рухий таянчларидан бири ҳисобланади. Сабр мусилмонлар қалбига сукунат ва хотиржамлик бахш этади, алам бераётган дардига малҳам бўлади. Ислом динида инсонларни садоқатлилик, вафодорлик, камтарлик, ҳаллоллик каби фазилатлар ҳам шарафланади. Баҳиллик, манманлик, риё каби иллатлар кораланади.

4.2. Ҳадис илмининг пайдо бўлиши

Ислом дини таълимотида “Қуръони карим”дан кейин асосий манба ҳадислардир. Ҳадис илми билан шуғулланиш асосан VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, унга энг билимдон, мўътабар шахсларгина тартиб берган. Маълумотларга караганда, VIII-XI асрларда тўрт юздан ортиқ муҳаддис ҳадис илми билан шуғулланган. Биз бу манбаларнинг кўпи билан таниш эмасмиз. Кейинги йилларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг диний-ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган ҳадислар, Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳих”, “Ал-адаб ал-муфрад” асарлари таржима қилиниб нашр этилди. Ат-Термизийнинг “Аш-Шамоили ан-Набавия” асари ҳамда уларга ёзилган сўзбошилар, баъзи кичик рисола ва мақолалар чоп этилди. Биз ана шу манбаларга таянган ҳолда фикрларимизни баён этамиз.

“Ҳадис” ёки “сунна” сўзлари бир маънони англатиб, Расулуллоҳнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда диний ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ибратли ишлари, эътиқод, поклик ва инсонга хос маънавий-ахлоқий хислатларни ифодаловчи сўзлари панд-насихатлари унинг номи билан боғлиқ ҳадисларда мужассамланган.

Ҳадислар дастлаб ёзиб борилмаган. Чунки пайғамбаримиз Қуръони Карим нозил бўлган вақтларда араб бўлмаган кишиларнинг ҳадисларни Қуръон оятларидан деб ўйлашларидан чўчиб, уни ёзиб боришларига рухсат этмаганлар. Лекин пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳивасаллам хузурда саҳобалар бўлиб, улар Расули акрамдан эшитган ҳадисларни ёдлаб борганлар. Масалан, Ҳазрати Абу Хурайра шундай мўътабар кишилардан бўлиб, бутун имрини ҳадисларни ёдлашга бахш этган. Мазкур ҳадислар тўғри, ишонарли (сахих) бўлган.

Лекин, ҳадисларни ёд олган кишилар тобора камая боргани ҳамда аста-секин улар унутилиб кетишининг олди олиниб, халифалар ишонарли ҳадисларни тўплашга фармон бердилар. Исломшунос олимлар бу ишни бошида турган дастлабки халифа Умар ибн Абдулазиз эканлигини таъкидлайдилар.

Ҳадисларни биринчи марта ёзиш билан машғул бўлган муҳаддислар Рабъ бин Сабах, Саид бин Аби Аруба, Молик бин Анас, Абдумалик бин Журайж Маккий, Абдурахмон ал-Авзой Шоший, Суфён Саврий Куфий ва бошқалар деб кўрсатилади.

VIII-IX асрлар ҳадис илми учун “олтин давр” ҳисобланади. Бу даврга келиб, ислом уламолари томонидан ҳадисларнинг қай даражада тўғрилиги, қандай манбаларга таянганлиги тадқиқ этила бошланади. Чунки, баъзи сохта, ишончсиз ҳадислар ҳам пайдо бўла бошлаган, уларни текшириб, асл ҳадисларни тиклаш ва ёзма равишда қайд қилиш замон талаби бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам биринчидан, ҳадисларни ёддан билувчи ҳақиқий билимдон, ўткир муҳофазали кишиларнинг аста-секин камайиб кетаётганлиги, иккинчидан, ҳадисларнинг ҳақиқий, ишонарли, яъни сахихларини сақлаб қолиш мақсадида ҳадислар текширилиб, асл ҳолига қайтарилиб, ёзиб йиғила бошланган. Ана шу тарзда ҳадис илми ривожлана бошлаган.

Ислом дунёсида энг нуфузли манбалар деб саналган олти ишончли тўплам (ас-сахих ас-ситта)ни яратган муҳаддислар ҳам ватандошларимиз бўлиб, ҳадис илми ривожланган IX асрда яшаб ижод этганлар. Булар Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий 194 (810) - 256 (870), Имом Муслим ибн ал-Хажжож 206 (819) - 261 (874), Имом Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий 209 (824) - 279 (892), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний 202 (817) - 275 (880), Имом Аҳмад ан-Насоий 215 (830) - 303 (915), Имом Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа 209 (824) - 273 (886) каби алломалардир.

Олимлар “ал-кутуб ас-ситта” (олти китоб)ни куйидагилардан иборат деб кўрсатадилар.

1. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий томонидан ёзилган “Ас-Саҳих”.

2. Имом Муслим ан-Нишопурий (Имом Муслим ибн ал-Хажжож) томонидан ёзилган “Ас-Саҳиҳ”.
3. Имом Ибн Можжа томонидан ёзилган “Суннан”.
4. Имом Абу Довуд Сулаймон-Сижистоний томонидан ёзилган “Суннат”.
5. Имом ибн Исо ат-Термизий томонидан ёзилган “Аж-жами ал-кабир”.
6. Аҳмад ан-Насоий томонидан ёзилган “Суннан” каби тўпламлардир.¹

Ҳадис таълиф этишда асосан, уч йўналиш пайдо бўлган

1. “Муснад” йўналиши. Бунда турли мавзудаги ҳадислар, бир жойда келтирилиб, алифбо тартибда жойлаштирилган. Абдуллоҳ ибн Мусо, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳадисларни ана шу йўналишда тўплаганлар.

6. “Саҳиҳ” (ишончли) йўналиши. Бунга Имом Бухорий асос солганлар. Буларга тўғри, ишонarli ҳадислар киритилган.

7. “Суннан” йўналишидаги ҳадислар. Мазкур йўналишдаги ҳадисларга тўғри, ишонarli ҳадислар билан бир каторда, “заиф” ҳадислар ҳам киритилган. Абу Довуд, Исо ат-Термизий, ан-Насоий, ибн Можжалар шундай йўналишдаги ҳадисларни тўплаган муҳаддислар.

Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб ҳадис тўплаган муҳаддис Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий саналади. Яна ватандошларимиздан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий, Исҳоқ ибн Раҳовайх ал-Марвазий, Имом ал-Ҳайсам ибн кулайб аш-Шоший, Ҳофиз ал-Хоразмий, Имом Абдулҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва бошқалардир.

Ҳадисларда инсоннинг камолга етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар акс эттирилган бўлиб, булар меҳр-оқибат кўрсатиш, саҳийлик, очиқ кўнгиллилик, ота-она ва катталарга, қариндошларга ғамхўрлик, хурмат, фақир-бечораларга мурувват, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб-хунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўст, тинч-тотув бўлиш ва бошқалардан иборатдир. Бундан ташқари, инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд-насихатлар ҳам ўз ифодасини топганки, буларнинг барчаси қуръони Карим кўрсатмаларидан келиб чиқади ва комил инсонни шакллантириш мезони саналади. Аввало, Ислом ақидасига биноан ҳар бир мусулмон иймонли бўлиши керакдир. Қуръони Каримда таъкидланганидек, ҳадиснинг ҳам биринчи китоби иймон китобидир. Исломдан мурод иймон демакдир. Иймоннинг мукамал бўлмоғининг уч шарти кўрсатилади:

-тўғри эътиқодли бўлмоқ;

-кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;

-киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва итоатга чиниқтирмоғи.²

Иймон дарахтга тенглаштирилади ва унинг 60 дан ортиқ шохлари бор деб, иймон белгилари санаб ўтиладики, буларнинг ҳар бири инсон

¹ Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. Тошкент, Ўзбекистон, 1991, 13-бет.

² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис, 1-жилд ал-Жомеъ ас-саҳиҳ (Ишонarli тўплам). Тошкент. Қомуслар Бош таҳририяти, 1991, 14-бет (Бошқа манбалар ҳам ушбу китобдан олинди).


маънавий кифасининг мукаммаллашувига таъсир этувчи хислатлардир. Булар куйидагилардан иборат: “кўли билан ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир”; “Ўзи яхши кўрган нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча ҳеч бирингиз чинакам мўмин бўла олмайсиз” (3-,4-, 6- боблар); “Учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукаммал бўлғайдир:

- инсофли ва адолатли бўлмоқ;
- барчага салом бермоқ;
- камбағаллигида ҳам садақа бериб турмоқ”.

Бундан ташқари, кишилар учун хос бўлмаган мунофиқлик иллатлари ҳам кўрсатиб ўтилади: Расуллоҳ саллалоҳу алайҳи васаллам айтганлар: “қуйидаги тўртта иллат кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлғайдир, кимдаки улардан биттаси бўлса, уни тарк этмагунча мунофиқликдан бир иллати бор экан, дейилдир:

- омонтга хиёнат қилғайдир;
- сўзласа ёлғон сўзлагайдир;
- шартнома тузса, шартида турмағайдир;
- уришиб қолса, кек саклагайдир ва ноҳақлик қилғайдир”

4.3. Ал-Бухорийнинг ҳадис илмини ривождаги хизматлари



“Саҳиҳ” йўналишининг асосчиси, энг етук ва машҳур муҳаддис Абу Абдулоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. Имом Бухорий ҳадис илмида “Амир ул-мўминин”. У “Имом ал-муҳаддисийн” (“Барча муҳаддисларнинг пешвоси”) деган шарафли номга сазовор бўлган.

Имом Ал-Бухорий(810 - 870)

У 810 йил, 13 майда (баъзи манбаларда 810 йил, 20 июлда) (хижрий 194 йил шаввол ойининг 13 куни) Бухорода туғилган. Гўдаклигида отадан етим қолган. Ўқув муассасасида савод чиқарган, 10 ёшиданок араб тили ва китобларидан уларни ёдлай бошлайди. Ал-Бухорий ҳадис илмини катта кизиқиш билан ўргана бошлайди. Ёшлик чоғидан бошлаб турли ровийлардан эшитган ҳадисларни ёдлаб борор эди. Абдуллоҳ ибн ол-Муборак, Вакиъ ибн Жарроҳ каби олимлар тўплаган ҳадисларни ёд олган, ҳадис ривоятчилари ҳақидаги баҳсларда қатнашган.

Ал-Бухорий 825 йилда, ўн олти ёшида онаси ва акаси билан Ҳижозга сафар қилади. Маккаю Мукаррама ва Мадинаю Мунавварада бўлиб, ҳаж ибодатини адо этади. Балх, Барса, Куфа, Бағдод, Хуме, Дамашк, Миср, Макка ва Мадинада бўлиб, сафар жараёнида муҳаддислардан ҳадис ўқир эди. Олти йил Ҳижозда қолиб, ҳадис илмидан таълим олади. Шу билан бирга, Дамашк, Қоҳира, Басра, Бағдод

шаҳарларида машҳур олимлардан фикҳ олмидан дарс олади, ўзи ҳам баҳс ва мунозараларда қатнашади, толибу илмларга дарс ҳам беради.

Имом Бухорий истеъдодли, ўткир мухофазали, зийрак олим бўлган. “Манбаларга кўра, Бағдодда истиқомат қилган пайтида кўпинча ойнанинг нурида ижод қилиб, қоронғи кечалари шам ёруғида китоб ўқир экан. Агар тунда беҳосдан бирор-бир фикр-мулоҳаза қилиб қолса, шамни ёқиб дарҳол фикрини қоғозга туширар, шу тахлитда баъзи кечалари шамни йигирма мартагача ўчириб-ёқар экан”.¹

Имом Бухорийнинг ўткир зехн эгаси эканлигини қўйидаги мисолдан ҳам билиш мумкин.

Ривоятларга кўра “У қайси бир китобни қўлга олиб, бир маротаба мутолаа қилса, ҳаммаси ёд қолаверарди”. Имом Бухорийнинг ўз сўзига кўра, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг ғайри саҳиҳ (ишнчсиз) ҳадисни ёд билар экан. Ўз шогирдларидан Амир ибн Фаллос “Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта ишончли ҳадис эмасдур”, - дейди. Устози Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазийнинг айтишича, “Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиккан эмас”.

Имом Бухорийнинг ўткир зехни ҳақида шундай ривоят келтирилади: “Имом Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан бири Ҳошид ибн Исмоил айтади: “Имом Бухорий бизлар билан устознинг дарсини эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларини биз ёзиб олар эдик, аммо Бухорий фақат қулоқ солибгина ўтирарди. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга: “Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?” - деб таъна қилган вақтимизда: “Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётгирман”, - деди-да, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганидан тузатиб оладиган бўлдик”.²

Имом Бухорий жуда кўп забардаст олимлардан таълим олади. Манбаларда унинг устозларини тўксонга яқин деб кўрсатишади. Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ғартобий, Убайдулла ибн Муса ал-Абасий, Абу Бакр Абдулла ибн аз-Зубайр ал-Ҳамийдий, ибн Раҳавайх номи билан машҳур имом Исҳоқ ибн Иброҳим, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн ал-Мадийнийлар унинг устозларидир.

Имом ал-Бухорийнинг ўзи ҳам йирик ва машҳур олимлар Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Рамозий, Абдуллоҳ ибн қутайба, Иброҳим ал-Ҳарбий, Муҳаммад ибн Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Муслим ибн Ал-Ҳажжожларга ўз вақтида устозлик қилган.

¹ Уватов У. Ҳадис илмининг султони. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2001, 29 октябр, № 43-44.

² Ал-Бухорий ҳақида замондошларининг хотиралари. Шамсиддин Бобохоновнинг Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад” китоби таржимасининг муқаддимасидан олинди. қаранг: Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). Таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи Шамсиддин Бобохонов. Тошкент, Ўзбекистон, 1990, 6-8 бетлар.

Имом Бухорий ўта камтар, инсонпарвар, хулқ-одобда тенгсиз, саховатли инсон ҳам бўлган. У ҳадис илмининг етук олими бўлса ҳам, вақти келганда замондошлари, шогирдларидан ҳам ўрганган. Имом Бухорий бир минг саксонга муҳаддисдан ҳадис эшитган. Ундан тўксон минг киши ишонарли ҳадисни тўплаган, 100 минг “саҳиҳ” ва 200 минг “ғайри саҳиҳ” ҳадисларни ёд олган.

Имом ал-Бухорий узок сафардан она юрти Бухорога қайтгач, талабалар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ беради ва унинг тарғиботчисига айланади. Ривоятларга кўра, халифанинг Бухородаги ноиб Халид ибн Аҳмад ибн Халид аз-Зухалий уни саройига келиб ҳадис илмидан сабоқ беришга таклиф этади. Аммо Имом Бухорий бу таклифни қабул эмайди ва: “Мен илми хорлаб султону амирлар эшигига олиб бормаيمان. Агар амирга илм керак бўлса, тарбияланувчиларни (иккинчи ривоятда саройдагиларни) уйимга ёки масжидимга юборсин”, - деб жавоб беради. Ал-Бухорий билан амир Халид ибн Аҳмад аз-Зухалий муносабатларига раҳна тушади. Бунга баъзи ҳасадгўй шахсларнинг иғволари ҳам сабаб бўлади. Амир буюк алломани шаҳардан чикиб кетишга фармон беради. Уни Самарқанд уламолари ўз юртларига таклиф этадилар. Имом Бухорий йўлга чиқади. Аммо Самарқандга яқин Ҳафтанг қишлоғида (ҳозирги Пойарик тумани) бетоб бўлиб қолади ва шу ерда хижрий 256 йили рамазон ойининг охири куни (милодий 870 йил 1 сентябрь) 62 ёшида вафот этади ва шу ерга дафн этилади.

4.4. Ат - Термизийнинг ҳадис илмига қўшган хиссаси

Машҳур муҳаддислардан яна бири ватандошимиз Абу Исо ат-Термизий бўлиб, у 824 йилда Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхонларё вилоятининг Шеробод туманида) қишлоғида тўғилган. Унинг оиласи ва ота-онаси ҳақида маълумотлар йўқ. Баъзи тадқиқотчилар унинг асли марвлик бўлган деб қайд этадилар.

У болалигидан илмга қизикқан бўлиб, айниқса ҳадис илмини чуқур эгаллаган. Ат-Термизий 950 йилдан катор мамлакатларга сафар қилади. Ҳижозда бўлиб, Макка ва Мадинани зиёрат қилади, Ироқ, Хуросонда ҳадис илми, фикҳ, илми ал-кироат, баён, тарих ва бошқа илмларни ўрганайди. Мана шу сафарда ат-Термизий ҳадисларни тўплай бошлайди. Ҳадис илмини ўрганишда машҳур муҳаддис ат-Термизий устози ал-Бухорийни алоҳида ҳурмат қилади. Ҳатто манбаларда ат-Термизий устозининг вафоти туфайли кўп йиғлаганидан кўзи кўр бўлиб қолган, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Ат-Термизийнинг ўткир зехни, хотираси, ёдлаш қобилиятининг кучлилиги туфайли ал-Бухорий ҳам уни фақат шогирд сифатида эмас, ўзига ҳамкор дўст сифатида ҳам ҳурмат қилган.

Ат-Термизий узок сафарида ҳадисларни тўплаб, китоблар таълиф қилишга бошлади. У 863 йилда ўз ватанига қайтди ва ўзи ҳам шогирдларга таълим бериб, ҳам китоблар ёзди.

Ат-Термизийнинг ўндан ортиқ асарлар яратганлиги маълум. Булар

“Ал-Жомъе ас-сахих” (“Ишончли тўплам”), “Аш-Шамоил ан-Набавия” (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”), “Ал-илал фи-л-ҳадийс” (“Ҳадислардаги иллатлар ва оғишлар ҳақида”) асарлари машҳурдир.

Ат-Термизийнинг ёзиб қолдирган асарларидаги ҳадислар ҳам ал-Бухорий ҳадислари каби инсонни ҳалоллик, адолат, эътиқод, диёнат, поклик, меҳнатсеварлик, мурувватлилик, меҳр-шафқат, катталарга, ота-она ва қариндошларга ҳурмат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Қисқа хулоса

Демак, ҳадислар Мухаммад пайғамбарнинг суннатлари бўлиб, мазмунан ҳар бир мўъминнинг ишончини, эътиқодини мустаҳкамлайди ва шу билан инсонни маънавий камолотга даъват этади. Ислом дини маърифатга асослангани учун ҳам ҳар бир шахсни ақлий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан камолга етказишга оид эътиқод ва имондан иборат бўлиб, фақат эзкуликка хизмат қилиш, олижаноб бўлиш, покиза юриш, бир бурда лукмани ҳалол қилиб ейиш, жаҳолат ва жаҳолатпарастликка йўл қўймаслик, ўз биродарининг, қариндош-уруғларининг, миллатининг ва ватанининг кадриятларини асрашдан иборатдир.”

Карим, покизалик, Аллоҳ таоло, “Ал-жомъе-ас соҳих”

Ўз – ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Ҳадис илмининг пайдо бўлиши.
2. Ҳадисшунослик ва таълим-тарбия.
3. Ҳадис илмининг ривожланишида Имом Бухорийнинг ўрни.
4. Бухорий ҳадислари, уларни таҳлили.
5. Имом Ат-Термизийнинг ҳадислари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти.
6. “Саҳих” ҳадислар деганда нимани тушунасиз?
7. Ҳадислар тарбияланувчиларга таълим беришда қандай аҳамият касб этади?
8. “Ғайри саҳих” ҳадислар деганда нимани тушунасиз?

5 - мавзу: Шарқ уйғониш даври ва бу даврда педагогик фикр тараққиёти

Режа:

- 5.1. Шарқ уйғониш даври ҳақида умимий тушунча.
- 5.2. Абу Наср Форобийнинг педагогик қарашлари.
- 5.3. Абу Райхон Берунийнинг илмий-маърифий қарашлари.
- 5.4. Абу Али ибн Синонинг педагогикага қўшган хиссаси.
- 5.5. Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асари таълим-тарбияга оид асар сифатида.

5.1. Шарқ уйғониш даври ҳақида умимий тушунча

XX асрга қадар даврлардаги ижтимоий ва маданий ҳаёт тарихидан шу нарса маълумки, таълим –тарбияда маънавиятли, маърифатли баркамол ёшларни етиштиришда халқ педагогикасининг ўрни ва моҳияти катта

бўлган. Минг йиллар давомида шаклланиб, ривожланиб келаётган халк педагогикаси миллий педагогика тарихининг замини бўлган.

Умуминсоният тарихида IX-XV асрларда – Шарқда уйғониш даврида ижтимоий – маданий ҳаётда катта ўзгаришлар юз берган. Айниқса Амир Темур асос солган салтанат даврида ижтимоий ҳаёт юксалиш, илм-фан гуркираб ривожланган. Бу даврда яшаб ижод этган Ал - Бухорий , Ат-Термизий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Яссавий каби буюк даҳолар жамият тарихи ва жаҳон маданияти ривожига беназир ҳиссаларини қўшганлар. Бу буюк мутафаккирлар турли фанларга оид яратган асарларида маънавий-маърифий кадриятларнинг илмий-фалсафий асосларини ишлаб чиқдилар, улар асрлар давомида таълим-тарбия соҳасида аجدодларимиз ортирган тажрибаларининг кучли кудратга эга эканлигини ва халқчиллигини ўз асарида ифодаладилар.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Туркистонда жаҳидчилик ҳаракатининг таниқли раҳбарлари Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода каби маърифатпарварлар маданиятни ривожлатириш учун маърифатпарварликка асосланиш , таълимни ислох қилиш зарурлиги ғоясини олға суриб , Туркистонда ижтимоий онг тараққиётини бошлаб бердилар.

1991 йил Ўзбекистон мустақил бўлиши билан миллий онг , маънавиятимиз манбаи тарихий - маданий кадриятларимизни ўрганиш ва тиклашга мушарраф бўлди. Бу эса тарихни, ота-боболаримизни билишга катта таъсирини кўрсатмоқда.

Кўриниб турибдики, ҳар бир даврда илм-фанга , маданиятга, маданиятга ва таълим-тарбияга ўзларининг ҳиссаларини қўшган олиму фозлолар, шоирлар етишиб чиққан.

Президент Ислам Каримов айтганларидек “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Ҳаёт ривожланиб борар экан ҳар бир соҳада тарихга назар солмасдан туриб, яъни ўтган даврда келажакни кўра олиш жуда мушкул жараён ҳисобланади.

5.2.Абу Наср Форобийнинг педагогик қараишлари



Абу Наср Форобий (873 – 950)

Форобийнинг педагогик таълимотлари ўз даври учун айниқса катта аҳамиятга эга бўлиб, инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган. Унинг уқтиришича , инсонни бахт-саодатга элтувчи жамоа етук жамоа бўла олиши мумкин. Комил инсонни яратиш, уни бахт-саодатга элтиш ҳар қандай давлат жамоа бошлигининг вазифаси бўлиши даркор.

Фаробийнинг таъкидлашича, инсонни тарбиялаш икки хил усул ёрдамида олиб борилиши мумкин. Тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий ,ақлий ва ахлоқий хислатларни – билимли булишга, тўғрилиқни, ҳақиқатни севишга жасур дўстларга садоқатли бўлиш каби фазилатларни эгаллашга интиломи лозим. Бундай инсоний фазилатларга эга бўлиш учун бахт-саодатга элтувчи жамоа бўлиши керак.

Олим таълим фақат сўз ва ўрганиш билан , тарбия эса, амалий иш ,тажриба билан амалга оширилишини айтади ва тарбияни ҳар бир халқ , миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-хунарга ўрганишдан иборат деб ҳисоблайди.

Тарбия эса амалий фаолиятда намоён бўлади, ёшларга у маълум иш-ҳаракат, касб-хунарга, одоб орқали сингдирилади.

Талим-тарбия жараёнида назарий билим билан амалий ҳаракат-одат, малака, фаолият бирлашиб боради, етуклик шу бирлашувнинг даражасига қараб юзага келади.

Фаробий инсонга хос бўлган ва унинг маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этувчи тафаккур ва нутқнинг ривожланишини таълим-тарбиянинг асосини ташкил этувчи муҳим жараён ҳисоблайди.

Фаробий инсонни дунё таракқиётининг энг мукамал ва етук якуни деб билади. Шунга кўра, у ўз асарларида инсонга таълим ва тарбия бериш зарурлигини айтади ва бунда таълим-тарбия усулларида қўрилган мақсад асосий ўринда бўлишини айтади.

Фаробий инсоннинг маънавий ҳаётида , асосан , унинг икки томонга: ақли-онига ва ахлоқига (хулқ-атвориға) эътибор беради. Шунинг учун таълим-тарбия, унинг фикрича , инсонни ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам етук мукамал киши қилиб етиштиришга қаратилмоғи лозим. Демак, таълим-тарбиянинг бирдан бир вазифаси жамият талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган ва уни бир бутунликда, тинчликда, фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган қомил инсон тайёрлашдир. «Фозил шаҳар аҳоли илмининг фикрлари» ҳамда «Бахт- саодатга эришув ҳақида» номли рисолаларида олимнинг бу фикрлари аниқ ифодаланган.

Фаробий таълим-тарбия ишига киришиш, уни бошлашдан аввал одамларнинг шахсий хислатларини билиш лозимлигини айтади. Унинг фикрича, инсоннинг ҳошиш, ихтиёр, ифода , яхшилик ва ёмонлик каби хислатларини, нимага қобилияти борлигини билмайтуриб, ишга киришиш қўрилган натижа бермайди.

Фаробий таълим-тарбия бериш усуллари ҳақида шундай ёзади: «Амалий фазилатлар ва амалий санъатлар касб-хунарга ва уларни бажаришга одатлантириш масаласига келганда, бу одат икки турли йўл билан ҳосил қилинади: биринчи йўл – қаноатбахш сўзлар, чорловчи , илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, касб-интилиш , ҳаракатга айлантирилади.

Иккинчи йўл – мажбур этиш йўлидир. Бу усул гапга кўнмовчи қайсар шаҳарликлар ва бошқа саҳрои халқларга нисбатан ишлатиларди. Чунки

улар ўз истакларича сўз билан ғайратга кирадиганлардан эмасдир. Аммо улардан қайси бирики, назарий билимларни ўрганишга астойдил киришса ҳамда фазилати яхши бўлиб, касб-хунарларни эгалласа, вазузий санъатлар мажбур этмаслик керак. Мақсад уларни фазилат эга қилиш ва касб-хунар аҳлларига айлантиришдир.

Тарбия бериш усули, Форобийнинг фикрича, икки турли бўлади . «Аввалги усул-санъатни ўз рағбатлари билан ўрганувчиларга ишлатадиган усул. Иккинчи усул эса, мажбурий равишда тарбияланувчиларни тарбиялаш учун ишлатиладиган усул. Болалар устида турган одам эса, муаллим бўлиб, у болаларга тарбия беришда турли тарбия усулларидан фойдаланилади».

5.3. Абу Райхон Берунийнинг илмий-маърифий қарашлари



Қомусий олим Абу Райхон Беруний Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний X асрнинг иккинчи ярми ва IX асрнинг бошларида, ғоят мураккаб тарихий даврда яшади ва ижод этди. Беруний (милодий 973 йил 4 сентябр) Хоразмнинг Қиёт (Кот) шаҳрида дунёга келди.

Берун сўзининг маъноси «ташқари» деган маънони англатади.

Абу Райхон Беруний (973 - 1048)

Саёҳатчи Ёқут Ҳамавийнинг айтишича, ватанидан ташқарига кетган ҳар бир кишини хоразмликлар «Беруний» лақаби билан аташган. «Абу Райхон» эса «марҳаматли», «рахмдил» деган маънони англатади.

Абу Райхон Беруний бошланғич таълимни тугатгач, ўша даврда фан-маданият тараққий этган Хоразмнинг пешқадам олимларидан сабоқ олади.

Беруний ўз дидактик қарашларида табиат, жамият ходисаларига, турмуш воқеаларига ҳолисона баҳо бериш – инсон табиатини билдирувчи омил эканини таъкидлаб, кишиларни воқеаларга мустақил ва онгли муносабатда бўлишига ундайди.

Олимнинг таъкидлашича, сезги ўз кўзгатувчи аъзолари орқали юага келади. Кўзгатувчилар бир меъёрда бўлса, ёқимли ва зарарсиз, агарда меъёрдан ортик бўлса, дардли ва халокатли бўлади.

Кўриш сезгисини нур кўзгади, эшитиш, хидлаш ҳаво орқали бурунга уриладиган хидлар пайдо бўлади, таъм – озуқанинг мазаси билан вужудга келади. Бу тўрт сезгини ҳис этувчи махсус аъзолар танада мавжуддир. Бешинчи сезги эса, бутун баданда воқеадир.

Беруний инсон ана шу хусусиятлари билан барча мавжудотлардан устунлигини таъкидлаб, инсоннинг асосий вазифаси меҳнат орқали кўзланган мақсадга эришиш, яхшилик кўришдир, деган ғояни олға суради.

Беруний «Менинг қалбим икки биқиним ўртасида туриб, кўзларнинг кўргани , кулоқларнинг эшитганини англайди,»- дер экан у билим эшитиш ва кўриш орқали эгалланиши ва у қалбга боғлиқлигини таъкидлайди.

Беруний яратган ҳар бир ишининг киши руҳиятига , қобилиятига мос, уни толиқтирмайдиган бўлишига эътибор беради.

Беруний меҳнатни улуғлайди, айниқса олимлар меҳнати туфайли илмий ёдгорликлар бунёд этилишини таъкидлайди. Унингча ёзиш хабар турларининг бири бўлиб, уни бошқа хабарлардан кўра шарафлироқ санаш мумкин: каламнинг азалий излари бўлмаганда , халқларнинг хабарларини билиб бўлмайди.

Беруний кишилар ҳаётидаги ёмонликни қоралайди. Унинг фикрича, бу иллатни йўқотишнинг асосий йўли унинг илдизлари топиш ва кесиб ташлашдир. Ёмонликнинг шаҳобчалари кўп , аммо уларнинг асоси уч нарса: таъма, ғазаб, юз илмсизликдир. Агарда бу асослар қирқиб ташланса, шаҳобчалар қуриydi. Бу асосларнинг негизи эса, иштаҳа ва ғазабдир. Иштаҳа инсонга энг халокатли ва энг кучли душман бўлиб, инсонни овқатларни танаввул қилиш ва ўч олиш завқи билан алдайдилар. Олимнинг тушинтиришича, бу иллатлар, ранж ва гуноҳга олиб келади. Уларнинг таъсирига берилиб кетган киши инсонлик қиёфасини йўқотади.

Беруний ростгўйликни, тўғри сўзликни улуғлайди, ёлғончиликни одамлар ўртасига низо солувчи иллат сифатида қорлайди.

Беруний ростгўйликни адолат билан баробар қўяди. Унинг фикрича, халқ адолатни севган каби, ростгўйликни ҳам севади. Аммо унинг моҳиятини, ёқимлилигини билишни истамайдиган киши уни севмайди.

Берунийнинг маърифат ва билимдонлик даражаси, кишиларнинг мулоҳаза юритиш ҳолати тўғрисида билдирган фикрига кўра, ҳар бир нарсани аниқ, синчиклаб ўрганиш, билиш, бундан сўнггина бир хулосага келиш керак. Беруний бу ишда тажрибага асосланишини алоҳида уқтиради, нодонлик, эринчоқлик, илмсизликни танқид қилади.

Беруний мурувват ва футувватни энг яхши инсоний фазилат ҳисоблайди. Унинг фикрича, мурувватли киши ўз қобилияти, хушмуомалалиги, шавқатлилиги , қатъиятлилиги , чидам, фазилат ва камтарлик ҳислатлари билан ажралиб туради.

Абу Райҳон Беруний илм-фаннинг буюк ҳомийси ва муҳлиси сифатида мамлакатнинг ободончилиги, илм-фаннинг гуллаб яшнашида , одамнинг бахти эса унинг билим ва маърифатида деб билади. Яратган асарларида ҳар бир инсон ўз қалбининг фармойишига кўра хайр-эзгуликка интилиши, сунъий обрў, шуҳрат қозониш учун мурувват ва шавқат кўрсатмаслиги кераклигини таъкидлайди.

5.4. Абу Али ибн Синонинг педагогика қўшган хиссаси



Абу Али ибн Сино (980 йил)

Шарқда «Шайх ар-Райис» номи билан машхур бўлган алломалардан бири, ўрта асрнинг буюк мутафаккири Абу Али ибн Сино Ўрта Осиё маданияти ва илм-фаннинг ривожига катта хисса қўшди. Абу Али ибн Сино 980 йилда Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида кичик амалдор оиласида туғилади.

Кейинроқ унинг оиласи Бухорога кўчиб ўтгач, у бошланғич мактабда ўқий бошлайди. Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ ҳамда унинг дўстлари билимдон кишилар бўлиб, уларнинг илмий мунозаралари ўтадиган оилавий муҳит ёш ибн Синога ҳам таъсир этади. Шу билан бирга унинг болалик ва ўсмирлик йиллари ўтган Бухоро шаҳри самонийлар даврининг йирик маданий маркази бўлиб ҳисобланар эди. Бухорода кўплаб мактаб, мадраса, касалхона ва нодир китоблар сақланадиган кутубхона бўлган.

Устозларидан ҳинд ҳисоби, фикҳдан билим олган. Кейин эса файласуф Абу Абдуллоҳ Нотилийдан фалсафа, мантиқ, ҳандаса ва бошқа фанлардан таълим олади. Шундан сўнг ибн Сино ўзи мустақил ҳолда барча фанлар билан шуғуллана бошлайди. У айниқса тиб илмини чуқур эгаллаб олади, бу соҳада унга таълим берган киши бухоролик Абу Ман-Камарий бўлди.

«Тиб илми, - деб ёзади Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида, кийин илмлардан эмас, шунинг учун мен қисқа бир муддатда бу фанда жуда илғорлаб кетдим, энди, ҳатто; билимдон табиблар ҳам келиб ҳузуримда тиб илмидан дарс ола бошладилар. Касалларни ҳам кўра бошладим ва орттирган тажрибаларим натижасида муолажа эшиклари менга шу қадар (кенг) очилиб кетдики, уни тасвирлашдан ожизман»-дейди.

Ибн Сино 17 ёшидаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида донг чиқаради. Ўша кезларда Сомонийлар давлатининг бошлиғи Нух ибн Мансур касал бўлиб, сарой табиблари уни даволашдан ожиз эдилар. Бухорода янги чиққан ёш табибнинг овозаси саройга етиб боргач, уни амирни даволашга таклиф қилганлар ва у бошқа табиблар билан биргаликда тез фурсатда беморни оёққа турғизган. Бунинг эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган, бу кутубхона ўша вақтда Ўрта ва Яқин Шарқда энг катта, бой кутубхоналардан саналган. Бир неча йил давомида кеча-кундуз тинмай мутолаа қилиш натижасида Ибн Сино ўз билим доирасини мислсиз даражада кенгайтганки, ўша пайтда шу қадар билимга эга бўлган бошқа бирон кишини топиш мушкул бўлган.

Абу Али ибн Синонинг фан ва маданият таракқиётига кўшган буюк хиссаси учун ҳам Шарқда унга «Шайх-Урайс» (Олимлар бошлиғи), Европада «Олимлар подшоси» деган ҳурматли унвон бердилар.

IX аср охири — X аср бошларига келиб, ўлкада сиёсий-ижтимоий вазият мураккаблашди. Шу туфайли ибн Сино Хоразмга — Урганчга кўчиб ўтади. Хоразмда у бир қатор олимлар билан ҳамкорликда Абу Райҳон Беруний бошқараётган «Маъмун академияси»да илмий иш билан шуғуллана бошлайди. Хоразмда ўзининг йирик асарлари — «Тиб қонунлари», «Аш-Шифо» китоби устида иш олиб боради.

Маҳмуд Ғазнавий 1017 йилда Хоразмни ўзига қарам қилиб олгач, нуфузли олимларни ҳам ўз саройига чақириб ола бошлайди. Ибн Сино Маҳмуд Ғазнавий саройига бормай, бошқа юртларга кетишга мажбур бўлади. Гурганжда, Райда, кейин эса Ҳамадонда ва умрининг сўнгги йиллари Исфaxonда яшайди. Ибн Сино 1037 йилда вафот этди. Алломадан кейинги авлодларга 250 дан ортиқ илмий асар бой мерос бўлиб қолди. Абу Али ибн Синонинг «Ал-Қонун», «Ҳайй ибн Яқзон», «Рисолат ат-тайр», «Рисолат фи-л-ишк», «Ишк ҳақида рисола», «Рисолат фи моҳият ас-салот» («Номознинг моҳияти ҳақида рисола»), «Китоб фи маъно зиёрат» («Зиёрат қилишнинг маъноси ҳақида»), «Рисолат фи-даф ал-ғам мин ал мивт» («Ўлимдан келадиган ғамни даф қилиш ҳақида рисола»), «Рисолат ал-кадр», «Нажот», «Аш-Шифо», «Донишнома», «Китоб аш-ишорат» ва «Ат танбиҳот» асарлари шулар жумласидандир. Маълумки, ибн Сино ҳам бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини ижтимоий-фалсафий қашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаган, махсус рисолалар-талқин этган. Шунингдек, фанларни тасниф этади. Бунда у биринчи ўринга тиббиёт фанларини қўяди. Фалсафани эса икки гуруҳга, яъни назарий ва амалий гуруҳларга бўлади. Назарий гуруҳ кишиларни ўзидан ташқаридаги борлиқ ҳолати ҳақидаги билимларни эгаллашга йўлласса, амалий қисм бизга бу дунёда нималар қилишимиз кераклигини ўргатади дейди. У биринчи гуруҳга этика, иқтисод, сиёсатни киритади. Иккинчи гуруҳга физика, математика, метафизика, дунё қонуниятларини ўрганувчи барча фанларни киритади.

Абу Али ибн Сино билимсиз кишилар жохил бўлади, улар ҳақиқатни била ол-майдилар, деб уларни етук бўлмаган кишилар қаторига қўшади. Бундай кишилардан илмий фикрларни сир тутиш кераклигини таъкидлайди.

У ҳақиқатни билиш учун билимга эга бўлиш кераклиги, лекин ҳар қандай билим ҳам ҳақиқатга олиб келмаслиги, инсон ўз билимнинг ҳақиқийлигини билиши учун мантиқни ҳам билиши зарурлигини уқтиради. Ибн Синонинг таълим методлари ҳақидаги таълимоти асосида ҳам билимларни эгаллашда мантиқий тафаккурга, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш керак деган ғоя ётади.

Ибн Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

- болага билим беришда бирданига китобга банд килиб қўйм.аслик;
- таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;
- олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;
- ўқитишда жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш;
- билим беришда болаларнинг майли, кизиқиши ва қоби-лиятини ҳисобга олиш;
- ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш¹.

Бу талаблар ҳозирги давр таълим тамойилларига ҳам мос келиши билан қимматлидир. Юқоридаги масалаларга ўзининг «Тадбири манзил» асарига махсус бўлим бағишлайди. «Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш» бўлимида таълим ва тарбия жараёнини очиқ беради. Юқоридаги тамойиллар эса болаларни енгил-елпи билим олиш эмас, балки ҳар томонлама чуқур ва мустаҳкам билим олишига ёрдам беради.

Талабага билим бериш уўқитувчининг масъулиятли бурчидир Шунта кўра ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шундай йул-йуриқлар беради. Булар қуйидагилардан иборатдир:

- болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;
- берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштирганига эътибор бериши;
- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиши;
- талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши;
- фанга кизиқтира олиши;
- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;
- билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериши;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиши зарур, дейди олим².

Ибн Сино таълимотида билишда қайси методлардан фойданилмасин — у оғзаки ифодами, билимларни тушунтиришми, тажрибаларми, барибир талабада ҳақиқий билим ҳосил қилиш мустақил, мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётга татбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириш асосий мақсад бўлган.

Абу Али ибн Сино иқтисодий тарбия юзасидан фикр юритар экан, болада дастлабки иқтисодий тушунчалар ва муносабатлар шаклланиши оилада бошланишини таъкидлайди. «Оила аъзолари- деб ёзади у, — кунлик озик-овқатлар учун етарли маҳсулотларни олдиндан тежамкорлик билан сарф қилади. Ҳар бир киши буғдой, гуруч, меваларни саклаш йўлларини билишўи керак. Эҳтиёжга яроқли нрасаларга тежамкорлик муносабатида бўлиши

¹ К.Хошимов, С.Нишонова, М.Иномова ва бошқалар. Педагогика тарихи. Т.: «Ўқитувчи», 1996. - 90-91 бетлар.


² Рахимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. Т., «Ўқитувчи», 1967, -75 бет

лозим. Ота-она увол қилиш гуноҳлигини фарзандига ёшлигидан насихат йўли билан ўргатади».

Болаларни ҳаётга тайёрлаш учун уларга хунар ўргатиш керак деб уқтиради. Инсон хунарни пухта ўрганиши шарт. Чунки хунар унга келажакда рўзгор тебратиш учун ас котади. Иқтисодий тарбия заминиде меҳнатсеварлик ётади. У шундай олиб борилиши керакки, бола ўз меҳнати натижаларидан гурурлансин. Меҳнат жараёнида бола ҳисоб-китоб қилишга ўрганади, ишбилармонлик, ташаббускорлик хусусиятларини ривожлантиради. Ибн Сино оилада болага юкланадиган меҳнат боланинг ёшига ва имкониятларига тўғри келиши лозим эканлиги ҳақида ҳам фикр юритади. Меҳнат ва жисмоний машқларнинг меъёрларини топа билиш масаласини илгари суради.

Ибн Сино жисмоний тарбияни инсон камолотидаги ўрнини назарий - амалий жиҳатдан таҳлил этади ва нимжон болалар учун, соғлом болалар учун жисмоний ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқади. У инсонни руҳиятини жисмоний танасини яхши булганилиги сабабли ҳар бир инсон олдиға қўйиладиган тўрт талабни ишлаб чиқади. Ушбу талабни қуйидаги чизмада кўриш мумкин.

5-чизма



5-чизма. Абу Али ибн Синонинг тўрт талаби.

Биринчи талаб овқатланиш маданиятини ўз ичига олади. Маълумки инсон очик тизим бўлиб, озик моддаларни қабул қилиб туриши лозим. Аммо озик моддалар кимёвий таркибига кўра инсон организмдаги кимёвий моддалардан фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади ва организм бу моддаларни ўзига мос моддаларга айлантириши керак. Бу жараённи ўрганар экан ибн Сино овқатланишда мўтадилликка риоя қилиш лозим деган фикрни илгари суради ва овқатланишни мижозларға хос турларини ишлаб чиқади.

Ибн Сино ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни алмаштириб туришни тавсия этади. Жисмоний ҳаракатлар организмда қонни юриштиради ва кераксиз моддалардан тозаланишга ёрдам беради.

Ахлоқий тарбия масаласини ибн Сино инсон руҳияти ва соғлиғи билан боғлиқ ҳолда талқин этади. Бу масала ибн Синонинг энг йирик шох асари «Китоб ал-Қонун фит-тибб» (Тиб қонунлари китоби) баён этилади. Бу асарда инсон соғлиғи ва касалликларга оид бўлган барча масалалар мантиқий тартибда тўла баён этилган. Ибн Синонинг бу асари кўп ўтмай Европага ҳам етиб келган. XII асрдаёқ бу асар лотин тилига таржима қилинди. Унда соғлиқни сақлаш маданияти, бир неча тизим талабларига риоя қилиш, ҳаётий воқеликларга бўлган муносабат масалалари, руҳият масалалари таҳлил этилади. Айтиш жоизки, ибн Сино таълим-тарбия ва ахлоққа оид бир неча асарлар яратган: «Рисолаи фи илм ал-ахлоқ» (Ахлоққа оид рисола), «Рисола фи ал-аҳд» (Бурч ҳақида рисола), «Рисола фи таҳкият аннафс» (Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола). Ибн Синонинг «Ахлоққа оид рисола» асари 1908 йили Мисрда «Ҳикмат ва табиатга оид тўққиз рисоласи» китоби ичида нашр қилинган. Ушбу ахлоққа бағишланган рисоласида ибн Сино ахлоқий хислатлардан иффат, қаноат, саҳийлик, шижоат, сабр-тоқат, мулойимлик, сирни сақлай билиш, илмли маърифатли бўлиш, очиклик фаросатлилик, дўстлик, камтарлик, адолатлилик каби ахлоқий фазилатларга таъриф беради. У ахлоқий тарбия инсоннинг камол топишида жуда муҳим ўрин эгаллашини таъкидлайди.

Ибн Синонинг яна бир ахлоққа бағишланган рисоласи – «Бурч рисоласи» деб аталади. Бу асарда ибн Сино киши ўзини қандай тарзда покиза тутиши лозимлиги, нималарга амал қилиш кераклиги, одамлар билан қандай муомалада бўлиш каби масалаларни таҳлил қилади. Унинг фикрича – Ер юзида барча мадрасалару, масжидлар Оллоҳнинг ўчоғи бўлса, инсон танаси инсон руҳининг ўчоғидир. Шунинг учун ҳам танани, ҳам руҳни покиза тутмоқ энг олий бурчдир. Ҳар бир инсоннинг соғлиғи ҳам энг олий мукофот бўлиб, унинг кадрига етиш ва асраш бурч қаторига киради. Бу фикр инсон танаси ва унинг руҳи ўртасида мураккаб боғлиқлик борлигини эътироф этади. У ўз тажрибаларида инсон руҳиятини ўрганар экан, руҳиятдаги бузилишлар ўз аксини жисмоний танада топишини аниқлайди. Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида инсоннинг ахлоқий фазилатлари ва ақлий ривожини унинг соғлиғи ва тақдирига таъсир этувчи омил эканлигини айтиб ўтади. Унинг фикрича, ижодий фикрлаш, инсон миясининг фаол ишлаши руҳиятга ижобий таъсир этади ва руҳиятни янгилашишга ёрдам беради. Руҳиятнинг янгилашиши эса жисмоний танани соғломлаштиради. XX асрнинг 80-йилларида олиб борилган психологик текширишлар шуни тасдиқладики, ақлий меҳнат билан шуғулланувчи аёллар жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи аёлларга нисбатан нафакат ташқи кўринишларидан, балки физиологик жиҳатдан ҳам ўртача беш йилга ёшроқ кўринишга эга эканлар. Бу тадқиқотлар ибн Синонинг юқорида келтирилган фикрини тўла исботлайди. Ҳақиқатдан ҳам инсон онги ва унинг қариши орасида

маълум боғлиқлик борлиги бошқа фанлар ўтказаетган тажрибаларда ҳам тасдиқланмоқда (физиология, биология, генетика, геронтология). Ибн Синонинг таъкидлашича, инсонларда бор бўлган эзгу ният, ҳиммат, саховат, шижоат, адолат, покизалиқ, билимдонлик хислатлари билан бирга хасислик, ўғрилиқ, алдамчилик, кўрқоқлик, ифвогарлик, ялқовлик, мунофиқлик каби салбий хислатлар ҳам хосдир. Ахлоқий тарбия жараёнида мумкин қадар салбий хислатларнинг салмоғини камайтириш ва ахлоқий хислатларни тарбиялашга ҳаракат қилиш лозим. Ҳиссий ахлоқий фазилатлардан бири қаноатдир, агар инсон очкўзликдан ўзини тийса, овқатланишда мўътадилликка риоя қилса, ўзидаги хирсени енгади. Шу йўл билан ахлоқий фазилат салбий фазилат устидан ғалаба қозонади. Умуман ибн Синонинг фикрича, инсон барча салбий хислатларни енгиш кучига эга, фақат у ўз имкониятларини онгли сарфлаши керак бўлади.

Ибн Сино бола тарбиясида ота-онанинг ўрнини, таъсирини таҳлил қилар экан, уларнинг ҳам руҳий жиҳатдан, жисмоний жиҳатдан мукамал инсон бўлишга чақиради. Ота-она фарзанд кўришдан олдин ўз руҳиятини поклаши, ўз маънавияти устида ишлаши лозимлигини таъкидлайди. Ибн Синонинг тарбияга оид фикрлари бугунги кунда ҳам долзарб тусга эга. Айниқса, унинг тарбия жараёнида меъёрни топа билиш ҳақидаги ғоялари муҳим. Ибн Синонинг фикрича, ҳар бир инсоннинг соғлиғи маълум даражада шу шахснинг ахлоқий тарбия даражаси билан боғлиқ. Чунки инсоннинг маънавияти, ички дунёси унинг руҳиятига таъсир этади, руҳият эса инсоннинг соғлиғига тўғридан-тўғри таъсир қилиш кучига эга. Шунинг учун ҳам соғлом ҳаёт кечириш фақат овқатланиш ва жисмоний тарбия талабларига риоя қилишгина эмас, балки ахлоқий етукликка интилиш, доимо ўз ички дунёси устида ишлашни ҳам ўз ичига олади. Олимнинг фикрича, киши ақлий ҳамда жисмоний жиҳатдан қанчалик етук бўлмасин, агар ундаги билим ва куч ахлоқ меъёрларига мос тушмаса, бундай киши жамиятнинг ҳақиқий аъзоси ҳисобланмайди ва у жамиятга фойда келтира олмайди. Ўзи учунгина яшамасдан халқ учун, умум манфаати учун яшашга интилувчи кишиларни ибн Сино яхши ахлоқли инсонлар деб ҳисоблайди. Ибн Сино тана билан инсоннинг руҳий дунёсини ўзаро мураккаб боғлиқлигини таъкидлаб, мукамалликка эришиш учун иккаласига ҳам баробар эътибор бериш зарур деган фикрларни илгари сурган биринчи олим, у хулқнинг мувозанатда бўлиши саломатликни сақлашни уқтиради. Қизиқарлиси шундаки, кейинги вақтда кўпгина психологлар, шифокорлар ва физиологлар инсоннинг ички дунёсини ташки дунё билан боғланиш хусусиятларини ўрганар эканлар ибн Синонинг юқорида айтилган фикрларини тўғри эканлигини тан олмоқдалар.

Уйқу жараёнини ҳам инсон организмга таъсирини ўрганиб, ибн Сино ухлаш тартибига амал қилиш соғлиқни сақлашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтади. У узок муддатли ва қисқа муддатли уйқунинг зарарини таҳлил этади ва бу борада ҳам маълум меъёрларни таъкиф этади. Инсон

умрининг учдан бир қисми уйқуда ўтиши, яъни 60 ёшдан 20 йил уйқуга сарфланиши аниқланган.

Ўрта асрда марказий Осиёда педагогик фикрларнинг шаклланиши билан танишар эканмиз, албатта уларнинг филогенезига, яъни аста-секин узвийликда ва ўзаро боғлиқликда ривожланганлигига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳар бир янги ғоя ўзидан олдинги илмий базага асосланган. Агар Форобийнинг илмий ишлари Абу Райҳон Беруний учун асос бўлган ва кейинчалик олим томонидан янада кенгайтирилган бўлса, Абу Райҳон Берунийнинг илмий ижоди Абу Али ибн Сино томонидан қувватланган ҳамда илмий асосда исботланган.

Агар Абу Наср Форобий таълим-тарбиянинг жамият тараққиётидаги роли ҳақида гапирган бўлса, Абу Райҳон Беруний шу таълим-тарбияни қандай қилиб амалга ошириш ҳақида фикр юритиб, тавсиялар беради. Худди шу фикрларни Абу Али ибн Сино илмий асосда, яъни анатомик физиологик жиҳатдан тушунтириб бериб, янада кенгайтиради.

Олимларнинг фикрига кўра, ибн Сино ҳаммаси бўлиб фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ илмий асар яратган, лекин бизнинг давримизгача улардан 240 таси етиб келган. Бу асарларнинг эллиқдан ортиқ қўлёзмалари Шарқшунослик институтининг китоб фондида сақланиб келинмоқда. Ибн Сино биринчи навбатда машҳур табиб сифатида танилди. Бу борадаги унинг бебаҳо меҳнاتини бутун дунё олимлари тан олган.

5.5. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари таълим тарбияга оид асар сифатида

Юсуф Хос Ҳожибнинг педагогик қарашларида халқ билан бирга бўлиш, адолатпарварлик ғоялари асосий ўрин тутди. У ҳар бир кишининг юксак комолот чўққисига – етишишни орзу қилади.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида XI асрдаги ижтимоий ва оилавий тарбия, мактаблардаги фан тармоқлари, ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятларини ақлий, ахлоқий, меҳнат ва жисмоний, нафосат тарбиясига доир фикрлари баён этилган.

Шоирнинг фикрича, билим бир бошбоғ ёки жилов кабидир. У кишини ҳар хил нолайиқ ишлардан асрайди. Шу хусусияти туфайли билим азиз ва мўътабардир.

Адиб таълим тизими, таълим назарияси ва амалиётига, таълим мазмунига оид бир қатор жиддий фикрларни айтади. У айрим фанларни ўқитишдаги изчилликни ҳам кўрсатиб ўтган. У Ҳанса (Геометрия), таъзиф (карра), тансиф (бўлиш), адаз жазри (илдиз топиш), жамъу тафрик (кўшиш ва айриш), жабру муқобил (алгебра), Уклидус (Эвклид) математик назарияси ҳақидаги маълумот беради.

Юсуф Хос Ҳожиб тилни авайлаб асраш зарурлигини таъкидлайди. Кўп сўзлик фойдасиз машғулотдир. Шунинг учун ҳам туман сўз тугунини бир сўзда ёзиш лозим. Зеро, киши сўз туфайли кадр топиши ёки аксинча боши эгик бўлиши мумкин.

Юсуф Хос Ҳожибнинг уктиришича, ҳар бир киши жамиятга муносиб бўлиб комол топтоғи керак. Бунинг учун у, туғилган кунидан бошлаб зарур тарбияни олмоғи лозим.

Улуғ шоир ота-оналар назоратида бўлган боланинг маъсулияти ҳисси ривож топади, шу сабабли ҳам бола тарбиясида ота-онанинг мавқеи алоҳида аҳамиятга эгадир, улар танлаган тўғри йўл фарзандларининг келажаги, комолоти учун ниҳоятда муҳимдир.

Юсуф Хос Ҳожиб ота-оналарни бола тарбиясига эътибор беришга даъват этар экан, жамият фарзандлар хулқ - атворига қараб ота-оналарига баҳо беришни айтиб, уларни огоҳлантиради.

Юсуф Хос Ҳожиб ақлий тарбиянинг баланд мавқеи тутишини эслатади. Адиб тарбиянинг барча турлари бир-бири билан уйғун бўлишини талаб этадию шундагина инсоннинг ақлан баркамол, жисмонан етук, ахлокий-маънавий бой бўлишига ишонади. Фарзандларга турли билим ва ҳунарларни ўргатиш, уларни гўзал ахлоқли қилиб, вояга етказиш ота-онанинг бурчидир.

Юсуф Хос Ҳожиб тарбияда катталар намунаси ажодлар тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг Шарқ ижтимоий-сиёсий, ахлоқий –таълимий, ҳамда бадиий тафаккури тараққиётига қўшган ҳиссаси бекиёсир. Алломанинг педагогик қарашлари ҳам бу соҳадаги улкан меъросдир. Улар тарих нуқтаи назари билангина эмас, бугунги кунимизга хизмат қилиши билан ҳам зўр аҳамият касб этади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридан етук инсонни камолга етказиш масалалари. Мазкур асарда инсоннинг жамият ва ҳаётда тутган ўрни, бурчи ва вазифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос бир тарзда баён этилади.

Мутафаккир китобнинг анъанавий бошланмасидан кейинроқ инсоннинг ҳақиқий бахти билимда эканлиги баён этади. Яна илм заковатнинг аҳамияти ҳақида катор бобларда ҳам фикр юритиш билан бирга унга алоҳида боблар ҳам бағишланади. Лекин олим фақат илм-маърифатнинг аҳамиятини кўрсатибгина қолмайди, у билим ва заковатнинг амалдаги ўрнини ҳам ёритади.

У билимни буюк, ўқувни улуғ деб таърифлайди. Чунки заковатли инсон улуғ бўлади, билимли киши буюк бўлади, деб илмли кишиларни асл тоифадаги кишиларга қўшади. Олим эзгу ишларнинг барчаси илм туфайли амалга оширилиши мумкинлигини айтади. Ўша даврда олим “Билим ҳатто осмон сари йўл очур” деб башорат қилади.

У дунёда одам пайдо бўлибдики, фақат билимли кишиларгина эзгу иш қилиб, адолатли сиёсат юргизиш келган, деб, инсон яратилгандаёқ унга билим, ўқув-заковат берилганлиги, ана шу билим ва заковати туфайли кишилар разолатдан покланганлигини ўқтиради. Ҳатто ҳукмдорлар ҳам юртни, давлатни ақл, илм, заковат билан идора этса, эл-юрт фаровон бўлади, тўқ ва тинч ҳаёт кечиради, дейди. У куч ва қуролни ақл ва билимдан кейинги иккинчи ўринга қўяди.

Юсуф Хос Ҳожиб илмли, маърифатли кишиларни кадрлаш керак чунки улар машъал каби йўлни ёритиб, тўғри йўл кўрсатади. Яхши-ёмонни фарк этишни ўргатади, дейди.

Дунёда инсон билим ва заковат туфайли орзу-тилакларига, улуғликка эришиши мумкинлигини айтади. Лекин шундай билим ва заковатнинг кадрига фақат худди ўзларига ўхшаган донолар ва заковатлилар етади. Жоҳил ва телбалар бундай хислатларга эга эмас, дейди. Чунки жамиятдаги барча хатолар билимсизлик. Нодонлик, жаҳолат туфайли содир бўлишидан у қайғуга тушади, ҳаётда нодон ва жоҳиллар кўпайиб кетганлигидан афсусланади.

У юртни идора этувчи ва халқни бошқарувчиларни икки тоифага бўлиб, биринчиси адолатли, сиёсатни юритувчи беклар ва иккинчиси доно олимлар дейди. Чунки сиёсатчилар юртни бошқарса, олимлар маърифий йўл-йўриқ кўрсатади.

Олим билимни зиёга, тенги йўқ жавоҳирга ўхшатиб, у инсонни юксалтиради, жаҳоннинг сир-асрорларини билиб олишга ёрдам беради, дейди. Инсоният нимага эришган бўлса, билим туфайли эришганлигини таъкидлайди. Аммо бу бойликни ҳеч ким ўғирлай олмайди деб, билим ва заковатни муқаддас дўст, меҳрибон қариндош, кийим ва озуқа сифатида таърифлайди.

Лекин Юсуф Хос Ҳожиб илм-фанни эгаллашни тарғиб этибгина қолмайди, уни ҳаётга татбиқ этиш, амалда қўллай билишга ҳам даъват этади.

Юсуф Хос Ҳожиб инсонга “хизмат этмаган илмни денгиз тубидан фойдаланилмай ётган инжуга ўхшатади. Шунингдек, ер остида ётган олтинни ҳам казиб олинса, беклар бошига тож бўлганидек, илмни ҳам фойдали нарсаларга сарф этишга даъват этади”.

Инсон билимсиз, нодон, жоҳил бўлса, ярамас ишлар қилиши. Аксинча билимли. Доно, зукко бўлса эзгу ишларни рўёбга чиқаришни таърифлаш билан кишиларни тинмай илм олишга ундайди.

Юсуф Хос Ҳожиб инсонга билим нечоғлик зарур бўлса, касб-ҳунар эгаллаш ҳам шунчалик муҳимлигини асарда алоҳида таъкидлайди. Шунга кўра у асарда турли тоифали кишилар борасида фикр юритар экан, ҳунармандлар ҳақида ҳам илиқ фикрлар баён этади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ўша даврда касиб-ҳунармандларнинг нақадар хайрихошлигини таъкидлаш ўз-ўзидан эмасди. Чунончи давлатнинг тинч-осойишталиги, чет давлатлардаги мавқеи, давлатнинг бойлиги ва халқнинг фаровонлиги ана шу тоифадаги кишиларга боғлиқ эди. Зеро касб-ҳунар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, моддий ва маданий тараққиётининг ўлчов бирлиги саналарди.

Юсуф Хос Ҳожиб жамиятда тараққиёти ва халқ фаровонлигида муҳим ўринга эга бўлган деҳқонлар чорвадорлар савдогарлар, табиблар, олимлар ҳақида ҳам муҳим фикрлар баён этади ва ҳар бирининг жамиятга ўрнини кўрсатиб беради. Чунончи, деҳқонлар ва чорвадорлар ҳам ижтимоий,

иктисодий ҳаётда тутган ўрнини юқори баҳолади ва улар энг ҳалол, шарафли, муқаддас эканлигини таърифлайди.

Кўриниб турибдики. Олим жамиятнинг ривожланишига ҳисса қўшган ҳар бир касб-ҳунар эгасини улуғлайди ва уларни қадирлаш зарурлигини таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб инсонни камолга етказишнинг яна бир ва энг муҳим томони уни ахлоқий камол топтриш деб қарайди.

Бу ахлоқий хулқ-одоб тамойиллари, талаб ва вазифалар бутун асар давомида қаҳрамонларнинг ўзаро мунозаралари асосида ифодаланади. Унда Элиг(хон), унинг хизматидаги барча табақа ва тоифа вакиллари, ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабати, ахлоқий, муомаласи талаблари баён этилади. Турли касб эгаларига хос хислатлар, одатлар ёритилади.

У инсон ҳаёти қилган иши билан ё яхши ном қолдиради, ёки ёмон ном олади, дейди. Асарда олим барча эзгуликнинг боши тил деб қарайди. Асарнинг бир боби тил одоби, унинг фойда ва зарарларига бағишланади. Тил инсоннинг кадр-қимматини оширади ёки шу тил орқали инсон юз тубан ҳам кетиш мумкин, дейди. Киши икки нарса билан ҳаётда мангу қолади: бири хушхулқлик булса, иккинчиси яхши сўз, дейди олим. Унинг тил ҳақида, сўз ҳақида айтган фикрларининг ҳар бири ҳикматли сўзга айланиб кетган. Кумуш ва олтин тугайди, аммо сўз муоммалага киритилса, олтин ва кумуш қозонилади, оз сўзлаш, лекин кўп тинглаш керак. Ҳеч ким кўп сўзлаб олим ёки доно бўлмаган, қизил тил қора бошнинг ёви, аввал ўйлаб кейин сўзлаш керак каби фикрларни у ўз асарида келтириб ўтади.

Инсоний муносабатларнинг энг олий мезони саналган ҳурмат ва эҳтиромни таркиб топтришнинг барча кўринишлари асарда ўз ифодасини топган. Юсуф Хос Ҳожиб жамият тақдирини ҳал этувчи энг улуғ мансабдорлардан тортиб, оила аъзоларигача бир-бирига бўлган муомала муносабат масалаларини ҳам ҳаётий масалалар воситасида ёритади. Катта ёшдагиларнинг кичикларга. Кичикларнинг улуғларга, амалдор ва мансабдорларнинг ўз хизматчиларига, хизматчиларнинг ўз хўжаларига, турли ижтимоий гуруҳ аъзолари бир-бирларига, оилада оила аъзоларининг бир-бирларига муомила маданиятининг энг оддий кўринишларигача тасвирлаб, кишининг кўз олдида яққол намоён этади. Буни биз фарзанд тарбиясига, унинг туғилганидан бошлаб хулқ-одоб қоидаларини билим ва ҳунарни ўргантиш, бунинг учун пок ва билимли муаллим –мураббий танлаш, фарзандларнинг ҳатти-ҳаракатини доимо назоратда сақлаш, каби масалаларнинг баён этилишидан ҳам билсак бўлади.

Олим улуғ ва кичиклар ўртасидаги хулқ-одоб қоидалари ҳақида гапирар экан, шу аснода камтарлик, саломлашиш одоби, талаблари, қоидаларини ҳам тавсия этади.

Айниқса, Юсуф Хос Ҳожибнинг амалдорлар ахлоқи ҳақидаги ўғитлари диққатга сазовор ва унинг бу фикрлари ҳозирги даврда ҳам қимматли саналади. Олимнинг беклар, ҳожиблар, вазирлар, саройбошилар, элчилар, лашкарбошлар, девон бошлар, хазинадорлар, саркотиблар каби кўплаб амалдорларнинг ҳатти-ҳаракатлари, иш юритишлари, хулқ- одоб ҳақидаги

амалий ўғитлар ва йўл-йўриклари ҳар бир амалдор учун дастур саналади. Масалан, ҳар бир амалдорнинг ўз ишининг устаси, илм-фанни эгаллаган, унинг турли соҳалар борасида фикр юрита оладиган. Сўзга чечан, зеҳнли, фаҳм-фаросатли, ҳиммати баланд, кўзи тўқ, очик кўл, саҳий, тадбирли, зукко, хушр, жиддий, қаноатли, жасур. Соғлом, самимий, садоқатли, ўзи сўзи устидан чиқадиган, андишали, шеър баҳсида иштирок этиб, ўзи ҳам шеърлар тўқий оладиган, турли тилларни била оладиган ва ўзи шу тилларда гаплаша оладиган, турли ёзувларни била оладиган ва ёза оладиган, нард, шатранж, чавгон ўйинларда ўйнай оладиган, мерганлик каби хислатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлайди. Шунингдек ҳар бир инсоннинг камолга етишида тўскинлик қиладиган ёмон иллатлар, нуқсон ва камчиликлардан биринчи навбатда эл-юрт хизматида бўлган амалдорлар ҳам ҳоли бўлиши лозимлиги ўқтрилади: ишратпарастликка берилиш, кек, гина, адоват, низо, хусумат, фиску-фасот, маиший бузуклик, майпарастлик, кайфу сафога берилиш, мутакаббирлик, хиёнат, давлат кетидан қувиш, манфатпараслик, худбинлик, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини топташ, таъмагирлик, ҳақорат кабилар шундай иллатлар эдики, бунинг натижасида давлатнинг ривожига путур етказиб, жамиятни маънавий қашшоқликка олиб боради, деб бундай ёмон иллатлардан тийилишни маслаҳат беради.

Юсуф Хос Ҳожиб оилавий маиший турмуш муаммоларига ҳам катта эътибор беради. У кишиларни ўйланиб, оила қуришдан бошлаб, фарзанд тарбия этиш, оиланинг моддий таъминотини юритишгача бўлган энг зарур вазифаларни бирма-бир баён этади. Шунингдек, йигитлик ва кексалик фасллари ҳақида ҳам фикр юритиб, йигитликни эҳтиёт қилиш, йигитлик даврида қарликни ғамини ейиш каби энг зарур нарсалар ҳақида ҳам тавсиялар беради.

Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг ҳақиқий камолга етишида аклий ва ахлоқий томондангина эмас, жисмоний томондан ҳам соғлом бўлиши кераклигини катта эътибор беради.

Шунингдек, олим инсоннинг турли маросимлар, йиғинлар, учрашувлар, зиёфатларда ўзини тутиш, хулқ-одоб қоидаларига риоя этиши ҳақида ҳам фикр юритиб, инсоннинг мезбонлик ва меҳмонлик овозлик қоидалари, шартлари, тартиб интизомлари ҳақида ҳам муҳим ўғитлар беради. Масалан, “Қутадғу билиг”даги элчилар (дипломатлар) ҳузурида, шохлар саройда, тўй ва азаларда қилинадиган меҳмондорчиликларда киши ўзини қандай тутиши, ҳатти-ҳаракати, одоби масалалари ҳозирги даврда ҳам ўта долзарбдир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи кишиларга муносабатда ўртамиёна йўл тутишни тавсия этади. Шунда дўст душманга айланмайди, эзгу ишлар амалга оша боради, деб таълим беради.

“Қутадғу билиг”да яна жумбоқларни ечиш услубидан ҳам фойдаланилган. Бу услуб ўқувчини асарга қизиқтиради, уни ўқимишли қилади. Ҳозирги даврда муаммоли таълим деб юритилади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, асар инсонни бахт-саодатга йўлловчи барча эзгуликларнинг йўллари. Усуллари, услубларини баён этиши билан таълим тарбия тарихида биринчи ва йирик дарслик сифатида ўз ўрнига эга.

Хулоса қилиб айтганда Юсуф Хос Ҳожибнинг биз таҳлил этган мазкур асари инсонни ҳар томонлама камолга етказишнинг барча масалалари ўзининг бадий ифодасини топган йирик таълимий-ахлоқий достондир. Олим инсонни камолга етиши учун қуйидагиларни назарда тутди:

Ақлий камолот-билим ва заковат. Ўқув эга бўлиш.

Ахлоқий камолат.

Жисмоний камолат.

Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг камолга етишининг йўл-йўриқлари, усуллари, чора-тадбирларини юксак бадий маҳорат билан ёритиб беради. Бу усул йўл-йўриқлар, фуқародан тортиб, юрт бошлиғи Элиггача зарур бўлган, ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Шунинг учун ҳам бу асар ўзининг илмий, маърифий, тарбиявий аҳамияти билан бекиёсдир.

Қисқа хулоса

Ушбу мавзуда Шарк уйғониш даври ҳақида маълумот берилади. Илм — фан ривожига, маънавий ҳаётни яхшиланишига олиб келиш учун хизмат қилган олимлар ижодиёти ҳақида маърузада тулик маълумотлар берилган. Бундан ташқари Ал —Хоразмийнинг илмий фаолияти, Ибн Сино асарларида таълим тарбия масалалари ва уларнинг тарбиявий аҳамияти аниқ курсатиб берилган.

Ушбу мавзуда Юсуф хос Ҳожибнинг ҳаётининг фаолияти, унинг машҳур «Кутадғу билиг» асарини яратилиш тарихи ҳақида маълумот берилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари ўзбек халқ педагогикаси тарихида таълимий — ахлоқий усулда ёзилган барча асарларнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилиши соҳасида тулик маълумотлар берилган ва энг асосан талабаларга тушунарли тарзда баён этилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Миллий тарбия деганда нимани тушунасиз?
2. Абу Али Ибн Синонинг ўзбек халқ педагогикасига қўшган хиссаси ҳақида нималар биласиз?
3. Абу Райхон Берунийни ўзбек халқ педагогикасига қўшган хиссаси ҳақида гапиринг.
4. Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ва фаолияти.
5. «Кутадғу билиг»нинг яратилиш ҳақида маълумот.
6. «Кутадғу билиг» асарида етук инсонни камолга етказиш масалалари.
7. «Кутадғу билиг» асари яратилган тарихий муҳит ҳақида гапиринг.
8. Асарнинг тузилиши ва сюжети қандай?
9. Асарда адолатли подшо тимсоли қандай тасвирланган?
10. Асарда ота ва ўғил муносабатларини тасвирланишини гапириб беринг.

6 - мавзу. XIV – XV – асрларда Темур ва темурийлар даврида ижтимоий ҳаёт, маданият, таълим –тарбия

Режа.

- 6.1. Ўзбек миллий таълим-тарбияси анъаналари тарихидан.
- 6.2. Амир Темурнинг таълим-тарбияга қўшган ҳиссаси.
- 6.3. Мирзо Улуғбекнинг илм – маърифат соҳасидаги хизматлари.
- 6.4. Алишер Навоий асарларининг тарбиявий аҳамияти.

6.1. Ўзбек миллий таълим-тарбияси анъаналари тарихидан

Ҳар бир ижтимоий тузум келажаги, инсоният истикболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Фан ва маданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай даражада олиб борилишидан келиб чиқади. Бу фалсафий ақида давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий қонуният ҳисобланади.

Шундай экан, Ўзбекистон мустақилликка эришганига эндигина 14 йил бўлишига қарамай қонун томонидан таълим-тарбия масалаларига алоҳида ўрин ажратилган. (Ўнинчи иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11 сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 41 моддасида шундай дейилган: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Ўқув муассасаси ишлари давлат назоратидадир»)

Мана шу йиллар давомида таълим-тарбия соҳасида миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида миллий урф-одатлар, турли-туман анъаналарни жой-жойига қўйиш, миллий кадриятларни ривожлантириш хусусида жуда кескин ва буюк бурилишлар бўлмоқда.

Ўзбекистонда педагогик тафаккур ва таълим-тарбия тараққиёти тарихига назар ташлаб, шартли равишда уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Октябрь тўнтаришигача бўлган давр (1917 йилгача)
2. Шўролар тузуми даври (1917-1991)
3. Мустақиллик даври (1991 йилдан кейин)

1-даврдан Зардуштийлик динининг чуқур илдиз отиши ва шу диннинг муқаддас китоби «Авесто» нинг Марказий Осиё ва Эрон каби мамлакатлар ўртасида ёйилиши, ислом динини Марказий Осиёга кириб келиши, тарқалиши ва аҳолини бу динни қабул қилиш билан бошланади. Бирор динга нисбатан эътиқодни кенг халқ оммасига мажбуран сингдириш қийин. Тарғиб қилинаётган дин халқ руҳига мос тушса, унинг ўтмишдаги эътиқоди, кадрияти ва одоб-ахлоқ, тарбия анъаналарига мос бўлсагина қабул қилиниши мумкин. Бу фикримиз ислом динининг Авестода ўз ифодасини топган ғояларига яқинлиги, ҳар томонлама мукамаллиги халқпарварлиги, инсонпарварлиги билан изоҳланади.

2-Шўролар тузуми даври.

3-Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнгги даврдаги фан, маданият, таълим-тарбия.

2.Амир Темурнинг таълим-тарбияга қўшган хиссаси



Амир Темур (1336 - 1405)

Марказлашган, буюк давлатга асос солган Амир Темур Курогон ибн амир Тарағай 1336 йилнинг 9 апрелида ўша пайтдаги Кеш (Шахрисабз) га қарашли Хўжаилғор қишлоғида таваллуд топди. Отаси амир Тарағай ўзига тўқ, бадавлат киши эди. Онаси Тегина бегим бухоролик бўлган.

Биз тарихдан биламизки Амир Темур ва дастлабки темурийлар ҳукмронлик қилган давр Мовароуннаҳр тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки бу даврларда Самарқанд, Ҳирот шаҳарларида маданият, илм-фан ривожланиб борди.

Соҳибқирон (Бу унвон бўлғуси жаҳонгирга у туғилмасдан турибодин ахллари томонидан башорат тариқасида берилган. «Соҳибқирон» атамасининг луғовий маъноси «юлдуз буржларининг бахтли келиши (Курон) да туғилган фарзанд демакдир. «Темурнома» муаллифининг таъкидлашича, «курон» яъни юлдуз буржларининг бахтли келиши ҳар саккиз юз йилда бир марта содир бўлади. Инсоният тарихида «Аввал Искандар Зулқарнай ҳазратлари, иккинчи Муҳаммад Расул акром саллоллоҳу алайҳи вассалом саидимиз, учинчи Амир Темур хонимиз» шу сонияда дунёга келганлар). Амир Темурнинг ёшлиги Кешда кечди. Етти ёшга тўлгач, отаси уни ўқишга берди. Амир Темур ёшлик чоғиданок махсус мураббийлар назорати остида чавондозлик, овчилик, камондан нишонга ўқ узиш каби машғулотларни пухта эгаллади.

Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбия соҳасида ўзи юксакликка, мутафаккирликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бобомизнинг ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, ўғитлар, панд-насихатларни, шунингдек, Соҳибқирон ҳақидаги тарихий асарларни кўздан кечириш кифоя. «Тузуки Темурий» («Темур тузуклари»), «Марфузаота Темурий» («Темурнинг айтганлари») ва «Вақиоти Темурий» («Темурнинг бошидан кечирганлари») номи билан жаҳонга машҳур бўлган асарларида Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насихатлари ва пурмаъно ўғитларининг ҳар бири мазмун ва маъно кенглиги, кучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний қадриятлар асосида қурилган билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу асарларни қадрли хазина одоб-ахлоққа оид дастурлар дея оламиз.

Бу асарлар Соҳибқироннинг жуда машаққатли ва серташвиш: гоҳ муваффақиятли, гоҳо кувончли, гоҳо серташвиш умрининг ижодий

мевадидир. Асарлардаги барча ўғитлар халқларни бир мақсад сари бирлаштирган, жипслаштирган, муваффақиятларга эриштирган, сеҳрли тарбиявий кучга эга бўлган дурдона-педагогикадир. Бу педагогика буюк Соҳибкироннинг давлатни бошқариш ва уни идора қилиш, голибона ҳарбий юришлар қилиш, мамлакатда осойишталик ўрнатиш, фан ва маданиятни ривожлантириш, халқлар ўртасидаги бузилмас дўстлик, меҳр-шафқат, одамийлик ва ахлоқ-одобни тарбиялаш каби муаммоларни ҳал қилишга бағишлангандир.

Амир Темур барпо этган (Темур ва темурийлар давлати) Мовароуннахр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган А. Темур ва унинг авлодлари қуйидаги тартибда йилдан-йилга илм ва маърифатни кўшганликларни қуйидаги схема орқали кўриш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, «Амир Темур» номи ёдлаштирилди. Кўплаб шаҳарлар ва қишлоқлардаги шох кўчалар, майдонлар, ўқув муассасалари уни номи билан атала бошланди. Президентимиз И.А. Каримов ташаббуси ва раҳномалигида Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз каби шаҳарларнинг марказий майдонларида, Амир Темур хиёбонида 1996 йилда «Темурийлар даври» музейи барпо этилди, 1996 йилда «Амир Темур» ордени таъсис этилди. («Амир Темур» ордени-Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларидан бири. Бу орден билан давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга кўшган улкан ҳиссалари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланадилар. Ушбу орден билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни, ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса кўшганлик учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин. 1996 йил 26 апрелда таъсис этилди. Орден тилла қопланган 925 даражали кумуш қотишмадан тайёрланиб, 8 қиррали буюрма юлдуз кўринишида бўлиб, Амир Темурнинг улуғвор қиёфаси кумуш рангда тасвирланган. Муаллифи-Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов.

1996 йилда Тошкент, Самарқанд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО раҳбарлигида ҳазрат Соҳибкироннинг таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди).¹

¹ «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти. Т. 2000. 1т.

3. Мирзо Улуғбекнинг илм – маърифат соҳасидаги хизматлари



Мухаммад Тарагай Улуғбек (1394 - 1449)

Мирзо Улуғбек Марказий Осиё халқлари илм – фани ва маданиятини жаҳон миқёсига олиб чиққан, марказий Осиёда педагогик фикр тараккиётига муносиб хисса қўшган улуғ сиймолардан биридир.

Отаси Шохрух Амир Темурнинг учинчи ўғли бўлиб, Хуросон хукмдори, маърифатли, илмга қизиққан шохлардан эди.

Мирзо Улуғбек, аввало ёш авлоднинг ақлий ва маърифий тарбиясига ката аҳамият бериб, уларни дунёвий билимларни эгаллашга даъват этади, фақат ривожланган фан ва маданият инсон тафаккурининг камол топишини таъминлашига ишонади. Олимнинг фикрича, ёшлар олган билимларни аҳамиятини, бу билимлардан мақсад нима эканини аниқ англаб, билимларини такомиллаштириб боришлари, уларни ҳаётга тадбиқ этиш йўлларини билишлари, жамият ва халқ фаровонлиги йўлида зарур хунарларни эгаллаб олишлари лозим. Шу боис Улуғбек билимларни нафақат китоблардан балки бевосита ҳаётнинг ўзидан ҳам олишлари лозим деб айтган.

Улуғбекнинг фикрича, боланинг билим олишига бўлган қизиқиши, хавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўринни эгаллайди. Оилада ота – оналар, айниқса, ўқимишли ота – оналар ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Улуғбек ўз педагогик қарашларида болаларнинг жисмонан соғлом, ҳарбий хунарни пухта эгаллаган, жасур, мард бўлиб етишувига алоҳида аҳамият берган. Улуғбекнинг фикрича, одам соғлом ва бақувват бўлиши учун ёшлик чоғиданок жисмоний машқлар билан шуғулланиши, таълим – тарбияда порахўрлик, қаллоблик бўлмаслиги учун мударрислар одил ва ҳалол бўлиши керак деб айтади.

Мирзо Улуғбек Марказий Осиёда педагогик фикр ва маърифат тараккиётида ўзига хос салмоқли ўринни эгаллади, умуминсоният тамонидан кашф этилган илмлардан баҳраманд бўлиб, жаҳон фанига милсиз хисса қўшди. Унинг илмларни ўрганиш йўллари ҳақидаги таълимоти, шахсий наъмуна бўлиш усуллари педагогик таълимда ғоятда муҳимдир. Улуғбек олға сурган таълим – тарбиявий фикр ва ғоялар ўз моҳияти билан ҳозирги давр педагогика тарихи тараккиётига ҳам хизмат қилади.

Мирзо Улуғбекнинг катта хизмати яна шундаки, у бевосита илмий педагогик қарашлари билан ҳам одамларни илмли ва маърифатли бўлишга даъват этади. Ўзининг фалсафа тарихи, астрономия, математика, география, адабиёт фанларига оид кўп жилдлик асарларида ўз даври учун муҳим бўлган илғор педагогик фикрларни илгари сурди, одамларни ўзаро

дўст ва биродар, меҳнатсевар ва инсонпарвар, тинчликсевар ва адолатпарвар бўлишга тарғиб этди.

6.4. Алишер Навоий асарларининг тарбиявий аҳамияти



Алишер Навоий (1441 - 1501)

Ўзбек адабиётининг асосчиси, шоир, олим, маърифатпарвар, файласуф, мусиқашунос давлат арбоби Низомиддин Алишер Навоий Ҳиротда туғилиб, шу ерда яшаб, ижод этган. Алишер Навоий ўзининг асарларида комил инсон образларини яратиб, таълим – тарбия тўғрисидаги фикрларини ифода этган.

Алишер Навоий ўзининг «Хамса», «Махбуб ул-кулуб» каби йирик таълимий-ахлоқий асарларида, шунингдек, «Муножот», «Вакфия», «Мажолисун нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида ҳамда Абдурахмон Жомийнинг «Арбаъийн» номли асари таржимаси «Чихил хадис» («Қирк хадис») кабиларда тарбияга оид ўз қарашларини ифода этади. Алишер Навоий бадиий асарларида комил инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, таълимий-ахлоқий асарларида эса комил инсонни шакллантиришнинг мазмуни, йўллари, усулларини баён этади.

Алишер Навоий инсон тафаккури, ақли, билимини ва илмий билимларини юксак кадрлаган. У «Билим ва донишмандлик инсоннинг беагидир» деб ёзади. А. Навоий фарзанд тарбиясига ва уни шахс сифатида шакллантиришга катта аҳамият бериб, тарбияланувчини «хаёт чироғи» деб таърифлайди. Фарзанд оилага бахт ва саодат келтирувчи зиёдир. Унинг фикрича, шахсга кичик ёшлигиданоқ билим, маълумот ва тарбия беришликни кўрсатиб, ўғил-қизларни 6 ёшдан тарбиячига, муаллимга бериш лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Навоий хаётда ўз илмига амал қилиш, ўрганганларини хаётга тадбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор беради. Масалан, у «Махбуб ул-кулуб» асарида илм ўқиб уни ишлатмаган киши, шудгор қилиб деҳқончилик қилмаган ёки уруғ сочиб ҳосилдан баҳра олмаганга ўхшайди, дейди.

Алишер Навоий билим олишда барча фанларни ўрганишни тарғиб этади. Бунда у олиму фозилларни йиғиб, улар орқали илм-фанни тараққий эттиришга эътибор беради.

Алишер Навоийнинг фикрича, билимларни тинмай узлуксиз ўрганиш зарур, бунда ҳар қандай кийинчиликларни енгиб ўтиш муҳимлигини, кунт билан ишлаш, тиришқоқлик билан ҳаракат қилиш, изчиллик билан кураш, уни охиригача етказиш, чидам ва сабот билан ўрганишни таъкидлайди.

Демак, буюк аллома илм олиш тамойилларини ўз даврида тўғри ифодалаб, ҳатто таълим тизимини белгилаб беради: яъни Алишер Навоий таълим тизимини ўз даврида ўқув муассасаси, мадрасаларда ўқиш, олим, хунарманд, санъаткорларга шогирд тушиб ёки мустақил ҳолда илм олиш имкониятларидан фойдаланишни тавсия этади.

Алишер Навоий ёшларга чуқур билим беришда муаллимнинг, мударрислар, ҳамда устоз мураббийларнинг ўзлари ҳам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини уқтиради. У нодон, мутаассиб, жохил домлаларни танқид қилади ва педагог маълумотли, ўқитиш йўлларини биладиган муаллим бўлиши зарур дейди. Бундай муаллимлар шогирдларни ёнида юзлари ёруғ бўлиб, доимо иззатда, ҳурматда бўладилар деб таъкидлайди.

Шундай қилиб биз Алишер Навоийни педагог-мударрис деб аташимиз мумкин. Чунки таълим-тарбия масалаларига аълоҳида эътибор бериб, тарбия жараёнларини, воситаларини, талабларини кўрсатиб утади. У таълимда илмийлик, асосланганлик, тарихийлик каби талабларни асос қилиб олган буюк педагогдир.

Мана шундай мутафаккирларнинг ижодини ўрганиш учун бирга Мустақилликка эришганимиздан кейин анча йўллар очилди. Эндиликда унинг ижодини аслича, моҳиятини тушуниб ўрганиш имкониятлари юзага келади. 1991 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги тантанали нишонланди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди. Республика Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи барпо этилди ва бу боғ ўртасида шоирнинг ҳайкали ўрнатилди. Шу билан бирга китобхонларга шоирнинг 20 жилтли мукамал асарлар тўплами нашр этила бошланди. Ҳар йили А. Навоий туғилган кун 9 февралда илмий-анъанавий конференция ўтказилиб, Алишер Навоий меросини ўрганиш соҳасида қилинган йиллик ишларга яқун ясалади.

Қисқа хулоса

Ушбу мавзуда ўзбек халқининг ўзига хос бўлган маънавий бойликлари, Темур ва темурийлар даврида яшаб, ижод этган мутафаккирлар Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийларнинг педагогикага, таълим – тарбияга қўшган улкан хиссалари ҳақидаги маълумотлар талабаларга тушунарли тарзда баён этилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ўзбекистонда педагогик тафаккур ва таълим-тарбия тараккиёти неча даврга бўлиб ўрганилади?
2. 2.А. Темурнинг таълим-тарбияга оид ўғитлари ҳақида нималар биласиз?
3. Алишер Навоийни биз нимага асосланиб мударрис-педагог деб аташимиз мумкин?

4. Мустақилликка эришгандан сўнг А.Темур ва А. Навоийнинг номларини абадийлаштириш учун қандай ишлар олиб борилди?
5. Навоий асарларидаги инсонийлик гояларининг ифодаланишини педагогик асосларини тушунтириб беринг?
6. Шарк мутафаккирлари асарларида иқтисодий тафаккур тушунчасини ёритилишини тушунтириб беринг?
7. Мирзо Улғабекнинг ҳаётининг фаолияти ҳақида нималар биласиз?
8. Мирзо Улуғбекнинг педагогикага қўшган хиссалари нималардан иборат?

7 - мавзу: Марказий Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий ҳаёт, таълим – тарбия ва педагогик фикр тараққиёти.

Режа:

- 7.1 Жадидчилик ҳаракатини вужудга келиши.
- 7.2. Махмудхўжа Бехбудийнинг ижтимоий – педагогик фаолияти.
- 7.3. А. Авлонийнинг илмий – педагогик фаолияти.
- 7.4. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида қомил инсон тарбиясига оид сурилган ғоялар

7.1. Жадидчилик ҳаракатини вужудга келиши

Жадидлар, жадидчилик ҳақида сўнгги йилларда кўплаб мақолалар, илмий – тадқиқот ишлари юзага келди, анча нарсалар ойдинлашди. Энг аввало, “Жадидчилик нима учун юзага келди? Унинг моҳияти нимда?” деган саволлар туғилиши табиий.

Маълумки, ижтимоий ҳаёт тарзининг муайян даврдаги ҳолати жамият аъзоларининг аксариятини қониқтирмай қолди. Натижада, улар ижтимоий тузимни ўзгартириш ёки уни турғун, қотиб қолган ҳолатдан чиқариш учун ё инқилоб қилиш, ё ислоҳ этиш ҳаракатига тушадилар. Жадидларнинг юзага келиши ҳам муайян ижтимоий воқеадан қониқмаслик оқибатида содир бўлган. Араб тилидаги “янги” маъносини англатувчи “жадид” сўзи уларнинг ижтимоий атамасига айланди. Шу тариқа Миср, Туркия, Кавказ, Туркистон ва бошқа ўлкаларда жадидлар она Ватанларини мустақил, озод ҳолда кўришни ўзларининг бош мақсадлари деб билдилар.

Туркистон жадидлари озодликни осонлик билан қўлга кирита олмасликларини, ибтидоий қуорлар билан Россия салтанати қангалидан қутилишлари мумкин эмаслигини яхши тушинганлар. Шу боис улар миллий истибдодга тушиб қолишининг сабабларини таҳлил этиб, буларнинг туб илдизини йўқ қилиб ташалаш лозимлигини англаб етадилар. Натижада, жадидларнинг халққа ҳамма нарсадан бурун маърифат бериш лозим, деган ғояси юзага келади. Шундагини халқ ўз аҳволига разм солиши, қуллигини англаши, миллий онги уйғониши мумкин эди. Анна шундан кейингина изчиллик билан миллий – озодлик сари кураш олиб борса бўларди.

Жадидлар маърифати ҳақида гап кетганда, даставал қиримлик Исмоил Гаспринскийни (1852 – 1914) тилга олиш керак. У Россия мусулмонлари орасида биринчи бўлиб “мактаби усули жадида”, яъни “янги усул мактаби”га асос солди. Гаспринскийнинг таъсири Туркистонга ҳам ёйила бошланди. Жадидлар ҳам, энг аввало, ўқитишнинг эски усули ярамаслигини, ёшларга замонавий илмларни ўргатиш зарурлигини тушиндилари билан ирга ўқув дастурида она тилидаги дарслар нисбатини ошириш уларда ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуларини тарбиялайди., оирх – оқибатда эса бу ёшларда миллий – озодлик кураши учун замин ҳозирлайди, деган хулосага келадилар. Ана шу ҳаракат замирида жадидларнинг педагогик қарашлари ҳам шаклланиб, такомиллашиб борди. Муҳими уларнинг педагогик қарашлари ижтимоий ҳаётнинг талаби, эҳтиёжи орақсида туғилди.

Бу маърифатпарвар – педагоглар кенг омма ўртасида илм – маърифат, маданият тарқатиш учун қизғин кураш оилб борадилар, ўз даврининг илғор, пешқадам педагоглари сифатида халққа, жамиятга танилдилар. Улар татар, озарбайжон, рус ва бошқа халқлар педагоглари билан алоқада бўлиб, мактабда ўқувчиларга янги усулда она тили билан бирга, география, тарих каби гуманитар ва аниқ фанларни ўқитадилар, таълим – тарбияга оид дарсликлар ва қўлланмалар ёзиб, нашр эттирадилар.

7.2. Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Махмудхўжа Бехбудийнинг ижтимоий – педагогик фаолияти

Жонкуяр педагоглардан бири Мунаввар қори Абдурашидхонов йигирманчи асрнинг биринчи чорагида фақат Туркистондагина эмас, Россия мусулмон зиёлилари орасида ҳам машҳур эди. Жамоатчилик уни Янги усул мактаблари асосчиси, моҳир муаллим, дарслик ва ўқув китоблари муаллифи, ношир ва жамоат арбоби сифатида ҳурмат ила тилга олиб, Қори ака деб эъзозлар эди.

У Тошкентда “Тараккий”, “Хуршид”, “Суръат”, “Осиё”, “Ҳақиқат”, рўзномаларини нашр этиб, уларда мустамлакачилик, халқ эрки ҳақидаги фикрларини баён этди. 1908 йилда “Сабзавор”, “Ер юзи”, “Тавжид”, китоблари нашр этилди.

Мунавварқори 1917 йилда инкилобдан кейин янги ўрта махсус ва олий таълим асосчиларидан, Тошкент дорилфунунининг пойдеворини қурганлардан биридир. Унинг ҳомийлигида бир нечта ёшлар Германияга ўқишга юборилади.

Мунавварқори Тошкентда биринчилардан бўлиб, усули жадид – Янги усул мактабини очди ва унинг учун 1907 йилда “Адиби аввал” алифбе ва “Адибий соний” ўқиш китобларини нашр эттирди.

Ўз халқини, ватанини жони – дилидан севган Мунавварқори Абдурашидхонов шахсга сиғинишнинг дастлабки қурбонларидан бири бўлди. У аввал Тошкентда, сўнг Москвада тергов қилиниб, отиб ўлдиришга ҳукм этилади.

Махмухўжа Бехбудий XX аср бўсағасидаги Туркистоннинг орзу – армонларидан бири сифатида майдонга келди. У ўз даврининг ижтимоий – сиёсий ҳаракатларида фаол қатнашган энг йирик намоёндаси, янги замон ўзбек маданиятининг асосчиси эди. Туркистон жадидчиларининг тан оинган раҳнамоси, мустақил жумҳурият ғоясининг яловбардори, Янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драмачилигини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист эди.

Бехбудий 1899 – 1900 йилларда ҳаж сафарига чиқади. Сафар унда Янги мактаб ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайди. Унинг ташаббуси билан 1903 йилда Самарқандда Халвойи (С.Сиддикий), Ражабамин (А.Шакурий) кишлоқларида ташкил қилинган мактаблар учун дарсликлар тузишга киришади; “Рисолаи асбоби савод” (1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (1905), “Рисолаи жуғрофияи Руссий” (1905), “Китобатул атфол” (1908), “Амалиёти ислом” (1908), “Тарихи ислом” (1909) китобларини ёзади.

1903 – 1904 йилларда Москва, Петербургда, 1907 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда, Миср ва Туркияда бўлади. У ерларда таълим – тарбия соҳасида эришилган ютуқларни Туркистонда ташвиқ этади.

7.3.Абдулла Авлонийнинг илмий – педагогик фаолияти

Таникли ўзбек педагоги ва олими Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкент шаҳрининг Мерганча маҳалласида, майда ҳунарманд- тўқувчи оиласида дунёга келди. Ота-онаси саводли кишилар бўлганлар. Абдулла Авлоний эски усул мактабини тамомлагандан сўнг 12 ёшида мадрасага ўқишга кирди. У ёзда ишлаб ота- онасига ёрдам қилар, бошқа вақтларда ўқир эди. Ўта иқтидорли бўлган Абдулла авлоний 15 ёшида шеърлар ёза бошлади. Дастлабки шеърлари “Таржимон” газетасида босилади. У ўзининг дастлабки шеърларида ва “Ҳижрон” деган мақоласида халқни янги усул ўқув муассасаларида ўқиб- ўрганишга тарғиб қилди. Абдулла Авлоний 1907 йилда “Шухрат” ва “Осиё” номли янги газеталар чиқара бошлади, лекин чор амалдорлари тез орада газеталарни ёптириб қўяди. А.Авлоний кейинроқ “Садойи Туркистон” (1914-1915), “Турон” (1917), “Иштирокиюн” (1918) газеталарида, “Қасабачилик ҳаракати” (1921) журналида муҳаррир бўлиб ишлайди. Шундан сўнг, у ўзбек матбуотининг забардаст вакили, ўзбек матбуотининг асосчиларидан бири сифатида танилади.

А.Авлоний халқ орасида илғор фикрларни тарқатишда, илм ва маърифатни ташвиқ қилишда газета, журналларнинг роли ғоят катта эканлигини яхши билар эди. У 1907 йили “Шухрат”, “Осиё” номли газеталар чиқариб унга муҳаррирлик қилади.

Газетанинг биринчи сонидан матбуотнинг роли, газетанинг вазифаси ҳақида фикр юритиб, “Матбуот ҳар инсонга ўз ҳолини кўрсатувчи, аҳвол- оламдан хабар берувчи, қоронғи кунларни ёритувчи, халқ орасида илм, иттифоқ, ҳиммат ғояларини ёювчидир” деб, айтади.

XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва педагогик фикрларнинг ривожидида Абдулла Авлоний алоҳида ўрин эгаллади, бутун фаолити даврида у ўз халқига хизмат қиладиган комил инсонни етиштириш, унинг маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берди.

Абдулла Авлоний ўзбек халқининг санъати ва адабиёти ҳамда миллий маданиятини, халқ таълими ишларини йўлга қўйишда катта хизматлар қилган адиб, жамоат арбоби ва истеъдодли педагогдир.

А.Авлоний ўзбек зиёлилари ичида биринчилардан бўлиб, ўзбек халқ театрини профессионал театрга айлантириш учун 1913 йилда “Турон” номи билан театр труппасини ташкил қилади. Бироқ бу труппанинг профессионал театрга айланиши учун катта тўсиқлар бор эди. Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати халқнинг ижтимоий онгининг уйғонишига ёрдам кўрсатувчи театрларнинг барча шаклларига қарши эди. Театрга ана шундай салбий муносабат бўлган бир пайтда Авлонийнинг театр труппасини ташкил қилиши ва ижтимоий мазмундаги пьесаларни сахналаштириши унинг халқ маърифати йўлидаги зўр жасорати эди. М. Раҳмонов Авлонийнинг театрчилик фаолияти ҳақида қуйидагиларни келтиради:

Авлоний труппа учун “Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, “Икки муҳаббат”, “Портуғолия инқилоби” каби драмалар ёзди, “Қотили Карима”, “Уй тарбиясининг бир шакли”, “Хиёнаткор оиласи”, “Бадбахт келин”, асарларини татарча ва озарбайжончадан таржима қилади”. Аммо бу асалари нашр қилинмади.

1916 йили озарбайжонлик машҳур актёр Сидқий Рухилло Тошкентга келиб, “Турон” труппаси билан бирга “Лайли ва Мажнун” спектаклини қўяди. Авлоний бу спектаклда Кайснинг отаси ролини ижро этади. Труппа аъзолари билан Авлоний 1914-1916 йилларда фарғона водийсида гостролларда бўлади.

Абдулла Авлоний 1917 йил тўнтаришига қадар Туркистонда жуда катта ижтимоий- маърифий ишларни амалга оширган жадиждлар харакатининг кўзга кўринган намоёндаларидан эди. А.Авлоний илғор зиёли кишилар билан ҳамкорликда театр томошалари ва матбуотдан тушган маблағларга дунёвий илмларни ўқитадиган “Усули жаид”, яъни янгича илғор усулдаги ўқув муассасалари очдилар ва бу ўқув муассасаларда оддий халқ болаларини ўқитдилар. Улар ўз миллатларидан етук олимлар, билимдон мутахассислар, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод, Ватанни озод, фаровон этишларини орзу қилдилар ва бу йўлда фидоийлик кўрсатдилар.

Абдулла Авлоний 1907 йилда Тошкентнинг Миробод маҳалласида, кейинчалик Дегрез маҳалласида янги усулдаги ўқув муассасалар очди. Ўқув муассасалардаги ўқув асбоб- жиҳозларини ўзгартирди, ўз кули билан доска ва парталар ясади. Ўқув муассасасига қабул қилинган тарбияланувчиларнинг асосий қисмини камбағал кишиларнинг болалари бўлганлиги учун кийим- кечак, озик- оват, дафтар-

калам билан таъминлаш мақсадида, дўстларининг кўмагида “Жамияти ҳайрия” ташкил этади ва бу жамиятга ўзи раислик қилади. “Нашриёт” ширкати тузиб, Хадрада “мактаб кутубхонаси” номли китоб дуконини очди. Авлонийнинг мактаби ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларига кўра машғулотларни синф-дарс тизими асосида ўз она тилида олиб борилиши билан эски усул мактабидан фарқ қилади. У ўз ўқув муассасасида тарбияланувчиларга география, тарих, адабиёт, тил, ҳисоб, ҳандаса, ҳикмат каби фанлардан муайян маълумотлар беради. А.Авлонийнинг илк толибларидан бири, Тошкент Давлат университетидеда узок йиллар дарс берган таникли педагог, марҳум Юсуф Тоҳирий Авлоний Мирободда ташкил қилган ўқув муассасаси ҳақидаги хотираларида шундай деб ёзган эди:

“Шаҳарнинг қарама-қарши чеккасида темир йўл ишчилари истиқомат қиладиган Мирободда янги типдаги ўқув муассасаси очилганлиги ҳақида эшитиб қолдик. Тез орада бу ўқув муассасасининг фазилатлари ҳақида шов-шувлар, унинг муаллими Авлонийнинг додруғи бутун шаҳарга тарқалди. Ҳамманинг тилида: “Мирободдаги мактаб 6 ойда ўқиш-ёзишни ўргатармиш”, - деган гап юрарди. Бизга жуда сирли туюлган бу мактабни ва унинг донишманд муаллимини кўришга ошиқардик. Ниҳоят бир куни уч-тўрттамыз боришга жазм қилдик.

Ўқув муассасаси пастаккина, ним қоронғу бўлиб, масжид йўлагига жойлашган эди. Хонанинг тепасидаги ёруғлик учун қолдирилган туйнукдан киш ва баҳорда қор билан ёмғир тушиб турарди. Лекин хонада ўқувчилар ва домланинг шогирдлари кўп эди. Хаёлимизда домланинг аллақандай бир сирли томони бор эди. Бизни қотмагина, кичик жуссали, қорачадан келган, истараси иссиқ, чўкки соқол бир киши кутиб олди. Бу номи тилга тушган муаллим Авлоний эди. Ўқишга қабул қилиндик. Кўп ўтмай кўз олдимизда янги бир дунё очилганига тўла ишонч ҳосил қилдик. Болаларимизнинг олди бир неча йилдан бери ўқув муассасасига қатнаб юрган бўлсалар ҳам мирободликлар олдида уялиб қолдик. Улар ўқиш-ёзишда, ҳисоб масалаларини ҳал этишда, табиат ҳодисаларидан хабарлари билан ҳаммамизни лол қолдиришди. Айни замонда бизнинг эски ўқув муассасамиз бўшаб, мирободдаги Абдулла Авлоний ўқув муассасаси биздан борган тарбияланувчилар билан лик тўлди. Шу тарика бу ўқув муассасаси тобора шуҳрат топиб борди”.

А.Авлоний “Усули жаид” ўқув мактаблари учун тўрт қисмдан иборат “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” ҳамда “Биринчи муаллим” (1912), “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” (1913), “Иккинчи муаллим” (1915), “Мактаб гулистони”(1917) каби дарслик ва ўқиш китоблари яратди. Бу асарларида ҳамда публицистик мақолаларида дунё халқлари маданиятини, илм-фанни, ўқув мактаб ва маорифни улуғлаб, уз халқини илмли, маданиятли бўлишга чакиради.

Асримиз бошларида янги мактаблар учун ёзилган алифбелар анчагина эди. Шулар орасида “Биринчи муаллим”и ҳам ўзига хос урнига эга; “Биринчи муаллим” 1917 йил тўнтаришига қадар 4 марта нашр

этилган. Авлоний уни ёзишда мавжуд дарсликларга, биринчи навбатда Саидрасул Азизийнинг “Устоз аввал”ига суянади (дарс бериш жараёнида орттирган тажрибаларидан самарали фойдаланади).

Авлонийнинг “Иккинчи муаллим” китоби “Биринчи муаллим” китобининг узвий давомидир. Биз биринчи китобини, шартли равишда, алифбе деб, иккинчи китобни хрестоматия деб атасак жоиз булар, десак хато бўлмас.

Китобдаги берилган дастлабки икки хикоя “Сахийлик” ва “Бахллик” деб номланган. Биринчи хикояда ўша давр турмушига хос бўлган воқеа тасвирланади. Саид исмли тарбияланувчининг отаси ҳар куни ўғли ўқув муассасасига кетиши олдидан унга 10 тийин овқат пули берарди. Бир куни Саид ўқув муассасаси йўлида фақир кишини учратади.

“Ўғлим, икки кундан бери очман, таом олиб ей десам устимдаги йиртиқ чопондан бошқа ҳеч нарсам йўқ”,- дейди у. Саид кўлидаги 10 тийинини беради ва ўша кунни овқатланмасдан ўтказди. Отаси ўғлоннинг олижаноблигидан мамнун бўлади, “Сахий Саидим” деб олқишлайди. Эртаси 20 тийин бериб юборади.

“Бахиллик” хикоясида бир бадавлат киши мисолида унинг бахиллиги, хасислиги, зикналиги ва пасткашлиги кўрсатилади.

“Бир бахил кишининг уйига бир неча дўстлари меҳмон бўлиб келди. Бахил меҳмонларни зиёфат қилиш ўрнига беҳуда сўзларни сўзлаб ўлтирди. Орадан кўп вақт ўтгандан сўнг хизматчисини чақириб: “Бор таом пишган бўлса, олиб кел”-деди. Шу вақт хизматчи бир тобоқда пишган хўрозни олиб келган замон, бахил хизматчисига боқиб: “Бошини нима қилдинг?”-деди. Хизматчи:- Афандим! Нима қилур эдим, ташладим, - деди. Бахил:- Ҳе нодон, киши хўрозни бошини ҳам ташларми? Агар бир киши товукнинг оёғини ташласа, мен бориб олур эдим. Бош аъзоларнинг хўжасидир. Хўроз ул бош ила андай яхши қичқиради эди. Маржон каби тожи ҳам бошида эди. Энг ширин аъзоларидан саналган тили, энг улуғ аъзоларидан мияси, икки шахло кўзи, барчаси бошида эди. Бор, топиб кел, биз емасак меҳмонларга едирурмиз, деди”¹.

7.4. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида комил инсон тарбиясига оид сурилган ғоялар

Абдулла Авлонийнинг педагогикага оид асарлари ичида “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари XX аср бошларидаги педагогик фикрлар таракқиётини ўрганиш соҳасида катта аҳамиятга моликдир.

“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари ахлоқий ва таълимий - тарбиявий асардир. Асарда инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонлардан қайтарувчи бир илм- ахлоқ ҳақида фикр юритилади. Шу жиҳатлардан қараганда бу асар Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”,

¹ Абдулла Авлоний. “Иккинчи муаллим”, 7 – бет

Жомийнинг “Бахористон”, Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб”, Ахмад Донишнинг “Фарзандларга васият” асарлари шаклидаги ўзига хос тарбиявий асардир.

А.Авлоний педагог сифатида тарбияланувчи тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб “Агар бир киши ёшлигида нафси бузулиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, аллоҳу акбар, бундай кишилардан яхшилик кутмоқ, ердан туриб юлдузларга қўл узатмақ кабидур”,- дейди. Унинг фикрича, тарбияланувчиларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва тарбияланувчининг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга.

Ўзбек педагогикаси тарихида А.Авлоний биринчи марта педагогикага “Педагогия”, яъни тарбияланувчи тарбиясининг фани демакдир, деб таъриф берди. Табиий, бундай таъриф Авлонийнинг педагогика фанини яхши билганлигидан далолат беради. Абдулла Авлоний тарбияланувчи тарбиясини нисбий равишда қуйидаги тўрт бўлимга ажратади: 1. “Тарбиянинг замони”. 2. “Бадантарбияси”. 3. “Фикр тарбияси”. 4. “Ахлоқ тарбияси” ва бу ҳақида ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида фикр юритади.

“Тарбиянинг замони” бўлимида тарбияни ёшлиқдан бериш зурурлигини, бу ишга ҳаммани: ота-она, муаллим, ҳукумат ва бошқаларнинг киришиши кераклигини таъкидлайди.

“Ал-хосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат- ё фалокат масаласидур” деб уктиради, Авлоний.

Тарбия хусусий иш эмас, миллий, ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараққий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига қўп жихатдан боғлиқ, деб ҳисоблайди адиб.

Тарбия зурриёт дунёга келгандан бошланиб, умрининг охирига қадар давом этади. У бир қанча босқичдан- уй, боғча ўқув муассасаси ва жамоатчилик тарбиясидан ташкил топган. Авлоний тарбиянинг доирасини кенг маънода тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. У биринчи навбатда тарбияланувчининг соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш лозимлигини уктиради.

Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм- маърифатга эга бўлиш учун баданни тарбия қилиш зарур. “Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумок, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир”.

А.Авлоний бадан тарбияси масаласида тарбияланувчини соғлом қилиб ўстиришда ота-оналарга мурожаат қилса, тарбияланувчини фикр томондан тарбиялашда ўқитувчиларнинг фаолиятига алоҳида эътибор беради.

Тарбияланувчиларда фикрлаш қобилиятини ўстириш ва бу тарбия билан мунтазам шуғулланиши бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа. Бинобарин, у муаллимларнинг “диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур... Негаки фикрнинг қуввати, зийнати,

кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур”.¹ Айни замонда муаллиф таълим ва тарбия узвий боғлиқ эканини ҳам таъкидлайди: “Дарс ила тарбия орасида бироз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир- биридан ажралмайдурган, бирининг вужуди бирига боғланган жон ила тан кабидур” - дейди. А. Авлониининг фикрича инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир. Инсон ўз гўзаллиги ва мураккаблиги билан коинотдаги барча махлуқотлардан афзалдир. Бутун мавжудот инсонга хизмат қилиши керак, чунки инсон унинг соҳибидир. Чунки инсоннинг акли бор. У шу ақл туфайли илм эгаллайди, илм орқали дунёни бошқаради: “Ақл, - дейди Авлониий, - инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидур, руҳ ишловчи, ақл бошқарувчидур. ... инсонни ҳайвонлардан сўз ва ақл ила айирмишдур. Лекин инсон ақл ва идроки соясида ўзига келадиган зарар ва зулмлардан сакланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилиб, буйнидан бойлаб, ипларнинг учини кўлларга берган инсонларнинг ақлидур”. Авлониий инсонга ва унинг ақлига ана шундай юксак баҳо беради. “Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари нажотидур. Агар ақлингнинг кўли нафсингни жиловини ушласа, сани ёмон йўлларга кирмоқдан саклар. Ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, аммо ақл эса илм ва тажриба соясида канча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур”².

“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китоби маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилади. А. Авлони китобда илм тўғрисида бундай дейди: “Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидур. Илм инсон учун ғоят олий муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойина каби кўрсатур. Зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, ... Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабидур.... Авлониий илмни умуман эмас, балки унинг амалий ва ҳаётий фойдаларини айтиб, “Бизларни жаҳолат, қоронғуликдан қутқарур. Маданият инсониятни маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузук ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳибни қилур... Алҳосил бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илм ила боғлиқдур”³.

Адибнинг образли ифодасига кўра, илм бамисоли бодомнинг ичидаги мағиз. Уни кўлга киритиш учун меҳнат қилиш, яъни чақиб уни пўчоғидан ажратиб олиш керак.

У илмнинг жамият таракқиётидаги ролини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам у, ёшларни илм сирларини билишга, ҳодисалар моҳиятини ечишга, китоб мутолаа қилишга чақиради. Унинг фикрича, илм агар жамият манфаатига хизмат қилмаса, халқ фаровонлиги йўлида кўлланмаса, у ўликдир. А. Авлониий ўз илмини амалда кўллай оладиган кишиларга юксак баҳо беради, уларни доно инсонлар, деб атайди.

А. Авлониий ўтмиш мутафаккирлари каби ёшларни фойдали касб-

¹ Абдулла Авлониий. “Иккинчи китоб”, 14 – бет.

² Абдулла Авлониий. “Иккинчи китоб”, 17 – бет.

³ Абдулла Авлониий. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ, 1998 . 22 – 23 – бетлар.

хунар эгаллашга чақиради. Адиб бойлик кетидан кувувчиларни, уларнинг одамгарчиликка тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланаётганини кўриб, улардан нафратланади. Авлоний ёшларни бойликка ружу кўймасликка ундайди. Бойликни ўткинчи булутга ўхшатади.

А.Авлоний меҳнатсиз кун кечирини барча ёмон сифатларнинг ибтидоси, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у, меҳнатни улуғлайди, меҳнат кишининг энг гўзал фазилатидир, дейди. Бу жихатдан унинг “Ақлли боғбон” ҳикояси характерлидир.

Ҳикояда айтилишича: “бир боғбоннинг уч ўғли бўлиб, улар дангаса ва ишқмас бўлганлар. Одатда уларга мерос қоладиган танга, тилло йўқ. Ота умри тугаётганини сезиб, фарзандлари тақдирдан ташвишга тушади. Ўйлаб-ўйлаб шундай йўл тутди. Ҳар учала ўғлини ёнига чорлайди. Кўзим очик экан сизларга васиятимни айтиб кетай. Меҳнату машаққат ила бир кўза олтин йиққанман. Уни мана шу боққа, тоқларнинг бирини тагига кўмганман. У – сизларники. Бироқ бу ишга кўп йил бўлди. Уни ўзларингиз излаб топинглар ва ўзаро бўлишиб олинглар, дейди. Бир кўза тилла дарагини эшитган уч ишқмас уни излашга тушиб кетади. Боғнинг ҳамма ерини қовлаб чиқишади. Сирли кўза чикмайди. Яна эринмай қовлашга тушадилар. Кутилган натижа ҳамон йўқ. Шу тахлит боғ ичи бир неча қайта ағдар - тўнтар қилинади. Ерлар қазилавериш тупроғи упага айланиб кетади ҳамки, олтинли кўза топилмайди. Бу орада узумзордаги тоқларнинг энг чуқур илдизларигача очиб кўрилади. Боғда ўша йили чунонам ҳосил бўладики, ундан бир неча кўзани тўлдиргулик олтин оладилар. Уч дангаса ўғиллар ота гапларининг маъносини, олтин- меҳнатда эканини тушуниб етадилар”¹.

Адиб ушбу ҳикоячаси билан меҳнатни улуғлайди, ўқувчи қалбида меҳнатга муҳаббат уйғотади. Киши бахт ва саодатга фақат меҳнат орқалигина эришишини уқтиради.

А.Авлоний ўз асарида сабр, тоқат, сабот ва матонат масалаларига тўхтаб, “Ҳар бир ишда сабр ила ҳаракат қилмоқ лозимдур. Сабр инсонлар учун буюк бир фазилатдир, мақсадга етиш йўлидир. Нафсини сабр ила ром қилган киши ҳар ишда ошиқмай, оҳиста ҳаракат қилур. Нафсини ҳалокатдан, гурурдан сақлар. Сабр шундай бир кучли нарсадурки, шаҳватни ифбатга, ғазабни шижоатга, шиддатни илмга, катталиқни тавозуъга, ёмонликни яхшиликка айлантурмоқга қуввати етар... Сабр шодлиғнинг қалитидур...”².

Авлоний интизомни инсон характерини тарбияловчи, мукаммалаштирувчи манба, деб билади, ҳамда унга доим риоя қилиш кераклигини таъкидлайди: “Интизом қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмоқни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа ҳам яшай олмас эдилар. Ҳар бир миллатнинг тараққийси ва толийси ишларини вақтида,

¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.1998.226 – бет.

² Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.1998.228 – 229 – бет.

низомдан чикмай тартибла юритилмоғига боғлиқдур... Чунки тартиб ва интизомни риоя қилмаган кишиларнинг ишлари ҳамма вақт нотамом, ўзлари паришон бўлурлар. Аммо ишларини тартиб узра юритган кишиларнинг ишлари ерида, ўзлари тинч ва роҳатда умр ўтказурлар”.

Ватан туйғуси энг инсоний ва мўтаъбар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас, унинг дарди билан фахрланмоқ керак. Авлоний Ватан ва унинг олдидаги бурчни шундай тушунади:

“Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортик суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси -туйғуси хайвонларда ҳам бор. Агар бир хайвон ўз ватанидан- юртидан айрилса, ўз еридаги каби роҳатда яшамас.

Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортик суйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссик чўлларини, эскумулар шимол тарафларини, энг совуқ ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёд суядурлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб хижрат қилур эди”-дейди Авлоний.

Авлоний идрок деб очик фикрни, хуштабиат, зийрак бўлмокни тушунади. У идрок ва закони маърифатпарварлик билан боғлаб, “ёшлиқдан бошлаб зехн ва идрокимизни қувватлантурмок учун азиз умрмизни ўйин-кулгу, сафсата, моллол яъни каби беҳуда сўзлар ила ўткармай, ҳар хил китоб, газета ва журналларни ўкуб, фикримизни очмок, зехнимизни қувватландурмок лозимдур”.

Бу эса Авлоний халқни маърифатга ташвиқ қилганидан далолат беради.

Авлонийнинг фикрича, ахлоқ- бу хулқлар мажмуидир. Хулқ эса, кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишда ёмон бўлиб туғилмайдилар, уларни муайян шароит ёмон қилади.

Авлонийнинг таъкидлашича, ахлоқ тарбияси хусусий иш эмас. Бу тарбия ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараккий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқлиқдир.

Тарбия бола туғилган кундан бошланади ва умрининг охирига қадар давом этади. Ана шундагина биз комил инсонни кўз олдимизда намоён бўлганини кўрамиз.

Қисқа хулоса

Ушбу мавзуда ўзбек халқининг ўзига хос бўлган маънавий бойликлари, шарқ мутафаккирларининг асарларида таълим тарбияга оид қарашлари, уларнинг ижоди ва илмий фаолияти, жаҳидчилик ҳаракатини Марказий Осиёга кириб келиши, уларнинг таълим – тарбия борасидаги беқиёс хизматлари, янги усул мактабларнинг ташкил топиши, синф – дарс тизимидаги дарс жараёнларини жорий этилишидаги жаҳидчиларнинг беқиёс хизматлари, ота-она ва фарзанд ўртасидаги тарбиявий муносабатлар, жаҳидчиларнинг таълим – тарбияга қўшган улкан хиссалари хақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Миллий тарбия деганда нимани тушунасиз?
2. А. Авлоний ўз асарларида кўпроқ инсоннинг қандай хислатларини очиб беришга ҳаракат қилган?
3. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асаридаги комил инсон қиёфаси қандай акс этган?
4. Жаҳидчилар таълим соҳасига қандай узгаришлар олиб келдилар?
5. Ислом динида таълим тарбияга оид қарашлар ҳақида нималар биласиз?
6. Бехбудий «падаркуш» асари орқали қандай инсонлар қиёфасини очиб берди?
7. Жаҳидчилик ҳаракатини асосчиси ким ва у ҳақида нималар биласиз?
8. Ислом динида ота-она ва фарзанд уртасидаги муносабатлар қай тарзда ифодаланган?

8 - мавзу: Жаҳон педагогика фани ривожланиш тарихи

Режа.

8.1. Қадимги Юнонистонда тарбия, мактаб ва педагогика соҳасидаги фикрлар. Спарта ва Афина мактаб тизими ва тарбиянинг таркибий қисмларини вужудга келиши.

8.2. Қадимги Юнонистонда педагогика назариясининг туғилиши. Сократ, Платон ва Арастуларнинг фаолияти.


8.1. Қадимги Юнонистонда тарбия, мактаб ва педагогика соҳасидаги фикрлар. Спарта ва Афина мактаб тизими ва тарбиянинг таркибий қисмларини вужудга келиши

Тарихий тараққиётнинг кейинги даврларига келиб, ибтидоий жамоа тузуми ўрнинг янги ижтимоий формация- кулдорлик тузуми эгаллади. Қадимий Шарқда биринчи синфий жамиятлар пайдо бўлди, ҳамда моддий ва маънавий маданиятга асос солинди. Айниқса, қадимги Юнонистон ва Рим халқлари бу маданиятни ривожлантиришда ўзларини катта ҳиссасини қўшдилар. Дарҳақиқат, тарихий тараққиёт давомида турли мамлакатлар ва халқлар жаҳон маданиятига турлича ёндошдилар ва ривожлантирдилар. Масалан, Хитойда ҳисоблашнинг ўнлик системаси кашф этилди. Месопотамияда ер қуррасини градусларга, суткани соатларга, минутлар ва дақиқалар бўлиш ўйлаб топилди.

Эррамир бошланишдан олдин Ўрта Осиёнинг жанубий чеккасига яқин бўлган жойда Ўрта денгиз билан Ҳиндистонни бирлаштирувчи қарвон йўли қурилди. Сўнгра Ўрта Осиё орқали Хитойдан Ўрта денгизга томон «Буюк ипак йўли» очилди. Натижада Ўрта Осиё халқлари савдо-сотиқ марказига айланди. Бу эса ўз навбатида Ўрта Осиё воҳаларида маданиятнинг ривожланишига таъсир этди, ёзувнинг тарқалишига ёрдам берди.

Айникса қадимги Юнонистонда маданият, мактаб ва дастлабки педагогик фикрлар бошқа мамлакатларга нисбатан жуда эрта ривожланди.

Юнонистон унчалик катта бўлмаган бир қанча кулдорлик давлатлардан ташкил топган. Унинг мўтабар шаҳарларидан Лакония (Бош шаҳри Спарта) ва Аттика (бош шаҳри Афина)дир. Буларнинг ҳар қайсисида тарбиянинг алоҳида тизимлари вужудга келиб, Спарта усулида ва Афина усулидаги тарбия деб аталадиган бўлди. Аммо иккала давлатда ҳам кулдорлик тузуми ҳукумрон эди.



Спарта мактабларидаги жанговорлик дарслари

9 минг оиладан иборат бўлган кулдорлар 250 мингдан кўпроқ аҳолига ҳукмронлик қиларди. Спарта куллари шафқатсиз таъқиб остига олинар эди.

Тарбия ишлари эса давлат ихтиёрида бўлиб, унинг асосий мақсади Спарталикларнинг болаларини бақувват, жисмоний соғлом, бардошли, чиниққан жангчилар қилиб тарбиялаш ва бўлажак кулдорлар етказишдан иборат эди. Спарталикларнинг болалари 7 ёшгача уйда яшар, кейин «агелла» деб аталувчи давлат муассасида 18 ёшга етгунча тарбияланар эди. Улар «педоном» раҳбарлигида жисмоний соғлом бўлиш учун турли машқлар билан чиниқтирилар, совуққа очликка ва чанкокка чидашга, оғрикка бардош беришга ўргатилган эди.

Қадимги юнон тарихчиси, файласуф олим Плутарх Спарта мактабларидаги таълим-тарбия ҳақида гапириб шундай дейди: «Ўқиш ва ёзиш-болаларга фақат уларнинг энг зарури ўргатилар эди, тарбиянинг қолган қисми эса битта мақсад: ҳеч сўзсиз итоат қилдиришни, чидамли бўлишни ва енгиш илмини ўрганишни кўзда тутди».

Спарта таълим-тарбиянинг яна бир муҳим вазифаси ёшларни кулларга нисбатан шафқатсиз, уларни менсимайдиган қилиб тарбиялашдан иборат эди. Шу мақсадда ёшлар «Крептиялар»да, яъни кечалари кулларни тутиш маҳкларида катнашар, шубҳали бўлиб кўринган ҳар қандай иллатни(куллни) ўлдирар эдилар.

Ёшларга ахлоқий тарбия беришда давлат раҳбарлари махсус суҳбатлар ўтказиб, шу йўл билан уларга ахлоқий ва сиёсий тарбия берар эдилар. Шунингдек, болаларни савол-жавоб жараёнида аниқ, қисқа ва лўнда жавоб беришга ўргатиб борилган.

Спартада бола 18-20 ёшга етганда «эфеблар» гуруҳида ҳарбий хизматни ўтаганлар.



Афина мактаблари

Афинада энг кўркам ва баркамол инсон деб ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук кишини ўзларининг «идеали» деб ҳисоблар эдилар. Бу идеал фақатгина юқори табақали кулдорларга хос эди, жисмоний меҳнат эса фақат кулларнинг қисмати деб ҳисобланар эди.

Афинада болалар 7 ёшга етгунча уйда тарбияланар, ўғил болалар 7 ёшдан бошлаб мактабга катнар, кизлар эса оилада она кўмагида уй-рўзгор ишларига ўргатилар эди. Афинада хотин-кизларнинг ҳаёти уй доирасидан чиқмас. Асосан ичкарида ўтар эди.

Афинада дастлаб болалар (7 ёшдан 13-14 ёшгача) «грамматист» (грамматика мутахассислиги демакдир, савдо ўқитувчиси маъносида) ва «Кифарист» (грекча музика демак, музика ўқитувчиси маъносида) мактабларда ўқитилар эди, бу каби мактабларда «дидаскал» деб аталган ўқитувчилар машғулот олиб борар эдилар. Ўғил болаларни мактабга кулларида бири бошлаб борар эди, бундай кул педагог деб аталар эди (пайс-бола, агогейн-етаклаб бориш деган сўзлардан олинган).

Ўғил болалар 13-14 ёшга етганларидан кейин «полестра» (кураш мактаби) деб аталган ўқув юртига ўтар эдилар.

Ёшларнинг бадавлатроқ оилада бўлган қисми полестрани тугатгач гимназияга (гимназия шу сўздан келиб чиққан) кириб ўқир эдилар. Мактабни битирган ёшлар давлатни бошқаришда қатнашишлари мумкин эди, шунинг учун уларга фалсафа, сиёсат, адабиёт фанлари ўқитилган.

Нихоят, Спартада бўлгани каби, Афинада ҳам 18 ёшдан 20 ёшгача бўлган ёшлар эфеблар қаторига ўтиб, ҳарбий хизматда тайёрланар ва ўзларини сиёсий билимларини оширишни давом этирар эдилар.

Аҳолининг кўпчилик қисми болаларни мактабларда ўқта олмаганлиги сабабли уларга касб-ҳунар ўргатиш одат тусига кирган эди, айрим хат-саводи бор оталар болаларга ўқишни ўзлари ўргатар эдилар. Бу каби тартиб давлат томонидан қонунлаштрилиб бечораҳол табақага мансуб ота-оналар ўз болаларига бирор касбни ўргатишга мажбур эдилар. Акс ҳолда уларнинг болалари келгусида кексайиб қолган ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишдан озод этилар эди. Кулдор зодагонлар меҳнат билан

шуғулланувчи эркин аҳолига нафрат билан қаради. Қулларни эса «гапирадиган иш қуроли» деб ҳисоблаганлар.

8.2. Қадимги Юнонистонда педагогика назариясининг туғилиши. Сократ, Платон ва Арастуларнинг фаолияти

Қадимги Юнонистон олимлари ва файласуфлари Сократ, Платон, Аристотель ҳамда Демокрит ўзларининг илмий асарларида, нутқларида тарбия ва таълим ҳақидаги фикрларини илгари сурдилар.




Ўзининг демократик ижтимоий чиқишига қарамай (у қамбағал хунарманд ўғли эди), Консерватив заминдор аристократларнинг идеологи эди. Бу албатта унинг фалсафий ва педагогик қарашларида ўз аксини топди.

Сократ. Эраамиздан аввалги 469-399 йиллар.

Сократнинг фикрича тарбиядан асосий мақсад, дунёнинг тузилишини, буюмларнинг физик ҳолатини ўрағниш бўлмай, балки одамлар ўзларнинг билиши, ахлоқини қамол топтириши лозим деб ҳисоблар эди. Сократ жамоат тўпланадиган жойларда ахлоққа доир масалалар юзасидан суҳбатлар ўтказар экан, тингловчиларни савол жавоблар йўли билан «ҳақиқат»ни ўзлар фикр юритиб, ўйлаб топишларига ундар, шу йўл билан одамларни ҳақиқатни излашига ўргатар эди, суҳбатнинг бу методи ўша пайтда «Сократ метод» деб юритилган. «Сократ метод»дан кейинги даврлар методикасида суҳбатни «фикр қўзғовчи саволлар методи» йўли билан ўтказиш келиб чиқди.

Умуман Сократ яратган ахлоқий этика мактаби умумий фазилат ва хусусий фазилатлардан ташкил топди. У ҳар бир фазилатни у ёки бу турдаги билимлардан иборат эканлигини асослаб берди ва инсон энг аввало умумий этика мезонларини, инсон учун муқаддас бўлган барчага хос умумий фазилатларни билиши зарур, дейди. Унинг фикрича, инсонлардаги фазилат, яъни ахлоқий фазилатлар фан туфайли, таълим бериш билан қўлга киритилганлиги туфайли, ахлоқий ривожланиш ахлоқ асосини ташкил этар экан.

Сократнинг ахлоқий қарашларида тенгсизликни яққол сезиш мумкин. Унинг фикрича. Ахлоқ фақат имтиёзли «мумтоз»ларгагина хос, «мумтоз» кишилар ҳақиқий ахлоқнинг ягона эгалари бўлганликлари учун ҳокимият ҳам уларнинг қўлларида бўлмоғи керак дейди.



Платон эрамиздан илгари (427-347 йиллар)- идеолист файласуф, Сократнинг шогирди, объектив идеализм назариясининг асосчиси. У “ғоялар дунёси”ни бирламчи. Ҳис қилинувчи нарсалар дунёсини иккиламчи деб ҳисоблади.

Платон эрамиздан илгари (427-347 йиллар)

Платон оламни ҳадислар дунёси ва ғоялар дунёси деб иккига бўлди. Унинг фикрича ғоялар абадий ва ўзгармасдир. Унинг назарида, нарсалар ғоялар оламнинг соясидир, холос. Афина аристократиясининг номаёндаси бўлган Платон, аристократларнинг абадий ҳукмронлиги ҳақидаги назариясини илгари сурди. Унинг фикрича идеал аристократик давлат уч хил ижтимоий гуруҳ: файласуфлар, жангчилар, хунармандлар ва дехқонлар гуруҳидан иборат бўлиши лозим. Файласуфлар давлатни бошқарадилар, жангчилар ҳимоя қиладилар, учунчи гуруҳ эса меҳнат қилиб, икки гуруҳни боқадилар. Шунингдек, у кулларни ҳам сақлаиб қолишини айтиб, уларни ҳамда хунармандлар, дехқонларни ҳуқуқсизлиги ғоясини илгари суради. Платоннинг фикрича давлатнинг мақсадли олий эзгулик ғоясига яқинлашишидир: бу ғоя, асосан, тарбия йўли билан рўёбга чиқишини таъкидлайди. Тарбия-дейди Платон, - давлат томонидан ташкил этилмоғи ва ҳукмрон гуруҳларнинг-файласуфлар ва жангчиларнинг манфаатларини кўзламоғи лозим. Платон ўзининг педагогик системасида Спарта ва Афина системасининг баъзи бир белгиларини бирлаштиришга интилади. Платоннинг фикрича болалар 3 ёшдан бошлаб 6 ёшгача давлат томонидан тайинлаб қўйилган тарбиячилар раҳбарлигида майдончаларда турли ўйинлар билан шуғулланишлари лозим. У ўйинларни мактабгача тарбия воситаси деб ҳисоблаб, уларга катта аҳамият беради. У болаларга энг ёшлик чоғиданок ижтимоий тарбия бериш тарафдори эди. Болалар 7 ёшдан 12 ёшгача давлат мактабларига катнаб, ўқиш, ёзиш, ҳисоб, мусиқа ва ашулалар ўрганишлари, 12 ёшдан 16 ёшгача одатдаги бадан тарбия машқлари ўрганиладиган паластрада, яъни жисмоний тарбия мактабида буни битиргандан сўнг ўспиринлар 18 ёшгача ҳисоб геометрия ва астрономияни ўрганиши, 18 ёшдан 20 ёшгача йигитлар “эфебия”да тарбияланадилар, яъни ҳарбий гимнастика билан шуғулланадилар. Қобилятли ўткир йигитлар 30 ёшга қадар фалсафа, шунингдек, ҳисоб геометрия. Астрономия ва мусиқа назариясини ўрганадилар. Буларнинг бир қисми мансаб бошқаришга кетсалар, боқа энг истеъдодли йигитлар фалсафа илмини ўрганишни яна 5 йил (35 ёшга қадар) давом эттирадилар. Шундан сўнг 35 ёшдан 50 ёшгача давлатни бошқарувчи кишилар бўлиб қоладилар. Платон ҳам хотин-қизлар тарбияси хусусида фикр юритиб Спартадаги тарбияни мақуллайди. Платон системасида бутун тарбия жисмоний меҳнатдан ғоят нафратланиш руҳи билан суғорилган. Бўлажак файласуфлар. Жангчиларни меҳнат қилиши тақиқланган. Кулларнинг

болаларини ўқитмаган маъқул деган ғояни илгари сурган. Бироқ, Платон мактабгача тарбия тўғрисида, давлат томонидан изчиллик билан олиб борилиши лозим бўлган тарбия системаси тўғрисида фикрлари ижобий ўртак намунасида тарбиялаш каби фикрлар педагогик жиҳатдан муҳимдир.



Аристотель (Эрамиздан илгари 384-322) Платоннинг шогирди бўлган, македониялик Искандарни тарбиялаган, у қадимги Юнонистоннинг йирик идеалист файласуфи ва олими эди.

Аристотель (Эрамиздан илгари 384-322)

Платон олимни ғоялари дунёси ва ҳадислар дунёси деб иккига бўлган бўлса, унинг шогирди Аристотель оламни яхлит деб билди ва нарсаларнинг ғояларини нарсаларнинг ўзидан ажратиб бўлмайди, дейди. Аристотельнинг фикрича, ғояни шаклга ўхшатиш мумкин. Хар қандай буюмда биз унинг моддасини ва формасини кўришимиз мумкин. Моддада нарсалар бўлиши учун имконият бор. Модда бирон форма олгандан сўнгина нарса бўлиб қолади. Чунончи мрамарнинг ўзи бир моддадир, аммо унга маълум форма берилса, ҳайкал тусини олиши мумкин. Бутун ҳаёт тараккиёт жараёнидир. Бу жараён Аристотельнинг фикрича, ташқи кучларнинг таъсири остида содир бўлмайди, балки ички тараккиётнинг ўзидир. Энг муҳими шундаки, Аристотель шакл билан мазмуннинг бирлигини кўрсатиб ўтди, тараккиёт ғоясини олға сурди. Аристотель одамда тана ва жон бор, тана билан жон материя билан шакл тарикасида бир-биридан ажралмаган ҳолда мавжудир, дейди. Унингча уч хил жон бор: ўсмликдан таркиб топган жон озиқланишида ва урчиб кўпайишда намоён бўлади, ҳайвонотдан таркиб топган жон. Ўсмлик хоссаларидан ташқари сезгиларда ва истакларда намоён бўлади, ақлнинг ифодаси бўлган жон, ўсимлик ва ҳайвонот хоссаларидан ташқари, у тафаккур ёки билиш хислатларига ҳам эгадир. Инсондаги жоннинг ҳайвоний қисми ақлга тобе бўлганлиги сабабли, уни ирода деб аташ мумкин. Аристотельнинг фикрича жоннинг мана шу уч хилига мувофиқ уч хил тарбия: жисмоний, ахлоқий, ақлий тарбия бўлиши керак. Тарбиянинг мақсади, унинг фикрича жоннинг олий томонларини - ақл ва иродани камол топтиришдан иборатдир. Хар бир моддада ривожланиш имконияти бор бўлганидек. Инсонга ҳам табиат фақат қобилиятларнинг бошланғичинигина беради, инсонда камол топиш имконияти табиатда мавжуддир ва бу имконият тарбия воситаси билан рўёбга чиқарилади. Табиат жоннинг уч хилигни бир-бири билан чамбарчас боғлаб қўйган, биз ҳам тарбияда табиат белгилаб берган йўлдан бориб жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбияни бир-бири билан чамбарчас боғлаб олиб боришимиз лозимлигини ўқтиради. Арастунинг фикрича, давлат ҳамма фуқороларга бир хилда тарбия берилишини таъминлаши лозим. Бу давлатнинг асосий вазифаси бўлиши керак. Деб айтганда қулларни назарда тутмаган. Арасту педагогика тарихида биринчи бўлиб, ёшни давирларга бўлишга уриниб кўради. У инсоннинг ёшларини уч даврга бўлиб ўрганади:

7 ёшгача бўлган давр; 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган давр (жисмоний болағат даврининг бошланиши) ва жисмоний болоғат даврининг бошланишдан 21 ёшгача бўлган давр. Унинг фикрича, бундай даврларга бўлиш табиатга мос бўлиб тушади. Болалар 7 ёшгача оилада. 7 ёшдан бошлаб давлат мактабларида ўқишлари лозим, дейди. Улар ақлий тарбия беришдан илгари жисмоний тарбия берилиши. Жисмоний тарбия эса аввало гимнастика муаллимлари томонидан олиб борилиши зарур дейди. Аристотель жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбия бир-бири билан боғланган деб ҳисоблайди. Арасту хотин - кизларнинг тарбияси эркакларнинг тарбиясига ўхшаб кетмаслигини, чунки уларнинг табиати мутлоқ эркаклардан фарқ қилишини айтади. Арасту ўз педагог қарашларида ақлий тарбия, ахлоқий кўникмаларга катг аҳамият беради. Табиий истеъдо, кўникма ва ақл- булар ахлоқий тарбиянинг уч манбаидир, дейди. Арастунинг қайд этишича, ҳар қандай истак ва фаолият камчилик, ортикчалик ва ўртачилик, фақат мувозанат яхши ва фойдалидир. Демак, ҳамма нарсада ортикчалик ҳам, камчиликка ҳам йўл қўймайдиган хатти-ҳаракатлар яхшилиқнинг нишонасидир. Мана шундай хатти-ҳаракат ҳосил қилмоқ учун кўпроқ машқ қилиш керак, деган фикрларни олға суради. Арасту Платондан фарқ қилиб, оилани тарбиядан четлаштирмайди, ахлоқий тарбия бериш, асосан, оиланинг зиммасида бўлиши керак, дейди. Арастунинг қарашлари антик педагогиканинг тараққиётига катта таъсир ўтказди. Айниқса унинг «Никомах этикаси» ва «Сиёсат» асарлари ахлоқ масалаларини назарий ишлаб чиқишга бағишланди. Арасту, ахлоқнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкитлаб: «Табиат инсон кўлига қурол-ақлий куч берган, аммо у шу қуролни тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин: Шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид мойилларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади», - дейди. Одам жамиятда яшагани сабабли унинг ахлоқий фазилатлари ҳеч қачон соф, холис ҳолда намоён бўлмайди, балки фақат ижтимоий фаолиятидагина амалга ошади. Шунинг учун барча ахлоқий фазилатлар ижтимоийдир, дейди Арасту.

Умуман антик файласуфлар Сократ, Платон, Арастулар ўзларининг назарияларида одам ҳар бир нарсада ўз ҳузурининг қули бўлиб қолмаслиги, балки ҳар бир нарсада меъёр бўлмоғи лозимлигини ўктириб ўтган эдилар. Улар ахлоқий инсоннинг бахтга эришиш воситаси деб қараганлар.

Қисқа хулоса

Ушбу мавзуда жаҳон педагогика фани тараққиёти ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, қадимда юнонистонда илк мактабларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, Спарта ва Афина мактабларидаги узига хос таълим –тарбия ўчоғини вужудга келиши, антик файласуфлар Сократ, Аристотел, Платонларнинг ўз назарияларида комил инсон шаклланишида муҳим ҳисобланган ҳислатлар ҳақидаги фикрлари, педагогик қарашлари маърузада аниқ ва тўлиқ баён этилган.

1. Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Қадимиги Юнонистондаги таълим – тарбия оид қарашларни изоҳланг.
2. Афина билан Спарта мактаблари бир – биридан нимаси билан фарқ қилади?
3. Қадимги Юнонистонда «Педагогика назариясини» туғилишини изоҳланг.
4. Сократнинг педагогика қўшган хиссаси қандай?
5. Аристотелнинг илмий фаолиятини изоҳланг.

9 - мавзу. Европа мутафаккирлари таълим – тарбия ҳақида

Режа.

- 9.1. Ян Амонс Коменскийнинг ижтимоий педагогик фаолияти.
- 9.2. Жан Жак Руссонинг таълим – тарбия борасида олиб борган ишлари.
- 9.3. И.Г. Песталоццининг педагогик назарияси ва дидактик таълимоти.

9.1. Ян Амонс Коменскийнинг ижтимоий педагогик фаолияти



Ян Амонс Коменский 1592 йил

Буюк чех педагоги Ян Амонс Коменский 1592 йил 28 март Моравиянинг «Угорский Брод» деган қишлоғида тегирмончи оиласида дунёга келади.

Коменский ота – онасидан ёш ажралиб анча вақт ўқимайди. 16 ёшида «Чех қардошлари» жамоасининг ёрдами билан латин мактабига ўқишга қиради.

Бу ерда у тарбия тизимининг ёмонлигини, ўқув методларининг яхши ривожланмаганлигини кўради ва тушунади. Мактабни тугатгач Герберн университетига (Германияда) ўқишга қиради. Уни тугатгач Гелдельберг университетига лекция курсини тинглайди, бу университетда ўша даврда илғор профессорлар ишлар эди. Коменский Австрия, Голландияда бўлиб иктисодий, сиёсий ва маданий турмушни ўрганайди. Шунингдек, ўзини илми ва дунёқарашини кенгайтиради.

Ян Амонс Коменский «Она мактаби», «Ҳислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари» асарларида педагогик фикрларини баён этди.

1632 йилда Коменский «Буюк дидактика» деган катта педагогик асарини яратади. У бу асарида «пан софия идеясини» (пан грекча-бутун, ҳамма, софия-донолик, ақллилик) ҳамма нарсани билиш, ҳамма учун билим бериш демакдир. Мактаб бу муассаса, у ерда «хаммани хар

нарсага ўргатмок керак», «Биз хамма кишилар учун таълим беришни таъкидлаймиз» деган фикрларни у ўз асарида олға суради.

«Буюк дидактика» асарида Коменский ўқитиш табиат талабига буйсуниши керак деган ғояни илгари суради. Боланинг ақлий ва жисмоний ўсиш жараёни табиатдаги ўсиш жараёнига ўхшаган бўлади деб фикрлайди.

Коменскийнинг «буюк дидактика» асарида дидактик принциплар берилиб, дарс жараёнида

ўқитувчи қўллаши керак деб хисоблайди. Бу принципларга қуйидагиларни киритади: таълимда курсатмалилик принципи, онглилик принципи, тизимлилик принципи, изчиллик принципи.

Коменский ўз асарларида тарбиянинг мақсадини кўрсатади. Тарбиянинг мақсади кишининг мангулик дунёсига тайёрлашдан иборатдир. Буни уч хил тарбия орқали амалга ошириш мумкин:

1. Ахлокий тарбия.

2. Ақлий тарбия.

3. Диний тарбия.

Бу мақсад боланинг туғилганидан то 24 ёшгача амалга ошади, бу давр ичида бола тўрт мактабни ўқиб тугатиши, хар бирида 6 йил ўқиши керак, деб хисоблайди.

1. Туғилгандан 6 ёшгача – она мактаби. Бу даврда боланинг сезиш органларини ўстиришга, боланинг қабул қилишини, атрофдаги дунё билан таништиришга катта аҳамият беради. Болани меҳнатга ўргатиш, ўз-ўзига хизмат қилишга жалб этиш керак. Она болада ахлокий тарбиянинг асосларини, тўғрилиқ, ва бошқа хислатларни ривожлантиришга қаратилади. Бу даврни табиатга боғлаб, эрта баҳорга киёслайди.

2. 6-12 ёшгача халқ мактаби ёки она тили мактаби. Бу даврда ўқувчи эсда саклаши, сўзлашга ўрганиши, ёзиш, бошланғич мактаб кўникмасини хосил қилиши керак бўлиб, бунинг учун геометрия, табиийёт фанларини ўрганиши лозим. Бу даврни табиатга боғлаб, ёз фаслига киёслайди.

3. 12-18 ёшгача ёшгача – гимназия. Бу ўқув юртининг вазифаси бола тушунчасини, тафаккур қобилиятини ўстиришдан иборат бўлиб, унда классик тиллар, табиийёт билимлари, ахлоқ, худогуйлик ўқитилиши керак. Бу даврни табиатга боғлаб, кеч кузга киёслайди.

18-24 ёшгача Университет. Академия. Бу уқув юртлари ўқувчининг иродасини, шахсини бир бутун ўстириши керак. Бу даврни табиатга боғлаб, қиш фаслига киёслайди.

Синф – дарс системаси. Коменский ўқитувчи бутун синф билан жамоа бўлиб иш олиб боришини, яъни синф – дарс тизимида ўқитишни олиб боришни тавсия этади. Коменский синф – дарс тизимини ишлаб чиқди. Дарс вақтида ўтган дарсни такрорлаш, янги мавзуни тушунтириш, мустахкамлаш, уйга вазифа бериш кераклигини кўрсатди. Дарсни режалаштириш ва олиб бориш кераклигини кўрсатди ва кўрсатмалар берди. Мактабда ўқув йили ва уни ўқув чоракларига бўлиш, таътиллар берилишини киритди. Ўқув кунини (она тили мактабида 4 соат, латин мактабида 6 соат) белгилаб берди. Ўқувчилар мактабга бир вақтда қабул

килиниб, ўқиш кузда (сентябрда) бошланиши керак деб ҳисоблади. Бундан ташқари у дарслик қандай бўлиши ҳақида ҳам қимматли фикрларини айтиб ўтди. Дарсликда мавзулар кетма-кет тартибда, расмлар билан бойитилган, содда, болага тушунарли тарзда, мазмунли, оддий бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритган.

Шундай қилиб, ажойиб словян педагоги Ян Амонс Коменский бутун дунёда педагогика илмига асос солиб, мактабнинг тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

9.2. Жан Жак Руссонинг таълим – тарбия борасида олиб борган ишлари



Жан Жак Руссо 1712

Жан Жак Руссо 1712 йилда Женевада хунарманд - соатсоз оиласида туғилди. У ёшлик йилларида изчилликда билим ололмади. Кўп вақтини Францияда ва Швейцарияда ўтказди, турли хунарларни ўрганишга уринди. 30 ёшга тўлган пайтида Парижга келиб, ўша давр адиб ва файласуфлари, табиатшунослари билан танишди, мулоқотда бўлди.

1754 йилда у «Одамлар орасида тенгсизликнинг келиб чиқиши», 1762 йилда «Ижтимоий шартнома» асарларини ёзди. Бу асарларида Руссо инсон ҳуқуқини ҳимоя қилди, давлат халққа хизмат қилиши ғоясини олға сурди.

Руссо 1762 йилда яратган «Эмиль ёки тарбия тўғрисида» номли романида озод, янги одамни тарбиялаш йўллари кўрсатди.

Руссо шу роман туфайли чет элга кетишга мажбур бўлди. Парижнинг марказий майдонларидан бирида бу китоб ёкиб юборилган. Бутун ҳаётини у дарбадарликда ўтказиб, 1778 йилда Парижда вафот этди.

Руссо бола туғилган кундан бошлаб истеъдоднинг ривожланиши учун яхши ароит яратиш тўғрисида ҳамғўрлик қилиш зарурлигини айтади. Тарбиячи болага ўзининг фикр ва мулоҳазаларини, тайёр ахлоқий қоидаларни мажбуран қабул қилдирмаслиги, табиатига кўра ўсиш ва эркин ривожланишга имконият яратиш керак. Табиий тарбия – бу эркин тарбиядир.

Табиий тарбия назарияси Руссо педагогик қарашларининг асосини ташкил этади. Руссо ўз қарашларида, болани синчиклаб ўрганишни, унинг ёши ва ўзига хос хусусиятларига эътибор беришни таъкидлайди. Унинг фикрича, тарбиячи болага ўзининг фикр ва мулоҳазаларини мажбуран қабул қилдирмаслиги, унинг эркин ривожланишига имконият яратиш керак деб ҳисоблайди.

Табиий тарбия- бу эркин тарбиядир. Бола ўзининг нотўғри ишлари натижасини, шу ишлар туфайли пайдо бўладиган зарарли оқибатларни ҳис

килиши лозим. Тарбиячи ўз олдида турган вазифа хақида аниқ тасаввурга эга бўлиши зарур. Руссо боланинг шахс сифатида таркиб топишида тарбиячининг мавқеи катталигини айтади. Руссо боланинг ёшлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, тарбияни 4 даврга бўлади:

I-давр --- туғилганидан 2 ёшгача нутқ пайдо бўлган давр. Бу даврда болани жисмоний тарбиялашга эътибор бериш керак.

II-давр --- 2 ёшдан 12 ёшгача «акл-идрок уйқуси». Бу даврда боланинг ташқи оламни ҳис қилиш қобилиятини ривожлантириши лозим.

III-давр--- 12 ёшдан 15 ёшгача. Бу даврда боланинг аклий ва меҳнат тарбиясига эътибор бериш керак.

IV-давр---15 ёшдан балоғатга етгунча. Бу даврда ахлокий тарбияга алоҳида эътибор бериш керак.

Руссо 2 ёшгача бўлган болани парвариш қилиш, овқатлантириш, тозаллигини сақлаш, чиниқтиришдан иборат эканлигини айтади. Бу даврда бола хақида, асосан, она ғамхурлик қилади. Бу даврда бола эркин ҳаракатлар қилади. Бунда унинг инсоний чиниқишига эътибор берилади. Бола соғлом бўлиши, табиий эҳтиёжлари кондирилиши зарур. Лекин боланинг ҳар қандай истакларини бажармаслик керак. Агар барча истаклари бажарилаверса, унда болада раҳмсизлик ҳислари келиб чиқиши мумкин.

2 ёшдан бошлаб бола ҳаётида янги давр бошланади. Бу даврда асосий эътиборни унинг сезги аъзоларини ривожлантиришга қаратиш зарур.

Руссонинг фикрича, бола нутқини ривожлантиришни сунъий равишда тезлаштирмаслик керак. Бу ҳолат сўзни нотўғри талаффуз қилишча, гап мазмунини тушунмасликка олиб келиши мумкин.

Бола 2 ёшдан 12 ёшгача табиий ҳолда ва шахсий тажрибаси асосида ижтимоий ходисалар хақида тасаввурга эга бўлиши, уйин ва жисмоний машқлар жараёнида фаоллик кўрсатиш, қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этиши керак.

Бола учун 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган давр, Руссонинг фикрича, ўқиш учун энг яхши вақтдир. Бу даврда у ўзи кизикқан фанларни танлайди. Руссонинг фикрича, бола бу даврда табиат хақидаги фанлар-география, астрономия, физика, табиатшунослик фанларини ўрганиши лозим.


Руссонинг фикрича, ахлокий тарбиянинг мақсади болада фанларга кизикиш ва муҳаббат уйғотишдан, унга билимларни эгаллаш усулларини ўргатишдан иборат бўлиши керак. Бола ўзи яшаётган жой, қишлоқ ва шаҳар билан танишиб, географияга оид билимларни эгаллайди; юлдузлар ҳаракати, куннинг чиқиши ва ботишини кузатиб астрономияни ўрганади; тажрибалар ўтказиб физикани билиб олади.

12-15 ёшда ўсмир ўқиш билан бирга меҳнат тарбиясини ҳам олиши керак. Руссонинг фикрича, бола катталар меҳнатида иштирок этиши керак. Шундагина у, меҳнат ахлларига ҳурматда бўлади.

15-ёш боланинг яшаш ва ишлашга, ҳаётга тайёрланадиган давридир. Руссо қизларни тарбиялаш тўғрисида ҳам алоҳида айтиб ўтган. Унинг фикрича, аёлнинг вазифаси она бўлиш, уй хўжалигини бошқариш, оилада

саранжом-саришталик яратишдан иборат. Шунга кўра, кизлар тарбияси, ўғил боллар тарбиясидан фарк қилиб тарбияланиши керак.

9.3.И.Г.Песталоццининг педагогик назарияси ва дидактик таълимоти



Иоган Генрих Песталоцци 1746

Иоган Генрих Песталоцци 1746 йилда Швейцариянинг Мюрих шаҳрида врач оиласида туғилди. У отадан ёшлигида жудо бўлиб, онаси тарбиясида ўсди. Бошлангич сўнгра ўрта мактабда ўқиди, ижтимоий йўналишдаги олий ўқув юртида таълим олди.

Песталоцци 1774 йилда Нейгоор шаҳрида «Камбағаллар муассасаси»ни ташкил қилиб, унга турли ёшдаги болаларни жалб қилди, уларга ўқиш, ёзиш ва ҳисобни ўргатди. Болалар ўқишдан ташқари вақтда қишлоқ хўжалиги фермасида, йигирув ва тикув устахоналарида ишладилар.

Песталоцци Бургдорф шаҳрида кичик ёшдаги ўғил ва киз болалар учун очган мактабда тажрибалар ўтказди. Таълим назариясини, ўқув предметларини ўрганиш, нутқ малакасини ривожлантириш усулларини ишлаб чиқди.

Песталоцци ташаббуси ва ҳокимиятнинг ёрдами билан 1800 йилда шаҳарда институт ташкил топди. Кўп ўтмай, институт Швейцариянинг французлар яшайдиган Мвердонга кўчирилди, бу жойда ўқиш 1825 йилга қадар давом этди ва жаҳонга машҳур бўлди.

Песталоцци 1818 йилда Нейгоор шаҳрига қайтиб келди, ўзининг сўнгги «Оққуш қўўшиғи» асарини ёзиб тугаллади. Бундан ташқари, Песталоцци «Гертруда ўз болаларини қандай қилиб ўқитади», «Оналар китоби», «Лингард ва Гертруда» каби асарлар муаллифи ҳамдир. Песталоцци 1827 йилда вафот этди.

Песталоцци тарбиянинг мақсади болаларда «Ҳақиқий инсонийликни» намоён эттиришдан иборатлигини айтади. Унинг фикрича, тарбия уйғун тарзда амалга оширилиши керак. «Кўз – кўришни, қулоқ – эшитишни, оёқ – юришни, қўл-ушлашни истайди. Шунингдек, қалб ҳам ишонишни ва севишни истайди. Ақл эса-фикрлашни истайди»-дейди Песталоцци. Песталоццининг фикрича, ахлоқий тарбиянинг мақсади-болаларда кишиларга мухаббат уйғотишдан иборат. У боланинг ўз онасига бўлган мухаббатини ахлоқий тарбиянинг узвий қисми деб ҳисоблайди. Онанинг ғамхўрлиги унда онага нисбатан миннатдорлик ва

мухаббат хиссини ҳосил қилади. Бу ўзаро мухаббат ривожланиб, она ва бола ўртасида самимий алоқа юзага келади.

Песталоцци ахлоқий тарбияда тарбиячининг болаларга шахсий намуна бўлишига алоҳида аҳамият беради. Тарбиячи гўзал ахлоқли, ахлоқий тарбия ҳақида тўлиқ тушунча ва билимга эга бўлиши керак.

Песталоццининг таъкидлашича, таълим вазифаси болани муайян билимларга эга қилишдангина эмас, балки унда ақлий қобилиятни ҳам ривожлантиришдан иборатдир. Песталоцци таълим аниқ қатъий кузатишларга асосланиши тавсия қилади, кўрғазмаликни таълимнинг олий шарти ҳисоблайди.

Таълимда болаларда аниқ тушунчалар ҳосил қилиш керак. Тарбиячи болаларда кузатувчанлик қобилиятини ўстириб, уларни ҳаёт ходисаларини, таълим шароитини кузатишга ўргатиши лозим.

Песталоцци болага она тилини ўргатишда аввал унинг оғзаки нутқини ўстириш, сўнгра ўқишни ўргатишни тавсия қилди. Унинг таъкидлашича, нутқни ўстириш товушларни машқ қилишдан бошланади. Песталоцци мактабда болаларга арифметикани ўрганиш учун керак бўлган жадвал кўринишдаги дидактик материал яратди. Унинг издошлари бу материални «арифметика эшиги» номи билан мактаб тажрибасига жорий этдилар.

Тарбияда она ва оиланинг ўрни ҳақида Песталоцци, она ўз боласининг нимани ҳис қилишини, нималарга қодирлигини, нимани исташини бошқалардан кўра яхши билади. Шу сабабли ҳам, у ёшлигидан бошлаб, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, боласига тўғри тарбия бериши керак. Песталоцци оилада болага ёшлигидан бошлаб бериладиган тарбия мазмунини, вазифаларини, усулларини ишлаб чиқди. У ёшлигидан бошлаб бола жисмонан бақувват, соғлом қилиб тарбияланиши кераклигини таъкидлади.

Қисқа хулоса

Ушбу мавзуда жаҳон педагогика фани тараккиёти ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, қадимда юнонистонда илк мактабларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, педагогикани ривожига улкан ҳисса қўшган Я.А.Коменский, Песталоцци, Ж.Ж.Руссоларнинг ижоди ва илмий фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган ва тушунарли тарзда баён этилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Жаҳон педагогика Фани тараккиёти ҳақида нималар биласиз?
2. Афина ва Спарта мактабларидаги ухшашлик ва тафовутлар қандай?
3. Конфуций таълимоти ҳақида нималар биласиз?
4. Я. А. Коменскийнинг педагогикага қўшган ҳиссаси ҳақида нималар биласиз?
5. Коменский боланинг ривожланишини неча даврга булади?
6. Жан Жак Руссонинг педагогикага қўшган ҳиссаси ҳақида гапиринг.
7. Песталоццининг педагогикага қўшган ҳиссаси ҳақида нималар биласиз?
8. Я. А. Коменский синф-дарс системасини қандай тарзда ташкил этди?

Бобнинг қисқача мазмуни

Касб таълимида тарбия назарияси. Тарбия назарияси ҳақида тушунча. Баркамол шахсни шакллантириш йўлида Ўзбекистон Республикасининг амалга ошираётган сиёсати. Шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар. Шахс ривожланишида ёш ва индивидуал хусусиятлар. Тарбия усуллари ҳақида тушунча. Тарбия турлари.

Оилада тарбия асослари. Ҳозирги замон ўзбек оилаларидаги тарбиянинг хусусиятлари. Оилада бола тарбияси, ҳозирги замон оилалари мавжуд жамият билан узвий боғлиқлиги. Ҳозирги замон ўзбек оилаларидаги тарбиянинг хусусиятлари. Бугунги кунда оиладаги долзарб муаммолар. Ўзбек мутафаккирларининг оилавий тарбия ҳақидаги қарашлари.

Ўсмирлик даврида характерни индивидуал хусусиятлари ва унда тарбиянинг роли. Ўсмирлик даврининг ўзига хос хислатлари. Ўсмирлик даврида характер ва унинг ўзгарувчанлиги. Гуруҳ раҳбарини ўсмирлар билан ахлоқий тарбия жараёнини ташкил этиши.

Олий ўқув юртларида тарбиявий ишлар назарияси ва амалиёти. Маънавий-ахлоқий, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида

талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий одатларини тарбиялашнинг вазифалари. Олий ўқув юртларида олиб борилаётган ишларнинг асосий моҳияти. Ёшларни касбга йўналтиришда миллий истиқлол мафқурасига асосланган маънавий-ахлоқий, маданий-маиший йўналишлар. Талабаларда касб маданиятини шакллантириш. Касб таълими муассасаларида ахлоқий тарбия муаммоси. Ўқитиш жараёнини илғор педагогик технология ва ахборот технологияси асосида уюштириш.

10 - мавзу. Касб таълимида тарбия назарияси

Режа.

10.1. Баркамол шахсни шакллантириш йўлида Ўзбекистон Республикасининг амалга ошираётган сиёсати.

10.2. Тарбия жараёни ҳақида тушунча

10.3. Шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар.

10.4. Шахс ривожланишида ёш ва индивидуал хусусиятлар.

10.5. Тарбия усуллари ҳақида тушунча.

10.6. Тарбия турлари.

10.1. Баркамол шахсни шакллантириш йўлида Ўзбекистон Республикасининг амалга ошираётган сиёсати

Бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил — инсон омили экани, тарихни дохийлар эмас, балки онгли ва бунёдкор инсон, халқ яратиши, ҳар қайси униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўз ота-боболари анъаналарини давом эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига нисбатан хурмат-эҳтиром, ғурур-ифтихор ҳисси билан яшаши, тарихий хотира ва авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусининг узвий боғлиқлиги, мамлакатимизда 2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши ҳам инсон омилига бўлган эътиборнинг амалий ифодаси эканлиги ҳамма мизга сир эмас.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов бу борада фикр — мулоҳаза юритиб: “Таълим – тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб – ҳунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди.”¹ деб алоҳида таъкидладилар.

Р.Мавлонованинг фикрича, - “...баркамол шахс тушунчасининг ўзи кенг камровли, серқирра тушунча. Баркамол шахс - комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда баркамол шахс тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини камраб олади” [25].

¹ 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги қилган маърузаси. 2013 йил 18 январ.

Таълим-тарбия ва ўқувчи шахсини ривожлантириш мақсадларини таълим мазмуни, педагог ва ўқувчининг фаолияти орқали ифодалаш бу соҳада кутилаётган натижалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

“... баркамол авлодни шаклантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув юртларида ўқув лабораториялари базасини такомиллаштириш, ўқитувчи-муррабийлар меҳнат фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш” муҳим [10].

Мустақилликка эришиб, маънавият ва маърифат масалаларига биринчи даражали аҳамият беришимиз, мустақилликни мустаҳкамлаш вазифалари, тарбия соҳасида соғлом авлод, баркамол шахс, комил инсон каби тушунчаларга изоҳ беришни, уларнинг моҳиятини очиқ беришни тақозо этмоқда. Юқорида айтганимиздек улар моҳияти бирдай тушунчалар. Инсонни тўғрилиқка, ҳалолликка, покликка, ватанпарварлик ва инсонпарварликка, эзгуликка ва кўйингки, юксак ахлоқлиқка йўллаш бу тушунчаларнинг моҳияти ва мазмунини ташкил этади. Хозирги кунда бу масалаларга биринчи даражали аҳамият беришимизнинг боиси - иймони, эътиқоди ва ахлоқий фазилатлари - кўйингчи, маънавияти кучли, миллий масъулият туйғуси қалбида чуқур илдиз отган, маънавий баркамол фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Буюк келажак баркамол шахсларга таянгандагина яратилади, қад кўтаради.

Ж.Хасанбоевнинг фикрича,- “Бошқача айтганда маънавий баркамол инсонларгина буюк келажакни ярата оладилар. Шунинг учун маънавий баркамол инсонни, соғлом авлодни тарбиялаш муҳим ва долзарб масаладир” [27].

Бу масалада юртбошимизнинг қуйидаги сабоғи ибратлидир: «Биз соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки Шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз» [10].

Бу фикрлардан кўриниб турибдики, шарқона одоб-ахлоқ ва умумбашарий ғояларни онгига сингдириб олган киши юксак маънавиятли, яъни баркамол шахс, комил инсон ҳисобланади. Баркамоллик инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, хулқ-атвор нормалари, ахлоқ-одоби билан бевосита алоқадорлиги билан ажралиб туради. Маънавий баркамол кишилар халқ тақдири ва фаровонлиги, ватан тақдири ва унинг раънақини ўйлайдилар. Улар мутелиқда, қарамликда яшашни истамайдилар.

Соғлом деганда, биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни, ақлий ривожланган, ахлоқий пок, маърифатли фарзандларни, авлодни тушунмоғимиз керак. Бундай кишилар ўзларида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари - иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, ор-номус, ўзаро ҳурмат, юксак Ватанпарварлик, элига ва халқига садоқат каби қадриятларни ва ғояларни мужассамлаштирган бўлишлари лозим.

Президентимиз эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида гапириб, қуйидаги тўрт жиҳатга эътиборни қаратди, яъни ҳар бир фуқаро:

- ўз ҳақ-ҳуқуқуни танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;

- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин;

- атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;

- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин.¹

Булар баркамол инсон фазилатлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир.

Маънавий баркамол инсон шон-шухрат, мансаб, моддий бойлик кетидан қувмайди, моддий қийинчиликларга дуч келганда қадди букилмайди, баъзан уюштирилган тухмату-фитналар унинг руҳини тушира олмайди. Демак, ҳар қандай шум тақдир ва қисмат покиза, мард, маънавий баркамол инсон маънавиятини буза олмайди, балки мустаҳкамлайди, чиниқтиради. Юксак даражадаги маънавиятга эга инсон - фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, аждодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради.

Г.Султонованинг фикрича,- “Баркамол шахс ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат билан фахрланиш ҳам, миллатпарварлик ҳам бўлмайди. Бундай кишиларни баркамол шахс дея олмаймиз.”²

Инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади. Маънавий-ахлоқий баркамолликнинг асосий қирраларига юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни киритиш мумкин: ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, маҳалла-қуйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуриш; теварак-атрофдаги инсонлар унга керак бўлганлиги сингари, ўзи ҳам уларга керакли бўлишга интилиши; одоб-ахлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблаш; ота-боболардан, аждодлардан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлаш; миллий қадриятларни эъзозлаш ва уларга содиқ бўлиб қолиш; ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг барқарор бўлиши; ўзаро муомала-муносабатда ўрнатилган бўлишга мойиллик, бировнинг оғирини енгил қилишни одат қилиш; умумхалқ маъқуллаган ва ҳукумат томонидан қонуний қабул қилинган Конституцияни ҳурмат қилиш ва унга садоқат


¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч.Т. “Маънавият”. 2010.82 б.

² Г.Султонова. Баркамол авлодни шакллантиришда тарбия жараёнининг ахамияти. ТДИУ. 2009.41- бет.

намуналарини амалда кўрсатиш; Ватанни химоя қилиш, бошқача айтганда, харбий-ватанпарварлик туйғулари билан яшаш; диёнат ва адолат, меҳр-шафқат ва эзгуликни химоя қилиш; ваъдага вафоли бўлиш каби хислатларнинг мужассамлиги. Биз куйида 6 – чизма орқали маънавий баркамол шахс тушунчаси ва унинг моҳиятини ёритиб ўтамиз.

6 – чизма

Маънавий баркамол шахс тушунчаси, унинг моҳияти.



Комил инсон тушунчаси маънавий баркамол шахс тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Маънавий баркамолликка эришмай комил инсон даражасига етиш мумкин эмас. Демак, баркамолликка интилиш - бу комил инсон даражасига эришиш учун интилишдир. Комилликка инсон бутун умри давомида эришиб боради. Учала тушунча: соғлом авлод, баркамол шахс, комил инсон - даражама-даража чуқур маъно касб этади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, комил инсон бўлишнинг аниқ чеки ва чегараси йўқ. Бизнинг кўхна тарихимизда юзага келган, халқ, мамлакат тарихида катта маънавий-ахлокий тарбия ролини уйнаган тасаввуф комил инсон назарияси ҳақидаги, уни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги таълимот ва амалиёт саналади. Мазкур саволни тасаввуф таълимотидан келиб чиққан ҳолда баён этишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ҳаммамизга маълумки, азалдан ота — боболаримиз илм-фанни ривожлантириш, ёш авлодни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келишган. Бунга мисол қилиб Амир Темур, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур каби бобокалонларимизнинг бу борада амалга оширган ишларини келтиришимиз мумкин. Буюк аждодларимизнинг баркамол шахсни шакллантириш борасидаги орзулари бугунги кунда ҳам давом эттирилиб, баркамол авлод тарбияси масаласига давлат сиёсати даражасида

каралмоқда. «Агар келажагимизни ўйлаб иш қилмоқчи бўлсак, келажақда ишимизни давом эттирадиган бугунги ёшларимизга шароит яратиб, унинг ҳаёти ҳақида қайғурадиган бўлсак, аввало, маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлақо ўзгартиришимиз керак... Иқтисодиётимизни, ҳаётимизни ўзгартириш ана шуларга боғлиқ бўлади. Агар шуни қилмасак бу юришимизда катта йўлга чиқишимиз кийин бўлади».

Шарқ муттафакирлари тамонидан баркамол шахс ҳақида тасаввуф адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий бўлиб, «Инсонни комил» номли рисоласида баркамол, комил инсонга таъриф бериб шундай ёзади: «Билгилки, баркамол комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, баркамол, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолатга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф»¹. Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Яхши сифатларни эгаллаб борган одам баркамол, комил инсон мартабасига кўтарилган олади. Баркамол инсон - инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва доноси. Баркамол инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. Инсонлар баркамоллика ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида эришадилар.

Баркамолликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча баркамол бўлади.

Комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, кўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамиз. Чунончи, Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бустон», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Махбубул-қулуб», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи мухсиний» ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шох ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

Алишер Навоийнинг «Насойимул мухаббат» асарида баркамол инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилган. Булар қаторига улуғ мутафаккир қуйидагиларни киритади: тавба, ҳалол лукма билан қаноатланиш, ўз касбидан топиб кун ўтказиш, шариятга риоя этиш, барчадан ўзини кам деб билиш, хатто фарзандлари, хизматкорларига

¹ К.Хошимов. педагогика тарихи. Т., «Ўқитувчи». 2008. 169 – бет.

кўполлик қилмаслик, яхши, мулойим тилли бўлиш, раҳмдил бўлиш, сахий бўлиш, мард бўлиш, халимлик, хушхулқ бўлиш, ризо-розилик билан кун ўтказиш, сабрли бўлиш, садоқатли, вафоли бўлиш, риёзат чекишдан кўркмаслик ва бошқалар” [10].

Шу тарика ўтмишда, баркамол шахснинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган. Баркамол инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган. У инсонни шарафли, эзгулик ва буюк хайр руҳида тарбиялаш, меҳру мухаббат, вафо ва садоқатни кучайтиришга хизмат қилиб келди. Ҳар замон, ҳар лаҳзада инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабих ишлар, ножуя хатти-ҳаракат ва қилиқлардан сақланишга кўмаклашди, уларда иймон ва виждон биносининг пайдо бўлишини таъминлайди.

Баркамол, комил инсон иймон ва эътиқодлилик, ҳалоллик ва покликнинг олий тимсоли. Биз ҳаммамиз шунга интилиб яшамоғимиз лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида иймонли бўлиш, ҳалоллик ва поклик, виждонли ва диёнатли бўлиш нечоғлик зарур эканлиги ҳаммамизга аён. Мана шунинг учун ҳам Президентимиз баркамол шахс тарбиясида ёшларимизни элини, ватанини севувчи комил инсон қилиб тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият бериб келаётир. Президентимизнинг қуйидаги таърифида баркамол, комил инсоннинг асосий хусусиятлари ҳар тарафлама чуқур ва теранлик билан баён қилиб берилганлиги диққатга сазовордир: «Баркамол, комил инсон деганда, - деб ёзади Ислом Каримов, - биз аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»¹.

Унинг шаклланганлиги даражасини характерловчи энг муҳим фазилатлар эса қуйидагилардир: ақлий зукколик, ҳуқуқий комиллик, ахлоқий етуклик, сиёсий теранлик, меҳнатга ҳалол муносабат, юксак маданий, маънавий савия, профессионал ифтихор, миллий ва умуминсоний ғурур ва бошқалар.

Юқоридагиларни ҳозирги мустақил ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг интилишлари билан боғлаб баркамол шахс чизгиларига қуйидаги хислат ва фазилатлар киришини умумий тарзда баён этишимиз мумкин:

Баркамол шахснинг умумий хислатлари: ёқимлилик, кўркамлик, жозибадорлик, салобатлилик, ҳурматга сазоворлик, шоироналик, улуғсифатлик, ўзига хослик, етуклик, жиддийлик, маданиятлилик, тарбияланганлик ва бошқалар;

Баркамол шахснинг ахлоқий фазилатлари: инсонпарварлик, дўстлик, ғамхурлик, жонкуярлик, самимийлик, одамийлик, болажонлик, иймонлилик, фидокорлик, хушмуомалалик, боадаблик, илтифотлилик,

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч.Т. ”Маънавият”. 2010.83- 84 бетлар.

кечиримлилик, меҳмондўстлик, халоллик, тўғрилиқ, диёнатлилик, ҳаромдан ҳазар этиш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва ҳақозолар;

Ишбилармонлик хислатлари: ишчанлик, тиришқоқлик, серҳаракатлилик, масъулиятлилик, инсофлилик, халоллик, маҳакаллилик, эпчиллик, уздабуронлик, саранжом-сарашталиқ, тадбиркорлик, аниқлик, тежамкорлик, баркамоллик, таъмасизлик, таваққалчилиқ ва бошқалар;

Зукколик, идроклилик фазилатлари: зеҳнлилик, бамаънилик, хотиржамлик, соғлом фикрлилик, донишмандлик, сезгирлик, заковатлилик, топқирлик, нотиклик, танқидийлик, дадиллик, омилкорлик, саводхонлик, қизиқувчанлик, ишкибозлик қабилар;

Собитлик хислатлари: фаоллик, қатъиятлилик, тезкорлик, жўшқинлик, саботлилик, бир сўзда туришлиқ, барқарорлик, ботирлик, довюраклик, интизомлилик, жиддийлик, нафси тийишлиқ, ўзини йўқотмаслик, совуққонлик, ўзига талабчанлик, камсуқумлик, ўзини ўзи идора эта билиш ва бошқалар.

Эхтирослилик хислатлари: кўтаринкилик, тантанаворлик, кулиб турувчанлик, ҳазинлик, келажакка ишонч, эзгулик, кек сакламаслик, олижаноблик, оташинлик, нозик табиатлилик, ҳаёлилик, хижолатпазлик, ифбатлилик ва ҳақозолар.

Бизнингча, айна шу хислат ва фазилатларни ёшларимиз онгига сингдира борилиши уларни баркамол, соғлом ва комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият қасб этади.

Мустақиллик руҳида янгича фикрлайдиган фозил, комил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини аъло даражада хис этадитган шахс бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, ҳар қайси баркамол шахс, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки: «Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва ҳар дам шу ақида билан яшашимиз керак.

10.2. Тарбия жараёни ҳақида тушунча

Тарбия жараёнини моҳияти нимадан иборат? Бу оддий савол бўлибгина қолмай, педагогика ривожланиши шу вақтга қадар ушбу муаммони ечиш юзасидан кўпгина қийинчиликларни юзага келтирди. Аввало шу нарсени билиб олиш лозимки, тарбия тушунчаси ҳар хил мавзуда қўлланиши лозим. Масалан, тарбия деганда, ёш авлоднинг келажак ҳаётга тайёрлаш деб тушунилади. Лекин, бу тайёрлаш махсус ташкил қилинган тарбия фаолиятлари билан амалга оширилиши мумкин.

Тарбия шахсни мақсадга мувофиқ шакллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва системали таъсир этиш имкониятини беради. Тарбия жараёни ўзаро боғлиқ бўлган икки ёқлама фаолиятни педагог ва талаба фаолиятини ўз ичига олади. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шаклланади, ҳис-туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий алоқаларга хизмат қиладиган хулқий одатларни ҳосил қилинади.

Тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятини


педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир.

Психологик ва педагогик тадқиқотларга қараганда шахсга ташқи омиллар таъсири у хоҳ ижобий, хоҳ салбий таъсир кўрсатсин, тарбияланувчи тарбиясида улар таъсир кўрсатади. Тарбияланувчининг шахсий тажрибаси ва эҳтиёжлари ташқи таъсирга муносабатни белгилаб беради ва унинг хулқига таъсир этади. Шунинг учун тарбияланувчи фаолиятини уюштиришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Тўғри тарбиялаш учун тарбияланувчининг бу фаолиятга нисбатан қалбидан пайдо бўладиган муносабатни, турли хил кечинмаларни қандай англашни, ҳис қилишни ҳамда улардан ўзи учун нималарни мақсад қилиш олганлигини билиш зарур.

Педагогикада тарбиянинг мақсади, мазмуни, шакл ва усуллари тарбияланувчи шахсининг қарор топиши билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда қараб чиқилади. Тарбия жараёнида шахсни шаклланиш жараёнини қуйидаги 7- чизма орқали кўрсатиб ўтамиз.

7- чизма

Шахсининг шакллантириш жараёни



Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онгигина эмас, балки, ҳис туйғуларини ҳам ўстира бориш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларни ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун талабанинг онгига (таълим жараёни асосида) ҳиссиётига (дарсада ва турли синфдан ташқари ишларда) ва иродасига (фаолиятни уюштириш, хулқини идора қилиш жараёнида) системали ва мунтазам таъсир этиб борилади. Талабани тарбиялашда буларнинг биронтаси (онги, ҳиссиёти, иродаси) эътибордан четда қолса мақсадга эришиш қийинлашади. Шунинг учун тарбия жараёни кўп қиррали ва мураккаб жараён деб юритилади. Унинг хусусиятлари

куйидагича акс эттирилади.

10.3. Шахс ва унинг ривожланиши ҳақида тушунча

Ҳар қандай жараён ўз натижасига эришишга қаратилган қонуний ва изчил ҳаракатлар жамидан иборат бўлади. Тарбия жараёнининг энг асосий натижаси ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришдан иборатдир. Бу жараён икки томонлама бўлиб уюштиришни ва раҳбарликни ҳам, тарбияланувчи шахснинг ўзи активлик кўрсатишни ҳам талаб этади. Чунки у тарбиянинг умумий мақсадларини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқади, тарбия формалари, методлари ва усулларини асосли тарзда танлаб олади ва тадбиқ этади.

Шарқда ҳам азалдан фарзанд тарбиясига катта эътибор билан қараб келинган. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот -ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».

Юртга, ватанга муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир. Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб, авайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил - қизлари қилиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак. Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, тарбияланувчиларни ватанпарварлик, ростгўйлик, халқсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслида олганда ахлоқ маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки саломалик хуш муомаладагина иборат эмас. Ахлоқ бу инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик деганидир.

Қадимда аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар.

Шарқ тарбиясида ислом динининг роли муҳимдир. «Ислом дини-бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. Ана шу маърифатли кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладиган ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишига иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар». Ислом дини ҳар қандай даврда ҳам инсонларни покликка ундаган, яхши хислатларни кўпайтириб ёмон хислатлардан халос этишга чорлаган.

Педагогика тарбияланувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур бўлган энг самарали шарт-шароитларини ўрганади ва аниқлайди. Бу масалани ҳал қилиш учун аввало «шахс» деган умумий тушунчанинг маъносини ва шахснинг ривожланиш қонуниятлари, ривожланишнинг кўрсаткичларини шахснинг шаклланишида айрим муҳим омиллар ролини билиш, индивиднинг ривожланиш жараёни босқичларини аниқлаш, шахсни шакллантиришда таълим-тарбиянинг шахс активлиги ролини ўрганиш керак бўлади.

Биринчи галда ривожланиш тушунчасининг маъносини очиб бериш лозим. Бу масалага философик жиҳатдан баҳо бериш билан асосланади. Философия ривожланишини табиат, жамият ва тафаккурнинг хусусияти деб куйидан юқорига томон бўлган ҳаракат деб, янгининг туғилиши ва эскининг йўқ бўлиши ёки тубдан ўзгариши деб ҳисоблайди.

Шунинг учун педагогикада шахснинг ривожланиш жараёнига инсон шахсини такомиллаштиришнинг мураккаб ва зиддиятли йўли деб қаралади.

Мураккаб бўлган тушунчани таҳлил қилинганда турли олимлар турли хусусиятларни асосий томонлар деб кўрсатиб келганлар. Ақл, ҳиссиёт ва иродани шахснинг уч асосий томони деб ажратиб кўрсатиш энг дастлабки ўринишлардан эди. Кейинчалик педагог олимлар шахсни ўрганишга бошқача ёндаша бошладилар. Шахс доим бир бутун, мураккаб ҳодиса бўлиб унда инсоннинг биологик хусусиятлари ҳам, ижтимоий хусусиятлари ҳам гавдаланади. Бир шахсда унинг ҳамма томонлари, хусусиятлари ҳам сифатлари бир-бири билан боғланган бўлади. Бу боғланишлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, турли кишиларда турлича содир бўлади. Баъзан улар бир-бирига зид ва ўзгарувчандир. Шунинг учун ҳам кишининг ҳар бир сифати, масалан иродаси, хотираси ёки характер хусусияти унинг қандай тилак ва орзулар билан ёки бошқа сабаблар билан киришганига қараб мутлақо ҳар хил аҳамият ва қиммат касб этади. Хаёл бойлиги кишининг ижодий фаолияти учун зарур бўлган қимматли хусусиятдир аммо, одам хаёлида ўйлаб турган нарсаларини амалий фаолиятида рўёбга чиқармаса, бу хаёл бойлиги салбий хусусият бўлиб қолади. Мусиқага қобилияти бўлган киши уни яхшироқ ўрганиш учун интилмаса ва меҳнат қилмаса, унинг қобилияти ўсмайди.¹

Турмушда киши ўзидаги баъзи заиф томонларни, одатларни кучлироқ сифатлари билан қоплашга ҳаракат қилади. Бирор нарсани унча тез тушуниб ололмайдиган одам астойдил ҳаракат қилиб ва зўр бериб уни тушуниб олади ва меҳнатини тўғри ташкил этади. Ҳар бир киши жуда кўп одамлар билан хилма-хил муносабатларга киришганда ўзининг турли хусусиятларини намоён қилади.

Шахснинг энг барқарор ва аҳамиятли хислатлари унинг бошқа одамларга, меҳнатга, Ватанга бўлган турли муносабатларида ифодаланади. Бу хислатлар кишидаги айрим психик жараёнларнинг кечиш характерини ҳам кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Педагогика фани шахсни биологик ва ижтимоий хусусиятлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бир бутун нарса деб ҳисоблайди. Кишининг ёши, соғлиги, касаллиги, унинг фаолиятидагина эмас, балки турмуш тарзига ҳам таъсир қилади. Лекин шахснинг бутун қиёфасини белгилаб берадиган унга ўз жисмоний камчиликларини характеридаги салбий хусусиятларни

¹ Очилова Г.О., Мусаханова Г.М. "Педагогика" Тошкент. ТДИУ, 2005 йил.36 – бет

йўқотиш куч бағишлайдиган сабаблар, қизиқишлар, мақсадлар, яъни ижодий ҳаёт натижалари ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Шахс тушунчаси ижтимоий фойдали фаолиятда қатнашишга эҳтиёж сезишини ва актив иштирок этишини ҳар бир кишининг бошқа одамлар билан муносабатда бўлиши эҳтиёжини, бу муносабатнинг мазмуни ва формаларини, шахс билан унинг атрофидаги кишилар ўртасидаги муносабатлар тизимини, унинг табиатга теварак атрофдаги дунёга муносабатини шахснинг асосий хусусиятлари деб ажратиш мумкин. Шахснинг кўп соҳали ва ҳар томонлама фаолиятида турли хил одамлар билан алоқада шахснинг ҳамма қизиқишлари намоён бўлади, унинг одамларга умумий ишга, ўз малакасига ўзига бўлган муносабатлари шаклланади. Бироқ шахс ижтимоий турмуш маҳсули бўлиш билан бирга тирик организм ҳамдир. Организмнинг ҳаёти биологик қонунларга бўйсунди. Биринчи галда нерв системасининг хоссалари мавжудга келтирадиган темперамент хусусиятлари туфайли инсоннинг бутун хулқ-атвори алоҳида характерга эга бўлади. Шахснинг таркиб топиши ва хулқ-атворида ижтимоий ва биологик жиҳатлар муносабати ниҳоятда мураккаб бўлиб, киши таракқиётининг турли даврларида унинг бошқа одамлар билан бўлган алоқаларининг турли вазият ва кўренишларида ҳар хил кескинликда намоён бўлади.

Шахсга аввало унинг ижтимоий қиёфасига, кишининг ўз атрофидаги одамлар ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ифодаланадиган қиёфасига қараб баҳо берилади, киши теварак атрофидаги одамлар билан хилма-хил муносабатларга баъзан ўзига боғлиқ бўлмаган муносабатларга киришиб ўзининг моҳиятини намоён қилади. Шахснинг барча хислатлари атрофдаги кишилар билан муносабатида шаклланади. Шахс одамлар орасидан ташқарида яшай олмайди ва шаклланмайди.

Ҳозирги даврда шахсни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг бош мезони ҳисобланади. Шахс ривожланишига тўғри ёндашиш учун шахснинг табиатини, тузилишини унинг хулқ-атворини ва унга таъсир кўрсатиш воситаларини билиш зарур.

Туғилган инсон шахс бўлиб шаклланиши лозим. Бу жараён бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади ва муайян қонунларга бўйсунди. Одатда шахс шаклланиши учун учта асосий омиллар тан олинади. Булар **ирсият, атроф-муҳит ва тарбиядир**. Ушбу омилларнинг ҳеч бири вазият ва шароитларга боғлиқ бўлмаган ҳолатда мустақил равишда шахс шаклланишига таъсир эта олмайди. Бундан ташқари баъзи омиллар фаолроқ, мунтазамроқ таъсир кўрсатади ва кишиларнинг онгли иродасига бўйсунди бошқалари эса бошқарилиши қийин бўлган омиллардир. Баъзи омилларнинг таъсири стихияли равишда содир бўлади ва шахс тарбияси билан шуғулланувчи айрим кишиларнинг иродасига, ташкилотсизлик қобилиятларида ва бошқаларда боғлиқ бўлмайди.

Тарбияга шахсни унинг ҳис-туйғуларини характерини, жисмоний ривожини, хулқ-атворини муайян йўналишда шакллантириш мақсадида кишилар бир-бирига таъсир кўрсатадиган ижтимоий ҳодиса деб қараш

лозим. Педагогика соҳасининг етук олимлари ижтимоий омилнинг ҳал қилувчи аҳамиятига эга эканлигини ҳимоя қиладилар, шахс яхши ёки ёмон бўлиб туғилмайди. Балки, тарбиянинг таъсири остида яхши ёки ёмон бўлиб ўсади деб исботлайдилар. Хўш шахс тарбияси учун таъсир этувчи омиллар қайсиларидан иборат? Бу асосан учта омилни ташкил этади. Биологик омил, атроф - муҳит ва тарбиядаги омиллардан иборатдир.

Биологик омил. Бу омилнинг таъсирини аввало шунинг учун эътиборсиз қолдириб бўлмайдики, шахс тирик организмдир, унинг ҳаёти биологиянинг умумий қонунларига ҳам, ёшлар анатомияси ва физиологиясининг махсус қонунларига ҳам бўйсунди. Ҳаётнинг муайян даврларида шахснинг айрим органлари ва бутун бир органлар системасининг тузилишида ва функцияларида ўзгаришлар юз беради. Шахснинг соғлиқ ҳолати ва бу ҳолат кўп ёки оз муддат бузилиб туриши биологик омилга тааллуқли. Шахс ҳаётида нерв фаолиятининг индивидуал ва типологик хусусиятлари, ёш ва жинсий жиҳатдан бўлган тафовутлар катта рол ўйнайди, улар олдида ирсий эмас, балки туғма хусусият ва тафовутлардир. Организмнинг биологик етилиши қонунларга асосланади. Бу қонун муҳитнинг баъзи бир тарбиявий таъсирларига турли даражада бўйсунган ҳолда амал қилиши керак. Лекин шахс организмнинг биологик ҳаёти унинг психик ривожланишини бевосита белгилаб бермайди ва шу билан бирга, унга нисбатан мутлақо бетараф ва бефарқ ҳодиса бўлиб ҳам қолмайди. Биологиянинг асосий тушунчаси бўлган ирсиятнинг роли олимлар томонидан жиддий муҳокама қилиниб келинмоқда. Илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, ота-она организмнинг узоқ муддат бир хил шароитда яшаш натижасида мустаҳкам ўрнашиб қолган хоссалари ирсият йўли билан ўтади.

Муҳит. Биология фани муҳитни организм яшайдиган жой деб, муҳитнинг таъсири эса организм билан боғлиқ муҳит ўртасидаги ассимиляция ва диссимиляция ёки моддалар алмашиш қонуни асосида амалга ошади, деб тушунтиради. Бу қонунга биноан организм яшаб турган муҳит бир бутун нарсадир. Табиий муҳит ёруғлик, иссиқлик, овқат, ҳаво каби компонентлари шахснинг организм сифатида ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Аммо шахснинг шахс сифатида шаклланиши учун бу мутлақо етарли эмас. Шахснинг яшаб турган муҳитида одамлар, биринчи навбатда тарбияланувчига яқин кишилар, яъни оз сонли оила аъзоларигина эмас, балки унга узоқроқ бўлган кишилар унинг кўни-кўшнилари, маҳалласи, тарбияланувчилар боғчасидаги ўртоқлари, сўнгра эса у бирга ўқийдиган ўйнайдиган, бирга ишлайдиган, турли алоқада бўладиган ўртоқлари ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ҳозирда тарбияланувчилар оммавий ахборот воситалари орқали ўзларига нотаниш авлод-аждодларнинг жонли образларига дуч келадилар. Бу образлар ёш авлоднинг фикр ва ҳисларига унинг воқеа-ҳодисаларига берадиган баҳоларига ва интилишларига таъсир кўрсатади. Бундай таъсир ижобий ёки салбий ўтадиган бирдан-бир йўл шахснинг теварак - атрофидаги одамлар билан муносабатда бўлишидир, шахс муносабатда

бўлган кишилар унинг мухитидир. Шахс билан жамият ўртасидаги ўзига хос модда алмашиш типи бўлган алоқа орқалигина шахс ўтмиш - авлодларининг қимматли тажрибасини ўзлаштира олиши энг яхши катта кишилардан намуна ола билиши мумкин.

Фақат муносабатда тарбияланувчиларнинг тарбиячилари-катталарга эмас, балки тарбияланувчиларнинг ўзлари ҳам фаол қатнашадиган мана шу алоқадагина, фақат ана шу икки ёклама жараёндагина шахс хилма-хил билим олади жуда кўп малакаларни ва иш усулларини эгаллайди, ўзининг сезги органлари орқали идрок қилган нарсаларини англаб олишга ташқи дунёдаги воқеа ва ходисаларга турли хил ҳис-туйғулар фикр ва тасаввурлар билан жавоб беришга ўрганади.

Одамлар билан муносабатда у нима яхшию нима ёмонлигини нимани қилиш ва қилмасликни билиб олади, у муайян мақсад кўзлаб ақлга мувофик тутишни ҳамда инсонларга ва уларнинг феъл-атворларига танқидий баҳо беришни ўрганади. Одамлар билан бўлган муносабатларида шахс яхши фазилатлари билан бошқа шахслар ўртасида ажралиб тура бошлайди, ўзи яшаб турган жамиятда қабул этилган ахлоқ меъёрларини бошқаларга ва ўзига нисбатан қўллаб, уларни ўз ишида мезон қилиб ола бошлайди. Демак, биринчидан, муҳит шахсни ривожлантирувчи омил сифатида тарихан ўзгарувчи ижтимоий ходисадир, чунки муҳит, ҳатто шахс дунёга келган дастлабки кунларданок унинг ҳаёти ўтадиган энг тор муҳит ҳам, яъни шахснинг оиласи ҳам жамиятнинг бир уяси, ҳужайрасидир. Тарихий тараққиётнинг ҳар бир даврда янги кишини тарбиялашнинг мақсадлари ва воситалари ўзгаради, ахлоқ меъёрлари, маданият бойликлари, катта ёшдаги одамларнинг дид ва кизиқишлари, фикр юритиш усуллари ўзгаради.

Иккинчидан, тарбияланувчи ўз активлиги туфайли, моддий, табиий ва айниқса ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқага киради. Фақат ана шу шароитдагина муҳит ўсиб келаётган шахсни ривожлантирувчи омил бўлиб қолади. Инсон тарбиясида муҳит муҳимми ёки тарбия деган саволни қўйиш мантиқан тўғри бўлмайди. Бу нарса ғайриқонунийдир. Аммо муҳит шахсга маълум даражада тарбияловчи таъсир кўрсатган тақдирдагина ривожлантирувчи омил бўла олади. Бу таъсир стихияли, тартибсиз кўринишда бўлиши мумкин, бундай ҳолда шахснинг ривожланиши ҳам муайян мақсадга қаратилмаган бўлади, натижада шахсда жамият учун ҳам, шахснинг ўзи учун ҳам зарарли бўлган шахсий фазилатлар вужудга келади.

Тарбияланувчининг ўз атрофидаги моддий ва ижтимоий муҳит билан алоқада бўлиши, уни ривожлантирувчи асосий сабаб эканини тушуниш мунозарали бир масалани, шахснинг психик тараққиётида энг муҳим нарса биологик омилми ёки ижтимоий омилми деган масалани ҳал қилиш имкониятини беради. Шахс ҳаётда ва катталар билан муносабатда ўз индивидуаллигини ташкил этган жисмоний ва психик сифатларининг бутун мажмуи билан ҳаракат қилади. Шундай қилиб биологик ва ижтимоий омилни бири-бирига қарама-қарши қўймайди.

Педагогикада тарбияланувчининг ривожланишини унинг фаолияти ва шу фаолият туфайли юз берадиган, шахснинг теварак-атрофдаги воқеликка бўлган муносабатларида, билиш жараёнлари ва характер хусусиятларини ривожда ҳосил бўладиган сифат ўзгаришлардан иборат мураккаб жараён деб ҳисоблайди. Фаолиятсиз ривожланиш бўлмайди. Шахсдаги ривожланиш моҳияти аввало шундан иборатки, унинг фаолияти ўзгариб ва такомиллашиб боради, фаолият турлари (ўйин, ўқиш, меҳнат ва бошқалар) кўпаяди, ҳар хил фаолият турларининг ўзаро нисбати, уларнинг натижалари ўзгаради ва шу ўзгаришлар жараёнида шахснинг ривожланиши юқорироқ даражага кўтарилади. Шундай қилиб, билиш процессларида ҳам тарбияланувчининг дунёга бўлган муносабатида ҳам, унинг турли фаолиятида ҳам мураккаб сифат ўзгаришлари содир бўладигани, бу шахс ривожланишининг моҳиятини ташкил этади.

Фаолиятнинг ҳар хил турларида шахснинг индивидуал хусусиятлари шаклланади. Бу хусусиятлар фаолиятнинг мақсадларида, фаолиятга ундаган сабабларда киши ўз олдига қўйган мақсадни амалга ошириш учун фойдаланадиган йўл, усул ва воситаларни ва унинг ўз ишига, ўз фаолиятига, ўзи ва бошқаларнинг ютуқ ва муваффақиятсизликларига қандай қарашида намоён бўлади.

Киши ўз олдига қўйган мақсадга эришишда фойдаланадиган воситаларга қараб ҳам шахсга баҳо бериши мумкин. Бунда одам ўзидаги билимини, ўзи яхши билиб олган иш усуллари, малака ва кўникмаларни қўллайди, қобилиятлар ҳам шахснинг имкониятларидандир. Кишининг имкониятлари аксарият ҳолларда ўзи ўйлаганидан кўра, анча кўп ёки оз бўлади. Талабчанлик даражаси очик ифодаланган сабаб вазиятнинг мураккаблиги ва масалани ҳал қилиш йўлини топиш зарурлиги унда бўлган яширин имкониятларини ошириб кўрсатади.

Шахснинг ўзи ютуқ ва камчиликларига муносабати, берадиган баҳоси бу борадаги рухий кечинмалари ҳам унинг онглилик даражасини кўрсатади. Ўз ютуқларига такаббурлик ёки камтарлик билан баҳо бериш, муваффақиятсизликка учраганда умидсизланиш ёки масалани ҳал этиш йўлини топиши учун яна ҳам кўпроқ сабр, матонат билан ҳаракат қилиш бу турли хил рухий кечинмаларнинг ҳаммаси кишининг ўзига ва бошқаларга бўлган талабчанлигини, ўзига-ўзи баҳо беришини ва бу баҳонинг қанчалик асосли эканини ҳар хил тарзда яққол намоён этади.

Шундай қилиб, шахснинг энг муҳим хусусияти унинг теварак-атрофидаги дунёга бўлган муносабатлари тизимидир. Киши қанча кўп билса ҳар - хил одамлар билан алоқада бўлиб турли хил ишларда бўлса, шахс сифатида унда ўз мамлакатининг фуқароси, янги жамиятнинг фаол қурувчисига ҳос энг яхши хислатлар шунча ёркинроқ ифодаланган бўлади.

Шахс шаклланиши учун зарур бўлган омиллардан яна бири бу тарбиядир. Тарбия бу аниқ мақсадга йўналтирилган, муайян вазифалар белгиланган, шунингдек, шахсга таъсир ўтказишнинг аниқ йўл, воситалари кўрсатилган ва мақсадга мувофиқ ташкил этилган жараёндир.

Тарбиянинг асосий вазифаси ёш авлодни халқнинг ҳаётини

яхшилашга, Ватанининг гуллаб-яшнашига сарфлашни биладиган, истайдиган аъзолари қилиб тайёрлашдир.

Тарбия шахснинг ривожланишини таъминлаши учун шахсдаги ривожланиш моҳиятини тушуниш, унинг билиш ва алоқа бошлаш фаолиятининг ўзгариш сабабларини аниқлаши зарур. Тарбиячи шахсни ривожлантирувчи энг муҳим омилни ҳам билиши, стихияли таъсир кўрсатаётган факторларни бартараф этиши, шахсда дунёқарашни шакллантириш, унинг ўсиши ва ривожланишининг муайян ёш босқичларига оид тарбия қонунларини аниқлаши керак. Тарбиянинг шахсни ривожлантиришдаги роли тўғрисида турли хил нуқтаи назарлар бўлганлиги педагогика фанининг тараққиёти тарихидан маълумдир. Педагогика тарбия омилига актив рол ажратади ва шахснинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ва эстетик ривожланишига тўғри ташкил этилган тарбиягина ёрдам беради. Шу билан бирга тарбияга икки ёклама жараён деб қаралади, унда фақат катта ёшдагилар эмас, балки катталар тажрибасини ўзлаштирувчи шахслар ҳам актив рол ўйнайдилар.

Тарбиявий ишда талабанинг кучи ва қобилиятларини ҳисобга олмаслик каби жиддий камчилик ҳам учраб туради. Ҳар бир шахснинг ўз эҳтиёж ва кизиқишлари бор. У ақлли тарбиячининг изидан бориши ёки белгиланган йўналишда актив ҳаракат қилиши, баъзан эса тарбиячига эътироз билдириши, катталар билан турли хил алоқада бўлиши ёки бошқаларга кўшилмай, пассив ҳолда юриши мумкин. Тарбияланувчи ўз ривожланишининг объекти ва субъекти сифатида ҳаракат қилганда бу жараён энг муваффақиятли боради. Шу билан бирга шахснинг активлиги, ташаббускорлиги, мустақиллиги анча ошади ва унинг ўзини ўзи тарбиялашида намоён бўлади.

Педагогика фанининг асосчиси Я.А. Коменский: «Ҳар бир хунарманд буюмни ясашга яроқли материалнинг хоссаларини ўргангани сингари, ўз олдига инсоннинг баркамол қилиб тарбиялаш вазифаси турган педагог ҳам шогирдининг қандай хислатларга эга эканлигини билиши керак» - деган эди. Албатта педагог қайси фандан дарс берса ўша фанни талабаларнинг шу фанни тўғри ўзлаштиришларига ёрдам берадиган услубларни яхши билишлари лозим. Аммо талабанинг эҳтиёжлари, қобилиятлари кизиқишлари ва уларнинг чин кўнгилдан хоҳлаб чидам ва матонат билан ўқишга тайёرمи-йўқми эканлигини ҳисобга олинмаса, ўқиш қониқарли натижа бермайди, педагогнинг меҳнати оғир кечади. Шахснинг фикрлаш қобилияти ва характер хусусиятларини назарда тутган ҳолда олиб борилган таълим талабаларни билим олишга рағбатлантиради, ўқишнинг муваффақиятини таъминлайди, педагог ва талабалар фаолиятини завқли ижодий ишга айлантиради.

10.4. Шахс ривожланишида ёш ва индивидуал хусусиятлар

Тарбияланувчилар катталарга кўра ўзгачароқ фикр юритишлари, ҳис қилишлари ва юриш-туришлари ҳаммага маълум. Тарбияланувчидаги ўсиш ва ривожланишининг ёш босқичлари масаласи юзаки қарашда оддий масала бўлиб кўринади. Маълум бўлишича, бу жараён бир текисда бормай,

сакрашлар билан нотекис ҳолда борар экан, ҳар кайси ёш даврининг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари бор. Анатомия, физиология ва психология фанлари соҳасида тананинг айрим органларининг ривожланиш қонуниятларини ҳам бу органлар бутун системасининг фаолиятини ҳам очиб берувчи ғоят кўп фактик материал тўплайди. Тадқиқотчилар тананинг айрим органлари ва қисмлари кўпинча бир-биридан ўзиб кетиб, ўзаро келиша олмай ўсиши ва ривожланишини кўрсатди. Бу ҳол шахснинг ёшини даврларга бўлишда алоҳида қийинчиликлар туғдиради.

Тарбиячи албатта тарбияланувчини ақлли ва одобли қилиб тарбиялаши учун бор куч ва имкониятни ишга солади. Тарбия жараёни ҳақидаги тасаввурда тарбиянинг инсон шахсини шакллантиришда катта имкониятлар ва буюк роли борлигини тасдиқловчи тўғри фикр баён этилган. Аммо бу тасаввур аниқ эмас. У тарбиявий таъсир кўрсатиладиган объектнинг ўзига хос хусусиятини, яъни унинг ривожланаётган, жонли мавжудод эканлиги эътиборга олинмайди. Шахс доимо тарбия жараёнининг фаол иштирокчисидир. У педагогик таъсирларни яхши қабул қилиши мумкин, бироқ уларга қаршилик кўрсатиши, уларни қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Шахс тарбиячининг маслаҳати, илтимоси ва топшириғини бажаришни хоҳлайди. Тарбияланувчи педагогнинг уйга берган дарсини тайёрлашга мойил бўлиши керак. Уларнинг фаолияти асосан беихтиёр фаолиятдир ёки табиий ёки ижтимоий муҳит таъсирига берилган жавобдир.

Ўсмирлик даврида инсоннинг фаолиятига кўп даражада ички сабаблар туфайли содир бўлади.

Шундай қилиб шахс ривожланишидаги унинг интеллектуал қобилиятлари ва ижтимоий онги ўсишидаги муайян босқичда шахс ўзи учун ташқи бўлган мақсадларнигина эмас, балки ўз шахсий тарбиясининг мақсадини ҳам англай бошлайди. У ўзига объект деб қарашга ўтади. Шахснинг ички сабаблари шахснинг ўз нуксонларини йўқотиш ва энг яхши инсоний фазилатларни ҳосил қилиш вазифасини ўз олдига қўйишининг асосидир. Шахснинг ўз билим ва малакасини ошириши, ўзини-ўзи тарбиялаши унинг объектив мақсадни ўз фаолиятининг субъектив зарур мотиви деб англаши ва қабул қилишдан бошланади. Шахс ўз хулқ-атвори ёки фаолиятини субъектив равишда муайян мақсадга қаратиши ифодасини онгли суратда ишга солади, эртанги куннинг режасини тузиш масаласини кўяди. Бу мақсаднинг амалга оширилишида объектив ва субъектив қийинчиликлар юз бериши муқарардир.

Тарбия санъати шахсда ўзини-ўзи такомиллаштиришга интилишини мумкин қадар эртароқ уйғотиш ва унга ўз олдига қўйган мақсадларни амалга ошириш йўлини кўрсатиб, ёрдам беришдан иборатдир. Бу ишда педагоглар, ота-оналар ҳамма вақт ва ҳамма жойда кучли ва яхши бўлишни истайдиган шахснинг ўзига таянишлари керак.

Тарбияланувчиларнинг ўсиш босқичлари асосан уч босқичда ривожланиб боради.

Уқув муассасасида тизимли равишда ўқишга борганидан кейин ҳаёт

тарзи бутунлай ўзгариб боради. Эндиликда у кизикарли бўлмаган аммо керакли нарсаларни билиб олади. Ўқиш ўқув муассасасигача даврда эгаллашган ҳали илмий бўлмаган ҳаётий тушунчаларга катор ўзгартиришлар киритади.

Ўспиринлик ёшининг энг характерли белгиси-тарбияланувчининг катта одамга айланиши яъни балоғатга етишидир. Ўспирин худди шахсга ўхшаб барча таассуротларни жон жаҳди билан ўзлаштиради, жисмоний ва маънавий жиҳатдан вояга етади, бўйсинишини идрок қилади, ундан ўзи учун куч ва жасорат олади, лекин ўз куч қудратининг чегарасини ўзи ҳали билмайди. Ўспирин нисбатан кўпроқ даражада катталар ҳаётининг иштирокчиси ҳисобланади, оиладаги анча маъсулиятли вазифалар унинг зиммасида бўлади. Теварак-атрофидагилар ҳам ўспиринга нисбатан бошқача муносабатда бўла бошлайдилар. Лекин унинг маънавий ва жисмоний кучларини катталарга тенглашиш учун, ўзининг порлок режаларини амалга ошириш учун ҳали етарли даражада аниқ эмас. Ўспиринлик ёшининг ички зиддиятлари ана шулардан иборат. Ўзининг жисмоний тараққиётини англаш ўспиринда хусусий кадр-кимматини таъкид этиш истагини, мустақиллик сари интилишни келтириб чиқаради. Ўспирин бирон бир даражада ўзини кўрсатишини хоҳлайди. Буларнинг ҳаммаси унинг фаоллигини кучайтиради, ижодий ташаббускорлигини ривожлантиради, уни ижтимоий ҳаётга олиб киради, маъсулият ва бурч туйғусини оширади. Айтиб ўтилган хусусиятлар ўқув муассасаси талабасининг ижтимоий позициясини шакллантириш учун ўспиринлик ёшини айниқса макбул қилиб кўяди. Ушбу даврда айрим ёмон иллатлар ҳам шахсда борлиги яққол кўзга ташланиши мумкин.

Ёшлик даври-бу шахс балоғатга етиши ва шаклланишининг яқунловчи босқичдир. Бу энг аввало мустақилликнинг ривожланишида намоён бўлади. Ҳали ўспиринлик ёшидаёқ шахсда ўзини қарор топтиришга муносабати билан ўзининг ва унинг хусусиятларига катта кизиқиш уйғонади. Ёш йигит ва киз худди ўспирин каби ўзининг нимага кодирлиги билишини истайди. Лекин эндиликда у эришган натижада ҳаётий тимсол ҳақидаги умумлашган тасаввур билан таққосланган ҳолда ўз фаолиятини бошлайди. Йигит ва кизлар тафаккурининг фалсафий йўналиши уларни ўзича таҳлил қилишга, ўзича кузатишга ва ўзича белгилашга олиб келади.

10.5. Тарбия усуллари ҳақида тушунча

Тарбия жараёни тўхтовсиз ва системали давом этадиган жараён бўлиб, унга педагог, тарбиячи раҳномалик қилади ва тарбиянинг айни вақт учун зарур бўлган мақсадини, шу мақсадни ҳал этишга хизмат этадиган фаолиятни белгилайди. Тарбияланувчиларнинг ушбу фаолиятга актив иштирок этишини таъминлаб, улар ўртасида ижтимоий, жамоа, ўртоқлик алоқалари ва муносабатлари учун шароит яратади.

Тарбияни яхши йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини, тарбия жараёни манбаини яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир. Бу тарбия жараёнидаги ички ва ташқи қарама-қаршиликлардан иборатдир.

Масалан, тарбияланувчининг одобрилиги, етуклиги билан унга кўйиладиган талаб ўртасидаги фарқ тарбиячи ва жамоа таъсирига шахснинг ўз позицияси, яъни муносабати тарбия жараёнининг ички қарама-қаршилиги бўлса, тарбиячининг талаблари билан шахс микро муҳит таъсири ўртасидаги узилиш ташки қарама-қаршиликдир. Яна шунинг эътиборга олиш керакки, тарбияда тарбияланувчининг тарбияланганлик даражасини ҳам эътироф этиш лозим. Борди-ю, бу масала унутилиб қўйилса, тарбия жараёнида яна қарама-қаршиликлар вужудга келади. Масалан, тарбияланувчиларнинг фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш учун шу фаолият нима учун, қайси мақсадда, қанча муддатда бажарилишини уларнинг онгига етказиш, бажариш усули ва натижасини ҳисобга олишда эса ўзларига ҳавола қилиш маъқулроқдир. Борди-ю, яхши фаолият тури тавсия қилинганда уларнинг онглилик ва ишни бажаришга тайёргарлик даражаси ҳисобга олинмаса, уни бажариш истаги уйғотилмаса, тарбиячининг ўринишлари бефойда бўлади, талабалар пассив, беҳафсала бўлиб қолаверадилар.

Тарбия усулларида ҳар томонлама шахсни шакллантириш мақсадида шахс онги, ҳис туйғулари, иродаси ва муносабатлар системасига таъсир кўрсатиш усулини тушуниш керак

Тарбия усуллари ҳам маълум бир элементларга бўлиниб тарбия усуллари деб юритилади. Масалан, педагог тарбияланувчига бирор бир вазифани топширди. Ўз навбатида бу вазифани бажариш учун кўрсатмалар беради. Бу кўрсатмалар ва тушунтириш махсус ҳолда методик усул сифатида намоён бўлади. Тарбия усуллари ва воситалари ўзаро мустаҳкам боғлиқдир. Тарбия усуллари шахсга таъсир кўрсатишдан иборат эмас. Тарбия икки томонлама жараён бўлиб педагог тарбиячи фаолияти билан талаба фаолиятини бирлаштиради.

Талабаларнинг тарбиявий таъсирга фаол тайёр бўлишига эришиш учун бунинг муайян шароитга кўйиш, унинг фаол фаолиятини ташкил этиш лозим. У ёки бу тарбиявий вазифаларни ҳал этишнинг мувофиқ ташкил этилган методик йўллари тарбия воситалари деб юритилади. Талабалар билан тарбиявий ишда фойдаланиладиган воситалар бунда телевидение, радио, китоблар шахслар жалб қилинадиган фаолият турлари тарбия воситалари бўла олади.

Педагогнинг жонли нутқи, шахсларнинг ўйинлари, жамоатчилик, ҳаваскорлик тўғараклари тарбия воситаси вазифасини бажаради. Аммо тегишли тарбиявий вазифаларни ҳал этиш учун уларни албатта мураббий педагог ишининг муайян системасига киритиш керак. Тарбия натижасининг самарали бўлиши тарбиявий жараённи ташкил этиш усуллари, воситалари ва шаклларидан мохирона фойдаланишга ва уларни қўшиб олиб боришга боғлиқ.

Тарбия усулини тадбиқ этиш муайян ёшдаги шахс фаолиятига мос келса муваффақиятли бўлади. Тарбиянинг умумий усуллари асосан 4 гурппага бўлинади.

1. Ижтимоий онгни шакллантириш усули.

2. *Ижтимоий ахлоқни шакллантириш усули.*

3. *Разбатлантириш усули.*

4. *Ўз-ўзини тарбиялаш.*

Ижтимоий онгни шакллантириш усуллари - талабаларнинг онгли, ҳис туйғуси ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш усулларини умуман шахс онгига таъсир кўрсатишни ўз ичига олади.

Ижтимоий онгни шакллантириш усуллари тушунтириш, суҳбат ва ўрнаткич кўрсатиш қисмлардан иборатдир.

Тушунтириш - талабаларда эътиқод ҳосил қилишнинг энг кенг ёйилган усулидир. Тушунтириш усулидан кўзланган мақсад шахсга ҳатти-ҳаракатлар, воқеалар ва ҳодисаларга у ёки бу талабларнинг маънавий, эстетик, мазмунини очиб бериш, унга ҳулқ атворга ва инсоний муносабатларга тўғри баҳо беришни шакллантиришда кўмаклашишдан иборатдир.

Ҳикоя ва суҳбат педагогнинг жонли сўзи асосида шахсни ғоявий ва маънавий шакллантиришнинг таъсирчан усули ҳисобланади. Ҳикоя қилинадиган мавзу талабалар учун долзарб, шахсларни маънавий ишонч, ижобий ҳис туйғулар вужудга келтиришга олиб келиши керак. Масалан, педагог бошқа гуруҳ жамоаси металл йиғишда ёрдам берганлигини марок билан гапириб берса, бунинг самарадорлиги талабаларнинг қандай кулоқ солишига қараб текшириш мумкин. Агар талабалар “Биз ҳам металл теришда ёрдам берамиз”-деган умумий истак билдирса, демак, педагогнинг ҳикояси шахслар онгига етиб борган ва бунга жавобан бирон мақсад йўлида фаолият кўрсатишга тайёргарлик туйғусини келтириб чиқаради.

Суҳбат хилма-хил мавзуларда олиб борилади, масалан этика- эстетика мавзусида яъни инсонни юриш-туриши, атрофдаги воқеалар, ҳулқ атвор, гўзаллиги, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, билим олиши, талабаларни билим доирасини кенгайтириш ва бошқа мавзуларда олиб борилади. Суҳбат вақтида талабалар пассив тингловчилар эмас, балки муҳокама қилаётган фаол иштирокчиларга айланади. Суҳбат вақтида педагог, тарбиячилар тарбияланувларни тажрибасига, уларнинг билимига таяниши лозим. Ўтказилаётган суҳбат талаба учун аҳамиятлилигини ҳисобга олиш зарурдир. Янги материалларни танлаш, тарбияланувчини ўйлашга, мазкур масала бўйича ўз билимларини орттиришга ёрдам беради. Педагогнинг ўзи қанчалик кам гапирса, талабалар дунёсига шунчалик яхшироқ кириб бориши, улар билан ажабланиши, қувониши лозим, шунда суҳбат муваффақиятли олиб борилади.

Суҳбат натижасида қабул қилинган ахлоқий меъёр кейинчалик талабалар ҳулқ атвори ва фаолиятида амалга оширилиши лозим. Ва кейинги даврга мўлжалланган ўз ҳулқ атворини кузатишлар билан боғлиқ бўлган топшириқлар бериш имконияти туғилади.

Тарбияланувчи ҳаётининг фаолиятга интилар экан, катталар ҳурмат қиладиган кишиларни ўзига намуна қилиб олади, уларга таклид қилади. Таклид қилишга мойиллик кўп сабаблар билан изоҳланади. Чунончи,

тарбияланувчиларнинг ҳаётий тажрибаси ҳали кам, барқарор ҳулқ атвор кўникмаси йўқлигидадир. Тарбияланувчиларнинг активлиги тақлид характериға эға. Талаба катталар таржибасини ўзлаштира борар экан, кўпинча ўзи ҳурмат қиладиган, ўзига ёқтирадиган кишиларнинг ҳулқ атвори образларида фойдаланади, улардан нусха кўчиради. Тақлид уларда бир мунча танлаш характериға эға. Уларни бошқа кишиларнинг характеридаги маълум хислатлар жалб қилади.

Ёшликдаги тақлид ва иштиёқ доираси намуналар ёрдамида кенгайиб боради. Тақлид қилиш учун ижобий намуналар танлашда ахлокий, ғоявий, сиёсий омилларнинг аҳамияти каттадир. Тарбияланувчилар ва ўсмирларнинг тақлид қилишга мойиллиги кўпинча салбий одатларни ҳам ўзлаштириш имкониятини беради. Баъзан тарбияланувчиларни ўқув муассасаси тартибини бузувчилар, уларнинг кўполлиги сохта жасурлиги жалб қилади. Ота оналар ва педагоглар фарзандига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўртоқлари билан алоқа қилишини таъқиқласа бу аксинча тарбияланувчининг ҳалиги тарбияланувчи билан бирга бўлиш истагини янада кучайтиради. Энг муҳими ёмон таъсирга ижобий намунани қарама-қарши қўйиш, оилада ва ўқув муассасасида фаолиятни шундай ташкил этиш керакки, токи бу фаолият унга зерикарли, мазмунсиз, мажбурий бир нарса бўлиб туюлмасин.

Тарбияланувчи бўладиган муҳитга ҳам имкони борича ижобий таъсир кўрсатмоғи зарур. Тарбияда тақлид қилиш ва нусха кўчириш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Ҳар бир шахснинг ўзига хос тарзда алоҳида такрорланмайдиган шахс бўлиб уйғонишиға эришмоқ керак. Намуна онглиликни, ижобий фаоллик ва мустақилликни рағбатлантириб тургандагина бунга эришса бўлади. Кичик ёшдаги тарбияланувчилар учун оилада ота-она, ака-ука, севимли педагог намуна бўла олиши мумкин.

Рағбатлантириш услуби бирон-бир омилнинг тарбияланувчига таъсирини кучайтириш ҳамда тарбияланувчининг шахсини, хатти-ҳаракатларини активлаштириш мақсадида қўлланилади.

Рағбатлантириш ҳаракат қилишга илҳомлантиришдан иборатдир. Тарбиявий ишларнинг формаси ҳар қайси тарбияланувчининг хусусиятиға қараб ўзгаради. Истикболға доир талаблар тарбияланувчи фаолиятини активлаштиради. Истикболни қўйиш ҳар хил инсоннинг улғайиши учун ҳам, жамоа учун ҳам муҳимдир. Рағбатлантириш усуллари орасида мусобақа катта ўрин тутати. Ўқув муассасаси ҳаётида мусобақа ишларини оммавийлаштириш муҳимдир. Мусобақанинг моҳияти қолоқларни илғорлар даражасида етказиш ишнинг умумий юксалишиға эришишдир. Мусобақа ҳар бир талабанинг имкониятларини кўра олиш ва баҳолашда олға ҳаракат қилишда, куч етадиган истикболни белгилашда ирода ва характерни тарбиялашда ёрдам беради.

Рағбатлантириш талабаға шундай таъсир кўрсатсинки, бунда тарбиячи алоҳида бир талабанинг хатти-ҳаракатиға, ҳулқ-атвориға ижобий баҳо бера олсин. Жамоа талабларининг бажарилишини рағбатлантириши учун асос деб ҳисоблаш керак. Рағбатлантириш инсонға яшаётган ва ишлаётган

жамоанинг ундан мамнунлигини кўрсатади.

Жамоа тўғри хулқ–атвор кўникмаларини мустаҳкамлаш ва салбий кўникмаларига барҳам бериши мумкин. Рағбатлантириш тарбияланувчининг такомиллашувига, хулқ атвор ва хатти–ҳаракат бобида қандай йўл тутиш кераклигини англаб олишга имкон беради. Талабани қандай ва нима билан рағбатлантиришни педагог билмоғи лозим.

Масалан, ўқув йили охирида яқун ясалади ва баҳолаш нимага асосланиши керак, ўқиш натижасигами, ёки талабанинг ўқув меҳнатига, муносабатигами?

Истиқболни тасвирлаш талаба фаолиятини рағбатлантиради, бу нарса қувонч билан кутиш қайфиятини ошириб, қўйган мақсадга эришиш учун бутун кучини сарфлашга беради.

Истиқболни тасвирлаш ҳар бир тарбияланувчининг ривожланиши учун ҳам, жамоа учун ҳам зарур.

Мақтов рағбатлантириш усулидир. Мақтов тарбиячининг алоҳида олинган шахс хусусиятларига ижобий баҳо беришидир. Талаба тарбияланишида мақтовнинг ўрни муҳимдир. Мақтов шахсни ижобий хислатларини таркиб топишга ёрдам беради. Лекин мақтов ҳам талаба хиссиётлари ривожланиши тезлаштириб юборади, унда манманлик, хотиржамлик туйғуларини келтириб чиқаради.

Жазолаш усули

Жамоа талабанинг ахлоқидан унинг ишга муносабатидан, муомаласидан мамнун бўлмаса, шахснинг ўз хулқини тузатиб олишда ёрдам кўрсатиш учун жазо усулларидан фойдаланади. Мақтов сингари жазо ҳам талабанинг ўзини ноқулай сезишга, уялишга мажбур қилади.

Тарбияланувчиларни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жазолаш ҳам меъёр даражасида бўлиши шарт. Чунки бунинг натижасида тарбиявий таъсир кўрсатишнинг бир қатор усулларини ишлаб чиқилиши лозим.¹

Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари

Тарбия жараёнида талаба ўз-ўзини тарбиялаши, яъни ўз устида ишлаш, актив иш олиб борсагина тарбияни самарали деб айтиш мумкин.

Талаба ўз-ўзини тарбиялаш борасида истиқболини яратишга интилиши, ҳаётда маълум мустақилликка интилишда намоён бўлади. Ўз-ўзини тарбиялаш оилада ва ўқув муассасасидаги тарбиявий ишларнинг таъсири остида рўй беради. Ўз-ўзини тарбиялаш жамоадаги шахсларда фаолроқ амалга ошиши мумкинлиги уларда ирода, тиришқоклик интизомни тарбиялайди. Ўз-ўзини тарбиялаш шахсларнинг ўз олдида муайян вазифа қўя олишини, уни бажаришида ички иштиёқ билан бажариш жараёнида шу вазифани бажариши мумкинлигини англашни, нима қилганлиги ҳақида ҳисобот берилишини назорат қилишни ва

¹ Очилова Г.О., Мусаханова Г.О. "Педагогика" Тошкент. ТДИУ, 2005 йил.49 – бет

тўпланган вазифаларнинг аниқ натижаларига баҳо беришни ўз ичига олади. Ўз-ўзини тарбиялаш шахсий мажбурият, ўз иши ҳақида ҳисоботларни таҳлил қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзига баҳо бериш усулларига бўлинади.

10.6. Тарбия турлари

Ҳар бир ишнинг ўзига хос, маълум қонун-қоидалари бўлганидек, инсон тарбиясининг ҳам ўзига хос бир қатор муҳим тамойиллари, қонун-қоидалари мавжуд, уларга амал қилиш тарбия ишининг самарали бўлишини таъминлайди:

Тарбия жараёнининг тамойиллари қуйидагилар:

- тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбиянинг ҳаёт, меҳнат билан Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, гуллаб-яшнаши йўлида қилинаётган фидойи ишлар билан боғланиши;
- шахсни жамоада, жамоа орқали тарбиялаш;
- тарбияда шахсни ҳурмат қилиш ва унга талабчанлик;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги, мунтазамлиги ҳамда бирлиги;
- тарбияда шахснинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш кабилардир.

Юқоридаги тамойиллар ва қонун ва қоидаларга амал қилиб, янги ижодий услубларни қўллаб, ривожлантириб тарбиявий жараённи ташкил этиш мақсадга эришишнинг энг самарали йўлидир.

Ақлий тарбия

Биз Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқий тарбия хусусидаги фикрларини ўрганар эканмиз, уларни ахлоқийлик ҳақидаги замонавий билимларимиз ва тасаввурларимиз билан солиштиришга ва боғлашга ҳаракат қилдик. Президентимиз И.А.Каримов бу борада фикр юритиб: "...ўзбек халқи дунё майдонида кунги кеча тасодифан пайдо бўлиб қурилгани йўқ. Биз – бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисларимиз."¹ деб таъкидлаб ўтдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида келиб чиқаётган янгидан-янги муаммоларни илмий асосда ҳал қила оладиган шахсни тарбиялаш бош масала ҳисобланади. Бунинг учун эса ақлий қобилиятларни ривожлантириш, ақлий меҳнат қилиш маданиятига ўргатиш зарур. Ақлий тарбияни шакллантиришда фақат тушунча ва фактлардан фойдаланишнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун фикрлаш, исботлаш, хулоса чиқариш, умумлаштириш, системалаштириш, таққослаш, асосий маълумотни ажратиш олиш каби жараёнларни ҳам фаол қўллаш лозим бўлади. Буларнинг ҳаммаси дарс вақтида амалга ошириб бориши ақлий меҳнатни тўғри ташкил қилиш малакасини шакллантириш керак. Ақлий меҳнатни тўғри ташкил қилиш, талабаларга мустақил билим олишда энг муҳим элемент бўлиб ҳисобланади. Ақлий тарбия ўқувчиларда ақлий меҳнатни тўғри ташкил этиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш,

¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч.Т."Маънавият". 2010.163 б.

малакасини хосил бўлишига кўмаклашади. Ақлий тарбия талабаларда дидактикани жамлаб олиш хусусияти, хотирасини мустаҳкамлаш, фикрлаш операцияларини рационал ўтказиш каби малакаларни ўстиради.

Ақлий тарбияси етук, ўткир зеҳнли, зукко ва заковатли инсонларни халкимиз донишманд кишилар деб атайдилар. Донишмандлик - бу донолик. Донолик - бу инсоннинг энг буюк ва олийжаноб фазилатидир. Донолик шундай бир ноёб неъматдирки, у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун бўлса керак, халқ донолигида «Ақл тожи олтиндан, олтин ҳар кимда ҳам бўлмас», - дейилади.

Ахлоқий тарбия. «Ахлоқ», «хулқ» ва «атвор» сўзлари арабча сўз бўлиб улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида қўлланилади. Айрим одатларда «ахлоқ-кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос хулқ меъёрлари мажмуи» деса, бошқалар эса «ахлоқ-ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ҳамма соҳаларда кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини тартибга солиш функциясини бажаради» дейишади.

Ахлоқ меъёрлари хулқ атворнинг регулятори сифатида одат меъёрларига зид ҳатти-ҳаракат ахлоқсизлик ҳаракати деб қаралади. Шуниси ҳам борки, ҳуқуқ мажбурий бўлса ахлоқ ихтиёрийдир.

Ахлоқий тарбия одамларни номусли виждонли, адолатли, ватанпарвар, меҳнатсевар бўлишга ўргатиш билан профилактика ишларини ҳам олиб боради. Ахлоқий тарбияда яхши хулқни такомиллаштириш учун курашилади. Халқ таълими тизимида ўқитиш тарбияланувчиларнинг ахлоқий мукамаллашиш билан боғлиқ бўлади. Уларда онг билан хулқ бирлиги тарбияланади. Шахснинг жамоат ва ватанга, меҳнатга, кишиларга, ўз хулқига муносабатларни қуйидагиларда ўз аксини топган:

- а) жамиятга, ватанга муҳаббат ва садоқатни тарбиялаш;
- б) меҳнатга ахлоқий муносабатни тарбиялаш;
- в) атрофдаги кишиларга ахлоқий муносабат, юқори муомала маданиятига эга бўлган шахсни шакллантириш;
- г) шахснинг ўзига, ўз хулқига, ахлоқий муносабатни тарбиялаш.

Дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнини Алпомиш, Тўмарис, Широқ каби халқ қаҳрамонлари; А.Темур, Улуғбек, Бобур сингари давлат арбоблари ва саркардаларимиз, Ибн Сино, Беруний каби олиму фузалоларимиз қарашларига тез-тез мурожаат қилишимиз, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишнинг асосини ташкил қилади. Шу билан биргаликда тарбия борасидаги жаҳон стандартларига ҳам эътиборни қаратмоқ лозим. Эстетик тарбия анча кенг маънога эга бўлиб шахсни табиат ва жамиятдан гўзалликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга ўргатади.

Тарбия турларининг ҳаммаси бир-бирлари билан ўзаро узвий боғлиқ, лекин шунга қарамадан ўз мазмунидан келиб чиққан ҳолда, улар ўз спецификасига ҳам эгадир. Энди биз қуйидаги: ақлий тарбия, ахлоқий тарбия, иқтисодий тарбия, экологик тарбия, ҳуқуқий тарбия, эстетик тарбия, жисмоний тарбия, меҳнат тарбияси каби тарбия турларининг ҳар

бирига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Инсон кундалик ҳаётида ундан (ахлоқ нормаларидан) норма сифатида фойдаланади. Ахлоқий тарбия нормалари ҳар бир жамиятнинг ҳуқуқий нормаларига асос бўлади. Ахлоқий тарбияда киши ахлоқий билимларни ўзлаштирибгина қолмай, ҳар қандай вазиятларда ўзини ана шу нормаларга муносиб тута оладиган кишилар ахлоқий тарбияланган ҳисобланади. Ахлоқий тарбияланган кишида барқарор маънавий мотивлар шаклланган бўлади. Бу мотивлар эса ўша кишини жамиятда муносиб ҳуқуқ-атворга рағбатлантиради.

Ёш авлодни жамиятга, меҳнатга, ўзига муносабатни очиқ берувчи маънавий фазилатларга мувофиқ равишда тарбиялаш - тарбияланувчи шахсни, ахлоқий тарбиянинг педагогик ва психологик асосларини чуқур билишни талаб қиладиган мураккаб жараёндир. Ахлоқий билимларни онгли равишда ўзлаштириб олишгина ўқувчиларга атрофдаги кишилар хатти-ҳаракатидаги қайси жиҳатлар яхши-ю, қайсилари ёмон эканлигини англаб олишга ёрдам беради. Ахлоқий тушунчаларнинг турли ёш даврларида шаклланиш даражаси турличадир. Жумладан:

1. Ахлоқий онглилик.
2. Ахлоқий кадриятлар.
3. Ахлоқий ҳис-туйғулар.

Экологик тарбия. Экология сўзи «том» ёки «уй» деган маънони англатиб, немис олими Эрнест Геккель томонидан биринчи бор фанга киритилган. Экология фани ҳозирги бозор муносабатлари даврида кўпгина тармоқларга эга: ўсимликлар экологияси, зооэкология, тупроқ экологияси, инсон экологияси ва бошқалар. Экология фани танлаб олинган бир ёки бир неча объектнинг яшаш шароитини ёки нормаларини ўрганади ва яшашнинг оптимал даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Бу йўналишдаги ишлар бизга экологик билимларни етказди, аммо бу билан инсоният чекланиб қолмайди. Давр талабига кўра, яна бошқа йўналишда ҳам иш олиб боришни талаб этмоқда. У ҳам бўлса **экологик тарбия масаласидир.**

Экологик тарбия албатта экологик билим асосида шаклланади, лекин у ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Экологик тарбия инсонда табиатга нисбатан тўғри, оқилона муносабатни шакллантириш масаласи устида иш олиб боради ва ўз олдига талабаларда экологик маданиятни шакллантиришдек мақсадни қўяди. Экологик тарбиянинг мазмунига экологик онглилик, экологик ҳис-туйғулар (табиатга, инсонларга, ҳаётга нисбатан муносабатлар) киради. Шундай қилиб, экологик тарбия инсон ҳаётида, жамиятда, ватанда муҳим аҳамият касб қиладди.

Экологик тарбиянинг шаклланишига экологик билимларни эгаллаш билан бир қаторда экологик муносабатларни ҳам шакллантириб бориш зарур бўлади. Экологик муносабатларга:

1. Ҳаётга муносабат.
2. Яхлитлик ҳиссини тарбиялаш.
3. Жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.

4. Табиат гўзалликларини ҳис этиш каби компонентларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқий тарбия. Ҳуқуқий тарбия - бу шахсга нисбатан ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий муносабатларни, қонунга итоаткор хулқ-атвор кўникмалари ва одатларини шакллантирувчи уюшган, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ифодаланишидир. Ҳуқуқий тарбияни боланинг кичик ёшидан бошлаб амалга ошира бошлаш, ҳуқуқий ахборотларнинг биринчи даражали тус олишига эришиш, шахснинг умумий дунёқараши ва ижтимоий йўналтирилганлигининг таркибий қисми тарзида ҳуқуқий қарашларига асосланиши зарурдир.

Ўсиб келаётган ёш авлод ҳуқуқий тарбиясининг хусусиятлари янги жамиятнинг ўз характери, турмуш тарзига асосланади. Уларнинг ҳаммаси принципиал жиҳатдан янги, янада мураккаб муаммоларни ҳал этиш зарурлигини ифода этади. Аввало, ҳуқуқий тарбия янги ёш авлодни камол топтиришнинг самарали воситаси саналади.

Юқорида қайд қилинган мулоҳазалар **ҳуқуқий тарбиянинг** яхлит тизими қуйидагилардан иборатлигини ифодалайди:

Биринчидан, ҳуқуқий тарбия субъектларига: давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, мансабдор шахслар ва бошқалар киради.

Иккинчидан, ҳуқуқий тарбия объектларига: мансабдор шахслар, фуқаролар, ички ишлар идоралари ходимлари киради.

Учинчидан, ҳуқуқий тарбия мазмунига: ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқотлар киради.

Тўртинчидан, ҳуқуқий тарбия шаклларига: маърузалар, семинарлар, суҳбатлар, викториналар киради.

Бешинчидан, ҳуқуқий тарбия методларига: ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш киради.

Олтинчидан, ҳуқуқий тарбия воситаларига: матбуот, радио, телевидение, адабиёт ва санъат асарлари, кўргазмалар ташвиқот ҳамда тарғибот воситалари киради.

Мустақиллик шароитида ҳуқуқий маданият билан ҳуқуқий тарбиянинг боғлиқлиги янада ортади.

Эстетик тарбия. Ҳаётда табиат - гўзалликнинг манбасидир. У эстетик туйғуларни, болаларнинг қузатувчанлигини ва тасаввурини ривожлантириш учун жуда бой материал беради. Бундан ташқари, санъат ҳам эстетик тарбия воситаси ҳисобланади. Санъат орқали эстетик тарбиялаш педагогикада бадий тарбия деб аталади. У қуйидаги методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади:

1. Бадий асарларни намойиш қилиш ва ижро этиш.
2. Бадий асарларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.
3. Санъатшунослик билимларидан хабардор қилиш, талабалар санъатнинг ҳар хил турларини ифода воситалари, тарихи ва назариясини характерловчи муайян маълумотлар жамғармасига эга бўлиши зарур.
4. Талабалар ижодий ва ижрочилик фаолиятини ташкил этиш,

талабалар бадий фаолиятининг хилма-хил шаклларида машқлар ўтказиб, ижодий қобилиятларини, воқелик предметларини ва ҳодисаларини санъат воситалари ёрдамида мустақил тасвирлаш кўникмалари ва малакаларини ривожлантиради.

Жисмоний тарбия. Жисмоний тарбия шахсни ҳар томонлама ривожлантириш тизимидаги ўз вазифасини бажариш билан бирга, у қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган: саломатликни мустаҳкамлаш, инсон организмни чиниқтириш ва талабаларнинг жисмоний ривожланишига ёрдам бериш; ҳаракат кўникмаларини ва малакаларини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш; ўғил болаларни армия сафарига тайёрлаш; физкультура ва спортнинг моҳияти ҳамда ижтимоий роли ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилиш. Талабаларнинг соғлигини ҳимоя этиш ва бошқариш жисмоний тарбияга айнакса, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритгандан буён давлат даражасида аҳамият бермоқда. Жисмоний тарбия ва спорт ишларига ҳукуматимиз томонидан катта ғамхўрлик қилмоқда. Бунинг далили сифатида Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва туманларда бунёд этилаётган спорт иншоотлари, спорт комплексларини келтириш мумкин.

Меҳнат тарбияси. Меҳнат тарбияси ёш авлодни тарбиялашда марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Ривожланишнинг асосий вазифаларидан бири меҳнат тарбияси ва таълим самарадорлигини умумий таълим ўқув муассасаси талабаларини касб танлаш, мустақил ҳаётга амалий ва техника инкилоби ва ҳозирги замон ишлаб чиқариш шароити талабаларнинг меҳнат тарбияси ва таълими ана шу талаблар даражасига кўпроқ мувофиқ бўлишини талаб қилаётир. Нега деганда тарбияланувчилар ўқув юртини тамомлагандан кейин ишлаб чиқаришнинг бутун тизимини бемалол билишлари ва унда рўй бераётган ўзгаришларни тезда пайқаб олишлари керак.

«Умумий ва касб-ҳунар таълимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да таъкидланадики, меҳнат тарбиясини шахсни шакллантиришнинг энг муҳим омили ва халқ хўжалигининг меҳнат ресурсларига талабини қондириш воситаси деб билиш керак.

Меҳнат фаолияти жараёнида инсон табиатини ўзгартирибгина қолмай у билан бирга ўзи ҳам ўзгаради. Меҳнат фаолияти шахснинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришга унинг табиат ва жамиятга қаршли тизимига жиддий таъсир кўрсатади. Меҳнат инсон ақлий қобилияти жараёнини ўз ижодий фаоллигини намоён қилиб ижодий қобилиятларини ривожлантиради ва такомиллаштиради. Меҳнат туфайли инсоннинг маънавий муносабатлари шаклланади. Жисмоний жиҳатдан камол топиб ўз меҳнат кўникмалари ва малакаларини ривожлантира боради.

Меҳнат фаолиятини ташкил этишга қўйиладиган умумий талабларни қуйидаги жадвалда келтириб ўтилди.

Меҳнат фаолиятини ташкил этишига қўйиладиган талаблар				
Меҳнат фаолиятининг ахлоқий асосда, ижтимоий-ғоявий мазмунга эгалиги.	Меҳнат фаолиятини жамоа характерига эгалиги.	Меҳнат топшириқларини беришда ўқувчилар имкониятини ҳисобга олиш.	Меҳнат фаолиятининг тизимли ва режали бўлишига эришиш.	Меҳнат фаолиятининг ижодий ҳусусият касб этиши.

Аmmo ҳар қандай меҳнат ҳам шахсни ҳар томонлама тарбиялаш ва камол топтириш омили бўлавермайди. Экспулатация ва зўравонликдан холи бўлган меҳнатгина инсонга ҳал қилувчи ва тарбияловчи таъсир кўрсатади. Агар инсон мажбуран меҳнат қилса бу жараён маънавий ривожланишга халақит берадиган ва маънавий мамнуният келтирмайдиган меҳнатга айланади.

Уқув юртларида меҳнат тарбиясини ривожлантириш йўлларини ижодий ишлаб чиқишда шахс меҳнатини ташкил этиш методикасига жиддий эътибор бериш керак. Меҳнатдан мақсадга мувофиқ фойдаланилсагина у тарбияланувчилар маънавий камолотини омили бўлиб қолиши мумкин. Бунинг учун меҳнат шахсни қизиқтириши, жисмоний меҳнатгагина эмас, балки ақлий меҳнат бўлиши лозим. Шахс меҳнат натижасини тушуниши керак. Шахс фақат ўқув муассасасидагина эмас, ундан ташқарида ҳам меҳнат қилиши керак. Меҳнат тарбияланувчилар учун уларнинг қурби етадиган ижодий фаолият бўлиши лозим. Меҳнат тарбиясини бир қатор етакчи вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- умумфойдаси учун меҳнат қилиш зарурлиги;
- талабаларда жамоа меҳнат фаолиятида иштирок этиш учун зарур бўлган барқарор маънавий ва иродавий хислатларни тарбиялаш;
- талабаларни умумий билим ва политехник билимлар тизими билан ҳозирги замон ишлаб чиқаришда қатнашиш учун зарур бўлган махсус меҳнат кўникмалари ва малакалари билан қуроллантириш;
- талабаларга бўлажак касбни онгли танлашда ёрдам бериш;
- меҳнат маданияти асосларини тарбиялаш, тарбияланувчиларнинг иқтисодий тарбияси.

Меҳнат тарбиясининг воситалари қуйидагилар:

1. Ижтимоий фойдали меҳнат.
2. Оилавий меҳнат.
3. Меҳнат фахрийлари ва турли меҳнат вакиллари билан учрашув.

Меҳнат икки хил бўлади:

Ақлий меҳнат.

Жисмоний меҳнат.

Ақлий меҳнат - шахс учун энг оғир меҳнатдир. Бу меҳнат ақлий зўр беришни талаб қилади, узок вақт давом этади ва кунт билан

шуғулланишни талаб қилади. Бу меҳнатнинг мураккаблиги яна шундаки, бундаги натижаларнинг намоён бўлиши қийинроқ бўлади, бу натижаларни шахс деярли тушунмайди.

Аклий меҳнати жараёнида тарбияланувчилар турли даражада мураккабликка эга бўлган ва мустикалликни турли даражада талаб қиладиган бир қатор аклий, ҳамда амалий характерларни эгаллайдилар. Бу эса уларда билимга қизиқишини, аклий фаолиятнинг самарали турларини шакллантиради.

Аклий меҳнати тарбияланувчиларнинг қурби етадиган даражада бўлиши керак. Тарбияланувчиларнинг қурби етмайдиган меҳнат инсон организмга зиён етказди. Ўқишдан кўнглини совутиши мумкин. Шу сабабли педагог ҳар бир тарбияланувчининг ёш хусусиятини ва таълим олишга индивидуал тайёрлигини аниқлаш, шахснинг эътибори ва тафаккуридаги хусусиятларини билиши, меҳнат ва дам олиш режимига риоя қилиши муҳимдир. Ўқув меҳнатнинг бош вазифаси-шахсни ўқишга ўргатишдан, уни ўқув меҳнати методикаси ва техникасини қуроллантиришдан, ўзи билим оладиган бўлиш имкониятини беришдан иборат. Ўқув меҳнати жараёнида таъсир қиладиган кўникма ва малакалар тарбияланувчиларнинг ижтимоий фойдали унумли меҳнатда қатнашишга тайёргарлигига ижобий таъсир кўрсатади. Тарбияланувчини бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрлаш учун яхши пойдевор бўлади. Педагогнинг ўқув муассасаси тарбияланувчиларида дарсликлар, компьютер техникаси билан ишлаш кўникмасини шакллантиришда меҳнат тарбиясига доир иши айниқса муҳим аҳамиятга эга. Ўқув меҳнати жараёнида аклий меҳнат маданияти ҳосил қилинади. Ўртоқлик, хайрихоҳлик, интизомлилик, уюшқоқлик сингари фазилатлар тарбияланади. Бинобарин, буларнинг бари меҳнат тарбиясини энг самарали ҳал қилиш учун хизмат қилади.

Қисқа хулоса

Тарбия жараёни тўхтовсиз ва системали давом этадиган жараён бўлиб, унга педагог, тарбиячи раҳномалик қилади ва тарбиянинг айни вақт учун зарур бўлган мақсадини, шу мақсадни ҳал этишга хизмат этадиган фаолиятни белгилайди. Тарбияланувчиларнинг ушбу фаолиятга актив иштирок этишини таъминлаб, улар ўртасида ижтимоий, жамоа, ўртоқлик алоқалари ва муносабатлари учун шароит яратади.

Тарбияни яхши йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини, тарбия жараёни манбаини яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Тарбия жараёни нима?
2. Тарбия жараёнининг мураккаблиги нимада?
3. Тарбия тамойиллари.
4. Тарбия усуллари, турларини санаб беринг?
5. Шахс тушунчасига таъриф беринг?
6. Муҳит нима?
7. Ташқи муҳитнинг шахсга таъсири нималарда намоён бўлади?
8. Тарбия орқали инсонни тўлиқ ўзгартириш мумкинми?

9. Тафаккур, идрок, илмий дунёкараш деганда нимани тушунасиз?

11 - мавзу. Оилада тарбия асослари. Ҳозирги замон ўзбек оилаларидаги тарбиянинг хусусиятлари

Режа.

11.1. Ҳозирги замон ўзбек оилаларидаги тарбиянинг хусусиятлари.

11.2. Бугунги кунда оиладаги долзарб муаммолар.

11.3. Ўзбек мутафаккирларининг оилавий тарбия ҳақидаги карашлари.

11.1. Ҳозирги замон ўзбек оилаларидаги тарбиянинг хусусиятлари

Оила жамиятнинг бир бўлаги. Шундай, экан инсон шахсини шакллантириш оиладан бошланади. Оила мураккаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, биологик ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва рухий муносабатларнинг бирлшуви натижасида вужудга келади. Оила тор маиший тушунча эмас, балки у ижтимоий жамоадир. Шу сабабли оилалар бирлашиб жамиятни ташкил қилади. Узокни кўра олган юртбошимиз И.А.Каримов бу масала юзасидан “Баркамол авлод йили” дастурини тўққизинчи “Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш ва уларга ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ҳамда соғлом ва мустаҳкам оилани барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиш”¹ ҳақида фикр билдириб, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кераклиги ҳақида тўхталиб ўтдилар. Ёш оилаларга нисбатан ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оилаларни шакллантириш мақсадида ҳокимликлар:

- ёш оилаларга уй жойлар харид қилиш учун кредитлар бериш;
- 2010-2011 йилар давомида Тошкент шаҳар, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 32 тадан бўш ётоқхона ва фойдаланмаётган биноларни ёш оилаларга кейинчалик харид қилиш шarti билан ижарага бериш;
- 42та бахт уйлари куриш ва қайта таъмирлаш;
- республикамиздаги барча туман ва шаҳарларда 10 та кам таъминланган оилаларни тўйини ўтказиб бериш;
- барча туманлардаги 50та таъминланган ёш оилаларга биттадан бепул қора мол ажратиш;
- ёш ва кам таъминланган оилаларга ҳар ойда моддий ёрдамларни амалга оширишда кўмаклашишлари даркор.

Республикамизда тобора соғлом оилавий муҳитнинг ижтимоий ахамияти ортиб бормоқда. Оилаларнинг моддий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш асосида болалар тарбияси учун жавобгарликни кучайтириш жараёнини тезлашганлигини кузатиш мумкин. Биз учун эса соғлом оилавий муҳитнинг мустаҳкамлигини таъминловчи ахлоқий, рухий алоқалар жуда муҳим. Худди шу алоқадорлик оилавий муносабатлар, тўлақонли ҳиссий-эмоционал, оталик ёки оналик, оилавий бахтни

¹ И.А.Каримов. “Баркамол авлод йили дастури”. Т., Ўзбекистон, 2010. 9-бет

таъминлаш эҳтиёжларини кондиради. Ваҳоланки, соғлом оила муҳити - бу оила аъзоларининг ўзаро юксак ахлокий муносабатларининг йиғиндиси ва катталарнинг ижобий таъсир кўрсатиш намунаси натижаси бўлиб, катта ёшдаги кишиларнинг ҳар тарафлама олиб борган тарбиявий иш натижаларидир. Оиладаги барқарорлик, тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр ва муҳаббат, келишувчанлик кабилар ота-оналар билан фарзандлар ва бошқа оила аъзолари билан ўртасида қарор топадиган рухий муҳит бўлиб уларнинг камолотига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади.

Соғлом оилавий муҳитнинг энг муҳим функцияларидан бири авлодни давом эттиришдир. Фарзандларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасида оила маълум даражада ижтимоий ташкилотлар билан жамият тараққиётига ҳамоҳанг ҳолда фаолият олиб бормокда. Ҳозирда оиланинг тарбиявий тушунчаси оиладаги болалар шахсини шакллантириш ҳамда шахсни йигит ва қиз, ота-она ва жамият аъзолари сифатида оилавий ҳаётга тарбиялашдан ташкил этади. Олиб борилаётган тадқиқотлар оиланинг мазкур вазифалари бўйича кўплаб муаммолар мавжудлигини таъкидламокда. Бу айниқса, оилавий тарбиянинг янги қирраларини вужудга келиши ва анъанавий урф-одатларнинг мазмунан бойишида ифодаланмокда. Бинобарин, ҳозирги замон оилалари ёшларда дунёқараш шаклланишида, уларни маънавий, эстетик жиҳатдан тарбиялашда асосий роль ўйнар экан, тарбиялашдаги мазмун, шакл ва усуллар жиддий ўзгаришларга учрамокда.

Маълумки, оилавий тарбия деганда, ота-оналарнинг ўз ҳаётлари, турмуш тарзи асосида бола шахсида дунёқараш асослари, сиёсий, ахлокий, эстетик ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида мунтазам изчил, ғоявий ва маънавий таъсир кўрсатиш жараёни тушунилади. Оилавий тарбиянинг ўзига хослиги шундаки, у болаларга ота-оналик, қонқариндошлик хислатларини узатиб, шахснинг умумий ва ҳиссий ривожланишинигина таъминлаб қолмай, балки шахснинг мавжуд имкониятларини ва ахлокий камолотини ҳам ўстиради. Унда асосий вазифани ахлоқ-одобга доир йўл-йўриқларни болага тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш, катталар тажрибасигина эмас, балки оиланинг яшаш тарзи, муҳити, ота-оналарнинг касб-ҳунари, оила аъзоларининг маънавий рухий муносабатлари ўйнайди.

Оилавий тарбиянинг мураккаблиги яна шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, жамиятнинг ўзига хос кичик уюшмаси бўлиб, тарбия ишида ўзига хос хусусиятларни номоён қилади.

Ана шунинг учун ҳам оилавий тарбиянинг шакл ва услубларини умумлаштириш ва унга бирон – бир тавсиялар бериш ноқулай ва қийиндир. Ота – оналар қанчалик маънавий бой, эътиқодли ва юқори маълумотга эга бўлсалар, шу даражада такомиллашган услуб орқали ўз фарзандларини тарбиялайдилар.

Ҳозирги замон оилалари мавжуд жамият билан узвий боғлангандир. Шаҳарларнинг ўсиши, яшаш шароитларининг яхшиланиши, халқнинг

моддий, маънавий, маданий турмуш савиясининг ошиши ёшларнинг баркамол инсон қилиб тарбияланишига таъсир қилади.

Оилалар тарбия усулларини қўллаш борасида бизларгача етиб келган тажрибалардан фойдаланадилар. Шу нуқтаи назардан оилаларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин, яъни “қаттиққўл” ва “юмшоқ” интизомли оилалар. Биринчи гуруҳга кирувчи оилалар ўз фаолиятларида талабга асосланган услубларга, ҳатто тан жазоси бериш орқали тарбиялашга асосланадилар. Иккинчи гуруҳга кирувчи оилалар эса ўз фаолиятлари намунасида, ишонтириш, юмшоқ интизом, ширин, тўғри муомала орқали тарбиялашга асосланадилар. Агар “қаттиққўл” интизом оиланинг ички муносабатларида ҳуқумронлик қилса, “юмшоқ” интизомларда эса, Оилаларни ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг фаолиятларини сиёсий таҳлил этиш ва баҳолаш мақсадида кўплаб оилаларда табиий кузатишлар олиб борилди, оилавий маросимларда иштирок этилди.

Ота-оналарга психологик ва педагогик билим бериш, оилавий тарбия бўйича тажриба алмашиш, уларни тарбия ишларига қизғин жалб қилиш учун уларни мактабга, маҳалла кўмиталарига таклиф этиш мақсадга мувофиқдир. Ота-оналарнинг бу борадаги энг муҳим вазифалари болаларининг камолотини олдиндан тасаввур эта олишлари, тарбия мақсадларини аниқлашларидадир. *Буни амалга оширишлари учун эса оилавий фаолиятни моҳирлик билан ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Ҳаётда барча оилалар тарбияси учун мансуб умумий шакл топиш мумкин эмас, лекин тарбия хусусида тўпланган тажрибалар асосида соғлом оилавий муҳитнинг умумий хусусиятларидан келиб чиқиб келажакқа кутилиши мумкин бўлган тарбия натижаларини ҳисобга олган ҳолда бир неча омиллар ҳақида сўз айтиш мумкин. Масалан:

1. Оилавий тарбия самарадорлигини оширишда оила аъзолари, болалар шахсини руҳий ва жисмоний камолотга етказиш учун уни ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, оилавий тарбия усуллари ва шаклларига ижодий ёндашиш, уни такомиллаштиришдир. Ота-оналар ўртасида оила хусусида, тарбияга оид билимларни тарғиб қилиш лозим.

2. Соғлом оилавий турмушда ва оилавий тарбияда ижобий ютуқларни қўлга киритган ота-оналарнинг тажрибаларидан фойдаланиш ва бунда уларни маҳалла, мактабнинг кенгайтирилган мажлисларига таклиф этиш орқали ўз тажрибалари билан ўртоқлашишни йўлга қўйиш ниҳоятда муҳим. Улардан унумли фойдаланиш учун фаровон оилалар, ҳурматга сазовор ота-оналари кунини жорий этиш зарур.

3. Маҳалла кўмиталари, мактаб ота-оналар кўмиталари ҳамкорлигида замонавий радиоалоқалар ташкил этиш. Бунда "Оила фаровонлиги мезони", "Ёшларни меҳнатга, ҳаётга, турмушга тайёрлашда оиланинг ўрни", "Фарзандлар руҳий камологида оила мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги" каби мавзуларда эшиттиришлар тайёрлаш муҳим ҳисобланади.¹

¹ Н. Лутфуллаева. Ўзбек оилаларида тарбиявий омилларни такомиллаштириш йўллари. Оиланинг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. Т., 2009. 26 – бет.

Бизнингча, соғлом оилавий муҳитни яратишда ижобий ютуқларга эришган ота – оналарнинг тажрибаларидан фойдаланиш учун уларни таълим муассасаларининг кенгайтирилган йиғилишларига, ота – оналар кўмиталарининг мажлисларига таклиф этиш ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашишни йўлга қўйиш ниҳоятда муҳимдир. Бунинг учун эса таълим муассасаларида ота – оналар кунларини жорий этиш зарур деб ўйлаймиз.

11.2.Бугунги кунда оиладаги долзарб муаммолар

Мустақиллик йилларида оила ва никоҳ муносабатларини мустаҳкамлашнинг аҳамиятига алоҳида урғу берган юртбошимиз И.А.Каримов ўзининг «Юксак маънавият - енгилмас куч» китобларида «... оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ршожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йуналиши сифатида доимий эътибор бериб келмоқдамиз»², - деб таъкидладилар.

Таъкидлаш жоизки, 1991-2009 йиллар мобайнида республикада жами 3 миллион 495342, яъни, салкам 3,5 миллионта никоҳ ҳолатлари расман қайд этилди. Йилдан йилга никоҳга кирувчилар сони ортиб, никоҳ ажримлари нисбатан камайишига эришилмоқда. Лекин бу - Ўзбекистонда оила ва никоҳ борасида муаммолар камаймоқда, деган хулосага олиб келмайди. Энг катта муаммо - бу шаърий никоҳ билангина чекланиб турмуш қуриш ҳолатларининг мавжудлигидир. Унинг бир қатор салбий жиҳатлари борки, уларга, аввало, қуйидагилар киради:

Шаърий никоҳ билангина чекланиб оила қуришнинг оқибатлари, минг афсуски, кўплаб ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради, яъни:

- оталикни белгилаш ҳолатлари бир йилга етмай ошиб кетади;
- ёлғиз оналар сони кўпаяди;
- боланинг, қолаверса, онанинг ҳақ-ҳуқуқлари паймол бўлади;
- қўшхотинлилик кўпаяди;
- эркакларнинг оила ва никоҳ деган тушанчаларга бўлган муносабти кескин ўзгаради, эркаклик, оталик масъулияти камаяди;
- оилалардаги маънавий муҳит бузилади ва ундан келиб чиқадиган барча асоратларнинг гувоҳи бўламиз.

Яна битта катта муаммолардан бири - бу оилавий ажримлар ва уларнинг ижтимоий оқибатлари. Бу борада Республика миқёсида аниқ ўсиш тенденцияси кузатилмаётган бўлса-да, айрим ҳудудларда судлар орқали ажримлар сонининг ортиб бораётганлиги ташвишлидир.

Бугунги кунда оила ажримларининг асосий сабаблари:

- йигит ва қизларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмасликлари, айрим ота-оналарнинг қайноналик ва қайноталикка психологик тайёр эмаслиги;
- муроса қилиш одобининг шаклланмаганлиги;
- тўй-ҳашамлар билан боғлиқ мажороларнинг ёш оила тақдирига таъсири;

- оиланинг ўз иқтисодий муаммоларини ўзи мустакил ҳал қила олмаслиги;
- саломатлик омили (тиббий кўриқдан ўтмаслик, келинчак саломатлигининг яхши эмаслиги, фарзанднинг ҳасталикка чалиниши, ногиронлик ва ҳ.к.);
- қайнона-келин муносабатларининг ёмонлиги;
- эрнинг тайинли ҳунар ва иш эгаси эмаслиги, оилада аёлнинг ягона рўзғор тебратувчи бўлиб қолиши;
- ноқонуний миграция;
- қўшхотинлилик, норасмий никоҳлар;
- рашк, хиёнат;
- бепуштлик;
- бошқа сабаблар.

Оила ва никоҳ борасидаги ижобий тенденциялардан бири - бу йигит ва қизларнинг никоҳга кириш ёшидаги ўзгаришлардир. Охириги йилларда ўтказилган тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, биринчи марта никоҳга кирган йигитларнинг ўртача ёши 24,3 ва қизларники 21,5 ёшни ташкил этмокда. Зеро, агар эслайдиган бўлсак, 90-йилларнинг бошида никоҳнинг ёшариши башорат қилинган эди. Хусусан, 1991 йилда никоҳга кирган жами қизларнинг 8,6 фоизи 18 ёшга тўлмаган эди.

Мустақиллик йилларида никоҳга кирган йигитларнинг ёш гуруҳларида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, 20-24 ёш гуруҳида никоҳга кирган йигитлар салмоғи 15,6 фоизга қисқарди. 25-29 ёш гуруҳидагиларда эса у деярли 2 маротабага ортди. Шунингдек, 30 ва ундан катта ёшда оила қурган йигитлар салмоғи ҳам йил сайин ошмокда. Шунга қарамай, яна бир муаммо ҳамон бор - бу айрим қизларнинг эрта никоҳга киришлари. Чунки ажрим бўлган ҳолатларнинг аксариятида келин жуда эрта турмуш қурганлиги факти тасдиқланмокда.

Республикамизнинг турли ҳудудларидаги туғилиш суръатлари ва си-фати аввало, хотин-қизларнинг маълумотлилиги даражаси, уларнинг шаҳарда ёки қишлоқда яшаши, расмий никоҳда бўлиш ёки бўлмаслиги кўрсаткичларига мосдир. Шунга кўра, бизда оилаларнинг *кўп болали туридан ўртача ёки кам болали турига ўтиш* кузатилмокда.

Яна бир муаммолардан бири хотин-қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларига барҳам беришдир. Амалиёт шуни кўрсатмокдаки, ўз жонига қасд қилиш ҳолатини ўрганса ва унинг олдини олса бўлади, чунки бу ишни қилишга ундаган мотив ҳар бир ҳолатда индивидуал характерли бўлса-да, унинг келиб чиқишига туртки бўладиган ташки омилларда муайян ўхшашликлар бор.

Агар жами қасд қилганларга нисбатан олинганда, захарланиш воситасида қасд қилиш энг кенг тарқалган усул сифатида намоён бўлмокда (44,25%). Агар 2007 йилда бундай хотин-қизлар сони 835 нафарни ёки 47% ни ташкил этган бўлса, 2008 йилнинг охирига келиб улар сони 746 нафарни ёки 42,2%ни, 2009 йилда эса жами 726 нафарни ташкил этган.

Кенг тарқалган усуллар каторига ўзини осий йўли кириб келмокда. Минг афсуски, суикасд окибатида ҳаётдан кўз юмган хотин-кизлар сони ҳам кам бўлса-да, ўсий тенденциясига эга эканлиги маълум бўлмокда. Чуики 2006 йилда бундай жабрдийдалар сони 520 нафар (31,7%) бўлган бўлса, 2008 йилда 578 нафарни, 2009 йилда 564 нафарни ташкил этиб, 33,8% га етган.

Яна бир муаммо - қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг йўк бўлмаётганлиги. Чунки ушбу омил туфайли ҳамон айрим оилаларда ногирон болалар туғилмокца. Маълумотларга таянадиган бўлсак, агар қариндош бўлмаган ота-оналардан ногирон бола туғилиш ҳавфи 2 ёки 3% бўлса, қариндошлар жуфтлигида бу ракам 4,5 - 5,0 % гача боради, яъни, икки баробар ортиқдир.

Юртимиздаги никоҳларнинг 20 фоизидан кўпроғи яқин қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳлар экан. Олимларнинг фикрича, қон-қариндошлардан ташкил топган ҳар 100 та оиладан 60 тасида туғма ирсий касалликка чалинган фарзанд туғилади. Носоғлом фарзанд туғилиши ҳавфи қон-қариндошлик қанчалик яқин бўлса, шунчалик юқори бўлади. Ҳозирги вақтда тиббиётда 6 мингдан ортиқ туғма ирсий касалликлар мавжудлиги қайд этилган бўлса, шулардан 1,5 мингтаси даволаб бўлмайдиган ёки умрбод даволаш керак бўлган касалликлардир. Ҳозир чақалокларнинг 5 фоизи ирсий касаллик билан, 1 фоизи ўлик туғилаётганлиги, аёллар ва эркекларнинг бепуштлиги, 1 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлимнинг бир қисми ирсий омиллар билан боғлиқ.

Кўпинча жойларда тушунтириш ишлари олиб борилганда, фарзандларини яқин қариндошларига уйлаб кўйган ота-оналар "Невараларимиз соғломку, нега ҳадеб бу ҳақда гапираверасизлар", дея эътироз билдиришади. Аммо бир авлод бўлмаса, иккинчи ё учинчисида турли ўзгаришлар рўй бериши мумкин, яъни ирсият бузилади.

XX асрда илм-фан эришган ютуқлар натижасида ирсий белгиларни наслдан-наслга узатувчи тузилма, хужайралар ядросида жойлашган алоҳида оксил тузилма – хромосомлар эканлиги аниқланди. Хромосомлар ҳар бир организмнинг фақат ўзигагина хос бўлган алоҳида белгиларни узатиш имкониятига эга бўлиб, бу хусусият хромосомларнинг бир қисми – ДНК молекуласи ёки генлар томонидан амалга оширилади.

Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан унинг генотиби билан белгиланади. Генотип - бу инсон организмидаги бир-бири билан ўзаро мураккаб муносабатда бўлган генларнинг йиғиндиси. Инсон генотибида ҳозирча 1 миллион атрофида генлар борлиги аниқланган бўлиб, улар хужайралардаги мавжуд 23 жуфт хромосомлардаги ДНКларда жойлашган. Ирсий касалликлар ирсий ахборотларни наслдан-наслга ташувчи генларнинг ўзгаришлари натижасида юзага келади.

Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё вилоятларининг қишлоқ аҳолиси ўртасида ўтказилган текширишлар асаб тизими, рухий касалликлар, қон касалликлари, Даун касаллиги, фенилкетонурия, туғма гипотиреоз каби ирсий омиллар билан боғлиқ касалликлар кенг тарқ-Ядро пардага бўялмайдиган (ахроматик) ип ва бўлакчалар кўринишида тўр орасида

жойлашган бўялувчи қисм (хроматин)га ядро ширасига (асосий масса) ва ядрочаларга эга бўлади. Ирсий хусусиятлар ДНКдан ҳосил бўлган хромосома бўлакчалари (генлар) орқали ўтади. Генларда колиплардаги каби информацион РНК синтез қилинади. РНК ядродан хужайра ситоплазмасига ўтиб, оксил синтези учун керак бўлган асосий структурасининг хусусиятларини етказди. Хужайрада оксилли структурага эга бўлган ферментлар мавжуд. Ҳар бир ген информацион РНК орқали битта фермент синтезини бошқаради ва шу фермент орқали хужайра функциясига таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, хужайра функцияси, оксил синтези, ирсий белгиларнинг ўтиши ДНК—РНК ферменти системаси иштирокида бўлади. Ҳозирча, қайси ген қандай белгиларни ўтказиши аниқ эмас. Лекин генлар тўпламидаги ўзгаришлар авлоднинг айрим хусусиятлари ўзгаришига, хромосомалар тузилишидаги баъзи ўзгаришлар эса, туғма нуқсонларнинг пайдо бўлишига ёки турли касалликка сабаб бўлиши мумкин.

Ота-оналардан бирида наслдан наслга ўтадиган патологик аломатлар бўлса, унга доминант типи, дейилади. Бунда наслдан наслга қўл ёки оёқ бармоқларининг бир-бирига ёпишганлиги, бармоқларнинг калта бўлиши, эшитув асабининг туғма атрофияси касаллиги ана шундай генни ташувчи ота ёки она никоҳланганда, авлодда юқорида келтирилган нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар эътиборда бўлиши лозим. Наслдан наслга ўтувчи рецессив касалликка сабабчи ген яширин ўтиши ҳам мумкин. Бу ҳолларда юқори лаби ёки танглайи тиртиқбола туғилиши мумкин. Баъзида (эркакларда) қоннинг етарлича ивимаслиги (гемофилия) кузатилади. Бундай касалликка хромосома гени сабабчи бўлади. Аммо гемофилия касаллиги наслдан наслга фақат аёллар орқали ўтади. Гемофилия гени бўлган хромосомани ташувчи аёлдан туғилган ўғил болаларнинг қарийб 50 % да қон ивимаслик касаллиги кузатилади. Бундай касал кизларда бўлмайди. Гемофилияли эркак билан гемофилия гени бўлган аёл ўртасидаги (қариндошлар ўртасидаги) никоҳдан туғиладиган ҳомилалар яшашга лаёқатсиз бўлади. Баъзида қизил ва яшил рангларни фарқлай олмайдиган (далтонизм) бола туғилади. Далтонизм наслдан наслга ўтиши мумкин. Булардан ташқари, туғма қор, соқов ва руҳий касал болалар ҳам туғилади.

Оилаларда ирсий касалликлар билан касалланган болалар туғилиши эҳтимолини баҳолаш, ирсий касалликларнинг ҳомиладорлик даврида ташхислаш, аҳолининг тиббий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳларга йўл қўймаслик мақсадида пойтахтимизда ва Самарқанд, Андижон, Наманган, Нукус, Бухоро, Термиз, Фарғона, Қарши, Навоий, Урганч шаҳарларида Скрининг марказлари (тиббий-генетик маслаҳатхоналари) ташкил қилиниб, самарали фаолият кўрсатмоқда.

11.3.Ўзбек мутафаккирларининг оилавий тарбия хақидаги қарашлари

Маънавий меъросимиздаги тарбиявий ғоялар ривожига бир назар соладиган бўлсак, қанчаллик миллий жавоҳирларга эга эканлигимизга ишонч ҳосил қиламиз. Улар тубсиз уммон, битмас – туганмас бойликдир.

Қимматли асарлар яратган Абу Али Ибн Сино, Беруний, Фаробий, Алишер Навоийлардан тортиб XIX – асрнинг охири XX – асрнинг бошида маърифатпарварлар Абдулла Авлоний, Аҳмад Дониш, Фурқат ва бошқалар халқимиз учун тарбия борасида улкан ва ўлмас асарлар яратдилар.

Ибн Синонинг асарларида таълим – тарбия, илм – маърифат, инсоннинг рухияти, ахлоқ ва одоб каби масалалар тўғрисида чуқур фикрлар ифодаланган. Унинг фикрича оилада отанинг табиатан юмшоқ кўнгил бўлиши, шириш сўзли бўлиши бола тарбиясини бузиши мумкин. Оилада бош тарбиячи отадир дейди. Ота болалар тарбиясида қаттиққўл ва ҳатто лозим бўлса, жазо беришга қадар таъсир кўрсатувчидир.

Шу билан биргаликда у оналарнинг донолиги, босиқлиги, ҳалоллиги, камтарлиги каби ахлоқий сифатларни улуғлайди. Унингча, аёллар ҳамма ерда эркакнинг муносиб ҳамроҳи бўлиши билан бирга, оила мустаҳкамлиги ҳамда болаларни тарбиялашда унинг энг яқин ёрдамчиси ҳамдир.

Алишер Навоий ҳаётига назар ташлаган киши умир бўйи топган тутганларини оч – ялонғочларга, етим – есирларга, муҳтож олим, шоирларга, улашиб бери шва уларга ота меҳри билан муносабатда бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Ёшларнинг ота билан бирга онани жуда ҳурмат қилиша, оталарни кадрлашга чақиради.

Қисқа хулоса

Ушбу мавзуда оилада бола тарбияси, ҳозирги замон оилалари мавжуд жамият билан узвий боғлиқлиги, шаҳарларнинг ўсиши, яшаш шароитларининг яхшиланиши, халқнинг моддий, маънавий, маданий турмуш савиясининг ошиши ёшларнинг баркамол инсон қилиб тарбияланишига таъсир қилаши ҳақида фикр юритилган. Бундан ташқари мавзуда оилани мустаҳкамлаш мақсадида «Мақтаб, оила ва жамоатчилик концепцияси» нинг асосий моҳиятлари очиқ берилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Оилавий тарбия самарадорлигини ошириш омиллари нималардан иборат?
2. Оилада ота-она ва фарзанд муносабатлари ҳақида гапиринг.
3. Буюк мутафаккирларимиз оиладаги тарбия масалалари ҳақида қандай фикрлар билдирганлар?
4. Маънавий меросимиздаги тарбиявий ғоялар нималардан иборат?
5. «Қаттиққўл» интизомли оила муҳитини тасвирлаб беринг.

6. Оила тарбиясидаги объектив ва субъектив сабаблар деганда нимани тушунасиш?

7. Наъмунали оилалар тажрибасини қандай йўллар билан оммалаштириш йўллари мавжуд?

8. Бугунги кунда оиладаги долзарб муаммолар деганда нимани тушунасиш?

12 - мавзу. Ўсмирлик даврида характерни индивидуал хусусиятлари ва унда тарбиянинг роли

Режа

12.1. Ўсмирлик даврining ўзига хос хислатлари.

12.2. Ўсмирлик даврида характер ва унинг ўзгарувчанлиги.

12.3. Гуруҳ раҳбарини ўсмирлар билан ахлоқий тарбия жараёнини ташкил этиши.

12.1. Ўсмирлик даврining ўзига хос хислатлари

Бу давр хақида изланиш олиб борган психолог – педагогларнинг илмий тадқиқот натижаларига кўра ўсмирлик даври ўғил болаларда 13 - 16 ёшларни, қиз болаларда 12 - 15 ёшларни ташкил этади ва бу давр психологияда шахс идентификацияси ва ролларнинг чалкашлигидаври деб номланади.

Ўсмирлик даври энг мураккаб ва шу билан бирга муҳим тараққиёт босқичидир. Илк ўсмирлик 11-13 ёшни, катта ўсмирлик - 14 - 15 ёшларни ўз ичига олади. Бу даврнинг энг муҳим хислати шундан иборатки, у болаликдан ўспиринлик, катталиқка, ёшлиқдан етукликка ўтиш давридир.

Ўсмирлик - организм тараққиётидаги шиддат ва нотекислик билан характерланиб, бу даврда тананинг интенсив тарзда ривожланиши ва суякларнинг қотиши рўй беради. Юрак ва қон томирлар фаолиятида ҳам нотекислик бўлиб, бу ҳам бола феълининг ўзгарувчан, динамик ва баъзан номаъқулликлар ва ноқулайликларни келтириб чиқаради. Булар албатта асаб тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, бола тезга аччикланадиган ёки тормозланиш юз берганда анчагача депрессия ҳолатидан чиқолмайдиган тушкунликда қолиши ҳам мумкин.

Ўсмирларни невроз ҳолатига олиб келувчи сабаблари:

- *Яқин одамни йўқотиш кечинмаси.*
- *Айбдорлик ҳисси.*
- *Агрессивлик.*
- *Ўзини-ўзи баҳолаш муаммоси.*

Айни шу даврда бола мустақил равишда фикрлашга интила боради. Чунки бу даврда у кўпроқ ўз фикр-уйлари дунёсида мушоҳада қилиш, олам ва унинг сирларини билишга, назарий билимларни кўпайтиришга интилади. Бунинг сабаби - яна ўша катталиқка ўтиш бўлиб, болада ўзига хос «катталиқ» ҳисси пайдо бўлиб, бу нарса унинг гапириши ва фикрлашларида ҳам ифодаланади. Шунинг учун ҳам мактабда берилган

мустақиллик ва тўғри ташкил этилган ўқиш шароитлари, самимийлик муҳити унда мустақил фикрлашига катта имкониятлар очиши ва ундаги ижодий тафаккурни ривожлантириши мумкин. Шунга боғлиқ тарзда ўсмирнинг ўз фалсафаси, ўз сиёсати, бахт ва мухаббат формуласи яратилади.

Мантқан фикрлашга ўрганиши эса унга ўзича ақлий операцияларни амалга ошириш, тушунчалар ва формулалар дунёсида ҳаракат қилишга мажбур қилади. Бу ўзига хос ўсмирлик эгоцентризмнинг шаклланишига - бутун олам ва унинг қонуниятлари унга бўйсунishi керакдай фикрнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам айнан ўсмирлик пайтида болалар ўз ота-оналари билан ҳадеб тортишаверадилар. Аниқ бир тўхтама келолмаса ҳам тортишиш бирор фиркни изхор қилиш эҳтиёжининг ўзи унга жуда ёқади.

Шундай бўлишига карамай, ўсмирлик юқорида таъкидланганидек, карама - қаршилиқларга бой даврдир. Уни баъзи олимлар «кризислар, таназуллар» даври ҳам деб атайдилар. Сабаби - бола руҳиятида шундай инкирозий ҳолатлар кўп бўладики, у бу инкирозни бир томондан ўзи ҳал қилгиси келади, иккинчи томондан, уни ҳал қилишга имконияти, кучи ва ақли етишмайди.

Ўсмир шахсининг такомиллашуви ва шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири - ўқув фаолияти мотивларидаги сифат ўзгаришидир. Кичик мактаб ёшидаги боладан фаркли, ўсмир энди фақат билимлар тизимига эга бўлиш, ўқитувчининг мақтовини эшитиш ва «5» баҳоларни кўпайтириш учун эмас, балки тенгқурлари орасида маълум *ижобий мавқени эгаллаш*, келажакда яхши одам бўлиш учун ўқиш мотивлари устивор бўлиб боради. Улар мактабга боргиси келмайди, ўқишга оғриниб келиб, салбий эмоциялар ва ҳавотирлик ҳисларини бошдан кечирадилар (ўртача 20% ўқувчилар). Бу катталарнинг ўсмир билан ишлашини қийинлаштиради.

12.2. Ўсмирлик даврида характер ва унинг ўзгарувчанлиги

Машҳур рус руҳшуноси А.Е.Личко фикри бўйича *ҳарактернинг акцентуацияси* – бу характернинг айрим аломатларини ғоятда кучайтириш, бунда инсонни психологияси ва ҳулқидаги патология (касаллик орқасидаги меъёрдан четга чиқишлик) билан чегараланувчи меъёрлар доирасидан четга чиқишлар кузатилади. Бундай акцентуация психиканинг вақтинча ҳолати сифатида ўсмирлар ва ўрта ёшлик ёшида кузатилади. А.Е.Личко таклиф қилган ўсмирлар характерлари акцентуациялари таснифи куйидагича кўринади:

1. Гипертимли тур. Ушбу турдаги ўсмирлар ҳаракатчанлик, дилкашлик, шўхликка мойиллик билан ажралиб турадилар. Атрофларида содир бўлаётган воқеаларга улар кўпроқ шовқин-сурон киритадилар, тенгдошларининг нотинч компанияларини яхши кўрадилар. Яхши умумий қобилиятларда уларда чидамсизлик, анча интизомлик кўринади, нотекис

ўқийдилар. Уларнинг кайфиятлари ҳамма вақт яхши, кўтаринки. Уларда катталар ота-оналар ва педагоглар билан кўпинча жанжаллар вужудга келади. Бундай ёшлар кўпинча турли туман қизиқишларга эга, аммо бу қизиқишлар, қоидага кўра, юзаки ва тез ўтиб кетадилар. Гипертимли турдаги ўсмирлар кўпинча ўзларининг қобилиятларини юқори баҳолайдилар, ўзига жудаям ишонган бўладилар, ўзларини кўрсатиш, мақтаниш ва атрофдагиларда таъсурот қолдиришга ҳаракат қиладилар.

2. Циклодли тур. Ортикча сержаҳллик ва лоқайдликка мойиллик билан таърифланадилар. Бу турдаги ўсмирлар қаерлардасир тенгдошлари билан бирга бўлишдан кўра уйда ёлғиз бўлишни афзал кўрадилар. Улар ҳатто кичик кўнгилсизликни ҳам оғир бошдан кечирадилар, танбехларга ғоятда жаҳл билан жавоб қайтарадилар.

3. Лобилли тур. Бу турнинг кайфияти жудаям ўзгарувчандир, бунинг устига кўпинча уни олдиндан айтиб бўлмайди. Кайфиятни тўсатдан ўзгариши учун сабаблар жудаям кичик бўлишлари мумкин, масалан, кимнидир тасодифан айтиб юборган сўзи, кимнидир совуқ қараши. Уларнинг барчаси “қандайдир жиддий кўнгилсизликлар ва муваффақиятликлар йўқлигида ҳам умидсизликка тушишга ва ғамгин кайфиятда бўлишга қодирлар”. Бу ўсмирларнинг хулқи бир зумлик кайфиятга боғлиқ. Кайфиятга мос келувчи ҳозирги вақт ва келажак ё қувончи ёки ғамгин бўёқлар билан безатиш мумкин. Бундай ўсмирлар, руҳсиз кайфиятда бўлган ҳолда, уларнинг кайфиятларини кўтариш, диққатини бошқа томонга тортиш, руҳлантириш ва хурсанд қилишга қодир шахсларнинг ёрдами ва қўллаб қувватлашга муҳтождирлар. Улар атрофларидаги одамларнинг муносабатларини яхши тушунадилар ва ҳис қиладилар.

4. Астеноневротик тур. Бу тур ортикча ваҳимачилик ва инжиклик, толиқишлик ва сержаҳллик билан таърифланади. Толиқишлик айниқса кўпроқ қийин ақлий ишни бажаришда намоён бўлади.

5. Сезинтивли тур. Унга ҳамма нарсага ҳафа қилувчи нарсага ҳам, хурсанд қилувчига ёки қўрқитувчига ҳам ортикча таъсирлилик хосдир. Бу ўсмирлар катта компаниялар, жудаям қизиқтирадиган, ҳаракатчан шўх ўйинларни ёқтирмайдилар. Улар одатда бегона одамлар олдида уятчан ва кўрқокдирлар ва кўпинча одамларга аралашмаслик тассуротини қолдирадилар. Фақат ўзларига яхши таниш бўлганлар билан очик ва дилкаш бўладилар, тенгдошлари билан мулоқот қилишдан кўра кичкинтойлар ва катталар билан мулоқотни афзал биладилар. Улар қулоқ солиш билан ажралиб турадилар ва ота-оналарига қаттиқроқ боғланадилар.

6. Шизоидли тур. Бу турнинг энг муҳим аломати – одамларга аралашмасликдир. Бу ўсмирлар тенгдошларига унчалик интилмайдилар, ёлғиз, катталар компаниясида бўлишни афзал биладилар. Улар кўпинча атрофларидаги одамларга ташқи бепарволикни, уларга қизиқмасликларини намоён қиладилар, бошқа одамларнинг ҳолатини, уларнинг кечирмаларини яхши тушунмайдилар, ҳамдардлик билдиришни билмайдилар. Уларнинг ички дунёси ҳар хил фантазиялар, қандайдир алоҳидаги қизиқишларга

тўла. Ўзларининг хиссиётларини ташки намоён қилишда улар вазминдирлар, ҳамма вақт ҳам атрофдагилар, ҳаммадан аввал ўз тенгдошлари учун тушунарли эмаслар, қондага кўра, кейингилар уларни унчалик яхши кўрмайдилар.

7. Эпилептоидли тур. Бу ўсмирлар кўпинча йиғлайдилар, айникса эрта ёшликлариди атрофдагиларни безор қиладилар. Бундай болалар, деб ёзади А.Е.Личко, ҳайвонларни қийнаш, қичикларни ғашига тегиш, кучсизлар устидан масҳара қилишни яхши кўрадилар. Болалар компанияларида улар ўзларини дикторлар (хукумронлар) сифатида тутадилар. Уларнинг тирик аломатлари – шафқатсизлик, ҳокимлик ва ўзини ўзи севишдир. Бундай ўсмирлар ўзлари бошқараётган болалар гуруҳида ўзларининг қаттиқ, деярли террорчилик тартибларини ўрнатадилар, бунинг устига бундай гуруҳлардаги уларнинг шахсий ҳокимлиги асосан бошқа болаларнинг ихтиёрий тобийлиги ёки кўркувга асосланади. Қатъий интизомли тартиб шароитларида улар ўзларини кўпинча юкорида деб ҳис қиладилар, бошлиқларга ёқиш, тенгдошлари олдида айрим афзалликларга эришиш, ҳокимликни олиш, атрофдагилар устидан хукумронликни ўрнатишга ҳаракат қиладилар.

8. Намойишкор (истероид) — тан олинисга эҳтиёж қониқтирилмаганда «касал бўлиб олиш», манманлик, қалтис ишларга кўл уриш билиш ифодаланадиган, ўзига диққатни жалб қилиш учун фойдаланиладиган ёлғончилик, фантазёрлик ва муғамбирлик, субъект учун нохуш бўлган факт ва ҳодисаларни сиқиб чиқариш хусусияти.

9. Комформизм тур. Бундай тур ҳар қандай гуруҳдаги обрўли шахсга, кўпчиликка ўйламасдан, кўпинча эса оддийгина конъюктурали бўйсунисни намоён қиладилар. Бундай ўсмирлар одатда морализаторлик (насихатгўйлик) ва консервитизм (эскилик тарафдори бўлишлик)ка мойиллар, уларни асосий ҳаётий маслаки – “Ҳамма каби бўлиш”. Бу иккиюзламачининг тури, у ўзининг шахсий манфатлари учун ўртокни сотиш, уни қийин пайтда ташлаб кетишга тайёр, аммо у нима қилмасин, у ўзининг қилмишига “ахлоқий” ваз топади.

12.3. Гуруҳ раҳбарини ўсмирлар билан ахлоқий тарбия жараёнини ташкил этиши

Ҳар бир ўсмирнинг эҳтиёж ва қизиқиш даражасини ўрганиш уларга ўз эҳтиёжларини жамият манфаатларига, ҳал этилаётган ижтимоий вазифаларга бўйсинтиришга, ўз жамоаси шароитида вужудга келаётган эҳтиёжларни кўра олишга ва ниҳоят уларнинг ҳал қилишининг аниқ шарт-шароити ва ҳақиқий имкониятларни топа олишга ўргатиш гуруҳ раҳбарининг бурчидир. Ахлоқий тарбия вазифаларини амалга ошириш, ўқувчиларни ғоявийлик, байналмилаллик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш; шахсининг фаол пазитциясини таркиб топтириш; ахборотлар оқимида ўзига тўғри йўналиш оола билишга ўргатиш; миллий ғоя учун кураш жараёнида ўзининг фаол

фаолияти билан иштирок этишга тайёргарлик; меҳнат фаолиятида ахлоқий жихатдан тарбиялашнинг ахамияти тобора ортиб бормоқда. Ўсмирларни ахлоқий жихатдан тарбиялаш, уларда дунёқарашни шакллантириш асосан дарсда хал қилинади, лекин бу иш гуруҳ раҳбари фаолиятида алоҳида ўрин тутиш керак.¹

Айни вақтда гуруҳ раҳбари ўсмирларнинг ахлоқий шаклланиши, маънавий дунёсининг таркиб топиши учун ҳам ғамхўрлик қилади. Халқимиз моддий фаровонлигининг, маданий даражасининг, маънавий дунёсининг ўсиб бориши, мамлакатимиз маънавий ҳаётида энг илғор ва энг инсонпарвар ижтимоий муносабатлар тизимининг қарор топганлиги гуруҳ раҳбари амалга оширадиган ахлоқ тарбиясининг мувоффақиятини таъминлаш учун гаровдир.

Ўсмирларнинг ахлоқий шаклланиши фаолият жараёнида рўй беради. Фаолиятни ташкил этиш билан гуруҳ раҳбари ҳар бир талаба шахсини ғоявий-ахлоқий жихатдан таркиб топишни таъминлайди. Талабаларни фаолиятнинг маълум бир турига жалб қилиш аниқ мақсадга қаратилиши керак.

Ўсмирларни ахлоқ назариясига доир билимлар билан қуроллантириш ва уларни ижтимоий ҳаёт воқеаларидан ахлоқий томонларни ажрата олишга, ахлоқ меъёрларига мувофиқ баҳолашга ўргатиш билан гуруҳ раҳбари йигит-қизларнинг ўз хулқини ахлоқ меъёр ва қоидалари нуктаи назаридан идора қила олишларига эришади.

Ёшлар билан ўтказиладиган одоб ва ахлоққа оид суҳбатлар улар иштирок этадиган ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат, турли хил ижод ишлари «Камолот» ташкилоти фаолияти билан узвий боғлиқ тарзда борсагина, ижобий натижа беради. Ахлоққа оид суҳбатлар самарадорлигини таъминловчи муҳим шартлардан бири талабаларнинг онги билан хулқи ўртасидаги бирликни таъминлаш ҳисобланади. Ахлоқий билим беришдан мақад, ташқи таъсирни онгли ҳаракат билан боғловчи ички истакка айлантиришни таъминлашдир. Бунда у ўзига маълум бўлган ахлоқ меъёрига риоя қилган ҳолда тўғри ҳаракат қилиш йўлини танлаб олишга ўрганади. Масалан, гуруҳ раҳбари ўз суҳбатини шундай бошлайди. «Автобусда кетаётган бир неча ёшлар қўлларидаги радиоплейрни баланд қўйиб, аллақайси гуруҳ ижросидаги сершовкин куй тинглаб борардилар. Кекса айол улардан овозни пасайтиришни илтимос қилиб қолди. Бунга жавобан «Эшитгингиз келмаса қулоғингизни беркитиб олинг» деди ёшлардан бири. Иккинчиси эса вазиятни юмшатиш учунми, ёки ноқулай аҳволдан чиқиш учунми ҳар ҳолда «Ҳолажон, сиз замонавий куйларни ёмон кўраркансиз-да» т-деди, учинчиси эса, «Сиз биргинасиз, биз эса кўпчиликмиз. Кўпчиликни истагини ҳурмат қилиш керак бувижон!»— деб қўшиб қўйди. Гуруҳ раҳбари талабалар билан вужудга келган ушбу вазиятни муҳокама қилиб, ўз фикрларини билдиришни таклиф қилади.

¹ М. Ҳақимова. «Ўзбек халқ педагогикаси». Т.ТДИУ.2009. 62- бет

Ахлокий билим беришда гуруҳ раҳбари билан оилавий ҳамжихатлик ғоят муҳим омилдир. Шунинг учун ёшлар билан бир каторда ота-оналар ўртасида ҳам ахлокий тарбияга доир билимлар тарқатиш керак. Ахлоққа оид суҳбатларни бир ойда бир марта ўтказган маъқул. Хар бир суҳбатга 7-10 кун тайёрланилади. Суҳбат вақти 40-45 минутдан ошмаслиги керак. Навбатдаги суҳбатга тайёрлик даврида гуруҳ раҳбари ҳамда ёшлар турли хил* фаолиятда иштирок этадилар. Мавзу танлашда гуруҳ раҳбари мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида рўй бераётган воқеаларга, ўқув материалнинг мазмунига, ўсмирларнинг ахлоқ меъёрига доир билимлари даражасига асосланади.

Гуруҳ раҳбари суҳбатлар билан бир каторда тушунтириш, маъруза, намуна-ибрат кабилардан ҳам кенг фойдаланилади. Ана шу жараёнда у ўсмирнинг ахлокий мулоҳазасини ўстиришга ўзининг ва бошқаларнинг хулқини ахлоқ меъёрлари асосида баҳолай олишга қаратилган ишларга, уларни жалб қилишга алоҳида эътибор бериш лозим. Одатда талабалар ўртоқларининг, атрофдаги кишиларнинг хулқидаги ижобий, салбий томонларни баҳолай олганлари ҳолда ўз хулқидаги томонларга у қадар эътибор беришмайди ва уларда ўз хулқини баҳолаш анча кеч кўрина бошлайди. Мана шунинг учун гуруҳ раҳбари талабаларни ўз хулқини баҳолаш анча кеч кўрина бошлайди. Мана шунинг учун гуруҳ раҳбари талабаларни ўз хулқини ахлоқ меъёри ва талаблари асосида қуйи курслардан бошлаб баҳолашга ўргата бошлаши мақсадга мувофиқдир.

Гуруҳ раҳбари хар бир ўсмирнинг хулқига, характер хислатларига алоҳида эътибор бериб бориши керак. Гуруҳда педагогик қаровсиз қолган, тарбияси қийин болаларга ҳам учрайди. Агар бу хил болаларнинг хулқи ўз вақтида тузатилмаса, у жамиятдаги ахлоқ меъёрларига ҳилоф йўналиш касб этиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам гуруҳ раҳбари бу хил ёшнинг хулқидаги салбий йўналишни қанча тез аниқласа, уни тузатишга қанчалик тез ва фаол аралашса, шунча яхши иш қилган бўлади.

Гуруҳ раҳбарининг ахлокий тарбияни амалга ошириши методик асосга эга бўлсагина самара беради. Бунинг моҳияти гуруҳ раҳбарининг ўсмирларни ахлокий ривожлантиришга қай даражада таъсир қила олишидир, яъни ўсмирнинг ёши, гуруҳи, шахсий хусусияти ҳисобга олиниши керак.

Ахлокий мавзулар юзасидан мунозаралар ўтказиш ўсмирларда ахлокий эътиқод, қараш ва нуқтаи назарни шакллантиришнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Мунозара вақтида гуруҳ раҳбари бетараф туриши фойдалидир. Мунозара охирида гуруҳ раҳбари яқун чиқаради. Мунозара учун ёшларни тўлкилантираётган масалалар мавзу бўлади, масалан: «Ҳаётда ўз ўрнини топишнинг маъносини қандай англайсиз?», «Яшашнинг маъноси ва ҳаётдан мақсад», «Инсон қачон бахтли бўла олади?», «Замонавий бўлишнинг маъноси нимада?».

Гуруҳ раҳбари хар бир мавзунинг мазмунига қирадиган масалаларни аниқлашда ўсмирларга ёрдам беради. Масалан: «Ҳаётда ўз ўрнини топишнинг маъносини қандай англайсиз?» мавзуси учун

асос килиб куйидаги масалаларни олиш мумкин: «Хаётда ўз ўрнини топиш» иборасини қандай тушинасиз?

Қандай орзуни эскирган дейиш мумкин?

Бахт ва хаётдан лаззатланиш, улар ўртасида фарқ борми?

Шахсий эркинликни қандай тушунасиз?

Сизнинг ғоянгиз каби масалаларни тавсия қилиш мумкин. «Яшашнинг маъноси ва хаётдаги мақсад» мавзусига.

1. Хаётнинг «маъноси» ва «мақсади» бир хил тушунчами?

2. Хаётимиз қўйган кадамимизга қанчалик ва қай жихатдан боғлиқ бўлиш мумкин?

3. «Қандай яшаш керак», «Нима учун яшаш керак», бу масалаларнинг ҳар бирини қандай англаш керак?

4. «Яшашнинг маъноси» ва «Бахт» тушунчалари ўртасида ўзаро ўхшашлик борми? Бўлса нимада, каби масалалар асос килиб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Мунозара учун тавсия этилаётган бу мавзулар ёшларнинг фикрини банд қиладиган асосий мавзулар бўлиб, улардан қайси бирини танлаш, қандай уюштириш гуруҳ ўқувчиларнинг эҳтиёжига, жамоадаги кайфият ва қизиқишга боғлиқ. Бу мавзулар мазмунига қирадиган масалалар ҳаммаси ахлоқ, маънавий хаёт билан боғлиқ бўлган бўлиб, улар юзасидан юритиладиган бахслар ёрдамида талабалар ахлоқий билимга жамиятдаги одамлар муносабати билан боғлиқ меъёор ва қоидаларга оид тушунчаларга эга бўладилар, аста-секин уларда ишонч ва қарашлар таркиб топа боради.

Гуруҳ раҳбари фаолиятининг мазмунига қирадиган ахлоқ тарбияси фақат юқоридагилар билангина хал бўла қолмайди. Ахлоқий тарбияни амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, асосий эътибор ўсмирларда ахлоқий онг, ахлоқий хис, тушунча, мулоҳаза кабиларга мувофиқ ахлоқий малака ва одатларни шакллантиришга қаратилиши керак.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ўсмирларда тарбия самарадорлигини ошириш омиллари нималардан иборат?

2. Ўсмирларнинг ўзига хос хислатлари ҳақида гапиринг.

3. Машҳур рус рухшуноси А.Е.Личко характернинг акцентуацияси ҳақида қандай фикрлар билдирганлар?

4. А.Е.Личко ўсмирлар характерини қандай турларга бўлган?

5. Гипертимли турдаги ўсмирлар қандай хислатлар билан характерланади?

6. Лобилли турдаги ўсмирлар қандай хислатлар билан характерланади?

7. Сезинтивли туртурдаги ўсмирлар қандай хислатлар билан характерланади?

8. Гуруҳ раҳбарининг ўсмирлар билан ахлоқий тарбия жараёнини ташкил этишининг қандай йўллари мавжуд?

13 - мавзу. Олий ўқув юртларида тарбиявий ишлар назарияси ва амалиёти

Режа:

13.1. Маънавий-ахлоқий, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий одатларини тарбиялашнинг вазифалари.

13.2. Олий ўқув юртларида олиб борилаётган ишларнинг асосий моҳияти.

13.3. Ёшларни касбга йўналтиришда миллий истиқлол мафкурасига асосланган маънавий-ахлоқий, маданий-маиший йўналишлар.

13.4. Талабаларда касб маданиятини шакллантириш.

13.5. Касб таълими муассасаларида ахлоқий тарбия муаммоси.

13.6. Ўқитиш жараёнини илғор педагогик технология ва ахборот технологияси асосида уюштириш.

13.1. Маънавий-ахлоқий, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида талаба ёшларнинг маънавий-ахлоқий одатларини тарбиялашнинг вазифалари

Ҳозирги кунда ёшларни баркамол инсон, ўз ватанининг илғор кишиси сифатида тарбиялаш энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Чунки айнан ёшлар давлатимизнинг келажагидир.

Мамлакатимизда чуқур, кенг қамровли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамият маънавий юксалиш ва янгилашиш сари юз тутган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3–сентябрдаги “Республика маънавият ва маърифат кенгаши қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони замиридаги ғоялар, улардан келиб чиқадиган асосий мақсадлар маънавиятнинг устуворлигини яна бир қарра тасдиқлайди.¹

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озик беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади.

¹ К.Хошимов., М.Хошимова. Тарбиявий ишлар услубиёти. – Т.: ТДИУ, 2006.

Маънавияти юксак шахслар юртни танитади. Шахсни эса унинг маънавий кифоаси танитади. Маънавият – тарбиядан бошланади. Таълим–тарбиясиз маънавиятнинг бўлмаслиги барчага аён ҳақиқатдир.

Миллий педагогика асосчиларидан бири Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидир!” деган сўзлари фикримизга далил бўлади.

Тарбия – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир.

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда бекиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва бу хатти-ҳаракатини секин-аста кўникмага айлантириб бориш лозим. Бу эса, инсонни мушоҳада қилиш қобилиятини тарбиялайди ва мушоҳада қилиш ақли пешлайди. Ақл онгни саклайди, онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узоқ давом этадиган масъулият, шарафли меҳнат ва кунт, иродани талаб этади.

Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, фақат маънавият-маърифат кенг қулоч ёйган, илм-урфон тараққий этган мамлакатдагина адолатли жамият қуриш ва унда бир-бирига меҳр-оқибатли, камолотли инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик, яратувчилик ишига, эзгуликка интилиши кучли ва жамият фуқароларида соғлом фикр, ақл-идрок ҳар доим устувор бўлади.

Мустақиллик бизга маърифий, маданий, адолатли ва инсонпарвар жамият қуриш имконини берди. Энди бу жамиятга ҳар бир инсон ўз ўрни, мавқеига яраша виждонан ҳисса қўшмоғи лозим.

Инсоннинг маънавияти унинг одоби, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимлари замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ижобий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади. Фазилатлар инсоннинг ижобий сифатлари мажмуидан иборат.

Сифат – алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи ахлоқий категориядир.

Фазилат – алоҳида шахс, эл, элат, халқ, улусга тааллуқли бўлган ижобий ахлоқий сифатлар мажмуи.

Одамнинг инсон сифатида шакллана бориши жараёнида унинг камолоти даражаси одоб, ахлоқ, маданият, маънавият элементларининг унда қанчалик мужассамланганлиги билан белгиланади. Шу ўринда бу категорияларнинг моҳияти устида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Одоб – ҳар бир инсоннинг ўзи бир инсон ёки жамоа билан бўлган мулоқотида ҳамда юриш-туришида ўзини тута билишидир.

Ахлоқ - жамиятда қабул қилинган, жамоатчилик фикри билан маъқулланган хулқ-одоб нормалари мажмуи.

Маданият – жамиятнинг ва унда яшовчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий ютуқлар мажмуаси.

Маънавият – инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, рухий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси.

Камолотга эришган, ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялаш жараёни унинг доимий, мунтазам изчил ва бир тизимга кирган шаклда бўлишини тақоза этади. Бу йўлда касбий таълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштириш, профессионал фанлар сингари ғоявий мазмуни талабаларга янги жамиятнинг ҳар бир мутахассисига зарур бўлган ижтимоий дунёқарашни шакллантирувчи тасаввурлар заҳирасини ҳосил қилиши лозим бўлган ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишга янгича ёндошув асосида ахлоқ малакаларини ҳосил қилиш мумкин. Талаба ёшларда ягона педагогик жараёнда маънавий-ахлоқий одатларни тарбиялашда қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

- шўролар ҳокимияти даврида таълим соҳасидан ўрин олган мафкуравий маҳдудликдан ҳалос бўлиш;

- ўзбек миллий менталитети ва жаҳон цивилизацияси ютуқларига таянадиган маънавий кадриятлар тизимини мустаҳкамлаш;

- Шарқ мутафаккирлари асарларида кўтарилган Комил инсон ғояси таълимотларига амал қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида таълим-тарбия хусусан ҳозирги замон ёшлари қандай бўлиши керак деган таълимотига нисбатан жавобларга тўла амал қилиш кабилар.

13.2. Олий ўқув юртларида олиб борилаётган ишларнинг асосий моҳияти

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, йигит-қизларини ХХI асрнинг талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш иши энг долзарб масала этиб олинган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов баркамол шахсни шакллантириш ишининг ҳаётий зарурати ва долзарблиги ҳақида гапирар эканлар, «Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий кадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда» деб алоҳида таъкидлайдилар¹. Бу вазифалар, биринчи навбатда келажакнинг бунёдкорлари бўлмиш ёш авлоднинг билим олиш, юқори малакали кадрлар бўлиб ўз юрти ва ҳалқига ситқидилдан меҳнат қилиш, озод юрт равнақи ва бахт-саодати учун ҳалол меҳнат қилишга ўргатишни назарда тутди. Зеро, мустақиллик айнан фидоий, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрларнинг жамиятни бошқаришини тақозо этади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. - 54 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган модел ўзининг мустақил тараққиёт йўлига асосланган ҳолда бозор иқтисодиётига тўла ишонч билан ўтиб бормоқда. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, «Сиёсий мустақиллик ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт билан мустаҳкамланмас экан, у бор-йўғи курук, баландпарвоз гаплар, сохта обрў-эътибор орттириш воситасига айланиб қолаверади».¹

Мустақилликнинг ўтган 20 йиллик даври давомида миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, инқироз ҳолатидан чиқарилди ва унинг кўпгина соҳаларида барқарор ўсишга эришилди. Бозор механизмнинг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилди, ҳозирги кунда эса иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни ҳар тарафлама эркинлаштириш амалга оширилмоқда. Энг муҳими шу давр ичида миллий истиқлол ғояси ва мафқураси шаклланиб, кишиларимиз онгига сингиб бормоқда.

Бу қўйилган дастлабки қадамларимиз натижасида шаклланиб келаётган миллий иқтисодимиз янги ХХІ асрда биз яшамоқчи бўлган умумий уйимиз, яъни янгиланаётган ватанимизнинг ҳаётий асосини, унинг келгусидаги тараққиёт манбаини ташкил этади.

Олий ўқув юртлири Республика узлуксиз таълим тизимининг етакчи бўғини ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда мустақил Ўзбекистонда рўй бераётган таълим ўзгаришларида олий таълимни ислоҳ этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки, олий мактаб Республика миллий бойликнинг ўсишига имконият яратувчи, кучли, мунтазам ўсиб боровчи иқтисодиётни бунёд этувчи мутахассисларни етказиб беради.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” рисоласида давлатимизнинг мутахассислар тайёрлашга бўлган муносабати ёрқин ифодасини топган: “Ёшлар, уларнинг иқтидорлилиги ва билим олишга чанқоклигидан таълим ва маънавиятини тушуниб етиш бошланади. Бизнинг давлатимиз мутахассислар тайёрлашнинг илғор жаҳон тажрибасини кенг жалб этади, ва, энг аввало, бевосита Ўзбекистоннинг ўзида юқори сифатли таълим учун шароитлар яратади”¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунларига мувофиқ Ўзбекистоннинг илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини масаласини ривожланган мамлакатлар даражасида ҳал этишга қодир, юксак даражада маънавий, маданий ва ахлоқий сифатларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш олий таълим тизимининг вазифаси ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Жамиятда тadbиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида 2001 йил 17 июлда сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 18 июль.

Олий таълим тизимининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ замонавий таълим-касб дастурлари асосида сифатли ўқитувчи таъминлаш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш;

- юқори малакали илмий-педагог кадрларни, жумладан хорижий илмий марказларда, тайёрлаш;

- мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболи, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология, иқтисод ва маданият замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлашнинг ташкил этилиши ва усулини мунтазам такомиллаштириш;

- таълимни индивидуаллаштириш, масофадан ўқитишнинг янги педагогик ва информацион технологиялари, воситаларини жорий этиш;

- мустақиллик ҳояларига содиқлик, Ватанга, оилага ва атроф муҳитга муҳаббат руҳида, миллий уйғониш мафқураси ҳамда умуминсоний кадриятларни чуқур ҳис этиш асосида олий таълимнинг гуманитар йўналишини, ёшлар тарбиясини таъминлаш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали уйғунланувчи усуллари амалиётга татбиқ этиш;

- таълим хизмати кўрсатиш бозорида, рақобат муҳитини юзага келтириш;

- олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш ва мустақиллигини кенгайтириш.

Олий таълим тизими қуйидагилардан иборат:

- *давлатга қарашли ва давлатга алоқадорсиз олий таълим муассасалари*, булар давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим-касб дастурини амалга оширади;

- *илмий-педагогик муассасалар*, булар олий таълимни ривожлантириш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини олиб боради;

- *таълимни бошқарувчи давлат идоралари*, шунингдек, улар тасарруфидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар.

1993 йилдан республиканинг барча олий ўқув юртлирига тест синовлари орқали абитуриентлар қабул этилмоқда. Талабалар олий ўқув юртлирида икки босқичли таълим асосида бакалавр ва магистр даражаларини эгаллашлари мумкин.

Бакалаврият – ихтисосликлар йўналиши бўйича ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган назарий ва амалий билим берувчи таянч олий таълим.

Магистратура – бакалаврият асосида ўқув муддати икки йилдан кам бўлмаган, муайян ихтисослик бўйича олий таълим.

Олий таълим университетларда, институтларда ва академияларда амалга оширилади. Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш умумий ўрта, ўрта махсус, ўрта касб-хунар ўқув муассасаларининг туридан катъи назар, ўрта маълумот манбаи асосида амалга оширилади.

Университет :

- олий ва олий таълим муассасасини тугатгандан кейинги таълим-касб дастурини таълимнинг турли соҳалари ва тайёрлашнинг йўналишлари бўйича амалга оширади;

- иқтисодиёт турли соҳаларининг мутахассислари, олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар педагог ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни амалга оширади;

- фан турли соҳалари бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар олиб боради;

- фанларнинг тегишли соҳаларида илмий ва методик марказ ҳисобланади.

Академия : - фаннинг муайян соҳалари ва тайёрлов йўналишлари бўйича олий ва олий таълим муассасасини тугатгандан кейинги таълим-касб дастурини амалга оширади;

- билимнинг муайян соҳалари ва тайёрлов йўналишлари бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширади;

- фан, техника ёки санъатнинг бирор соҳасида назарий ва амалий тадқиқотлар олиб боради;

- ўз фаолиятини соҳасида етакчи илмий ва методик марказ ҳисобланади.

Институт:

- олий ва олий таълим муассасасини тугатгандан кейинги таълим-касб дастурини, қоидага кўра билимнинг бир соҳасидаги тайёрлов йўналиши бўйича амалга оширади;

- иқтисодиётнинг муайян соҳалари учун мутахассисларни қайта тайёрлайди ва малакасини оширади;

- амалий илмий тадқиқотлар ва тажриба конструкторлик ишлари олиб боради.

Фуқарорлар иккинчи олий маълумотни битим асосида олиш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистонда 60 та олий ўқув юрти бор. Жумладан, 16 университет, 7 тиббиёт, 6 педагогика, 4 қишлоқ хўжалиги, 3 маданият, 1 темирўл, 1 алоқа ва бошқалар.

13.3. Ёшларни касбга йўналтиришда миллий истиқлол мафқурасига асосланган маънавий-ахлоқий, маданий-маиший йўналишлар

Ўзбекистон Республикасида чуқур кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда, замон талабларига жавоб берадиган олий маълумотли иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашга ихтисослаштиришган узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Биз кийин шароитда келажагимиз пойдеворини қуриб олдик. Бунга ўрнимизга келадиган ёш авлод қандай баҳо беради, лойиҳаларимиз,

ишларимизни тарозига солиб кўриб нима дейди? Ҳар биримиз мана шу саволни дилга тугиб меҳнат қилишимиз лозим. Менинг ишончим комилки, Ўзбекистон халқи фаровон турмуш кечирадиган буюк давлат бўлади».¹

Маълумки, қайси давлатда кадрлар тайёрлаш сиёсати тўғри ва омилкорлик билан ташкил этилса, ўша давлатда ҳар доим таракқиёт бўлади.

Таълим ҳар бир жамиятнинг ажралмас қисми, маданияти ва ривожланишнинг асосий кўрсаткичидир. Ҳар қандай мамлакат истикболли режалар тузар экан, аввало таълимга эътиборни кучайтиради. Шу маънода мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, давлатимиз раҳбарининг «Келажак бугундан бошланади», «Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади», «Тарбиядан ҳеч нарса аямаймиз»² деган даъватлари остида таълим тизимини ислох қилишга киришилди.

Мамлакатимиз халқ хўжалигини янада юксалтириш, республиканинг ақл заковат салоҳиятини ўстириш, давлатимиз қудратини ошириш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонуни» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилди. Таълим тизимининг молиявий ва моддий таъминоти қонуний йўл билан ижобий ҳал этилди.

Фақат ўтиш даврининг ўзида мазкур дастур учун 65 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилган. 1999 йилда бу мақсадлар учун 34 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 8-10 фоизга тенг қисми маърифат, таълим ва тарбияга ажратилмоқда – бу катта миқдордаги маблағдир. Масалан, республикамизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» доирасидаги таълим харажатлари 1999 йили 159,2 млрд. сўм, 2000 йили 248,8 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2001 йили 336, 1 млрд. сўм сарфланган.

1997 йилда ташкил топган «Умид» ва бошқа жамғармаларнинг кўмагида иқтидорли ёшлар ривожланган давлатлардаги нуфузли ўқув марказларида таҳсил олмоқдалар. Ёшлар хориж ҳаётини кўриб, халқаро ҳаётини тажриба орттириб, чет тилларини мукамал эгаллаб, замонавий бакалаврлик ва магистрлик даражасига республикамизнинг турли босқичдаги кадрлар хорижий таълим марказларида тажриба ва малака орттириб келмоқдалар. Бундай ёндашувлар ҳам Ўзбекистон таълим тизимининг ёрқин истикболига ва унинг мавқеини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда келажак буюк давлатни қуриш тафаккури, дунёқараши замон талабларига мос равишда ўзгарган мутахассисларимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Янгича фикрлайдиган, янги бозор шароитларида

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

² Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999.

муваффақиятли хўжалик юритадиган юксак малакали, чуқур билимли мутахассисларни тайёрлаш давр талаби ва ҳақиқат тақозосидир.

Бугунги кунда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодчи мутахассислар тайёрлашнинг умумий мазмуни ва ўзига ҳоқ хусусияти шундан иборатки:¹

- у бозор иқтисодиётининг фундаментал асоси;
- замонавий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири;
- аҳоли касб таълимининг обрўли соҳаси;
- узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғинларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш тизимини барпо этиш ва ривожлантириш тажрибаси катта илмий ва амалий қизиқиш уйғотади, чунки у замонавий иқтисодий таълимнинг аҳволини таҳлил қилиш ва назарий жиҳатдан изоҳлаш, унинг узлуксиз касб таълими тизими билан уйғунлаштириш ва самарали дидактик ривожланишни башорат қилиш вазифаларини ҳал этиш имконини беради.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, - «Иқтисодиёт, сиёсат соҳасидаги барча ислохотларимизнинг асосий мақсади инсонга қаратилган. Мана шунинг учун ҳам миллий уйғониш ғоясини амалга оширишга қобил янги авлодни тарбиялаш иши давлат иши, унинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади».¹

Ривожланган мамлакатларда касб таълими (шу жумладан олий таълим)нинг бош мақсади – рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва барча тоифадаги малакали ходимларни тайёрлаш орқали рақобатбардош хизмат кўрсатишдан иборат.

Зеро, рақобатбардош мутахассисларсиз рақобатбардош иқтисодиёт бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистонда мазкур масалани муваффақиятли ҳал қилишда Кадрлар тайёрлаш миллий модели асос бўлиб ҳисобланади. У қуйидагиларни ўз ичига олади:²

шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий субъекти ва объекти, таълим хизматини талаб этувчи ҳамда амалга оширувчи;

давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолият кўрсатишини назорат қилиш ҳамда иш олиб боришнинг бошқаришни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларга талабгорлик қафолати;

узлуксиз таълим – ўз таркибига барча таълим турини, давлат таълим стандартларини, фаолият кўрсатиш тузилмаси ва муҳитини олган малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш асоси;

фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва талаб этувчи, илғор педагогик ва информациявий технологияларни ишлаб чиқарувчи;

¹ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: Шарқ, 2002. 139 – бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.

ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган талабни, шунингдек уларнинг тайёрланганлик ва сифат даражасига талабни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимларини молиялаш ва моддий-техник таъминлаш иштирокчиси.

Касб таълими муассасаларида ахлоқий тарбия муаммосини амалга ошириш учун катор муаммоларни ҳал этишга эътиборни қаратиш керак. Улар:

1. Ўқитиш жараёнини илғор педагогик технология ва ахборот технологияси асосида уюштириш;
2. Талаба ва устоз ўртасидаги ахлоқий ҳамда ақлий савияни оширишга эришиш;
3. Таълим-тарбия масалаларининг қатъий режа асосида олиб борилиши;
4. Ўқув муассасасида ижобий эмоционал шароит яратиш;
5. Таълим олувчиларнинг ўқув муассасасининг умумий тартиб, ҳаёт тизимида риоя қилишига эришишни таъминлаш.

Шундай қилиб, ягона таълим-тарбия жараёнида ахлоқий тарбия ишини амалга оширишда суҳбат, мунозара, маъруза каби методлардан, ахлоқий одатларни эса машқ, турли фаолиятни уюштириш орқали амалга ошириш мумкин.

13.4. Талабаларда касб маданиятини шакллантириш

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида» ги қонун, Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» китоби, Олий мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқиб, республикада касблар йўналиши бўйича замонавий иқтисодчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Иқтисодчилар тайёрлашда иқтисодиётга оид фанларни ўрганиш алоҳида ўрин тутди. Чунки мутахассисликка оид фанларни чуқур ўзлаштирмай туриб, бошқа фанларни ўрганиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам замонавий иқтисодчилар ўзлари бу фанларни яхши ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Маълумки, жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсадни келажакда амалга оширадиганлар ёшлар, яъни бугунги куннинг замонавий иқтисодчиларидир. Демак, жамиятнинг келажаги қандай бўлиши кўп жиҳатдан уларнинг интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан қай даражада камол топишларига боғлиқ.

Жамиятнинг тараққиёт даражаси, ахборотларни ҳаддан ташқари кўплиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, умуман олганда ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатдики, ёшларни етук, вазиятни тезда баҳолай оладиган, айти шу вазият учун тўғри қарор қабул қила оладиган малакали мутахассислар қилиб тайёрлаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Ҳар қандай иқтисодчи бирор ишни бошлашдан олдин, энг аввало, у икки муҳим омилни, яъни:

- мазкур вақтдаги шарт-шароитни;
- ўзининг тутган ўрни ва имкониятини аниқлаб олиши зарур.

Биринчи омил бўйича замонавий иқтисодчи ўзининг иш фаолиятини фирма ёки корхонанинг ташқи муҳитга нисбатан қуввати ва камчилиги, шунингдек, ташқи муҳитдан келиб чиқадиган имкониятлар ва таҳлилларни инобатга олиб белгилаши лозим.

Бошқача қилиб айтганда, бирорта жиддий иш бошлашдан олдин иқтисодчи:

- қайси ишлаб чиқариш соҳасида иш юритиш;
- қанча пул сарфлаш;
- ҳозирги шароитда қандай соҳалар бошқалардан маълум устунликка эгаллиги;
- талаб ва унинг қондирилишини;
- ўзининг имкониятларини эринмай ўрганиб чиқмоғи лозим.

Бундай таҳлил фирма фаолиятининг ҳолати ва бизнес ривожланишининг йўналишларини, келажакдаги истиқболни баҳолашга имкон беради.

Ишни бошлашнинг иккинчи омили – бу замонавий иқтисодчининг салоҳияти ва унинг қайси бир турдаги фаолиятни тўғри танлаб олиш масаласидир. АҚШдаги фаолият йўналишини танлашдаги хато кишига моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам биздагига қараганда анча қимматга тушади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик ва бизнес ҳулқ-атворга, фаол йўл-йўриқлар, қоидалар ва бошқа хатти-ҳаракатни тартибга солиш қурилмалари билан узвий боғлиқдир. Унда эркин танланган ҳаётий позиция (ҳолат), шахс олдида мустақил ахлоқий танловнинг мавжудлигини назарда тутувчи эркин танлаб олинган ҳаётий вазият гавдаланади. Шахс, миллат, инсоният маънавиятининг ҳолати ва даражаси жамият тараккиётига турлича таъсир этиши мумкинлиги қадим-қадим замонлардан бери маълум. Тарихий шахслар, буюк алломалар, сиёсий кучлар ҳаёт сабоқлари, тарих тажрибаси ва ўз олдида қўйган мақсадларини эътиборга олиб маънавиятни кучайтириш, ривожлантириш ёки маънавий бухронни чуқурлаштириш орқали жамият, миллат тараккиётига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишга ҳаракат қилганлар.¹

Жамият ҳаётидаги барча юксалишлар, тараккиёт имкониятлари, қомил инсон шахсининг шаклланиши муайян маънавий муҳит ва имкониятлар билан боғлиқ бўлган. Барча тушкунликлар, турғунлик ҳолатлари, иқтисодий, сиёсий инқирозлар эса маънавий бухроннинг натижаси бўлган. Шунинг учун жамият тараккиётидаги тушкунликлар ва юксалишларнинг сабабини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омиллардангина эмас, балки кишиларнинг онги, эътиқоди, дунёқараши, ахлоқий камолоти даражасидан ҳам излаш керак.

¹ Э.Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: «Университет», 1998.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзининг мустақил тараққиёт йўлига асосланган ҳолда бозор иқтисодиётига тўла ишонч билан ўтиб бормоқда. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, «Сиёсий мустақиллик ривожланган, ўзаро мутаносиб, тўлақонли иқтисодиёт билан мустаҳкамланмас экан, у бор-йўғи курук, баландпарвоз гаплар, сохта обрў-эътибор орттириш воситасига айланиб қолаверади».¹

Мустақилликнинг босиб ўтган йиллари давомида миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, инқироз ҳолатидан чиқарилди ва унинг кўпгина соҳаларида барқарор ўсишга эришилди. Бозор механизмнинг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилди, ҳозирги кунда эса иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни ҳар тарафлама эркинлаштириш амалга оширилмоқда. Энг муҳими шу давр ичида миллий истиқлол ғояси ва мафқураси шаклланиб, кишиларимиз онгига сингиб бормоқда.²

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов айтганларидек, «Истиқлол мафқураси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя-озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради»³

Бу қўйилган дастлабки қадамларимиз натижасида шаклланиб келаётган миллий иқтисодимиз янги ХХІ асрда биз яшамокчи бўлган умумий уйимиз, яъни янгиланаётган ватанимизнинг ҳаётий асосини, унинг келгусидаги тараққиёт манбаини ташкил этади.

Бугунги кунда халқнинг бой замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида мутахассислар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «.. бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири– буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз».

Таълим-индивиднинг жамият ҳаётининг турли соҳаларига жамиятда мавжуд маданиятга тайёрлаш ва мослаштириш вазифасини бажарувчи ижтимоий институтдир,

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар қандай соҳада бўлганидек таълим соҳасида ҳам муаммолар мавжуд. Бу каби муаммолар мустақил республикамизни ҳам четлаб ўтган эмас. Ушбу муаммоларни ҳал этиш

¹ Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. /Халқ сўзи, 2001 йил 18 июль.

² Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Молия, 2002, 3-бет.

³ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001, 6-бет.

хамда таълим соҳасида зарурий ислохотларни амалга ошириш мақсадида таълим тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайерлаш миллий дастури»га кўра мамлакатимизда ягона узлуксиз таълим тизими ташкил қилиниб, таълим ислохоти ва унинг истиқболлари қуйидаги тамойиллар асосида белгиланди:

а) миллати, дини, ирки, эътиқодидан қатъий назар, барча фуқаролар учун таълим олиш имконияти яратилганлиги.

б) таълим тизимининг узлуксизлиги, илмийлиги, дунёвийлиги ва изчиллиги.

в) таълимда умуммиллий, умуминсоний, маънавий-маърифий кадриятларнинг устуворлиги.

г) таълимнинг инсонпарварлиги, демократиялилиги, таълим-тарбия муассасаларининг сиёсий партия ва бошқа таъсирлардан холилиги.

Демак, юқоридаги тамойиллар амалга оширилаётган экан, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, хоҳ дурадгор, ҳисобчи, корхона раҳбари ёхуд машҳур сиёсатчи бўлсин, бу соҳага юксак ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлиши лозим. Ваҳоланки, Юртбошимиз И.А.Каримовнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган шиори ҳамиша ҳар биримизнинг диққат марказимизда бўлиши шарт.

Қасбий таълим муассасаларида олиб борилаётган ишларнинг моҳияти – унинг миллий истиқлол мафқурасига асосланган, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, ватанпарварлик, фуқаровий, меҳнат, маданий-маиший, экологик ва шу сингари йўналишлар билан эришиладиган ғоявий аъмол ва идеалларга мос ҳолда олиб борилиши мақсадга молик масаладир. Бу муаммоларни амалга ошириш барча педагогларнинг олдида турган юксак вазифадир.

Мустақиллик шароитида талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда қатор вазифаларни ҳал этиш талаб этилади. Жумладан:

- Ҳар бир таълим олувчининг онгида давлат мустақиллиги халқнинг олий ғоявий-ахлоқий кадрияти экани, ўз ватани билан фахрланиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ва Ўзбекистоннинг улуғ тарихий ўтмишига, бозор муносабатларига асосланган янги демократик жамият қуришда танлаб олган ўзига хос йўлини мустаҳкамлаш, ислом дини руҳи билан суғорилган олий маънавий-ахлоқий кадриятларни тўғри тушунтириш ва уни эътиқодга айлантириш;

- Таълим олувчилар онгига умуминсоний кадриятларни сингдириш, уларни замонавий кадриятлар эҳтиёжи - ўзини юқори тутиш ва виқор сақлаш, оилавий тантаналарда ўзини кўрсатишга уриниш, хизмат вазифасидан шахсий мақсадлар учун фойдаланиш каби иллатларга муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаб бориш уларни юқори ахлоқ малакалари билан қуроллантиришнинг гарови бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, ахлоқий тарбия тарбиявий ишлар комплексида етакчи ўрин тутди. Қасб таълими муассасаларида талаба-ёшларда ахлоқий тарбияни амалга оширишда аввало ахлоқий тушунча ва ишонч ҳиссини

яратишдан бошлаган маъкул. Чунки ёшларда ахлокий тушунча эътиқодларни таркиб топтирмай туриб, ахлокий одатларни, хатти-ҳаракат билан боғлиқ малака ва одатларни ҳосил қилиб бўлмайди. Бунда асосан ёшларга ахлоқ-одоб норма ва қоидалари мазмунига оид билим беришга катта аҳамият бериш лозим.

13.5. Касб таълими муассасаларида ахлокий тарбия муаммоси

Ахлокий тарбия мазмунининг шаклланишида ўзбек мутафаккирларининг алоҳида хизматлари бор. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк мутафаккирлар тарбия жараёнига жиддий қараганлар ва бу борадаги қимматли фикрларини дунёга танилган асарларида баён этганлар. Ушбу асарлар нафақат ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг ривожланиш жараёнида муҳим аҳамият касб этган. Уларнинг илмий қарашлари бугунги кунда ҳам инсоният учун дастурил амал бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Абу Наср Форобий - машҳур мутафаккир, қадимги Юнон илми ва фалсафасининг шарқдаги энг йирик тарғиботчиси. Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараккиётига асос солган мутафаккир. Форобий «Ақл ҳақидаги рисола», «Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак», «Субстанция ҳақида», «Фалсафа манбалари», «Логикага кириш», «Масалалар манбаи» каби 160 дан ортиқ рисодалар яратди¹. Аллома бу асарларида давлат тузилиши ва уни бошқариш, турли ижтимоий низоларнинг олдини олиш ҳамда камолотга эришган ижтимоий жамоани яратиш каби масалалар устида фикр юритади. Етук жамоани вужудга келтириш, комил инсонни яратиш муаммосини ҳал этиш билан боғлиқ эканлигини биринчи бор ўрта аср шароитида Форобий олға сурди. Унинг «Идеал жамоа ҳақида», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» каби машҳур асарлари шу масалаларга бағишланган. Форобий таълим-тарбияга бағишланган асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зурурлиги, таълим-тарбия усуллари ва услубиятлари ҳақида фикр юритади. Унинг «Фозил одамлар шахри», «Ихсо-ал-илм», «Илмларнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида» каби асарларида ижтимоий-тарбиявий қарашлар ўз ифодасини топган.

Жамиятда мавжуд анъана ва урф-одатларда ҳам ахлоқ меъёрлари ва мазмуни ўз аксини топади. Ахлокий тарбиянинг бир категорияси сифатида ахлокий кадриятлар қабул қилинган ва бу ахлокий кадриятлар ахлокий тарбиянинг мазмунини ва меъёрларини белгилашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Умуман кадриятлар деганда миллий ва умуминсоний кадриятлар тушунилади. Кадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади.

¹ Абу Наср Форобий. Рисолалар. М.М.Хайруллаев. - Т.: Фан, 1975 (71-72 бет).

Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарсалар, ходисалар мажмуи билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект фаоллигининг орта бориши натижасида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Ахлоқий мазмундаги қадриятлар боланинг онги ва фаолиятини фаоллаштиради, иш ва сўз бирилигини таъминлашга ёрдам беради. Бундай қадриятлар жумласига инсонпарварлик, маърифатпарварлик, меҳр-муҳаббат, поклик, катталарга ҳурмат, муҳаббат, хушмуомалалик, дўстлик, сахийлик, саховат, ширинсўзлик ва бошқалар киради. Мазкур қадриятлар негизида жамиятда, оилада, мактабда болани юксак инсоний фазилатларга онгли равишда амал қилишга даъват этиш гоёси ётади.

Ахлоқий тарбия жараёнининг дастлабки босқичида шахс ахлоқ меъёрларига маълум даражада тўғридан-тўғри бўйсунган ҳолда кўр-кўрона амал қилса, ахлоқийликнинг юқори даражасига етганда, тўғридан-тўғри кўр-кўрона бўйсунуш онгли идрок этишга яқка шахснинг ахлоқ меъёрлари ва жамият ахлоқ меъёрлари ўртасида уйғунликнинг ҳосил бўлишига эришиш лозимдир. Ахлоқий маданиятнинг муҳим белгиларидан бири ҳам худди ана шу шахс ва жамият орасидаги уйғун муносабатнинг, ахлоқий бирликнинг ҳосил бўлиши демакдир.

Инсон ахлоқий маданиятнинг энг оддий меъёрларини илк ёшлигидан бошлабқ аввал оилада, сўнг ўртоқлари билан бўладиган муносабатларида эгаллай бошлайди. Бу ахлоқий меъёрларга амал қилишнинг мотивлари турлича бўлади. Ота-онага бўлган ҳурмат ва муҳаббат болани ахлоқий талабларга амал қилишга ва шу орқали ота-онанинг хайрихоҳлигига ва меҳрига сазовор бўлишга ундайди. Бундан ташқари ахлоқий меъёрларга амал қилмаслик ҳолатида жазолашдан фойдаланиш ҳам болани огоҳ бўлишга ундайди. Ўз тенгқурлари билан мулоқотга киришиш иштиёқи, ички эҳтиёж ҳам болада ахлоқий меъёрларга амал қилиш мотивациясини уйғотади. Буларнинг барчаси ҳар бир ёш болани ахлоқий меъёрлар билан тўқнашишига ва уларга амал қилишни ўрганишига ёрдам беради. Шунингдек, инсонда ахлоқий меъёрларга амал қилиш малакасини ва кўникмасини ҳосил бўлишига олиб келади. Аммо бундай ахлоқий меъёрларга амал қилишни биз ҳали ахлоқий онглилик даражаси деб айта олмаймиз. Чунки бу ҳолда ахлоқий меъёрлар ички эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда эмас, балки ташқи таъсирларнинг натижаси сифатида вужудга келади. Шунга карамай ахлоқий даражанинг бу дастлабки поғонаси жуда муҳим аҳамият касб этади, чунки у бошланғич нуқта сифатида кейинги ривожланиш учун хизмат қилади. Ахлоқий ривожланишнинг бу босқичида атроф-муҳитдаги ахлоқий маданият даражаси энг муҳим роль ўйнайди.

Ривожланишнинг барча босқичларида жамиятда қарор топган ахлоқий билимлар янги ахлоқий билимлар билан тўлдирилиб бириши талаб этилган. Айтиш жоизки, бу қонуний жараёндир. Демак, ҳозирги вақтда ҳам ахлоқий билимларимиз қанчалик бой бўлмасин диалектик

ривожланиш қонуни ушбу ахлоқий билимларни янада тўлдириб борилишини талаб этади. Айниқса Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган сифат ўзгаришлар бугунги кунда ахлоқий қарашларни қайтадан талқин этишни, фан ва техниканинг ривожини натижасида эришилаётган янги билимлардан ахлоқий тарбия жараёнида фойдаланишни тақозо этишини назарга олсак, бу вазифанинг қанчалик зарурлигини ҳис этамиз. Демак, биз ахлоқий тарбияни учинчи вазифасини ҳам аниқлаб олдик бу: - ахлоқий билимларни янада тўлдириб бориш, илм-фан эришган янги билимлардан ва ютуқлардан фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат.

13.6. Ўқитиш жараёнини илғор педагогик технология ва ахборот технологияси асосида уюштириш

Бугун “ўқитиш технологияси” тушунчаси атрофида бутун дунёда жиддий илмий мунозараларнинг олиб борилиши барча қабул қиладиган ягона таърифни белгилашга имкон бермаяпти. Бу тушунча билан бир қаторда илмий-методик ва оммабоп адабиётларда “педагогик технология”, “таълимий технология”, “тарбия технологияси”, ҳатто “ривожлантириш технологияси” атамалари кенг қўлланилмоқдаки, ҳали-ҳануз улар ўртасидаги фарқли чегаралар ўрнатилгани йўқ.

Йиллар давомида “технология” тушунчасининг ўзи мазмун жиҳатдан ўзгарди: замонавий ёндашувлар учун бирмунча аниқ қарашлар характерлидир. Мисол учун, педагог-тадқиқотчиларнинг кўпчилиги бу тушунчани тарбия ва ривожлантириш соҳасида ишлатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайдилар. Гап шундаки, ҳар қандай технология педагогик фаолиятда олдиндан ташхисли мақсадни ўрнатиш ва унга эришиш йўллари аниқлаб олишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, ўқитиш учун ташхисли мақсадни аниқлаш мумкин. Бунда мақсадга эришиш якуний назорат ёрдамида осонгина кузатилади. Демак, ўқитиш жараёни технологик асосда ташкил этилиши мумкин. Аммо тарбия учун бу фикрни қўллаб-қувватлаш ўта мураккаб ва унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

Биринчидан, бу ҳолат учун ташхисли мақсадни ўрнатиш мумкин эмас. Инсон - кўп омилли мураккаб тизим ҳисобланиб, қатор психологик, психофизиологик ва алоҳида шахс сифатларига эга. Уларни тавсифий равишда ёритиш, зарур даражада шакллантириш мумкин бўлган педагогик жараёнларни тузишни педагогика фанининг бугунги ривожланиш даражасида амалга ошириб бўлмайди.

Иккинчидан, ҳар қандай технология ўрнатилган мақсадларга қафолатли эришишни назарда тутаяди. Бироқ, шу кунга қадар педагогикада инсоннинг тарбияланганлик, унда шаклланган маълум шахс сифатлари, қадриятли йўналишлар ва бошқа тарбия натижалари мезонлари бир қолипда аниқланмаган. Бундай мезонларнинг йўқлиги эса қафолатланган педагогик жараёнлар натижаларига эришиш имкониятлари ҳақида гап

юритишга имкон бермайди. Субъектив эксперт баҳолардан фойдаланиш эса белгиланган муаммони олиб ташлашга йўл қўймайди.

Учинчидан, касб-хунар коллежларида замонавий тарбия концепциясига биноан ҳозирги вақтда гап талабаларда маълум шахс сифатларини шакллантириш ҳақида эмас, балки олий ўқув юртларида уларнинг ўз-ўзини ривожланиши учун энг мақбул шароитлар яратиш ҳақида бориши керак. Бундай ҳолда тарбия жараёнини технологиялаштириш ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ эмас. Агар, таълим ўзида ўқитиш ва тарбиялашни жамулжам этган соҳа сифатида қаралаётган бўлса, “таълимий технология” ёки “таълим технологияси” атамаларини ишлатиш хато эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ўқитиш жараёнини технологиялаштиришга оид тадқиқотлар кўлами аста-секин камайиб, тадқиқот майдони эса торайиб бормоқда. Бу, хусусан, олимларнинг яқдил фикрга келиш борасидаги ҳаракатлари оқибатида юзага келмоқда. Турли йўналишларда ўтказилган дастлабки тадқиқотлар натижаларида бирмунча умумий фикрдан “четланиш” рўй берапти. Қатор муаллифлар (А.Ф.Талызина, Т. Сакомото, Дж Хартли) бу тушунчани очиб беришда ишчи вариант сифатида аниқ ва батафсил ёндашувлардан фойдалана бошладилар. Шу билан биргаликда “технология” тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, жамоатчилик онгига мустаҳкам кириб улгурди ҳамда илмий ва амалий тафаккурнинг ўзига хос йўналиши бўлиб қолди.

Унинг регулятив таъсири шундаки, у тадқиқотчилар ва амалиётчиларни инсоний фаолиятнинг барча жабҳаларига, шу жумладан таълим соҳасига ҳам ундайди:

- жараённинг натижавийлигини асослашга рўбарў келиши;
- фан ва тажрибаларнинг сўнгги ютуқларидан талаб қилинган натижаларни олишни кафолатлаш учун сафарбар қилиш;
- фаолиятни интенсив, яъни юқори илмий асосда қуриш;
- фаолиятнинг мумкин бўлган тузатиш муолажалари сонини камайтириш учун башоратлаш ва лойиҳалашга асосий диққатни қаратиш;
- янги ахборот воситаларидан фойдаланиш, эскирган амалларни автоматлаштириш.

Бошқача қилиб айтганда, технологияланувчанлик инсон фаолиятининг етакчи тавсифи бўлиб қолди, у таълимий жараённинг самарадорлигини, мақбуллигини, юқори илмийлигини, янги сифат даражасига кўтаришни аниқлатади.

Умумлашган ҳолда технология одатий ҳол эмас, балки замонавий илмий-амалий тафаккур усули, деб хулоса қилиш мумкин. У инсоний фаолиятни тубдан такомиллаштиришга, унинг натижавийлиги, тезкорлиги, техникавий қуролланганлигини оширишга оид амалий тадқиқотлар йўналишини акс эттиради. Технология - бу предметли соҳанинг объектив қонунларини юқори ўлчовда акс эттирадиган ва шу боисдан муайян шароит учун натижаларнинг ўрнатилган мақсадларга мос келишини таъминлайдиган фаолиятдир.

Технология (жараён сифатида) учта белги билан тавсифланади:

- жараённи ўзаро боғлиқ босқичларга таксимлаш;
- изланаётган натижа (ўрнатилган мақсад)га эришишга қаратилган ҳаракатларни мувофиқли ва босқичли бажариш;
- қўйилган мақсадларга мос натижаларга эришишнинг зарурий ва етакчи шарти ҳисобланган технологик муолажа ва амалларни бажаришнинг аҳамият касб этиши.

Ўқув жараёнида педагог танлаган шакл, метод ва ўқитиш воситалари таълим олувчилар билан ўзаро ҳаракат тизими ёрдамида аниқланади. Агар дарҳол зарурий дидактик натижани олиб бўлмаса, унда методиканинг (масалан, бирмунча такомиллашган ўқитиш воситалари, методик усуллар ва бошқаларни қўллаш) кўрсаткичларини тузатиш ва ойдинлаштириш босқичини амалга ошириш керак бўлади. Бу жараён ташхисли мақсадларга эришиш нуқтаи назаридан мақбул ўқитиш методикасининг топилиши билан тугалланади. Агар у кўп марта қайта такрорланса, ўқитувчига педагогик амалиётда олдиндан башоратловчи ва лойиҳаловчи натижаларни олиш имкониятини беради. У пайтда методика ҳақида эмас, балки ўқитиш технологияси ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Технологик даражадаги ўқитувчи фаолиятининг мезонлари сифатида қуйидагиларни илгари суриш мумкин.

– аниқ ва ташхисли берилган мақсадларнинг мавжудлиги, яъни тушунчалар ва амалларни кутилаётган ўқитиш натижаси сифатида таълим олувчининг фаолиятидаги мақсадга эришишни ташхислаш усулларининг тартибли ўлчанадиган ҳолатда кўрсатилиши;

– ўрганилаётган мазмунни билиш, амалий масалалар, мўлжалли асослар ва уларни ечиш усулларининг тизимли кўринишида тақдим этилиши;

– мавзулар (материаллар, касбий функциялар тўплами ва ҳ.к) ни етарлича қатъий кетма-кетлиги, мантикийлиги, босқичлилиги мавжудлиги;

– ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида иштирокчилар ўзаро ҳаракат усулларининг кўрсатилиши;

– ўқитувчининг энг мақбул (ўқув жараёнининг натижавийлиги нуқтаи назаридан) ўқитиш воситаларидан фойдаланиши;

– ўқитувчи ва таълим олувчилар фаолиятининг мотивацион таъминланиши, бу жараёнда уларнинг шахсий-касбий функцияларининг намоён бўлиши (эркин танлаш, креативлик, баҳслашув, ҳаётий ва касбий маъно);

– ўқитувчининг ижодий фаолияти чегарасини андозали қодалардан мумкин бўлган четга чиқишининг кўрсатилиши.

Замонавий таълим стратегиясини нафақат мавжуд бўлган ижтимоий технологияларга хизмат кўрсатишга кодир, балки меъёрий фаолият чегарасидан чиқиб кетишга, инновацион жараёнларни амалга ошира оладиган мутахассис шахсини ривожлантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш ташкил этади. Бу стратегия шахсий-ривожланувчан ва касбий йўналтирилган ўқитиш технологиялари устуворлигида ўрта махсус

касб-хунар таълими ўқув жараёни мазмуни ва шакллари жиддий йўналишларида амалга оширилади.

Уларнинг самарадорлик меъёри қуйидаги саволлар воситасида ифодаланади:

1. Бу технологияларда инсон ўзининг хилма – хил субъективлиги билан нечоғлиқ гавдалантириляпти?

2. Унинг тавсифий, мантикий ва психологик хусусиятлари қандай ҳисобга олинапти?

3. Уларни ривожлантириш ёки юксалтириш истикболлари қанақа?

Юқоридагилардан касб-хунар коллежларида ўқитиш технологиясига қўйилган талаблар келиб чиқади: таълим олувчиларнинг шахсий сифатларини ҳисобга олиш, мақбуллик, дидактик принципларга зид келмаслик, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга йўналтирилганлиги.

Шундай қилиб, ўқитиш технологиясини ишлаб чиқариш асосида таълим олувчиларнинг юқори самарали ўқув фаолиятини ва ўқитувчининг бошқарув фаолиятини лойиҳалаштириши ётади.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Республикамизда маънавий-маърифат бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

2. Тарбия мазмунининг моҳиятини белгилашда қандай ёндашувлар мавжуд?

3. Олий мактабда таълим-тарбия ишлари қандай шаклларда амалга оширилади?

4. Талабаларда маънавий-ахлоқий одатларни тарбиялаш деганда нимани тушунади?

5. Тарбиявий ишлар механизмини таърифлаб беринг?

6. Касб таълими муассасаларида ахлоқий тарбия муаммоси қандай тартибда амалга оширилади?

7. Талабаларнинг ақлий фаолияти хусусиятлари қандай изоҳланади?

8. Маданият, маънавий, ахлоқ, одобга таъриф беринг?

9. Ахлоқий тарбиянинг мақсад ва вазифаси ҳақида сўзлаб беринг?

10. Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий тарбия ҳақидаги қарашларидан мисоллар келтиринг?

IV БОБ

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКАДА ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ

Бобнинг қисқача мазмуни

Касбий педагогикада таълим жараёни. Касбий педагогикада таълим жараёнининг моҳияти ва тузилиши. Касбий таълимнинг тамойиллари. Педагогик жараёни лойиҳалаш. Лойиҳалаш жараёнининг объекти ва муаммолари. Маънавий-ахлоқий, кучли фуқаролик жамиятини куриш жараёнида таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш. Ўқув материалларини қабул қилиш, фикрлаш, эгаллаб қолиш

Касбий педагогикада таълим мазмуни. Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистон Республикасида касб таълимининг асосий мазмуни. Таълим мазмуни тузилмасининг макродаражаси. Микродаражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси.

Касбий педагогикада таълим методлари. Касбий таълим методлари ва уларнинг умумий тавсифномаси. Назарий таълим ва ишлаб чиқариш таълим методлари. Ишлаб чиқариш жараёнида фаоллик методи. Ўқитиш жараёнида таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш. Таълим методларини танлаш. Таълим олувчиларни танлаш мезони.

Таълим жараёнида ўқитиш воситаларининг ўрни. Ҳозирги замон ўқув воситаларининг тавсифномаси. Ўқитиш воситалари дидактиканинг категорияси сифатида. Ишлаб чиқаришда ўқитиш воситалари. Экрани ва экран – товушлик ўқитиш воситалари. Ўқув ишлаб чиқаришнинг ўқитиш воситалари. Таълим олувчиларнинг иш жойини ташкиллаштириш. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ўқув жараёнига янги ахборот технологияларини киритиш. Ўқитиш воситалари тизимини шакллантириш технологияси ва уларни комплекс ишлатилиши.

14 - мавзу. Касбий педагогикада таълим жараёни

Режа:

- 14.1. Касбий педагогикада таълим жараёнининг моҳияти ва тузилиши.
- 14.2. Касбий таълимнинг тамойиллари.
- 14.3. Педагогик жараёни лойиҳалаш.
- 14.4. Лойиҳалаш жараёнининг объекти ва муаммолари.
- 14.5. Маънавий-ахлоқий, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш.
- 14.6. Ўқув материалларини қабул қилиш, фикрлаш, эгаллаб қолиш ва қўллаш.

14.1. Касбий педагогикада таълим жараёнининг моҳияти ва тузилиши

Таълим жараёни педагогик жараёнининг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб у ўқитиш, билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш масалалари билан шуғулланади. Таълим назарияси “дидактика” тушунчаси билан ҳам ифодаланади. “Дидактика” сўзи грекча “дидаско” сўзидан олинган бўлиб, “ўқитиш, ўргатиш” деган маънони билдиради. Дидактиканинг ўрганиш объекти ўқув жараёни, ўқув жараёнининг ривожланиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари ва шакллари дир. Таълим жараёнининг асосий моҳияти тарихан тўпланган ижтимоий билим ва тажрибани ёш авлодга етказиш, авлодлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни маълум тизим орқали амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.

Фан ва техниканинг ривожини ҳам илмий билимларнинг ҳажмига ва характери таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси эса ўз навбатида таълим тизимида ўз аксини топади. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки айнан таълим тизими жамиятнинг ҳар бир аъзосини маънавий, илмий дунёқарашининг шаклланишида энг асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам барча тарихий юксалиш, янгиланиш босқичларида айнан таълим тизимини ислоҳ қилиш муҳим ўрин тутган. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш даражасидан ҳамда шу жамиятнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади.

Ўсиб келаётган ёш авлод таълим жараёнида:

- Зарур билимлар билан қуроллантирилади.
- Керакли малакаларга эга бўлади.
- Кўникмалар ҳосил қилади.

Ўқув жараёнида таълим олувчилар ва педагоглар ўртасида ўзига хос муносабатлар ўрнатилиб бу жараён икки томоннинг биргаликдаги фаолияти натижасида боради. Шунинг учун ҳам таълим жараёни икки томонлама характерга эга дейлади. Педагоглар ва талабаларнинг фаоллик даражаси таълим жараёнининг самарасини белгилайди. Албатта бу жараёнда педагог йўналтирувчи сифатида майдонга чиқади. Педагог

аниқ мақсадни кўзлаб режа ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Талабалар эса уларни фаол ўзлаштириб олишлари керак. Таълим жараёнида педагог ўргатиш, билим, малака, кўникма ҳосил қилиш вазифасини бажарса, талабалар ўзлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирадидлар. Бу мураккаб психик жараён бўлиб, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур кабилар иштирокида боради. Ўқиш талабаларнинг ўзлаштириш, билиш қобилиятлари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик жараёни эмас, балки талабага номаълум бўлган ҳақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият жараёнидир.

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният томонидан ҳозиргача эришилган илмий билимлар ва фан техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантиришдир. Ёш авлодда шундай билимлар тизимини яратиш лозимки, бу билимлар уларнинг кейинги ривожини учун асос бўлиб хизмат қилсин. Ҳозирги кунда билимлар ҳажми, ахборотлар ҳажми тобора ошиб бораётган бир даврда таълим тизими талабаларга берилиши керак бўлган билимлар, малака ва кўникмалар ҳажминини белгилаш ҳамда бу жараёнда қайси омилларни ҳисобга олиш керак деган масалаларнинг ечимини топиш устида бош қотирмоқда. Зарурий билимлар ҳажминини белгилаш ва шу билан бир қаторда ўқиш муддатини аниқлаш энг муҳим масалалардан бири. Таълим жараёнида бирор фан соҳасидаги инсоният томонидан эришилган ҳамма нарсаларни ўрганиш керак деб ўйлаш мутлақо нотўғри бўлур эди. Ўқув жараёнида энг асосий, энг муҳим билимлар - фанларнинг асослари ўрганилади. Аммо шунга қарамай ҳозирда ўрганиш зарур бўлган янги-янги фанларнинг тармоқлари (экология, ЭҲМ, оила психологияси, иқтисодиёт асослари, маънавий асослари) вужудга келмоқдаки улар таълим ҳажминини бениҳоя кенгайтишига сабаб бўлмоқда. Бундай муаммолар ҳозирда деярли барча давлатларда мавжуд ва ҳар бир давлат бу муаммоларни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Биз бу муаммоларни таълим тамойилларини (принципларини) бузмаган ҳолда, ёш авлоднинг соғлиғига зиён етказмаган ҳолда ечимини топишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Педагогик жараён – бу ўқитувчи ва талаба билимларини, кўникма ва малакаларини амалиётда қўллашни ўз ичига қамраб олади. Қасб таълими жараёнида мазмун, ўқиш, ўқитиш, тарбиялаш асосий боғловчи компонентдир.

Таълим билиш фаолиятининг тури сифатида педагогика фанида бир неча асосий маънони англатади. Яъни бу: талабаларда билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш: уларда дунёқараш, фикр ва эътиқодларни шакллантириш; ўқувчиларнинг муайян даражада ўқимишли, маданиятли, тарбияли чин инсон бўлишига эришиш; уларнинг қобилиятларини ўстиришдан иборатдир.

Таълим – инсоният тажрибасининг маълум томонларини, яъни талабалар ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги талабларига мувофиқ

даражада билим ва тарбияга эга бўлишларини таъминлайдиган фаолиятдир.

Демак, педагогик таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малакалар ташкил қилади. Талабалар ўқиш орқали билим билан куролланадилар. Бунда билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Уни ҳаётда кўп унум берадиган қилиб қўллаш олиш лозим. Бунинг учун эса талабада кўникма ва малака ҳосил қилиш зарур.

Кўникма – машқ қилиш натижасида бериладиган ҳаракатлар йиғиндисидир. Иқтидор ва кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали малакага айланади.

Билим асосида кўникма ва малака ҳосил қилинади. Билим баҳсда керак бўлса, кўникма меҳнатда, дунёни ўзлаштиришда зарур бўлади. Шу жиҳатдан Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, касб-хунар коллежларида ва мактабларда баҳслар, беллашувлар, ўткир зехнлилар мушоираси, кувноқлар ва зукколар беллашувини ташкил этиш фойдалидир.

Таълим олувчининг характери ва фаоллиги ривожланган ҳолда унинг даражалари турличадир. Аммо шу билан бирга таълим олувчилар пассив бўлса, ўқитиш жараёнини амалга ошириб бўлмайди.

- Таълим олувчининг илм қабул қилиши фаоллиги унинг шахс сифатида шаклланишига ҳам таъсир кўрсатади. Таълим олувчида ўз-ўзига, меҳнатига, бошқа шахсларга, жамиятга, ишлаб чиқаришга, атроф-муҳитга муносабати шаклланиб боради.
- Педагогик жараённинг муҳим специфик шароитлари. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг муҳим специфик шартларидан бири бу амалий ўқитишдир. Бу унинг муҳим ташкил этувчи компонентида. Ўқитиш жараёни амалиётдан тубдан фарқ қилади, чунки ишлаб чиқаришдаги ўқитиш услубининг асосий мақсади, бу таълим олувчини маълум бир касбга йўналтириш ва шакллантиришдир.

Педагог ва таълим олувчи орасидаги ўзаро бирлик ва алоқадорлик ҳақида гапирганда бошқарувчи ва ўргатувчи шахс бу ўқитувчи эканлигини унутмаслик керак. Фақат педагогнинг таълим олувчига билим бера олиши, шахс сифатида шакллантира олиши ва ўз таъсирини кўрсата олиши мумкин.

Ўқитиш жараёнининг муҳим компоненти

Бериладиган билим мазмуни ўқув дастури, давлат таълим стандартида белгиланган бўлиб, унинг таркибига ижтимоий мақсадлар давлат буюртмаси, педагогик тизимнинг аниқ мақсадларини белгилайди. Педагогик жараён фақат таълим мазмунигагина эмас, балки унинг қонунийлигига ҳам таъсир кўрсатади, яъни;

- Педагогик жараённинг шароитига қараб мазмун белгиланмаса, таълим олувчиларнинг ўзлаштиришлари қийин кечади, шунингдек, жараён билан амалиётдаги шароит орасидаги боғлиқлик йўқолади.

➤ гурухнинг шахсий имкониятидан келиб чиқиб ўқитувчи дастурига мантикий ўзгаришлар киритиб, шу билан педагогик жараённинг ўзаро боғлиқлигини бузмаган ҳолда мақсадга эришилади.

Маълумот беришнинг педагогик жараёни - ўқитувчиларнинг илмий, техник ва технологик ишлаб чиқаришдаги билимларини шакллантиришдир. Мазкур жараёнда ўқитувчи ва устанинг вазифаси таълим олувчида ижобий сифатларни ривожлантириш учун тарбиявий вазифаларни максимал қўллашдан иборат бўлади. Ўқитувчи таълим олувчиларда жамоатчилик, дўстлик, интизомга риоя қилиш, ростгўйлик, ўз ишига жавобгарлик каби инсоний сифатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Бунинг учун ўқитувчининг ўзида тарбияловчи сифатлар мужассам бўлиши керак.

Таълим тамойиллари ўқув юртлари олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Улар ўзаро бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда бир тизимни ташкил этади, ҳар бир дарсда дидактик тамойилларнинг бир нечтаси иштирок этиши мумкин. Улар таълим олдида турган асосий мақсадларни ҳал этишга ўз хиссасини қўшади. Таълим тизими ислох қилинаётган ҳозирги жараёнда ўқувчи-талабаларга мустаҳкам билим бериш, уларни эркин, мустақил фикрлай оладиган инсонлар қилиб тарбиялашда, таълим тамойилларининг моҳиятини чуқур англаш ва ҳаётга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув юртларида бериладиган билимнинг илмий характерга эга бўлиши фан-техниканинг сўнгги ютуқ ва кашфиётларини ўзида ифода этиши лозим. Шундай экан, ўқитувчи илм-фандаги янгиликлардан хабардор бўлиши зарур. Ўқув фанлари ҳам илм-фан асосида яратилади. Ўқитишнинг илмийлик тамойиллари таълим жараёнида ўқувчи-талабаларни ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражасидаги илмий билимлар билан қуроллантириш, айниқса уларни илмий-тадқиқот усуллари билан таништириб боришга қаратилган.

14.2. Касбий таълимнинг тамойиллари

Таълим тамойиллари педагогнинг фаолиятини ва талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва йўл-йўриқларини ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда таълим тамойиллари ҳар иккала фаолиятнинг яъни педагог ва талаба томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради. Шунга кўра таълим қоидалари ўқитишнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Таълим тамойиллари деб, умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малака ҳосил қилишнинг асосий қонун ва

қоидаларининг йиғиндисига айтилади.

Инсон вужудга келибдики, ўз фарзандига билганларини ўргатиш, ўзи эга бўлган билим, малака ва кўникмаларини кейинги авлодга ўтказиш даставвал англалмаган ҳолда бўлса-да мавжуд эди. Бу яшаш учун кураш қонунидан келиб чиқиб, яшашнинг зарурий шарти ҳисобланган. Жамият ривожланар экан авлоддан-авлодга ўтказиш лозим бўлган билимлар ҳажми ҳам ортиб борди. Билимлар, эгаллаш лозим бўлган малака ва кўникмалар мураккаблашиб борди. Бу жараён олимлар томонидан таҳлил қилиниб аста-секин маълум қоидалар ишлаб чиқилди.

Таълим жараёнини чуқур ўрганган олимлардан бири қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақида шундай фикрларни билдиради. Ўқув жараёнида педагог қуйидаги қонуниятларга:

- талабанинг зериктирмаслиги;
- билим беришда турлиликка асосланиши;
- узвийликка, изчилликка риоя қилиши керак.

Беруний янги мавзуларни қизиқарли, асосан кўрғазмали баён этиш самарали натижалар беришини ҳам таъкидлайди.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) билим олишда ёшларни ўқув муассасасида ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

- талабага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;
- ўқитишда жамоа бўлиб, ўқув муассасасида ўқитишга эътибор бериш;
- билим беришда талабаларнинг майлини, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
- ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш.

Ушбу ишлаб чиқилган қоидалар таълимда мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади.

Шундай қилиб, таълим тамойиллари асрлар оша сайқал топиб борди. Албатта дидактика тамойиллари ҳар бир даврнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариб боради. Чунки таълим тамойиллари жамият ва давлат олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Таълим (ўқитиш) жараёни мураккаб ҳамда кўп қирралидир. Унда педагог ва талабалар фаол иштирок этадилар. Бу жараённинг муваффақиятли ва самарали натижаси таълим жараёнининг қонун қоидалари яъни таълимга қўйилган дидактик талабларга қай даражада амал қилишларига боғлиқ.

Кейинги йилларда таълим қоидаларини ўрганиш уларни таҳлил қилиш ва мукаммаллаштириш устида иш олиб борилмоқда. Таълим қоидаларини системалаштириш масаласи ҳам доимо фаол масала бўлиб келган.

Бугунги кунда касбий педагогика фани қуйидаги таълим тамойилларини ажратиб кўрсатмоқда:

- Таълимнинг илмий бўлиши;
- Таълим-тарбиянинг бирлиги;

- Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши;
- Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлишини таъминлаш;
- Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақилликка эришиш;
- Таълим жараёнининг кўрсатмали ва кўргазмали бўлиши;
- Билимларни пухта ва тизимли ўзлаштириб бориш;
- Таълим жараёнида шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш;

Умумдидактик тамойиллар билан педагогик жараён конунлари ўзаро алоқада бўлиб, у ўзининг специфик хусусиятларига эга. **“Касбий педагогика”** фанининг асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

- Политехник тамойил
- Таълим оловчиларда амалиёт ва назарияни ўзаро боғлаш тамойили
- Моделлаштириш тамойили
- Мобиллик тамойили
- Тартибли кетма-кетлик тамойили
- Атроф-муҳитни ташкил этиш тамойили
- Компьютерлаштирилган педагогик жараён тамойили

Политехник тамойил – бу тамойил замонавий ишлаб чиқаришнинг илмий асослари тизимини эгаллашни назарда тутиб, шу билимлар асосида умумкасбий политехник ва махсус билимларни шакллантиради.

Политехник тамойилларни ўқитишда қуйидаги шартларга амал қилиш лозим:

- асосий йўналишдаги ривожланган техника ва илмий ўқитиш;
- ўзаро бир-бирлари билан боғланган ўқув материали тизимини ташкил қилиш;
- ўқитилаётган фанни келажакда амалиётда қўллаш;
- таълим оловчиларнинг ёшларига мўлжаллаб ўқитиш;
- умумтаълим билимларига таяниш;
- таълим оловчиларнинг қизиқишларини қониқтириш;
- ўқув материалининг кетма-кетлиги ва турғунлигига риоя қилиш.

Таълим оловчиларда амалиёт ва назарияни ўзаро боғлаш тамойили

Ўқув жараёнида назарий ва амалий билим бериш ўзаро алоқадорлик ва ўқув предметининг асосий мақсади амалиётда қўллашга қаратилган бўлиб, бу мақсад қуйидаги шартларга амал қилишга боғлиқ:

- назарий билимларнинг амалиётда синалиши;
- иш жараёнида соҳавий билимлар ва уларнинг фанда қўлланилиши;
- мутахассис-ходимларни самарали ўқитиш учун касбий ишлаб чиқаришга қараб касбий билим бериш.

Мутахассис фаолиятини ўқув жараёнида моделлаштириш тамойили

Моделлаштириш орқали мазмун ва мақсадларни исботлаш учун енгилликларни олдин ўзлаштириш, ўқитиш методларини ўқув режаси ва ўқув дастурини олиш мумкин.

Мобиллик тамойили

Бу тамойил шахснинг техник билимларини тез ўзлаштириш қобилиятига қаратилган. Мутахассис-ходимнинг ижодий иш характери, дунёқарашининг кенглиги муаммоларни англаб олиш, ишлаб чиқаришдаги ривожланишини кўра билишдир.

Тартибли кетма-кетлик тамойили

Бу тамойил қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқув режасини планлаштириш;
- ўқув жараёнида кетма-кетликка риоя қилиш;
- дедуктив ўқитиш методларини қўллаш;
- умумтаълим билимларини таянч қилиб олиш;
- ўқув материалларини ўзаро боғлиқ ҳолда тартибли бериб бориш.

Атроф-муҳитни ташкил этиш тамойили

Атроф-муҳит деганда аввалам бор таълим муассасасида ўқув қуроллари базасини ишлаб чиқариш ва дидактик воситаларни, техник, технологик, экологик талаблар, шу билан бирга меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва таълим олувчиларнинг соғлиғини сақлаш шароитларини яратиш лозим.

Компьютерлаштирилган педагогик жараён тамойили

Бу тамойил бугунги кунда ўта долзарб бўлиб, компьютерлар ҳаётимизнинг турли соҳаларига кириб келмоқда. Педагогик соҳага ҳам кириб келиб таълим олувчиларга компьютерлар ёрдамида мавзунини кенгрок, қизиқарлирок ва тушунтириладиган мавзунини амалиётини ҳам экранда кўрсатиб бериш имконини яратади.

14.3. Педагогик жараённи лойиҳалаш

Ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида таълим жараёнини самарали ташкил қилиш, унинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлашга эришиш масалалари етук мутафаккирлар ҳамда илғор педагогларнинг диққат – эътиборини жалб этиб келган. Ёш авлод таълим тарбиясини ташкил этишнинг ушбу жиҳатлари ўз даврида Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Ян Амос Коменский, Д.К.Ушинский, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқалар тамонидан ўрганилган.

Ахборотлар алмашинувининг глобаллашуви, шунингдек, илм–фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларида рўй бераётган илмий янгиликларнинг сон ва сифат жиҳатидан кескин ўсиб бориши ўз–ўзидан талабаларга улар борасида тезкор суръатда ва батафсил маълумотлар беришни кун тартибига қўймоқда. Ушбу талабнинг ижобий равишда қондирилиши, энг аввало илмий– назарий ҳамда амалий билимларни ўзлаштиришнинг қулай шакли бўлган таълим жараёнида амалга оширилади. Таълим жараёнининг мақсадга мувофиқ, самарали ташкил этилиши ўқув манбалари (ўқув дастури, режаси, дарслик, қўлланмалар) савияси, шунингдек педагогнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратига боғлиқдир.

Таълим жараёнида янги педагогик технологияларни кўллашда ўқув дастури мазмунининг мукамаллиги, дарслик ҳамда ўқув кўлланмаларнинг замонавий талаблар асосида яратилганлиги, ўқув режаси моҳиятининг назарий ва амалий жихатларига кўра ягона мақсадга эришиш учун хизмат қилиши, машғулотларни самарали ташкил этиш имконини берувчи педагогик шарт–шароитларнинг мавжудлиги, педагог ва талабалар ўртасида самимий, ижобий муносабатларнинг қарор топиши каби масалалар инобатга олинади.

Муайян ўқув машғулотлари жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиш куйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1–босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг дастлабки босқичи ўқув предметининг мундарижасидан жой олган мавзу ёки фаолият мазмунига доир манбаларни ўрганиш, чунончи, материалларни йиғиш ва уларни моҳияти билан танишиб чиқиш, уларда илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, туркумлаштириш ҳамда яхлитлашдан иборат.

Ўқув предметининг мавзуси ёки фаолият мазмунига доир манбалар моҳиятини ўрганиб чиқиш педагог учун талабалар эътиборига тақдим этилаётган мавзу хусусида уларга батафсил, мукамал маълумотларни бера олиш, таълимнинг умумий жараёнини тасаввур этиш имконини бера олади.

2–босқич. Иккинчи босқич ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) юзасидан ягона, умумий мақсадни аниқ белгилаш, умумий мақсад доирасида кичик бўлим (банд)лар бўйича ҳал этилувчи хусусий мақсадларни ҳам белгилаш, таълим мақсадига эришиш йўлида ижобий ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Таълим мақсади ва вазифаларининг аниқ, пухта белгилаб олиниши ўқитувчи, шунингдек, талабалар фаолиятини муайян йўналишга солиш, таълим мақсадига эришишда вақтдан унумли фойдаланиш, таълим жараёнида юзага келиши мумкин бўлган дидактик ва тарбиявий муаммоларнинг олдини олиш, мавжуд шарт–шароитлардан оқилона фойдаланишга замин ҳозирлайди. Иккинчи босқич натижаси ўқув предметининг мавзуси бўйича ягона, умумий ҳамда хусусий мақсадлар, шунингдек, вазифаларни қайд этиш билан тавсифланади.

3–босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг учинчи босқичи таълим мақсади ва вазифаларига таянган ҳолда ўқув жараёнининг мазмунини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Таълим жараёни ўқув материали мазмунини ёритишга хизмат қилувчи муайян мавзу (фаолият мазмуни) бўйича назарий ва амалий билимлар мажмуини ифода этиш имконини беради. Таълим мазмунида, шунингдек, талабалар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунча, кўникма ҳамда малакаларининг ҳажми ҳам ўз ифодасини топа олиши керак. Зеро, таълим мазмунининг ғоявий жихатдан мукамаллиги талабалар томонидан муайян билим, кўникма ҳамда малакаларнинг ўзлаштирилиш даражаси билан белгиланади. Учинчи босқич самараси талабалар томонидан маълум тушунчаларнинг ўзлаштирилиши, кўникма ва

малакалар шаклланишини таъминловчи шартларнинг ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

4-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг энг муҳим босқичи ҳисобланган бу босқичда машғулотнинг шакли, метод ва воситаларини танлаш каби ҳаракатлар амалга оширилади.

Мазкур босқичнинг муҳимлиги шундаки, айнан машғулотнинг шакли, метод ва воситалари таълим жараёнининг муваффақиятини таъминлашга олиб келади. Улар ёрдами билангина ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) борасидаги назарий билимлар ўқувчиларга узатилади, талабалар томонидан эса ушбу билимлар қабул қилиб олинади. Муайян машғулот учун энг мақбул деб топилган шакл, метод ва воситаларнинг белгиланиши таълим жараёнининг 90 фоизлик самарадорлигини таъминлайди. Янги педагогик технологияларнинг асосий моҳияти айнан ана шу босқичда очиб берилади. Талабаларни ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юритишга йўналтирувчи таълим шакли, метод ва воситаларининг тўғри танланиши машғулотларнинг кизиқарли, баҳс – мунозараларга бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки бўлади. Мана шу ҳолатдагина талабалар ташаббусни ўз қўлларига оладилар, ўқитувчининг зиммасида эса уларнинг фаолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни назорат қилиш, мураккаб вазиятларда йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳатлар бериш ҳамда улар фаолиятини баҳолаш каби вазифалар қолади.

5-босқич. Навбатдаги босқичда талабалар тамонидан билим, малака, кўникмаларнинг ўзлаштирилиши учун етарли дея белгиланган вақт хажми, яъни талабаларда муайян мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан маълум тушунча, кўникма ва малакаларнинг қанча вақт оралиғида ўзлаштирилиши мумкинлиги аниқланади.

6-босқич. Бу босқичда топшириқлар тизими ишлаб чиқилади. Босқич натижаси сифатида ишлаб чиқилган топшириқлар тизимининг самарадорлигига алоҳида эътибор бериш талаби мазкур босқичнинг асосий шарти ҳисобланади.

Мазкур босқичда ишлаб чиқилган машқлар тизимини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

- машғулот жараёнида ўқувчилар тамонидан ечилиши лозим бўлган машқлар;
- дарсдан ташқари шароитларда бажарилиши кўзда тутилган машқлар (уй вазифалар).

Талабалар эътиборига ҳавола этилаётган машқлар бир-бирини тўлдириши, ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик ва энг муҳими эволюцион хусусият касб эта олиши лозим.

7-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг еттинчи босқичида талабаларнинг умумий фаолиятларини назорат қилиш ва тест тизимини ишлаб чиқиш каби вазифалар амалга оширилади.

Назарий ва амалий жихатдан тўғри бўлган тест тизимининг ишлаб чиқилиши талабаларнинг мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан маълум тушунчаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалий кўникма ва малакаларни шакллантира олганлик даражаларини аниқ ва холис аниқлай олиш имконини беради. Тест тизимини ишлаб чиқишда тестларнинг изчил, узвий ҳамда бир–бирлари билан уйғун бўлишларига аҳамият бериш зарурдир.

8-босқич. Таълим жараёнини лойиҳалашнинг сўнгги босқичи яратилган лойиҳа (андоза)нинг таълим жараёнига тадбиқ этилиши, таълим жараёнининг якуний даражасини ўрганиш билан ниҳояланади.

Мазкур босқичда таълим жараёнининг умумий аҳволи, эришилган ютуқ ҳамда йўл кўйилган камчиликлар, уларнинг юзага келиш сабаблари таҳлил этилади, навбатдаги Машғулотлар жараёнида содир бўлган камчиликларни олдини олишга қаратилган чора–тадбирлар белгиланади.

14.4. Лойиҳалаш жараёнининг объекти ва муаммолари

Таълим олувчиларнинг ўзи ОТМдаги ўқув-тарбия жараёнининг асосий ва якуний натижаси ҳисобланади: унинг шахсини, қобилиятини ривожлантириш, ваколатлилигини ва касбий билим, ўқув ва малакаларини таъминлаш.

Ўқув-тарбия жараёни (ЎТЖ) ташкилий томондан иккита асосий босқичга бўлинади:

- кидирув тадқиқоти ва лойиҳалаш;
- амалга ошириш ва назорат.

Қидирув тадқиқоти тегишли мутахассисларга талабни истиқболи, уларга олдиндан бўладиган малакавий талабни белгилаш, мазкур талабларни рақобатбардошлик даражасида амалга ошириш имкониятларини ўрганишдан иборатдир. Тегишли мутахассисларни тайёрлаш зарурлиги ва имкониятлари ҳақидаги ваколатли ижобий (ёки салбий) хулоса мазкур тадқиқотларнинг натижаси ҳисобланади.

ЎТЖни лойиҳалаш ЎТЖ меъёрий ва ўқув-методик базасини ташкил этувчи ўзаро боғланган ва ўзаро алоқадор ҳужжатлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборатдир. Қуйидагилар шуларга тааллуқли:

1. ДТС «Олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари классификатори». Мазкур меъёрий ҳуқуқий ҳужжатда тайёрловнинг янги йўналиши (ёки ихтисослиги) белгиланган тартибда берилади. Агар тайёрлов йўналиши (ёки ихтисослиги) классификаторда кўзда тутилган бўлса, унда дархол кейинги ҳужжатни ишлаб чиқишга киришилади.

2. ДТС «Мажбурий минимум мазмунига ва йўналишлар бўйича бакалавр (ёки ихтисослик бўйича магистр) тайёрлаш даражасига бўлган талаблар». Мутахассисга нисбатан олдинда бораётган режалаштирилган малакавий талабларни фан, техника ва технология, иқтисод, таълим ва маданият замонавий ютуқларини, шунингдек мамлакат ва чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш учун муқобил таълимий-

касбий программа ишлаб чиқилади. Бу - ўқув фанларининг тизимли мажмуи бўлиб, мазмунининг кўп меҳнат талаблилиги ва минимумига тегишли ҳисобланади ва тайёрлов йўналиши ёки ихтисослиқнинг «юзини белгилайди». Муқобил таълимий-касбий дастур малакавий талаблар билан қўшилиб кўриб чиқиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат - ДТСни ташкил этади.

3. Намунавий ўқув режаси. Бу ДТСга мувофиқ ишлаб чиқиладиган ўқув-тарбия жараёнининг чеклови ва қуйидагиларни белгилайди:

- ўқув жараёнининг жадвали;
- мутахассис кўп ўлчамли моделини тузишни таъминловни фанлараро алоқани ҳисобга олган ҳолда семестр ва курслар бўйича ДТСда кўзда тутилган ўқув фанларининг тизимли жойлашуви;
- аудитория машғулотлари бўйича ҳар бир ўқув фанининг, шунингдек талаба мустақил таълими ва мустақил иши сермеҳнатлилигини тақсимлаш;
- ҳар бир фан бўйича ҳафталик аудитория юкламаси;
- институционал ўзига хосликлар, талаба билимини назорат қилиш ва баҳолаш, мустақил таълим олишини ташкил этишни ҳисобга олган ҳолда ишчи ўқув режасини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар.

4. Ўқув фанлари намунавий дастурлари. Мазкур ўқув методика ҳужжатлари ДТС (давлат компоненти)да кўзда тутилган ҳар бир муайян ўқув фанлари бўйича мутахассисга бўлган талаб ва мазмун минимумига мувофиқ шунингдек фан, техника ва технология, иқтисодиёт, таълим ва маданият замонавий жаҳон ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

5. Ўқув режасидаги фанлар, малакавий амалиёт ва битирув малакавий ишларини ўқув методик таъминоти. Бу ҳужжатлар тизимли мажмуи бўлиб, ўтказиш ва (ёки) бажариш методикаси мазмуни, шунингдек ўқитувчи ва талабалар турли хил ўқув фаолиятининг назоратини белгилайди. Қуйидагилар шундай ҳужжатлар ҳисобланади:

- маърузалар матни;
- методик материаллар: лаборатория ишлари, амалий машғулотлар, семинарлар, курс лойиҳалари (ишлари), уй вазифалари, мустақил таълим олиш, малакавий амалиёт, битирув малакавий ишлар ва ҳоказо.
- кўргазма қўлланмалар ва тасвирий материаллар;
- программавий ва информациявий таъминот: системани назорат қилувчи ва таълимни автоматлаштирувчи;
- ташкилий методик таъминот: талабалар билими, ўқуви ва малакасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш.

6. Аудитория машғулотларининг жадвали. Бу ишчи ўқув режаси асосида ишлаб чиқиладиган аудитория машғулотларининг семестр миқёсидаги чеклови. Анъанавий тарзда мазкур чехлов бутун семестр мобайнида бир неча фанларни бир вақтда ўрганишни кўзда тутди. Мазкур ҳолда аудитория юкламаси унча катта бўлмаган фанлар учун ҳафтасига

бир-икки соат режалаштирилади, бу уларни ўрганиш самарасига салбий таъсир кўрсатади. Мазкур камчилик ўқув жараёнини модул асосида ташкил қилиш билан бартараф этилади. Бунда у ёки бу модулдаги фанни ўрганишга семестрдан қисқароқ вақт оралиғи ажратилади. Натижада кам ўқув юкласига эга бўлган фан учун ҳам ҳафтада камида белгиланади, бу талабаларни фаол меҳнат қилишга ундайди ва улар ижодий ташаббуси ривожланишига кўмаклашади.

Турли микёсдаги қидирув тадқиқотлари ва лойиҳалаш босқичининг натижаси бўлиб, юқорида кўрсатилган ҳужжатлар мажмуи ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси - таълимни-олий таълим муассасасини бошқариш бўйича давлат ваколатли органи. Бу босқичда мутахассислар тайёрлаш сифатига талаблар белгиланади (лойиҳаланади).

ЎТЖни амалга ошириш ва назорат қилиш босқичига келсак бунда белгиланган сифат таъминланади. Буни таъминлаш сезиларли даражада УТЖни бошқаришга боғлиқдир.

Ҳар қандай муваффақиятсизликнинг боиси - бошқарувдаги ўқувсизлик.

Резюме. Қидирув тадқиқотлари ва ЎТЖни лойиҳалаш ЎТЖ ташкил этишнинг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Бунда ЎТЖ меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методика базасини ташкил этувчи ўзаро боғлиқ ва ўзаро тааллуқли ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилади. Бунда мутахассислар тайёрлаш сифатига бўлган талаб белгиланади.

14.5. Маънавий-ахлоқий, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш

Таълимда ёшларни билим, кўникма ҳамда малакалар билан қуроллантириш, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини ривожлантириш жараёнида баҳолаш шунингдек, билимларни текшириб туриш муҳим аҳамият касб этади. Баҳолаш таълим тизимида фойдаланилаётган методлар қанчалик самарали эканлигини, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Албатта таълим тизимининг самарали бўлиши педагог кадрларнинг тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқ. Педагог биринчи галда ўз касбини севиши, ҳурмат қилиши, талабага катта қизиқиш ва меҳр билан қараши, жамият олдидаги ўзининг катта масъулиятини ҳис қила олиши шарт. Педагог ҳар бир талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши ҳамда ҳисобга олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, таҳлил қила олиши, умумлаштира билиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шакллари мукамал билиши, талабага нисбатан талабчан бўлиши педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиши, ўз фаолиятини таҳлил қила олиши ва хулосалар чиқара олиши керак.

Таълим олувчиларнинг асосий ўқув фаолияти билимларни ўзлаштиришдан иборат бўлиб, мазкур фаолият қуйидаги компонентларни

ўз ичига олади: ўқув материалларини қабул қилиш, фикрлаш, эгаллаб қолиш ва қўллаш. Бу компонентлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ўқув жараёнида кетма-кет қўлланилиб, бутун бир ўқув жараёнини ташкил этади.

1. Таълим олувчининг ўқув материални қабул қилиши.

Ўқув материалнинг қабул қилиш ўқув жараёнининг энг муҳим қисмидир. Ўқув материални яхши қабул қилиниши ўқув ишлаб чиқариш фаолиятида мустаҳкам фундамент ролини ўйнайди.

2. Ўқув материални самарали ўзлаштиришнинг ички шароитлари.

Ўқув материални самарали ўзлаштириш учун энг аввало таълим олувчининг ички эҳтиёжи бўлиши керак. Ички ўзлаштириш жавоб бергандан имтиҳонгача эсда сақланиб, кейин эсдан чиқади. Ўзлаштиришнинг муваффақияти таълим олувчининг фаолиятига ҳам боғлиқ бўлади. Чунки таълим олувчи берилаётган материалларга кизикса ва ўз устида ишласа ўзлаштиришнинг энг юқори чўққисига эришиши мумкин.

Ўзлаштиришнинг ички фактларидан яна бири берилаётган материални таълим олувчи томонидан тушунишдир. Чунки таълим олувчи мавзунини тушунмаса, қанча ўз устида ишламасин, олдинги мавзулар билан боғлиқ бўлмаса, мавзунинг ўзлаштирилиши содир бўлмайди ва жуда саёз бўлади.

3. Қабул қилишнинг ташқи факторлари.

Ўқув материални қабул қилишнинг асосий факторлари асосан ўқув материалнинг мазмунига боғлиқ бўлади. Унинг қийинлиги шундаки, ўқув материалда қўлланиладиган техник материаллар аниқ ва абстрактлигига, амалиётга боғлиқлигига қараб фарқ қилади.

4. Эслаб қолиш.

Ўқув материални қабул қилишнинг энг муҳим компоненти бу янги материални эслаб қолиш ва хоҳлаган вақтда уни назарий ва амалий қўллай билишдир. Таълим олувчи ўқув материали билан фаол ишлаганда уни яхши эслаб қолиб, самарали қўллайди. Эслаб қолишнинг энг асосий самарадорлиги таълим олувчининг иродавий хусусиятларига боғлиқ.

5. Билимларни қўллашда кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Бизга маълумки билимларни амалий фаолият давомида қўллай билиш, билимларни эгаллаганлик даражасини кўрсатади. Назарий билимларни амалиётда қўллай билиш, яъни лаборатория ишларини бажариш давомида эгаллаган билимлар асосида уй вазифасини бажариш, билимларни мустақил эгаллашдан иборат. Бу жараёнда билимлар кенгайиб ва мукамаллашиб, чуқур ўзлаштирилган билимга айланади.

14.6. Ўқув материалларини қабул қилиш, фикрлаш, эгаллаб қолиш ва қўллаш

Таълим олувчилар ўқув фаолиятини ташкил қилишда ўз устида мустақил иш олиб бориши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шахсий билимларни ошириш, таълим олишнинг алоҳида тури ҳисобланиб, ўз-

Ўзини ўқитиш жараёни кўпроқ таълим олувчининг зиммасига юклатилади. Бу жараёнда ижтимоий-психологик шартлар қуйидагилар ҳисобланади:

- Таълим олувчининг шахсий касбий малакасининг юқорилиги.
- Мутахассисларнинг билим даражаси меҳнатнинг рақобатбардошлигини кўтаради.
- Ҳозирги замон технологиялари ва мутахассислар фаолияти ишсизликни келтириб чиқариб, ишсизларни янги мутахассислик турига қайта ўқитишни тақоза этади.
- Дунё иқтисодиётининг ривожланиши мутахассис кадрлар билимининг мукамаллашиб боришига олиб келади.

Касбий таълимнинг самарадорлик мезони

Асосий самарадорлик критериясига мутахассислик киради:

- малакавий фаолиятда мустақиллик ҳисси;
- меҳнат хавфсизлигига амал қилган ҳолда техник талабларни бажариш;
- ишлаб чиқаришда вақт ва нормаларни бажариш;
- касбий фаолиятда фикрлаш ва ўз-ўзини назорат қилиб бориш;
- меҳнат маданиятига қатъий амал қилиш;
- меҳнат фаолиятига ижодий ёндошиш;
- бажарилган иш учун масъулиятни ҳис қилиш кабилар киради.

Қисқа хулоса

Ушбу мавзуда таълимда талаба ёшларни билим, кўникма, малакалар билан қуроллантириш, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини ривожлантириш жараёнида баҳолаш ва билимларини текшириб туриш муҳим аҳамият касб этиши, баҳолаш таълим тизимида фойдаланилаётган методлар қанчалик самарали эканлигини, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашга ёрдам бериши ҳақидаги фикрлар баён қилинган. Шунингдек, таълим тизимининг самарали бўлиши педагог кадрларнинг тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Педагог ҳар бир талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай билиши ва ҳисобга олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шакллари мукамал билиши, талабага нисбатан талабчан бўлиши педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиши, ўз фаолиятини таҳлил қила олиши ва хулосалар чиқара олиши керак.

Таълим тамойиллари - умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малака ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йиғиндисидан иборат. Шу нуқтаи назардан таълим тамойиллари ва унинг турлари бўйича фикрлар баён қилинган.

Касб таълими жараёнининг моҳияти ва унинг тузилиши, касб таълимининг тамойиллари, педагогик жараёни лойиҳалаш, педагогик режалашнинг умумий алгоритми, таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш жараёни, касб таълимида шахсий малакавий билимлар олиш касбий таълимнинг самарадорлик критерияси кабиларга алоҳида ёндошилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Педагогик жараённинг моҳияти ва тузилиши нимадан иборат?
2. Талабаларнинг ўқув фаолияти қандай ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади?
3. Педагогик технологияда шахсий мўлжаллаш деганда Сиз нимани тушунсиз?
4. Касбий таълимнинг самарадорлик мезонига нималар киради?
5. Педагогик лойиҳалаш – бу нима?
6. Мониторинг деганда нимани тушунасиз?
7. Таълим технологиясига нималар киради?
8. Меҳнат маданияти тушунчасини асослаб беринг?
9. Касбий таълимнинг тамойиллари ҳақида фикр билдиринг?
10. Компьютерлаштирилган педагогик жараён тамойилига мисоллар келтиринг?

15 – мавзу. Касбий педагогикада таълим мазмуни

Режа:

- 15.1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандарти.
- 15.2. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистон Республикасида касб таълимининг асосий мазмуни.
- 15.3. Таълим мазмуни тузилмасининг макродаражаси.
- 15.4. Микродаражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси.

15.1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандарти

Давлат таълим стандартлари таълим тизимининг энг зарур ва етарли даражаси ҳамда ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талабларини белгилаб беради.

Таълим мазмунининг зарурий ўзаги ҳисобланмиш таълим стандарти воситасида мамлакат ҳудудидаги турли ўқув муассасаларида таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шarti амалга оширилади. Ўқув юкламалари меъёрига келтирилади, таълим олувчилар билимини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади.

Таълим олувчи давлат белгилаган таълим стандарти билан чекланиши мумкин ёки билимларни чуқурроқ эгаллаш мақсадида мустақил равишда, яъни кенгроқ, чуқурроқ билим олишга ва юқори рейтинг бали тўплаш ҳуқуқига эга. Натижада, қийин ёки таълим олувчи

хуш кўрмайдиган предметни ўрганишда унга стандартда белгиланган меъёр билан чекланишга имкон берилади. Бунда таълим оловчи ўзининг кизиқиши, хоҳиши, қобилият ва интилишларини рўёбга чиқаришга, ўзи учун энг мақбул йўлни онгли ва мустақил равишда танлаш имкониятига эга бўлади.

Давлат таълим стандартлари ўқув-тарбия жараёнининг барча иштирокчилари учун мажбурий тайёргарликка қўйиладиган талаблар очик бўлишини назарда тутди. Таълим оловчилар учун шакл ва мазмун жиҳатидан тушунарли тарзда ифода қилинган мазкур талаблар таълим оловчилар ва уларнинг ота-оналарига олдиндан маълум қилинади.

Давлат таълим стандарти талабларидан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти ишлаб чиқилади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тармоқли стандарти – малака талабларига мос ҳолда касбий тавсифнома асосида муайян тайёрлов йўналиши ва касб-хунар бўйича таълим мазмунининг зарур ва етарли ҳажми ва сўнгги максадларини, ўқув юкламалари ҳажмини аниқловчи ҳамда таълим сифатининг стандарт талабларига мувофиқлигини таъминловчи меъёрий ҳужжатдир.

Касб-хунар таълими дастури касб-хунар коллежи битирувчисига эгаллаган касби бўйича ишни малакали бажариш имконини бериш ҳажмидаги маълум касбга доир умумкасбий ва махсус фанларни ҳамда ишлаб чиқариш таълими ва амалиётини ўз ичига олади.

Касб-хунар таълими дастурини муваффақиятли эгаллаш касб-хунар коллежлари битирувчиларини касби ва ихтисослиги бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи билан таъминлайди. Ўрта махсус, касб-хунар таълимини стандартлаштиришнинг мақсади ва вазифалари – ўрта махсус, касб-хунар таълимининг юксак сифатини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи рақобатбардош кадрлар тайёрлашни таъминлаш, сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, кадрлар тайёрлаш соҳасида шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш, кадрлар тайёрлаш сифатини, таълим фаолиятини баҳолаш мезонлари ва тартибини белгилашдан иборатдир.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими сифатига ва кадрлар тайёрлашга, кўрсатиладиган таълим хизматлари турларига нисбатан қўйиладиган мақбул талабларни белгилаш, таълим оловчиларнинг билими ва касб малакаси даражасини вақти-вақти билан баҳолаш тартибига, халқнинг бой мероси ва умуминсоний кадриятлар асосида таълим оловчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этишдан иборат бўлади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими, ўқув-тарбия жараёнини, педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминлашга, таълим даражасини назорат қилишга, таълим муассасаларида таълим оловчилар ва уларни битирувчиларнинг малакасига нисбатан меъёрлар ва талабларни

белгилаш; кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашдан иборатдир.

Таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида эгаллаб қолиши лозим бўлган ҳамда тизимга солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади.

Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

1. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлар, ижтимоий тузимнинг хусусиятлари.

2. Давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдига кўядиган мақсад ва вазифалари.

3. Ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) эътиборга олувчи дидактик талаблар.

Таълим мазмуни ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликларда ифодаланган.

Ўқув режаси деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатига айтилади.

Ўқув режаси – барча умумтаълим мактабларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат ҳужжатидир. Унда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва ўша фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилган бўлади.

Ўқув дастури – ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва гоаявий – сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир.

Ўқув дастурида ўқув йили давомида ҳар қайси синфда алоҳида фанлар бўйича ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда ҳар қайси ўқув фанларининг мазмуни изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Маълум мавзу юзасидан ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодалаб берилади.

Дарслик – ўқув жараёнининг зарур қисмидир. Кўп вақтлардан бери у ўқитишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланар эди.

Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир.

Дарсликлар билан бир қаторда айрим фанлардан ўқув қўлланмалар ҳам тузилади. Масалалар ва машқлар тўплами, хрестоматиялар, атласлар, луғат китоблари ва шу кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.¹

Ўқувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ҳам дарсда, ҳам уй шароитида мустақил иш олиб борадилар. Дарслик материали катта

¹ Н.Хўжаев ва бошқалар. Таълим назарияси. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ. 2003. 28-бет.

тарбиявий аҳамиятга эга. У билан ишлаш тарбияланувчиларнинг ақлий тарбиясига, уларда илмий дунёқарашнинг, ахлоқ-одоб, нутқ ва тафаккурнинг ва мустақил фикрнинг ривожланишига ёрдам беради.

15.2. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистон Республикасида касб таълимининг асосий мазмуни

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришиши, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши мутахассислар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз таълим тизимида катор ўзгаришлар жорий қилинди. Жумладан, “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг жорий этилиши, янги ўқув режалари, дастурлар, дарсликларнинг ишлаб чиқилиши, таълим муассасаларининг аттестация ва аккредитация қилиниши, янги типдаги таълим муассасаларининг ташкил қилиниши республикамизда таълим тизимида кенгрок аҳамият қаратилаётганлигининг ҳамда Юртбошимизнинг мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бераётганлигининг яққол намунаси.

Бугунги кунга келиб, янги типдаги мактаблар, умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожланиб бормоқда. “Соғлом авлод учун”, “Маънавият ва маърифат”, “Иқтисодий таълим”, “Қишлоқ мактаби”, “Ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни тиклаш”, “Ижтимоий химоялаш” ва бошқа тармоқ дастури рўёбга чиқарилмоқда.

Меҳнат бозорини, энг аввало қишлоқ жойларда меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантиришга киришилди. Ҳозирги кунда бу тизимда минглаб ёшлар касб-корлар сирларини ўрганмоқдалар. Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан ҳуқуқий йўналишга ўтказиш иши олиб борилмоқда, ўқув юртларининг тармоғи кенгаймоқда. Билимларнинг янги тармоқлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш бошлаб юборилди, олий таълимни кўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилмоқда. Абитуриентлар ва талабаларнинг билим даражасини тест ва рейтинг асосида баҳолашнинг илғор усуллари жорий этилмоқда.

Олий малакали кадрлар сифатига ошган талабларга мувофиқ аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлаш иши кенгаймоқда. Фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгаймоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида юқори малакали кадрлар билан таъминлашда унинг ҳаётий циклининг учта асосий босқичларига комплекс ёндашилган.

Биринчи босқичда кадрларга бўлган эҳтиёжларни прогнозлаштириш ва шахс, жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда бозор иқтисодиётини ривожлантириш белгиланган. Бу ўринда квалификация даражасининг ўсиб бориши белгиланади.

Иккинчи босқичда кадрлар тайёрлашни таъминлаш ва уларнинг квалификация даражасини амалга ошириш.

Учинчи босқичда, профессионал фаолият соҳасида кадрлардан фойдаланиш, вақти-вақти билан малакани ошириш ва қўшимча профессионал таълим ёки қўшимча профессионал таълим доирасида квалификация даражасини таъмин этиш ва янгилаб туриш.

Миллий дастурнинг комплекс вазифаларида сифатли кадрлар тайёрлаш қароридан, энг муҳим вазифани ишлаб чиқиш ва профессионал таълимнинг барча поғоналарида давлат таълим стандарти тамойилларига бағишланган “рақобатбардош ва сифатли кадрлар тайёрлаш” дастури ишлаб чиқилган.¹

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашни таъминлаш учун касбий таълимда стандартлаштириш ўсиб, юксалиб бориши зарур. Унинг моҳияти юқори ва сифатли талаблар бўйича амалиётда эришилган нормаларга муносабати белгиланади. Касбий таълимда стандартлаштириш комплекс бўлиши керак.

- Биринчидан, ундаги ўзаро боғлиқлик даражасида кадрлар тайёрлаш ишчи ходимдан тортиб, то юқори малакали мутахассисгача профессионал таълимнинг узлуксизлиги қамраб олиши зарур.
- Иккинчидан, таълим стандарти мутахассиснинг ҳаётий циклининг барча босқичларини қамраб олиши ва уларнинг ўзаро алоқаларини таъминлаши керак.

Таълим муассасаларининг интеграциялашган академик лицей, касб-хунар коллежи ва бошқаларни ташкил қилиш. Бундай таълим муассасаларида қуйидагилар назарда тутилади:

- Профессионал таълимнинг ташкилий ва методик изчиллигини таъмин этиш;
- Соҳалар вазифасини ҳал этиш учун мақсадли мутахассислар тайёрлашни амалга ошириш;
- Ўрта звено мутахассисларини тайёрлаш учун моддий-техника базаларидан ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибидан фойдаланиш.

Касб таълими интеграциясининг горизонтали бўйича – йирик техника университетлари, илмий ўқув, илмий ишлаб чиқариш ва ўқув ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этишдан иборат. Бундан мақсад рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар (бакалавр ва магистрлар), шунингдек, ишлаб чиқариш бирлашмалари, касб-хунар коллежлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш.

Бундай интеграция қуйидагиларга рухсат этади:

- Бирлашаётган олий ўқув юртларининг моддий-техник, илмий ва педагогик потенциалидан самарали фойдаланиш;
- Таълим муассасаларида ўқув жараёни билан фан соҳаларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

¹И.Иномов. Иқтисодий тарбия назарияси. – Т.: ТДИУ, 2005. 196-бет.

- Илмий ходимлар, ўқитувчилар ва талабаларнинг биргаликда фойдаланишлари учун тажриба экспериментал ва фундаментал тадқиқот базасини ривожлантириш;
- Касбий таълимнинг барча даражаларида давомли интеграцион тажрибани ўтказиш.

Касб таълимининг вертикал ва горизонтал равишда интеграциялашганлиги бўйича турли даражадаги рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш керак.

Касб таълимининг халқаро интеграциялашув йўллари:

1. Саноати ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда таълим муассасаларини (университетлар, коллежлар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари) ташкил этиш, бу эса бозор ва халқаро муносабатлар, юқори технология билан боғлиқ бўлган мутахассислар йўналиши бўйича бўлиши зарур.

2. Истеъдодли ёшларни саноати ва интеллектуал даражаси ривожланган мамлакатларнинг таълим муассасаларида ўқитиш.

3. Хорижий мамлакатлар таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ва шу билан бирга талабалар, илмий тадқиқотчилар, педагоглар тажриба алмашинувини кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

15.3. Таълим мазмуни тузилмасининг макродаражаси

Таълим мазмунининг тузилмасини макродаражаси модулли блок ёрдамида амалга оширилади. Модулли блок ёндашув таълим мазмуни асосини ажратиб олишга ёрдам беради, ҳамда касбий таълим тизимини мослашувчанлигини таъминлаб беради.

Аниқ бир йўналиш бўйича таълим мазмунини текшириш бошланғич касбий таълим соҳаларидан бошланади. Касб таълими мазмуни умумий ҳолда умумтаълим ва касбий тайёргарликни ўз ичига олади. Умумтаълим тайёргарлик гуманитар ва табиий илмий блоклар орқали таништирилади.

Умумтаълим блокига – назарий ва амалий ўқув материали киради, яқин касблар гуруҳи интеграция асосини ўтайди, тармоқлардан яъни ишлаб чиқаришдан ажратилган ёки тармоқлараро даражада бўлади.

Таълимда касбий блок энг асосийси ҳисобланади, касбий блокда ўқув материали, турли касбий фаолиятни сўралаётган даражада ўрганилади. Мутахассислик блоки – назарий ва амалий ўқув материали касби мутахассислигини ўрганиш учун зарур.

Умумий мутахассислик блоки – айрим ҳолларда кўрсатилади, кенг микёсли техника ва технологияни қамраб олувчи, меҳнатнинг мазмуни бўйича нисбатан ҳар хиллиги билан фарқланади. Бир неча мутахассисликлар учун касблар бўйича умумтаълим мазмунини ажратиб, умумий мутахассислик блокига киритилиши мумкин. Масалан, «Тикувчилик» касби учун таълим мазмуни танланганда, юқори катлам

бўйича – тикувчилик ишлаб чиқаришга тўғри келади, ўрта қатлам бўйича кийимларни, яқка тартибда тикиш технологияси, яқин касблар гуруҳи, куйи қатлам – «тикувчилик» касби мутахассисликлар, масалан, аёллар энгил кийимлари тикувчиси кабилар.¹

Биринчи қатлам умумтехник блоки кўринишида тикувчилик ишлаб чиқариш учун бўлади (фанлар «Материалшунослик», «Бозор иқтисодиёти»), иккинчи қатлам – яқка тартибда кийимларни тикиш – яқин касблар гуруҳи умумкасбий блок кўринишида («Маданият», «Кийимларни лойиҳалаш асослари»), учинчи қатлам тикувчилик касби учун умумий блок кўринишида («Кийимларни тикиш технологияси асослари», «Кийимларни моделлаштириш ва конструкциялаш асослари»). Учта асосий блокларга мос келувчи 3 та мутахассисликлар: аёллар энгил кийими, аёллар устки кийими, эркаклар кийими. Бу блок «Кийим тайёрлаш технологияси» ўқув фани учун танланган мутахассисликка боғлиқ ҳолда аниқ мазмунлар билан тўлдирилади.

Кўшимча 4 та блокни кўриб чиқамиз.

1. Йўналишни ўзгартириш блоки – эгалланган касблар асосида янғисини эгаллаш, ишсизларни ўқитиш тизими учун муҳимдир. Тикувчини қайта ўқитиб ўзини мутахассислигига мос равишда бичувчи мутахассислигини бериш. Бундай йўналишни ўзлаштириш тикувчига яқка фаолиятни олиб боришига ёрдам беради.

2. Касбий таълимни ошириш блоки – кадрлар тайёрлашнинг 2 тизими билан боғлиқ. Агар 2 тизим – умумтехник даража ва тармоқли тайёрлашни касбий таълимни ўрта даражасигача олиб бориш масаласи бўлса у ҳолда касбий таълим дипломлари билан техник дипломни ҳам оладилар.

3. Бизнес блок – бозор иқтисодиёти шароитида муҳимдир. Бу блок одамларни бозорга боришга ва ўз ишини очишга ёрдам беради. Блок – касбий тайёргарликдан ўтиб кетувчи блоки – ўз касби бўйича янги техника ва технологиялар ҳақида маълумотлар янги техника ва технологияларда ишлаши учун ишчи-ходимлар, мутахассислар тайёрлашда муҳимдир. Мазкур блок бўйича ўқитиш бирор фирма томонидан унинг илтимосига кўра ўқув дастурига киритилиши мумкин.

Биз асосий ва кўшимча блокларни кўриб чиқдик. Шулар асосида узлуксиз касбий таълимда касбий таълим мазмуни курилади. Узлуксиз касбий таълим яхлитлигини тузиш учун блокларга ижтимоий-иқтисодий даражадаги блокларни киритиш мумкин.

Уларга «Компьютер асослари», «Бозор иқтисодиёти ва кичик бизнес», «Ҳуқуқ асослари» каби блоклар асосий тузилма элементи ҳисобланади. Улар ёрдамида таълим мазмуни ҳам шаклланади. Масалан, бошланғич касбий таълим мазмунидаги кўпгина касбларни эгаллаш босқичма-босқич амалга оширилади. Бундай мутахассислик бошланғич даражада эгалланади.

¹ Ў.Қ.Толипов, М.Баракаев, Ш.С.Шарипов. Касбий педагогика. (Маърузалар матни). – Т.: ТДИУ, 2001.

Юқори даражадаги ўқитиш мазмуни тузилгандан кейин (стандарт, модул-блок ўқув дастури касбий таълим учун таълим бериш муассасалари ёки бўлмаса кишиларнинг бандликка ўқитиш блоки модул ўқув дастури) модулли бирликлар мазмуни очиб берилади (фан, фан доираси, амалий машғулот турлари ва меҳнат).

Фандан олдин ўқув предмети дастурини ўзлаштириш учун киритилган объектлар, ҳодисалар ва фаолият услублари «ўқув элементи» деган умумий атама билан ифодалаб оламиз. Ҳар қандай ўқув дастури ўқув элементлардан иборат бўлади. Ўқув элементлари 2 гуруҳга тақсимланади.

Биринчи гуруҳда ўқув жараёнида объект ва предмет фаолият услублари кўриб чиқилади.

Иккинчи гуруҳда – ҳамма кўрсаткичлар киритилиб, улар ёрдамида объект ва жараёнларнинг афзалликлари очиб берилади, улар ўқув элементи деб номланади.

Йирик ўқув элементи мазмуни, асосий ўқув элементи, бўғинли ўқув элементи, энг асосий ўқув элементлари орқали очиб берилади.

15.4. Микродаражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси

Микродаражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси учун «Бадиий лойиҳалаш асослари» фанини мисол қилишимиз мумкин. Умумий касбий блокка кирувчи – яқка тартибда кийим тикиш, мавзули режага мос келувчи мавзулар ўқув элементлари асослари, яъни;

- фигурали чизиш
- силуэт шакллари тузиш
- кийимларни бадиий лойиҳалашда – кийимлар қисмлари
- журналларга қараб кийим моделларини чизиш
- ранглар асоси
- костюмни бадиий лойиҳалаш ва ҳоказолар.

Кийимларни бадиий лойиҳалашда – кийимлар деталлари ўқув элементлари орқали очиб берилади – тақилма турлари, ёқа турлари, адиплар турлари, энг турлари, чўнтак турлари, уларни безаш ва ҳоказо.

Шундай қилиб, микро даражадаги ўқитишда ички тартибдаги модулнинг мазмуни амалий иш орқали очиб берилади. Микродаражадаги тузилма ўқув курслари мазмунини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Қисқа хулоса

Ушбу мавзуда ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган талаблар, таълим стандартлари, касб-ҳунар таълими дастури, кадрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар, педагогик ва ахборот технологиялари, таълим мазмуни тузилмасининг модул даражаси, микро ва макро даражадаги ўқитиш кабилар бўйича қатор маълумотлар берилган. Давлат таълим стандарти талабларидан келиб чиқиб, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим

стандарт ишлаб чиқилади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тармоқли стандарти – малака талабларига мос ҳолда касбий тавсифнома асосида муайян тайёрлов йўналиши ва касб-хунар бўйича таълим мазмунининг зарур ва етарли ҳажми ва сўнгги мақсадларини, ўқув юкламалари ҳажмини аниқловчи ҳамда таълим сифатининг стандарт талабларига мувофиқлигини таъминловчи меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, унда ДТСга оид фикрлар баён қилинган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти ҳақида фикр билдиринг?
2. Касб педагогикасида таълим мазмунига нималар киради?
3. Таълим мазмуни тузилмасини макродаражаси нима билан изоҳланади?
4. Микродаражадаги ўқитиш мазмунининг тузилмаси нима билан белгиланади?
5. Касб-хунар таълими дастури ҳақида сўзлаб беринг?
6. Касб педагогикасининг мазмуни ва асосий белгилари нималардан иборат?
7. Касб таълими мазмунига қўйиладиган талабларни сўзлаб беринг?
8. Ўқитиш дастурларига нималар киради?

16 - Касбий педагогикада таълим методлари

Режа:

- 16.1. Касбий таълим методлари ва уларнинг умумий тавсифномаси.
- 16.2. Назарий таълим ва ишлаб чиқариш таълим методлари.
- 16.3. Ишлаб чиқариш жараёнида фаоллик методи.
- 16.4. Ўқитиш жараёнида таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш.
- 16.5. Таълим методларини танлаш. Таълим олувчиларни танлаш мезони.

16.1. Касбий таълим методлари ва уларнинг умумий тавсифномаси

Таълимнинг асосий мақсади - замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришдир. Жамият ривожланар экан, ҳаётий талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чуқурлашиб борар экан, мантиқий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб ҳам кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиққан ҳолда таълим тизими нафақат бугунги кун талабини балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керак деган хулосага келамиз. Чунки, бугунги кун талаблари келажакда жамиятнинг асосий ўзагига

айланади. Демак, таълим тизими талабаларни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажакдаги ҳаётга тайёрлаши лозим. Бу ҳам таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Таълим – махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. Таълим жараёни ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, у икки тамонлама характерга эга. Ўқитувчининг фаолияти туфайли таълим пухта ўйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида олиб бориладиган жараёнга айланиб, қутилган натижани беради. Таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малака ташкил қилади.

Касб таълими методлари деганда - ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг биргаликда бажарадиган фаолият усуллари тушунилади ва бу усуллар таълим олувчиларнинг техник-технологик билимларни, кўникма ва малакаларни эгаллашларига, мустақил равишда билим олиш ва бу билимлардан амалда фойдаланиш қобилиятини оширишга қаратилган бўлади.

Халқ таълими вазирлиги, педагогика илмий тадқиқот институти, методист педагогларнинг, хусусан педагогика фанининг долзарб вазифаларидан бири - таълим-тарбиядаги муаммоларни, маҳаллий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, барча ўқув фанлари бўйича янги миллий дастурлар яратиш, таълимни поғоналаш, дарс жараёнини тоифалашдан иборатдир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишдаги ўзбек ўқув муассасасилари ўқитиш тарихига бир назар ташлаш айна пайтда таълим методларини ўрганишни осонлаштиради. Шубҳасиз, мазкур таълим методикаси тарихига оид манба муайян даражада таълимнинг методик бўшлиқларини маънавий жиҳатдан тўлдирди, педагог тарбиячиларнинг педагогик мерос ва халқ педагогикасига бўлган катта эҳтиёж ва кизиқишларини қондиради.

Таълим беришда ўқитиш методлари асосий ўринни эгаллайди. **Метод-юнонча** атама бўлиб, усул, йўл деган маънони англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради. Методлар (усуллар) ҳар қандай ахборотни (мақсадни) узатиш ва қабул қилиш характерига қараб қуйидаги синфларга ажратилади:

- сўз орқали фойдаланадиган метод;
- кўргазмали метод;
- амалий метод.

Таълим жараёнида талабаларни ўзлаштириш, фикрлаш жараёнини ташкил этиш бўйича эса қуйидаги методларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ўқитишнинг маъруза (суҳбат) методи;
- ўқитишнинг амалий ишлар методи;
- лаборатория ишлари методи;
- мустақил ишлар методи;

- репродуктив-эвристик метод;
- илмий-тадқиқот методи;
- ўқитишнинг муаммоли-изланиш методи;
- ўқитишнинг индуктив ва дидуктив методи.

Ахборотни сўз орқали етказиш ва қабул қилишга қаратилган биринчи гуруҳ методларига: Ҳикоя, суҳбат, маъруза кабиларни киритиш мумкин.

Нутқ маданиятини ўстиришда ҳикоянинг ўқитиш ва фикрларни баён қилиш методи сифатидаги имкониятлари бошқа методларга нисбатан юқоридир.

Ҳикоя қилиш - педагог томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид факт, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён этилади. Бу метод материалларни баён қилишда, образларга характеристика беришда, табиат ҳодисалари ва ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни тасвирлашда қўл келади.

Ҳикоя қилиш давомида талабалар пассив тингловчи бўлиб қолишларига йўл қўймаслик керак. Талабаларнинг диққатини тасвирланаётган объектга қаратибгина қолмай балки худди шу объект ҳақида улар онгли ва актив фикр юритишларини ҳам таъминламоқ лозим.

Ўқув материални тушунтириш - педагог томонидан ўрганилаётган мавзунинг нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг мазмунини характерлайдиган тушунча, қонун ва қоидаларни ўқитишдир. Бу метод кўпроқ математика, физика, химия, она тили, рус тили ва шунга ўхшаш фанларни ўқитишда қўл келади. Педагогнинг маълум бир фаннинг у ёки бу мавзуга оид қонун, қоидаларни қанчалик асосли эканлигини фактлар, мисол ва далиллар келтириш, шунингдек, масалалар, мисоллар ишлаш йўли билан исботлаб беради.

Бу жараёнга талабаларнинг фаол иштирок этишларини таъминламай туриб, қутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса баён қилинаётган материалларини умумлаштириш ва хулосалар чиқаришда талабаларнинг ўз мулоҳазалари билан иштирок этишларини таъминлаш муҳим.

Маъруза методи. Бу метод ўқув материали ҳажмининг катталигини, мантиқий тузилиши, образлари исбот ва умумлаштиришнинг анчагина мураккаблиги билан фаркланади. Агар ҳикоя дарснинг бир қисминигина эгалласа, маъруза одатда уларни тўла қамраб олади. Маъруза давомида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, мавзуга оид кўргазмали материалларни намоёниш этиш, маъруза охирида умумий хулосалар чиқариш кабилар самарадорликни оширади. Маъруза методи кенг қамровли ахборотни талабаларга етказишда ғоятда қўл келади.

Суҳбат. Бу метод асосан савол-жавоб йўсинида олиб борилади. Суҳбатларнинг маълум мақсадга қаратилганлиги уларнинг характерини белгилайди. Суҳбат эвристик, этик, индуктив методик характерда бўлиши мумкин.

Сухбат методи талабаларнинг фаол иштироки оркали ўтказилганлиги учун уларда ҳам мустақил фикрлаш, хулосалаш каби хислатларни шакллантиради. Машғулотларни ташкил қилиш ва уни олиб бориш жараёнида педагог сухбат методидан фойдаланганда қуйидаги шартларга амал қилиши керак.

Ўқитишнинг кўргазмали методлари

Ўқитиш жараёнида кўргазмалилик методидан фойдаланишнинг муҳимлиги ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга талабани ундаш, мантиқий ва назарий элементларнинг бирлигига ишонч ҳосил қилиш ва ниҳоят, назарий билимларни амалиётда қўллаш олишга ўргата билишдадир.

Ўқитишнинг амалий ишлар методи.

Амалий методларга масалалар ечиш, чизмалар тайёрлаш, ёзма машқларни бажариш кабиларни киритиш мумкин. Назарий жиҳатдан эгалланган билимлар амалда қўллаб кўрилади. График жадвал, карталар чизиш ҳам тегишли кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга ва уларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Лаборатория ишлари методи.

Лаборатория машқлари фронтал тажрибалар, лаборатория ишлари, практикумлар ўқитишнинг техник воситалари ва ўқув қуроллари типидagi бошқа асбоб-ускуналар билан машғулотлар тарзида ўтказилади. Лаборатория методининг бошқа ўқитиш методларидан фарқи, шундаки, бу метод билан иш кўрилганда ҳар қайси талаба ниманидир мустақил, шахсан тажриба қилиб куради. Дарс педагог раҳбарлигида талабаларнинг мустақил тажриба ўтказишларига қаратилган бўлади. Лаборатория машғулотларида мустақиллик, фаоллик, ташаббускорлик ошади.

Мустақил ишлар методи.

Кейинги даврда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Чунки бу метод талабада ижодкорликни, мустақилликни ривожлантиради. Ўқув дастурларида мустақил таълим учун соатлар ажратилмоқда. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда маълум фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб мустақил ишнинг мазмуни, шакли ва вазифалари танлаб олинади. Топширилган мустақил ишни бажариш учун педагог керакли адабиётлар ва йўл-йўриқларни кўрсатиши, қисқача тушунтириш бериши лозим. Талаба бажариши керак бўлган мустақил иш кўп вақт эгалламаслиги ва шу билан бир қаторда талабага ривожлантирувчи сифатида таъсир кўрсатиши керак.

Репродуктив, эвристик метод.

Репродуктив методлар биринчи навбатда талабаларнинг ўқув материални тезроқ ва мустаҳкамроқ эслаб қолишларини таъминлаш билимдаги типик камчиликларни тез аниқлаш учун қулай. Репродуктив методлар айниқса ўқув материалнинг мазмуни асосан ахборот характерида бўлса, мураккаб ва бутунлай янги билимлар ўрганилиши лозим бўлган ҳолатда самарали натижа беради. Тафаккурнинг репродуктивлик характери педагог ёки бошқа манба орқали хабар

килинадиган ўқув ахборотларини фаолроқ қилишини ва эслаб қилишини назарда тутди. Ҳикоя, маъруза, кўргазмалилик ва амалий ишлар ҳам репродуктив асосга қурилиши мумкин. Репродуктив характердаги амалий ишлар шуниси билан фарқ қиладики, бу ишларнинг давомида талабалар намунага кўра илгари ёки яқиндагина ўзлаштирган фаоллигини ошириш мақсадида улар кўпинча эвристик яъни қисман изланувчан метод билан қўшиб олиб борилиши мумкин. Янги мавзунини баёни давомида ўрганилаётган материалнинг баъзи элементлари устида талабаларга фикр юритиш имкони берилди. Педагог томонидан енгил қисқа саволлар тузилиб, талабаларнинг иштирокида уларга жавоб топишга ҳаракат қилинади. Эвристик метод талабаларнинг билиш даражасини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Демак, эвристик метод янги мавзунини идрок қилишда талабаларнинг ҳам қисман иштирок этишини таъминлайди.

Илмий тадқиқот методи.

Бу метод таълим тизимида унчалик кенг тарқалмаган метод бўлиб, маълум тайёргарликни талаб этади. Педагог раҳбарлигида талабалар ёки бир талаба маълум илмий тадқиқотларни ўтказиши ва маълум фан учун янги хулосаларни ясаши мана шу методни қўллаш жараёнида вужудга келади. Бу метод асосан олийгоҳларда қўлланилади. Бу метод давомида илмий билиш жараёни содир бўлади, яъни ҳали номаълум бўлган билимлар кашф этилади ва эгалланади. Бунинг учун илмий тадқиқот режаси тузилади. Мақсад белгиланади ва тадқиқот усуллари танлаб олинади. Тадқиқот натижалари асосида хулосалар ясалади.

Ўқитишнинг муаммоли-изланиш методи.

Янги мавзунини ўрганиш жараёни ўрганилаётган материални тайёр ҳолда талабаларга баён этмасдан, балки муаммо сифатида тақдим этиш муаммо-изланиш методини келтириб чиқаради. Яъни дарс давомида яшаш керак бўлган хулосалар педагог томонидан эмас, балки талаба томонидан ясалишига ҳаракат қилинади. Ҳар бир талаба кўйилган муаммога ўзига хос ёндашиб уни ҳал этишга ҳаракат қилади ва ўз фикрларини баён этади. Ўртага ташланган фикрлар муҳокама қилинади ва педагог томонидан йўналтирилади. Педагог ва талабалар биргаликда хулосалар ясашади. Муаммоли-изланиш методи талабаларни билиш фаолиятини фаоллаштиради, мустақилликка, ижод қилишга ўргатади, ўқишга бўлган кизиқишларини оширади, шахсий фазилатларини тарбиялашга ёрдам беради. Бу методда ўрганилаётган масала чуқур таҳлил этилиши ва билимларнинг пухта бўлишига ёрдам беради. Бу метод ўрганилаётган масалани чуқур таҳлил этишга ва билимларнинг тафаккур даражаси ҳисобга олиниши керак. Танланган мавзунини таҳлил этиш учун талабаларда маълум билимлар базаси мавжуд бўлиши лозим. Шу туфайли ҳам бу методни қўллаш учун талабалар алоҳида ахборотлар билан қуроллантирилади. Кейинги даврларда муаммоли-изланиш методидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методи.

Ўқитишнинг мантикий методлари икки турда: Индуктив ва дедуктив методлар билан олиб борилиши мумкин.

Дарсларга тайёрланиш жараёнида ўқитишнинг индуктив, дедуктив каби методларини танлаш зарурати ҳам туғилади. Кейинги даврларда дедуктив ўқитишга талаб ва эътибор кучайди. Аммо тафаккурнинг индуктив усулларини шакллантирмай туриб фақат табиий-илмий эмас, балки умум меҳнат характеридаги тажрибалар амалий фаолиятида ҳам муваффақиятга эришишга умид қилиб бўлмайди. Индуктив ёки дедуктив методларни қўллаш ўрганилаётган мавзу мазмунини очишнинг маълум мантикий-хусусийдан умумийга ёки умумийдан хусусийга ўтишни танлашни англатади.

Индуктив методлар техник қурилмаларни ўрганишда ва амалий топшириқларни бажаришда кенг қўлланилади. Математика ва физикага доир кўпгина масалалар, айниқса педагог талабаларни айрим умумийроқ формулаларни мустақил эгаллашларига олиб келиши зарур деб ҳисобланган ҳолларда, индуктив метод воситасида ечилади.

Дедуктив методдан фойдаланганда педагог ва талабанинг фаолиятида аввал умумий ҳолат, формула ва қонуни берилади, сўнгра аста-секин айрим ҳолатларни чиқариб аниқроқ вазифаларни ҳал этиш назарда тутилади.

Дедуктив метод ўқув материални тезроқ ўтишга ёрдам беради, абстракт тафаккурни активроқ ривожлантиради. Назарий материални ўрганишда, анчагина умумийроқ ҳолатларнинг айрим оқибатларини аниқлашни талаб қилувчи масалаларни ечишда дедуктив методни қўллаш айниқса фойдалидир.

16.2. Назарий таълим ва ишлаб чиқариш таълим методлари

Педагогик амалиётда қуйидаги методлар – оғзаки метод (оғзаки баён, тушунтириш, суҳбат), китоб билан ишлаш (инструктив материаллар), кўргазмали метод (кўргазмалар, кино, видеофильм, кузатув), амалий метод (машқлар, лаборатория, амалий ишлар) лардан кенг фойдаланилади.

Дидактик вазифаларга боғлиқ ҳолда қуйидаги методлар қўлланилади – билимларни ҳосил қилиш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, билимларни қўллаш, мустаҳкамлаш, билим, кўникма ва малакаларни текшириш.

Таълим оловчиларнинг ўқув фаолиятига мос равишда икки метод ажратилади ва улар 2 гуруҳга бирлаштирилади: репродуктив ва муаммоли изланиш методлари.

Ўқитишнинг *репродуктив ва муаммоли-изланиш методлари* энг аввало, ўқувчи-талабаларнинг янги тушунча, ҳодиса ва қонунларни билишдаги ижодий фаолликлари даражасини баҳолаш асосида қисмларга ажратилади.

Репродуктив методлар биринчи навбатда, ўқувчи-талабаларнинг ўқув материалларини мустаҳкамрок эслаб қолишларини таъминлаш, билишга доир фаолиятни бевосита бошқариш, камчиликларни тез аниқлаш учун амалий кўникма ва малакаларни таркиб топтириш мақсадида қўлланилади.

Ҳикоя қилиш усули репродуктив тузилганда ўқитувчи қоидаларни, далилларни, тушунчаларнинг таърифини тайёр ҳолда беради, у асосий эътиборини мустаҳкам ўзлаштириб олиниши зарур бўлган асосий томонларга қаратади.

Маъруза ҳам худди шундай тарзда тузилади: ўқитувчи муайян илмий маълумотларни баён қилади, доскага тегишли ёзувларни битади, тингловчилар эса уларни қисқача ёзиб оладилар.

Муаммоли таълим дейилганда, ўқув материални ўқувчи-талабалар онгида илмий изланишга ўхшаш билиш вазифалари ва муаммолари пайдо бўладиган қилиб ўрганиш тушунилади. Ўқувчи-талабанинг фикрлаш фаолиятида мантикий тўғри, илмий хулосаларни излаш ва ўзлаштиришга рағбатлантирадиган муаммоли вазиятлар юзага келади. Пайдо бўлаётган муаммони ҳал қилиш учун, у ўрганилаётган қоидаларни тўғри тушуниб олишга интилади.

Таълим методини 3 та асосий гуруҳга бўлишимиз мумкин:

1. Ўқув билиш ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш методи.
2. Ўқув фаолиятига қизиқтириш ва рағбатлантириш методи.
3. Таълим оловчилар ўқув фаолияти самарадорлигини назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш методи.

Методларнинг ҳар бир тури гуруҳларга бўлинади ва ўз навбатида уларнинг ҳам алоҳида методлари бор, булар эса таълим жараёнининг қуроли ҳисобланади.

Ўқув билиш ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш методига қуйидагилар – сухбат, кўргазмали ва амалий метод, ўқитувчи бошчилигида индуктив ёки дедуктив, репродуктив ёки продуктив йўналишлардаги методлар киради.

Ўқув фаолиятига қизиқтириш ва рағбатлантириш методига – ўқув билиш ва ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш ҳамда ўқиш фаолиятига қизиқтириш методлари киритилган.

Ҳар бир метод бошқа бир метод ёрдамида қўлланилади. Масалан, репродуктив ва муаммоли изланиш методи сухбат, кўргазмалар, амалий фаолият ёрдамида қўлланилади. Шу навбатда сухбат, кўргазмали ва амалий фаолият методлари ҳам репродуктив ёки изланиш методлари орқали қўлланилиши мумкин.

Ҳаётий ўқув жараёнида эса энг муҳими бу методларни турларга бўлиш эмас, балки ўқитувчининг чуқур билимга эга бўлиши, методлардан унумли фойдалана олиши, таълим оловчиларга ўқув ишлаб чиқариш, ўқув фаолиятида методларни тўғри қўллай олишга ўргатишдир.

Ўқув муассасаларида бошланғич касбий таълимни ўқитишнинг назарий қисми қуйидаги фанларни 3 та циклини ташкил қилади: умумий таълим, умумий техник таълим ва касбий таълим.¹

Умумий таълим фанлари бўйича таълим методининг умум дидактик, хусусий дидактик ва хусусий методик аспекти педагогик адабиётларда чуқур баён қилиб берилган.

Умумтехника ва касбий фанларни ўқитиш методлари кўпинча ўзига хос мазмунга кўра аниқланади:

- кўп компонентли тузилма, объектларни турли хил йўналишларда ўрганиш;
- таълим олувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими билан ўзаро боғлиқлиги;
- материалнинг кенг камровлиги, тажрибавий изланиш сони ва сифати жиҳатидан, хизмат кўрсатиш усуллари амалий ўрганиш;
- ўқув материали мазмунига янги техника ва технологияларни киритиш, маҳаллий шарт-шароитни акс эттириш.

Таълим методларида буларни инобатга олиш зарур.

1. Таълим олувчиларни ўқув билиш фаолиятини ташкил қилиш методи.

Сухбат методи. Оғзаки баён. Умумтехника ва касбий фанларни ўрганиш жараёни ўқув материални оғзаки баённи гапириб бериш ва тушунтириш орқали амалга оширилади, бунда мавзу тўлиқ таққосланади, исботланиб, мисоллар билан тушунтирилади.

Баён қилинаётган материал таълим олувчиларнинг тушуниши учун қийин бўлган, янги маълумотлар хабар қилинган, меҳнат усуллари бажариш йўллари тушунтириб бериш талаб қилинган ҳолларда оғзаки баён қилиш методидан фойдаланилади.

Умумий талаблардан қуйидагиларни ажратиб оламиз:

- илмий-техник аниқ мазмун;
- мантикий тузилиши ва кетма-кетлиги;
- таълим олувчиларга тушунарли ва осон етиб борадиган;
- ҳар бир босқичда фикрнинг аниқ ва равшанлиги;
- таълим олувчиларнинг эътиборлиги, фаоллигини ошириш.

Сухбат – бу касб таълимининг шундай усулидирки, унда ўқитувчи тўғри қўйилган саволлар ёрдамида таълим олувчиларда илгари ўзлаштирилган билимларни ҳосил қилиб эсга туширади ва шу асосда мустақил равишда янги билимлар ҳосил қилишга ундайди.

Таълим олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш савол-жавоб методи орқали амалга оширилади. Бундай *сухбат эвристик сухбат* дейилади.

Умумий ўтказилган сухбатлар таълим олувчиларни кизиқшини, диққатини оширишга, билимларни яхши эгаллашга олиб келади. Лекин сухбат методи оғзаки баён методидан кўра мураккаброкдир, яъни ўқитувчидан дарсга пухта тайёрланишни талаб қилади.

¹ Ў.Қ.Толипов. ва бошқалар. Касбий педагогика (Маърузалар матни). – Т.: ТДИУ, 2001.

Касбий фанларни ўрганишда эвристик суҳбатнинг қуйидаги шартларини кўрсатиш мумкин:

- ўқув материалнинг мазмуни мантикий тўғри тузилган бўлиши шарт;
- янги ўқув материални ўрганишда кўпроқ техник ва технологик ҳужжатларни муҳокама қилишга қаратиш керак;
- суҳбатни бошқа методлар ва ўқув ишлари турлари билан бирга ўтказиш керак (тушунтириш, китоб билан ишлаш, кузатув).

Эвристик суҳбатда саволлар кенг қамровли тузилган бўлиши лозим.

Ушбу ўринда қуйидаги саволларни кўрсатиш мумкин:

1. Фанларни қарама-қарши қўйиш (унинг кўринишини, жараёнини, далилларини ва бошқаларни);
2. Ҳар хил ҳолатга тушиб қолганда ҳам билимларидан фойдалана олишни аниқлаш;
3. Сабабини ташхисли тушунтириш;
4. Исботлаш «ха» ёки «қарши» га далил келтириш;
5. Фанлараро боғлиқликни ўрнатиш.

Суҳбат ўтказишда унинг мантикий режасига қатъий риоя қилиш керак, савол-жавобларнинг кетма-кетлиги шундай тузилган бўлиши керакки, унда мавзу мураккаблашиб, ривожланиб боришини таълим олувчи сезиши лозим. Ўқитувчи суҳбатни хулоса қилиб тугатиши керак.

Китоб билан ишлаш: тез ўқитиш, конспект олиш, режа тузиш, мисоллар муҳокамаси, назорат саволларига жавоб бериш ва ҳоказолар.

2. Кўргазмали метод

Инсоннинг ташқи оламни сезишининг энг муҳим органи – кўздир. Олимларнинг фикрича, 80% информация кўз орқали тушади, 80% иш операциялари кўз орқали қилинади. Мана шулардан кўришимиз мумкинки, таълим жараёнида кўргазмали метод катта аҳамиятга эга.

Умумтехник ва касб таълими фанлари бўйича кўргазмали методлар, табиий (асбоб, дастгоҳ, деталл, жихоз, материал намуналари) ва тасвирий (плакатлар, модел, макет, схема, кино-видеофильм, кино проекция, компьютер, мультимедиа). Ўқитувчи мавзунини тушунтиришда кўргазма сифатида ёки бир хил ҳолларда ўрганилаётган фан бўйича аниқ кўргазма сифатида, янги ахборотларни беришда кўргазмали методлар жуда қулайдир.

3. Амалий метод.

Машқ амалий методнинг асоси ҳисобланади. Машқ ўтказишнинг асосий мақсади ўқитиш жараёнида таълим олувчилар техника ва касбий фанлар бўйича эгаллаган билимларини амалиётда қўллай билишни ўргатишдир. Таълим олувчиларнинг билимларни мустаҳкамлашда ҳам машқларнинг ўрни каттадир. Ҳамма машқларни 3 та асосий типга келтириш мумкин: репродуктив, бадиий, изланувчанлик.

Репродуктив машқ - бу типдаги машқларни бажаришда таълим олувчилар қурилманинг тузилиши, материали, асбоб-ускуналар, ёзма вазифаларни ўрганишади. Репродуктив машқда чизмалар, схемалар, графиклар, диаграммалар муҳокама қилинади ва таълим олувчилар уларни

бажаришади. Касбий фанлар бўйича эса техник хужжатлар, станок паспортларининг технологик карталари ўрганилиши мумкин.

Бадий машқ - бу турдаги машқларни бажаришда таълим олувчилар эгаллаган билим ва малакаларидан турли хил комбинацияларда фойдаланишади, яъни олдига қўйилган вазифаларнинг мустақил оригинал жавобларини топишади. Бадий машқ турларидан бири продуктив масалаларни ҳал қилиш: танлаш (асбоб, ишлов бериш тури, созловчи механизм), таққослаш ва баҳолаш (ишни бажариш йўли, асбобларнинг қўлланилиши) аниқлашга боғлиқ бўлган (техник талаб, алоқадорлик), турли хил техник жараёнларни тушунтиришдан иборат. Бу турдаги машқлар орқали ўрганилаётган машина, механизм, қурилмаларнинг схемалари тузилади.

Изланиш машқи – бу ҳам эгалланган билимларни машқларда бадий қўллаш бўлиб, таълим олувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради.

16.3. Ишлаб чиқариш жараёнида фаоллик методи

Ҳозирги кунда илмий ва амалий педагогикада таълим методлари катта аҳамият касб этмоқда. Таълим олувчиларнинг ички ва ташқи фаоллигини ошириш учун турли хил ўйинлардан фойдаланилади. Булардан энг кўп қўлланиладигани – дидактик ўйинлардир.

Касб таълимидаги дидактик ўйинлар: «техник диктант», кичик конкурслар, «ким эпчил-у, ким чакқон», «техник курашлар», «саволлар», «техник лото», «техник домино» ва ҳоказолар.

Таълимнинг фаоллик методига семинар дарслари ҳам киради. У уч босқичдан иборат: семинар бўйича ўқитувчининг маърузаси, таълим олувчилар семинар бўйича мустақил уй вазифаларини тайёрлаб келиши ва семинарларни ўтказиши. Бунда таълим олувчи тайёрлаб келган матнлари ва кўргазмали қуроллари, асбоблар ва жиҳозлардан фойдаланган ҳолда тушунтириб беради.

Касбий таълим муассасаларида амалий ишларда интерактив дарслар ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу дарсларда икки ёки бир неча фанларнинг мавзулари ўртасидаги алоқадорлик ўрганилади. Масалан, математика ва информатика, физика ва химия, касбий технология ва ишлаб чиқариш таълими ва бошқалар.

Таълим олувчиларнинг ўқув билиш фаолияти фаоллиги дарсдан ташқари ишларда техник кашфиётчилигини ривожлантириш орқали амалга оширилади. Дарсдан ташқари ишлар – касбий таълим устаси танловлар, илмий-амалий конференциялар, рационализаторлар ва кашфиётчилар билан учрашув, илм-фан намояндалари, техник олимлар билан учрашувлар, намунали ишлар кўргазмаси, техник тўғараклар орқали амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш таълимининг асосий мақсади – таълим олувчиларда аниқ бир касб, соҳа бўйича устачиликни шакллантиришдир. Ишлаб

чиқариш таълимида бу асосий мақсадга босқичма-босқич эришилади. Қуйида «касб устаси» тушунчасини очиб берувчи мезон кўрсаткичлари келтирилган:

- Бажарилаётган ишнинг сифати – техник талабларни бажариш, меъёр ва кўрсаткичларга мос келиши, ижобий натижалар олиш;
- Меҳнатни ташкил қилиш – белгиланган вақтда бажариш, вақтдан унумли фойдаланиш, иш вақтида тежамкорлик;
- Касбий мустақиллик – мустақил иш турини танлашни билиш, ишлаб чиқаришнинг юқори сифатини таъминлаш, тўғри хулосалар чиқариш, ўз-ўзини бошқариш, меҳнат маданиятига амал қилиш, ишни режалаштириш, янги техника ва технология билан ишлаш олиш, юқори технологик интизом, касбий билимларни ишда қўллаш билиш, меҳнат фаолиятини ва иш жойини тўғри ташкил қилиш, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

Ўқув ишлаб чиқариш ишларида фаоллик, яъни ақлий билим катта роль ўйнайди. Фаоллик таълим олувчилар мустақиллигида ва мақсадли фаолият танлашларида ва уларни ижобий натижаларга олиб келиш, меҳнатни режалаштириш, анализ ва хатоликларга йўл қўймаслигида намоён бўлади. Таълим олувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш таълимидаги фаоллиги – машиналарни, агрегатларни ишлатишдаги қобилияти, ички жараённи билиши ва қилинган таҳлиллар асосида мақсадли ечимларга келишларида кўринади.

Ишлаб чиқариш таълимидаги «фаоллик» методига – ишлаб чиқаришдаги техник масалаларни ечиш қиради: ишлов бериш, тузатиш, бошқариш меъёрини ҳисоблаш, автоматлаштирилган жиҳозлар учун бошқарув дастурини ишлаб чиқиш, жадвал, диаграммалардан керакли маълумотларни топиш қабилар.

Ишлаб чиқариш таълимининг «фаоллик» методига машқлар ҳам қиради. Машқлар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган масалаларни ечиш учун қўлланилади. Бундай машқлар ишлаб чиқариш ҳаётида содир бўладиган жараёнларга таълим олувчиларни тайёрлайди. Машқларни ўтказиш учун жараён ҳосил қилиш керак бўлади. Мисол учун, агрегатларни созлаш, технологик меъёрларни бузилганлиги, иш жойида бузилиш ҳолатларининг содир бўлиши қабилар.

16. 4. Ўқитиш жараёнида таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш

Таълимда назорат қилишнинг 2 тури мавжуд. Биринчи – таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ҳар хил кузатиш, иккинчиси – таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текширишдан иборат.

Кўникма деганда шахснинг билим олиши, элементар тажриба ва малакага таяниб бирон ишни муваффақиятли бажариш имконияти тушунилади. Орттирилган билимлар шахс хатти-ҳаракатининг назарий асоси ҳисобланади. Билимларга асосланиб хатти-ҳаракатларнинг кетма-

кетлиги, алоҳида босқичлари фикран хаёлдан ўтказилади. Элементар тажриба талабларида айнан бирор фаолият ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бирон касб ёки фаолият ҳақида тасаввурга эга бўлишда элементар тажриба билан бирга бошқаларнинг тажрибасини тасаввур қилиш аҳамият касб этади. Бу ерда педагогнинг шахсий намунаси, мутахассис кадрларнинг илғор тажрибалари, етук олим ижодкорларнинг иш жараёни мисол бўла олади.

Меҳнат кўникмаларининг шаклланиши жараёнида талабалар кўриш ёки эшитиш орқали фақат ҳаракатларнинг қандай бажарилиши ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Бу фақат намуна, бажарилиши керак бўлган иш ҳақидаги кириш инструктати ҳисобланади. Кўникманинг шаклланиши учун талаба бу ҳаракатларни ўзи бажариб кўриши шарт. Таълимнинг турли босқичларида талабалар меҳнат кўникмаларининг даражаси ҳар хил бўлади. Элементар кўникмалар аста-секин мураккаб кўникмаларга айланади, мураккаб кўникмалар кўп марта қайтарилиши ёки машқ қилиниши натижасида малакалар пайдо бўлади.

Малака – билимларга асосланиб машқ ёрдамида айланган фаолиятнинг автоматлашган компоненти ҳисобланади. Малака тез ва аниқ бажариш билан боғлиқ бўлган кўникмаларнинг автоматлашган элементлари саналади. Малакалар бажарилаётган фаолиятнинг фақат маҳорат томонини, яъни айрим ҳаракатларни ифодалайди.

Меҳнат кўникмаларининг шаклланиши учун фақат тафаккурнинг ёки ақлий фаолиятнинг ўзигина етарли эмас. Талабаларда мураккаб кўникмаларнинг, умумлашган сафарбар кўникмаларнинг шаклланиши учун улар бевосита амалий меҳнат фаолиятида, узок пайт машқ бажаришда қатнашишлари шарт.

“Касбий педагогика” фанини ўрганишда назарий таълим жараёнида назорат қилишнинг асосий методлари, таълим олувчиларнинг билимларини оғзаки текшириш, ҳамда ёзма текшириш, назорат ишлари «техник диктант»лар ўтказиш, техник ҳужжатларни муҳокама қилиш ва бошқалар қўлланилади. Назарий таълимда таълим олувчиларнинг билимларини амалиётда қўллай олишини назорат қилиш, схемаларни йиғиш, ўлчаш, механизмларни тузатиш, бузилиш сабаблари каби методлар қўлланилади. Бу методга яна лаборатория – амалий ишлар орқали текширишни ҳам киритиш мумкин.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида таълим олувчиларнинг ўқув ишлаб чиқаришда бажарган ва бажараётган назорат қилишнинг асосий методлари: жорий, оралик ва якуний назоратлар ҳисобланади.

Ташхисли назорат турларидан бири – тест ўтказишдир. Тест икки усулда ўтказилади.

Биринчи усул – ташкил қилувчи сифатида, дастурлаштирилган таълим, назорат ва қайта алоқа тизими.

Иккинчи усул – мустақил назорат қилиш методи. Ишлаб чиқариш таълимида тест мустақил ўз-ўзини назорат қилиш методи ҳисобланади. Ишлаб чиқариш таълимининг ҳар бир босқичида тестлар ўтказиш мумкин.

Педагог ва талабанинг дастурли фаолияти таълим жараёнидан жамики ортиқ ҳаракатларни йўқотишга, юқори ҳамжиҳатликни таъминлашга ва пировард натижада – кўзланган якуний натижаларни қўлга киритишга интилишни ифодалайди. Дидактик жараёни лойиҳалашда педагог «технолог» сифатида фаолият кўрсатади: ҳар бир дарсда таълим мақсадини аниқ ўрнатиши, ўтилаётган ўқув материалларини мазмунан саралашда талабаларнинг ўзлаштириш фаолияти даражаларини, фанни баён қилишнинг илмий тилини ҳисобга олиши лозим. Шунингдек, ташкилий шаклларнинг мосини танлаб, белгиланган вақт доирасида самарали дидактик жараёни ташкил этади. Бу кўрсаткич талабига мос ҳолда ўқув-билиш фаолиятини амалга ошириш учун унга олдиндан алоҳида тайёргарлик кўриш керак бўлади. Умуман таълим жараёнига олдиндан ишлов бермасдан, якуний натижаларининг таълим мақсадига мос келишини чамаламасдан, ўқитиш давомида юзага келадиган ноқулай ҳолатларга боғлиқ ҳолда бошқариш имкониятларини ҳисобга олмасдан туриб таълим жараёнини технологиялаштириш мумкин эмас.

Баҳолаш жорий, оралик ва якуний назоратни ўз ичига олади. Жорий назорат узлуксиз қайта боғланишни таъминлайди ва одатда баҳолашсиз ўтказилади, шунинг учун у билимларни шакллантиришда иштирок этади. Педагогик технологияда қайта боғланиш нафақат ўқитиш жараёнини тузатиб бориш учун, балки ўқув мақсадларини аниқлаштириш учун ҳам хизмат қилишади. Якуний назоратда режалаштирилган ўқув мақсадларига эришганлик даражаси баҳоланади.

Рейтинг назорати оғзаки, ёзма ва тест усулида бўлиши мумкин:

1. Оғзаки ва ёзма назорат.

Оғзаки назоратнинг афзалликларига шахсий муносабат, ўқитувчининг талаба билан жонли мулоқоти, унинг фикрларини нутқ шаклида ифодалашга машқ қилдириш, билимларни янада чуқурроқ текшириш мақсадида педагог томонидан қўшимча саволлар бериш имкониятлари киради. Педагог томонидан қўйилган саволга оғзаки жавоб беришга тайёрланиш доимо талабанинг фаол фикрлаши билан боғланган.

Оғзаки жавоб яхши тайёрланган талабага ўзининг иқтидорини, қўшимча эгаллаган билимларини намойиш этишга имкон беради. Бевосита мулоқот туфайли педагогда савол-жавоб давомида талабанинг билимлари тўғрисидаги барча гумонларни бартараф этиш имкони бўлади. Шу билан бир вақтда оғзаки назоратда талабалар билимларини баҳолашда маълум даражада педагог шахсиятининг акс этиши намоён бўлади. Ҳар бир педагогда талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини баҳолашда доимо ҳолис ва шахсий муносабат бир вақтнинг ўзида рўёбга чиқади.

Умуман олганда, талабанинг ёзма ва оғзаки назоратда олган баҳоси баъзан холисона бўлмайди. Талабанинг баҳоси, одатда, нафақат унинг билимлари даражасига боғлиқ бўлади. Билимларни баҳолаш амалиётида педагоглар гуруҳнинг ўртача даражасини мўлжалга олади. Шунинг учун кучсиз гуруҳларда баҳолар одатда кўтарилган, кучли гуруҳларда пасайтирилган бўлиб чиқади.

Ёзма назорат ўқув материални ўзлаштириш даражасини ҳужжатли тарзда ўргатиш имконини беради, шунингдек, талабага ўз фикрларини қоғозда баён қилиш имконини беради. Икки-уч мустақил экспертларнинг ишларини текшириш учун жалб қилиш билан ўтказиладиган ташқи ёзма назорат аниқ мезонлар бўлган тақдирда объектив баҳога яқин баҳолашга имкон беради. Аммо билимларни оғзаки ва ёзма назорат қилишнинг анъанавий усули маълум камчиликларга ҳам эга:

- имтиҳонда талаба берилган билетнинг 3-4 саволига жавоб беради, баҳо эса бутун ўқув фанини билиш учун қўйилади;
- фарқ қилиш қобилияти кучсиз бўлган 5 баллик шкала ишлатилган;
- оғзаки ва ёзма назорат ҳар доим ҳам билимларни баҳолашнинг объективлигини, аниқлигини ва ишончилигини таъминламайди;
- оғзаки сўров кўп ўқув вақти сарфланишини талаб қилади, ёзма ишлар педагогларнинг уларни текширишга кўп меҳнат сарфлашлари билан боғлиқ.

2. Тест (инглизча–синаш) – бу бирор-бир фаолиятни бажариш учун маълум даражадаги билимни эгаллашга қаратилган топшириқлардир. Тестнинг тўғри бажарилганлигини ўлчаш ва баҳолаш мақсадида ҳар бир тестга эксперт методи ёрдамида эталон ишлаб чиқилади. Ўз эталонига эга бўлмаган ҳар қандай тест, одатдагидек, бажарилиш сифати ҳақида субъектив мулоҳаза юритиш эвазига хулоса чиқарувчи назорат топшириғига айланиб қолади.

Тест назоратлари ва унинг афзалликлари:

- етарли тарзда тузилган педагогик тест натижалари назорат ўтказётган шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолис педагогик ўлчов қуроли ҳисобланади;
- тест ўқув мавзуларининг барча асосий мазмунини қамраб олиши мумкин, ўқитиш натижаларини тест усулида ўлчаш барча текширилувчиларга барабар қўлланадиган олдиндан ишлаб чиқилган мезон асосида аниқ ва ишончли баҳо беради;
- тест назорати технологиялашувчан бўлиб, у нисбатан қисқа вақт ичида маълум ўқув мавзулари ўзлаштирилишининг тўла назоратини кам куч ва воситалар сарфлаган ҳолда ўтказиш имконини беради.
- тест назорати компьютерлар ёрдамида осон автоматлаштирилади. Бу педагогик тест ўтказишнинг асосий афзалликларидан биридир.

Тўғри ташкил қилинганда педагогик тест талабалар билимларини ҳолис баҳолаш самарасини беради, чунки бу баҳо уни қўяётган одамга боғлиқ бўлмайди. У барча текширилувчиларга бир хил қўлланадиган қилиб тузилган мезон бўйича тўғри ечилган тест топшириқлари фоизи асосида аниқланади. Шунинг учун педагогик тест тўла асос билан ўқитиш натижаларини аниқ ва ишончли баҳолашга имкон берадиган педагогик ўлчов қуроли деб аталади. Аммо бундай баҳолаш жараёни фақат илмий талабларга риоя қилинган ҳолда тузилган, текширилувчан ва меъёрига етказилган сифатли тест воситасидагина амалга оширилиши мумкин.

Таълим жараёнида билим, иқтидор ва кўникмалар шаклландирилгани назорат қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Ўтказилган тажрибаларга ва ўқув

адабиётларида изоҳланган илғор услубларга асосланиб назоратнинг мезони ва бажарадиган функцияларини куйидагича белгилаш мумкин:

1. Назоратнинг диагностик функцияси. Назорат натижасида билим, иқтидор ва кўникмаларнинг шаклланганлик даражаси аниқланади.

2. Назоратнинг талабаларда билим олишга иштиёқини ўстириш функцияси. Назорат натижасида талабаларда ўз билим, иқтидор ва кўникмаларини янада такомиллаштириш эҳтиёжи уйғонади.

3. Назорат жараёнида талабаларнинг шахсий хусиятлари шакллантирилади ва энг асосийси ривожлантирилади. Ривожланиш ўқув фаолияти орқали, яъни нутқ орқали амалга оширилади.

4. Назорат жараёнида талабалар ўз билимларини мустақкамлайди. Ўқув материали янада чуқур ўзлаштирилади, ходисалар ўртасида янги боғланишлар ўрнатилади, шу билан ақлий фаолият янада такомиллашади.

5. Назоратнинг тарбиявий функцияси. Назорат жараёнида талабаларнинг психологик ижобий хислатлари шаклланиб бормоғи лозим.

6. Назоратни баҳолаш функцияси. Назорат натижасида сифат ўзгаришларининг меъёри аниқланади.

7. Назорат – кўп қиррали мураккаб жараён. Назорат талабаларда доимо жонли қизиқиш, куюниш, аянч, хурсандчилик ҳисларини уйғотиб, ақлий фаолиятни фаоллаштиради. Юқорида кырсатилган функциялар бир-бирига узвий боғланган ҳолда юз беради.

Тўғри ташкил қилинган ўзини ўзи назорат ўқув материални ўзлаштиришга ижодий ва танқидий ёндашиш имконини беради. Бу айниқса янги предмет ўрганилаётганида талабаларнинг бундан олдинги ўқув предметларида ўзлаштирилган билимларга эга бўлишлигида кўринади. Талабалар мустақил ишлаб етишмайдиган билимларини тўлдириб борса яхши, аммо ўзини ўзи назорат қила олмайдиган талабаларнинг янги мавзунини ўзлаштириш жараёни мураккаб кечади. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртлирида ишлайдиган педагоглар янги предмет ва янги мавзунини бошлашдан олдин талабаларнинг янги дастурни ўзлаштиришга тайёрлик даражасини аниқлаш мақсадида дастлабки назоратни амалга оширишлари зарур бўлади.

16.4. Таълим методларини танлаш. Таълим олувчиларни танлаш мезони

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, педагогика илмий тадқиқот институти, методист педагогларнинг, хусусан педагогика фанининг долзарб вазифаларидан бири - таълим-тарбиядаги муаммоларни, маҳаллий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, барча ўқув фанлари бўйича янги миллий дастурлар яратиш, таълимни поғоналаш, дарс жараёнини тоифалашдан иборатдир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишдаги ўзбек ўқув муассасасилари ўқитиш тарихига бир назар ташлаш айна пайтда таълим методларини ўрганишни осонлаштиради. Шубҳасиз, мазкур таълим методикаси

тарихига оид манба муайян даражада таълимнинг методик бўшлиқларини маънавий жиҳатдан тўлдиради, педагог тарбиячиларнинг педагогик мерос ва халқ педагогикасига бўлган катта эҳтиёж ва қизиқишларини қондиради.

Кейинги вақтларда тараққий этган мамлакатларнинг уқув муассасаси соҳасидаги ютуқ ва тажрибаларини ўрганишга уни бизнинг шароитимизга жорий этишга эътибор кучайди. Шунингдек, халқ таълими кўламига инқилобгача бўлган ўқитиш тартибининг турлари (лицей гимназия) ҳам дадил кириб келмоқда. Бунга мамлакатимизда гимназияларнинг очилиши, лицейларни очилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Таълим беришда ўқитиш методлари асосий ўринни эгаллайди. Метод-юнонча атама бўлиб, усул, йўл деган маънони англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради. Методлар (усуллар) ҳар қандай ахборотни (мақсадни) узатиш ва қабул қилиш характериға қараб қуйидаги синфларға ажратилади:

- Сўз орқали ифодаланадиган метод.
- Кўрғазмали метод.
- Амалий метод.

Ахборотни сўз орқали етказиш ва қабул қилишға қаратилган биринчи гуруҳ методларига: Ҳикоя, суҳбат, маъруза кабиларни киритиш мумкин.

Нутқ маданиятини ўстиришда ҳикоянинг ўқитиш ва фикрларни баён қилиш методи сифатидаги имкониятлари бошқа методларға нисбатан юқоридир. **Ҳикоя қилиш** - педагог томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид факт, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларға бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён этилади. Бу метод материалларни баён қилишди, образларға характеристика беришди, табиат ҳдисалари ва ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни тасвирлашда қўл келади.

Ҳикоя қилиш давомида талабалар пассив тингловчи бўлиб қолишларига йўл қўймаслик керак. Талабаларнинг диққатини тасвирланаётган объектға қаратибгина қолмай балки худди шу объект ҳақида улар онгли ва актив фикр юритишларини ҳам таъминламоқ лозим.

Қисқа хулоса

Педагогик амалиётда қўлланиладиган методлар – оғзаки метод (оғзаки баён, тушунтириш, суҳбат), китоб билан ишлаш (инструктив материаллар), кўрғазмали метод (кўрғазмалар, кино, видеофильм, кузатув), амалий метод (машқлар, лаборатория, амалий ишлар) лардан фойдаланиш бўйича қатор материаллар берилган. “Қасб педагогикаси” фанини ўрганишда назарий таълим жараёнида назорат қилишнинг асосий методлари, таълим олувчиларнинг билимларини оғзаки текшириш, ҳамда ёзма текшириш, оралиқ назорат, жорий назорат, якуний назорат ишлари ва тестларни ўтказиш жараёнлари юзасидан фикрлар баён қилинган.

Шунингдек ушбу бобда қасб таълими усуллари, назарий таълим ва ишлаб чиқариш таълим усуллари, таълим олувчиларни ўқув билиш

фаолиятини ташкил қилиш, машқлар ва мустақил таълим, ишлаб чиқариш жараёнида фаоллик методи, тест, рейтинг, таълим усулларини танлаш кабилар талабаларга тушунарли тарзда баён этилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Қасб таълими методларига нималар қиради?
2. Ишлаб чиқариш жараёнида фаоллик методини изоҳланг?
3. Назарий таълим методи деганда нимани тушунасиз?
4. Кўргазмали ва амалий методларни изоҳлаб беринг?
5. Нима учун ишлаб чиқаришда ёзма йўриқномадан фойдаланилади?
6. Билим, кўникма ва малакага таъриф беринг?
7. Меҳнат фаолиятининг ҳаракатларини кўрсатиш методига нималар қиради?
8. Таълим жараёнида назорат қилишнинг қандай турлари мавжуд?
9. Тестнинг афзаллик томонлари нимада?
10. Суҳбат методига нималар қиради?

17 - мавзу. Таълим жараёнида ўқитиш воситаларининг ўрни

Режа:

17.1. Ҳозирги замон ўқув воситаларининг тавсифномаси.

17.2. Ўқитиш воситалари дидактиканинг категорияси сифатида.

17.3. Ишлаб чиқаришда ўқитиш воситалари. Экран ва экран – товушлик ўқитиш воситалари.

17.4. Ўқув ишлаб чиқаришнинг ўқитиш воситалари. Таълим олувчиларнинг иш жойини ташкиллаштириш.

17.5. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари.

17.6. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ўқув жараёнига янги ахборот технологияларини киритиш.

17.7. Ўқитиш воситалари тизимини шакллантириш технологияси ва уларни комплекс ишлатилиши.

17.1. Ҳозирги замон ўқитиш воситаларининг тавсифномаси

Кейинги вақтларда «ўқитишнинг компьютер технологиялари» тушунчаси тарқалган бўлиб, бу компьютерлар базасида амалга оширилган ўқитиш технологиялари билан изоҳланади. Бироқ ахборот технологиялари тушунчаси ўқитишнинг компьютер технологиялари тушунчасидан кенгрокдир, чунки компьютерлар ахборот технологиялари техник воситаларининг таркибий қисмидир.

Бугунги кунда турли оптик хотирловчи қурилмалар (видеодисклар, оптик дисклар) кенг тарқалди. Улардан фойдаланиш матнли график ахборотни бир вақтда биргаликда ёзиш имконини беради, шу билан бирга уни қайта тиклашда юқори сифатли тасвир пайдо бўлади. Магнит ёзувдан фарқли ўлароқ, оптик дисклардаги ёзув исталган сондаги қайта тиклашларда ҳам ёмонлашмайди. Компьютерлар ишининг дастур-

математик таъминоти юкори технологик ишлаб чиқариш тараққиётининг муҳим йўналиши бўлмоқда.

Шунингдек, техник ва дастурли ахборот технологиялари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

ЭҲМ тармоқлари. Ҳозирги вақтда билимларнинг барча соҳаларида ЭҲМ ёки компьютер (локал ёки глобал) тармоқлари кенг тарқалган. ЭҲМ локал тармоқлари унча катта бўлмаган фазода амалга оширилади ва ахборот хизмати турли тармоқларининг интегратори бўлади. Улар ташкилотлардаги барча ахборот технологиялари воситаларини бирлаштиради ҳамда уларнинг самарадорлигини оширади. ЭҲМ глобал тармоқлари эса, ахборотни катта масофаларга узатилишини амалга ошириш имконини беради.

Йўлдош алоқа тизимлари кўплаб ер устидаги станцияларни ва ер сунъий йўлдошидаги ретренсляторларни ўз ичига олади. Бугунги кунга келиб, бу тизимлар компьютерлар орасидаги алоқани амалга ошириш учун маълумотлар тўплаш, телевидение дастурини узатиш мақсадида ишлатилмоқда.

Сунъий интеллект тизимлари. Сунъий интеллект элементли ЭҲМнинг одатдаги ЭҲМдан фарқи шундаки, одатдаги ЭҲМлар фақат статистик маълумотларни, сунъий интеллект тизимлари эса билимларни ишлаб чиқади. Информатиканинг алоҳида йўналиши сунъий интеллектдир. Одам аклий фаолиятининг баъзи турларини амалга оширувчи дастурли-техника воситалари ишлаб чиқилмоқда.

Электрон почта. «Электрон почта» – бу корреспонденциялар алмашиши учун почтага ўхшаш ахборот узатиш ва ишлаб чиқишнинг электрон усулларида фойдаланиш, яъни босма материаллар, жадваллар ва журналларни узатиш ҳамда электрон почта яъни, қоғозсиз почта алоқалари хизматидан иборат бўлиб, у хабарларни тўплаш, ишлаб чиқиш ва тақдим этиш ҳамда маълумотларни узатиш тармоқлари тизимидир.

Электрон почта асосида аҳолига электрон газета ва журналлар каби ахборот хизмати кўрсатиш амалга оширилган. Сўнгги йилларда жаҳон бозорида электрон нашрлар сони борган сари кўпайиб бормоқда. Бу жараён компакт оптик дисклар кенг тарқалиши билан тезлашди.

Телеконференциялар. Телеконференциялар замонавий ахборот технологияларининг амалга оширилишига мисол бўла олади. Телеконференцияларни ўтказиш учун қуйидаги аппаратуралардан фойдаланилади: терминаллар, телевизия камералар, график дисплейлар, катта намоиш экранлари. Шунингдек, телеконференциялар орқали долзарб масалалар муҳокамасини тезкорлик билан ташкил этиш, муҳокама учун исталган расми материаллардан фойдаланиш, долзарб масалаларни муҳокама қилишда иштирок этувчи мутахассислар доирасини кенгайтириш, халқаро маълумотлар банкларидаги исталган ахборотдан фойдаланиш каби имкониятлар юзага келади.

Ўқитишнинг янги ахборот технологиялари ўқувчи-талабанинг эмас, у энг аввало ўқитувчи (педагог)нинг технологиясидир. Ўқувчи-талаба

замонавий ахборот технологиясини ўрганмайди, балки унинг маҳсулотидан ўқитишнинг техник воситаси сифатида фойдаланади. Ўқитувчи (педагог) замонавий технологияларни қўллаб дарсга тайёрланади, дарсни ташкил қилади, ўқувчи- талабалар билимини назорат қилади ва таълим мазмунини такомиллаштиришда компьютерлаштиришнинг энг юкори даражаси янги ахборот технологияларини таълим жараёнига олиб киришдан иборат бўлади.

Ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ривожлантириш омиллари қуйидагилар: бунда компьютерлаштиришнинг ҳар иккала йўналишини ҳам ривожлантириб бориш зарурияти туғилади. Бунинг учун шу соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда узлуксиз таълим тизимини ҳамма босқичларида «компьютерлаштиришнинг концепцияси» яратилиши лозим.

Компьютерли технологиялар дастурли ўқитиш ғояларини ривожлантиради, замонавий компьютерлар ва телекоммуникацияларнинг ноёб имкониятлари билан боғлиқ таълимнинг ҳам тадқиқ қилинмаган янги технологик вариантларини очади. Таълимнинг компьютерли (янги ахборот) технологиялари – бу таълим олувчига ахборотни тайёрлаш ва узатиш жараёни бўлиб уни амалга ошириш воситаси компьютердир, яъни:

- ўқувчи-талабаларда ахборот билан ишлаш маҳоратини шакллантириш, коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш;
- «ахборотли жамият» шахсини тайёрлаш;
- таълим олувчиларни ўзлаштириш имкони даражасида етарли миқдордаги ахборот билан таъминлаш;
- ўқувчи-талабаларда тадқиқотчилик, оптимал қарорлар қабул қилиш маҳоратини шакллантириш.

Компьютерли технология мазмуни бир қанча шакллантирилган моделини қўллашга асосланган бўлиб, бу модел компьютер хотирасига ёзиб қўйилган педагогик дастурли воситалар ва телекоммуникация тармоғининг имкониятлари орқали намоён бўлади.

Ахборот технологияларидан фақат ўқув жараёнида эмас, балки узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчиларни илмий-техник ва махсус ахборот билан таъминлайдиган ахборот ишида, таълим тизимини бошқаришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда ахборот технологияларини таълимга жорий этишда уларнинг техник воситаларини интеграциялаш асосий йўналиш ҳисобланмоқда. Шу муносабат билан ҳатто «мултимедиа» тушунчаси пайдо бўлдики, у ўқитишда кўпчилик техник воситалардан комплекс фойдаланишни билдиради. Мултимедиани қўллаган ҳолда энг мухим нарса талабаларни керакли ахборотни танлаб олишга ўргатишдан иборат бўлади. Ўқитувчи (педагог)нинг вазифаси ахборотни тақдим қилишдан эмас, балки уни топишда ёрдам беришдан иборат бўлади, ўқитувчи (педагог) билимлар соҳасида йўл кўрсатувчи бўлади.

Бу каби ўқитиш воситалари комплексидан фойдаланилган ҳолда талабага таъсир кўрсатиш биргина ахборот каналлари (кўриш, эшитиш ва ҳ.к.) орқали амалга оширилади. Бу эса таълим самарадорлигининг ортишига олиб келади.

Таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланилганда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шакллари тиклаш муаммоси янгича ҳал этилиши лозим. Агар анъанавий таълим шароитларида билиш фаолиятини ташкил этишнинг энг кўп тарқалган шакллари индивидуал ва фронтал шакллар бўладиган бўлса, ахборот технологияларидан фойдаланишни уларнинг ҳар иккаласидан ҳам бир вақтда фойдаланган ҳолда амалга ошириши мумкин.

Шунингдек, таълим жараёнига ахборот технологияларининг жорий этилиши ўқитувчи (педагог) вазифасининг ўзгаришига сабаб бўлади, яъни педагог таълим-тарбия беришдан кўра кўпроқ тадқиқотчи, ташкилотчи, маслаҳатчи ва дастурловчига айлана боради. Буларнинг барчаси ўқитувчи (педагог)ларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ўзгартиришни талаб қилади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ўқитувчиларнинг ахборот маданияти асослари методологик, умумтаълимий, умуммаданий характерга эга бўлиб, улар педагогик ходимларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, барча ўқув фанлари комплексини ўрганиш жараёнида шаклланиши лозим.

Кейинги йилларда олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларини ахборот технологиялари билан жиҳозлаш, таълим тизими мазмуни, уни ташкил этиш шакллари ҳамда сифатини ошириш борасида катта ижобий ўзгаришлар рўй беради.

Маълумки, ўқитувчиларнинг анъанавий ўқитиш усулида лаборатория ва амалий ишлар ўтказилишига кўп вақт ажратилади. Бу мутахассис тайёрлашнинг муҳим таркибий қисмидир. У нафақат талабанинг назарий билимларини мустаҳкамлаш, ўқув материални ўзлаштириш самарасини оширишга, балки муайян соҳада амалий кўникмаларни ҳосил қилишга ҳам кўмак беради. Бирок, бундай машғулотлар тўлақонли натижа беради, дея олмаймиз. Сабаби – лаборатория стендлари етарли даражада эмас ҳамда кўпгина лаборатория стендлари ва ўқув хоналари замонавий мослама ва ускуналар билан жиҳозланмаган, уларнинг аксарияти бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Технологиялар тез суръатда ривожланаётган ҳозирги вақтда амалий машғулотлар учун лаборатория ва стендлар ҳар бир ўқув йилида такомиллаштиришни талаб этади. Бунинг учун эса қўшимча сарф-харажатлар қилиш керак бўлади. Бошқа яна бир муҳим омил шундаки, баъзи лаборатория тадқиқотларидаги иш жараёнларининг сустлиги сабабли ажратилган вақт ичида таълим олувчилар такрор таҳлил ёхуд синовлар ўтказишга қийналишади холбуки, маълум бир соҳада етарлича иш кўникмалари ва тажриба орттириш учун амалий машғулотларни кўп маротаба такрорлаш талаб этилади. Афсуски, анъанавий иш олиб бориш

шароитида лаборатория стендлари камлиги ҳамда мосламаларининг тез-тез бузилиши ва шу билан боғлиқ ашёларга қўшимча сарфлар қилиниши боис ҳар доим ҳам бундай қилинавермайди.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, янги тизим, мутахассис кадрларини тайёрлаш учун фикр муҳим вазифаларни ҳал этишга ёрдам бера оладиган янги самарали, ҳаммабоп педагогик услубни жорий этиш зарурияти туғилди, деб айта оламиз. Бунинг учун лаборатория стендлари ва ўқув устахоналаридаги машғулотлар барча талабалар учун нафақат қизиқарли, балки қулай ва осон бўлишига эришмоқ лозим. Машғулотлар ўзига жалб эта олиши, барча рухий ва дидактик омилларни ҳисобга олиши, жараёнларни жўшқин тарзда намоён этиши, машғулотлар ўтказиш ва ўқитилаётган фанни ўзлаштиришни, умуман бутун ўқитиш самарасини ошириши, эгалланган билимлар хусусида ўзига-ўзи баҳо бериш имконини таъминламоғи зарур. Айнан шу нуқтаи назардан замонавий ахборот технологияларининг татбиқ этилиши юқорида кўрсатилган вазифаларни мақбул тарзда ҳал қилиш ва анъанавий ўқитиш усулининг бир қатор камчиликларини бартараф этишга кўмак беради.

17.2. Ўқитиш воситалари дидактиканинг категорияси сифатида

Таълим мақсадини амалга ошириш йўлида хизмат қилаётган методларни муваффақиятли натижага эришиши учун ишлатиладиган ўқув асбоблари таълим воситалари бўлиб ҳисобланади. Улар иссиқлик сиғимини ўлчаш асбоби, компьютерлар, турли хил лабораторияда ишлатилувчи аппарат турлари, ўлчаш асбобларидан ташкил топиши мумкин. Таълим воситалари талабаларни амалий ишларни бажаришида ҳамда малака ҳосил қилишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитиш воситалари - бу моддий ва теварак-атрофлар, табиий объектлар, бундан ташқари инсон томонидан ўқув-тарбиявий жараёнида ахборот олиб юрувчи педагог ва ўқитувчилар фаолиятида уларнинг ўз олдига қўйган ўқитиш, тарбиялаш мақсадида қўлланиладиган қурол сифатида яратилган сунъий объектлардир.

Ўқитиш воситалари шу билан бирга унинг мазмуни, услублари, ташкилий шакллари ўқитиш тизимини лойиҳалаштирилган ва ўқув-тарбиявий жараённинг таркибий бўлимларидан биридир. Бундан ташқари ҳар бир ўқув-тарбиявий муассасанинг энг муҳим таркибий қисмидир. Педагогика фани ва амалиётида қўлланиладиган турли хил тизимларнинг бўлимларида бўлаётган моддий ўқитиш воситалари ҳозирги пайтда жорий қилинган тизимларнинг ҳаракатланиши, қайта қурилиши ва бир-бири билан боғлиқлигини назарда тутган ҳолда бошқа таркибий қисмларга бевосита таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда таълим олувчилар ўз ижодий потенциалини назорат қилиш, табиатдан берилган истеъдод ва қобилиятларини ривожлантиришга янги техника пайдо бўлгандан бери ўқитишнинг янги усул ва технологияларини эгаллашга реал имкониятлари бор. Шундай қилиб,

дидактиканинг категория аппаратида моддий воситалар (иш қуроллари) мақсад ва мазмунлари, усуллари, ўқитишнинг ташкилий шакллари билан биргаликда мустақиллик ҳолатига эга. Бундан ташқари ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида технологиялаштириш муносабати билан ўқув-тарбиявий фаолиятда ўқитиш воситаларининг аҳамияти ортиб бормокда, муаммоларга оид тадқиқотларда икки асосий йўналиш: педагогик ва инженерлик нуқтаи назари бор.

Дидактик нуқтаи назарга атроф-муҳитни тавсифлашга бағишланган ўқув воситаларини таснифлаш киради:

1. Табиий объектлар – изланиш ва ўрганиш учун ҳақиқий реал фанларни ўз ичига олади: моддаларнинг намуналари ва коллекцияларини, хом-ашё, асбоблар, деталлар, ўсимликлар, гербарийлар, ҳайвонлар ва уларнинг қотириб қўйилган ҳолати, микропрепаратлар ва ҳоказолар. Ўқитиш воситаларининг бу гуруҳига яна махсус ишлов берилган мосламалар ва уларнинг механизмлари ҳамда касбий кўникма ва малакаларни ривожлантириш учун қўлланиладиган ўқув ишлаб чиқариш мосламалари киради.

2. Моддий объектларни тасвирлаш ва акс эттиришга кирадиган гуруҳни қуйидагилар ташкил этади: моделлар, муляжлар, макетлар, жадваллар, кўргазмали қуроллар (расмлар, фотоаксли чизмалар, портретлар), экран-товуш воситалари (диафильмлар, диапозитивлар, слайдлар), кинофильмлар, видео ва товуш ёзувлари, пластинкалар, радиоёшиттириш ва телекўрсатувлар.

Алоҳида гуруҳга ўқитишнинг техник воситалари киради. Бундай ўқитиш воситаларига ўқув маълумотларини етказиб берувчи, уни ифодалаш учун махсус техник мосламалар талаб қилинади. Бу мосламалар транспортлар, диафильм ва кинофильмлар, видеофильмлар, товуш ёзиш компьютер дастурлари ва бошқалардан иборат.

Ўқитиш воситаларини шакллантириш тизими нафақат ўқитиш воситаларининг турли хил белгиларидан аниқлаб классификация қилиш эмас, балки уларни функциялар ва хусусиятлари ҳақида билимлари ҳам тахмин қилинади.

Ўқитиш воситалари қуйидагича тавсифланади:

1. *Натурал (табиий) объектлар.* Табиий объектларга одатда жонли ва жонсиз табиатнинг объектлари киради, улар билан таълим олувчилар машғулотларда тарқатма ёки намоёниш қилинадиган материаллар шаклида танишадилар.

2. *Ўқув моделлар, муляжлар, макетлар.* Моделлар сунъий яратилган табиий объектларнинг кўриниши уларнинг муҳим сифатларини, алоқаларини ва муносабатларини қайта такрорлайдиган ўқув кўргазмали қўлланмалар деб қабул қилинади.

Моделларнинг энг кенг тарқалган ва типик турлари бу моддий яъни предметли моделлардир. Моделлар ҳажмига кўра эга ва текис моделларга бўлинади.

Муляж ва макетлар предметларнинг ташқи белги ва хусусиятларини ва атроф-муҳит ходисаларини ўрганишда қўлланилади, моделлар ўрганилаётган объектларнинг ички қурилмаси ва ҳаракатланиш тамойили машина ва механизмларнинг кинематикасини ўрганилаётган ходисаларда ўрин олган бошқа алоқалар ва муносабатлар имкониятини беради.

17.3. Ишлаб чиқаришда ўқитиш воситалари. Экран ва экран – товушлик ўқитиш воситалари

Экран ва экран – товушлик ўқитиш воситалари бугунги кунда кенг тарқалган. Бу ўқитиш воситаларига қўйилган талаблар энг аввало уларнинг мавзуга оидлиги, иккинчидан, бу ўқитиш воситаларининг сифати яхши бўлиши билан ажралиб туради.

Диапозитив – (слайд) бу ҳаракатланмайдиган ўқитиш экран воситаси ҳисобланади. Диапозитивдаги чизмалар ва расмлар одатда плакатдагидан яхши қабул қилинади.

Диапозитив – бу жуда қулай ўқитиш воситаси, чунки ўқитувчи унинг бир қисмини ёки бир кадрни алоҳида кўрсатиши мумкин. Ҳар бир кадр тўлиқ бир информацияга эга. Диафильм ҳам ҳаракатланмайдиган экран ўқитиш воситасидир.

Транспортлар – бу ҳам ҳаракатланмайдиган экран қўлланмасидир.

Транспорантлар проектор ёрдамида кўрсатилиши ва хонани қоронғилатиш шарт эмаслиги бу ўқитиш воситасининг катта ютуғидир. Транспорантлар синф доскасини ўрнини босадиган воситадир. Ўқитувчи таълим олувчиларга юзланган ҳолатда, ўтилган ёзувлар ёки чизмаларни экранга проекция қилиб тушунтириши мумкин.

Сўнги йилларда ўқув фильмлари чиқарилмай қўйди. Уларнинг ўрнини ўқув видео ёзуви информацияни акс эттирувчи экран-товушли воситаларни ўзида мужассамлаштирган; кино, радио, телевидение, видеофильм, диапозитивлар эгаллади. Ўқув приборлари, мосламалари, асбоблари, лаборатория приборлари тизимининг аҳамиятга эга бўлган қисмини ташкил қилади.

Ўқув устахоналарида олиб борилган ишлаб чиқариш қулайликларига ўргатиш шу устахоналарда қулай вазиятларни яратишни талаб қилади.

Моддий техникавий – етарли майдонда ишлайдиган мосламалар, техник муҳофазалашни таъминлаш.

Санитар гигиеник – табиий ва сунъий ёритиш, устахона санитар гигиеник шартларига жавоб бериши ва биринчи ёрдам бериш воситаларини таъминлаши.

Эстетик – устахонанинг ички беағи ва мосламаларнинг рангларига эътибор бериш, ўсимлик ва гуллар билан безатиш.

Техник педагогик – ўқув ишлаб чиқариш хоналарининг ишлар бажаришида бир-бири билан боғлиқлиги, таълим олувчиларга мос бўлган иш шароитини яратиш ва шахсий иш жойи билан таъминлаш ва ишни илмий техника асосида ташкиллаштириш.

Таълим олувчиларнинг иш жойини ташкиллаштириш:

- иш жойининг техник созлиги;
- етарли даражада ёритилганлиги;
- фавкулудда ҳолатда авария сигналининг ишлаши ёки уста Билан боғланиш мосламаси;
- ишлаб чиқариш мосламасини тозалаш, созлаш ва йиғиштиришнинг қулайлиги.

Ўқитиш устахонасининг устаси учун иш жойи шундай ёритилган ва ташкил қилинган бўлиши керак. Ўқитиш жараёнида уста ишини илмий асосда ташкиллаштириши, уни мазмуни ва шаклини таълим олувчиларнинг иш жойлари билан боғланиши унинг педагогик фаолиятини аниқлаб берувчи сифат бўлиши керак.

17.4. Ўқув ишлаб чиқаришнинг ўқитиш воситалари. Таълим олувчиларнинг иш жойини ташкиллаштириш

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида шундай деган эди: “Мамлакатимиздаги барча, яъни 12 мингдан ортиқ таълим муассасалари, илмий ва маданий-маърифий ташкилотлар 25 мингдан зиёд ўқув материаллари ва ресурсларни ўз ичига олган “Таълим портали”га уланди. Бу масофадан туриб ўқитиш усуллари таълим тизимига кенг жорий этиш, ўқувчи ва ёшларга бошқа хил ахборот – коммуникация хизматлари кўрсатиш имконини бериши билан айниқса аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафакат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оилага жорий қилиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормокда. Айнан замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини кенг кўламда ривожлантириш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.¹

Бугунги кунда касбий тайёргарлик жараёнида талабаларни айнан муаммоларни ҳал этишга, масаланинг ечимини мустақил топишга ўргатиш долзарб масала эканини биламиз. Чунки бугунги кунда фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб борар экан мавжуд билимларимиз тез-тез янгиланиб боради. Бу ҳолат биздан факат фундаментал билимларни тушуниб ўрганишни эмас, балки фикрлаш

¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини тизчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси (“Инсон ва қонун” газетаси № 51 (723 2010 йил 8 декабрь)

рефлексини ривожлантиришни ҳам талаб этади. Муаммоли таълим тизими айнан ана шу фикрлаш рефлексини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, аклий фаолиятни фаоллаштиради.

Ҳозирги кунда ер юзида интеграция ва глобаллашув ажараёнлари тобора чуқурлашиб, ҳаётнинг барча жабҳаларини биринчи галда таълим соҳасини кенг камраб олаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Чунки, бизнинг давримизда том маънодаги маърифат эгаси ва ўз соҳаси бўйича етук мутахассис бўлиш учун фақат ўз юрти, ўз мамлакатада олган билим ва маълумотлар билан чекланиб қолиш етарли эмас.²

Ҳеч шубҳасиз, жаҳон илм-фани ва маданияти хазинасининг ноёб бойликлари таълим тизимига қанчалик чуқур татбиқ этилса, инсон шунчалик теран билимга эга бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда мамлакатимиз таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тармоғидан кенг фойдаланиш ва уларни ривожлантириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Табиийки, бундай технологиялар ёшларимизнинг жаҳон ахборот тизимига очик ва кенг миқёсда кириб бориши, уларнинг ақл-заковати ва профессионал жиҳатдан ўсиши учун бекиёс имкониятлар яратади. Зеро, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ёш мутахассислар, айниқса олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битириб чиқаётган йигит-қизлардан жаҳон андозалари, юксак илм-фан ютуқлари асосида яратилган замонавий техника ва технологияларни, иш услубларини, ўз фаолиятида илғор компьютер ва ахборот тизими воситаларидан самарали фойдалана билишни тақозо қилади.

17.5. Ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари

Инсон фаолиятининг турли соҳасида ахборот алмашиш, ҳар қандай муаммони жамoa бўлиб муҳокама қилиш натижасида янги натижаларни олиш зарурияти конференция, семинарлар, йиғинлар каби мулоқот шакллари келтириб чиқарди. Ҳозирда бирор бир жиддий ишни оралик натижалар, яқунлар, вариантлар, қарорлар вариантлари, оппонентларнинг тинглаш ва тегишли қарорлар қабул қилишнинг турли даражаларида ҳал қилмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Ахборотни узатиш ва қайта қабул қилишнинг рақамли техникаси имконияти телеконференция-янги техник даражада телефон ва телевидениенинг бирга қўшилгани-телеконференцияни ташкил этиш имкониятини беради. Телеконференцияни ўтказиш технологияси бир пайтнинг ўзида турли масофадаги муассасаларнинг ходимлари ўртасида мулоқот қилиш имконини яратади. Иштирокчилар бунда нафақат бир-

² Каримов И. А. Барча режа ва дастурларимиз ваганимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи газетаси. – 21.01.2011.

бирини кўриш ва эшитиш билан бирга ёнма-ён, юзма-юз тургандек шароитга эга бўладилар.

Телеконференциянинг асосий афзалликлари қуйидагилар:

1. Долзарб масалалар муҳокамасини тезкор ташкил этиш ва ҳудудий жиҳатдан узоқда бўлган, бу масалага қизиққан ўртоқларни ўз вақтида хабардор қилиб қўйиш. Бу ҳолатда бирор жойга боришга ва транспорт харажатларига зарурият қолмайди. Мутахассис ўз иш жойидан узоқ вақт кетмайди.

2. Муҳокама қилиш учун иштирок этувчи ташкилотлардан биридаги ҳар қандай материалдан — жадвал, диаграмма, матндан фойдаланиш мумкин. Баъзан айрим ҳисоб китоблар қилиш ёки модел вазиятларни қайтариш зарур бўлиб қолади. Буларнинг барчасини телеконференция учун фойдаланиладиган техника ёрдамида бажариш мумкин.

3. Телеконференция аппаратуралари мавжуд бўлганда, муҳокама этиладиган муаммо бўйича қарор қабул қилиш учун қатнашиши зарур мутахассислар доирасини кенгайтириш мумкин. Анъанавий усуллар орқали эса ишни амалга ошириш мушкул.

4. Телеконференция пайтида маълумотлар базаси билан алоқа бўлганда деярли ҳар қандай маълумотнома ахборотидан фойдаланиш ва у билан бутун телеконференция иштирокчиларини таништириш мумкин бўлади.

Телеконференция факсимиль алоқа, телевизионкамера, видеомагнитофон, компьютер, модем, дисплей, акустик аппаратура каби турли хил қурилмаларни жалб этишни талаб қилади. Одатда видеоконференция ўтказиш учун махсус зал ажратилади ва шу ерга телевизион ва акустик аппаратура, бошқа техникалар жойлаштирилади. Шу ерга алоқа линияси ўтказилади. Бинога катта телевизион экран ўрнатилади.

Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ва умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув моддий базалари бугунги кунда бир неча йўналишда ривожланмоқда:

- таълим оловчиларнинг ўқув-техника воситаларига бемалол ёндашиши, қўллаши;

- ахборот технологияларидан фойдаланиши;

- ўқув кўргазмалари воситаларини қўллаши;

- ўқитиш тизимининг бир-бирига боғлиқлиги.

Ҳозирги пайтда тўртта йўналишдаги янги ахборот технологияларининг таълим жараёнида қўлланилиши:

1. Нашриёт технологияларини қўллаш.

2. Телекоммуникация.

3. Катта макетлар ва оммавий ахборот воситалари.

4. Компьютер роботехникаси.

Бугунги кунда технологияларнинг қўлланилишини яратиш ҳақида бир талай қарорлар қабул қилинган. Аммо ушбу технологияларни ишлатишдан олдин нафақат педагоглар, балки санитария-гигиена ва психологлар текширувларидан сўнг қўллаш тавсия этилади.

Турли хил йўналишларга мўлжалланган ишлатиш дастурлари фойдаланувчилар олдида билим олишнинг ҳамма соҳаларида кенг имкониятларни яратади. Таълим олувчи нафақат тайёр информация билан ишлайди, балки ўзи ҳам макетлар яратиш имкониятига эга, математик ва иқтисодий масалаларни ишлаши, турли хил вазиятларни моделлаштириши, табиий фанлар, иқтисодиёт, экологик ва гуманитар фанлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориши мумкин.

Масофавий ўқитишнинг келажаги порлоқдир, чунки масофадан ўқитиш компьютер технологиялари асосида амалга оширилади. Ўқитиш жараёнининг комплекс равишда олиб борилишига катта аҳамият берилади. Ўқитиш жараёнлари учта асосий функцияни бажаради. *Маълумот берувчи, тарбияловчи ва ривожлантирувчи.* Ўқитиш жараёнининг кўргазмали олиб борилишида комплексли ўқитиш, педагогик жараённинг ҳамма асосий функциялари ўқитиш воситалари орқали амалга оширилади. Ўқитиш воситаларидан комплекс фойдаланишнинг самарадорлиги уларни қўллашда рационал жиҳозлашга қўйилган аниқ талаб ва тавсиялар қуйидагича:

- кўргазмали қурол, тарқатма материал ва дарсда қўлланилаётган ўқитиш воситаларини керагидан ортикча қўлламаслик;
- дарсда қўлланиладиган воситалар (плакат, схема, модель, макет, муляж ва бошқалар), ҳар доим олдиндан кўриб чиқиб танлаб олинган бўлиши ва фойдаланиш тартибида тайёр бўлиши;
- техник воситалар ва бошқа кўргазмали қуролларни олдиндан ишлатиб кўриш;
- индивидуал қўллаш учун танланган дидактик кўргазмали қуроллар ва бошқа қўлланмалар ҳамма таълим олувчиларга етарли бўлиши;
- ҳар бир дидактик материалнинг қўлланиш мақсадлари ва ўрнини аниқ режалаштириб олиш.

Масофадан ўқитиш ўқув материални олий даражада олиб бориш ва ўқув материални трансляция қилиш имкониятини беради. Масофадан ўқитишни ташкил қилиш турлари:

- сақлаб қўйилган ўқув маҳсулотини компьютер ўқитиш воситалари ёрдамида узатиш;
- турли хил масофада жойлашган синф ва гуруҳларга битта машғулоти узатиш;
- фан арбоблари, педагог новаторлар, методистларнинг маъруза ва машғуллотларини узатиш;
- телеконференциялар, мунозалар;
- ўқув услубиёт материалларининг алмашинуви.

Телекоммуникация тизимлари янги педагогик ва ахборот ҳамда турли соҳалардаги касбий билимларни энг қисқа вақтда узатиш имкониятини беради. Ахборот технологияларининг ривожланиши, ўқитишнинг яна бир йўналишини, яъни - медиа ўқитишни вужудга келтиради. Бунда таълим олувчилар турли хил оммавий ахборот

воситаларини (газета, журнал, ТВ, кино, радио, видео ва бошқа) эгаллаб олишга тайёрлаш йўналишида олиб борилади.

17.6. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ўқув жараёнига янги ахборот технологияларини киритиш

Бугунги кунда ахборот технологиялари жамиятимиз ривожланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ахборот технологиялари инсоният таракқиётининг турли босқичларида ҳам мавжуд бўлган. Ҳозирги замон ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ахборот технологиялари барча мавжуд технологиялар, хусусан янги технологиялар орасида етакчи ўринни эгалламоқда.

Ахборот технологияси ва техник воситалар самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг асосий белгиларидан биридир. Миллий дастурда таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг бу муҳим воситасига алоҳида урғу берилган. Ахборотли воситалар (компьютер, электрон алоқа, радио, телевидение)дан фойдаланиш даражаси икки омил билан аниқланади:

1. Ўқув жараёни учун ахборотли воситалар самара берадиган мавзулар юзасидан дидактик материалларни ишлаб чиқиш.

2. Педагогларнинг ўз амалий фаолиятларида техник воситалар ва дидактик материаллардан методик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш тайёргарлигини текшириш.

Ахборотли таълим жараёни олдиндан педагогик лойиҳалангандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Педагогик жараённи компьютерлаштириш асосий йўналишларидан бири ва замонавий педагогик технологияларнинг шуғулланиши лозим бўлган соҳасидир.

Ахборот технологиялари – бу одамларнинг билимларини ривожлантирадиган, уларнинг техника ва ижтимоий жараёнларни бошқариш бўйича имкониятларини кенгайтирадиган маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, ишлаб чиқиш, тиклаш, узатиш усуллари ва техник воситаларидир. Яна шунингдек, ахборот технологиялари деганда, маълум бир мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган жараёнлар занжиридан иборат яратувчи фаолият тушунилади. Агар технологик занжирни ташкил этувчи жараёнлар - улар орасидаги ахборот алмашинувини ташкил этиш ва уларни уйғунлаштиришда компьютерлардан фойдаланиш имконияти яратилса, ҳар қандай технологиянинг самарадорлиги ортади. Албатта, бунинг учун мазкур технологияни синчиклаб ўрганиш, жараёнлардаги ва улар ўртасидаги ахборот алмашинувини, шунингдек, жараёнлар занжирини (яъни технологияни) бошқаришнинг ахборот таъминотини таҳлил этиш зарурияти пайдо бўлади.

Ҳозирги замон ахборот технологияларининг асосини қуйидаги учта техника ютуғи ташкил этади:

1. Ахборотнинг машина ўқийдиган тушунчаларда жамлаш муҳитининг пайдо бўлиши (магнит, ленталар, кинофильмлар, магнит дисклар ва х.);

2. Ахборотни ер шарининг исталган нуктасига вақт ва масофа бўйича муҳим чеклашларсиз етказишини таъминловчи алоқа воситаларининг ривожланиши, аҳолининг алоқа воситалари билан кенг қамраб олиниши (радио эшиттириш, телевидение, маълумотларни узатиш тармоқлари, йўлдош алоқа, телефон тармоғи ва х.);

3. Ахборотни компьютерлар ёрдамида берилган алгоритм бўйича автоматлаштирилган ишлаб чиқиш имконини (саралаш, таснифлаш, керакли шаклда ифодалаш, яратиш ва х.) ошириш.

Ахборот технологиялари, биринчидан, ахборотнинг циркуляцияси ва ишлов бериш мажмуи, иккинчидан, бу жараёнларнинг тасвиридир.

Ахборот технологиялари таълим жараёнида муҳим ўрин тутиб, куйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради:

- ҳар бир одамга хос ноёб фазилатлардан иборат индивидуал қобилиятларни ўқитилаётган ўқувчи ва талабаларда очиш, сақлаш ва ривожлантириш, уларда билиш қобилиятларини, ўзини ўзи камолотга етказишга интилишни шакллантириш;
- воқеа ва ҳодисаларни комплекс ўрганишни, техника, ижтимоий, гуманитар фанлар ва санъат орасидаги ўзаро боғлиқликнинг чамбарчаслигини таъминлаш;
- ўқув-тарбия жараёнларининг мазмун, шакл ва методларини доимий динамик янгилаш.

Таълим тизими нуктаи назаридан ахборот технологияларининг жорий этилиши билан бирга юзага келадиган куйидаги муаммолар муҳимдир:

1. Техник муаммолар – булар таълим тизимида фойдаланиладиган электрон ҳисоблаш ва микропроцессор техникасига қўйиладиган талабларни, уни қўллаш хусусиятларини белгилайди;

2. Дастур муаммолари – булар таълим тизимида фойдаланиш учун дастур таъминотининг таркиби ва турларини, уларнинг қўлланиш таркиби ва хусусиятларини белгилайди;

3. Тайёргарлик муаммолари – булар ўқитувчи ва ўқувчи, педагог ва талабаларнинг ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш уқуви билан боғлиқдир.

Бугунги кунда таълимни ахборотлаштиришда асосий йўналиш турли ўқув фанлари бўйича педагогик дастур воситаларини яратишдан иборат бўлиб қолди. Аммо мавжуд ва ишлаб чиқиладиган компьютер техникаси базасидаги педагогик дастур воситалари ўқитиш нуктаи назаридан таълим сифатида муҳим силжишларга олиб келиши мумкин. Бунинг сабабларидан бири компьютер технологиялари анъанавий ташкил этилган ўқитиш жараёнида жорий этила бошлади. У ўзининг асосий мазмуни ва методлари бўйича мазкур технологияларга йўналтирилмаган ва уларга эҳтиёж сезмайди.

Умуман олганда, таълим технологиялари доимо ахборотли бўлган, чунки улар кўп хил ахборотни сақлаш, узатиш, фойдаланувчиларга етказиш билан боғлиқ эди. Компьютер техникаси ва коммуникация воситалари пайдо бўлиши билан ўқитиш технологиялари тубдан ўзгарди. Таълим жараёнида ахборот технологияларининг амалга оширилиши куйидагиларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади:

- таълимнинг техник воситалари сифатида компьютерлар ва коммуникация воситалари;

- таълим жараёнини ташкил этиш учун унга мос тизимли ва амалий дастур таъминоти;

- таълим-тарбия жараёнида янги ўқув техника воситаларини татбиқ этиш бўйича мос методик ишланмалар.

17.7. Ўқитиш воситалари тизимини шакллантириш технологияси ва уларни комплекс ишлатилиши

Бугунги кунда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги инновацион жараёнлар ўз-ўзидан таълимда ҳам тубдан ўзгартиришларни тақозо этмоқда. Ўқитиш ва тарбиялашнинг янги технологияларига сифат жиҳатдан тез ўтиш учун объектив асос юзага келганлиги қувонарлидир. Ҳеч бир ўқитувчи эртами-кечми бу жараёнга қўшилмасдан четда қолиши мумкин эмас. Ўқитувчининг анъанавий иш усуллари, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, ўқитишни компьютерлаштириш сифатларини ўзлаштириш зарурияти буларни илмий-методик асослаш эҳтиёжининг туғилишида объектив омил бўлиб қолмоқда.

Ўқитувчига албатта таълим амалиётининг ривожланиш истиқболларини онгли дастурлаштиришга, янги педагогик технологияларни асослашга имкон берадиган илмий тасаввурлар тизими керак.

Ахборот майдонининг барча таркибий қисмларини ривожлантириш ва ундаги бошқарув субъектлари фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган давлат ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш мамлакатимизда ахборотлашган жамият қуриш йўлидаги асосий масалалардан бўлиб ҳисобланади. Ахборот-коммуникациялар технологиялари бозорини шакллантиришнинг объектив заруриятидан келиб чиққан ҳолда, миллий иқтисоднинг деярли барча тармоқлари манфаатларига таъсир этувчи кенг миқёсдаги иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий ечимларни ҳал қилишни талаб қиладиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Унда «...Реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш...» белгилаб қўйилган.

Республикамиз кутубхона, олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва вазирликларида тўпланган катта миқдордаги ахборот

ресурсларига эга. Бирок ушбу манбаларга интеграциялашган ҳолда кириш усули ҳали йўлга қўйилмаган. Чунки, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг янги даражасига ўтиш, жаҳон ахборот маҳсулотлари ва хизматларига чиқиш юқорида келтирилган манбаларга турли аҳоли гуруҳларининг тез суратда кириб боришини ташкил қилиш муаммо бўлиб турибди. Республикамизда ахборотлар соҳасининг ривожланишига бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатмоқца, жумладан: жамиятни ахборотлаштиришнинг паст даражадалиги, ахборот технологиялари ривожланиши учун зарур ресурсларнинг етарли даражада эмаслиги, ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, ЭҲМ локал ва ҳудуд тармоқларини қўллаш ва ривожлантириш борасидаги қолоқлик, технологик маълумотлар ва билимлар базаларининг суст қўлланилишидир.

Жаҳон амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўз фуқароларини ахборотлашган муҳитда фаолият кўрсатишга ўргатган жамиятгина вақдан ютади, чунки фақат миқдорий кўрсаткичларга асосланган иқтисодиёт тизимининг келажаги йўқ.

Ахборот маҳсулотлари ва хизматлари ахборот-коммуникациялар технологиялари бозорида асосий товар бўлиб саналади, улар ёрдамида фойдаланувчиларга кўпроқ ахборот хизматини кўрсатиш кўзда тутилган.

Бозор муносабатлари ахборот маҳсулотларининг янгилиги, ишончлиги ва тўлиқлиги даражаларига юқори талаблар қўймоқда. Чунки бусиз самарали маркетинг, молия-кредит ва инвестиция фаолиятини юритиш мумкин эмас. Ахборот маҳсулотларининг республикамиз ҳаётида тутган ўрни ва роли ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Мамлакатимизда ахборот коммуникациялар технологиялари бозори индустриясини таркиб топтириш жамиятимизда чуқур ижтимоий ўзгаришларга олиб келиб, уни «индустриалдан ахборотлашган жамиятга» айлантиришига ишончимиз комил.

Бугунги кунга келиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида виртуал стендлардан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Хўш, виртуал стенд деганда нимани тушунамиз? *Виртуал стенд* – ўқув амалий стенди ёки ўқув-малака устахонаси бўлиб, ўқувчи-талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, компьютер дастур ва технологиялари орқали маълум йўналишда зарурий кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Виртуал стендлар ҳар бир ўқувчи-талаба учун техникага ўзининг кириш параметрларини «буюришга», ўз билимларини назорат қилишга имкон беради. Лаборатория ишини ўтказиш, уни зарур тартибда тушуниш ва ҳоказолар билан боғлиқ вақтдан йўқотиш эса компьютер самараси ҳисобига камайтиради.

Бунда, айниқса, замонавий жиҳозлар ва аппаратларни харид қилиш, уларни барча таълим муассасаларида тақсимлаш билан боғлиқ улкан молия заҳираларининг тежаб қилиниши муҳимдир. Замонавий ахборот технологияси бўлган оддий компакт дискка ўнлаб, баъзан эса, юзлаб

лаборатория ишларини жойлаштириш мумкин. Энди эса бир дона шундай виртуал лаборатория стенди неча марта арзонга тушишини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Бундан ташқари, улар билан бирга таълим муассасаларини таъминлаш мумкин. Агар уларда Интернетга уланган компьютер тармоғи бўлса, ундан ҳам яхши бўлади. Бундан шунини кўриш мумкинки, виртуал стендлар кўпроқ қўлланса, шундай сарфларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Интернет тизимининг халқаро ахборот тизими орқали масофали усуллар ёрдамида мутахассис кадрлар тайёрлаш ва педагогик кадрлар малакасини ошириш имконияти республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрда эълон қилинган махсус қарорида кўзда тутилган. Таҳсил олаётганлар ҳам, таълим муассасалари ҳам виртуал стендлардан фойдаланишдан манфаат кўрадилар.

Уларнинг жорий қилиниши натижасида, анъанавий таълимга қиёслаганда, мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим жараёнининг янада юқори сифати таъминланади. Бунга автоматлаштирилган ўқитувчи (педагог) ва тест ўтказувчи, тизимлар, тест топшириқлари ва ўз-ўзини текшириш учун саволларни ўз ичига олган ихтисослашган ўқув-услубий қўлланмалардан фойдаланиш, ўқув жараёнининг услубий негизини тезкор янгилаш ҳисобига эришилади. Биз ўқитишнинг ташкилий шакллари, замонавий ахборот технологиялари ҳамда турли таълим масканларининг ўқув имконига эга бўламиз. Бу эса маълум даражада турли муассасалар мутахассислари дипломлари кадри тенг бўлишини таъминлайди.

Демак, таълим жараёнида виртуал стендлардан самарали фойдаланиш таълим сифатини оширибгина қолмай, балки улкан молия захираларини тежашга ҳам имкон беради ҳамда хавфсиз, экологик тоза муҳитни яратади. Виртуал стендларнинг жорий этилиши таълим, ишлаб чиқариш, бошқа давлат муассасаларининг умумий ёндашувини талаб қилади. Виртуал ўқитиш стендларини, айниқса қимматбаҳо жиҳозни харид қилишдан олдин диққат билан ўрганиб чиқиш зарур. Бу ходимларни маҳаллий шароитда ўқитишга, таълим олувчиларни хориж мамлакатларига гуруҳ-гуруҳ бўлиб жўнашини олдини олишга имкон яратади.

Шундай қилиб, таълим жараёнига ўқитиш воситаларининг жорий этилиши қуйидагиларга олиб келади:

- таълим жараёнини, ўқувчи-талабаларнинг аниқ тайёргарлик даражасини, қобилиятлари, янги материални ўзлаштириш суръати, қизиқиш ва майлларини ҳисобга олган ҳолда уларга кўпроқ индивидуал равишда ёрдам бериш;

- ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятларини кучайтириш, уларнинг ўзини ўзи такомиллаштириш, таълим ва касбга қизиқишларини шаклланишига интилишларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

- таълим жараёнида фанлараро алоқаларни кучайтириш, борлик ходисаларини комплекс ўрганиш;

- таълим жараёнининг мослашувчанлиги, омилкорлиги, ташкил топиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш ҳисобига уни доимий ва динамик янгилаш;

- барча таълим муассасаларида ўқитишнинг муаммоли ва компьютер воситаларидан ҳамда виртуал стендлардан фойдаланиш;

- таълим жараёнининг технологик базасини ҳозирги замон техник воситаларини жорий этиш йўли билан такомиллаштириш.

Қисқа хулоса

Жамият ҳаётининг жадал тарзда ривожланиши, тараққиёт эҳтиёжлари ва имкониятларининг кенгайиши, турли-туман ахборотлар оқимининг тезлашишини ҳисобга олиб, замонавий таълимнинг янги шакл, восита ва усулларидан фойдаланиш механизмини яратишни ўз зиммасига олмоғи талаб этилади. Бугунги кунда турли типдаги таълим муассасаларида амалга оширилаётган таълимнинг ўрни ва даражасини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотларда ўқитиш воситаларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш тақозо қилинади. Шундагина таълим жараёнининг натижалари фан, ишлаб чиқариш, маданият, иқтисод ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга хизмат қила олади. Ушбу бобда ўқув воситаларининг тавсифномаси, ишлаб чиқаришжа ўқитиш воситалари, экран ва товушли экран ўқитиш воситалари, ўқитиш воситаларининг ривожланиш истиқболлари, ахборот технологиялари хусусида атрофлича фикр юритилган ва боб бўйича жуда кўп ахборотлар ўрин олган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ўқитиш воситаларига нималар киради?
2. Ҳозирги замон ўқув воситаларига мисоллар келтиринг?
3. Табиий ва моддий объектларга нималар киради?
4. Экран ва экран товушлик ўқитиш воситалари ҳақида фикр билдиринг?
5. Ахборот технологияларига таъриф беринг?
6. Масофавий ўқитиш деганда нимани тушунасиш?
7. Ўқитиш воситалари қачондан бошлаб ишлатилипти?
8. Телеконференция деганда нимани тушунасиш?
9. Виртуал стенд нима ва унга мисол келтиринг?
10. Ахборот технологияларининг ривожланиши ҳақида фикр билдиринг?

V БОБ

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКАДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Бобнинг қисқача мазмуни

Касбий педагогикада инновацион технологиялар. Касбий педагогикада инновацион технологиялар. Инновацион технологияларнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ўқитиш технологиялари мажмуавий интерактив тизим сифатида. Ўқитиш технологияларини лойиҳалаш. Маънавий-ахлоқий, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида педагогик амалиётда инновацион технологияларни қўллаш. Инновацион технологиялар асосида машғулотларни ташкил қилиш.

Касбий фанларни ўқитиш жараёнида муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш. Касбий фанларни ўқитишда муаммоли таълим технологияларини қўллашнинг аҳамияти ва зарурати. «Кластер», «Ақлий хужум», «Бумеранг», «Веер», «Иқтисодчи», «Иқтисодчи-раҳбар» технологиялари ва улардан фойдаланиш. «Муаммоли маъруза», «Мунозарали маъруза», «Ҳамкорликда ўқитиш технологияси», «Модулли таълим технологияси». Тажриба воситасида ўқитиш цикли, ролли ҳамда ишбилармон ўйинлар каби илғор педагогик технологиялар асосида касбий фанларни ўқитиш.

18- мавзу. Касбий педагогикада инновацион технологиялар

Режа:

18.1. Касбий педагогикада инновацион технологиялар.

18.2. Инновацион технологияларнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.

18.3. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ўқитиш технологиялари мажмуавий интерактив тизим сифатида.

18.4. Ўқитиш технологияларини лойиҳалаш.

18.5. Маънавий-ахлоқий, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида

педагогик амалиётда инновацион технологияларни қўллаш.

18.6. Инновацион технологиялар асосида машғулотларни ташкил қилиш.

18.1. Касбий педагогикада инновацион технологиялар

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатловчи жамиятни маънавий янгилайдиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантирадиган ва уни жаҳон ҳамжамияти даражасига кўтариб, узвийликни таъминлайдиган очик демократик ҳуқуқий давлат қурмоқда.

Ўзбекистон таракқиётида халқнинг бой маънавий салоҳиёти ва умуминсоний кадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Таълимга 3 хил ёндашув

Маълумки педагогикада талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган бир неча ўқитиш услублари ишлаб чиқилган; муаммоли ўқитиш, иш фаолиятини ифодаловчи ўйинлар, роллар бажариш, мавзуй ўқитиш ва хоказо. Аммо улар халқ таълими тизимида кенг қўлланилади деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби ҳар бир машғулотга тайёргарлик педагогик изланишни кўзда тутишни, юксак касбий маҳоратни, ижодий ёндашув ва кўп вақт сарфлашни талаб қилади. Одатда, ҳар бир бундай машғулот сценарийси ўзига хос хусусиятга эга ва такрорланмасдир.

Таълимда оғзаки - кўргазмали ёндашув жуда катта тажрибага эга ва қисмларга ажратилиб ишлаб чиқилган бўлиб, таълим тизимида улкан хизмат кўрсатди, биров бўлса-да, такомиллашувни давом эттирмоқда, аммо бу такомиллашув ёндашувнинг қонуниятлари доирасида чеклангандир. Жадал суръатлар билан ўсиб бораётган фан ва техника талаблари таълим тизимидаги ислохотлар рақобатбардош кадрлар

тайёрлаш, шахсни ривожлантириш, унинг маълумот олиш истакларини қондиришга бўлган жамият эҳтиёжлари ҳамда ўқитиш услублари ўртасида зиддиятлар туғилишига олиб келади.

Ўзбекистон педагоглари педагогик технология билан етарлича таниш эмаслар. Албатта бу ҳолатни тузатишга жиддий эътибор қаратиш зарур. Кўп босқичли таълим тизимида, янги стандартлар ва дастурлар доирасидаги таълим жараёнини эскирган услубият бўйича олиб борилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Таълим тизимидаги кенг қамровли таркибий ислохотларни республика педагоглари илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнига қўллаш билан мустаҳкамлашлари зарур. Аввал таъкидланганидек, бунинг учун педагоглариимизни ўқув жараёнига технологик ёндашувларини ўргатиш талаб этилади, бу эса педагогик технологиядан фойдаланиш билан бир каторда уни Ўзбекистон маданияти, анъаналари ва тажрибаси билан бойитишга олиб келади.

Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмаларни тузилмада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, оралик натижаларни ташхисли текшириб бориш, таълимни алоҳида ўқитиш лавҳаларига ажратиш каби усуллар ҳозирги кунга келиб қайта-қайта такрорлаш мумкин бўлган таълим технологияси ғоясида мужассамланган.

У асосан ўз ичига қуйидаги омилларни олади;

- таълимда умуммақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умуммақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- ўқувчиларнинг билим даражасини дастлабки (ташхисли) баҳолаш;
- бажариладиган ўқув тадбирлари мажмуаси (бу босқичда ўқувчилар билан мулоқат асосида таълимга жорий тузатиш) киритилиши лозим;
- натижани баҳолаш.

Таълимга технологик ёндашув

Тарбиялаш технологияси - нисбатан янги атама бўлишига карамай, ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Тарбиялаш технологияси ёшлар билан тарбиявий ишларнинг ғояси, мазмуни, таркибини эмас, балки бу соҳадаги ҳукумат ишлаб чиққан мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш билан шуғулланади. Тарбиялаш технологияси мўлжалланган тарбиявий мақсадга самарали эришувни таъминловчи воситалар мажмуасини кўриб чиқади. Шу боис профессор-ўқитувчилар учун ҳар томонлама ривожланган юқори интеллектуал ва маънавий баркамол фуқаро шахсини шакллантиришга қаратилган талабаларни ҳукумат сиёсатига мувофиқ тарбиялаш технологияларини эгаллаши долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14 сессиясида Президент И.А.Каримов ўз нутқида «Бизнинг олдимизда озод фуқаро шахсининг маънавиятини бошқача айтганда, озод ҳар томонлама ривожланган, ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, кучи ва қобилиятига таянадиган, атрофдаги ходисаларга, ўзининг мустақил фикр ва муносабати мавжуд, ўз манфаатларини Ватан ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган шахсни тарбиялаш вазифаси турибди» деб таъкидлаган эди.

Таълим ва тарбия журналининг 1996 йил 1 сонидан эълон қилинган «Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бўлғуси мутахассисларнинг умумий ва касбий маданиятини шакллантириш бўйича жамлама тарбиявий ишлар режаси» тарбиявий ишларни дастурлашга мисол бўла олади. Ушбу дастур олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув юртлари олимлари ва педагоглари гуруҳининг меҳнати маҳсулидир. Унинг асоси этиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон дахлсизлигини мустаҳкамлаш, унинг буюк келажagini барпо этиш, ҳар бир талабани кўп қиррали баркамол ва Ватаннинг юксак ғояларига содиқ шахс сифатида тарбиялаш ҳақидаги кўрсатмалари олинган.

Дастурда қуйидаги асосий тарбиявий йўналишлар ва мақсадлар келтирилган.

1. Фуқаро тарбияси. Энг юксак миллий кадриятлар ва сифатларни тарбиялаш, умуминсоний кадриятларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг миллий ўз-ўзини англашни ривожлантириш.

2. Касб эгаллашга, шахсий масъулиятни юқори малакали бўлишга ва касбий маҳоратга интилишни тарбиялаш, меҳнат фаолиятига ва доимий равишда малакани ўстириб боришга ундовчи сифатларни тарбиялаш.

3. Оилавий ҳаётга тайёрлаш. Ота-она ва қондош-қариндошлар оила олдида масъулият ва жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.

4. Талабани шахс сифатида ривожлантириш. Бетакрор шахсий сифатлар ва ижтимоий қиёфанинг ҳар томонлама ижодий ривожига кўмаклашиш.

Замонавий тарбиялаш технологияси - ҳар томонлама ёндашувни амалга оширади ва қуйидаги мажбурий талабларга риоя қилади:

1. Тарбияланувчиларга уч йўналиш бўйича таъсир этилади - тафаккурига, сезгиларига ва ҳулқига.

2. Тарбия (ташки педагогик таъсир) ва ўз-ўзини тарбиялашнинг узвийлиги туфайли ижобий натижага эришилади.

3. Тарбия жараёнида иштирок этувчи барча восита ва тадбирларнинг мувофиқлаштирилиши; ижтимоий институтлар, бирлашмалар, оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат, оила, мактаб, ҳуқуқ тарғибот идоралари, жамоалар - ҳар томонлама ёндашувнинг зарурий шартидир.

4. Шахснинг маълум сифатлари амалдаги тарбиявий ишлар мажмуи орқали ҳосил қилинади. Бу ишлар яққол кўринишда ва кўп ёқлама бўлиши, улар бир вақтнинг ўзида аклий, жисмоний, ҳулқий, эстетик ва меҳнат тарбиясини узвий ҳолда олиб бориши зарур.

5. Ҳар ёқлама яхлит тарбиявий ёндашув тарбиячининг тизимли муносабатини ва бошқарувини тақоза қилади. Бошқарув тарбия жараёнида иштирок этувчи ташки ва ички омиллар ва уларнинг ўзаро таъсири инобатга олингандагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Шу боис, у омиллар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш зарур.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп марта такрорланиб, уларни ўқув муассасаларига олиб кириш лозимлиги уқтирилган.

Республикамизнинг таниқли олимлари илмий асосланган, минтақамизнинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган педагогик технологияларни яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломқдалар.

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида талаба ёшларни ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда талабаларни ахборот технологиялари, электрон дарсликлар, версиялар ва мультимедиалардан амалий машғулотларда фойдаланиши муҳимдир. Бу эса талабаларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялашни, ўқув фаолиятини таҳлил қилишни, истикболда касбий маҳорат ва компьютер саводхонлигини орттириш бўйича режаларини аниқ белгилашига эришишни уларнинг ички эҳтиёжига айлантириш талаб этилади.

Инновацион технологиялар таълим-тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва воситаларининг мажмуидир. Бунда янги мазмун, шакл, усул ва восита уйғунлигида мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлиги таъминланади ҳамда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.

Таълим технологияси репродуктив дарс беришга асосланган бўлиб, ундаги ўқув жараёни талабаларга типик ҳолатлардаги ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган. Репродуктив билим бериш жараёнида машғулот аниқ бўлақларга бўлиниб, ҳар бир бўлагида талабалар билиши ва ўрганиши шарт бўлган натижалар кўрсатилади. Ўқув материаллари машғулот мақсадидан келиб чиқиб, модулларга бўлинган ва талабаларнинг ўқув жараёнида аниқ саволларга конкрет жавоблар топиши асосида қурилган бўлиб, савол ва жавоблар ўзаро узвий боғлиқликда бўлиши натижасида бир бутунликни ташкил қилади.

Янгича ёндашув, янгича фикрлаш асосида ўқитиш жараёнида талабалар фаолиятининг самарали шакл ва услублари, уларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш керак. Бундай мустақил топшириқлар талабаларни ўйлашга, ҳар томонлама фикр юритишга, берилган топшириқларни ўз ҳаётий тажрибаларига асосланиб ҳал этишга ўргатади.

Маъруза ва амалий машғулотларни ўтиш жараёнида муаммоли вазият талабаларнинг қизиқиши, билим савияси, фикр юритиш доираси ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилинади. Муаммоли вазиятни яратишдан кўзланган асосий мақсадни амалга ошириш учун вазиятни баҳолашда талабаларнинг оғзаки ва ёзма жавобларидан вақти-вақти билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

18.2. Инновацион технологияларнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари

Инновацион технологиялар асосида баҳс-мунозара дарслари, аклий ҳужум ўйинларидан кенг кўламли билим, тажриба ва мустақилликка асосланган ҳолда машғулотлар ташкил этилса, қуйидаги натижаларга эришилади:

- машғулотлар давомида талабаларнинг мустақиллиги, ихтиёрийлиги ва эркинлигига эришилади;
- талабалар ўз фикр ва қарашларини ҳимоя қилишга ўрганадилар, уларни бошқаларга етказиш маҳоратини эгаллайдилар;
- талабалар жамоа фикрига таянишга, уни ҳурмат қилишга ўрганадилар ва уларда ўзаро ҳурмат ҳисси ортиб боради;
- талабалар ўқув фанига доир материаллар билан мустақил ишлашга, изланишга, ўқитишнинг самарали шакл ва услубларидан ижодий фойдаланишга одатланиб боради;
- талабаларда билимларни мустақил эгаллаш, ижодий фикр юритиш ва эркин фикрлаш малакалари шаклланади;
- ўқув машғулотларида ахборот технологияларидан фойдаланишга, ўзаро фикр алмашишга, педагогик фаолиятни танқидий таҳлил қилиш ва таққослашга ўрганадилар.

Бугунги кунда таркиб топган таълимнинг энг муҳим элементлари қадимдан шаклланиб келган ва ўзининг аҳамиятини ҳозирда ҳам йўқотмаган. Таълим мақсади, мазмуни, шакллари, услуб ва воситалари педагогикада таълим жараёнларини таҳлил қилиш учун қўлланиладиган анъанавий категориялар бўлиб ҳисобланади. Айнан шу категориялар маълум бир предмет, мутахассислик ёки ихтисослик бўйича ўқув тарбиявий жараённи ташкил қилувчи педагог фаолиятининг предмети сифатида юзага чиқади. Қайд этилган педагогик категорияларни мақсадга мувофиқ равишда йўналтирувчи педагогик ва ўқув фаолиятининг қонуният ва мезонлари тизимлаштирувчи омил вазифасини бажаради.

Педагогик жараённинг моҳияти – ўқитувчининг таълим олувчи билан биргаликдаги фаолиятида ўз аксини топади, бунда педагог таълим олувчига қийинчиликларни енгиб ўтиши учун ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг моҳияти педагогик жараённинг йўналтирилганлиги ва тавсифида ҳамда шахсни шакллантириш ва тарбиялашда ҳал этиладиган вазифалар билан ифодаланади. *Бу вазифалар эслатган, кўрсатган,*

тушунча берган, йўналтирган, ҳаққонийлаштирган, маслаҳат берган, бартараф этган, ҳамдардлик қилган, талабчанликни қўллаб-қувватлаган каби ҳолатларда намоён бўлади.

Педагогик технологиянинг бошқарувчанлиги шундан иборатки, бунда таълим жараёнини режалаштириш, ташҳис қилиш, натижалаш, тузатиш киритиш имкониятлари мавжуд. Бунда таълимдан кутилган натижага эришилади, вақт тежалани, бу эса педагогик технологиянинг самарадорлиги демакдир. Педагогик технологиянинг тасдиқланувчанлиги - ишланган модель бошқа педагоглар қўллаганда ҳам худди ўшандай самара-натижа бериши кераклигини билдиради. Бир сўз билан айтганда, таълим жараёнига янгича ёндашиб, ижодкорлик, бунёдкорлик тадбиқ этилсагина, таълим самараси янги босқичга кўтарилади, яъни:

- талабанинг талаби, мойиллиги, истак хоҳиши, унинг имкониятлари даражасида қондирилади;
- талабанинг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошади;
- билимларни мустақил эгаллаш малакалари шаклланади;
- унда умр бўйи ўз билимини ўзигина бойитиши мумкинлигига ишонч пайдо бўлади;
- эркин фикрлаш малакаси шаклланади;
- шахс жамиятда ўзининг ўрнини тезроқ топиб олишига муҳит яратади.

Бунинг учун биз талабага «сен бунга билишинг керак» деган мажбурловчи даъватдан «менга бу зарур ва мен бунга билишга уни ҳаётда қўллашга қодирман» деган ички ишонч ва интилишни уйғотишга ўтишимиз керак.

Шундай қилиб, олий ўқув юртлирида инновацион технологияларни қўллаш талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, ўқув машғулотлари самарадорлигини, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги, ўқитишда масофавий таълим ва компьютер саводхонлигини орттиришга замин тайёрлайди.

18.3. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ўқитиш технологиялари мажмуавий интерактив тизим сифатида

Замонавий ўқитиш технологиялари – мажмуавий интерактив тизимлар бўлиб, улар ўз ичига таълим мақсадлари билан белгиланган касбий кўникма ва малакаларнинг, шахс хислатларининг ўрганувчилар томонидан эгалланиши ҳамда билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган операция ва ҳаракатларнинг тартиблаштирилган тўпламини қамраб олади. Бу ўринда таълим мақсадларининг белгиланиши, мазмунни танлаш ва ишлаб чиқишга, таълим жараёнларини ташкил қилишга, таълим метод ва воситаларининг белгиланишига, шунингдек, ўқитувчиларнинг малака даражасига, эришилган натижаларни баҳолаш методига асосланиши лозим. Келтирилган мезонларнинг мажмуавий қўлланилиши ўқув жараёни моҳиятини ва унинг технологиясини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳар бир ўқитувчининг олдида дунёга янги кўз билан қарайдиган, уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш вазифасини қўйди. Бундай улкан вазифаларни амалга оширишда ўқитиш амалиётига замонавий ва жаҳоннинг энг илғор таълим технологияларини қўллашни давр тақозо этмоқда.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълимни ривожлантирувчи янги тамойилларга асосланган бўлиб, у ўқувчи-талаба шахсини шакллантиришга йўналтирилмоғи керак. Янги педагогик технология марказида таълим жараёнининг раҳбари ҳамда шу жараённинг субъекти ва объекти бўлган ўқитувчи ва ўқувчи-талаба туради. Шундай экан, бу икки шахс ўртасидаги ўзаро мулоқот, ҳамкорлик, бир-бирига кўрсатадиган таъсир жараёнлари юксак даражада, замонавий ва миллий талаблар асосида бўлиши лозим. Бунинг учун таълим жараёни, ўқитувчи ва таълим-тарбия жараёни олдида қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари ҳамда йўллари ўқувчи-талабани ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик қилиш, уни ўқиш ва ўрганишга йўналтириш, ўқувчи-талаба шахсий фаолиятини тўғри ташкил этиш, улар билан мулоқотга киришиш, муаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, аудиторияда ижодий, ишчанлик муҳитини вужудга келтириш, ўқувчи-талаба фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан қуролланган бўлиши лозим.¹

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан яна бири ортиқча рухий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, таълим олувчилар фаолиятини назорат этиш, улар томонидан эгалланган билим, малакалар даражасини баҳолаш, ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни талаб этади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда бу борада катта тажриба тўпланиб, интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. 1996 йилдан буён мамлакатимиз таълим тизими ходимлари ўртасида интерфаол методлар ва улардан таълим жараёнини ташкил этишда фойдаланиш борасидаги назарий ва амалий билимлар тарғиб этиб келинмоқда.

Биз амалиётда қўллаган ва ижобий натижа берган технологиялардан бири бу - «БЛИЦ-ЎЙИН» методидир.

Ушбу технология талабаларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни

¹ Ўқув жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларини қўлаш йўллари. – Т.: ТДИУ, 2005. 60-бет.

ўргатишга қаратилган. Бу технология давомида ўқувчилар ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга ўтказа оладилар.

Мақсад:

«Блиц-ўйин» технологияси талабаларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал якка ҳолда мустақил равишда белгилаб, сўнгра ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфикр бўла олишга ёрдам беради.

ЎТКАЗИЛИШ ЖАРАЁНИ

1-БОСҚИЧ.

- ўқитувчи ушбу ўйин бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида талабаларга тушунча беради. Ҳар бир босқичдаги вазифани бажаришга аниқ вақт ажратилиши, талабалар эса шу вақтдан унумли фойдаланишлари кераклиги ҳақида уларни огоҳлантиради;

- талабаларга алоҳида-алоҳида тарқатма материал берилади;

- ўқитувчи тарқатма материал мазмуни ва бажариладиган вазифани талабаларга тушунтиради, яъни тарқатма материалда берилган ҳаракатларни кетма-кетлигини тўғри белгилаш, белгини эса қоғоздаги алоҳида ажратилган бўлимга рақамлар билан кўрсатиш кераклигини тушунтиради;

- берилган топширик аввал якка тартибда бажарилишини айтади.

2- БОСҚИЧ

- ўқитувчи биринчи берилган топширикни ҳар бир талаба томонидан якка тартибда бажарилишини кузатади ва тушунмовчиликлар юзага келганда ёрдам кўрсатади;

- ҳар бир талаба тарқатма материалдаги «якка баҳо» бўлимига шу ерда берилган ҳаракатлардан ўзининг шахсий фикри асосида мантикий кетма-кетлигини рақамлар билан белгилаб чиқади, яъни берилган бир нечта ҳаракатдан, унинг фикрича қайси бири биринчи бўлиши, қайси бири эса иккинчи бўлишини белгилайди, ўқитувчи бу вазифани бажариш учун талабаларга 10 дақиқа вақт беради.

3-БОСҚИЧ

- ўқитувчи талабалардан 3 кишидан иборат кичик гуруҳлар ташкил этишларини сўрайди. 3 кишилик гуруҳлар ўқувчиларнинг хоҳишларига қараб ёки рақамлар бўйича ташкил этилиши мумкин;

- кичик гуруҳлардаги талабаларнинг ҳар бири ўз қоғозидаги якка баҳо бўлимида белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлиги билан бир-бирларини таништирадилар, кейин 3 кишида уч хил бўлган кетма-кетликни биргалашиб, бир-бирлари билан тортишиб, баҳслашиб, таъсир ўтказиб келишган ҳолда уларга тарқатилган қоғоздаги «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқадиладилар;

- ўқитувчи кичик гуруҳдаги тортишувларда иштирок этмайди, фақат кичик гуруҳлар ва ҳар бир талаба фаолиятини кузатади, бу вазифани бажариш учун 20 дақиқа вақт берилади.

4-БОСҚИЧ

Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, ўқитувчи ҳаракатлар кетма-кетлиги бўйича тўғри жавобни беради, яъни талабаларга тарқатилган қоғозлардан «тўғри жавоб» бўлимини топишни ва унга ўқитувчи томонидан айтилган ҳаракатлар кетма-кетлигининг рақамларини ёзишни сўрайди.

5-БОСҚИЧ

Ўқитувчи «тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамларнинг «якка баҳо» бўлимида берилган рақамларни (ёки аксинча), яъни каттадан-кичикни айирган ҳолда «якка хато» бўлимига чиққан фарқни ёзишни сўрайди. «якка баҳо» бўлимидаги сонларни юқоридан пастга қараб кўшиб чиқиб умумийсини ҳисоблашлари кераклигини уқтиради.

6-БОСҚИЧ

Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ каттадан-кичикни айириш орқали бажарилади, чиқарилган фарқлар сони «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзилиб, юқоридан пастга қараб кўшилади ва умумий сон келтириб чиқарилади.

7-БОСҚИЧ

Ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларининг умумий сони бўйича тушунча беради, уларни алоҳида-алоҳида шарҳлайди.

ИЗОҲ: Бажарилган вазифани баҳолашнинг яна бир тури, қуйидагича: талаба-ўқувчиларнинг жавоблари ўқитувчи томонидан берилган «тўғри жавоб»нинг ярмидан кўпига тўғри келган бўлса, демак, «қониқарли», 75%га тўғри келган бўлса, «яхши», 100%га тўғри келган бўлса «аъло» деб белгилаш мумкин.

Умуман олганда, ҳозирги кунда инновацион технологиялар, ахборот технологиялари ўқитишнинг асосий воситалари бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки буларнинг қўлланилиши талабаларнинг ўқув жараёнига фаол жалб қилинишини таъминлайди. Шунинг учун таълим технологиялари базасида комплекс ўқитиш воситалари концепцияси ишлаб чиқилиши зарур бўлиб, мазкур концепция доирасида янги ахборот технологияларини қўлланилиши ўқув жараёнини самарали кечишига олиб келади.

18.4. Ўқитиш технологияларини лойиҳалаш

Ўқитиш технологиясини лойиҳалашни педагогик вазифанинг қўйилиши ва уни ҳал этишга қуриш асосида қараймиз.

1. Педагогик вазифанинг қўйилиши.

2. Дидактик жараённи ишлаб чиқиш.

Педагогик вазифанинг белгиланиши қуйидагиларни камраб олади:

- таълим мақсадларини таҳлил қилиш ва шу асосда ўқув предметининг мазмунини аниқлаш;

- ўқув предмети мазмунини тузилмасини ишлаб чиқиш ва уни ўқув элементлари тизими кўринишида ифодалаш;

- ўқув элементларини ўзлаштириш даражаларини белгилаш;

- таълим оловчиларнинг дастлабки билим даражасини аниқлаш, бу кўрсаткич ўқув предметининг мазмуни асосланадиган ўқув материални ўзлаштирганлик даражасидан келиб чиқади;

- ўқув-моддий база ҳамда таълимнинг ташкилий шаклларига қўйиладиган чегараларни белгилаш.

Педагогик вазифаларнинг ҳал этилишини таъминловчи ўқитиш технологиясини лойиҳалашга қаратилган ўқитувчи фаолияти таълимнинг метод, шакл ва воситаларини шакллантириш билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда педагог фаолияти учта асосий ташкил этиви билан тавсифланади: бошқариш тури, ахборот алмашинув жараёнининг тури, ахборотни узатиш воситалари типлари ва билиш фаолиятини бошқариш. Ўқитиш жараёнига фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш концепциясига асосланиб, уни ташкиллаштиришнинг қуйидаги мантиқий кетма-кетлигини қуриш мумкин. Дастлаб ўқув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад ҳамда педагогик вазифанинг қўйилиш шартлари таҳлил этилади. Сўнгра ўқитишнинг мос равишдаги методлари ҳамда таълим оловчилар билиш фаолиятини бошқариш схемаси белгилаб олинади. Шу асосда ўқитиш воситалари рўйхати тузилади. Ушбу усул билан ҳосил қилинган методлар ва таълим воситалари тизими ташкилий шакллар билан уйғунлаштирилади, яъни технология ишлаб чиқилади.

Таълим жараёни стохастик характерга эга. Унда қутилган ва қутилмаган, режалаштирилган, фавқудлодда ва тасодифий ҳодисалар ҳам учраб туради. Ўрганилган билимларга ишлов бериш жараёнида ҳам жорий назорат натижаларига асосланиб лойиҳага янги ўзгариш, қўшимча ва тузатишлар киритилади;

- бўлим ёки мавзу бўйича умумий хулосалар чиқариш, чиқарилган хулосаларни мураккаб ўқув ҳолатларига татбиқ қилиш, оралик назорат натижаларига кўра мавзу ёки бўлим бўйича ахборот тўплаш, тўпланган ахборотларга ишлов бериш жараёнларида талабалар эришган ютуқларни таҳлил қилиш, талабаларнинг билим ва малакаси, ижодий фаолият тажрибасидаги камчиликларини кўрсатиш, гуруҳдаги ҳар бир талабага якуний назоратгача бажариладиган қўшимча топшириқларни бериш, уларни ўқув материални янада атрофлича ўзлаштиришга рағбатлантириш;

- якуний назоратнинг асосий вазифаси талабаларнинг маълумот ва таълим мазмуни элементларини эталон даражасида ўзлаштиришларини аниқлаш, эталон даражасидан паст ўзлаштирган ўқувчи-талабаларни огоҳлантириш, қўшимча топшириқлар бериш кабилардан иборат.

Педагогик технология таълим мақсадини аниқ ўрнатишдан бошлаб то унинг натижаларини баҳолашгача бўлган босқичларнинг ҳар бири учун ижодий фаолиятни талаб этади. Педагог фаолиятининг технологияланувчанлик даражасини проф. Н.Сайидахмедов қуйидаги мезонлар асосида алоҳида ажратиб кўрсатган.¹

¹Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003. 30-бет.

1. Ташхисланувчан ўрнатилган мақсад – талабалар томонидан дидактик, жараён маҳсули сифатида ўзлаштирилган аниқ ўлчамли тушунчалар, амаллар ва фаолият турлари.

2. Таълим мазмунини ўқув элементлари ёрдамида баён қилишда абстракция поғоналарининг ва ахборотларни ўзлаштириш даражасининг ҳисобга олиниши.

3. Ўқув материалларини ўзлаштириш босқичларининг етарлича мантикий қатъиянлиги – дидактик жараён тузилмасига мослиги.

4. Ўқув жараёнига янги воситалар ва ахборотлаштириш усулларининг жорий этилиши.

5. Ўқитувчининг қоидабоп (алгоритмли) ва эркин, ижодий фаолиятидаги мумкин бўлган четга чиқиш чегарасининг кўрсатилиши.

6. Талаба ва ўқитувчи фаолиятида шахсий мотивлашганликнинг таъминланиши (эркинлик, ижодиёт, курашувчанлик, ҳаётий, касбий моҳият ва бошқалар).

7. Ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичида коммуникатив муносабатларнинг, ахборот техникалари билан муомала қилишнинг мақсадга мувофиқлиги.

Юқорида берилган кўрсаткичлар лойиҳаланган ўқув жараёнининг технологик даражасини тўлиқ ифода қилади, уларнинг амалда жорий этилиши эса педагогни юқори малакали мутахассисга айлантиради, талабанинг нуфузини оширади ва ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг янги қирраларини очади.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар талими тизимида таълим технологияси асосида ўтказиладиган машғулотлар анъанавий педагогик амалиётдан қатор хусусиятларига кўра фарқ қилади:

- машғулотлар талабаларнинг ўқув мақсадларини ойдинлаштиришдан бошланади;
- таълим-тарбия жараёни олдиндан қайд этилган натижага мўлжаллаб ташкил этилади;
- ҳар бир талаба ўз фаолияти хусусиятларига мос келадиган суръатда ишлайди;
- жамоа аъзоларининг ҳар бири ўзлари эришган натижадан тез-тез огоҳлантириб турилади; эришилган натижа таълимнинг ҳар бир босқичида эталонга бирлаштириб турилади;
- натижа талабаларнинг асосий ўқув мақсадларига кўра аниқланади;
- ўқув материални тўлиқ ўзлаштирган талаба кейинги мавзунини ўрганишга ўтади;
- эталондан паст ўзлаштирган талабалар учун таълим ўхшаш шароитларда такрорланади;
- талаба учун ўқиш-ўрганиш ҳаракатига тенг мақсадларни амалга оширишдан бошланади;
- талаба ҳаракатга тенг мақсадлардан оралиқ мақсадга – билимларга, ундан умумий ўқув мақсадига қараб боради;

- ҳаракатга тенг мақсаддан умумий ўқув мақсадига қараб бориш ўқиш-ўрганишнинг циклигини таъминлайди;

- якуний (назорат) баҳо ўқув курси тўлиқ ўрганилгач чиқарилади.

Бугунги кунга келиб, интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнида қўллашга бўлган кизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Демак, бунинг асосий сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар эса, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир каторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функцияларини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.¹

Педагогик технология усулининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда таълимнинг режалаштирилган мақсадига эришишни кафолатлайдиган ўзлаштириш жараёни лойиҳалаштирилади.

Мақсадни кўзлаш, жорий натижаларни текшириб бориш, ўқув материални айрим бўлақларга ажратиш – ўқув жараёнини ташкил этишнинг бу белгилари - қайта ишлаб чиқиладиган яъни такрорланадиган таълим циклига хос хусусиятлардир.


Бошқача айтганда, такрорланадиган таълим циклининг асосий қисмлари қуйидагилар:

- таълим мақсадларини умумий белгилаш;
- умумий мақсадни ойдинлаштириб, ўқув мақсадларига айлантириш;
- ўқув амаллари мажмуи;
- таълим натижасини баҳолаш.

Ўқув жараёни бундай такрорланадиган шаклга эга бўлгани учун модул характерини касб этади, алоҳида қисмларга ажратилади, улар турли мазмунга ва умумий тузилишга эга бўлади.

8-чизма

Ўқув жараёнининг тузилиши



¹ Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 3-бет.

Аслида бу, педагогик фаолиятнинг цикли алгоритми бўлиб, уни таълим мазмунининг янги-янги бўлимларига, мавзуларига қўллаш мумкин.

Таълим жараёнини педагогик технологияга биноан ташкил этиш учун лойихалаштириш босқичида юқори малака талаб этилади, етакчи педагоглар гуруҳи педагогик технология коидалари ва принциплари асосида методик материалларни ишлаб чиқади Бундай материаллар мавжуд бўлса, ўқитувчининг вазифаси асосан ташкилий ишлар ва маслаҳат беришдан иборат бўлади.

Ўқув жараёнининг ҳамма босқичларида асосий эътибор таълим натижасига эришишга қаратилади.


Профессор М.Очилов педагогик технология усулига қуйидагиларни киритган:

1. Таълимнинг умумий мақсадлари, муҳим масалалари таснифи.
2. Ойдинлаштирилган мақсад (ўқув вазифа)ларини ишлаб чиқиш.
3. Таълимнинг мақсадларини назорат (тест) топшириқларига айлантириш.
4. Мақсадларга эришиш усуллари.
5. Таълим мақсадларига эришилганини баҳолаш.

Буларнинг ҳар бири педагогик амалларнинг қулайлаштирилган тизимидир.

Педагогик технологиялар масалалари, муаммоларини ўрганаётган мутахассисларнинг фикрига кўра, педагогик технология – бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ТСО, компьютер, масофали ўқиш, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш демакдир.

9-чизма



Юқорида таъкидлаганимиздек, педагогик технологиянинг асосий негизи-бу ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг белгиланган мақсаддан қафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган технологияларига боғлиқ, яъни ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича қафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятини ташкил этгани ҳолда, ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчи-талабалар мустақил фикрга эга бўлиб, ижодий фаолият юрита олсалар, излансалар, таҳлил этиб, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи томонидан эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит яратилса, буларнинг барчаси, ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предмети ўзига хос технологияга эга, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқувчи-талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.¹

18.5. Маънавий-ахлоқий, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида педагогик амалиётда инновацион технологияларни қўллаш

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг қуйидаги асосий йўналишларини англаб олмақ лозим:

- таълим мазмунини, тизимини ислоҳ қилиш;
- таълим-тарбия бошқарувини ислоҳ қилиш;
- таълимнинг бозор иқтисодиётига асосланган механизмни яратиш;
- ота-она, ўқитувчи-ўқувчининг таълим жараёнига бўлган янги қарашларини шакллантириш;
- бу туб ислохотларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи-янги педагогик технологияни амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш-инновацион педагогикани майдонга олиб чиқди. «Инновацион педагогика» термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар Ғарбий Европа ва АҚШда, 60-йилларда пайдо бўлди. Инновацион фаолият Ф.Н.Гоноболдин, С.М.Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, А.И.Щербаков ишларида тадқиқ этилган. Бу тадқиқотларда инновацион фаолият амалиёти ва илғор педагогик тажрибаларни кенг ёйиш нуқтаи назаридан ёритилган.

¹ Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. - Т.: ТДПУ, 2004. 6-бет.

Х.Барнет, Дж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М.Майез, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем ишларида инновацион жараёнларни бошқариш, таълимдаги ўзгаришларни ташкил этиш, инновациянинг «ҳаёти ва фаолияти» учун зарур бўлган шарт-шароитлар масалалари таҳлил қилинган.

Янгилик киритишнинг ижтимоий-психологик аспекти америкалик инноватик Э.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни қатнашчиларининг тоифалари таснифини, унинг янгиликка бўлган муносабатини, уни идрок қилишга шайлигини тадқиқ этади.

Олий мактаб ўқитувчисининг инновацион фаолияти олий мактаб педагогикасининг бош муаммоларидан биридир.

Инновация (инглизча innovation) – янгилик киритиш, янгиликдир.

А.И.Пригожин инновация деганда, муайян ижтимоий бирликка-ташқилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб боровчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.

Тадқиқотчилар (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсирининг микросатҳи.

Биринчи ёндашувда, ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

Иккинчи ёндашувда, алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашидир.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёнининг схемаси берилади. У қуйидаги босқичларни камраб олади:

1. Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.

2. Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.

3. Яратилган янгиликни амалда қўллаш билиш босқичи.

4. Янгиликни ёйиш, уни кенг татбиқ этиш босқичи.

5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.

6. Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.

7. В.А.Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалари билан қондириш деб билади.

Янгилик киритишнинг тизимли концепцияси муаллифлари (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.

Биринчи шаклга, янгилик киритишнинг оддий ишлаб чиқиши киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуқлидир.

Иккинчи шаклга, янгиликни кенг кўламда ишлаб чиқишга тааллуқлидир.

Янгилик киритиш ҳам, ички мантиқ ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.

Педагогик инновацияда «янги» тушунчаси марказий ўрин тутди. Шунингдек, у педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.

Хусусий янгилик В.А.Сластениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгилашни кўзда тутди.

Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси шартли янгилик ҳисобланади.

Маҳаллий янгилик аниқ объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектни янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади.

Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик - бу восита: янги метод, методика, технология ва бошқалар.

«Инновация» - бу таълим: маълум босқичлар бўйича ривожланадиган жараён.

В.И.Загвязинский «янги» тушунчасига таъриф бериб, педагогикадаги «янги» фақатгина бу гоё эмас, балки ҳали фойдаланилмаган ёндашувлар, методлар, технологиялардир, лекин бу педагогик жараённинг унсурлари мажмуан ёки алоҳида олинган унсурлар бўлиб, ўзгариб бўлиб, ўзгариб туривчи вазиятда ва шароитда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этишнинг илғор бошланмаларини ўзида акс эттиради.

Р.Н.Юсуфбекова педагогик янгиликка ўқитиш ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб боровчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Педагогик инновацияда Р.Н.Юсуфбекова инновацион жараён тузилмасининг уч блокини фарқлайди:

Биринчи блок - педагогикадаги янгини ажратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шарт-шароити, янгиликнинг меъёрлари, уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгини яратиш босқичлари қиради.

Иккинчи блок - янгини идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёнларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамиятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

Учинчи блок – янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, яъни янгини татбиқ этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларидир. М.М.Поташникнинг инновация жараёнлари талқинлари киши эътиборини ўзига тортади. У инновация жараёнининг қуйидаги тузилмасини беради:

- фаолият тузилмаси-мотив-мақсад-вазифа-мазмун-шакл-методлар-методика компонентлари йиғиндиси;
- субъектив тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтакавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;
- мазмун тузилмаси – ўқув-тарбиявий ишлар, бошқарув (ва б.)да янгиликнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқилиши ва ўзлаштирилиши;
- босқичликка асосланган ҳаёт даврийлик тузилмаси-янгиликнинг пайдо бўлиши-илдам-ўсиш-етуклик-ўзлаштириш-диффузия (сингиб кетиш, тарқалиш) – замонавийлаштириш;
- бошқарув тузилмаси – бошқарув ҳаракатларининг тўртта турининг ўзаро алоқаси: режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик қилиш, назорат қилиш;
- ташкилий тузилма – диагностик, олдиндан кўра билиш, соф ташкилий, амалий, умумлаштирувчи, татбиқ этувчи.

Инновация жараёни, таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тизимдан иборатдир.

Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4та асосий қонуниятлари фарқланади:

- педагогик инновация муҳитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;
- ниҳоят амалга ошиш қонуни;
- педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонуни;
- қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни;

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи-талаба асосий фигурага айланади.

Шунинг учун олий ўқув юртлири ва факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари-интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерфаол методлар - бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни у педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга куйидагилар киради:

- ўқувчи-талабани дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиш;
- ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган кизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;
- ўқувчи-талабанинг билимга бўлган кизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;
- педагог ва ўқувчи-талаба ўртасида ҳамкорликдаги фаолиятининг узлуксизлиги таъминлаш.

Ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг кутилган натижага эришишлари қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган, бунда ўқувчи-талабаларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан, натижага эришиш учун балки, компьютер билан ишлаш лозимдир, балким фильм, таркатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар ўқитувчи ва ўқувчи-талабага боғлиқ.

Шу билан бир қаторда ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, ТСОни, энг асосийси, ўқувчи-талабанинг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина керакли қафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ўқувчи-талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарснинг технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчи-талабаларнинг имконияти ва

эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологияларидан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методлар ва усулларни билиши керак бўлади. Ҳар бир дарсни ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг қоидаларига мувофиқ тайёрланган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида замонавий маданият ва иқтисодиётнинг педагогик шакл ва воситаларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этишга алоҳида аҳамият берилган.

Шу жиҳатдан ҳам умумий ўрта таълим мактабларида давлат таълим стандартлари бўйича кўзда тутилган иқтисодий таълим ва иқтисодий тарбияни такомиллаштириш, уни ўқувчи-талабалар онгига сингдириб бориб, иқтисодий тафаккурни шакллантириш муаммоси долзарбдир.

Чунки ҳар бир ўқувчи-талаба бозор муносабатлари ривожланиб бораётган бир даврда – уни ўраб турган иқтисодий воқеликни, унда кечаётган жараённи англаши, тадқиқ ва таҳлил қилиб, хулосалар чиқариш имконига эга бўлиши лозим. Бу эса ҳар бир фуқародан иқтисодиёт назариясининг асосларидан хабардор бўлишини, уни амалда жорий қилиш йўл ва воситаларини талаб даражасида ўзлаштиришини тақозо этади. Бу масалалар асосан, ўқув муассасаларида амалга оширилади.

Иқтисодий тарбиянинг бош мақсади – ёшларда иқтисодий саводхонликни, иқтисодий онгни, иқтисодий маданиятни юксалтиришдан иборатдир. Бу эса шахснинг камол топиш фаолияти воситасида аниқ иқтисодга боғлиқ, назарий билимлар тизимини, шунингдек, иқтисодий билим, кўникма ва малакалар мажмуаси, ўрганувчининг иқтисодий онгига бевосита таъсир этишга имкон берувчи босқичларни амалга оширишдир.

Ўқувчи-талабаларнинг босқичма-босқич узлуксиз таълими жараёнида, хусусан, иқтисодий билим асосларини ўрганиш мобайнида уларнинг иқтисодий тафаккурлари ҳам шакллана боради. Улар куйидаги билимлар мажмуи бўлиб хизмат қилади: шахснинг эҳтиёж имкониятларини ҳисобга олиб, аниқ режа ва дастурлар тузиб, ўзига хос услуб ва методлар асосида амалга оширишда; шахснинг мустақил фаолиятида самарали ўрин тутадиган аниқ иқтисодий тушунчаларни; иқтисоднинг сиёсий ва бозор муносабатлари билан боғлиқ қонуният асослари ва улардан амалда фойдаланиш йўл-йўриқларини; мустақил фаолият кўрсатишда зарур бўладиган барча иқтисодий билим, кўникма ва малакалар мажмуини ўзлаштиришни; ҳаётда қайси соҳани танлашидан қатъи назар, эҳтиёж даражасида иқтисодий тайёргарликни ўзида шакллантиришни; иқтисодий билим асосларидан тўғри ва мақсадга мувофиқ ҳолда фойдалана олиш шахс баркамоллигини белгиловчи ахлоқий сифатларидан бири деб қарашни; иқтисодий билим асосидан

хабардорликни ўз фаолияти давомида жамият ва давлат иқтисодий, ҳуқуқий сиёсати асосида намоён этади.

Бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда, маърифат ва маданият ҳамда иқтисодий соҳаларга, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий билимлар доирасига ҳам замонавий педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида иқтисодий йўналишдаги ўқув юртларида махсус илмий тадқиқотлар олиб боришни кўзда тутаяди. Бунда энг аввало, қуйидагиларни аниқлаш лозим:

- замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун ижтимоий-педагогик асослар мавжудлигини аниқлаш;

- таълим мажмуи сифатида нимани англатиши ва қандай таркибий қисмлардан ташкил топганлигини белгилаш;

- педагогик технологиянинг функционал мажмуи жараён сифатида нималардан иборатлигини аниқлаш;

- замонавий педагогик технологиялар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мақсадларига қай даражада мос келиши ва уни баҳолаш мумкинлигини кўрсатиб бериш;

- педагогик технологиянинг мажмуалар назариясининг асосий қонуниятларига мослигини назоратда тутиб туриш йўл-йўригини ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, бугунги кунга келиб, жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бораётган бўлса-да, бироқ ижтимоий соҳада ва айниқса, таълим-тарбия жараёнида умумий тараққиётдан биров орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларида бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришдан иборатдир.

18.6.Инновацион технологиялар асосида машғулотларни ташкил қилиш

Инновацион технологиялар асосида дарсларни ташкил этиш 1976 йилдан бери қўлланилиб келинади. Бу усул талабаларнинг қизиқишини ва фаоллигини оширади. Бу усулга тайёргарлик кўриш учун талабалар олдиндан огоҳлантирилади ва мавзу эълон қилинади. Талабалар гуруҳи икки кичик гуруҳчаларга бўлинади. Уларнинг ҳар бири мавзу бўйича саволлар тайёрлаб келиши лозим. Семинар бошида талабалар мусобақа шартлари билан таништирилади. Бунда фақат жавоблар учун эмас, балки саволларни тўғри ва аниқлиги учун, қўшимча ва тузатишлар киритиш учун ҳам маълум баллар белгиланади. Гуруҳ талабаларининг барчаси фаол қатнашишлари учун эса минус баллар ҳам кўрсатилиши мумкин, масалан,

+3 дан –3 гача нотўғри жавоблар ва саволлар учун балларни айириш усули ишлатилиши мумкин. Мусобақа давомида доскага тўпланган баллар ёзиб борилиши мумкин. Семинар охирида ғолиб гуруҳ катнашчилари кўшимча баллар билан рағбатланиши мумкин. Педагог эса синчковлик билан жавобларни эшитиб, ҳар бир талабага баҳо кўйиб бориши лозим. Бу усул билимларнинг янада мустаҳкамроқ эгалланишига, нутқ маданиятининг ошишига, саволларнинг тўғри тузилишига, ўз фикрини баён этишга ўргатади. Энг муҳими эса талабаларда мустақил билимларни эгаллаш, қидириш, мавзуга ижодий ёндашиш ошади. Ўрганилаётган мавзу ҳар томонлама таҳлил этилади ва ҳаётий жараёнлар билан боғланади.¹

Кичик гуруҳчалар усули

Бу усулда гуруҳ талабалари бир неча гуруҳга бўлинади, ҳар бир гуруҳда 4-6 тадан талаба бўлиши мумкин. Ҳар бир гуруҳнинг раҳбари тайинланади. Уларга олдиндан вазифа берилади. Гуруҳ талабалари семинарга биргаликда тайёрланиб ўз саволларини тўлиқ очиқ беришга ҳаракат қилишлари керак. Бошқа гуруҳлар асосий маърузачига саволлар берадилар, саволларга гуруҳнинг талабалари жавоб беришда ёрдам берадилар. Асосий маърузачи ҳимоясидан сўнг оппонентлар саволни янада тўлиқроқ изоҳлаб беришлари керак. Учинчи ва тўртинчи гуруҳ талабалари ўз фикрларини билдиргач, тадқиқот олиб борган гуруҳга баҳо кўйиб, унга изоҳ беришлари керак. Бундай усулда иш олиб бориш учун гуруҳларни тузишда талабаларнинг билими тенг бўлишига ҳаракат қилиш керак. Гуруҳ раҳбари қилиб яхши ўзлаштирувчи талабаларни танлаш лозим. Бу усулда талабаларнинг мустақил ишлаши, ижодий ёндашиши, жамоа бўлиб иш бажариш каби малакалари ривожланади. Талабаларнинг ўзаро муносабати чуқурлашади ва индивидуал хусусиятлар намоён бўлиши ортади.

Маълум бўлимлар тугагач эса, бўлим юзасидан турли мусобақалар ўтказиш мумкин: экспресс методи, КВН методи (Слабое звено), бўш занжирларини топиш методи, мунозара методи, муаммоли вазиятлар методи ва бошқалар.

Иқтисодий таълимда масала, график ва моделлаштиришнинг аҳамияти. Иқтисодий таълимда маъруза ва семинар дарсларида иқтисодий ривожланиш қонуниятларини ўрганиш турли масалаларни ишлаш билан биргаликда олиб борилиши самарадорликни оширади. Маъруза давомида 2-3 йиллик қисқа муддатда ишланувчи масалаларни ишлаш, семинар дарсларида ва уй вазифаларини режалаштиришда эса бир оз мураккаброк масалаларнинг ечимини топишга даъват этилади (Масалан: кўшимча қиймат қонуни). Схема, графиклар айниқса иқтисодиётда кенг қўлланилиши зарур бўлган кўргазмали восита ҳисобланади. Чунки улар талабалар тасаввурини шакллантиришнинг хотирада маълумотларни аниқ сақланиб қолишига ёрдам беради.

¹ М.Хошимова. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). – Т.: ТДИУ, 2005.

Аммо схема ва графикларни тузишда ўзаро боғлиқлик, жараённинг изчиллиги ва энг муҳим мантикийликка эътибор қаратилиши керак. Графиклар жараённинг ривожланишини ўзида тўғри акс эттириши лозим. Шундагина улар талабга жавоб беради. Схемалар мантикийлик ва изчиллик асосида тузилиши ва иш жараёнини аниқ кўрсатиши талаб этилади.

Қисқа хулоса

Бугунги кунда олий ўқув юртлири ва факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари-интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерфаол методлар - бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи-талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, замонавий педагогик технологиялар, педагогика илмининг тадқиқот объекти сифатида, аниқ фанларни ўқитиш услуби бўлибгина қолмай, балки ижтимоий-иктисодий фанларни ўқитишга ҳам янгича ёндашув сифатида қайд қилиниши керак.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун учун саволлар:

1. Таълимда «инновацион жараёнлар» термини нимани англатади?
2. Инновацион фаолиятни шакллантириш шартларини изохлаб беринг?
3. Педагогик технологияга таъриф беринг?
4. Педагогик технологиянинг таснифларини асослаб беринг?
5. Муаммоли ўқитишнинг моҳияти нимада?
6. Сиз технологияларнинг қайси турларини биласиз?
7. Интерфаол методга мисол келтиринг?
8. Замонавий ўқитиш технологияларининг аҳамиятини тушунтиринг?
9. Нима учун педагогик технология лойиҳаланади (мисоллар ёрдамида асослаб беринг)?
10. “Блиц-ўйин” методи бўйича мисол келтиринг?

19- мавзу. Касбий фанларни ўқитиш жараёнида муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш

Режа:

19.1. Касбий фанларни ўқитишда муаммоли таълим технологияларини қўллашнинг аҳамияти ва зарурати.

19.2. «Кластер», «Аклий хужум», «Бумеранг», «Веер», «Иқтисодчи», «Иқтисодчи-рахбар» технологиялари ва улардан фойдаланиш.

19.3. «Муаммоли маъруза», «Мунозарали маъруза», «Ҳамкорликда ўқитиш технологияси», «Модулли таълим технологияси».

4. Тажриба воситасида ўқитиш цикли, ролли ҳамда ишбилармон ўйинлар каби илғор педагогик технологиялар асосида касбий фанларни ўқитиш.

19.5. Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи.

19.6. Тажриба воситасида ўқитиш цикли, ролли ҳамда ишбилармон ўйинлар каби илғор педагогик технологиялар асосида касбий фанларни ўқитиш

19.1.Касбий фанларни ўқитишда муаммоли таълим технологияларини қўллашнинг аҳамияти ва зарурати

Таълим ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, унинг самарадорлиги педагог ва талаба-ўқувчи фаоллигига, таълим воситаларининг мавжудлигига, мазкур жараённинг ташкилий, илмий, методик мукамаллигига, жамиятда илмли кишиларга бўлган эҳтиёжга ва бошқа ҳали аниқланмаган омилларга боғлиқ. Жамият ўзининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий эҳтиёжлари асосида таълим самарадорлиги юқори бўлишини талаб этади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган иқтисодий структуралар яратилаётган ҳозирги кунда юксак малакали ва олган билимларини амалда қўлай оладиган шахсларга талаб кучайиб бормоқда. Билимдон ва тадбиркор, ижтимоий фаол шахс жамият ҳаётида, меҳнатда ўзининг ўрнини топади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов «...шунинг яхшилаб тушуниб олишимиз зарурки, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғлик фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ» деб кўрсатди. Бундай фаоллик вужудга келиши учун билимдон ва ҳаракатчан, миллий истиклол ғоясига содиқ бўлган шахсни шакллантириш керак.

Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларини шундай ташкил этиш керакки, у бугунги кун ёшларига чуқур ва асосли таълим-тарбия бериш билан бирга уларни кенг камровли фикрлашга ўргатсин. Таълим жараёнида талабада мустақил билим олиш эҳтиёжининг шаклланиб бориши ҳозирги кун талабидир.

Педагогик амалиёт ва тадқиқотларда қатор иш усуллари қўллаб кўрилди. Таълимни муаммоли ташкил этиш, таълимда ўқувчи-талабаларни фаоллаштириш, ҳамкорлик педагогикаси, таянч сўзларига асосланиш, таълимни оптималлаштириш ва бошқалар тажрибадан ўтди. Лекин бу педагогик воситалар айрим ўқитувчиларда самарали натижа берса ҳам, уни оммавий йўсинда таълим тизимига киритиб бўлмади.

Педагогик технологиянинг асосий моҳияти таълимда талабаларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришга эришишдир. Таълимда берилаётган билимларни талабаларнинг аксарият кўпчилиги қисми пухта ўзлаштириши педагогик технология жорий этилишининг асосий мақсади ҳисобланади.

Педагогик технология асосида дарс ўтишда энг асосий талаб талабанинг ҳаётий тажрибаси аввал ўзлаштирган билимлари ва қизиқишлари асосида билим беришни кўзда тутди. Педагогик технология ўрганилаётган соҳа бўйича талабаларда билим етарлича бўлмаган ҳолда ҳам талабада салбий кечинмага ўрин қолдирмасликни, бу талабанинг айби эмаслигини тан олишни талаб этади. Фаоллик кўрсатилса, билимларни ўзлаштириб олишга талабаларда ишонч ҳосил қилиш тавсия этилади.

Мавжуд педагогика фанида дарс жараёнига оид берилган маълумотларда эътибор кўпроқ янги билимларни баён этиш, уни мустаҳкамлаш ва натижасини ҳисобга олишга қаратилган. Билим беришда талабанинг аввалги билимлари, ҳаётий тажрибаси етарлича ҳисобга олинмаган. Дарс режасида аввал ўтилган мавзунини яқинлаб, янги мавзуга боғлаш таклиф этилган. Лекин шу янги ўтилаётган мавзу бўйича талабанинг билимини аниқлаш, мавзуга хос бўладиган дастлабки маълумотларни бериш етарлича амалга оширилмаган.

Педагогик технология талабаларнинг ўрганилаётган соҳа бўйича билимларини эсга тушириш, жонлантириш янги билимни ўзлаштиришга асос бўлади деб кўрсатади. Билимлар ва тайёргарликни аниқлаш талабани фаоллаштириш ва билим ўзлаштиришга ижобий мотивни келтириб чиқаради. Мавзунини ўрганишга киришишда уни эркин суҳбат, мунозара, ақлий ҳужум ва бошқа шаклларда жонлантириш мумкин.

Педагогик технология таълим амалиётида учта даражада қўлланилади:

1. *Умумий педагогик даража.* Умумий педагогик (умумдидактик, умумтарбиявий) технология ўқув-тарбия жараёнининг яхлит тизимлиги, маълум бир минтақа, ўқув юрти томонидан узлуксиз таълим тизимининг муайян бир босқичидаги технологиянинг умумий қонуниятлари, илмий-назарий асослари, тамойиллари, амалиётда қўлланишининг умумий хусусиятлари, шарт-шароитларини ифода қилади. Шу ўринда қайд этиш керакки, узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичида таълим мазмуни орқали тегишли ўзига хос мақсад ва вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилганлиги сабабли, педагогик технология ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бу даражада педагогик технология педагогик тизим тушунчасига синоним ҳисобланади. Унинг таркибига таълим-тарбия жараёнининг

мақсад ва вазифаси, мазмуни, восита ва методлари, тарбия жараёнининг объекти ва субъекти фаолиятининг алгоритмлари киради.

2. *Хусусий методик даражада* педагогик технологиянинг муайян бир предмет, курсни ўқитиш жараёнининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида фойдаланиладиган таълим мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари ва шакллариининг мажмуаси тушунилади.

3. *Локаль (модуль) даражада* ўқув-тарбия жараёнининг маълум бир қисмининг хусусий дидактик ва тарбиявий мақсадини ҳал этишга қаратилган технология тушунилади. Унда ўқувчи-талабаларнинг мустакил ишларини ташкил этиш, улар билимини назорат қилиш, шахсий фазилатларини шакллантириш каби масалалар кўзда тутилади.

Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган учта даражаси бир-бирини тўлдиради ва такозо этади. Ўзбекистонда педагогик технология масалалари, асосан, таълим доирасида ўрганилмоқда. *Таълим технологияси деб*, ўқув-тарбия жараёнида ўқувчи мақомини ўзгартириш, янгилаш йўли билан маълумот мазмунини ва моделлаштириш даражалари – ўқув материали, ўқув предметига педагогик ишлов бериш, ўрганиладиган мавзунини ўқувчи-талабаларнинг реал билиш имкониятларига мослаштириш, таълим натижасини қабул қилинган эталон даражасига кўтариш ва баҳолашга оид усул ва воситалар, шунингдек, таълимнинг ташкилий шакллариини тушунамиз. Таълим технологияси ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг ҳозирги етакчи принципи (субординация) ни чегаралайди, унда координация ўқитувчи ва ўқувчи-талаба фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришнинг етакчи принципига айланади. Координация таълимни ташкил қилиш, бошқариш ва назорат қилишнинг бош принципига айланганда ўқувчи-талаба таълим жараёнининг ўқитувчи билан тенг ҳуқуқли субъектига айланади, бунда таълим жараёнини ўқитувчи ва ўқувчи-талаба биргаликда амалга оширади.

Ҳарб мамлакатларидаги таълим технологиясининг бош ғояси дастурлаштирилган таълимга бориб тақалади. Дастурлаштирилган таълим асосчиларидан бири Беррес Фредерик Скиннернинг таъкидлашича, ўқувчи-талабаларнинг ўқув материали ва уни ўзлаштиришга оид хатти-ҳаракатлари (ўқувчи-талаба фаолияти) поғоналар (таълим босқичлари)га ажратилади, ҳар бир босқичда ўқув материалининг маълум бир қисми тўлиқ ўзлаштирилади, ўқув материалининг мазкур ўзлаштирилган қисми текширилиб, кейинги қисмни ўрганишга ўтилади. Демак, педагогик технологиянинг асосий тамойили маълумот мазмунини тўлиқ ўзлаштириш тактикасидан иборат бўлиб, у даставвал дастурлаштирилган таълим назарияси ва амалиёти негизида пайдо бўлган эди.

Педагогик технология инсон онги, тафаккури билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб педагогик жараённи ифода этади. Унинг ўзига хос жиҳати – тарбия муаммосини ҳам камраб олишидир. Демак, технология самарадорлиги инсон ўзининг кўпқиррали томонлари билан унда қанчалик тўлиқ намоён бўляпти, унинг психологик-қасбий жиҳатлари, уларнинг келажакда ривожланиши (ёки пасайиши) қандай

хисобга олинапти, деган саволларнинг ечимига боғлиқ экан. Шу жихатдан олганда технология шахснинг ривожланиш боскичларини лойиҳалаштириш, ташхислаш каби имкониятларга ҳам эга бўлади. Бу эса педагогнинг технологик жараён билан ишлаш қобилиятига боғлиқ.

Педагогнинг белгиланган ўқув-тарбия вазифаларини меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талаблар асосида йўл қўйиладиган чегаравий кўрсаткичлар доирасида бажариш ҳолати ишлаш қобилияти деб аталиши мумкин. Демак, у ёки бу фан ўқитувчисининг маҳоратини аниқлашда унинг фаолияти давлат таълим стандартлари талабларига ва педагогик шартларга нечоғлиқ мос келиши назарда тутилади.

Педагогик нашрларда педагог фаолиятини баҳолаш учун қатор кўрсаткичлар тавсия этилади, жумладан:

- педагогик натижавийлик – педагог гуруҳида фан бўйича ўзлаштиришнинг ўртача қиймати;
- ўқитишнинг илмийлик даражаси – педагогнинг ўқув элементларини фан абстракцияси поғоналари бўйича тушунтириши;
- таълим мазмунини методик тайёрлаш – умумийлиги, изчиллиги, ҳаракатдалиги, ортиқча эмаслиги каби талабларнинг эътиборга олинishi;
- таълимда у ёки бу натижани қўлга киритиш йўлларида самарали фойдаланиш – экстенсив ёки интенсив шароитда ва ҳоказо.

Умуман олганда, педагог учун асосий касбий-меъёрий кўрсаткич – бу биринчи навбатда ўз ҳолатини педагогик жараёнда бунёдкор сифатида хис этиши ва англаб етишидир. Педагог ўзининг иш фаолиятига хусусий касбий яроқлилигини, педагогик воқеликдаги ўз ўрнини баҳолай олмас экан, ундан ҳеч қачон ижодкорликни талаб қилиб бўлмайди. Демак, педагогик фаолиятга кириб келаётган ҳар бир инсон ўзининг унга мосланувчанлигини, шу касбга лаёқати, қизиқиши борлигини тўлиқ тасаввур этиши керак.


Таълим технологиясининг асосий мақсади ҳам, ўқув предметларини тўлиқ ўзлаштиришга мос келадиган таълим лойиҳасини яратишдир. Бундай лойиҳа ҳозирги замон психологияси, дидактикаси ва педагогик амалиётининг асосий ва илғор ғояларига таянган ҳолдагина яратилади.

Таълим – бошқариладиган жараён бўлиб, унинг натижаси, кўп жихатдан, тайёрланган дидактик лойиҳага боғлиқ. Дидактик лойиҳа эса таълим технологиясининг маҳсулидир. Ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини дидактик лойиҳага кўра бошқариш таълим технологиясининг педагогик асоси саналади.

Ҳар қандай жараённинг бошланиши ва якуни мавжуд бўлганидек, дидактик лойиҳани амалга оширишнинг ҳам кириш ва чиқиш нуқталари бор. Икки нуқта орасига жуда кўп нуқталарни жойлаштириш мумкин бўлганидек, дидактик лойиҳани амалга ошириш ибтидоси билан интиҳосигача бўлган масофада таълимнинг самарали усуллари, воситалари кўп топилади. Бу ерда таълим технологияси энг самарали усул бўлиб, таълимнинг самарали шаклини танлашда ўқитувчига ёрдамга келади.

Дидактик лойиҳани тайёрлаш ва уни амалга ошириш жараёнлари 10-чизмада келтирилган.

10-чизма



Демак, чизмадан кўринадики, мақсаддан эталонга етиб келгунча ўқитувчи ва талаба онги жуда кўп ҳодисалар билан учрашади. Таълимга технологик ёндашиш – бу маълумот ва таълим мазмунини атрофлича таҳлил қилиш йўли билан ўқув-тарбия жараёнининг умумий, хусусий мақсадларини таҳлил қилиш, ўқитувчи ва талаба мақсадларининг учрашган нукталарида (ўқитиш мақсади, ўқиш мақсади) таълимнинг дидактик мақсадини белгилаш асосида таълимни лойиҳалаш ва амалга ошириш йўллари билан мўлжалдаги эталонга эришишдир.¹ Умуман, таълим технологияси ҳақида гап кетганда ўзаро дахлдор қуйидаги ҳодисаларни бир-бирдан фарқлашга эҳтиёж туғилади: таълимни дидактик лойиҳалаш; лойиҳани амалга ошириш; таълимнинг жорий ва оралик натижасига кўра дидактик лойиҳага тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш; таълимни такрорлаш ва якуний назоратдан иборат. Бу ҳодисаларнинг биринчи ва иккинчиси анъанавий таълим тажрибасида ҳам учрайди. Таълим технологиясининг анъанавий таълим тизимидан фарқи шундаки, таълим натижаси ва унинг эталон даражасида бўлиши доимо ўқитувчи ҳамда ўқувчи-талабанинг диққат марказида туради. Ўқитувчи таълим натижасини тез-тез текшириб, ўқувчи-талабаларни ўзлари эришган ютуқлардан огоҳ қилиб туради ва талабалар ўзлари эришган ютуқ ва камчиликларни англаб, ютуқларини янада кўпайтиришга, камчиликларини эса бартараф этишга ҳаракат қилади. Талабалар таълимнинг зарурийлигини, улар таълим жараёнининг ҳақиқий субъектига айланган пайтида сезишади.

Демак, мақсаддан эталонга етиб келгунча ўқитувчи ва ўқувчи-талаба онги жуда кўп ҳодисалар билан учрашади. Таълимга технологик ёндашиш – бу маълумот ва таълим мазмунини атрофлича таҳлил қилиш йўли билан ўқув-тарбия жараёнининг умумий, хусусий мақсадларини таҳлил қилиш,

¹ Розиков О, Огаев С. ва бошқалар. Таълим технологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1999. 11-бет.

ўқитувчи ва ўқувчи-талаба мақсадларининг учрашган нукталарида (ўқитиш мақсади, ўқиш мақсади) таълимнинг дидактик мақсадини белгилаш асосида таълимни лойиҳалаш ва амалга ошириш йўллари билан мўлжалдаги эталонга эришишдир. Умуман, таълим технологияси ҳақида гап кетганда ўзаро дахлдор қуйидаги ходисаларни бир-биридан фарқлашга эҳтиёж туғилади: таълимни дидактик лойиҳалаш; лойиҳани амалга ошириш; таълимнинг жорий ва оралиқ натижасига кўра дидактик лойиҳага тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш; таълимни такрорлаш ва якуний назоратдан иборат. Бу ходисаларнинг биринчи ва иккинчиси анъанавий таълим тажрибасида ҳам учрайди.

Таълим технологиясининг анъанавий таълим тизимидан фарқи шундаки, таълим натижаси ва унинг эталон даражасида бўлиши доимо ўқитувчи ҳамда ўқувчи-талабанинг диққат марказида туради. Ўқитувчи таълим натижасини тез-тез текшириб, ўқувчи-талабаларни ўзлари эришган ютуқлардан огоҳ қилиб туради ва ўқувчи-талабалар ўзлари эришган ютуқ ва камчиликларни англаб, ютуқларини янада кўпайтиришга, камчиликларини эса бартараф этишга ҳаракат қилади. Ўқувчи-талабалар таълимнинг зарурийлигини, улар таълим жараёнининг ҳақиқий субъектига айланган пайтида сезишади.

Таълим технологияси бўйича қилинадиган ишлар икки қисмдан иборат: таълим лойиҳасини тайёрлаш ва лойиҳани амалга ошириш.

1. Таълим лойиҳасини тайёрлаш. Лойиҳа ўқитувчи ёки эксперт аъзолари туза олиш фаолиятининг маҳсули бўлиб, қатор умумий хусусиятларга эга. Лойиҳа асосида ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг келажакда биргаликда амалга оширадиган фаолияти ётади.

Таълим лойиҳаси маълумот мазмунини давлат стандартлари талаблари асосида таҳлил этишдан бошланади. Таҳлил маълумот мазмуни элементлари (билимлар, кўникма ва малакалар, ижодий фаолият тажрибаси, муносабатлар) дастурларда қандай берилганлиги, дарсликларда қандай акс эттирилганлигига қаратилади. Кейин таълим мазмуни ўрганилади, у ёки бу мавзунини ўрганишдан кўзда тутилган мақсад, таълимнинг дидактик мақсади, ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар мақсади, мақсадларни амалга ошириш ва ҳисобга олиш варақалари, бериладиган уй вазифалари миқдори, мавзулар бўйича ўтказиладиган тест саволлари, рейтинг назорати босқичлари, эталон даражасида ўзлаштириш усули олдиндан белгилаб қўйилади. Бу ишларнинг барчаси онгда таълим моделини яратишга олиб келади.

2. Таълим лойиҳасини амалга ошириш. Таълим лойиҳаси бевосита таълим шароитида амалга оширилади. Бу жараёнда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

- ўрганилаётган мавзу бўйича мақсад, вазифалар билан ўқувчи-талабаларни олдиндан таништириш, муаммо, топшириқларни, шунингдек, уй вазифалари, мустақил бажариладиган ишларни, уларни бажариш тартиби, пайтини эълон қилиш, мавзунини тўлиқ ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар бериш, ўзлаштириш меъёрларини айтиб бериш;

- ўқувчи-талабаларни фаол, мустақил фаолиятга рағбатлантириш, улар диққатини бўлим ёки мавзу мазмунига тортиш, уни қандай ўрганиш зарурлигини айтиб бериш, билишга кизиқиш уйғотиш, ўқиш-ўрганишга ҳавас, муаммоларни бажаришга эҳтиёж уйғотиш, эмоциялар, тафаккур ҳодисалари, билимларни ўқув ҳолатларига татбиқ этиш йўллари орқали мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, тўпланган маълумотлар юзасидан жорий назоратни ташкил этиш, мавзунини тўлиқ ўзлаштиришга оид ўзгариш, қўшимча, тузатишларни белгилаш;

- бўлим ёки мавзу бўйича тўпланган билимларга ишлов бериш.

Таълим жараёни стохастик характерга эга. Унда кутилган ва кутилмаган, режалаштирилган, фавқудлода ва тасодифий ҳодисалар ҳам учраб туради. Ўрганилган билимларга ишлов бериш жараёнида ҳам жорий назорат натижаларига асосланиб лойиҳага янги ўзгариш, қўшимча ва тузатишлар киритилади;

- бўлим ёки мавзу бўйича умумий хулосалар чиқариш, чиқарилган хулосаларни мураккаб ўқув ҳолатларига татбиқ қилиш, оралиқ назорат натижаларига кўра мавзу ёки бўлим бўйича ахборот тўплаш, тўпланган ахборотларга ишлов бериш жараёнларида ўқувчи-талабалар эришган ютуқларни таҳлил қилиш, ўқувчи-талабаларнинг билим ва малакаси, ижодий фаолият тажрибасидаги камчиликларини кўрсатиш, гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи-талабага якуний назоратгача бажариладиган қўшимча топшириқларни бериш, уларни ўқув материаллини янада атрофлича ўзлаштиришга рағбатлантириш;

- якуний назоратнинг асосий вазифаси ўқувчи-талабаларнинг маълумот ва таълим мазмуни элементларини эталон даражасида ўзлаштиришларини аниқлаш, эталон даражасидан паст ўзлаштирилган ўқувчи-талабаларни огоҳлантириш, қўшимча топшириқлар бериш кабилардан иборат.

Замонавий педагогик технология таълим мақсадини аниқ ўрнатишдан бошлаб то унинг натижаларини баҳолашгача бўлган босқичларнинг ҳар бири учун ижодий фаолиятни талаб этади. Педагог фаолиятининг технологияланувчанлик даражасини проф. Н.Сайидахмедов қуйидаги мезонлар асосида алоҳида ажратиб кўрсатган.¹

1. Ташҳисланувчан ўрнатилган мақсад – ўқувчи-талаба томонидан дидактик, жараён маҳсули сифатида ўзлаштирилган аниқ ўлчамли тушунчалар, амаллар ва фаолият турлари.

2. Таълим мазмунини ўқув элементлари ёрдамида баён қилишда абстракция поғоналарининг ва ахборотларни ўзлаштириш даражасининг ҳисобга олиниши.

3. Ўқув материалларини ўзлаштириш босқичларининг дидактик жараён тузилмасига мослиги.

4. Ўқув жараёнига янги воситалар ва ахборотлаштириш усулларининг жорий этилиши.

¹ Н.Сайидахмедов. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.

5. Ўқитувчининг қоидабоп (алгоритмли) ва эркин, ижодий фаолиятидаги мумкин бўлган четга чиқиш чегарасининг кўрсатилиши.

6. Ўқувчи-талаба ва ўқитувчи фаолиятида шахсий мотивлашганликнинг таъминланиши (эркинлик, ижодиёт, курашувчанлик, ҳаётий, касбий моҳият ва бошқалар).

7. Ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичида коммуникатив муносабатларнинг, ахборот техникалари билан муомала қилишнинг мақсадга мувофиқлиги.

Шундай қилиб, юқорида берилган кўрсаткичлар лойиҳаланган ўқув жараёнининг технологик даражасини тўлиқ ифода қилади, амалда жорий этилиши эса педагогни юқори малакали мутахассисга айлантиради, ўқувчи-талабанинг нуфузини ҳам бирмунча оширади ва ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг янги қирраларини очади.

Олий ўқув юртлирида ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти мазкур жараёнга тизимли ёндашув саналади ва ўқитувчиларга қуйидаги дарс турлари тавсия этилади:

1. Маъруза (кириш маърузаси, мавзули маъруза, умумлаштирувчи маъруза) машғулоти.

2. Семинар (билимларни мустаҳкамловчи, янги билимларни мустақил эгаллашга мўлжалланган) дарслари.

3. Модулли дарс.

4. Муаммоли (аклий ҳужум) дарслар.

5. Мунозарали (илмий мунозара ва эркин фикрлаш) дарслар.

6. Дидактик-ўйинли (сюжетли-ролли, ижодий, ишбилармонлар, конференциялар, ўйин машқлар) дарслар.

7. Синов (дидактик карточкалар, тест топшириқлари, ўзаро назорат варағи ёрдамида ЭҲМ назорат дастурлари воситасида ўтказиладиган) дарслари.

Мазкур дарсларнинг ўзига хос жиҳати дарс давомида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларга асосланади.

Муаммоли таълим дейилганда, ўқитувчи раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилиб, мазкур муаммо ўқувчи-талабаларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида билим, кўникма ва малакаларни ижодий ўзлаштириш ва аклий фаолиятни ривожлантиришга имкон берадиган таълим жараёнини ташкил этиш назарда тутилади. Шунингдек, муаммоли ўқитишнинг моҳиятини ўқитувчи томонидан ўқувчи-талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларини ва саволларини ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Бу эса билимларни ўзлаштиришнинг илмий-тадқиқот усулини юзага келтиради.

Муаммоли таълимнинг муваффақияти қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Ўқув материални муаммолаштириш;

2. Ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;

3. Таълим жараёнини ўйин, меҳнат фаолияти билан уйғунлаштириш;

4. Ўқитувчи томонидан муаммоли методлардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;

5. Муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан муаммоли саволлар занжирини тузиш ва мантиқий кетма-кетликда ўқувчи-талабаларга баён этиш.

Муаммоли методлар муаммоли вазиятларни вужудга келтириб, ўқувчи-талабаларнинг муаммони ҳал этиш, мураккаб саволларга жавоб топиш жараёнида алоҳида объект, ҳодиса ва қонунларни таҳлил қилиш кўникмалари ва билимларни фаоллаштиришга асосланган фаол билиш фаолиятини тақозо этади.

Муаммоли вазият муайян педагогик воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади ҳамда ўрганилган мавзулар хусусиятларидан келиб чиқиб, бундай вазиятларни яратишнинг махсус усулларини ишлаб чиқиш зарур. Ўқитишда муаммоли вазият шунчаки «фикр йўлидаги қутилмаган тўсиқ» билан боғланган ақлий машаққат ҳолати эмас, балки у билиш мақсадлари махсус тақозо қилган ақлий таранглик ҳолатидир. Бундай вазият негизида аввал ўзлаштирилган билим излари ва янги юзага келган вазифани ҳал қилиш учун ақлий ва амалий ҳаракат усуллари ётади. Бунда ҳар қандай машаққат муаммоли вазият билан боғлиқ бўлмаса, яъни янги билимлар аввалги билимлар билан боғланмаса, ақлий машаққат муаммоли бўлмайди. Муаммоли вазият ҳар қандай фикрлаш машаққатларидан фарқ қилиб, унда ўқувчи-талаба машаққат талаб қилган тушунча ёки фактнинг унга аввал ва айна вақтда маълум бўлган вазифа, масала бўйича ички, яширин алоқаларини англаб етади.

Муаммоли вазиятнинг белгилари қуйидагилардир:

- ўқувчи-талабага нотаниш бўлган фактнинг мавжуд бўлиши;
- вазифаларни бажариш учун талабага бериладиган кўрсатмалар, юзага келган билиш машаққатини ҳал қилишда уларнинг шахсий манфаатдорлиги.

Муаммоли вазиятларни ҳал этишда ўқитувчи ўқувчи-талабалар фаолиятини фикр юритишнинг мантиқий операциялари: таҳлил, синтез, таққослаш, аналогия, умумлаштириш, таснифлаш ва хулоса ясашга йўналтиради.

Муаммоли вазиятлардан ўқув жараёнининг барча босқичларида: янги мавзу баёни, мустаҳкамлаш ва билимларни назорат қилишда фойдаланиш мумкин. Муаммоли вазиятлар тизими муваффақиятли яратилган ҳолларда мазкур мавзунини муаммоли дарс шаклида ўтиш тавсия этилади. Ўқитиш жараёнига муаммоли дарсларни қўллаш учун ўқитувчи қуйидаги масалаларни ҳал қилиши керак бўлади:

- ўқув дастури бўйича қайси мавзуларни муаммоли дарс шаклида ўтиш мумкинлигини;
- мавзу матнидаги масалалар бўйича муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган саволлар, топшириқларни аниқлаш, бунда дидактиканинг

илмийлик, системалилик, мантиқийлик, кетма-кетлик, изчиллик принципларига амал қилиши;

- ўқувчи-талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқаришни таъминлайдиган восита ва усулларни аниқлаши, улардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш йўлларини белгилаши зарур.

Ўқитувчи ўрганилаётган боб ва мавзуларнинг дидактик мақсади, таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда юқори самара берадиган машғулоти турини белгилайди, ўқув йили бошидан таквим мавзуларни режалаштиради.

Олий ўқув юртларида замонавий таълим технологияси – бу муаммоли ўқитиш, тадқиқ этиб, муаммони ҳал этишдир. Таълим технологияси эса, ривожланаётган таълим жараёнини, муаммоли ўқитиш вазифасини фаол ўрганиш жараёнини рағбатлантириш, тадқиқот ишларини олиб бориш ва тафаккур этиш усулини тарбиялашдан иборатдир. Муаммоли ўқитиш жараёни шахснинг ижодий фаолиятини тарбиялаш мақсадларига мос олий ўқув юртлари иш амалиётида муаммоли ўқитиш билан биргаликда иллюстрацияли тушунтириш технологияси, ахборот-маълумот технологияси ва дастурлашган таълим технологияси кабилардан кенг фойдаланилади.

Муаммоли ўқитиш жараёнида ўқувчи-талабанинг мустақиллик роли репродуктив ўқув усулларига солиштириб қараганда анча самарали бўлади. Муаммоли ўқитишнинг мақсади ўқувчи-талабалар билан ишлаш жараёнида таълим-тарбия масалалари, муаммо ва саволларига жавоб қидириш, уларни ҳал этиш йўллари билан янги билимларни ўзлаштиришни, ўқувчи-талабалар ўқув фаолиятида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш ва ҳал этиш бўйича ўқитувчи (педагог)лар уларда кизиқиш уйғота олишдан иборат.

Профессор Н.Н.Азизхўжаева муаммоли вазиятнинг маъносини қуйидагича таърифлаган, яъни муаммоли вазият ўқувчи-талабаларга маълумотлар, билимлар билан янги далиллар, ҳодисалар, вазиятлар орасидаги диалектик қарама-қаршиликлар бўлиб, уларни тушуниб олиш учун илгари олган билимларининг етишмаслигидир. Бу қарама-қаршиликлар (тушунмовчиликлар) ижодий билимларни ўзлаштириш учун ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади.¹

Таълим жараёнида муаммоли вазият хусусияти қуйидагилардан иборат:

- ўқувчи-талабалар учун номаълум янгиликнинг мавжудлиги;
- муаммоларни ўзлари ҳал этишлари;
- шахсий кизиқиш ва эҳтиёжлари юзага келган тушунмовчиликларни ўзлари ўрганишга ҳаракат қилишлари;
- нима номаълум эканлигини билиб, маъносини тушуниб, уни ҳал этишга интилиш кабилар.

¹ Н.Н.Азизхўжаева. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ, 2003.

Юзага келган муаммоларни таҳлил қилиб фикр юритиш, ўқувчи-талабаларнинг мустақил ақлий фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим талабларидандир. Бундай фикр юритиш ўқувчи-талабани шу нарсани англай олмаганлигини тушуниб етиб, бу гапнинг маъносига жиддий равишда эътибор беришга қаратади.

Муаммоли таълимни ташкил этиш ва олиб боришда ўқитувчи ўзининг таълим-тарбия беришдаги фаолиятини аниқ тушуниб, етиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ўқувчи-талабаларга тайёр фикр бермай, балки уларнинг изланишига тўғри йўналиш бериши лозим. Ўқувчи-талабалар машғулотларда ва кундалик ҳаётда учрайдиган воқеа, хабар, ходиса ва турли далилларни ўзлари таҳлил қилиб, мустақил фикрга эга бўлишни мақсад қилиб қўйишлари керак. Шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги муаммоли таълим ўқувчи-талабаларнинг изланиш фаолияти, билим ва малакаларни чуқур эгаллаб олишини, теварак-атрофдаги ўзгаришларга бўладиган қарашига катта ижобий таъсир кўрсатиш имкониятини ҳам яратиб беради.

Ўқитувчи муаммоли таълим тизимида ўқувчи-талабалар ўқув-изланиш фаолиятини шундай ташкил этадики, уларнинг диққат-эътибори юзага келган қийинчилик ва камчиликларни ҳал этишга, турли ахборотларни мустақил таҳлил қилишга, ечимини топиш, умумлаштириш ва хулосалар чиқаришга, олган билим ва малакаларини кейинги дуч келадиган вазиятларда қўллай олишга қаратилган бўлиши лозим. Демак, бунинг натижасида ўқувчи-талабаларда мустақил фикр юритиш, билим олиш, янгидан-янги мақсадларни олдига қўйиш, янгича фикрлаш йўлларига ўрганиш ҳамда тафаккурининг ривожланиш қобилиятининг шаклланишига имкон беради. Ўқувчи-талабалар муаммоли таълим жараёнида ўқув материалларини ўрганишлари, тегишли маълумотларни мустақил таҳлил қилишлари, берилган ўқув масалаларини фаразларини олдинга суриб, уларни исбот қилиш йўллари билан ечишлари, таълим жараёнини ўзлаштиришга ақл билан ҳаракат қилишлари уларнинг интеллектуал фаолиятларини оширади.

Шундай қилиб, муаммоли таълим ўқувчи-талабалар билим тизимлари ва ақлий ҳамда амалий фаолиятларида самарали ўзлаштиришга ёрдам беради, ўзлаштирган янги билимларидан келажакдаги вазиятларда унумли фойдалана олишни, таълим муаммоларини еча билиш, мустақил изланишга ўргатиш, ижодий тажрибага эга бўлиш ва уни ривожлантириш, таълим жараёнининг вазифаларини таҳлил қилиш, муаммоли таълимни аниқлаш имкониятларини очиб беради.

19.2. «Кластер», «Ақлий ҳужум», «Бумеранг», «Веер», «Иқтисодчи», «Иқтисодчи-рахбар» технологиялари ва улардан фойдаланиш

Ҳозирги кунда жуда кўп методист ва педагог олимлар «Янги педагогик технология»лар талабаларга таълим-тарбия беришда кўзланган мақсадга эришишни тўла қафолатлайди» деб, қарамокда. Тўғри янги

замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаришда бошқарувчидан катта куч талаб қилинмайди. Махсус технологияни ўзи қўйилган мақсадга тўла эришишни кафолайди. Лекин, бу назарияни педагогик технологияда тўлалигича қабул қилиб бўлмайди, чунки бунда объект шахс бўлиб, унинг онги таклиф қилинаётган технологияни тўлалигича қабул қила олмайди, аксинча уни инкор қилиши мумкин. Шунинг учун замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига киритишда унинг бошқарувчиси бўлган ўқитувчи кўзланган мақсадга эришишнинг бош кафолатчиси бўлади. Агар шу нуқтаи назардан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, янги педагогик технологияларни унинг асосий негизи бўлган ахборотлар технологиясини таълим тизимига жорий этишда унинг бошқарувчиси бўлмиш ўқитувчининг тайёргарлик даражасини биринчи навбатда ҳал қилиш ҳам бугунги кун «Педагогика» фанининг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

«Кластер усули»

Кластерларга ажратиш-талабаларга бирор-бир мавзу тўғрисида эркин ва очик тарзда фикр юритишга ёрдам берадиган педагогик стратегиядир. Бу усул кўп вариантли фикрлашни ўрганилаётган тушунча (ходиса, воқеа)лар ўртасида алоқа ўрнатиш малакаларини ривожлантиради. «Кластер» сўзи ҳужм, боғлам маъносини англатади. Кластерларга ажратишни даъват, англаш ва мулоҳаза қилш босқичларига фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. У асосан янги фикрларни уйғотиш, мавжуд билимларга етиб бориш стратегияси бўлиб, муайян мавзу бўйича янгича фикр юритишга чорлайди. Бирор мавзу бўйича кластерлар тузишдан бу мавзунини мукамал ўрганмасдан олдин фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

«Кластер усули»ни тузиш кетма-кетлиги:

1. Қоғознинг ўртасига ёки синф доскасига ёхуд ёзиш учун фойдаланиш мумкин бўлган сатҳга «калит» сўз ёки гап ёзилади.
2. Шу мавзуга тегишли деб ҳисобланган ва ҳаёлга келган сўз ва гаплар ёзилади.
3. Фикрлар пайдо бўлганда ва уларни ёзганда фикрлар ўртасида мумкин бўлган боғланишларни белгилаш.
4. Фикрлар тугамагунча ёки вақт тамом бўлгунча ҳаёлга келган барча фикрлар ёзилаверади;
5. Келтирилган сўз ва фикрлар мазмуни ва яқинлигига қараб тоифаларга ажратиб чиқилади.

«Ақлий ҳужум» усули

«Ақлий ҳужум» - ғояларни генерация қилиш усули. катнашчилар бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиладилар: уни ечиш учун шахсий ғояларини илгари сурадилар (генерация қилади). У иштирокчиларни ўз тасаввурлари ва ижодларидан фойдаланишга рағбатлантиради.

«Ақлий ҳужум»нинг вазифаси кичик гуруҳлар ёрдамида янги-янги ғояларни яратишдан иборат. Бу усул муаммони ҳал қилаётган

талабаларнинг кўпроқ ақл бовар қилмайдиган ва ҳатто фантастик ғояларни яратишга ундайди. Ғоялар қанча кўп бўлса, шунчалик яхши ҳисобланади. Уларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси айтилиши мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

«Ақлий ҳужум» нинг қоидалари:

Биринчи қоида. Фикр ва ғоялар ҳеч қандай чекланмаган ҳолда иложи борича баралла айтилиши лозим.

Иккинчи қоида. Билдирилган фикр ва ғоялар таклифлар бериш тўхтатилмагунча муҳокама қилинмайди, баҳоланмайди.

Учинчи қоида. Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар ҳисобга олинади.

Тўртинчи қоида. Қанча кўп ғоя ва фикрлар билдирилса шунча яхши.

Бешинчи қоида. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш ва кенгайтириш мумкин.

Олтинчи қоида. Барча айтилган таклифлар ёзиб борилади.

Еттинчи қоида. Таклифларни билдириш учун вақт аниқ белгиланади.

Бу усул барча функцияларни бажаради, лекин унинг асосий вазифаси муаммони мустақил тушуниш ва ечишга таълим олувчиларнинг мотивациясини уйғотишдан иборатдир.

«Бумеранг» технологияси

Бу технология бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари камраб олади. Ҳар бир машғулот давомида талабаларнинг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқитувчи ёки талаба, иқтисодчи ёки тадбиркор ролида бўлиши, керакли баллни тўплашига имконият яратади.

«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга имконият яратади ҳамда ғоя ва фикрларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради, яъни; бўлажак иқтисодчиларда жамоа билан ишлаш маҳорати, муомалалик, хушфеъллик, ўзгалар фикрига ҳурмат, раҳбарлик сифатларини шакллантириш, ишга ижодий ёндашиш, ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш, ўзини холис баҳолаш кабилар.

«Веер» технологияси

Бу технология мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммо характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади ва уларнинг ҳар бири алоҳида муҳокама этилади. «Веер» технологияси танқидий, таҳлилий, аниқ ва мантикий фикрларни ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари ва фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда баён этиш ҳамда ҳимоя қилишга имконият яратади.

«Иқтисодчи-рахбар» технологияси

Масалан, «Ўз-ўзини бошқариш», ёки «Раҳбарнинг ташкилий қобилиятлари», «Замонавий тадбиркор шахси» деган мавзулар якунида биз «Иқтисодчи-рахбар» деган янги усулдан фойдаланамиз. Ҳар бир талабага варақлар тарқатилади, уларда, «Мен фирма директори», ёки «Мен тадбиркор», «Сиз банкир» ва ишларга яқин мазмундаги савол-ҳаракатлар ёзилган. Ҳар бир талаба ўзига тушган фаолиятни таърифлаб беради, мазмунини очиқ беради, қандай қийинишигача гапириб беради. Жавоб берувчи талабага саволлар 5-7 ошмаслиги шарт. Охирида таҳлил қилинган образининг иш мазмуни шароитлари, ҳаракатлари мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, ўқитиш технологиясини ишлаб чиқариш асосида таълим олувчиларнинг юқори самарали ўқув фаолиятини ва ўқитувчининг бошқарув фаолиятини лойиҳалаштириши ётади.

19.3. «Муаммоли маъруза», «Мунозарали маъруза», «Ҳамкорликда ўқитиш технологияси», «Модулли таълим технологияси»

«Муаммоли маъруза»ларда ўқитувчининг фаолияти, аввало мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммоларини аниқлаш, муаммоли вазиятлар тизимини яратиш, ўқувчи-талабалар олдига ўқув муаммоларини юқори илмий ва методик савияда қўйиш, дарсда мазкур ўқув муаммоларидан самарали фойдаланишга эришиш, ўқувчи-талабалар фаолиятини муаммоларни ҳал этишга йўналтиришдан иборат бўлади.

Ўқувчи-талабаларнинг фаолияти муаммоли вазиятларни идрок этиш, ҳал қилиш усулларини излаш, муаммони таҳлил қилиб, тахминларни илгари суриш, тахминларни илмий, мантикий нуқтаи назардан асослаш, тахминларни текшириш ва хулоса чиқаришдан иборат бўлади.

Ҳозирги замон «Муаммоли маъруза»ларнинг дидактик мақсади қуйидагилардан иборат:

- Ўқув муаммоларини ҳал этишда ўқувчи-талабалар томонидан аввал ўзлаштирган билимларини ижодий қўллаб, янги билимларни эгаллаш кўникмаларини;
- Билимларни ижодий ўзлаштириш ва амалда қўллаш малакаларини;
- Изланувчанлиги, қизиқиши, мотивлари, мантикий тафаккури, ижодий фаолияти, ақлий камолоти, заковатини ривожлантиришдан иборат.

«Муаммоли маъруза»да муаммоли вазият бўлиши назарда тутилади ва у анъанавий дарснинг ҳамма босқичларини ўз ичига олади: уй вазифасини текшириш, махсус оғзаки машқлар, ўқувчи-талабалар олдига дарс мақсадини қўйиш, янги ўқув материални тайёрлаш ва уни ўрганиш, янги ва илгари ўрганилган материални боғлаб мустаҳкамлаш, машғулотни яқунлаб, уйга вазифа бериш кабилар. Муаммоли машғулотларда янги ўрганилаётган қонун-қоидага оид фактлар тўплаш, уларни бир-бири билан

такқослаш ва таҳлил қилиш, билимларни ўрганиш ва мустаҳкамлаш жараёни параллел равишда олиб борилади.

Таълимда «Муаммоли маъруза»нинг уч шарти мавжуд:

1. Муаммоли таълимни ташкил этишда ўқув материалларини тизимли, тартиб билан ривожлантириш.

2. Вазифа берилганда уни ечиш усулларини танлаш имкониятини бериш.

3. Ўқувчи-талаба билим олишни мақсад қилиб қўйиши ва мақсадига эришиши учун ўз билимини тўғри баҳолай олиши.

Таълим жараёнида муаммоли вазиятни юзага келтиришда бир қатор дидактик мақсадлар ҳам кўзда тутилади, яъни;

- ўқувчи-талабалар диққати ўқув материалга тортилади;
- ўқувчи-талабаларда фанга нисбатан кизиқиш уйғотиш;
- уларни ўзлаштириш фаолиятини жонлантириш;
- уларнинг олдида ақлий фаолиятни ривожлантирувчи масалаларни қўйиш;
- ўқувчи-талабалар ўрганиши зарур бўлган билимлар етарли даражада эмаслигини далилларга асосланган ҳолда кўрсатиш;
- ўқув материалларини таҳлил этишга ўргатиш;
- ўқитишдаги муаммоларни ҳал этишнинг йўл-йўриқларини топишда уларга кўмак бериш.

Таълим жараёнида муаммоли вазиятлар бир неча турга бўлинади:

1. Ўқувчи-талабалар ўз олдиларида турган масаланинг ечимини топа олмайди, муаммоли савол юзага келганда унга ўз вақтида жавоб бера олмайди, янги мавзунини тушунишда қийинчиликларга дуч келади.

2. Ўқувчи-талабалар олдин эгаллаган билимларини янги шароит ва вазият юзага келганда қўллай олмайди.

3. Уларнинг муаммони назарий йўл билан ҳал этиш ва бу танланган усулни амалга ошириши ўртасида қарама-қаршиликлар вужудга келади.

4. Ўқувчи-талабалар амалда бажарган топшириқ натижалари билан ўзларининг назарий жиҳатдан тушуниб етишлари ўртасида билимларининг етишмаслиги ҳам муаммоли вазиятлар юзага келишига олиб келади.

Таълим жараёнида «Муаммоли маъруза» самарали, мақсадга мувофиқ бўлиши учун уни ўқув жараёни, ўқув-тарбия ишлари асосининг бир қисмига айлантириш зарур. Муаммоли таълим ёрдамида талабаларда ўқув муаммолари ва мутахассислик масалаларини ечишга тадқиқий ёндашиш, мустақил тарзда ўрганиш маҳоратини шакллантиришни тарбиялайди.

Ҳамкорликда ўқитиш ғояси турли мамлакатлардаги, жумладан, Америкадаги Ж.Хонкинс университети профессори- Р.Славин (1990), Миннесот университети профессорлари – Р.Жонсон, Д.Жонсон (1987), Калифорния университети профессори – Ж.Аронсон (1978), Исроилдаги Тель-Авив университети профессори – Ш.Шаран (1988) томонидан ишлаб чиқилган.

Америка олимлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамкорликда ўқитиш, асосан талабаларни ДТС ва фан дастурида қайд этилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, Исроил ва Европа олимлари томонидан тавсия этилган ҳамкорликда ўқитиш, юқорида қайд этилганидек, кўпроқ талабалар томонидан ўқув материални қайта ишлаш, лойиҳалаш фаолиятини ривожлантириш, ўқув баҳси ва мунозаралар ўтказишни назарда тутди.

Мазкур ғоялар бир-бирини тўлдиради, дидактик жиҳатдан бойитади ва бир-бирини тақозо этади.

Ҳамкорликда ўқитиш ғояси дидактикада 1970 йилларда пайдо бўлган Ҳамкорликда ўқитиш технологияси Буюк Британия, Канада, Германия Федератив Республикаси, Австралия, Нидерландия, Япония, Исроил мамлакатлари таълим муассасаларида кенг қўлланила бошланган.

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси – ўқув топшириқларини нафақат биргаликда бажариш, балки ҳамкорликда ўқиш-ўрганишдир.

Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир талабани кундалик кизгин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онглилик, мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир талабада шахсий кадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутди.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир талабанинг таълим олишдаги муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини тўлиқ ва сифатли бажаришга, ўқув материални пухта ўзлаштиришга, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштиришга замин тайёрлайди.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясида талабаларни ҳамкорликда ўқитишни ташкил этишнинг бир неча методлари мавжуд:

1. Командада ўқитиш.
2. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш.
3. Ҳамкорликда ўқитишни «зигзаг ёки арра» методи.
4. Ҳамкорликда ўқитишнинг «биргаликда ўқиймиз» методи.
5. Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи.

1. Командада ўқитиш (Р.Славин)да талабалар тенг сонли иккита командага ажратилади. Ҳар иккала команда бир хил топшириқни бажаради. Команда аъзолари ўқув топшириқларини ҳамкорликда бажариб, ҳар бир талаба мавзудан кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришига эътиборни қаратади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси муваффақиятларидан бири бўлган Р.Славиннинг таъкидлашича, талабаларга топшириқларни ҳамкорликда бажариш учун кўрсатма берилиши етарли эмас. Талабалар ўртасида том маънодаги ҳамкорлик, ҳар бир талабанинг қўлга киритган муваффақиятидан қувониш, бир-бирига сидқидилдан ёрдам бериш ҳисси, қулай ижтимоий-психологик муҳит вужудга келиши зарур. Мазкур

технологияда талабаларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини аниқлашда уларни бир-бири билан эмас, балки ҳар бир талабанинг кундалик натижаси аввал кўлга киритилган натижа билан таққосланади. Шундагина талабалар ўзининг машғулот давомида эришган натижаси командага фойда келтиришини англаган ҳолда масъулиятни ҳис қилиб, кўпроқ изланишга, билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришга интилади.

Ўқитувчи командалар учун ўқув топшириқларини мавзу бўйича талабаларнинг ўзлаштирган билимларини аниқлаш учун тест саволларини тузиб бўлгандан сўнг, мазкур машғулотнинг боришини лойиҳалаштириши керак.

2. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш (Р.Славин, 1986).

Бу ёндашувда кичик гуруҳлар 4 та талабадан ташкил топади. Ўқитувчи аввал мавзунини тушунтиради, сўнгра талабаларнинг мустиқ ишлари ташкил этилади. Талабаларга берилган ўқув топшириқлари 4 қисмга ажратилиб, ҳар бир талаба топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Топшириқ якунида ҳар бир талаба ўзи бажарган қисм юзасидан фикр юритиб, ўртокларини ўқитади, сўнгра гуруҳ аъзолари томонидан топшириқ юзасидан умумий хулоса чиқарилади. Ўқитувчи ҳар бир кичик гуруҳ ахборотини тинглайди ва тест саволлари ёрдамида билимларни назорат қилиб баҳолайди.

Талабаларнинг кичик гуруҳлардаги ўқув фаолияти ўйин (турнир, мусобақа) шаклида, индивидуал тарзда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Ўқитувчи янги мавзунини тушунтириб бўлганидан сўнг, талабаларни кичик гуруҳларга ажратиб, уларга қуйидаги топшириқларни бажаришни тавсия этади.

Шуни қайд этиш керакки, кичик гуруҳлар ўқув материали юзасидан тузилган ягона топшириқни бажарадилар. Кичик гуруҳ аъзолари ўқув топшириқларини ўзаро бўлиб оладилар.

3. Ҳамкорликда ўқитишни «зигзаг ёки арра» методи ёрдамида ташкил этиш (Э.Аронсон, 1978).

«Арра» методида кичик гуруҳлар 6-8 та талабадан ташкил топади. Машғулот давомида ўрганиладиган мавзу мантиқан тугалланган қисм (блок ёки модул) ларга ажратилади. Ҳар бир қисм юзасидан талабалар бажариши лозим бўлган ўқув топшириқлари тузилади. Талабалар гуруҳи мазкур топшириқларнинг биттасини бажаради ва шу қисм бўйича «мутахассис»га айланади. Сўнгра гуруҳлар қайта ташкил этилади. Бу гуруҳларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) «мутахассиси» бўлиши шарт, мазкур мутахассислар ўзлари эгаллаган билимларни худди «арра» тишлари кетма-кет келганидек навбат билан бошқаларга баён қилади. Мазкур гуруҳларда ўқув материали мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади.

1986 йили Р.Славин «арра-2» методини яратган. Мазкур методга кўра кичик гуруҳ 4-5 талабадан ташкил топади. Барча гуруҳ аъзолари маъруза материали юзасидан тузилган ягона топшириқ устида ишлайди.

Гуруҳ ичида талабалар топшириқларни қисмларга ажратиб, бўлиб оладилар. Ҳар бир талаба ўзига тегишли қисмини пухта ўзлаштириб «мутахассис»га айланади. Машғулот охирида ҳар бир кичик гуруҳдаги «мутахассис»лар учрашуви қайта ташкил этилган гуруҳларда ўтказилади. Талабалар билими тест саволлари ёрдамида индивидуал тарзда ўтказилиб назорат қилинади ва ўзлаштириш даражаси баҳоланади ҳамда гуруҳ аъзоларининг тўплаган баллари жамланади, энг юқори балл тўплаган гуруҳ ғолиб саналади.

19.4. Ҳамкорликда ўқитишнинг «Биргаликда ўқиймиз» методи 1987 йили Миннесот университети профессорлари Д.Жонсон, Р.Жонсонлар томонидан ишлаб чиқилган.

Гуруҳ талабалари 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ машғулотда бажариши лозим бўлган топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Гуруҳлар топшириқни тўлиқ бажариши натижасида ўқув материалининг яхлит ўзлаштирилишига эришилади. Мазкур методнинг асосий принциплари – командани тақдирлаш, талабаларга индивидуал ёндашиш, муваффақиятларга эришиш учун бир хил имкониятларни вужудга келтириш.

19.5. Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи.

1976 йили Тель-Авив университети профессори Ш.Шаран томонидан ишлаб чиқилган. Бу методда кўпроқ талабаларнинг мустақил ва ижодий ишига эътибор қаратилади.

Талабалар алоҳида-алоҳида ёки 6 кишилик кичик гуруҳларда ижодий изланиш олиб борадилар. Ижодий изланиш кичик гуруҳларда ташкил этилганда машғулотда ўрганиш лозим бўлган ўқув материали кичик қисмларга ажратилади. Кейин бу қисмлар юзасидан топшириқлар ҳар бир талабага тақсимланади. Шундай қилиб, ҳар бир талаба умумий топшириқнинг бажарилишига ўз ҳиссасини қўшади. Кичик гуруҳларда топшириқ юзасидан мунозара ўтказилади. Гуруҳ аъзолари биргаликда маъруза тайёрлайди ва гуруҳ талабалари ўртасида ўз ижодий изланишлари натижасини эълон қилади. Кичик гуруҳлар ўртасида ўтказилган ўқув баҳси, мунозара талабалар жамоасининг ҳамкорликда бажарган мустақил фаолиятининг натижаси, якуни саналади. Ҳамкорликда ишлаш натижасида қўлга киритилган муваффақиятлар гуруҳ жамоасидаги ҳар бир талабанинг мунтазам ва фаол ақлий меҳнат қилишига, кичик гуруҳларни, умуман гуруҳ жамоасини жипслаштиришга, аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни янги ва қутилмаган вазиятларда қўланиб, янги билимларнинг ўзлаштирилишига боғлиқ бўлади.

Юқорида қайд этилган барча методларнинг ўзига хос хусусияти, мақсад вазифаларининг умумийлиги, талабаларнинг таҳсил олиш ва мулоқотдаги шахсий масъулиятини тақозо этиши, шунингдек, муваффақият қозонишга бир хил имкониятларнинг миавжудлигидир. Ҳамкорликда ўқитиш негизида мусобақа эмас, балки ҳамкорликда ақлий меҳнат қилиб, таълим олиш жараёни ётади.

Ўқитувчи таълим жараёнида ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга оширади:

-қайси мавзуларни ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиб ўрганишни аниқлайди ва мазкур машғулоти тақвим-режада белгилайди;

-ушбу мавзу бўйича талабаларга тавсия этиладиган ўқув топшириқлари ва уларни бажариш юзасидан кўрсатмалар тайёрлайди;

-ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиб ўтиладиган машғулоти тури, тузилиши ва боришини лойиҳалаштиради;

-янги мавзу юзасидан талабалар билимини назорат қилиш учун тест савол-топшириқларини тузади.

1-гуруҳ «мутахассислар» тайёрлаш гуруҳи.

Мазкур мавзу бўйича ўқув материали 4 қисмдан иборат бўлганлиги сабабли машғулотида қатнашаётган 24та талаба машғулоти бошланишидан олдин 4 хил рангдаги карточкалар ёрдамида тенг сонли тўртта, 6 та талабадан иборат «мутахассислар» гуруҳига ажратилади. Улар ўзларига тегишли ўқув топшириқларини бажаради ва шу қисм бўйича «мутахассислар»га айланади.

Иккинчи гуруҳ «мутахассислар» учрашуви гуруҳи. Рангли карточкаларнинг ҳар бирининг орқа томонида 1 дан 8 гача рақамлар ёзилган бўлиб, барча рангли карточкалардаги рақамлар йиғиндиси гуруҳдаги талабалар сонига тенг бўлиши лозим.

«Мутахассислар» учрашуви карточкаларнинг орқа томонидаги рақамлар асосида 8та гуруҳ ташкил этилиб, бу гуруҳлар таркибига бир хил рақамли 4 хил рангдаги карточкаларга эга бўлган 4 та талаба киради. Шунинг кўра этиш керакки, бу гуруҳларда ҳар бир қисм (блок ёки модуль) «мутахассиси» бўлиши шарт.

Мазкур учрашувда «мутахассислар» ўзлари эгаллаган билимларни навбат билан ўртоқларига баён қилади. Ушбу гуруҳларда ўқув материалининг 4та қисми мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади. Сўнгра ўқув материали юзасидан тузилган топшириқлар яхлит ҳолатга келтирилиб, гуруҳлар ўртасида савол-жавоб, мунозара ўтказилади.

«Мунозарали маъруза» - талабаларни муаммоли масалалар билан тўқнаштириш ўзларининг фикрларини баён этириш учун (ўқув) педагогдан катта маҳорат талаб этилади.

«Модулли маъруза»нинг моҳияти шундан иборатки, бунда талабалар модуль дастурлари ўстида муваққил ёки ўқитувчи раҳбарлигида ишлаб ўқув-билиш фаолияти орқали белгиланган мақсадга эришадилар.

Модулли таълим технологиялари асосида модулли дастур туради. Модуль дастурлари ўзида мавзунинг илмий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадидан келиб чиқадиган дидактик мақсадни, талабалар дарс давомида бажарадиган топшириқларни, мазкур топшириқларни бажариш бўйича берилган кўрсатмаларни муваққиллаштиради.

Модулли таълим ўқитиш мазмуни ва моҳиятига кўра қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

1. Ўқув материални модулли режалаштириш.

2. Модулли дарс.
3. Модулли дастурлар.

Педагог ўқув йили бошида қайси мавзуларни модулли таълимдан фойдаланиб ўтишни тақвим-мавзу режаларида белгилайди. Модулли дастурлар мазмуни ва моҳиятига кўра:

1. Талабаларнинг индивидуал ишлаши учун мўлжалланган модул дастурлари.
2. Иккита талаба ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастурлари.
3. Талабаларнинг кичик гуруҳларида ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастурларига бўлинади.

Модулли дастурлар ўқитувчилар томонидан тузилиб, унда модулнинг дидактик мақсадлари, мавзуни ўрганиш босқичлари, талабалар томонидан бажариладиган ўқув фаолияти элементлари, талабалар билимини назорат қилиш йўллари кетма-кет ёзилади.

Модул дастурини тузишда ўқитувчи эътиборини қуйидагиларга қаратиши зарур:

1. Модул дастуридан кўзда тутилган мақсадни аниқ белгилаш.
2. Ўқув материални ўрганишнинг мантикий йўналишини аниқлаш. Модулли таълим тамойилларини ҳисобга олган ҳолда ўқув материални мазмунан тугалланган, мантикий кетма-кетликда кичик бўлақларга тақсимлаш.
3. Талабаларнинг ўқув материални ўзлаштириши учун ташкил этиладиган ўқув фаолияти усулларини белгилаш.
4. Ўқув фаолияти усулларига боғлиқ ҳолда модул дастуридан ўрин олиши лозим бўлган ўқув элементларини ва уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш.
5. Ўқувчилар билимини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича дастлабки жорий назорат, ахборот тўплами, талабалар билимидаги типик камчилик ва хатоларни бартараф этиш йўлларини белгилаш.
6. Ўқувчилар учун асосий ва қўшимча адабиётларни танлаш.
7. Ўқувчилар модул дастури ёрдамида ўқув материални мустақил ва ижодий ўрганиш жараёни мазкур мавзуни ўзлаштириш учун дастурда белгиланган вақт доирасида амалга оширилишига эришиш лозим.

19.6. Тажриба воситасида ўқитиш цикли, ролли ҳамда ишбилармон ўйинлар каби илғор педагогик технологиялар асосида касбий фанларни ўқитиш

Президентимиз И.А.Каримов алоҳида таъкидлаганларидек, «Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётда нечоғлик фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак». Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим мазмуни ва

унинг таркибини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи – ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилди.

Бизнингча, бу ғояни ижтимоий ҳаётнинг қуйидаги компонентлари орқали рўёбга чиқариш мумкин:

- фаолият турлари (моддий, амалий ижтимоий, маънавий);
- ижтимоий онг шакллари (ахлоқ, санъат, сиёсат, фалсафа, фан ва бошқалар);
- ижтимоий муносабатлар тизими (моддий ва мафкуравий);
- моддий, ижтимоий ва табиий борлик (кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирилган бойликлар).

Таълим мазмуни, унинг компонентлари, таркиби, вазифалари ҳақида сўз кетганда далиллар билан қонуниятлар, яққоллик билан мавҳумлик, билимлар билан ҳақиқатни мустақил билиш методлари ўртасидаги мақбул келадиган муносабатларни аниқлаш зарур.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таъкидланганидек, «Замонавий иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратиш мамлакатни тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Тизимнинг амал қилиши кадрларнинг истиқболга мўлжалланган вазифаларини ҳисобга олиш ва ҳал этиш қобилиятига юксак умумий ва касбий маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолиққа, ижтимоий сиёсий ҳаётда мустақил равишда йўналиш ола билиш маҳоратига эга бўлган янги авлодни шакллантиришни таъминлайди».

Кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳозирга қадар амалга оширилаётган ўзгаришлар фақат мавжуд таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган эди. У шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжлари билан касбий тайёргарликнинг амалдаги тизими ўртасидаги тафовутларни бартараф этишни таъминламас эди. Халқаро тажрибани, мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг аҳволи ва муаммоларини таҳлил қилиш асосида унинг принцип жиҳатидан янги модели ишлаб чиқилди.

Кадрлар тайёрлаш тизими янги моделининг моҳияти ва ўзига хос хусусияти унга асосий таркибий қисмлари сифатида қуйидаги компонентлар киритилганлигидадир:

- шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти, таълимга оид хизматларнинг истеъмолчиси ва уларнинг яратувчиси;

- узлуксиз таълим – кадрлар тайёрлашнинг пойдевори асоси;

- фан – юқори малакали мутахассисларни тайёрловчи ва уларнинг истеъмолчиси;

- ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжнинг истиқболини белгилашни, уларнинг тайёргарлик даражаси сифатини баҳолашни, шунингдек, кадрлар тайёрлаш тизимини қисман молиявий ва моддий-техникавий таъминлашни амалга оширувчи асосий буюртмачи;

- давлат ва жамият – кадрларнинг тайёргарлиги сифатини назорат қилиш ва баҳолашни амалга оширувчи, кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг бош қафиллари.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» умумий маданиятни шакллантириш, жамиятдаги ҳаётга мослаштириш, касб-корга ва таълимга оид дастурларни онгли равишда танлаш ҳамда кейинчалик рўёбга чиқариш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик-педагогик ва бошқа шарт-шароитларни яратишни, оила ва жамият, давлат олдидаги ўз масъулиятини англовчи баркамол инсонни тарбиялашни назарда тутди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига жадал суръатлар билан кириб бориш жараёни республикамиз аҳолиси учун таълим даражасини оширувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу биринчи навбатда бозор муносабатларининг ривожланишига боғлиқ бўлиб, у жараён билим даражасига, иқтисодиёт ва экология, компьютер техникаси ва ахборот технологиялар устувор бўлган ва халқ хўжалигининг ривожланган тармоқларига, таълим тизимининг такомиллашуви ва кадрлар тайёрлашга боғлиқ бўлади.

Кадрлар тайёрлаш муаммосининг самарали ечими биринчи навбатда бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган психология, педагогика, иқтисодиёт, экология, маданият, ҳуқуқшунослик ва шунга ўхшаш бошқа фанларнинг билим асосларини чуқур биладиган профессионал малакага, ҳар томонлама чухур билимга эга бўлган ўқитувчи кадрлар тайёрланиши билан боғлиқдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида таъкидлаб ўтганларидек: «Домлалар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устида ишламаса, ўз соҳаси бўйича чет мамлакатларга илмий сафарларга бориб келмаса, тажриба алмаштирилмаса, албатта бундай аҳвол ўқув жараёнига ва унинг самарасига салбий таъсир қилади».¹

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнида қуйидагилар ҳал қилувчи аҳамият касб этар экан:

1. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро самарали алоқадорлиги.
2. Таълим корхоналари ва профессионал таълим дастурлари турларининг хилма-хиллиги, уларнинг фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари, иқтисодиёт ва технологияларнинг энг юқори андозалари ва кўринишларидан фойдаланиш.
3. Профессионал таълим тизимини устувор ва фойда келтирувчи иқтисодий тармоққа айлантириш.
4. Таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техник базасини яратиш ҳамда уларнинг молиявий кўрсаткичларини мустаҳкамлаш.

¹ Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Шарк» нашриёт матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997.

5. Профессионал таълим тизимига энг юкори малакали ўқитувчиларни ва мутахассисларни жалб эттириш.

6. Ўқув жараёнини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш.

7. Кадрлар тайёрлашнинг сифат баҳосини ва объектив назорат тизимини қўллаш.

8. Шахсининг ривожланиши, ўлчови, сифат ва хулқини, қобилият интеллектини баҳолаш ва касбий маҳорати муаммоларига бағишланган психологик-педагогик изланишларни бажариш.

9. Ўқитувчиларни юкори даражада моддий рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш.

Бу ҳолатларнинг барчаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўз аксини топган. Бугунги куннинг мутахассиси ҳар томонлама ривожланган юкори даражадаги интеллектга эга бўлган, фан асосларини чуқур ўрганган билимдон, зукко, доно, фидойи, маърифатли ва маънавиятли инсон бўлиши керак. У ўз мутахассислигидан ташқари, хорижий тиллардан бирини эгаллаган бўлиши ҳамда компьютер техникасидан фойдалана олиши шарт.

Олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи замонавий педагогик технологиялар, таълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш усуллари ва ўқитиладиган фанлар бўйича сифатли билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни таъминловчи педагогик усулларни қўллай билиши лозим. У замонавий педагогик технологияларнинг моҳияти, максоди ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, улар ҳақида илмий асосланган маълумотлар, амалий йўлланмалар ишлаб чиқиши, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ўзлаштирганидан сўнг, уни таълим тизимига жорий эта олиши зарур.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни, жамиятнинг тез ўзгариб бораётган турмуш шароити, таълим тизимида таъсирчанлик ва тезкорлик хоссаларининг берилишини, яъни ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт талабларига жавоб бериш, шахс қобилияти ва истеъдодини ҳисобга олиш имконият ва шарт-шароитларини яратишни тақозо этади.

Ўқув-тарбия дастурларининг таъсирчанлиги ва тезкорлигини таъминлаш таълим жараёнини дифференциациялаш муаммоси билан узвий боғлиқ. Ҳозирги шароитда, сўзда эмас, ишда узлуксиз таълим тизимида таълимни дифференциациялаш принцип ва механизмларини жорий этиш керак.

Таълимни дифференциациялаш замонавий таълим тизимининг асосий хусусиятларидан биридир. У ўқувчи-талабаларнинг шахсий эҳтиёжлари, лаёқати, имкониятлари, қизиқишлари, касб танлашидан келиб чиққан ҳолда турли кўринишда билим олиш имкониятини беради.

Ўқув-тарбия жараёнида қатнашувчи барча субъектларнинг ўзаро самарали таъсирини таъминловчи механизмлар ва шарт-шароитларни юзага келтириш зарур. Умуман олганда, ушбу тизимнинг барча таркибий қисмлари – оила, узлуксиз таълим, маҳалла, жамоат бирлашмалари,

жамғармалар мавжуд. Бирок, биринчидан, уларнинг ўз ичидаги самарадорлик фаолиятини кўтариш, иккинчидан, самарали таъсирчанлик, яъни узвийлиги, бир-бирига чамбарчас боғлиқлигидан келиб чикиб уларнинг фаолиятини такомиллаштириш лозим.

Таълим муассасаларининг фаолиятини ижтимоий институтлар сифатида тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бунда, мактаб, лицей, коллеж, институтларни нафақат илм-фан маскани, балки ҳақиқий маданий-маърифий марказларга айлантириш керак. Улар маҳалла, оила, жамоат бирлашмалари билан яқиндан алоқада бўлишлари шарт. Ушбу масканларда ижод қилиш руҳи, ижтимоий фаоллик, шахсий иштирок, ўзаро ҳамкорлик муҳитининг яратилиши, бир тарафдан, мустақил фикр юритувчи шахсни тарбиялашга, иккинчи тарафдан, янги ижтимоий муҳит, тафаккурнинг шаклланишига олиб келади.

Олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнида модулли таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, дидактик ўйин технологиялари, муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди.

Талабаларда дарслик, илмий-оммабоп ва кўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникмалари, ижодий ва мустақил фикрлашни ривожлантириш мақсадида модулли таълим технологияларидан фойдаланилади. Модулли таълим технологияларининг ўзига хос жиҳати ўрганилаётган мавзу бўйича талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлашига имкон берадиган модулли дастур тузилади. Талабалар модул дастури ёрдамида мустақил ва ижодий ишлаб, машғулотлардан кўзланган мақсадга эришадилар.

Модул дастурлари ўрганилаётган мавзу юзасидан талабалар бажариши лозим бўлган топшириқлар, топшириқларни бажариш бўйича кўрсатмаларни ўзида мужассамлаштиради. Ишлаб чиқилган дастурлар мазмун ва моҳиятига кўра, талабаларнинг индивидуал, иккита талаба биргаликда ва кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастурларига ажратилади. Модул дастурларнинг дидактик мақсадидан келиб чикиб, ўқув-тарбия жараёнидан ўз ўрнида фойдаланиш юқори самара беради.

Ўқув-тарбия жараёнида ҳамкорликда ўқитиш технологияси методларидан фойдаланиш ҳар бир талабани кундалик қизгин аклий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, шахс сифатида онгли мустақилликни тарбиялаш, талабада шахсий кадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, таълим олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутати. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир талабанинг таълим олишда муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан аклий меҳнат қилишга, берилган топшириқларни сифатли бажаришга, ўқув материални пухта ўзлаштиришга замин тайёрлайди.

Олий ўқув юртларида олиб бориладиган машғулотларда ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг гуруҳларда ўқитиш, зигзаг ёки арра, кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методларидан фойдаланиш учун педагог ҳар бир методнинг дидактик мақсадини англаган ҳолда ўқув топшириқларини тузади ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш йўлларини белгилайди.

Ҳозирги кунда жуда кўп методист ва педагог олимлар «Замонавий педагогик технологиялар» талаба-ўқувчиларга таълим-тарбия беришда кўзланган мақсадга эришишни тўла қафолатлайди, деб қаралмоқда. Тўғри, замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаришда бошқарувчидан катта куч талаб қилинмайди. Махсус технологиянинг ўзи қўйилган мақсадга тўла эришишни қафолатлайди. Аммо бу назарияни педагогик технологияда тўлалигича қабул қилиб бўлмайди, чунки бунда объект шахс бўлиб, унинг онги тақлиф қилинаётган технологияни тўлалигича қабул қила олмайди, аксинча уни инкор қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига киритишда унинг бошқарувчиси бўлган педагог кўзланган мақсадга эришишнинг бош қафолатчиси ҳисобланади. Демак, замонавий педагогик технологияларни унинг асосий негизи бўлган ахборотлар технологиясини таълим тизимида жорий этишда унинг бошқарувчиси бўлмиш педагогнинг тайёргарлик даражасини биринчи ўринда ҳал қилиш бугунги кун «Педагогика» фанининг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Олий таълимда замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш кўламини кенгайтириш, мазкур йўналишда илғор педагогик тажрибаларни татбиқ этиш, ҳар бир фан бўйича бу соҳада аниқ режаларни тузиш ва амалга ошириш; дарслик, ўқув қўлланма, дастур, маъруза матнларини тайёрлаш, илмий-методик ишларда, ўқув-тарбия жараёнига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этишни ривожлантириш, уларни ахборот воситалари билан таъминлаш ҳамда коммуникацион тармоқларга боғлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Умуман олганда, олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир педагог қуйидаги замонавий педагогик технологияларни, яъни:

- замонавий педагогик технологияларнинг илмий-назарий асослари;
- педагогик технологиялар концепциясининг ривожланиш тарихи;
- таълим жараёнига технологик ёндашиш ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- педагогик технологияларнинг дидактик қонуниятларини;
- ўқитиладиган фанга тегишли илғор ўқитиш технологияларини;
- дидактик жараённи маълум вақт чегарасида лойиҳаланиши;
- ўқитишнинг фаол методларини билиш ва қўллаш олиш;
- уй вазифаларини мақсадли, ташхисли ва аниқ ўқув элемент тури тарзида бериш, технология лойиҳаларининг мантикий тузилмаси, коррекцияси;
- ўқув мақсадлари тавсияномасини ишлаб чиқиш;
- тест топшириқларини талаба фаолият даражаларига мос ҳолда тузиш бўйича кўникмаларга эга бўлиш шarti;

- интернет компьютер тармоғидан фойдаланиш;
- ўқув жараёнига электрон почтадан фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиш;
- рейтинг назорати ва талабаларнинг билимларини объектив баҳолашни билиши керак.

Бугунги кунда республикамизда олий таълим тизими янги ривожланиш поғонасига кўтарилди: икки босқичли таълим – бакалаврият ва магистратура фаолият кўрсата бошлади; давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди; талабаларнинг мустақил таълим олишини яқка тартибда амалга ошириш жорий этиляпти, таълим мазмунида фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ўз аксини тобора кўпроқ топмоқда; профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга эътибор кучайтирилганлиги айниқса қувонарлидир.

Таълим-тарбиявий жараёни ривожланган давлатлар тажрибалари асосида такомиллаштириш, унинг иштирокчилари – ўқитувчи ва талаба-магистр фаолиятини «субъект-субъект» имкониятлари асосида ташкил этиш зарурати бугун барча олий ўқув юртларида педагогика ва психология фанларини ўқув режасига киритиш лозимлигини исботлади. Эндиги вазифа эса, бу фанларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш, педагогик фаолиятнинг сиру-синоатларини тадқиқ қилиш асосида амалий хулосаларни қўлга киритишдир.

Шундай қилиб, мамлакатимизда шахс манфаати ва таълим устуворлиги эътироф этилган бир даврда педагогика фани эркин шахсни шакллантириш қонуниятлари, ёшлар шахсини ҳаётга мослаштиришнинг шакл ва методлари, мазмуни ва принципларини ўрганади. Эндиликда педагогика ўз предмети, фанлар билан алоқаси, педагогик билимлар тизими ва уларнинг мантикий тузилмаси, назарий педагогик билимларни тарбияга, таълим амалиётига қўллаш масалаларига доир муаммоларни қайтадан янги талқинда кўндаланг қўймоқда. Демак, педагогикада тадқиқотларнинг долзарблиги, бир томондан, жамият эҳтиёжи – ўқув-тарбия тизимини янада ривожлантириш билан, бошқа томондан эса, педагогик билимларнинг янгиланиш ва ривожланиш даражаси билан белгиланар экан.

Қисқа хулоса

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топди. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Таълимдаги ёндашувлар, таркиби ўзгармоқда ва бошқача муносабатлар, педагогик менталитетлар ўрнатилмоқда.

Таълим таркиби янги процессуал маҳоратлар, ахборотлар билан ишлаш қобилиятининг ривожланиши, илмий муаммо ва бозор амалиётининг ижодий ечимининг таълим дастурларини индивидуаллаштиришга қаратилиши билан бойитилмоқда.

Ахборотнинг анъанавий усуллари-оғзаки ва ёзма нутқ, телефон ва глобал масштаби телекоммуникацияларни ишлатиш билан алмаштирилмоқда.

Педагогик жараённинг муҳим таркиби бўлиб, талаба билан ўқитувчининг шахсга йўналтирилган ўзаро муносабатлари ҳисобланади. Ижтимоий билимга тенг бўлган педагогик технологияларнинг ташкил топишида фаннинг роли ортиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ушбу бобда мавзу бўйича қатор маълумотлар келтирилган ва энг асосийси талабаларга тушунарли тарзда баён этилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Бугунги кунда таълим тизимидаги янгиликлар ҳақида сўзлаб беринг?
2. Таълим технологияси ва унинг ривожланиши ҳақида фикр билдиринг?
3. Таълимда технологик ёндашиш вариантлари деганда нимани тушунасиш?
4. Ахборот технологияларига нималар киради?
5. Ривожланган жамиятда ахборот технологияларининг ўрни қандай?
6. Педагогик технологияга берилган таърифларни изоҳлаб беринг?
7. Муаммоли таълим технологияси ҳақида фикрингиз қандай?
8. Модулли таълим технологиясига мисол келтиринг?
9. “Рейтинг”, “Технология”, “Инновация” тушунчаларини изоҳлаб беринг?
10. “Интернет”, “Электрон почта”, “Мультимедия” га мисоллар келтиринг?

VI БОБ

ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ШАРТ – ШАРОИТЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Бобнинг қисқача мазмуни

Ўрта махсус таълим тизими бошқаруви фаолиятини ташкил қилиш шарт – шароитлари, тамойиллари ва усуллари. .Ўрта махсус таълим тизимида бошқарув фаолиятини ташкил қилиш йўллари.Ўрта махсус таълим тизимида бошқарув фаолияти тамойиллари.Ўрта махсус таълим тизимида бошқарув фаолиятини ташкил қилиш усуллар

Ўзбекистон Республикасининг глобаллашув шароитида касб таълими муассасасини бошқариш. Глобаллашув шароитида ўқув-тарбиявий жараёни бошқариш. Педагогик жамоа – ўқув муассаси бошқаришнинг объекти. Педагогик фаолиятни фаоллаштириш. Таълим муассасини бошқариш концепцияси. Педагогик фаолиятни бошқариш дастури. Таълим муассаси бошқарувининг педагогик йўналтирилганлиги. Маънавий-ахлоқий, кучли фуқаролик жамиятини куриш жараёнида раҳбар ва унинг шахси. Бошқарув фаолиятини амалга оширишда маркетинг.

20 - мавзу. Ўрта махсус таълим тизими бошқаруви фаолиятини ташкил қилиш шарт – шароитлари, тамойиллари ва усуллари.

Режа:

20.1. Ўрта махсус таълим тизимида бошқарув фаолиятини ташкил қилиш йўллари

20.2. Ўрта махсус таълим тизимида бошқарув фаолияти тамойиллари

20.3. Ўрта махсус таълим тизимида бошқарув фаолиятини ташкил қилиш усуллар


20.1. Ўрта махсус таълим тизимида бошқарув фаолиятини ташкил қилиш йўллари

Бошқарув тараққиётнинг ҳар қандай босқичида жамиятга хос бўлган ички хусусиятдир. Бу хусусият умумий характерга эга. Бошқарув халқ манфаатини кўзлаган ҳолда демократик услуб негизида амалга оширилади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай бошқарув жараёнида инсон омилига, хусусан, миллат манфаати ва миллий қадриятларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Биз 11 – чизма орқали бошқарув моделининг таркибий элементларини ёритиб ўтамиз.

11 – чизма

Бошқарув моделининг таркибий элементлари



Юқоридаги 11– чизмада бошқарув моделининг таркибий элементлари сифатида мотив, мақсад, режалаштириш, қарор қабул қилиш ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган.

Таълим тизими ҳаёт билан, давлатимиз сиёсати билан боғлаш принципи Ўзбекистон ўқув муассасасилари, касб-хунар коллежлари

олдида турган барча назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишда асосий принцип бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Ўрта махсус таълим тизимини бошқаришга сиёсий ёндашиш таълим-тарбия ишларидаги ҳодиса, факт ва жараёнларга мустақил Ўзбекистон Республикаси манфаатлари нуқтаи назаридан туриб муносабатда бўлиш демакдир.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида Халқ таълимини кенг ёйилиши, миқдор ва сифати жиҳатидан жадал ўсиши, турли хилдаги таълим тизими ва таълим муассасаларидан ташқари ўқув-тарбия масканларининг ишлаб туриши, таълим ва тарбия жараёнини бошқаришнинг жуда зарурлигини тақозо этади. Ижтимоий бошқариш масалалари илмий билимнинг махсус соҳаси қилиб ажратилади. Педагогик жараёнларни, ҳодисаларни ва объектларни бошқаришда педагогика қонуниятларини ҳисобга олиш зарур. Бу ҳолда педагогик бошқариш тушунчаси қўлланилади.

Барча типдаги ўқув юртлари, ўқув муассасасидан ташқари муассасалар, халқ таълими бўлимлари ва бошқалар асосий бошқариш объектларига киради. Таълим-тарбияни ташкил қилиш ва бошқаришга доир ишларнинг ҳаммаси пировард натижада ягона асосий мақсадга эришишга, маълум даражада умумий маълумот даражаси ва касбий тайёргарлигига эга бўлган ҳар томонлама ривожланган ва имон-эътиқодли қилиб тарбияланган кишини таркиб топтиришга қаратилгандир. Халқ таълими тизимига таркибига вазирликлар, туман халқ таълими бўлимлари, ўқув муассасасилар, лицей, касб-ҳунар коллежлари киради.¹

Таълимни тизимини бошқариш педагогика фанининг муҳим тармоғи бўлиб, Ўзбекистон Республикасидаги таълим тизими органлари ва уларнинг вазифалари, иш фаолиятининг мазмуни ва методларини белгилаб беради, шунингдек, таълим муассасаларига раҳбарлик қилиш тизимини асослайди.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини бошқаришга умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олиб боради.

Республикада таълим тизимини бошқаришда бир қатор давлат органлари -тегишли вазирликлар -чунончи, халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, шунингдек, марказлар, хусусан, Республика таълим маркази, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказ, вилоят, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари ҳам иштирок этадилар.

Н.Боймуродовнинг фикрича, - “Бошқарув инсон миясига таққосланади, бунда шахснинг яратувчилик имкониятлари мужассамланган, ундан унинг ижодий қобилияти намоён этилишига

¹ Саидов М.Х. Таълим кредити: механизми, хусусияти ва амалиёти. Таълим муаммолари. №2. 2006 йил. 9 - бет

кўрсатма берилди. Инсоният томонидан фан-техника, иқтисодиёт ва ижтимоий мувафаккиятлар тобора оширилиб боришига кўра бошқарув фаолиятининг илмга бўлган талаби ҳам тўхтовсиз ўсиб боради. Бундай илмий ёндашиш эҳтиёжини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, бошқарувнинг нодир хусусияти : бирор йўқдан муайян ниманидир қилиш, тарқоқ унсурлардан тизим тузиш.

Иккинчидан, раҳбар тасарруфида бўлган ёки у жавобгар ҳисобланган кадриятлар кўламининг жадал ошиши.

Учинчидан, инсонлар куч-ғайратига асосланган бошқарувнинг яратувчилик самараси раҳбариятдан ҳар томонлама маълумотлилик, ўз касбини устаси бўлишлик ва тизимли ёндашишни талаб қилади” [46].

Ҳар бир раҳбарнинг ҳокимлик имконияти унинг лавозим ваколатига кўра белгиланади, бу улар хизмат вазифасини бажариш учун зарур. Олдиндан кўра билиш, режалаштириш, уйғунлаштириш, назорат қилиш, рағбатлантириш, ўқитиш, ижтимоий ақлни тузиш раҳбарнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Энг юқори ҳокимлик имкониятига “биринчи шахслар” – тузилмага бошчилик қилувчилар (ОТМ ректори, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни директорлари ва б.лар) эгадир. Улар ташкилот ҳаётий фаолияти Истикбол дастурини белгилаб беради, кадрлар сиёсатини амалга оширади. Анча қуйи даражадаги раҳбар (“иккинчи” ва “учинчи” даражали шахс)лар биринчи шахслар уларга берган ваколат доирасида иш юритади.

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқларига доирасига қуйидагилар киради.

1. Таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини руёбга чиқариш;
2. Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;
3. ДТС, мутахассисларининг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талабларининг бажарилишини таъминлаш;
4. Ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;
5. Ўқув ва ўқув услубий адабиётларини яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш;
6. Таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
7. Давлат олий таълим муассасаларининг ректорларини тайинлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
8. Педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Республика таълим тизимини бошқаришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам иштирок этади. Уларнинг Республика таълим тизимини бошқаришдаги ўрни ва роли қуйидагилар билан белгиланади:

1. таълим муассасалари фаолиятининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;

2. таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (Республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;

3. ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларини белгилайдилар;

4. таълим сифати ва даражасига, шунингдек, педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этишни таъминлайдилар; шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

Ўрта махсус таълим тизимини бошқариш соҳасида таълим муассасаси фаолиятини бошқариш ишларини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берадилар. Таълим муассасаси унинг раҳбари (директори ёки ректор) томонидан бошқарилади.

Ўрта махсус таълим тизимида фаолият юритаётган раҳбар ўқувчиларни маънавий баркамол, жисмонан соғлом бўлишлари, фан асосларини пухта ўзлаштиришлари учун, умуман, таълим муассасаларининг бутун фаолиятини учун жавобгар шахс саналади. Ташкилотчи, олий маълумотли камида уч йиллик педагогик иш стажига эга бўлган энг яхши педагог туман халқ таълими бўлими тавсиясига биноан вилоят халқ таълими (Тошкент шаҳрида-шаҳар халқ таълими) бўлими томонидан директор этиб тайинланади, бир ўқув муассасасидан иккинчи ўқув муассасасига кўчирилади.

Ўрта махсус таълим тизимида фаолият юритаётган раҳбар буйруғини таълим муассаси ходимлари бажаришлари шарт. Раҳбарларнинг таълим муассасидаги вазифалари асосан қуйидагилардан иборат: ўқув муассасининг педагогик жамоасига раҳбарлик қилиш, кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш, ходимларнинг ижтимоий-ғоявий савияси ва малакасини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, талабалар билим ва тарбияси сифатли бўлишини таъминлаш, синфдан ва ўқув муассасасидан ташқари ишларнинг ташкил этилишига раҳбарлик қилиш ва тегишли назорат ўрнатиш, талабаларнинг тўғри касб танлашини таъминлашни йўлга қўйиш, ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган ишларни ташкил этиш, ўқув муассасасида ички низом, санитария-гигиена, умумий режим, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этишни таъминлаш ва ҳоказолар.

Ўрта махсус таълим тизимида фаолият юритаётган директор педагог ва ёрдамчи ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, ходимлар педагогларни рағбатлантиради, шунингдек, ўринли ҳолатларда уларни жазолайди, алоҳида ўртак кўрсатган педагог ва ходимларни давлат мукофотларига тавсия этади. Раҳбар муайян масалаларни ҳал этишда педагогик жамоа фикр мулоҳазаларини инобатга олади. Таълим муассаси фаолияти юзасидан тегишли муассасалар, давлат олдида жавоб беради.

Ўрта махсус таълим тизимида таълим муассаси фаолиятини ташкил этишда раҳбарга ўқув ҳамда тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлар кўмаклашадилар.

Ўрта махсус таълим тизимида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари таълим муассасининг ўқув ишлари бўйича масъул шахсдир. У ўқув ишларига бевосита раҳбарлик қилади. Олий маълумотли, камида уч йиллик педагогик стажга эга бўлган энг яхши педагогларгина мазкур лавозимда ишлашлари мумкин. Унинг номзодини таълим муассаси раҳбари тавсия этади, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими тасдиқлайди.¹

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ўқув муассасидаги таълим жараёнининг тўғри ташкил этилиши, ўқув дастурлари талабларини бажарилиши дарс машғулотларини тўғри ташкил этилиш ҳамда ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштиришлари учун жавобгар бўлиб, таълим ишларининг йўлга қўйилиши ўқувчилар билим даражасининг ўсиши устидан назорат олиб боради. Педагогларга методик йўриқлар кўрсатади, таълим ишларининг уюштирилишини режалаштиради, метод бирлашмаларнинг ишларига раҳбарлик қилади.

Ўрта махсус таълим тизимида маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарлари таълим муассасаларининг тарбиявий ишларига бевосита раҳбарлик қилувчи масъул шахсдир. Олий маълумотли, камида уч йиллик педагогик малакага эга бўлган энг яхши педагогларгина мазкур лавозимда ишлай олишлари мумкин. Унинг номзодини таълим муассаси раҳбари тавсия этади, туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан тасдиқланади.

Ўрта махсус таълим тизимида маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари таълим муассасида тарбиявий жараённинг тўғри ташкил этилиши, тарбиявий ишларнинг йиллик режасини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни ўрнатиш, ички тартиб қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, талаба, педагог ва ходимларнинг маънавий кийёфасини шакллантириш, уларнинг хулқ-атворлари устидан назоратни ташкил этиш каби ишларни олиб боради.

Ўрта махсус таълим тизимида хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари - таълим муассасининг хўжалик-молиявий ишларини юритиш ишига масъул саналган шахсдир. Ушбу лавозимга номзодни таълим муассаси раҳбари тавсия этади ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлими тасдиқлайди. Унинг асосий вазифаси молиявий маблағ билан ўқув муассасининг таъминланиши, қўшимча даромад манбаларини яратиш борасидаги таклифлар билан чиқиш, таълим муассасининг ўқув жиҳозлар

¹ В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шиянов. «Педагогика» Москва. «Школьная пресса». 2007. 261- стр.

билан таъминланиши, бинонинг жорий ҳамда тўла таъмирланишига эришиш каби масалаларини ҳал этишдан иборатдир.

Ўрта махсус таълим тизими муассасининг педагогик кенгаши (олий ўқув юртларида илмий кенгаш) таълим муассасаси раҳбари ҳузуридаги маслаҳат органи бўлиб, унинг қарорлари жамоанинг ягона ва умумий фикрини акс эттиради. Педагогик Кенгаш (Илмий Кенгаш) қабул қилган айрим қарорлар таълим муассасаси жамоаси учун ҳам, раҳбар учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Чунончи, таълим-тарбия ишларининг ҳолати, ютуқ ва камчиликлари, педагог-ходимларни давлат мукофотларига тавсия этиш (уқув муассасасиларда ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш, ўқувчини ўқув муассасасидан ҳайдаш), каби масалалар педагогик (Илмий) Кенгаш йиғилишларида Республика ҳукумати қарорлари, Президент фармонлари, юқори органларнинг кўрсатмалари (масалан, ХТВ ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг)ни амалга оширишга доир тадбирларини белгилаш, таълим жараёнини амалга ошириш, таълим-тарбия ишларини яхшилаш, инновацион ва ахборотлар технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш ҳамда оммалаштириш, оила, жамоатчилик билан таълим муассаси ўртасидаги ҳамкорликни юзага келтириш уни мустаҳкамлаш ва ҳақозо масалаларни кўриб чиқилади.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси таълим тарбия ишига оид масалани ўз ташаббуси билан Кенгаш йиғилиши муҳокамасига олиб чиқиш ҳуқуқига эга. Кенгаш қарори таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради ва жамоанинг ҳар бир аъзоси учун мажбурий ҳисобланади.

Х.Ибрагимовнинг фикрича, - “Ўрта махсус таълим тизими муассасаларида методик ишлар таълим-тарбия ишларининг сифатини оширувчи энг муҳим воситаларидан бири саналади. Методик ишларни ташкил этишдан кўзланадиган мақсад-педагогларнинг ижтимоий-ғоявий дунёқарашини кенгайтириш ва педагогик, услубий маҳоратини оширишдан иборатдир”¹.

Методик бирлашмаларга тажрибали педагоглар бошчилик қиладилар, улар бирлашма йиғилишида сайланадилар.

Ўрта махсус таълим тизимида методик ишлар асосан таълим ва тарбия ишининг сифатини яхшилашга қаратилади ва у турли шаклларда олиб борилади. Методик бирлашмалар йиғилишларида очик дарслар ўтказиш тартиби, уларнинг ўтказилиш ҳолатлари ҳам муҳокама қилинади. Педагогларнинг ўзаро дарс кузатишлари ҳам методик ишларнинг муҳим шакли саналади. Таълим муассасаларида ташкил этиладиган методик ишлар умумий режада ўз ифодасини топади.

¹ Х.Ибрагимов. Педагогика назарияси. Т., “Фан”. 2011.9 – 10 бетлар.

Ўрта махсус таълим тизими бошқарувида раҳбарлар лавозим ваколати катта-кичиклигига қарамай улар учун қуйидаги тамойилларга кўра бошқарув ахлокининг умумий негизи ҳосдир:

- ваколатлилик – лозим ваколатини малакали бажариш учун зарур билим, тажриба ва ўқувга эга бўлиш;

- инсонпарварлик – хизмат хулқидаги инсонни севиш ва эзгу ахлоқий хислат, одамлардаги энг яхши шахсий ишга қобиллик сифатларини очишга интилиш;

- инновациявийлик - янгиликни излаш, унга интилиш иштиёқи, асосли таваккал қила билиш қобилияти;

- прагматика – натижаларга кўра ишлаш, иш вақтидан самарали фойдаланиш, фаол инвестиция фаолияти;

- ортобиотиклик - ўз ҳаётини кадрлай билишни англаш, келажакка бўлган барқарор ишонч, атроф муҳитга ғамхурлик билан муносабатда бўлиш.

Таълим тизимини бошқаришнинг ўзига хос муҳим белгилари, афзалликлари ва камчиликлари ҳам мавжуд. Қуйидаги 1 – жадвалда биз уларни изоҳлаб ўтамиз.

1 – жадвал

***Таълимни бошқариш тизимининг муҳим белгилари,
афзалликлари ва камчиликлари***

Бошқарув тизими	
Марказлашган тизим	Марказлашмаган тизим
-Марказлаштирилган раҳбарият таълим муассасаларида узокда (тўғри ва кўчма маънода)	-Раҳбарлик ҳокимияти бошқарувнинг маҳаллий идоралари ва таълим муассасалари тақсимланган
-Таълим сиёсати марказлаштирилган ва бевосита бажарувчилар билан камдан – кам ҳолда келишиб қабул қилинади	-Таълим сиёсати минтақа, жамият ва ўқув муассасасининг ривожланишини қаноатлантирувчи умумий қарор асосида қабул қилинади
-Таълим сиёсати ҳамisha “раҳбар ҳар доим ҳақ ва бизга фармойиш бериши керак” қабилида олиб борилади	-Таълим сиёсати маҳаллий микёсдаги сиёсат бўлганлиги учун маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб – қувватланиши туфайли ўз тадбиқини топади
-Бўйсинувчи ташаббус кўрсатишдан кўрқади, боиси “гапирдим бошимга тегди таёқ”	-Ташаббус ва экспериментлар маҳаллий микёсда кенг қўллаб – қувватланади ва рағбатлантирилади
-Раҳбар услуби автократик – юқоридан пастга	-Раҳбарлик услуби демократик ваколатнинг бир қисми ходимларга қарор қабул қилишда бериб қўйилади

-Самарасиз иш	-Қарор қабул қилишда қатнашган ходим маъсулиятни ўз зиммасига олишга самарали ишлашга тайёр
-Коммуникациянинг асосий тури, юқоридан пастга, коидага кўра, раҳбар монологи	-Кўпёқлама алоқа, касб бурчи ва самарали муҳокама
-Хатти – ҳаракатнинг тажовузкор, кинғирлик ва сусткашлик тури кенг тарқалган. Кўпчилик бўйсинувчилар ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишдан кўрқадилар	-Бўйсинувчиларнинг қзини дадил тутиши. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга зарурат сифатида қараш
-Ҳокимиятнинг битта кўлда тўпланиши бўйсинувчиларга нисбатан адолатсизликка, маҳаллийчилик ва ўзбошимчиликка, лавозимни суиистеъмол қилишга олиб келади	-Ҳокимиятнинг тақсимланиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бир хил имкониятлар бериш раҳбарият тамонидан адолатсизлик, лавозимни суиистеъмол қилишликни бартараф этади
-Бошқарув вазифаларни ҳал қилишда ягона кўрсатма	-Бошқарув вазифасини ҳал қилиш бўйича таклифларнинг турли туманлиги ва улардан энг маъқулини танлаб олиш

Юқоридаги 1 – жадвалда марказлаштирилган ва марказлаштирималган таълим жараёнида содир бўладиган муаммолар ёритилган.

Ўрта махсус таълим тизими муассасаларида олиб борилаётган фаолият юзасидан иш юритиш ҳужжатларида қайд этиладиган ҳисоботлар муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳисобот ишлари давлат томонидан белгиланган ва тасдиқланган шаклларда олиб борилади. Бунинг учун таълим муассасаси ҳужжатлари, иш юритиш ва ҳисоб-китоб яхши йўлга қўйилиши керак. Бундай муҳим ҳужжатлар сирасига ўқувчиларни ҳисобга олиш бўйича юритилаётган ҳужжат киради, унда:

- а) ўқувчилар рўйхати (алфавит асосида);
- б) ўқувчиларнинг шахсий ишлар;
- в) ўқувчиларнинг синфлар бўйича (талабаларнинг курслар бўйича) рўйхати ва бошқалар мавжуд бўлади.

Ўрта махсус таълим тизими муассасаларида иш юритиш ҳужжатлари қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

- 1.Раҳбар органларнинг кўрсатмалари;
- 2.Ташкилий масалаларга оид ҳужжатлар;
- 3.Ўқув масалаларга оид ҳужжатлар;
- 4.Тарбиявий масалаларга оид ҳужжатлар;
- 5.Кадрларга оид ҳужжатлар;

6.Жамоатчилик билан олиб бориладиган ҳамкорлик, таълим муассасасининг, оммавий ишларига оид ҳужжатлар;

7.Молия, хўжалик ишларига моддий таъминот ва таъмирлаш ишларига оид ҳужжатлар;

8.Таълим муассасасидан юборилган ва унга келган ҳужжатлар кайд этиладиган дафтар ва бошқалар.

Мазкур ҳужжатларнинг юритилиши таълим муассаси фаолиятига тўла баҳо бериш, мавжуд камчиликларни аниқлаш имконини беради.

Узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқарилиб борилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг меъёрий-ҳуқуқ базаси ри-вожлантирилади. Молия-хўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг ҳуқуқлари кенгайди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация қўлларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакиллари ўз ичига олувчи васийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

20.2. Ўрта махсус таълим тизимида бошқарув фаолияти тамойиллари

Ўрта махсус таълим тизимида самарали бошқарув бўлмаса, режалаштириш, ташкил қилиш, тарбиялаш, моҳиятлаш ва назорат қилиш вазифасини самарали бажариш мумкин эмас.

Ўрта махсус таълим тизимида бошқариш самарали бўлиши учун ўқув-тарбия жараёни барча иштирокчиларнинг-талабалар, профессор-ўқитувчилар таркиби, ўқув-ёрдамчи соҳа ва маъмурият ходимлари ва бошқаларнинг манфаатлари бундай ранг-баранглиги, табиийки, уларни бошқаришнинг тегишли тамойилларини танлашни талаб қилади.

Ривожланган мамлакатларда 2-жадвалда келтирилган бошқаришнинг саккизта асосий тамойилидан фойдаланилади.

2-жадвал

Таълимни бошқаришнинг асосий тамойиллари

№	Топшириқни бажаришга қаратилган
1	Муаммони ечишга ижодий ёндашув (ўзгаришларга мослашиш учун тафаккурнинг барча имкониятларидан фойдаланиш)
2	Сифат ўзгаришларга эришиш учун мунтазам режалаштириш (сиёсат-режалаштириш-амалга ошириш-мониторинг ишлаб чиқиш)
3	Вазиятдан келиб чиқадиган раҳбарият услуби (вазият ва

4	бўйсинувчиларга мослашув қобилиятини ошириш) Ўзаро ҳамкорлик ва идеалга бир хил муносабат (аниқ кутишлик, фойдали қайта алоқа) <i>Амалга оширувчиларга қаратилган</i>
5	Гуруҳ ва коммуникация аъзоларининг ҳамкорлиги
6	Буюртмачига қаратилган (буюртмачи, манфаатдор шахс талабларини бажариш бўйича хизматларни бажариш)
7	Ижобий фикрлаш, қулай муҳит ва ўзаро алоқа (ҳамкасбларни кадрлай ва ҳурмат қила билиш)
8	Ваколатни бериш ва ходимлар касбий масалакаси ошувига кўмаклашиш (ваколатни бериш ва касбий ўсиш учун шароит яратиш)

2 – жадвалда акс эттирилган 1-4 тамойиллар топширикни бажаришга-буюртмачилар (меҳнат бозори, фан, хизмат кўрсатиш соҳаси, тиббиёт ва х.к.) нинг мувофиқ малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган. Кейинги тўрт тамойил мутахассислар тайёрлаш жараёнини амалга оширувчилар-профессор-ўқитувчилар таркиби, ўрта махсус таълим тизимида ўқув-ёрдамчи соҳа ва маъмурият ходимлари ва бошқаларга қаратилган.

Ижодий ёндашиш тамойили, одатда ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда қўлланилади. *В.И.Кузнецовнинг фикрича*, - «Ижодий ёндашиш тамойилини қўллаш зарурияти қуйидаги шартларни талаб қилади:

Биринчидан, ўқув фаолияти турининг хилма-хиллиги: маърузалар, лаборатория ва амалий машғулотлар, семинарлар, коллоквиумлар, мустақил ўрганиш, малакавий амалиёт, курс лойиҳалари (ишлари) ва х.к. Буларнинг мақсад ва вазифаси турличадир.

Иккинчидан, мақсад ва вазифаси, тузилиши ва мазмунига кўра ўқитиладиган фанлар ва курсларнинг турли-туманлиги.

Учинчидан, ўқитиладиган шахслар индивидуаллиги»¹.

Кўрсатилган ўзига хосликларни ҳисобга олиш учун ҳам таълим олувчилар, ҳам таълим берувчилар фикрлаш имкониятидан унумли фойдаланиш зарур. Бу ўқув-тарбия жараёнини ўтказиш турли унсурларни ва шартларни мослашишга имкон беради.

Фаолияти мунтазам режаслаштириш тамойили ҳам таълим муассасалари турли бўлинмаларда, ҳам ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишда кенг қўлланилади. Бу фаолият самарадор режасини ишлаб чиқариш, уларни бажаришни ташкил этиш, олинган натижаларни баҳолашни кўзда тутди. Ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда бу тамойил

¹ Кузнецов В.И. Управления персоналом. М: Московский Государственной Университет Экономики, статистика и информатика. 2008.

ижодий ёндашиш воситаси ҳисобланади. Ўқитувчи, у ёки бу ўқув фаолият турини бажаришга ижодий ёндашиб, ўзининг ва таълим олувчиларнинг ҳаракатини режалаштириш, буни юқори савияда бажариш, натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш, агар зарурат пайдо бўлса, ўзининг ва талабаларнинг фаолиятини ўзгартириш бўйича хулоса чиқариш.

Раҳбарият услубининг мослашувчанлик тамойилидан тез-тез ўзгариб турадиган вазиятда ишловчи кўпчилик раҳбарлар фойдаланади. Бундай вазият айниқса, ўқув-тарбия жараёнига хос. *В.Каримованинг фикрича*, - «Ўқув фаолиятининг тури ҳар хиллиги, фанлар ва курслар турли-туманлиги, шахслар индивидуал хусусиятларида намоён бўлади. Буларга қўшимча қилиб, яна таъкидлаш мумкинки, айти бир ўқитувчи турли гуруҳ ёки кичик гуруҳларда дарс ўтиши натижасида бошқариладиган жамоа кўпинча ўзгариб туради, устига-устак бу ўзгаришлар турли курс ёки факультетларда, бир неча йўналиш ва ихтисосликларни қамраб олади. Бундай шароитда ўқитувчи ҳар сафар фақат тегишли раҳбарлик услубинигина эмас, балки таълим ва тарбия усулларини ҳам танлаш лозим бўлади»¹.

Бир-бирини тушуниш ва ҳамфикрлик бошқарув гоёсини белгилайди. Бу тамойилдан айниқса, ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда фойдаланиш муҳимдир. Ушбу вазиятда ўқитувчилар ва талабалар қуйидагиларнинг моҳиятини англашда ҳамфикр бўлмоқлари лозим:

- ижтимоий ва шахсий кадриятлар;
- мамлакат иқтисодини ривожлантиришдаги йўналиши ёки ихтисослик;
- ҳам касбий, ҳам маънавий маънода шахсни шакллантирувчи курс ёки фан;
- курс ёки фаннинг мақсад ва вазифаси.

Бир-бирини тушуниш ва ҳамфикрлик даражаси ҳамкорлик муносабатини белгилайди ва ўқув-тарбия жараёнида фойдали қайта алоқа ҳисобланади.

Гуруҳ (жамоа) ҳамкорлик тамойилидан, одатда ўрта махсус таълим тизимида кафедра, лаборатория, факультет, таълим тизимини илмий ва бошқа бўлинмаларни бошқаришда фойдаланилади. Бу тамойил турлича фаол гуруҳий усуллар («оқилона фикрлаш») ни кўзда тутди, ҳамкорлар тенглиги ва ўз фикрини эркин мустақил баён қилиш буларга хос хусусият ҳисобланади. Бундай ҳолда раҳбар нимаси биландир дирижёрни эслатади.

Буюртмачини назарда тутуш тамойилидан ўрта махсус таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда, айниқса, буюртмачининг талабига мувофиқ мутахассисларни ихтисослаштиришда фойдаланилади. Фанларни танлаш бўйича талабалар ҳам буюртмачи ҳисобланади. Мазкур тамойил турли шартномавий ишлар (амалий ИТИ, тажриба-конструкторлик ишлари ва х.к.) ни бажаришда кенг қўлланади.

¹ В.Каримова. Ижтимоий психология. Т., «Фан ва технология» 2012. 68 – бет.

Ижобий фикрлаш ва қулай муҳит тамойилидан ҳамиша бошқарувнинг бошқа тамойилларини ҳам қўшган ҳолда фойдаланилади. Бу тамойил ўрта махсус таълим тизимида ҳамкасбларни кадрлаш ва ҳурмат қилиш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик муносабатини ўрнатишга асосланади.

Ваколатни бериш тамойилидан, одатда, ўрта махсус таълим тизимида ходимлари касбий мукаммаллашувига кўмаклашиш мақсадида фойдаланилади. Бу тамойилдан яна “айланиб қолиш” усулини амалга оширишда, ўқув-тарбия жараёнини бошқаришда қўлланади (тарбия ўқитувчи вазифасини бажаради).

Ўрта махсус таълим тизимини бошқаришда барча усуллар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, улар бир бирини тўлдиради. Бошқарув муваффақиятининг муҳим омили раҳбарлик услуби ҳисобланади.

Одамлар билан ишлай билишлик раҳбарнинг асосий касбий даъвати ҳисобланади.

Н.Боймуродовнинг фикрича, - «Раҳбар услуби раҳбарнинг қуйидагиларга қанчалик мойиллигига боғлиқ:

- бошқа раҳбарлар билан ҳокимиятни бўлиша олишлигига;
- ўзига бўйсунувчилар тадбиркорлигига ва ташаббускорлигидан фойдалана олишига;
- раҳбарлигидагиларга ҳаракат режасини ишлаб чиқариш ва амалга оширишликни ишониб топширишга» [46].

Буларга боғлиқ тарзда раҳбарнинг тўрт хил услубини кўзатиш мумкин:

- автократик;
- бюрократик;
- демократик;
- аристократик.

Мак Грегор назарияси бўйича раҳбарнинг тўрт тури бўлиши мумкин:

-буйруқдор-ходимлар нима қилиши тўғрисида фармойиш беради (автократ услуби);

-маълум қилувчи-сабабларни кўрсатиб, ходимларга буйруқ беради (бюрократик услуб);

-консультант – қарор қабул қилгунча ёки режа ишлаб чиққунча ходимлар маслахатига қулоқ солади (демократик услуб);

-ҳамкор-ходимлар ҳаракат режаси ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ишониб топширади (демократик услуб).

А. Холиқовнинг фикрича, - “Автократ (ёки авторитар) услуб шу билан тавсифланадики, раҳбар ўзининг шахсий (ёки, баъзи бир ким томонидан мажбурланган) ғоя, режа, тавсия ва ҳ.к.ни, буларни жамоа аъзолари у ёқда турсин, ўз муовинлари билан ҳам мутлақо маслахатлашмай амалга оширади. Раҳбарнинг нуқтаи назари бошқаларга тааллуқли фикрлар мажмуига асосланади, аммо у ўз шахсий фикри қилиб олиниб, баён этилади (яъни раҳбар бошқалар фикрини ўзиники қилиб олади). Муаммони гуруҳ бўлиб муҳокама қилишда у ўз фикрини қарор

сифатида таъкидлайди, уни муҳокама иштирокчилари буйруқ сифатида қабул қиладилар. Бундай раҳбарлар ижрочилар билан тўғридан-тўғри, уларнинг бевосита раҳбарларини четлаб, фаолият юритадилар”.¹

Бошқарувнинг автократ услубида, агар раҳбар ўз ходимларига ишонмаса, яхши натижага эришиб бўлмайди. У каттик назорат ўрнатади ва улар муфассал текширади, бу билан ходимлар ташаббусини бўғади.

Бюрократик услуб бошқаришга расмий ёндашишга асосланади ва “меъёр доираси” да амалга оширилади. Бу усул фақат ижрочиларнинг эмас, балки раҳбарларнинг ҳам ташаббусини турли йўриқномалар, кўрсатма ва х.к. лар ёрдамида бўғиб қўяди.

Демократик услуб раҳбарнинг бошқарув фаолияти ва жамоа ўз-ўзини бошқарувининг энг самарали тарздаги нисбатига асосланади. Ҳаракат режасини муҳокама қилиш, қабул қилиш ва амалга оширишда ижрочиларнинг фаол ва онгли иштироки унинг асосий жиҳати ҳисобланади. Юқори самарага раҳбарнинг кўтаринки руҳи ва бўйсунувчиларга ишончи туфайли эришилади.

Умумий жипслик, умуммаваффақиятдан ғурурланиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ҳамфикрлик-самарали ишлаш гарови.

Юқорида таъкидлангандек бошқарувнинг бирор услубини мутлақлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Муҳими-муайян вазиятларга мувофиқ бошқарув фаолиятида уларни қўшиб олиб бора билиш. Масалан, бошқарувнинг демократик услуби ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишда яхши натижа беради, автократ услуби юқори ташкилотлар фармойишларини амалга оширишда, бюрократик усул эса-ҳисоб-китоб ва ҳисоботда.

а) Раҳбар ва ҳокимият

Ҳокимият - бошқалар хулқ-атворига таъсир этиш имкони. Ҳокимият раҳбарга хизмат ваколатига қўшимча тарзда керак, у ўз гуруҳи доирасидаги ва ундан ташқаридаги одамлар билан боғлиқдир. Буни машҳур тадқиқотчи Жон П.Коттер раҳбар ҳокимиятни кучайтириш керак “...чунки, у ҳамиша ўзига бўйсунмайдиганларга боғлиқдир, иккинчидан, шунинг учунки, ҳозирги ташкилотларда, амалда, деярли ҳеч ким унинг узлуксиз буйруқлари оқимига тўла итоат этмайди, фақат у бошлиқ бўлгани учун ҳам”, деб таъкидлайди [35].

Ҳокимият, таъсир ўтказиш воситаси, Френч ва Рэйвен (бошқарув ва етакчилик соҳаси тадқиқотчилари) таснифи бўйича бешта асосий шаклга эга:

1. Мажбурлашга асосланган ҳокимият-кўркитув орқали таъсир этиш: ишдан ажраб қолишдан кўрқиш, хизмат лавозими пасайишидан кўрқиш, мукофотдан маҳрум бўлишдан кўрқиш ва х.к. Кўпчилик раҳбарлар кўркитиш орқали таъсир ўтказиб ижобий натижага эришади, лекин маълум чегарада. Шу билан бирга, одатда салбий натижага ҳам эга бўлади: тортинчоклик, кўрқув, ўч, нафрат, бўйсунувчиларнинг ёвлашуви,

¹ А.Холиков.Педагогик маҳорат.Т.,ТДПУ., “Иқтисод Молия”. 2012. 51- бет.

булар Фред Луганс таъкидлашича, "...меҳнат унумдорлиги пасайишига, ўз ишидан норозиликка, алдашга ва бўйсунувчи томондан айёрлик қилишга олиб келади". Натижада тарозининг палласидаги салбий томон босиб кетади. Олий таълим муассасаларида, уларнинг кўпчилигида кўпинча кўркитиш орқали таъсир этишга ҳаракат қилинади, ўз мақсади-юксак ахлоқ, маданият, маънавиятга эга бўлган рақобатбардош мутахассис тайёрлашга эришишда бундай ҳолда эришиш мумкинлигига ақл бовар қилмайди.

2. Мукофотга асосланган ҳокимият - бўйсунувчилар эҳтиёжини қондириш билан таъсир этиш, рағбат ва моҳиятнинг биргаликдаги ҳаракати. Ҳокимиятнинг бу шакли бўйсунувчилар фаоллиги ва айтгани қилишликларига эришишда ёрдам беради. Бундан менежерлар, кўпинча, касбий спортда фойдаланадилар. Бундай ҳокимият олий маълумотли мутахассислар тайёрлашда самара беради. Муаммо шундаки, бажарилган иш учун айнан мос келадиган рағбат ва моҳиятни қандай (раҳбар фикрича эмас, балки бажарувчи фикрича) топиш керак? Бунда шуни ҳам эътиборга олиш керакки таълим муассасаси раҳбарияти моддий рағбатлантириш учун чекланган ресурсларга эгадирлар.

3. Эксперт ҳокимият - бўйсунувчиларнинг раҳбарга онгли равишдаги иттифоқи. Бу раҳбар ходимлар фикрича юқори малака ва ваколатга, билим ва муваффақиятга эга бўлса мумкин. Ижрочилар юқоридаги сифатларга эга раҳбарга ишонадилар, чунки у муаммо ёки масалани ҳал этишнинг ягона тўғри йўлини танлай олади (мутахассис ҳокимияти). Даволовчи врач ва бемор муносабати шундай ҳокимиятнинг ёрқин мисоли бўла олади. Эксперт ҳокимияти ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишдаги ўқитувчи ва талабалар муносабатига ҳам тааллуқлидир. Талабалар ўз ўқитувчилари юқори малака ва ваколат эгасилиги, катта билим ва тажрибаси борлигига ишонсалар унинг тавсиялари, маслаҳати, кўрсатмалари ва ҳ.к.га бирор муаммони ўрганишда унга онгли равишда ёндашадилар.

4. Эталон ҳокимият (намуна ҳокимият) - раҳбар шахсий хусусиятлари, унинг етакчилик қобилияти асосига қурилган таъсир этиш. Бундай таъсир этиш асосида ижрочиларнинг раҳбарга бўлган қизиқиши, ҳурмат, ишончи ва кучли ёқтириши, шунингдек, унингдек бўлиш ва унга ўхшашлик иштиёқи ётади. Америкалик тадқиқотчи Т.Л. Хадсон шундай таъкидлайди: "Одамлар кўпинча ўзларини ўз хусусияти билан донг қолдирувчилар таъсирини ҳис этадилар ва кимни ўз идеалидаги деб билсалар, ўшанга ўхшаган бўлишни орзу қиладилар". Шундай ҳокимиятда раҳбарнинг ғайриодатий қарорини ҳам ижрочилар зўр қониқиш билан қабул қиладилар.

Бироқ ҳар қандай раҳбар ҳам табиатан шундай етакчи бўлавермайди. Улар нима қилсин? қуйидаги маслаҳатга амал қилсинлар:

- доимо ёдда тутинг, бутун жамоанинг диққат-эътибори Сизга қаратилган;
- ўзингизда етакчилик салоҳиятини ривожлантиринг;

- зарарли одатлардан кутилишга ҳаракат қилинг;
- ўз нутқингизни назорат қилинг;
- ўз ташки қиёфангизга парвосиз бўлманг;
- бўйсунувчиларни ўзингизга мойил қилишга ҳаракат қилинг.

Бу маслаҳатлар ақлий фаолият муассасаларининг раҳбарлари учун айниқса муҳимдир, олий таълим муассасалари шундай муассаса ҳисобланади.

5. Қонуний (ёки анъанавий) ҳокимият бошлиққа бўйсунуш анъанасига асосланган, чунки, шундай қабул қилинган ва бу муносабатларнинг тарихан шаклланган кўринишидир. *Н.Боймуродовнинг фикрича*, - “Ҳокимиятнинг мазкур шаклига мувофиқ ижрочи инсон (эксперт ва эталон ҳокимият) га эмас, балки лавозимга эътибор қаратади. Бу раҳбарнинг бўйсунувчиларга таъсир ўтказишнинг қулай шаклидир (агар улар ушбу анъанага онгли равишда амал қилсалар), чунки бу ундан кўп куч-ғайрат сарф этишни талаб қилмайди: ҳаммаси лавозим даражаси (субординация-паст лавозимдагиларнинг юқори лавозимдагиларга итоат этиши)га асосланган. Бироқ ана шундай “топталган сўкмок” дан ўзгаришлар ва янгиликлар томон бурилиш қийин” [46].

Келтирилган ҳокимият шакллари-назарий асос, олий таълим муассасасига раҳбарлик амалда шуларга асосланади. Ҳокимиятнинг шаклини танлаш асосий мезони, кўпинча улар мажмуи, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга раҳбарлик самарадорлиги ҳисобланади.

б) Раҳбар ва вақт

Раҳбар вақт устидан ҳукмрон эмас, лекин ундан самарали фойдаланиши мумкин.

Ҳар қандай даражадаги раҳбарнинг олдида турган савол қуйидагича: қандай қилиб ишни самарали ташкил этиш ва энг яхши натижага эришиш мумкин? Аввало ўз иш вақтини оқилона тақсимлаш зарур.

Ўз иш вақтини ректор, проректор, таълим муассасалари бўлинмаларининг раҳбарлари, деканлари, кафедра мудирлари, ўқитувчилар ва талабалар тақсимлаши лозим.

Талаба қуйидагилар билан боғлиқ ўз хатти-ҳаракатининг раҳбари ҳисобланади.

-мустақил таълим - ўқитувчи раҳбарлиги остида билим, укув ва малакани мустақил эгаллаш.

-мустақил ишлаш - олинган билим, укув, малакани мустақил қўллаш ва мустаҳкамлаш.

Раҳбарнинг иш вақтини шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин:

-директив вақт-юқори раҳбар (ёки раҳбарлар) томонидан режалаштирилган турли бошқарув билан боғлиқ хатти-ҳаракатларга сарф бўладиган вақт; йиғилиш, кенгаш, планерка, илмий кенгаш мажлиси, кафедра йиғилиши ва х.к.;

-субдиректив вақт ўзининг бошқарув хатти-ҳаракатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга сарфланадиган вақт.

Агар раҳбарнинг директив вақтини унинг бошлиғи режалаштирса, субдиректив вақт раҳбарнинг ўзи томонидан режалаштирилиши ва фойдаланиши мумкин. Бу муҳим ва шу билан бирга мураккаб масала. Уни оқилона хал этиш учун қуйидаги амалий тавсиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

1. Вақтдан фойдаланиш режасини турли вақт birlikлари-йил, учойлик, ой, ҳафтада эришиш белгиланган аниқ мақсад ва тадбирлар ҳар бирини алоҳида эътиборга олиб тузиш зарур;

2. Йил, учойлик, ой, ҳафта, кун бўйича иш тартибини ўзи учун белгилаш ва вақтдан фойдаланиш режасини амалга оширишда ундан онгли тарзда фойдаланиш;

3. Вақтдан фойдаланиш аниқ режасини жуда бўлмаганда учойлик килиб тузиш лозим. Бироқ, жамоа вақтининг 60%ини режалаштириш керак, чунки кўзда тутилмаган тадбирлар чиқиб қолса, улар учун ҳам муҳлат қолиши лозим;

4. Вақтнинг бир ҳафтасидан фойдаланиш режасида унинг якуний натижасини аниқлаш ва зарур ишларни қуйидагича уларнинг аҳамиятлилиги тартибида белгилаш лозим;

-якуний натижага эришиш нуқтаи назаридан зарур ишлар;

-агар вақт етса, бажариш керак бўлган ишлар;

-албатта қилиш керак бўлган ишлар;

5. Ўзингизнинг вақт бюджетингизни мунтазам ўрганинг ва назорат қилинг. Ўз ишингиз мазмуни, бошланиши ва тугашини муайян шаклда қайд этиб боринг. Ўз ишингизни акс эттирувчи жадвал, вақт харитаси, график ва х.к лар ўйлаб топинг ва улардан фойдаланинг; уларни кўринадиган жойга осиб қўйинг ёки компьютер хотирасига киритинг.

6. Кенгаш, мажлис, планерка ва х.к. ларни камроқ ўтказинг, аммо ҳар бир тадбирни пухта тайёрланг.¹

Вақтни оқилона режалаштириш ва фойдаланиш учун фақат юқоридаги тавсиялардан фойдаланибгина қолмай, балки аждодларнинг вақтга бўлган муносабат хусусидаги умумий тажрибаларидан ҳам хабардор бўлиш лозим. Бу тажриба “Раҳбар ва вақт” эслатмасида келтирилди.

“Раҳбар ва вақт” эслатмаси.

1. Ўзи ва бошқаларни уюштириш -демак, вақтни тасарруф этишни билиш.

2. Ҳаммасини ўз вақтида бажариш-турмуш ва ишдаги улкан кадрят.

3. Сиз вақтга қандай муносабат кўрсатсангиз, ундан ҳам худди шундай муносабат қайтади.

¹ Кузнецов В.И. Управление персоналом. М: Московский Государственной Университет Экономики, статистика и информатика. 2005. 19 стр.

4. Раҳбар-вақтдан унумли фойдаланишга ва бошқаларни ҳам шунга ўргатишга мажбур ташкилотчи.
5. Нимадир ўз вақтида қилинмаса, ўзи бажарилиши учун анча кўп куч ва вақт талаб этади.
6. Фақат вақт кам пайтдагина эмас, балки вақт кўпида ҳам ишлай билиш лозим.
7. Раҳбар вақт устидан хукмронлик қила олмайди, аммо ундан унумли фойдаланишга кодир.
8. Ҳар қандай вақт ичида керакли ва фойдали нимадир қилса бўлади.
9. Ҳозир ва шу бугун қилиш мумкин бўлган ишни, яхшиси кейинга ёки эртага қолдирмаслик керак.
10. Раҳбарнинг буюклиги вақт кам ёки мутлақо йўқ пайтда уни топа билишда.
11. Энг қиммат тўлов қўлдан кетган ёки чиқарилган вақт учун тўловдир.
12. Энг кўп тарқалган жиноят вақтни ўғирлаш, самарасиз сарфлаш ва увол қилишдир.
13. Вақтдан фойдаланишни ўрганиш - мақсад сари йўл тутиш.

Бизнингча, ўрта махсус таълими тизимида фаолият юритаётган раҳбар кадрларни замон талаби даражасида тайёрлаш учун махсус режа, дастур, услубий воситалар, махсус жиҳожланган замонавий лабораториялари мавжуд бўлган факультет очиш мақсадга мувофиқ. Бу ерда монитор тизимини амалга ошириш, миллий менталитетнинг фойдаланиши, ғоялар банкига эга бўлиш имконияти мавжуддир. Фақат мана шу йўл билан конституцияга хиёнат- бу ватанга, ҳалққа хиёнат эканлигини ҳар бир раҳбар онгига сингдириш мумкин.

Юқоридагиларга хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, раҳбарнинг асосий касбий фазилати-одамлар билан ишлай олиш. Бу танланган тамойиллар ва бошқарув услубига, шунингдек, бошқалар хулқига унинг таъсири, тавсифини белгиловчи раҳбарнинг ҳокимлик шаклига боғлиқлик бўлишини удалай олишидир. Раҳбарнинг вақтни оқилона режалаштириши ва ундан фойдалана билиши самарали бошқарувнинг муҳим шартидир.

20.3. Касбий таълим тизимини бошқариш усуллари ва уларнинг аҳамияти

Раҳбар психологияси, бошқарув қобилияти, услуби, муомала мароми, шахслараро муносабатлар, ижтимоий тренинглари, ишбилармонлик ўйинлари, фикрлар жанги бўйича раҳбар кадрларга умумий тушунча, шунингдек, амалий кўрсатма бериш зарурати бир талай эҳтиёжлар негизидан келиб чиқади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлашича, - "...тарбиячилар замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқда. Бу миллий кадрлар тайёрлашнинг бир томони, унинг иккинчи томони эса

рахбар кишиларнинг маънавий, рухий кифасидаги камчиликларида мужассамлашгандир.

Рахбарлик лавозимида мукамал шахсий фазилатларга, мустаҳкам миллий характерга, бошқарувчилик қобилиятига, муайян муомала маромига ғоявий-сиёсий эътиқодга, миллий кифа, миллий ҳис-туйғулар, анъаналар, расм-русмларни ўзлаштиришга эга бўлган мутахассислар ўтиришлари лозим. Токи ижтимоий таракқиёт уларнинг измида эканлигини тушуниб етсинлар”¹.

1. Ишонтириш бошқаришнинг асоси сифатида. Бошқарув - аниқ мақсадга йўналтирилган ишончсиз тасаввур ҳам этиб бўлмайдиган одамлар билан ишлаш.

Ўрта махсус таълим тизимида фаолият юритаётган замонавий рахбар олдида қўйган вазифаларга эришиш мақсадида бўйсинувчиларга ўз таъсирини ўтказиш учун ишонтириш воситасидан фойдалана олиши лозим. Ишонтириш воситаси бажарувчи онгига, шундай қилса, яъни рахбар хохлагандек, у ўз шахсий манфаатини ҳам қаноатлантирган бўлишини етказди, бугун бажарувчи манфаатдор шахсга айланади. Бу ҳақда образли қилиб М. Мексон шундай деган эди: «Бажарувчига нима қилиш кераклигини айтмайдиган, ишонтириш йўли билан таъсир этадиган рахбар унга нима қилиш зарурлигини «сотади». Шунда бажарувчи ниманидир ғояси ўзига ҳам тегишлилигини хис этади”².

Ишонтириш усули таъсир этиш тўрт турини ўз ичига олади: *маълум қилиш, тушунтириш, исботлаш ва рад этиш.*

Маълум қилиш-бажарувчи нима учун ҳаракат қилиши лозим бўлса, шуни унга билдириш. Бундай хабардор қилиш бажарувчи, аввало, ишга киришишдан олдин нима қилиш лозим-у, у шуни удралайдими, ишонч ҳосил қилиш учун зарур.

Агар ҳаракат қилиш арзийди ёки арзимади ёки мумкин эмас деб ҳисобласа, ҳеч ким ҳаракатни бошламайди.

Ишонтириш жараёнида маълум ёилиш кўпинча хикоя тарзида амалга оширилади, у икки хил тузилади:

- индуктив, бунда айрим омиллардан умумлашган томон борилади;
- дедуктив, умумий қондалардан айрим омиллар томон борилади.

Индуктив баён этишда хикоя бошида, қоидага кўра, савол қўйилади, хикоянинг бутун кейинги қисми бунга жавоб бўлади. Бундай ҳолда асосий маълумот анча фаол қабул қилинади. Дедуктив йўлида барчаси аксинча-савол асосий фикр баён этиб бўлингандан сўнг қўйилади.

¹ Каримов И.А. 2012 – йил Ватанимиз таракқиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎзР ВМнинг мажлисидаги маъруза. "Халқ сўзи", № 14, 20.01.2012.

² www.ZiyoNet.uz

Шуни таъкидлаш жоизки, холерикка маълумот беришда (унга рухий фаолиятнинг тезкор суръати хос) баён килишнинг дедуктив усулидан фойдаланиш мақсадга мувофик, флегматикка эса (рухий фаолиятнинг суст суръати хос) – индуктив усул кўл келади.

Ҳамма тоифадаги раҳбар учун тушунтириш маълум килиш каби муҳим аҳамиятга эга. *Йўриқлов тушунтириш усули* - қандайдир йўриқни ўзлаштиришга ундовчи бажарувчи фаолиятини «ипидан нинасигача» бирма-бир уқдириш. Бундай ҳолда тингловчининг хотираси ишга тушади. Тушунтиришнинг бундай тури ижодий фикрловчи ва бадииятига мойил шахсларга жуда ҳам ёқавермайди.

Баёний тушунтириш усули - жонли тарзда омилларни мантикий кетма-кетликда (худди хикоядагидек) изхор этиш, бу муайян хулосага олиб келади. Бундай тушунтиришда раҳбар овоз, имо-ишора, юз ифодасидан моҳирона фойдаланиши лозим.

Мулоҳазавий тушунтириш усули - раҳбар бажарувчилар олдида бир вақтнинг ўзида «тарфдорлар», «қаршилар» деган саволни кўндаланг килиб кўяди, бу бажарувчиларни фикрлашга (мажбур этмаган ҳолда) ундайди. Мазкур вазиятда бажарувчилар у ёки бу масалани ҳал этишда ўзларининг ўрни борлиги ва бунда иштирокчиларини ҳис этадилар. Тушунтиришнинг бундай усулидан ижодчи тоифадагилар билан ишлашда фойдаланган маъқул.

Исботлаш усули - мантиқ қонуниятлари-айният, зиддият, учинчисини истисно қилиш, етарлича асослаш-асосига қуриладиган ишонтиришда таъсир ўтказиш тури. Бундай таъсир этишда, одатда, бирор тезис (фикр ёки қоида) илгари сурилади, унинг ҳақиқатлиги исботланиши керак, шунинг учун исбот, далил ва (ёки) тезисни исботлаш учун асос излашга тўғри келади. Бу таъсир одатда намоёиш этиш дейилади.

Рад этиш усули - бу ҳам исботлашга ўхшаган мантикий тарздаги таъсир этиш тури. Бироқ рухий жиҳатдан олганда булар ўртасида катта фарқ бор. Рад этиш, исботлашдан фарқли ўлароқ, одамлар ҳулқ-атворидаги қотиб қолган қараш ва одатларни танқид қилиш, эскиларни йўқотиш ва янгиларини шакллантириш билан боғлиқ. Бу тарафкашларда кучли қаршилиқ уйғотади. Шунинг учун эскининг тарафдорларини ишонтириш ва янгини қабул қилидириш учун кучли далил, исбот ва (ёки) даъво керак бўлади. Бурчакка тикиб қўйилган тарафкаш қурашдан воз кечиши мумкин.

Бажарувчиларни ишонтиришга асосланган юқорида кўриб ўтилган тўрт таъсир этиш туриш амалда тегишли йўсинлар билан тўлдирилади. Кейингилар вазият ва бажарувчилар шахсига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Бажарувчиларга таъсир этиш йўли билан самарали таъсир этиш учун қуйидаги тавсиялардан фойдаланиш мақсадга мувофик:

1. Бажарувчи эҳтиёжини аниқ белгилашга ҳаракат қилиш ва унга ҳамдам қилиш.

2. Суҳбатни шундай фикр билан бошланки, у бажарувчининг кўнглига мос тушсин.

3. Катта ишонч ва хотиржамлик туйғусини уйғотадиган образ яратишга ҳаракат қилинг. Дўстона муносабат кўрсатинг.

4. Ходим ўз фикрини айтиб олишига йўл беринг.

5. Диалогингизни шундай тузингки, ходим бошданок «ха» деб жавоб беришга мажбур бўлсин.

6. Шундай қилинки, ходим ғоя ўзига тааллуқлилигини хис қилсин.

7. Ўз манфаатингизни кўзлаб эмас, балки ходимлар манфаати нуқтаи назарини фахмлаб гапиринг.

8. Агар бир неча хил фикр айтилса, энг кейин гапиришга ҳаракат қилинг; сизнинг далилларингиз тингловчиларга таъсири бўйича кўпроқ имкониятга эга бўлади.

9. Ўз ғоянгизга кўрғазмалилик башх этинг, уни намойиш қилинг.

Тавсияларга яна қўшимча қилиш мумкин; бажарувчи (таъсирланувчи):

-таъсирга қандайдир эҳтиёжни қониқишлик ёки қоникмаслик манбаи сифатида қараши керак;

-бажариш эҳтиёжни қондириш ёки қондирмасликка олиб келиш эҳтимоли юқори даражада деб ҳисоблаши;

-куч - ғайратининг раҳбар кутганини оқлаш имкони юқори даражада деб ҳисоблаши.

2) Бўйсунувчилар билан ўзаро муносабат. Ҳар бир бажарувчининг шахсий кадр - қиммати раҳбар учун дахлсиздир.

Ўзаро муносабатларда бўйсунувчилар шахсиятига бирон-бир эҳтиёжсизликка йўл қўйиш, унинг фуқаролик ҳуқуқини чеклаш мумкин эмас. Кадр -ўз инсонлик шаънини тан олиш.

В.А.Петровскийнинг фикрича, - “Раҳбар ва бўйсунувчилар ўртасидаги расмий ва норасмий муносабатларнинг мустаҳкамлиги жамоа аъзоларининг биргаликдаги меҳнат фаолиятдан қанчалик маънавий қониқиш ҳосил қилишларига боғлиқ. Агар улар ўзига нисбатан адолатли ва тўғри муносабат мавжудлигига ишонқирамасалар, унда бу уларнинг ўзаро муносабатларига салбий таъсир этади. Натижада раҳбар ўз фаолиятида муваффақиятга эриша олмайди ва низолар, келишмовчиликлардан четлаб ўта олмайди”[48].

Бўйсунувчилар билан ўзаро муносабат ижобий бўлиши учун ҳар қандай раҳбар, шу жумладан, ўрта махсус таълим тизими соҳасидаги, бошқарувнинг жаҳон тажрибаси асосидаги тавсияларга амал қилиши мақсадга мувофиқдир.

1. Ҳар бир ишда адолатли бўлинг. Сизни мукофот ҳаддан зиёд яхши бўлганлиги ёки жазодан кўрққанлик учун эмас, балки ҳар иккиси ҳам адолатли тақсимлангани учун ҳурмат қиладилар.

2. Ходимларга эътиборли бўлинг. Улар билан самимий қизиқинг. Улар ҳақида иложи бориша кўпроқ билишга ҳаракат қилинг: оиласи, қизиқиши, муаммолари ва х.к. кийин дақиқаларда уларга ёрдам қўлини чўзинг, қўллаб-қувватланг.

3. Бўйсунувчилар билан мулоқотда воизлик қилишдан сақланинг. Сабрли тингловчи бўлинг. Бошқаларни ўзи ҳақида сўзлашга рағбатлантиринг. Содда тутинг, инсон учун ўз номининг янграши инсон нутқи товушлари ичида энг ёқимли ва муҳим садодир.

4. Сертабассум бўлинг. Сизнинг жиддийлигингиз атрофдагиларни хавотирга солади ва нари итаради.

5. Танқидда жуда хушёр бўлинг. Бўйсунувчининг дилини оғритманг. Танқид қилишдан олдин унга ўз камчилигингизни айтишдан тортинманг. Одамлар эътиборини ўз хатоларига жалб этишда пардали қилиб, мулойимлик билан муносабатда бўлинг.


6. Инсонни ҳар сафар, гарчи озгина ютукка эришган бўлса-да, тез-тез мактаб туринг. Бўйсунувчининг хатоси ва адашишилигини таъкидлашга тўғри келган ҳолларда, сиз унинг ютуқларини кўрсатишдан ва афзалликларини самимий тан олишдан бошланг.

7. Ҳеч кимга буйруқ оханги ёкмайди, буни доимо эсда тутинг. Буйруқ бериш ўрнига савол бериш усулидан фойдаланинг. Масалан, «Шундай қилинг» ўрнига «Сиз нима деб ўйлайсиз, шундай қилса яхши бўлса керак?»

8. Кўпинча ўзингизни бўйсунувчининг ўрнига қўйиб кўринг. Муаммо ва топшириққа унинг нуқтаи назари билан қарашга ҳаракат қилинг, ходимлар нуқтаи назари ва фикр-мулоҳазасига ҳурмат билан муносабатда бўлинг. Шундай қилингки, бўйсунувчи учун сиз айтганингизни бажариш малол келмасин.

3) Мотивлаш. Фаолиятнинг самарадорлиги мотивлаш даражасига боғлиқ.

Мотивлаш усули - муайян мақсадга эришишга йўналтирилган бирор шахс (айрим шахс ёки шахслар гуруҳи)нинг фаолиятига рағбатлантириш жараёни. Асарда таъкидланишича, рағбатлантириш кишиларда меҳнатга иқтисодий, идроклаш ва ахлоқий қизиқиш уйғотишга қаратилгандир, бу уларни моддий таъминлаш омили ва ўзларини ҳамда ўз муносабатларини ишчанликни таъминловчи ижтимоий ақл борасида «гуманитарлашни» таъминлаш сифатида намоён бўлади. Биз 12- чизма орқали мотивлаш тарзини ёритиб ўтамиз.

Мотивлаш асослари

Юқоридаги 12 - чизмада мотивлар ички, ташқи ва жамоани эмоционаллаштирувчи бўлиши келтирилган. Ўз-ўзини намоён этиш, интизомлик ва ўзини ўзи бошқаришлик ички мотивлар ҳисобланади.

Ташқи мотивлар - булар:

- моддий рағбатлантириш(тоифасини ошириш, шахсий кўшимча қилиш, мукофот ва ш. к.);
- хизмат лавозими бўйича юқорилаш;
- маънавий рағбатлантириш (миннатдорчилик эълон қилиш, тақдирлаш ва х. к.);
- мажбурий чоралар (мунтазам назорат, меҳнат қонунчилигига мувофиқ жазолаш).

Жамоани эмоционаллаштириш куйидагиларни белгилайди:

- ✓ ошкоралик ва хабардорлик;
- ✓ мажбуриятларни аниқ ва асосланган ҳолда тақсимлаш;
- ✓ жамоанинг барча аъзоси мақсадни аниқ тушуниши;
- ✓ барчанинг режалаштиришда иштирок этиши;
- ✓ яхши меҳнат ҳамиша рағбатлантирилишини тушуниш;
- ✓ раҳбарлар томонидан аниқ ташкил этиш ва боқариш ва бошқалар.

Мотивлаш жуда мураккаб жараён, чунки у турли туман рухий, ахлоқий, иқтисодий, ижтимоий ва б. омилларга боғлиқ. Бундан ташқари ҳар бир инсон ўзига хос мотивация тузилишига эга. Шунинг учун инсонни фаол ишлашга рағбатлантиришнинг ягона воситаси йўқ.

Бирок, кишилар хулк - атворини белгиловчи баъзи умумий қонуниятлар тажриба ёрдамида аниқланган. Ҳар бир раҳбар мазкур қонуниятларни яхши билиши ва ўз бошқарув фаолиятларида улардан оқилона фойдаланиши лозим.

Бошқарув фаолияти амалиётни режалаштиришдан ва уларни бажариш учун шарт-шароит яратишдан бошланади. Шу маънода мотивлаш билан боғлиқ қуйидаги тавсиялар раҳбар учун фойдадан холи эмас.

1. Ташкилотнинг мақсад ва имкониятлари муносиб бўлиши керак.

2. Якуний натижага фақат аниқ мақсадгина олиб келади.

3. Фаолият чуқур ўйланган бўлиши лозим.

4. Жамоа ўртасида мажбуриятлар ва бурчлар аниқ белгиланиши, меҳнат меъёрлариниши ва чегараланиши зарур.

5. Жамоада ҳар бир киши ўзини кўрсата билиши ва имкониятларини юзага чиқариши учун ақлий муҳит, шароит бунёд этилиши керак, яхши меҳнат шароити, ишдан қониқошлик даркор.

6. Интилиб ва сифатли ишлаётган ходимга уни рағбатлантирмай туриб, бошқалар бажармаган ишни кўшимча қилиб топширмаслик керак. Бу уни тез ва сифатли ишлашга бўлган иштиёқини сўндиради, бошқасида эса боқимандачилик кайфиятини уйғотади.

7. “Билдим дедим тутилдим...” тамойилига амал қилмаган маъқул.

Бажарувчиларнинг ишини ташкил қилар экан, раҳбар буларнинг аҳамиятини таъкидлаши лозим, хусусан:

-бажарувчи ўзи кераклигини, ғояси ва таклифлари эътиборга олинишини хис этмоғи керак;

-меҳнат натижаси эгасиз қолмаслиги лозим, чунки кўпчилик ўзининг кадр-қимматини исботлашни хоҳлайди ва ўз меҳнатининг оқибати учун жавоб беришга тайёр туради.

Ўзига бўйсинувчилар юқори меҳнат самарасига эришишлари учун раҳбар мотивлаш бўйича қуйидаги тавсияларга амал қилиши лозим:

-бажарувчилар малакасини мунтазам ошириш учун шароит яратиш, мамлакатдаги ва халқаро тажрибани ўрганиш, конференция ва семинарларда иштирок этиш;

-иш жараёнида бажарувчилар янги билимларни эгаллашларини таъминлаш.

Нихоят, раҳбар меҳнатни тўғридан-тўғри рағбатлантиришдан унумли фойдаланиши керак-бу қуйидагилардан иборат:

-моддий ва маънавий рағбатлантириш тарзида бажарувчилар хизматини тан олиш;

-ташаббусни рағбатлантириш. Агар бирор ходимнинг таклифи жоиз бўлмасада, уни маъқуллаб қўйинг. Акс ҳолда у умуман ҳеч қандай таклифни ўртага ташламайдиган бўлиб қолади.

Мотивлаш мажбурий чораларни ҳам ўз ичига олади, улар орасида мунтазам назорат юқори натижали ҳисобланади.

4) Назорат. Назорат - бошқарувнинг муҳим воситаси, у юзага чиқадиган муаммоларни улар хали жиддийлашиб улгурмасиданок аниқлаш ва хал этиши учун зарурдир.

Мунтазам назорат - «рахбар-жамоа» тизимидаги ўзига хос «қайтар алоқа». У автоматик бошқарув системаларидаги қайта алоқа сингари умуман жамоа ёки унинг айрим аъзосининг муайян вазифани хал этишдан огохланганлигини ўз вақтида аниқланиши керак. Шундан кейин рахбар фаолиятнинг амалдаги ахволини режалаштирилгани («такқослаш курилмаси») билан қиёслайди ва бошқариш учун қандай ҳаракат қилишни белгилайди. Бу назорат функциясини «механик» тасаввур этишдир. Амалда эса назорат туфайли фақат фаолиятдаги четга чиқишликгина эмас, балки бундай четга чиқишликни сабаби, уларни бартараф этиш йўллари белгиланади.

Назорат юқорида қайд этилган функцияларни амалга ошира олиши учун, у қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. **Стратегик йўналиш** – ташкилот ёки унинг бўлинмалари устиворлиги ва мақсадларини акс эттиради, уларни қўллаб-қувватлашни билдиради. Майда-чуйда нарсалар устидан назоратни ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмас.

2. **Натижаларни мўлжаллаш**-ташкилот олдидаги аниқ мақсад ва вазифаларни хал этиш.

3. **Назоратнинг ўз моҳиятига мувофиқлиги**-ташкилот иши муҳим кўрсаткичларини объектив ўлчаш ва ҳаққоний баҳолаш.

4. **Ўз вақтидаги назорат** - ташкилот фаолиятини текширишнинг вақт оралиғи натижавийлиги нуқтаи назаридан самарадорлигини белгилаш.

5. **Назоратнинг мослашувчанлиги**-ташкилот фаолиятидаги содир булаётган муҳим ўзгаришларга мослаша олишлик.

6. **Назоратнинг соддалиги**-назоратни текширувчилар ва текширувчилар томонидан тушунилиши.

Ўрта махсус таълим муассасасидаги мунтазам назорат унинг профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув-тарбиявий жараён, илмий-методик ва илмий тадқиқот ишлари каби фаолият турларини ўз ичига олиши лозим.

Ўқув-тарбиявий жараён назоратининг ўзига хос томони бўлиб, уни режалаштириш ва ўқув-методик таъминлаш ҳисобланади.

Н.Файзуллаеванинг фикрича, - “Ривожланган мамлакатларда таълим тизимини бошқаришда ўз-ўзини (ёки баҳолаш) муҳим ўрин тутаяди, бу ўз-ўзини аттестациядан ўтказиш доирасида амалга оширилади. Бу таълим тизими фаолияти турли соҳалари бўйича ихтиёрий «қайта алоқа» дир. У кўп йўналишли бўлиб ўз ичига ҳам ишлаб чиқарувчилар (илмий-педагогик

ва педагогик кадрлар)ни, ҳам истеъмолчилар (талабалар, уларнинг оналари, кадрлар буюртмачилари)ни олади”.¹

Биз амалиёт давомида Чирчиқ шаҳар ижтимоий – иқтисодий касб –хунар коллежида фаолият юритаётган раҳбар ходимларнинг фаолиятини тахлил қилган ҳолда раҳбар ходим иши самарасини камайтирувчи омиллар ва раҳбар ходим иш самарасининг унинг ёрдамчилари сабабли камайтириш факторларини ўрганиб чиқдик.

Раҳбар ходим иши самарасини камайтирувчи омиллар. Раҳбар ходим иши самараси биринчидан ўзига боғлиқ бўлса, иккинчидан, унинг ёрдамчиларига боғлиқ қуйида раҳбар ходим иши самарадорлигини камайтирувчи айрим факторларни келтириб ўтамиз.

Шундай қилиб раҳбар ходим:

1. Ўзини ҳам, коллективни ҳам иш режасини тузмайди.
2. Аввало ўзига ёқадиган ва таниш бўлган ишни бажаради.
3. Ўз ёрдамчиларига ишонмайди, уларнинг ишини ҳам ўзи бажаради.
4. Иш учун ўз ишчиларидан фойдаланишни билмайди.
5. Ходимлар ишини майда-чуйдасигача ўзи бажаришига интилади, умумий мақсад ва масалаларни аниқлаш билан шуғулланмайди.
6. Ёрдамчилари ўрнига ўзи қарорлар қабул қилиб, уларни маҳкам ушлаб туришга ҳаракат қилади, амалда ёрдамчилар ўсишига тусқинлик қилади ва ўзини ортиқча иш билан қийнайди.
7. Ўз ёрдамчиларини яхши билмайди, уларни иши билан қизиқмайди.
8. Ўз ёрдамчилари билан очик - ойдин гаплашишни билмайди ёки гаплаша олмайди.
9. Ўз ходимларини қобилиятига ишонмайди.
10. Ўз ишларини муҳим даражасини аниқлаб чиқа олмайди ва иш куни тартибини белгилаб чиқолмайди.

Раҳбар ходим иш самарасининг унинг ёрдамчилари сабабли камайтириш факторлари

1. Ўз раҳбарига мурожаат қилиш учун тайёрланган масалани ҳар томонлама тайёрламай, раҳбарнинг ишига халақит беради, бекорга вақтини исроф қилади.
2. Ўзи қарор қабул қилишга кўрқиб доимо раҳбарга мурожаат этади.
3. Ўз иши вақтидан тўғри фойдаланишни ўйламайди, топширилган топшириқларни ўз вақтида бажармайди ва шу тариқа раҳбарнинг режали ишларига тўсқинлик қилади.
4. Ўз иш фаолиятини, ҳақ - ҳуқуқларини аниқ билмайди.
5. Ўзи бажара олмайдиган иш билан банд бўлиб, конкрет топширилган топшириқни бажариш билан шуғулланмайди.
6. Ўз раҳбари билан иш соҳасида суҳбатлашиш қобилияти йўқ.
7. Олинган топшириқларни чуқур тахлил қилишга ўрганмаган, ҳар доим тайёр, аниқ топшириқ ва йўриқнома асосида ишлашга ўрганган.

¹ Н.Файзуллаева. Таълим менежменти ва иқтисодиёти. Маърузалар матни. Т.ТДИУ.2012.72 – бет.

8. Ўз ҳаётида нимага интилаётганини билмайди.

Бугунги кунда ўрта махсус таълим тизимини бошқаришда ўз-ўзини баҳолаш усули муҳим ўрин тутди, бу ўз-ўзини аттестациядан ўтказиш доирасида амалга оширилади. Бу таълим тизими фаолияти турли соҳалари бўйича ихтиёрий «қайтар алоқа» дир. У кўп йўналишли бўлиб ўз ичига ҳам ишлаб чиқарувчиларни, ҳам истеъмолчилар (талабалар, уларнинг ота-оналари, кадрлар буюртмачилари)ни олади.

Қисқа хулоса

Хулоса қилиб, шунини айтиш мумкинки, таълим тизими ҳаёт билан, давлатимиз сиёсати билан боғлаш принципи Ўзбекистон ўқув муассасасилари, касб-хунар коллежлари олдида турган барча назарий ва амалий вазифаларни ҳал этишда асосий принцип бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Ўрта махсус таълим тизимида бошқариш самарали бўлиши учун ўқув-тарбия жараёни барча иштирокчиларнинг-талабалар, профессор-ўқитувчилар таркиби, ўқув-ёрдамчи соҳа ва маъмурият ходимлари ва бошқаларнинг манфаатлари бундай ранг-баранглиги, табиийки, уларни бошқаришнинг тегишли тамойилларини танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта махсус таълим тизимини бошқаришда ишонтириш, мотивлаш ва назорат бошқарувнинг таъсирчан усули ҳисобланади. Ишонтириш усули раҳбарга бажарувчини у ёки бу масалани ҳал этишдан манфаатдор қилишда кўмаклашади. Ходим фаолиятининг самарадорлиги ички ва ташқи мотивлар, жамоани эмоционаллаштириш билан белгиланадиган мотивлаштириш кучига боғлиқдир. Назорат усули раҳбарга бажарувчи (ёки жамоа) фаолиятидаги четга чиқишларни ўз вақтида аниқлашга ва бошқарувда тегишли қарор қабул қилишга имкон беради. Раҳбарнинг ходимлар билан ўзаро муносабатининг тавсифи бошқарув усулини «силлиқлаштирувчи» ҳисобланиши аниқланди.

21- мавзу. Ўзбекистон Республикасининг глобаллашув шароитида касб таълими муассасасини бошқариш

Режа:

- 21.1. Глобаллашув шароитида ўқув-тарбиявий жараёни бошқариш.
- 21.2. Педагогик жамоа – ўқув муассаси бошқаришнинг объекти.
- 21.3. Педагогик фаолиятни фаоллаштириш.
- 21.4. Таълим муассасини бошқариш концепцияси.
- 21.5. Педагогик фаолиятни бошқариш дастури.
- 21.6. Таълим муассаси бошқарувининг педагогик йўналтирилганлиги.
- 21.7. Маънавий-ахлоқий, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида раҳбар ва унинг шахси.
- 21.8. Бошқарув фаолиятини амалга оширишда маркетинг.

21.1. Глобаллашув шароитида ўқув-тарбиявий жараёни бошқариш

Мустақил Республикамиз амалиётида қўлланаётган қомусимизда белгилаб берилган қонунларимиздан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳар томонлама камолга етган баркамол инсон учун зарур бўлган маънавий қирралари - иймон, эътиқод, меҳр, ватанпарварлик, инсонга чексиз муҳаббат, дўстлик, мурувватлилик, қаноатлилик ва сабр-тоқатлилик, саҳийлик, миллий ғурур каби фазилатларни шакллантириш зарурдир.

Тарбиядан кўзланган асосий мақсад, ҳар томонлама маънавий ривожланган ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Шунга кўра тарбиявий фаолиятнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва усуллари айнан ана шу мақсадга эришишни тақозо этади.

Тарбиявий иш маълум мақсадни кўзловчи ва узлуксиз давом этадиган жараёндир. Кўпинча бир неча мақсад ва вазифа бирданига бажарилади, бу эса ўқувчилар жамоасининг ақлий ва ахлоқий ўсишини таъминлайди.

Қуйида ўқув-тарбия жараёнининг қонун-қоидаларини кўриб чиқамиз.

1. Тарбиянинг маълум бир мақсадга қаратилганлиги қоидаси болалар жамоасининг ривожланиш истиқболларини кўра билишга ёрдам беради. Ҳар бир тарбиявий тадбир олдиндан пухта ўйланган, муайян мақсадни амалга оширишга бўйсундирилган бўлса, унинг ғоявий-сиёсий даражасини кўтаради, танланган усул ва воситалар мақсадга мувофиқ келади, уларнинг тарбиявий таъсири юқори бўлади.

Тарбия мақсадини белгилашда жамият талаблари, давр нафаси, миллий хусусиятлар асос қилиб олинади. Тарбиянинг мақсади - ҳар томонлама камол топган - мукамал инсон шахсини вояга етказишдан иборатдир.

Ўқитувчилар жамоаси ва ҳар бир ўқитувчи ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, тарбиявий ишларнинг вазифаларини белгилайди, унинг мазмунини аниқлайди ҳамда мактаб иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда ёш йигит-қизларни тарбиялашнинг шакл ва услубларини танлайди.

2. Тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик қоидаси; Умумий таълим мактабида янги педагогик тафаккур эгаси, муносиб шахс, ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчига эҳтиёж туғилади. Зеро ўқитувчининг билим савияси, маънавийти жамиятни ҳаракатга келтирувчи, таракқиётга элтувчи етакчи омиллардан биридир. Ўқитувчи ўзининг инсоний фазилатлари, юриш-туриши, хатти-ҳаракати, кийиниши, одоб-ахлоқи ва муомаласи билан ўқувчи қалбига кириши, уни эзгулик сари йўналтириши зарур.

Бир бутун педагогик жараёнда таълим доимо тарбиявий вазифаларни, тарбия эса ҳаётни билиш, унга тайёрланишдек масъулиятли вазифани бажаради. Тарбиянинг вазифалари кўп қирралидир. Таълимнинг асосий вазифаси ўқувчи-талабаларни билимлар билан қуроллантириш бўлса, тарбияда ўқувчи-талабанинг жамиятимизда қабул қилинган ахлоқ-одоб

қоидаларига мос келадиган эътиқодини, ахлоқий малака ва кўникмаларини, эҳтиёж ва интилишларини таркиб топтириш муҳимдир.

Ҳамма даврларнинг илғор кишилари тарбияга юқори баҳо берганлар. Халқ донишмандлари ва мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Завкий, Фуркат, Аваз Ўтар, Ҳамза, Абдулла Авлоний инсон камолотини илм-фан ва тарбияда деб билдилар.

Тарбияшунос олим Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида инсон камолотида тарбиянинг ролини алоҳида таъкидлаб шундай деганди: «Жаноби ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдод ва қобилиятни, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани айирадиган қилиб яратган. Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга етказмоқ тарбия воситасида бўладир. Агар бола яхши тарбия топиб, бузук хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида макбул, бахтиёр бир инсон бўлиб чиқади. Агар тарбиясиз, ахлоқи бузилиб ўсса, насиҳатни қулоғига олмайдиган, ҳар хил бузук ишларни қиладиган, нодон, жоҳил бир расвойи олам бўлиб қолади. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан бериб, катта қилмоғи лозимдир. Зероки, амри шарифи узра хулқимизни тузатмоққа амр қилинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядир. Ахлоқимиз биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордир»¹.

Ўқув жараёнини бошқариш нисбатан осон, унинг натижалари дарҳол намоён бўлади. Тарбиявий жараён эса ғоятда мураккаб.

Шуниси қувонарлики, тарбиявий ишларга янгича муносабат мустақиллик маънавият негизи асосида ҳукумат қарорларида, халқ таълими ислохотларида, олимлар ва ижодкор ўқитувчиларнинг изланишларида ўз аксини топмоқда. Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимидаги барча ўқув муассасалари ёш авлод онгида миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш, маънавиятни миллий меросимиз билан бойитиш, ёш ватанпарварларни тарбиялашда янгича иш услублари асосида ижодий ёндашмоқдалар.

Маълумки, ўқув тарбиявий жараёни бошқариш педагогик жамоа фаолиятини ташкиллаштириш орқали амалга оширилади. Шу сабабли ўқув муассасасини бошқаришнинг асосий объекти педагогик жамоа ҳисобланади.

Ижтимоий бошқарувнинг асосий моҳияти қуйидаги икки асосий масалани ечишга қаратилади:

1. Педагоглар фаолиятини йўналтириш.
2. Педагоглар фаолиятини фаоллаштириш.

Биринчи масалани ҳал қилиш учун бошқарув субъекти ходимлар фаолиятини талаб этиладиган йўналишга солувчи маълум дастурни ишлаб

¹А. Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: 1992. 43-бет.

чиқишга зарурат туғилади. Иккинчи масалани амалга ошириш учун эса шахснинг ҳиссий-эҳтиёж соҳасидаги талабларини (моддий ва маънавий, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни яхшилаш, меҳнатни ташкиллаштиришнинг самарали йўлларини ишлаб, чиқиш) рағбатлантиришни қондирувчи имтиёзли шароитлар яратиш тақозо этилади.

Педагогик фаолиятни фаоллаштиришда бошқарув дастурининг сифати, яъни аниқлиги, реал шароитга асосланганлиги, пировардида юқори натижа бериши, ишланганлик даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир соҳага оид дастурлар алоҳида хусусиятларга эга бўлади, бироқ уларнинг барчасида қуйидаги қонуниятлар кузатилади: бажариладиган иш қай даражада кўпроқ ижодий меҳнатни талаб қилса, жамият шу даражада инсонпарварлашиб ва демократлашиб боради, чеклашлар қай даражада кам бўлса ташаббус билан ишлаш даражаси шунча ортиб боради.

21.2. Педагогик жамоа – ўқув муассаси бошқаришнинг объекти

Республикамиз ҳукумати томонидан таълим соҳасида ўртага қўйилаётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан педагогик жамоага боғлиқ. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шароитида таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришиш вазифаси асосан педагогик жамоа зиммасига юклатилган. Бу ўз навбатида ўқув муассасасини бошқарадиган раҳбарнинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Қайси ўқув муассасасида ички ва ташқи назорат яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша таълим масканида таълим-тарбия ишлари ҳам изчил бўлади. Педагоглар жамоаси ишини системали назорат қилиш бир томондан ҳар бир педагогнинг ўз иши учун масъулиятини оширади ҳамда ўз фаолиятида учрайдиган камчиликларни вақтида аниқлаш ва тузатиш имконини беради.

Таълим муассасаси ишини ҳар жиҳатдан тўғри ташкил қилиш, унинг самарадорлиги натижаси гаровидир. Бу эса жамоа меҳнати жараёнларини оқилона йўлга қўйишни тақоза этади. Бинобарин, ёшларни тарбиялаш кўплаб кишиларнинг умумий меҳнати жараёнида ҳал қилинар экан, демак бу меҳнатнинг муваффақияти кўп жиҳатдан уларнинг кучлари қанчалик тўғри йўналтирилганлигига, мақсадлар бирлиги ва ҳаракатлар мувофиқлиги қандай таъминланаётганлигига боғлиқдир. Акс ҳолда биргаликда қилинаётган жамоа меҳнатининг самарадорлиги пасайиб кетиши мумкин. Умум мақсадларга эришиш йўлида ўқитувчи-педагоглар ўртасида ҳамжиҳатликни таъминлаш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини изчил йўлга қўйиш, мактабни бошқаришнинг муҳим вазифаси бўлиб, бу вазифанинг пировард натижаси асосан раҳбарнинг фаолиятига боғлиқ.

Таълим муассасасини бошқаришда раҳбар:

1.Тизимни ташкил этишни ишлаб чиқиши, тадқиқот, лойиҳалаш ишларини йўлга қўйиб иш тартибини белгилаши, шошма-шошарликка йўл қўйилмаслиги.

2.Амалий иш бажаришнинг белгиланган тартибда ва тизимга мувофиқ бажарилаётганини текшириш.

3.Иш меъёрининг бузилишига йўл қўймасликни, кийинчилик ва тўсиқларни ўз вақтида бартараф этилишини кузатиши ва шу сингари бошқа муҳим ишларни амалга ошириши лозим.

Демак, таълим муассасаси раҳбари иш фаолиятини 4 босқичга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1.Олинган ахборот асосида қарор қабул қилиш. Ишнинг вазифаларини ва йўналишларини белгилаш. Маълум объектив маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш. Яқин истиқболли режаларни белгилаш. Ишнинг мавжуд ҳақиқий аҳволини белгилаш, уларни таққослаш, имконият даражаларини ҳисобга олиш, вариантларни танлаш, муассасанинг ривожланиш йўлини белгилаш ва бошқалар.

2.Тегишли янги қарорларнинг асосий ғояларини уларни ижро қилувчиларга тушунтириши, олинган маълумотларга асосан ишни кўриб чиқиб, камчиликларни тузатиши, бу вазифаларни амалга оширишда ўқув-тарбияга оид тадбирларни амалга ошириши, кадрлар танлашдан тўғри фойдаланиши ва ҳоказолар.

3.Таълим-тарбия жараёнининг ҳақиқий аҳволи тўғрисида доимий ишончли маълумотлар олиб туриши, давлат дастурларининг бажарилишини, талабаларда ягоналикка эришилишини назорат қилиши, ўқитувчилар ва бутун жамоанинг ҳисоботларини эшитиб бориши ва бошқалар.

4.Фавқулодда юзага келган камчилик ва нуқсонлар ҳамда тўсиқларни бартараф этиши, интизомга оид суҳбатлар ташкил қилиши, шикоят ва илтимос билан келган ота-оналарни қабул қилиши, муассасани бошқаришнинг асосий вазифаларидан чалғитмайдиган ишлар ва топшириқларни бажариши ва ҳоказолар.

Ҳар ўқув йилининг охирида педагоглар жамоаси фаолияти яқунлари муайян шаклда аниқланади ва баҳоланади. Мазкур жараён бундан кейинги ишларнинг ташкил этувчиси ва бошланиши бўлиб хизмат қилади. Педагог ўқув йили охирида қилинган барча ишлардан олинган натижаларни солиштириб у ёки бу методларнинг қанчалик муҳим эканлигига баҳо бериши ва шу асосда тажриба тўплаши, ўз ишини такомиллаштириб бориши мумкин.

Йил давомида педагоглар жамоасида муҳокама қилиш учун барча педагогларнинг бир хилдаги тушуниши мумкин бўлган принципиал масалаларни қўйиб бориш ҳам яхши натижа беради. Жамоа раҳбари маънавият-маърифат борасидаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини, машғулотларга, суҳбатларга, мажлисларга, турли мавзулардаги йиғилишларда мунтазам қатнашиш ҳамда ота-оналар, талабалар,

педагоглар билан доимий суҳбатлар ўтказиш орқали ўрганиб боради ва айрим жузъий камчиликларни йўл-йўлакай тузатиб боради.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, демак, жамоа раҳбари ва жамоа аъзоларининг фаоллигисиз, таълим-тарбия ишларида самарали натижаларга эришиб бўлмайди. Шу сабабли таълим муассасаси раҳбари доимо уларнинг кучига таянган ҳолда иш юритиши ва улар билан мунтазам равишда алоқада бўлиб туриши зарур.

21.3. Педагогик фаолиятни фаоллаштириш

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида энг юксак натижаларга эришиб фаолиятнинг юксак даражада баҳоланиши ва ҳамма томондан тан олинганини истамайдиган педагог топилмаса керак. Бунга эришишни, ана шу хил орзунинг ушалишини педагогик маҳорат деймиз. Хўш педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нимадан иборат? Унга қандай эришса бўлади? Ҳозирги замон педагогика ва психология соҳасидаги мактабларда «Педагогик маҳорат» тушунчаси турлича изоҳларга дуч келамиз. Бу тушунчанинг моҳиятини бир мунча тўлароқ аниқроқ таърифни «Педагогик энциклопедия»да берилган Бизнингча, бошқаларга нисбатан бу таъриф педагогик маҳорат мазмунини ва моҳиятини бир мунча тўғри ёритади.

«Тарбия ва ўқитиш юқори даражага эришиши ва уни доимо такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи санъат бўлиб, талабага меҳр қўйган ва ўз касбини севган ҳар бир педагогнинг қиладиган иши. Ўз ишининг моҳир устаси бўлган педагог – бу юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, фаннинг ёки санъатнинг тегишли соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиётини мукамал эгаллаган мутахассисдир».

Бу таърифни яхши тушуниб, унинг унинг маъно моҳиятини таҳлил этадиган бўлсак, Ушбу таърифда педагогик маҳорат тушунчаси мазмунга қирадиган қуйидаги масалаларни ажратиш мумкин бўлади:

1. Умумий маданиятнинг юқори даражаси ва билимдонлик ва ақл-заковатнинг юксак кўрсаткичи;
2. Ўзининг ўқитаётган фанига доир кенг ва чуқур билим соҳиби;
3. Педагогика, умумий ва педагогик психология каби фанлар соҳасидаги билимлар билан қуролланганлик, уларда ўқитиш ва тарбиялаш ишлари тажрибасида эркин ва усталик билан фойдалана билиш;
4. Ўқув-тарбия ишлари методикасини мукамал эгалланганлик.

Педагогик маҳоратнинг мазмунида қуйидаги ўзаро боғлиқ бўлган асосий қисмларни ажратиш мумкин:

- педагогик инсонпарварлик йўналиши;
- ихтисослик, мутахассисликка доир билимлар;
- педагогик қобилият;
- педагогик техника (кўникма-иктидор).

Педагоглик дунёдаги энг қадимги касблардан биридир. Унинг ижтимоий аҳамияти ҳеч қачон камаймайди, сўнмайди. Педагоглик касби бир қатор муҳим талабларга жавоб бериши керак

Ҳозирги даврда, биз мустақил демократик ҳуқуқий давлатда фаолият кўрсатадиган педагог қандай бўлиши керак? Ҳозирги замон педагогининг шахси учун энг муҳими – бу инсонпарварлик йўналишидир. Педагог жуда юксак даражада умумий маданиятга эга шахс бўлиши лозим. У жуда кўп нарсани билиши керак, ҳозирги замонда ўзи ўқиётган фан соҳасидаги ютуқлардан, янгиликлардан хабардор бўлиши керак, ўз ўқувчиларини ҳар куни ўқишга ўргатиб бориши учун ўзи мунтазам ўқиб ўрганиб, ўз билимини тўлдириб, чуқурлаштириб бориши керак.

Демак, педагог педагогик маҳоратнинг асоси ўз устида ишлаб бориши – мустақил ўқишдир.

Фан ва маданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилишидан келиб чиқади. Бу фалсафий ақида давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий қонуният ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин таълим-тарбия соҳасида, миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида, миллий урф-одатлар, турли-туман анъаналарни жойга қўйиш, миллий кадриятларни янада ривожлантириш хусусида жуда кескин ва буюк бурилишлар бўлгани барчага аён дир. Давлатнинг буюк келажаги, албатта ёшларни чуқур билимли ва покиза одоб-ахлоқли қалб эканини ёддан чиқармаслик лозим. Бу катта муаммода маҳоратли, билимли педагогларни ўрни муҳим ва педагогик маҳорат фанининг роли улкан.

21.4. Таълим муассасини бошқариш концепцияси

Республикамиз мустақиллиги шароитида таълим бошқарувини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш таълим таракқиётини хал қилувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун бошқарувни демократик, адолатли, изчил, таҳлилий олиб бориш диққат марказида туради.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига мувофиқ олий таълимни бошқаришни қуйидаги босқичлари кўзда тутилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг ваколати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- олий таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боради;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатланган давлат идораларига, шу жумладан олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ)га раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини барпо этиш, қайта тузиш, тугатиш тартибини белгилаш;

- таълим муассасаларини аккредитациялаш, педагог ва илмий ходимларни аттестациялаш тартибини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикасидаги бошқа давлатлар таълим муассасаларига таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олиши учун рухсат бериш;
- чет давлатларнинг таълим стандартларини тасдиқлаш;
- маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат гранти миқдорини ва таълим муассасаларига қабул тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасалари ректорларини тайинлаш;
- таълим олаётганларни аккредитацияланган бир таълим муассасасидан бошқасига кўчириш тартибини белгилаш;
- қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлар.

2. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат идораси (ОЎМТВ), унинг ваколатига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим ва бошқа муассасаларга методик раҳбарликни амалга ошириш ва раҳбарлик қилиш;
- давлат таълим стандартлари талаблари, таълим даражаси ва мутахассисларни касбий тайёрлаш сифатига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;
- ўқув жараёнига ўқитишнинг илғор шаклларини янги педагогик технологиялар ва ўқитишнинг информацион воситаларини жорий этиш;
- ўқув ва ўқув-методик адабиётлар яратиш ва нашр этишни ташкил этиш;
- таълим олаётганларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги ва таълим муассасасидаги экстернет тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш;
- педагог ходимлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат олий таълим муассасасига ректор тайинлаш тўғрисида таклиф киритиш;
- қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлар.

Олий таълим соҳасидаги бошқарув билан шуғулланувчи шахсларга юксак даражадаги маъсулиятлилик, ваколатлилик ҳамда тартиб, маъмурий қоидаларни ички ва ташқи воситалар ёрдамида мунтазам самарали баҳолаш қобилияти хос бўлиши лозим.

21.3. Олий таълим муассасалари. Давлат ОТМ бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган ректор томонидан бошқарилади. Давлатга алоқадорсиз ОТМда ректор таъсисчи (мулк эгаси) томонидан тайинланади.

Ректор “Олий таълим тўғрисида”ги Низомга мувофиқ таълим муассасасининг иш натижалари учун маъсулдир. У Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ таълим муассасаси номидан фаолият кўрсатади, барча идоралар, муассасалар ва корхоналар билан уни

намоён этади, мулкни тасарруф этади, шартномалар тузади, ишончнома беради, банкда таълим муассасанинг ҳисоб рақамини очади, кредитларни тақсим қилувчи ҳисобланади.

Ректор ўз ваколати доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

- барча ходимлар, талабалар ва бошқа таълим олувчилар учун буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- бош муҳосибни ишга тайинлайди ва ундан бўшатади;

- илмий-тадқиқот, тажриба-эксперимент ва бошқа таълим муассасаси таркибига кирувчи ташкилотлар, бўлинмалар ваколатини белгилайди;

- ишчи, хизматчилар, шунингдек илмий-педагог ходимларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ва меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишни амалга оширади;

- таълим муассасаси ходимлари лавозим маошига устама ва кўшимчалар белгилайди;

- ички тартиб қоидаларини касаба уюшмаси ёки бошқа ваколатли орган ходимлари билан келишиб тасдиқлайди;

- қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларини амалга оширади.

Таълим муассасаси фаолияти асосий масалаларини кўриб чиқиш учун унда Илмий кенгаш тузилади. Унинг таркиби, ваколати, шакллантириш тартиби ва фаолияти таълимни бошқариш бўйича давлат ваколатли идораси - ОЎМТВ тадиқланган "Илмий кенгаш тўғрисида"ги Низомда белгиланади.

ОТМда, жамоатчилик бошқаруви органи бўлмиш Мураббийлик кенгаши тузилади. Унинг такибига таъсисчи, ҳокимият маҳаллий органининг, ишбилармонлар доирасининг, бошқа таълим муассасаларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг, ҳомийларнинг вакиллари киради.

Талабалар ва илмий-педагог ходимлар манфаатини ёклаш, уларни ҳимоя қилишни таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси амалга оширади.

Олий таълим соҳасидаги раҳбарлик вазифаси жиддий ижтимоий маъсулиятдир. Унинг аҳамияти шу соҳадаги барча ҳамкорлар, шу жумладан ўқитувчи ва таълим олаётганлар барчаси билан эркин мулоқот йўли билан сезиларли даражада оширилиши мумкин.

Умумий манфаатлар, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосидаги ҳамкорлик олий таълимни янгиланишнинг асосий усулидир. Ҳамкорлик таълим сиёсатини миллий ва тузилмавий микёсда ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишда маъсул шахслар ўртасида, профессор-ўқитувчилар ва талабалар, ОТМ маъмурияти техник ходимлар, меҳнат соҳаси, ОТМлар, жамоатчи гуруҳлар ўртасида мавжуд бўлиши мумкин.

21.5. Педагогик фаолиятни бошқариш дастури

Ушбу қонуният ўқитувчилардан ташаббусни, мустақил қарор чиқара олишни, ўз вазифасига ижодий ёндошувни талаб қилувчи педагогик фаолиятга ҳам том маънода тааллуқлидир. Шу сабабли бу соҳада бажарилиши қатъий талаб этиладиган директив дастурларнинг қамроқ қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун, бундай дастурларда иш тартиби, ҳужжатларни юритиш ва меҳнат фаолиятининг охириги натижасига аниқ талабларни белгилаш билан чекланиш мумкин. Таълим натижасига белгиланадиган талаб қатъий белгиланади ва у давлат таълим стандартларида расмийлаштирилади. Педагогик фаолиятнинг сифат кўрсаткичи эса, мос равишда таълим олувчиларнинг ушбу талаблар даражасига мувофиқлигида ўз аксини топади. Демак, директив бошқарув дастурларидан воз кечиш педагогларга чекланмаган эркинлик берилишини аниқлатмайди. Ушбу йўналиш эътиборини таълим жараёни усуллари ва мазмунидан унинг якуний натижасига кўчирилишига қаратилган.

Бажарилишининг мажбурийлиги нуқтаи назаридан бошқарув дастурларини информатив ва директив турларга ажратиш мумкин. Жумладан, матбуотда нашр этилаётган турли илмий-методик тавсиялар информатив дастурлар ҳисобланади ва уларнинг бажарилиши мажбурий деб белгиланмайди. Педагоглар улардан фақат ўзи учун зарур деб билган қисмини бажариш ҳуқуқига эга. Информатив дастурларни бажариш тўлалигича педагогнинг хоҳиши, унинг эҳтиёж ва истакларидан келиб чиқиб белгиланади. Директив ҳужжатларнинг бажарилиши мажбурий бўлиб, у тегишли тартибда назорат қилинади. Жамиятимизнинг демократлашиб бориши натижасида информатив дастурларга бўлган эҳтиёж ортиб бориши кузатилмоқда.

Таълим муассасасини бошқариш концепциясини қўлаб бошқарув ғояларини ўзида мужассамлаштирган ташкилий модел сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Фаолият нуқтаи назаридан ёндашилганда, бошқарув моделида қуйидаги таркибий элементларни учратиш мумкин: мотив, мақсад, режалаштириш, жорий ахборотларни таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш, ҳаракат, натижаларни баҳолаш ва тизимга тегишли тузатишлар киритиш.

Бошқарув жараёни даврий характерга эга бўлиб, мазкур даврларнинг ҳар бири ўз давомийлиги, татбиқ этилиш соҳаси, вазифалари ва ечимига эга. Бошқарувнинг алоҳида олинган даврини қуйидаги жараёнларни қамраб олган бўғин сифатида тасаввур қилиш мумкин:

1. Ахборотларни қабул қилиш ва уларнинг таҳлили.
2. Бошқарув қарорининг қабул қилиниши.
3. Таълим муассасаси фаолиятини режалаштириш.
4. Режани бажариш учун ишни ташкил қилиш.
5. Ҳисоб-китоб, назорат ишлари ва натижаларини таҳлил қилиш.

21.6. Таълим муассаси бошқарувининг педагогик йўналтирилганлиги

Ўқитувчи - таълим микёсида раҳбар, у фанларни ўрганишда йўналишларни кўрсатади ва таълим олувчиларни тарбиялайди.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур мақсад ва вазифаларни ҳал этиш биринчи галда қуйидаги талабларни қўяди:

- олий таълим тизимидаги ўқитувчилар, илмий кадрлар, ходимлар, касбий-малакавий, маданий-таълимий, иқтисодий ва ҳуқуқий даражасини ошириш;

- давлат ва ижтимоий муҳофазасини такомиллаштириш, шунингдек тарбиячи, Ўқитувчи ва илмий ходим касби обрўсини кўтариш.

Узлуксиз таълим тизимини ислох қилиш муаммолари ҳақида сўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов шундай деган эди: «Ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг турмуш эҳтиёжларини таъминлашимиз, касблари обрўсини кўтариш учун улар меҳнатини рағбатлантиришимиз лозим». Яна давом этиб: «... уни (мазкур муаммони) ҳал этмай келажак авлод тарбияси ҳақида гапириш ҳеч қандай маъно касб этмайди».

Ўқитувчи меҳнатининг устиворлиги уч «нуктага таянади»:

- биринчиси - ўқитувчининг малакаси, маданий ва маънавий даражаси;

- иккинчиси - таълим олувчилар саводлилиги ва касбий малакаси учун ўқитувчиларнинг маънавий жавобгарлиги;

- учинчиси - *моддий ва ижтимоий таъминот*, келгуси авлодни гармоник ривожланишга тайёрлашда ўқитувчи меҳнатининг аҳамияти, малакали кадрлар тайёрлаш орқали иқтисодиётни кўтаришдаги ўрни.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мужассам талаблар қўйилади, булар замонавий ўқитувчи моделини умумий тарзда ташкил этади (7.02-расм). қуйидагилар асосий талаблар ҳисобланади:

-*ўқитувчи уддасидан чиқиш;*

-*тарбиялашнинг уддасидан чиқиш;*

-*шахсий сифатлар;*

-*таълим олувчилар билимини объектив баҳолаш ва назорат қилишнинг уддасидан чиқиш;*

Ўқитувчининг уддалай олишига ўз навбатида кўпгина муҳим омиллар таъсир этади:

-*ўқув жараёнини қўллаб-қувватлаш ва унинг муҳити;*

-*ўқитувчиларнинг руҳий-педагогик тайёргарлиги;*

-*касбий маълумот манбаи сифатида чет тилларини билиш;*

-*фанни чуқур билиш, касбий ваколатлилиги ва иқтидор;*

-*янги педагогик технологиялардан хабардорлик;*

-*илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишлари янги методик ва билимлар манбаи сифатида;*

-*ўз ишини такомиллаштиришга мунтазам интилиш;*

- узлуксиз таълим тизими меъёрий ҳужжатларини яхши билиш;
- компьютер технологиясини эгаллаган бўлиш;
- информация базаси ва ресурслар.

Тарбиялашнинг уддасидан чиқиш ўқитувчининг маданияти ва маънавияти), унинг шахсий хулқ-атвори ва обрўсига, ватанпарварлик ва бурчни ҳис этишига юқори даражасига таянади. Таълим олувчиларда яхлит олам қиёфасини, юқори маданият, маънавият ва жаҳон миқёсида фикрлашни шакллантириш учун ўқитувчи кенг гуманитар ва инсонпарварона тайёргарликка, шунингдек ўқув тарбия ишини ташкил қилиш малакасига эга бўлиши лозим.

Шахсий сифатлар бўлиб, ўқитувчидаги *талабчанлик* ва *адолатлилик* ва *хайрихоҳлик*, *мулозаматлилик* ва *мутойибани ҳис этиш ҳисобланади*. Бу сифатлар таълим олувчилар учун ўқитувчининг *референтлиги* (кадрлиги)ни белгилайди.

Объектив баҳолашнинг уддасидан чиқиш таълим олувчиларнинг билими руҳий – педагогик маънода ўқита билишлик ва тарбиялай олишлик билан чамбарчас боғлиқдир.

Объектив баҳолаш воситаларига нимаики тааллуқли бўлса, ўқитувчи уларни билиши шарт ва аъло даражада фойдаланиши лозим.

Бу рейтинг назорат, стандартлаштирилган тестларни ишлаб чиқиш ва қўллашни уддалай олиш ва б.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқадиган ўқитувчининг умумлашма модели шундан иборат. Мазкур модел олий таълим ўқитувчиларига мос келиши керак.

Ана шу мувофиқликка эришиш учун, аввало, «Ўқитувчи ким бўлиши керак?» деган саволга жавоб бериши зарур. Шундан кейин малака ошириш ёки ўқитувчиларни, яъни мазкур мувофиқликни таъминловчи қайта тайёрлашнинг зарур хажми ва мазмуни белгиланади.

21.7. Маънавий-ахлоқий, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида раҳбар ва унинг шахси

«Раҳбарлик қилиш» сўзига изоҳли луғатда бошқариш, маслаҳат бериш, кузатиш, йўналтириш, кўрсатма бериш каби таърифлар берилган. Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги даврда раҳбарлар зиммасига юклатилган талаблар жуда кўпдир. Уларни қуйидаги беш йирик гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Маънавий етуклик.

- сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий етуклик;
- маърифатлилик ва маданиятлилик;
- ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қодирлик;
- топширилган иш учун шахсий жавобгарликни ҳис қилиш, ҳалоллик, виждонлилик.

- ташаббус ва илғорликни қўллаб-қувватлаш қобилияти.

2. Интизом ва меҳнатга бўлган муносабати.

- меҳнатсеварлик; жамоа ўртасида интизомни йўлга қўя билиш;
- атрофдагиларда меҳнатсеварлик фазилатларини тарбиялай билиш;
- ишни режали олиб бориш.

3. Билим даражаси.

- иқтисодиётни, техника ва технологияни билиши;
- бошқариш илмини, функциялари ва тузилишини билиши;
- истиқболни билишга қодирлиги.

4. Ташкилотчилик қобилияти.

- ходимларни танлай билиш ва улардан самарали фойдаланишни уддалай билиш;
- қўл остидагиларни меҳнатга ўргатиш ва тарбиялаш салоҳиятига эга бўлиш;
- жипслашган жамоани вужудга келтира олиш;

5. Бошқариш самарадорлигини таъминлай олиш.

- бошқаришни коллегиял тарзда ташкил қила олиш қобилияти;
- иш ҳақида қисқа ва аниқ гапириш қобилиятига эга бўлиш;
- турли манбалардан иш учун зарур ахборотларни олиш қобилияти;
- бошқарув органи қарорларини бажариш устидан назоратни таъминлай билиш.

Ҳар бир раҳбар психологик билимлар билан бир қаторда муайян педагогик билимларга ҳам эга бўлиши керак. Айнан шу билимлар ёрдамида ёрдамида у ходимларга уларни тарбиялаш ва мукамаллаштиришларига янада самарали таъсир кўрсатувчи шакл ҳамда усулларни топиш мумкин.

Раҳбар қуйидаги муаммоларни ҳал этиши керак:

- ақлий ривожланиш (ходимларнинг умумий ва касбий маълумоти);
- маънавий бойиш (маданий тадбирлар ташкил этиш, этик муаммоларни ечиш);
- муомала маданиятини юксак даражага кўтариш.

Бунда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш лозим:

- эзгу идеаллар билан машғул бўлиш;
- шахсий хислатларни такомиллаштириш.

Тарбиявий таъсир раҳбарнинг қуйидаги омилларни билишига боғлиқ:

- ходим маданияти ва маълумот даражаси, унинг ахлоқий касбий ва ҳаёт тажрибасининг қай даражада ривожланганлиги;
- жисмонан соғломлиги, маънавий баркамоллиги;
- индивидуал, ижтимоий-руҳий сифатлари;
- меҳнат жамоасидаги ижтимоий-руҳий муҳит;
- ахлоқий-маъмурий чорага ходимнинг муносабати.

Табиийки, тарбиявий таъсир умумий ва қотиб қолган бўлмаслиги лозим, чунки юқорида қайд этилган омиллар орқали ҳар бир муайян шахс учун ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Шунинг учун тарбиявий таъсир ҳар бир шахснинг ўзига қаратилган бўлиши керак, бу эса раҳбар тарбиянинг турли-туман усулларида хабардор бўлишини тақоза этади.

Раҳбар тарбиявий таъсирни амалга оширишининг қуйидаги таъбир жоиз бўлса, «технологик тамойиллари» мавжуд:

1. Руҳий ўзига хослик, яъни шахсга тарбиявий таъсир ўтказишдан олдин унинг индивидуал, ижтимоий-руҳий сифатларини англаш лозим;

2. Маънавий мотивлар – ўзига бўйсунувчилар олдида юкори даражадаги хулқ-атвор эгаси эканлигини шахсан намоён этиш;

3. Якка тартибда ёндашиш, бу – ҳар бир шахснинг ўзига хос бўлган «аъло» томонини излаш;

4. Меҳнат фаолиятининг талабларига мослашиш, бу – ходим аклий имкониятини аниқлаш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича муаммони ҳал этиш;

5. Шахсий мўлжал. Бу – ходимда ноёб қобилият куртакларини ўстириш ва уларни ривожлантириш.

Умуман олганда, раҳбар ходимга тарбиявий таъсир кўрсатар экан, Г.Сальенинг қуйидаги сўзларини ёдда тутиши фойдадан холи эмас: «Шуни унутмангки, ҳамма учун мос андоза йўқ. Биз, ҳаммамиз – турли тоифадамиз ва муаммоларимиз ҳам турлича».

21.8. Бошқарув фаолиятини амалга оширишда маркетинг

Бугунги кунда касбий таълим муассасалари ҳам бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида фаолият кўрсатиши ва таълим олувчиларни рақобатбардош қилиб тайёрлаши талаб этилади. Бунда таълим муассасасининг маркетинг хизмати муҳим ўрин тутди. Маркетинг тадқиқотлари кенг соҳадаги бир қанча масалаларни ўз ичига қамраб олади:

- қисқа (1 йилгача) муддатли ижтимоий-педагогик прогнозлар;
- узок (1 йилдан ортиқ) муддатли ижтимоий-педагогик прогнозлар;
- бозорнинг жорий ва истиқбол потенциалини ўрганиш;
- битирувчиларнинг ишга жойлашув статистикаси таҳлили;
- янги соҳалар мутахассисларининг иш ўринларини ўрганиш;
- янги иш ўринларини яратишнинг йўналишларини тадқиқ қилиш;
- бозор нархларининг белгиланиш характерини ўрганиш;
- таълим муассасаси иш фаолиятининг самарадорлигини белгилаш.

Таълим муассасаси бошқарувининг педагогик йўналиши барча имкониятларни асосий мақсад - ёш авлодни ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасига муваффақиятли кириб боришини таъминлашга қаратилган бўлади. Таълим муассасаси раҳбари томонидан олға суриладиган режалар ва муҳим тадбирлар жамоада муҳокама қилиниши ҳамда мувофиқлаштирилиши лозим. Раҳбарнинг бу борадаги ҳаракатлари қўйилган вазифани амалга оширишга изчил ва қатъий ёндашиб борилганда доимо қабул қилинади ва қўллаб-қуватланади. Ўқув юрти раҳбари жамоада ўз ишини ўзаро ҳурмат ва талабчанлик асосида ташкил этиши лозим.

Раҳбарлик қилувчининг шахс ўз хатти-харакатлари билан жамоага ибрат кўрсата олиши амалга ошириладиган катъий чораларнинг тушунилиши ва ижобий самарасини таъминлайди.

Агар раҳбар ўз соҳасининг билимдони, дейлик у яхши бир педагог бўлиши мумкин ёки бўлмаса у ажойиб инсоний фазилатлари билан одамларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган, уларни нимагадир оғдириш, нимагадир ишонтириш, нимагадир ундаш ёки нимагадир эргаштиришни койилмаком килиб уддалай оладиган бўлсин. Лекин у кундалик ташвишларидан ортиб, ўз устида ишламаса, бугунги куннинг долзарб муаммолари, дунё микёсида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса, бундай раҳбар ўзи истамаган ҳолда тузатилмас хатога йўл қўйиши ҳеч гап эмас. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек "...бугунги ҳаёт шиддати, воқеалар ривожини шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, баъзи ўринларда афсуски кеч қоляпмиз".

Жамият ҳаётининг турли соҳаларида глобал ўзгартиришларни амалга оширишнинг энг муҳим муаммоларидан бири бошқарувчи кадрлар муаммосидир. Таълим ҳам жамиятнинг таркибий қисми сифатида ҳозирги замон шароитида ўқув юрти ишида бошқариш назариясидан фойдаланиш муаммоларининг янада ривожлантирилишига эҳтиёж сезади.

Раҳбарлар-раҳбар-менежер жамоасини шакллантириш мураккаб масаладир. Ҳаётнинг ўзи, бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик амалиёти бу масала унинг ҳал этилишига кўмаклашади. Бироқ кўп нарса кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, бошқарувнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва ёйиш, бошқарув фани ютуқларини амалиётга татбиқ этиш бўйича мақсадга йўнатирилган ишга ҳам боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти тизимида ўтишнинг аниқ йўллари билан бири бозор шароитида бир неча юз йилдан бери яшаб келаётган илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганишдан иборат. ХХI асрда бундай тажрибанинг жуда қимматли аспектидан бири кенг ҳажмли "менежмент" тушунчаси билан камраб олинадиган фаолият ва билим соҳасидир. Бунда "менежмент" тушунчаси бошқариш вазифасини касб сифатида амалга оширувчи одамлар-менежерларни ҳам англатади.

Бошқарувни ҳали жуда ёш, фанлараро ранг-баранг ютуқларига таянадиган илмий ва амалий билимнинг касби сифатида англаб етиш ҳозирги замон цивилизациясида мустаҳкам ўрин тутмоқда. Булар ХХ аср бошида Ф.Тейлорнинг "Илмий бошқарув", М.Вебернинг "Идеал бюрократия", А.Файолянинг "Маъмурият фани" каби асарларда ўзининг аниқ ифодасини топган. Бу билим соҳаси дастлаб бошқарувда катъий ва ягона рационализм (амалийлик) йўлидан борди. Бироқ бу менежментда рационализмнинг барча афзалликларига қарамасдан, кўпчилик ҳолларда янги иқтисодий-ижтимоий шароитларда ўқув юртларининг иш самарадорлигини оширишда энг яхши йўл ҳам эмас экан. Бошқариш билимлари тизимида бошқариш рационализмининг чекланганликдан таъсирланиши сифатида бошқа феъл-атворий йўналиш мустаҳкам қарор топдики, бу ташкилотларда

бошқаришнинг реал моҳиятини тушунишни чуқурлаштириш учун психология, социология, маданий антропология ютуқларини кенг жалб қилишга асосланган. Бу йўналиш асосида "одамлар орасидаги муносабатларни" такомиллаштириш, "инсон омилини" ишга солиш, муҳандис-педагог, иқтисодчи-педагог ва бошқа ходимларнинг бошқарув жараёни ихтиросини ривожлантириш, пешқадамлик самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар амалга оширила бошланди.

Бошқарув тафаккури учун назарий ва амалий жиҳатдан бугунги кунда энг хос нарса нима? Адабий манбаларни таҳлил этишнинг кўрсатишича иккита янги оқим энг кўп кўзга кўринмоқда.¹

1. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, жаҳон иқтисодиётида рақобат ва ўзаро боқлиқликнинг ўсиши, транснационал корпорацияларнинг ривожланиши, халқаро ахборот тизимларнинг яратилиши, интеграция хусусиятли бошқа тузилмалар муносабати билан юзага келган янги воқеаликларни жамоавий тафаккур қилиш.

Бошқариш бўйича кўплаб адабиётларнинг чоп этилиши, миллионлаб одамларга тушунарли бўлган менежмент бўйича дастурларнинг тарқалиши, турли мамлакатларнинг бошқариш тажрибасини текшириш орқали умумлаштириш, ҳолатларни ишлаб чиқиш, олимлар ва амалиётчиларнинг халқаро кенг алоқалари воситаси орқали «бошқариш» фани унга эҳтиёж сезаётган барча кишиларнинг мулкига айланмоқда.

2. Сўнгги йилларнинг хусусияти шундаки, бошқаришнинг оғир юкини ўз зиммасига олаётган ёки шу йўлга қадам қўяётган раҳбарларнинг тушунишлари ва фойдаланишлари учун кучлари етадиган бўлган, яхши ўзлаштириладиган рецептларга ҳамда ҳақиқатларга мурожаат қилинмоқда. Менежмент фан сифатида ўзининг бутун серкирралилиги билан ўз йўли бўйича ривожланмоқда ва улкан истиқболга эришмоқда.

Шу билан бирга ҳозирги вақтда аҳолининг кенг қатламлари ҳам бошқариш ғояларига ва самарали бошқариш рецептларига астойдил қизиқмоқдалар. Мазкур мавзу бўйича Д.Карнеги., У.Оучи., Т.Питер., Р.Уотермен каби муаллифларнинг қизиқарли ва жонли тил билан ёзилган китоблари, Л.Якокки, Г.Форд, А. Морит каби бир қатор йирик шахсларнинг мемуар асарларининг дунё юзини кўрганлиги фикримизнинг далилидир. Ҳатто мақсадлар бўйича «бошқариш», «оғишлар бўйича бошқариш» атамаларига ўхшаш «бестселле бўйича бошқариш» атамаси пайдо бўлди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳозирги вақтда менежерларнинг сифати ва уларни тайёрлаш усулларигагина эмас, балки менежерларни касбий тайёрлашда раҳбарнинг ўзининг роли ҳам жиддий мунозараларга мавзу бўлиб қолмоқда. У махсус таълимга эга бўлган (кўпинча муҳандислик, ҳуқуқий, иқтисодий ва шунга ўхшаш билимларга қўшимча), профессионал бошқарувни касб қилиб олган.

¹С.С.Ғуломов ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари. - Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2000.

Қисқа хулоса

Таълим-тарбия ишларига янгича муносабат мустақиллик, маънавият негизи асосида ҳукумат қарорларида таълим ислохотларида олимлар ва ижодкор ўқитувчиларнинг изланишларида ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимидаги барча ўқув муассасалари ёш авлодга миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда, маънавиятни миллий меросимиз билан бойитишда, ёш ватанпарварларни тарбиялашда янгича иш услублари асосида ижодий ёндошмоқдалар. Ўқув тарбиявий жараёни бошқариш педагогик жамоа фаолиятини ташкиллаштириш орқали амалга оширилади. Шу сабабли ўқув муассасасини бошқаришнинг асосий объекти педагогик жамоа ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ушбу бобда ўқув-тарбиявий жараёни бошқариш, педагогик жамоа-ўқув муассасаси бошқаришнинг объекти, педагогик фаолиятни фаоллаштириш йўллари, таълим муассасасини бошқариш концепцияси, педагогик фаолиятни бошқариш дастури, раҳбар ва унинг шахси кабилар кўплаб мисоллар асосида баён қилинган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ўқув-тарбиявий жараёни бошқариш қандай амалга оширилади?
2. Педагогик жамоага таъриф беринг?
3. Маркетинг – нима?
4. Бошқарув фаолиятини амалга оширишда маркетинг тизими ҳақида сўзлаб беринг?
5. Бошқарув дастури қандай амалга оширилади?
6. Шахс ривожланишининг асосий психологик ва педагогик омиллари ҳақида сўзлаб беринг?
7. Шахс ривожланишини ҳаракатга келтирувчи қандай кучлар мавжуд?
8. Ўқув юртларида таълим жараёни қандай шаклларда амалга оширилади?
9. Менежмент – нима?
10. Раҳбарга шахсига қўйиладиган талаблар Синингча бугунги кун раҳбари қандай хислатларга эга бўлиши керак?

ГЛОССАРИЙ

Аксиология - кадриятлар тўғрисидаги фалсафий таълимот, аксиологик кадриятлар моҳияти.

Аксиологик ёндашув – инсонпарварлик педагогикасига ҳос бўлган хусусият, бунда инсон омилига ижтимоий кадрият ва жамият ривожланишининг пировард мақсади сифатида қаралади. Аксиологик тафаккур ўзаро алоқадаги ҳам ўзаро ҳаракатдаги дунё концепциясига асосланади.

Анкеталаштириш – анкета ёрдамида ижтимоий, иқтисодий, демографик, психологик, педагогик ва бошқа тадқиқотлар учун дастлабки материалларни йиғиш жараёни.

Ахборотли малака – таълим-тарбия масалаларига ахборотларни мослаштириш ва талқин қилиш малакаси.

Ахлоқ - шахснинг жамиятга ва бошқа кишиларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий хулқ қоидалари, у ижтимоий онг шаклларида бири.

Бошқариш – ташкил этиш, қарор қабул қилишга қаратилган фаолият, объектни ўз хизмат вазифаси доирасида назорат қилиш, тартибга солиш, ишончли ахборотлар асосида таҳлил қилиш ва яқун ясаш.

Вазифа – мақсад ва уни амалга ошириш босқичларининг ойдинлаштирилиши.

Давлат таълим стандарти – узлуксиз таълимнинг муайян босқичида шахс (мутахассис)нинг тайёргарлик даражаси ва мазмунига қўйиладиган минимум талаблар.

Дидактика – таълим ва ўқитиш назарияси ҳамда ўқитиш жараёнида тарбиялаш мазмунини ифодаловчи педагогиканинг таркибий қисми.

Изоҳлаш, тушунтириш – оғзаки изоҳ, ёритилиши лозим бўлган турли материалларни изоҳлаш, исботлаш, таҳлил қилиш.

Илмий муаммо – фан орқали ҳал қилинадиган асосий зиддиятлар.

Истиқболни белгилаш малакаси – ижтимоий ва билиш жараёнларини режалаштириш ва бошқариш.

Касбий – педагогик мулоқот – педагог ва талабанинг ўзаро зич ижтимоий-психологик алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар айрибошлаш, тарбиявий таъсир ўтказиш, коммуникатив воситалар ёрдамида ўзаро муносабатларини ташкил этиш ҳисобланади.

Касбий тайёргарлик – бўлажак мутахассиснинг психологик, психофизиологик, жисмоний ҳамда илмий-назарий ва амалий тайёргарлиги.

Касбий билимдонлик – педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёргарлик бирлиги.

Кузатиш – бирор педагогик ходиса бўйича аниқ фактик материал олиш мақсадини кўзлаган идрок этишининг ўзига ҳос шакли.

Кўникма – ўрганиш натижасида кўлга киритилган, беихтиёр, автоматик тарзда бажариладиган ҳаракат. Кўникмалар бирор ҳаракатни назоратсиз, автоматик тарзда бажариш қобилиятидир.

Лаборатория иши – асбоб-ускуналар ва бошқа техник мосламалардан фойдаланган ҳолда талабалар билан тажрибалар ўтказиш, бирор ҳодисани махсус жиҳозлар ёрдамида ўрганиш.

Маъруза – одатда олий ўқув юртида бирор фан мазмунини оғзаки баён қилишга асосланган ўқув жараёни, методи.

Малака – шахснинг ўзи эгаллаган билимлари асосида уларнинг янги шароитдаги янгиликлар билан бирга, маълум бир фаолиятни самарали бажариш қобилиятидир.

Мафкура - ғоя ва қарашлар тизими.

Метод – 1) табиий ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ қилиш, билиш усули; 2) ҳаракат қилиш усули, тарзи.

Мотив – маълум эҳтиёжларни қондириш учун асос бўладиган кишининг ички фаолият мазмуни.

Муаммоли ўқитиш – ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал қилинишида таълим олувчилар фаол мустақил ҳаракат қиладилар.

Педагогик жараён – таълим масалалари, унинг таракқиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва талабаларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.

Педагогик малака – муайян тоифадаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлган мутахассиснинг касбий педагогик тайёргарлиги даражаси ва тури.

Педагогик технология – 1) олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараённи амалиётга режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалани ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизимидир; 2) таълим-тарбия методларини у ёки бу тўпламини қўллаш билан боғлиқ бўлган педагогнинг узлуксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлари тизимидир; 3) таълим шаклларини оптималлаштиришга қаратилган, техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, қўллаш ҳамда белгилашнинг тизимли методидир.

Педагогик фаолият – таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

Фаолият – 1) онгли мақсад билан бошқариладиган кишининг ички (рухий), ташқи (жисмоний) фаоллиги; 2) атроф-муҳитнинг кишилар томонидан мақсадга мувофиқ қайта бунёд этилиши.

Шахс – 1) кишиларнинг ижтимоий хулқи, инсонлар орасида ўзини тутишини акс эттирадиган рухий сифатлари мажмуини билдирувчи тушунча;

2) турли-туман сифатлар тизимидаги кишининг рухий, маънавий моҳияти; 3) ижтимоий моҳият касб этган ва ўз-ўзини англаш қобилиятига эга бўлган киши.

Ўз-ўзини баҳолаш – шахснинг ўз психологик сифатлари, хулқи, ютуқлари ва муваффақиятсизликлари, кадр-қиммати, камчиликларини баҳолай олиши.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент “Шарқ” 2001 йил.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. “Ўзбекистон” 1997 йил “Шарқ”. 2001 йил. Олий таълим миёрий ҳужжатлари.
3. “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида Низоми” Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлдаги 200-сон қарори.
4. Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. ЎзР Президентининг қарори. 2012 йил 10 декабр.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказини ташкил этиш тўғрисида. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2012 йил 25 июл.
6. Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2012 йил 29 декабр.
7. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 феврал ПҚ – 1717 сонли қарори.
8. «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 - майдаги ПҚ-1761 сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

9. Каримов И.А. 2012 – йил ватанзимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган ЎзР ВМнинг мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи., № 14 (5414). 20.01.2012.
10. Каримов И.А. 2012 – йил Ватанзимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган ЎзР ВМнинг мажлисидаги маъруза. “Халқ сўзи”, № 14, 20.01.2012.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”. 2011.
12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, №

220, 13.11.2010 й.

13. Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т. “Ўзбекистон”. 2009 йил.
14. Ислом Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч.” Т. “Маънавият.” 2008 йил.
15. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

16. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълимга оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2000 йил 22 сентябр 251 сонли буйруғи.
17. 2012 йил 24 апрелда вазирликнинг “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг илмий-методик ҳамкорлигини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги 172-сонли буйруғи.
18. “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ЎзР Президентининг қарори. 2011 йил 20 май. № 1533.
19. “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг илмий-методик ҳамкорлигини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги Олий ва ўрта махсус таълим вазирликнинг 172-сонли буйруғи, 24.04.12.
20. “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2012 йил 28.05

Асосий адабиётлар.

21. Ходиев Баходир Юнусович, Голиш Людмила Владимировна. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари (биринчи босқич талабаларига ёрдам тариқасида): Ўқув-услубий қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010.
22. Саидов М.Х. Таълим кредити: механизми, хусусияти ва амалиёти. Таълим муаммолари. №2. 2006 йил.
23. Л.В.Перегулов, М.Х. Саидов Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. Т. «Молия» 2007 йил
24. Р.Мавлонова. “Педагогика”. Т., “Ўқитувчи”.2010.
25. Х.Ибрагимов. Педагогика назарияси. Т., “Фан”.2011.
26. Ж.Хасанбоев. Педагогика. Т., ТДПУ.2011.
27. Кузнецов В.И. Управления персоналом. М: Московский Государственной Университет Экономики, статистика и информатика. 2005

28. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Т. «Истеъдод»-2008.
29. М. Хакимова. Касбий педагогика. Т., ТДИУ. 2012.
30. Н. Файзуллаева. Ижтимоий педагогика. Т., ТДИУ. 2012
31. Маҳмудов И. Бошқарув психологияси. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2006.
32. Г. Султонова. Педагогик маҳорат. Т., ТДПУ. 2005.
33. Н. Файзуллаева. Ижтимоий педагогика. Т., ТДИУ. 2012
34. Каримова В., Хайитов О, Джалолова С. Бошқарув психологияси. Ўқув қўлланма. Т. 2008.
35. В. Каримова. Ижтимоий психология. Т., “Фан ва технология” 2012.
36. Г. М. Мусаханова “Умумий педагогика. Маърузалар матни. Т., ТДИУ. 2012.
37. И. П. Подласый. Педагогика. М., «Владос». 2007.
38. Н. Азизхужаева. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т., ТДПУ. 2003.
39. В. А. Слостенин, И. Ф. Исаев, А. И. Мищенко, Е. Н. Шиянов. «Педагогика» Москва. «Школьная пресса». 2004.
40. Петровский В. А. и др. Личностно-развивающее взаимодействие. - Ростов на Дону, 2002.
41. В. Бордовская. Педагогика: Учебное пособие. СПб.: Питер. 2008.
42. К. Хошимов ва бошқалар. Педагогика тарихи. Тошкент. «Ўқитувчи». 2003 йил.

Кўшимча адабиётлар

43. И. Иномов. Иқтисодий тарбия назарияси. Т., ТДИУ. 2009.
44. А. Холиқов. Педагогик маҳорат. Т., ТДПУ., “Иқтисод Молия”. 2012.
45. Н. Авлиёкулов. Педагогик технология. Т. 2012.
46. Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Тошкент, “Фан ва технология”, 2007.
47. Н. Файзуллаева. Таълим менежменти ва иқтисодиёти. Маърузалар матни. Т. ТДИУ. 2012.
48. Қ. Муфтайдинов. Шарқ иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., “А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”. 2002.

Даврий нашрлар. Статистик тўплам ва ҳисоботлар

49. Иқтисодиёт ва таълим. Журнал. 1-сон. 2011.
50. Таълим ва тарбия. Журнал. 2009 й. 3-4 сон.
51. Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истикболлар. Т., ЎзПФТИ. 2005.

Интернет сайтлари

52. www.lex.uz
53. www.thelearningweb.net. Та’лим тармоғ’и.
54. www.ZiyoNet.uz
55. www.Ref.uz